Аммофос бериш тартиби:

100 кг аммофосда _____ 22 кг N бор,

X _____ 70 кг N

$$x = \frac{70 \text{ кг N} \cdot 100 \text{ кг}}{22} = 318 \text{ кг} - \text{аммофос} * \text{берилади}$$

Қоидага мувофиқ ховуз сувга тўлдирилгандан кейин унинг суви гидрохимевий жиҳатдан таҳлил қилинади. Сувдаги азот ва фосфор миқдори аниқлангандан кейин минерал ўғит бериш тавсия этилади. Сув ҳарорати 12-15°C бўлганда ўғитланади.

Биринчи ўғитлаш ховуз балиқлангирилгандан кейин 8-10 кун ўтиши билан ўғитлангирилади. Ўғитлашнинг кейингиси 10-15 кун ўтгандан кейин такрорланади.

1-жадвал

Ховузни ўғитлаш нормаси

Ўғит номи	Ўғитлаш нормаси г/га
Аммиак селитраси	55-60
Оддий суперфосфат	70
Донадор суперфосфат	60
Иккиламчи суперфосфат	25
Сулфат аммоний	75
Аммофос	30-40

Ўзбекистонда вегетация даври 210-220 кун. Ўғитлаш нормасидаги кг/га ни 210 кунга бўламиз.

210 кун : 40 кг/га = 0,190 кг/кунига.

Агар ҳар 10 кунга бир маротаба ўғитлаш тўғри келса, 10 кун x 0,190 кг/га = 2 кг аммофос 1 гектарга ишлатилади.

2 кг аммофос 100-200 л сувга эритиб эрталаб соат 10 да сепиб чиқилади.

Юксак сув ўтлари (камиш, лух, рдест, шохбарг, хара) жадал равишда сувдаги азотни, фосфорни ўзлаштиради.

Шу сабабли ўсимлик босган жойларни ўғитлаш шарт эмас. Ўсимлик қопланмаган юзаси ўғитлангирилади. Ўғитни сувга эритиб берилади, катамаранн ёки қайиқдан фойдаланинг. Бундай пайтда ўғитлангандан сув юзаси ҳисобга олинади. Иложи борича ховузни юксак сув ўтлари босишига йўл қўйманг.

Органик ўғит хилма-хил бўлади; гўнг, компост, парранда ахлати, яшил ўғит кабилар ҳисобланади. Бу ўғитлар тўла қимматли ўғит дейилади. Уларнинг таркибида биогенлардан – азот, фосфор, калий, кальций ва бошқалар бўлади. Органик ўғит бактериялар учун ва содда ҳайвонлар учун зарурий озуқа ҳисобланади. Гўнг ва компост ховузга сув қўйгунга қадар берилади. Гўнг ер тубига тўда-тўда қилиб ёки сепиб солинганч, ер ҳайдалади ва мола бостирилади.

Сув туби ерини ҳосилдорлигини ошириш учун – ўсимлик маҳсулоти колдиклари, гўнг қўшиб компост тайёрланади ва ерга берилади.

Ховузларни оҳаклаш. Балиқ етиштирилаётган ховузни оҳаклашдан мақсад уни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замор каби иллатлар олдини олишдир. Ховуз балиқ яшайдиган муҳит, уни яхшилаш юқори балиқ маҳсулдорлигини гаровидир. Ховузни оҳаклаш ишлари куздан бошланади. Ховуз сувдан бўшатирилгандан кейин балчиқ жойларига ҳар бир гектар ерга 2 тонна ҳисобига сўндирилмаган оҳак берилади. Ховузнинг ҳамма жойига бериши шарт эмас, фақат балчиқланган жойга берилади. Агарда балчиқланган жой 150-200 м³ бўлса қанча оҳак берилади:

$$x = \frac{200 \text{ м}^3 \cdot 2000 \text{ кг}}{10,000} = 40 \text{ кг}$$

Демак, ховузнинг балчиқланган тубига 40 кг сўндирилмаган оҳак берилади. Вегетация давомида ховузга фойдаланилмаган органик бирикмалар кўпайиб кетади. Бу органик моддалар микроорганизмлар таъсирида парчаланаяди, оксидланади. Натижада, ховуз сувининг гидрохимевий ҳолати ёмонлашади. Сувдаги эриган кислород миқдори кескин камаяди, замор (димикшиш) ҳодисаси

юз беради. Ҳовуз шароитини яхшилаш ва органик моддаларни тезда чўкиши учун оҳаклаштирилади.

Регионимизнинг экологик ҳолатининг ўзгариши, сув хавзаларига бўлаётган антропоген таъсиротлар, кўпчилик балиқларнинг яшаш шароитларини кескин ўзгаришига олиб келди. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун, барча сув хавзаларининг экологик шароитини, балиқчиликка катта зарар етказадиган турли омилларни хар тамонлама ўрганиш, балиқ захираларини кўпайтириш каби илмий амалий тадқиқотлар олиб бориш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камиллов Б.Г. Руководство по разведению карповых рыб в бассейне Аральского моря. Ташкент 2008.
2. Каримов Б.К. Аквакультура и рыболовство в Узбекистане: современное состояние и концепция развития. Ташкент 2008.
3. Қурбонов Р.Б. Ўзбекистон республикаси минтақаларида оқар сув бассейнларида интенсив балиқ етиштириш технологияси бўйича тавсиялар. Тошкент – 2011 й.
4. Мирабдуллаев И.М., Мирзаев У.Т., Кузметов А.Р., Кимсанов З.О. Ўзбекистон ва қўшни ҳудудлар балиқлари аниқлагичи. “Сано-стандарт”. Тошкент 2011.
5. Б.Г.Камилов, Р.Б. Қурбонов, Т.В. Салихов Ўзбекистонда карп балиқларини кўпайтириш. Тошкент -2003.
6. Таубаев Т. Флора и растительность водоемов Средней Азии, и их использование в народном хозяйстве. Ташкент, 1970.
7. Камиллов Г.К. 1973, Рыбы водохранилищ Узбекистана.

УЎК 581.1:547.587.52:633.491

ГЛИЦИРРЕТ КИСЛОТАСИНING АЙРИМ АЛКАЛОИДЛАР ВА ГЕТЕРОХАЛҚАЛИ АМИНЛАР БИЛАН ҲОСИЛ ҚИЛГАН КОМПЛЕКСЛАРИНИ ҲУЖАЙРА ҲАЖМ БОШҚАРИЛИШИГА ТАЪСИРИ

М.Б.Рахимова, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти, Тошкент

Р.С.Эсанов, ЎзРФА Биоорганик кимё институти, Тошкент

Р.Ш.Қурбанназарова, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти, Тошкент

П.Г.Мерзляк, ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти, Тошкент

М.Б.Гафуров, ЎзРФА Биоорганик кимё институти, Тошкент

Р.З.Сабиоров, ЎзМУ Биология факультети Биофизика кафедраси, Тошкент

Аннотация. Мақолада глициррет кислотаси комплексларининг ҳужайра ҳажм бошқарилиши жараёнига таъсири ўрганилган. Глициррет кислотаси таркибида азот бўлган органик моддалар билан комплекс ҳосил қилганда комплекс сувли эритмаларда сақланиб қолади ва комплекс ҳосил бўлиши глициррет кислотасининг ҳажм бошқарилишига таъсирини кучсизлантиради.

Калим сўзлар: Қизилмия, тритерпеноид, ҳужайра ҳажм бошқарилиши

Аннотация. В статье исследовано влияние комплексов глицирретовой кислоты на процесс регулирования объемом клеток. Когда глицирретовая кислота образует комплексы с азотсодержащими органическими соединениями, комплексы сохраняются в водных растворах, и образование этих комплексов ослабляет эффекты глицирретовой кислоты на регуляцию клеточного объема.

Ключевые слова: Солодка, тритерпеноид, регуляция клеточного объема

Abstract. The article examines the effects of glycyrrhetic acid complexes on the process of cell volume regulation. When glycyrrhetic acid forms complexes with nitrogen-containing organic compounds, the formed complexes keep their integrity in aqueous solutions, and the complex formation weakens the effect of glycyrrhetic acid on cell volume regulation.

Keywords: Licorice, triterpenoid, cell volume regulation

Қизилмия илдизи кенг терапевтик хусусиятига эга бўлиб узоқ йиллардан бери қўлланилади. Тритерпеноид ҳисобланган глицирризин кислотаси қизилмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизидан ажратиб олинади ва инсон ичак микрофлорасида глициррет кислотагача (ГлК) парчаланadi [1]. Қизилмия илдизи яллиғланишга қарши, антиоксидант, антиаллергик ва антимикроб фармакологик хусусиятларга эга. Қизилмия жигар, ошқозон-ичак касалликларини даволашда [1], дерматитнинг барча турлари, хусусан атопик дерматитда яхши таъсир кўрсатиши аниқланган [2]. Шу билан бирга қизилмиянинг салбий таъсирлари ҳам аниқланган. Адренал ва гипофиз безларига ингибирловчи таъсир кўрсатиб жигардаги темир таркибини йўқолишига олиб келади. Ҳомиладорлик пайтида қизилмиядан фойдаланиш ҳомиладорлик даврининг қисқариши ва эрта туғилишга сабаб бўлади [3].

Ҳужайра ҳажмининг ўзгариши зарур физиологик жараёнларни (апоптоз, пролиферация) бошқарилишида муҳим белги ҳисобланади. Биз олдинги тажрибаларимизда глициррет кислота комплексларининг инсон эритроцитларининг гемолиз жараёнига таъсирини ва ютилиш

спектрларини аниқладик [4], ammo глициррет кислота комплексларининг хужайра ҳажм бошқарилиши системасига таъсири ўрганилмаган.

Тажрибаларимизда қуйидаги таркибли эритмалардан фойдаланилди:

1) нормал Рингер эритмаси таркиби (мМ): 135 NaCl, 5 KCl, 10 HEPES, 2 CaCl₂, 1 MgCl₂, 5 глюкоза, рН 7,4 (290 ± 2 мОсм/кг Н₂О); 2) Н-буфер эритмаси таркиби (мМ): 5 KCl, 10 HEPES, 2 CaCl₂, 1 MgCl₂, 5 глюкоза, рН=7,4 (40 ± 2 мОсм/кг Н₂О). Нормал гипотоник эритма Рингер эритмасини Н-буфер эритмаси билан 3:4 нисбатда аралаштирилиб тайёрланди. Глициррет кислота 2,5 % сульфат кислотада глицирризин кислотасининг моноаммоний тузини гидролиз қилиш йўли билан олинган [5]. Азотли лигандли ГлК комплекслари ГлК ва лиганднинг 1 мМ эритмаларини этанолда қайнатиш йўли билан олинган [6].

Тажрибалар зотсиз (100-150 гр), виварийда оддий парҳезда боқилган, 6-8 ҳафталик оқ каламушларда олиб борилди. Оқ каламушлар тимусидан тимоцит хужайралари стандарт метод орқали ажратиб олинди. Тажрибада хужайра ҳажмини ёруғлик ўтказувчанлиги бўйича қайд қилиш усули қўлланилган [7-9]. Тажрибада 900 мкл ҳажмдаги глициррет кислотаси ва унинг алкалоидлар, гетероҳалқали аминлар билан комплекслари қўшилган гипотоник эритмага 100 мкл (100 млн/мл) тимоцит хужайра суспензияси қўшиб, ҳосил бўлган тимоцит суспензиянинг ёруғлик ўтказувчанлигини ютилиш максимуми 610 нм бўлган тўлқин узунлигида 15 минут давомида кузатилди. Регулятор ҳажм камайиши (*RVD*, *Regulatory Volume Decrease*) қуйидаги формула орқали ҳисобланди:


$$RVD = \frac{T_{\max} - T_{15}}{T_{\max} - T_0} \times 100\% \quad (1)$$

Бу ерда T_0 ва T_{\max} – ёруғлик ўтказувчанликнинг бошланғич ва максимал кўрсаткичи, T_{15} – гипотоник шокдан 15 минут ўтгандан сўнг ўлчанган ёруғлик ўтказувчанлик кўрсаткичи.

Тадқиқотларимизни глициррет кислотанинг айрим алкалоидлар (эфедрин, псевдоэфедрин, цитизин, 8-оксихинолин, лупинин, эпилупинин) ва гетероҳалқали аминлар (3-амино 1,3,4-триазол, 2-аминопиримидин, 2-аминобензотиазол, 2-аминотиазол) билан ҳосил қилган комплексларининг ҳажм бошқарилиш тизимига таъсири ўрганилди. Тажрибаларимизни дастлаб 20, 30 мкМ концентрацияларда олиб бордик.

Моддалар 20 мкМ концентрацияда текширилганда *RVD* миқдори назоратда 91,4±3,7% ни ташкил этди, глициррет кислота таъсир эттирилганда *RVD* миқдори 15,2±0,8% га пасайди. Глициррет кислотанинг барча тадқиқ қилинган комплекслари ГлК га нисбатан кучсиз таъсир қилди, яъни комплекс ҳосил қилиши ГлК нинг таъсир кучини пасайтирди (1-расм).


Кейинги тажрибаларда ушбу моддалар 30 мкМ концентрацияда текширилди ва хужайралар ҳажм камайиши назоратда 91,4±3,7% ни ташкил этди. Глициррет кислотада *RVD* миқдори 0,4±0,4% га тенг бўлди, яъни хужайралар ҳажм бошқарилишини буткул тўхтатди. 30 мкМ концентрацияда ҳам комплекс ҳосил бўлиши ГлК нинг таъсир кучини пасайтирди (2-расм).



1) ГлК+8-оксихинолин 2) ГлК+ 2-аминобензотиазол 3) ГлК+3-амино-1,2,4-триазол
4) ГлК+2-аминопиримидин 5) ГлК+Цитизин 6) ГлК+2-аминотиазол 7) ГлК+Эпилупинин 8) ГлК+Лупинин 9)
ГлК+Псевдоэфедрин 10) ГлК+Эфедрин

1-расм. Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига 20 мкМ концентрациядаги глициррет кислотаси ва унинг комплексларининг таъсири.


А) Хужайралар суспензиясининг ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгариши регистрациясининг оригинал ёзуви кўрсатилган; Б) Ордината ўқида – хужайра ҳажмининг бошқарилиши % ҳисобида кўрсатилган, абсцисса ўқида – муҳитда ГлК ва унинг тузлари, n-тажрибалар сони. Назоратдан статистик равишда фарқ $P < 0,05$ юлдузчалар (*) билан, глициррет кислотасидан статистик фарқ (#) билан белгиланган.



1) ГлК+8-оксихинолин 2) ГлК+ 2-аминобензотиозол 3) ГлК+3-амино-1,2,4-триозол
4) ГлК+2-аминопиримидин 5) ГлК+Цитизин 6) ГлК+2-аминотиозол 7) ГлК+Этилупитинин 8) ГлК+Луитинин 9)
ГлК+Псевдоэфедрин 10) ГлК+Эфедрин

2-расм. Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига 30 мкМ концентрациядаги глициррет кислотаси ва унинг комплексларининг таъсири.

А) Хужайралар суспензиясининг ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгариши регистрациясининг оригинал ёзуви кўрсатилган; Б) Ордината ўқида – хужайра ҳажмининг бошқарилиши % ҳисобида кўрсатилган, абсцисса ўқида – муҳитда ГлК ва унинг тузлари, n-тажрибалар сони. Назоратдан статистик равишида фарқ $P < 0,05$ юлдузчалар (*) билан, глициррет кислотасидан статистик фарқ (#) билан белгиланган.




1) 8-оксихинолин 2) 2-аминобензотиозол 3) 3-амино-1,2,4-триозол
4) 2-аминопиримидин 5) Цитизин 6) 2-аминотиозол 7) Этилупитинин 8) Луитинин
9) Псевдоэфедрин 10) Эфедрин

3-расм. Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига 30 мкМ концентрациядаги глициррет кислотаси, алкалоидлар ҳамда гетероҳалқали аминларнинг таъсири.

А) Хужайралар суспензиясининг ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгариши регистрациясининг оригинал ёзуви кўрсатилган; Б) Ордината ўқида – хужайра ҳажмининг бошқарилиши % ҳисобида кўрсатилган, абсцисса ўқида – муҳитда ГлК ва алкалоидлар ҳамда гетероҳалқали аминлар қатори келтирилган. n-тажрибалар сони. Назоратдан статистик равишида фарқ $P < 0,05$ юлдузчалар (*) билан белгиланган.

Глициррет кислотаси билан комплекс ҳосил қилган алкалоидлар ва гетероҳалқали аминларнинг ўзи 30 мкМ концентрацияда текширилганда, барча моддаларнинг хужайра ҳажм бошқарилишига таъсири назоратдан сезиларли фарқ қилмади, яъни бу лигандлар глициррет кислотасиз хужайра ҳажм бошқарилиш тизимига умуман таъсир этмади (3-расм).

Текширилган моддалардан глициррет кислотасининг ўзи ва унинг хужайра ҳажм бошқарилиш хусусиятига таъсирини кучли ва ўртача пасайтирган комплексларининг дозага боғлиқ таъсири ўрганилди (4-расм).



4-расм. Глициррет кислотасининг айрим алкалоидлар ва гетероҳалқали аминлар билан ҳосил қилган тузлари дозага боғлиқ таъсири.

А) Глициррет кислотаси Б) ГлК+ δ -оксихинолин В) ГлК+2-аминобензотиозол Г) ГлК+2-аминотиозол
 Чанда: Хужайралар суспензиясининг ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгариши регистрациясининг оригинал ёзуви кўрсатилган;

Ўнда: Моддаларнинг концентрацияга боғлиқ таъсири натижасининг Хилл тенгласида аппроксимацияси, ярим-максимал эффект келтирувчи концентрациялар ва Хилл коэффициентлари матнда келтирилган.

Моддаларнинг хужайра ҳажм бошқарилишига таъсир кучини таърифлаш учун биз ярим-максимал эффектив концентрациядан фойдаландик. Бунинг учун дозага боғлиқлик натижаларини Хилл тенгласида аппроксимация қилдик ва ярим-максимал концентрациялари (C_{50}) ва Хилл коэффициентларини аниқладик (1-жадвал). ГлК+ δ -оксихинолин ва ГлК+2-аминобензотиозол учун C_{50} миқдори ГлКга нисбатан тахминан икки баробар катталиги аниқланди, демак бир хил (яриммаксимал) ингибирлаш учун бу комплексларнинг икки баробар кўп миқдори зарур бўлади. ГлК+2-аминотиозол комплекси учун олинган C_{50} миқдори ГлК нинг мазкур параметрига яқинроқ бўлди. Ушбу олинган натижалар 20-30 мкМ концентрацияда олинган натижаларга мос эканлигини кўрсатади.

1-жадвал

Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар хужайра ҳажм бошқарилиш системасига глициррет кислотаси ва унинг комплекслари дозага боғлиқ таъсирининг ярим-максимал эффекти (C_{50}) ва Хилл коэффициентлари (h).

№	Глициррет кислотаси ва унинг комплекслари	C_{50} (мкМ)	h
1	Глициррет кислотаси	9,4±0,8	2,1±0,6
2	ГлК+ δ -оксихинолин	19,1±1,3	2,1±0,3
3	ГлК+2-аминобензотиозол	16,6±2,6	1,3±0,5
4	ГлК+2-аминотиозол	13,0±1,9	2,0±0,5

Хулоса қилиб, глициррет кислотаси таркибида азот бўлган органик моддалар билан комплекс ҳосил қилганда комплекс сувли эритмаларда сақланиб қолади ва комплекс ҳосил бўлиши глициррет кислотасининг ҳажм бошқарилишига таъсирини кучсизлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kwon Y-J, Son D-H, Chung T-H, Lee Y-J. (2020). A Review of the Pharmacological Efficacy and Safety of Licorice Root from Corroborative Clinical Trial Findings. *J. Med. Food.* 23:1-9;
2. Saeedi M, Semnani K.M., Ghoreishi M.R., (2003). The treatment of atopic dermatitis with licorice gel. *J. Dermatolog. Treat.* 14:153-157;
3. Nazari S, Rameshrad M, Hosseinzadeh H. (2017) Toxicological Effects of *Glycyrrhiza glabra* (Licorice): A Review. *Phytother. Res.* 31: 1635-1650;
4. Раҳимова М.Б., Эсонов Р.С., Мерзляк П.Г., Курбанназарова Р.Ш., Гафуров М.Б., Сабилов Р.З. (2021). Влияние глицирретовой кислоты и ее супрамолекулярных комплексов с азотсодержащими лигандами на лизис эритроцитов. *Ўзбекский биологический журнал.* 4:8-13;
5. Baltina L.A., Flekhter O.B., Putieva Z.M., Kondratenko R.M., Krasnova L.V., Tolstikov G.A. (1996). Hydrolysis of β -glycyrrhizic acid. *Pharmaceutical Chemistry Journal.* 30:263-266;
6. Дикусар Е.А., Поткин В.И., Козлов Н.Г., Гаджилыб Р.А., Тлеганов Р.Т., Ювченко А.П., Желдакова Р.А. (2011). Синтез и изучение фунгицидной активности аминовых солей глицирризиновой кислоты. *Химия растительного сырья.* 4:53-56;

7. Hempling H.G. (1973). Heats of Activation for the Exosmotic Flow of Water Across the Membrane of Leucocytes and Leukemic Cells. *J. Cell. Physiol.* 81:1-10;
8. Kurbannazarova R.S., Tashmukhamedov B.A., Sabirov R.Z. (2003). Osmotic water permeability and regulatory volume decrease of rat thymocytes. *J. Gen. Physiol. Biophys.* 22:221-232;
9. Sabirov R.Z., Manjosova M.A., Tadjibaeva E.T., Krasilnikov O.V. (1993). The interaction of amphotericin B with cell membrane of rat thymocytes. *J. Gen. Physiol. Biophys.* 12:249-257.

УЎК 581.527.4

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИ УЧУН ЭНДЕМ БЎЛГАН *Oxytropis* DC. (FABACEAE LINDL.) ТУРКУМИ ТУРЛАРИ

Д.Э. Турдиев, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент
Ф.У. Мустафина, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент
А.Д. Газиев, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон флорасида тарқалган *Oxytropis* DC. туркумининг эндем турлари, уларнинг биогеографияси ва ўрганилганлик даражаси ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Гербарий фондларида сақланаётган намуналар ҳамда дала тадқиқотларида тўпланган маълумотлар асосида ГАТ хариталари тузилган.

Калим сўзлар: Эндем, *Oxytropis*, дала тадқиқотлари, гербарий намунаси, ботаник-географик район.

Аннотация. В статье приведены краткие данные по биогеографии и изученности эндемичных видов рода *Oxytropis*, распространенных во флоре Республики Узбекистан. Подготовлены ГИС карты на основе материала гербарного фонда TASH и данных экспедиционных исследований.

Ключевые слова: Эндемики, *Oxytropis*, экспедиционные исследования, гербарный экземпляр, ботанико-географический район.

Abstract. The short data on biogeography and available information on endemic species of *Oxytropis*, genus distributed in the flora of Uzbekistan were analysed and discussed in the article. The GIS maps were prepared on the basis of samples stored in herbarium funds and data collected during expeditions.

Key words: Endemics, *Oxytropis*, Field Expedition, herbarium specimen, botanical-geographical region.

Кириш: Ҳар қандай ҳудуд флорасининг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан мавжуд эндем турлар билан белгиланади, уларнинг тарқалиши ушбу ҳудуд билан чекланган бўлади. Эндем турлар ҳар қандай флоранинг ўзига хос таркибий қисми сифатида, флористик ва ўсимликлар қопламига бағишланган тадқиқотларда эътиборни тортувчи объекти сифатида баҳоланган. Эндемларни ўрганиш флора келиб чиқиш қонуниятлари, унинг шаклланиш ва ривожланиш йўллари тушиниш учун қимматли маълумотлар беради [8]. Шунинг учун флоранинг бундай вакиллари ўрганиш минтақавий ва маҳаллий флористик тадқиқотларнинг муҳим қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирда 4 400 га яқин юксак гулли

ўсимлик турлари мавжуд [10]. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўплаб камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор [13]. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институтида «Ўзбекистон флораси эндемларининг замонавий конспектини тузиш» номи фундаментал лойиҳа доирасида Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган турларнинг рўйхати тўлиқ шакллантирилган. Бунга кўра, Ўзбекистон флораси учун эндемлар 34 оила, 104 туркумга мансуб 333 турдан иборат эканлиги аниқланди. Бу рақамлар юртимизда олиб борилаётган дала тадқиқотлари давомида олинган маълумотлар асосида ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас [10].

Ҳар-бир оила ва туркумларга мансуб бўлган эндем турлар, уларнинг тарқалиш ареали, популяцияси, экологияси ва генетикасини ўрганиш тур ҳақидаги муҳим жиҳатларни намоён қилади. Шу мақсадда *Oxytropis* туркуми эндем турларининг биогеографик ҳамда экологик маълумотлари таҳлили амалга оширилди.

Методлар: *Oxytropis* туркуми эндем турларининг тарқалиш ареали, популяциялари ва ҳудудининг экологик хусусиятларини таҳлил қилишда шу пайтгача амалга оширилган дала тадқиқотлари давомида йиғилган маълумотлар, гербарий фондлари TASH, MW, LE, ҳамда Самарқанд давлат университетида сақланаётган намуналар таҳлил қилинди. Турларнинг номлари International Plants Names Index (www.ipni.org) бўйича келтирилди. Турларнинг координаталарини аниқлашда MAPS.ME, SASPlanet ва Google Earth дастурларидан фойдаланилди. Тарқалиш ҳудудларини кўрсатувчи хариталар ArcGIS10 дастури ёрдамида тайёрланди. Турларни


Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлар бўйича тақсимланиши К.Ш.Тожибаев ва бошқалар (2016) [9] томонидан ишлаб чиқилган схема бўйича амалга оширилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Флористик хилма-хилликни умумий баҳолаш билан бир қаторда, фитогеография мақсадлари учун намунавий аҳамиятга эга бўлган турларнинг (камёб, эндем, доривор ўсимликлар ва б.), тарқалишини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга [18]. *Fabaceae* оиласига мансуб полиморф ҳисобланувчи *Oxytropis* туркуми, турлар сони бўйича кўплиги билан ажралиб туради. 330 га яқин тури [14], Европа, Африка, Америка ва Осиёда тарқалган [20]. Баъзи манбаларда 400 [24, 18], 450 га [23, 26] яқин тури борлиги келтирилган.

Сўнги йилларда туркум устида олиб борилган ишлар натижаси бўйича Ўзбекистон флорасида 62 та тури мавжудлиги аниқланди [11] (Туркум устида олиб борилаётган илмий изланишлар давом этмоқда, яқин келажакда юқоридаги сон ± га ўзгариши мумкин). ЎзФА Ботаника институти Ўзбекистон флораси лабораторияси томонидан (2019) «Ўзбекистон флораси эндемларининг замонавий конспектини тузиш» лойиҳаси бажарилган. Унга кўра *Oxytropis* туркумининг 7 тури худуд флораси учун эндем ҳисобланади. Бу умумий туркум вакиллариининг 11,1% ни ташкил этади. Бу туркум вакиллари асосан, тоғнинг юқори, ўрта ва тоғ олди минтақаларида қояли, қумли, тошли, шағалли, майда тошли, музликлар ҳосил қилган мореналар, қизил қумли тоғ жинслари тарқалган ёнбағирларда ўсади.

Ўзбекистонда туркум турларнинг географияси, экологияси нисбатан кам ўрганилган. Популяциялари, молекуляр генетикаси ва уларнинг хўжаликдаги аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари деярли амалга оширилмаган. Сўнги йилларда Ботаника институти ходимлари томонидан, флорамизни ҳар томонлама ўрганишга қаратилган ишлар қаторида, *Oxytropis* туркуми турларининг тарқалиш ареаллари, популяцияларининг умумий ҳолати ва молекуляр биологиясини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган *Oxytropis* туркуми турлари



1-расм. *Oxytropis kamelinii* Vassilcz. нинг Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши

1. *Oxytropis kamelinii* Vassilcz. Мазкур тур 1972 йил Р.В.Камелин томонидан терилган намуна асосида (Ўзбекистан, хр. Мальгузар, подъём от Бахмала по саю Ташкескен к гребню хребта, в арчевниках. Цв. блекло синий, синюшный, Собр. Р.Камелин, 16.VII.1972, №137., Опр. И.Т.Васильченко 1.VI.1979.), И.Т.Васильченко 1980 йилда фанга кириди [1]. Тип намунаси Россия Фанлар академияси, В.Л. Комаров номидаги Ботаника институти гербарий фонди (LE) да сақланмоқда. Ушбу тур тоғнинг денгиз сатҳидан 1600 м дан 2300 метргача бўлган баландликларида, арчазор ҳамда шибляк флороценотипларида тарқалган. Майда тошли тупроқ қопламга эга ёнбағирларда ўсади. Июнь-июл ойида гуллаб, июл-август ойида уруғлайди [5]. Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш [9] схемасида мазкур тур Кўхистон округининг Молгузар ботаник-географик райони флорасида тарқалган. 2021 йилга қадар бу турнинг намуналари гербарий (TASH, MW, СамДУ) фондларида мавжуд эмаслиги аниқланди. Ботаника институти илмий ходимлари Д.Э.Турдиев, Г.Т.Курбаниязова 2021 йил 15 июнда Молгузар тоғига (к:39.803467, у:68.017725) амалга оширган дала тадқиқоти давомида мавжуд популяцияси қисман ўрганилди ва


гербарий намуналари йиғилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарий (TASH) фондида қуйидаги намуналари сақланмоқда: Малгузарский хребет, между елями, верхняя часть Ташкескенская. 15.06.2021. Собр. *Турдиев Д., Курбаниязова Г., Опр. Газиев А.* №TD150620210129, TD150620210130, TD150620210131, TD150620210132, TD150620210133, TD150620210134, TD150620210135, TD150620210136, TD150620210137, TD150620210138, TD150620210139, TD150620210140 қайт рақамлари билан рўйхатга олинган 12 та намунаси мавжуд. Ҳозирга қадар мазкур тур популяциясининг бугунги ҳолати тўлиқ ўрганилмаган, уни муҳофаза этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда хўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.

2. *Oxytropis lasiocarpa Gontsch.* Бу тур илк бор 1938 йили Н.Ф.Гончаров томонидан жануби-ғарбий Ҳисор тоғининг, Қизилдарё ҳавзасида жойлашган Тошкўрғон кишлоғи атрофидан терилган намуналар асосида (Бассейн р. Кашка-дарья. Бассейн р. Кызыл-дарья, Субальпийское плато между перев. Харкюш и к. Ташкурған. Сев. склон с низкотравьем. Выс. 2600 м. Собр. Н.Ф.Гончаров 1.IX.1938, №129., Опр Н.Ф.Гончаров, IV.1939), Н.Ф.Гончаров 1941 йилда фанга киритган [2]. Тип намунаси Россия Фанлар академияси, В.Л. Комаров номидаги Ботаника институти гербарий фонди (LE) да сақланмоқда. Ушбу тур денгиз сатхидан 2500 м баланд бўлган жойларда, сланецли, қизил майда тошли, ўсимликлар қоплами бирмунча сийрак ёнбағирларда ўсади. Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида уруғлайди [5]. Ботаника институти илмий ходимлари Д.Э.Турдиев, Э.А.Ортиков, 2021 йил 24 июн куни Ҳисор тизмаси, Чулбаир тоғи, Кияусу кишлоғи яқинидаги Хўжабарку зиёратгоҳига чиқиш тоғ сўкмоғи бўйидан (к:38.388402 у:67.59339) тур намуналари терилди. Ўсимлик вегетация даврининг уруғлаш босқичида эканлиги аниқланди. Ушбу тур Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Ғарбий-Ҳисор округининг Қашқадарё, Бойсун, ҳамда Ҳисор-Дарвоз округининг Сангардак-Тўпаланг ботаник-географик районлари флораларида тарқалган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналари сақланмоқда: **1.** Зап. Гиссар. Кызылсуыйский заповедник. Истоки р. Каласу. Левобер. Альпийская растит. у снежников ниже гребня хребта. Сев.скл., 25.VI.1980, собр. *Булгакова Л.Л.*; **2.** Зап. Гиссар. Бассейн р. Сангардак. Ур. Ак-су. h=3000 м, субальпийский луг. 06.VIII.1937. собр. *С.Лепешкин, В.Куталева*; **3.** Бассейн р. Кашка-Дарья. Скалистый перевал Ярра-Таш к сел Чапух, 16.VII.1959, №1361, собр. *А.Ли и П.Закиров*; **4.** Горы Чульбаир. Каменистые склоны на гребне вершины Ходжабарку, h=3000 м. н.у.м., 30.VI.1929, №757, собр. *Введенский*; **5.** Памиро-алай. Горы Чульбаир. В 1 км на юг от высоты 1442 м., 31.VIII.1934, №835, собр. *Е.Демурина*; **6.** Бассейн р. Туполанг северный склон гора Зардомапас (Багал жамал), 16.VIII.1977, собр. *Г.Сумневич, Д.Джангуразов*; **7.** Бассейн р. Туполанг. Северный склон гора Зардомапас (Багал жамал), 16.VIII.1977, собр. *Г.Сумневич, Д.Джангуразов*; **8.** Западный Памиро-алай. Басс. р. Кашка-Дарья. Долина р. Танхаз-Дарья. Сел. Шурасан. (Исток левого рукава р. Кайнар-сай), 17.VII.1955, №2032, собр. *А.Пятаева*; **9.** Зап. Гиссар. Бассейн р. Сангардак. Уроч. Ак-су. Вершина г. Хурсан-тал на скалах и щебне, 06.VIII.1937, №10450, собр. *С.Лепешкин, В.Куталева*; **10.** Горы Чульбаир. Сухой мелкоземный склон под щебнем за верш. Ходжабарку, 30.VII.1930, №529, собр. *В.Бочанцев, А.Введенский.*; **11.** Гиссарский хребет. Яккабагские горы, перевал Чопиху, 16.VII.1959, №168, собр. *С.Халиков*; **12.** Памиро-алай. Хр. Ульмас. Перев. Чок-чар. Сланцевые осыпи, 09.IX.1935, №9, собр. *С.Лепешкин.*

Москва давлат университети гербарий фонди (MW) да: **1.** Узбекская ССР, на каменистых склонах вершины Ходжабарку в горах Чульбаир, около 3000 м над ур. м. Собр. *А.Введенский*, опр. *Н.Гончаров.*; **2.** Гиссарск, хреб., уроч. Мын-чукур, мелкозем. склон, 3600 м. 16.VIII.1935., *П.М.Гордиенко.*, Опр. *Филимонова*, 25.XI.1978.

2021 йилда терилган, қуйидаги қайт рақамли намунадари TASH фондига топширилди: Гиссарский хребет, гора Чулбаир, окрестность Хужабарку, 24.06.2021, *Турдиев Д., Ортиков Э.*, Опр. *Газиев А.*, №TD24062021008, TD24062021009, TD24062021010, TD24062021011. Ҳозирга қадар мазкур тур популяцияларининг бугунги ҳолати ва уларни муҳофаза этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда хўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.




2-расм. *Oxytropis lasiocarpa* Gontsch. ning Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши

3. *Oxytropis pseudoleptophysa* Boriss. Мазкур турнинг илк намунаси А.П.Федченко, Б.А.Федченко, О.Э.Кноринг, Е.Г.Черняковской лар томонидан, 1916 йил 13 йунда Кўхитанг тоғининг Ширжон кишлоғи ҳудудига амалга оширилган дала тадқиқотлари давомида терилган (Байсунское бекство. Бухарские владения: По склонам выше кишл. Ширджан, в полосе арчи., Собрано Б.А. и Ан.П. Федченко, О.Э.ф. Кноринг, Е.Г. Черняковской. 13.VI.1916, № 556., Опр. А. Borissova, 1940). Бу намуна асосида 1947 йил А.Г.Барисова янги тур сифатида фанга киритди [3]. Тип намунаси Россия Фанлар академияси, В.Л. Комаров номидаги Ботаника институти гербарий фонди (LE) да сақланмоқда. Ушбу тур Кўхитанг тоғининг шарқий ёнбағирлари, денгиз сатҳидан ўртача 1600-1800 м бўлган, майда тошли, шағалли ёнбағирларда ўсади. Май-июн ойида гуллаб, июн-июл ойларида уруғлайди [5]. Ботаника институти илмий ходимлари Д.Э.Турдиев, Э.А.Ортиқов, И.Ж.Жўрамурадov, 2021 йил 20 май куни Кўхитанг тоғининг Қизилolма кишлоғи ҳудудида (к:37.887816 у:66.671291) амалга оширган дала тадқиқоти давомида ушбу турдан намуналар терилди. Бу вақтда ўсимлик вегетация даврининг уруғлаш босқичида эканлиги аниқланди. Ушбу тур Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Ғарбий-Ҳисор округининг, Кўхитанг ботаник-географик райони флораларида тарқалган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналар сақланмоқда: 1. Хребет Кугитанг, Бағлы-дара, арчевник, h=1600 м. н.у.м., 07.V.1984, собр. Хасанов Ф.О.; 2. Жануби-ғарбий Хисор. Кухитанг тизмаси. Сурхон давлат кўриқхонаси. Шалқон участкаси. Шалқонсойнинг 700-100 м. баландлиги. шағалли майда тошли тупроқ, ер., 27.IV.2007., №0323, leg. Ибрагимов; 3. Хр. Кугитанг. В 10-12 км выше киш. Кизилolма. Восточный склон ур. Сурпатош, h=1600 м., 23.V.1968, №собр. Мустафаев С.М.; 4. Кугитангтау, окр.села Вандоб. На каменистых склонах., собр. Джумаев К.; 5. Хр. Кугитанг в 10-12 км выше киш. Кизил Olма. Восточный склон ур. Сурпатош, h=1600 м., 23.V.1968, №47, собр. Мустафаев С.М.; 6. Восточные склоны горы Кугитанг-тау. Бассейн реки Ширабад. В 15 км на ЮВ от горы Кугитангтау. Высота над уровнем моря 1800 м. Почва суглинистый бурозем. 01.VI.1965, собр. Каюмов А.; 7. Кугитангтау окр. села Вандоб. 11.VI.1973, собр. Джумаев К.Д.; 8. Кугитанг-тау, Саят, пестроцветы, 1200 м., 15.V.1985, собр. Хасанов Ф.О.; 9. Кугитанг. Выше кишлака Кизил-Алма у подножия гребня Кугитанг среди арчи, каменисто-щебнист. скл., 25.V.1980, №349, собр. Набиев, Шерматов, Казакбаев, Левичев.; 10. Кугитанг. Севернее селения Кызыл-Алма на щебнистых склонах сев. вост. экспозиции. 25.V.1980, №349, собр. Набиев, Шерматов, Казакбаев, Левичев.; 11. хр. Кугитанг, Кызыл-Алма-сай, гребень. 25.V.1980, №349, собр. Набиев, Шерматов, Казакбаев, Левичев.

2021 йилда терилган, қуйидаги қайт рақамли намуналар TASH фондига топширилди: Хребет Кугитанг, северо-западная часть села Кызылалма, 20.05.2021, Турдиев Д., Ортиқов Э., Жўрамурадov И. Опр. Турдиев Д., №TD20052021454, TD20052021455, TD20052021456, TD20052021457. Ҳозирга қадар мазкур тур популяцияларининг бугунги ҳолати ва уларни муҳофаза

этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда хўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.



3-расм. *Oxytropis pseudoleptophysa* Boriss. ning Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши


4. *Oxytropis pseudorosea* Filim. Ушбу тур 1941 йил 28 май куни С.Н.Лепешкин шимолий Нурота тоғларининг шарқий қисми, Қўйтош тоғи худудига амалга оширган дала тадқиқоти давомида илк бор терилган (Памиро-алай. Нуратинский хребет. Горы Койташ. 28.V.1941, Собр. Лепешкин). Бу намуна асосида 1982 йил З.Н.Филимонова янги тур сифатида фанга киритди [4]. Тип намунаси Ўзбекистон миллий гербарий (TASH) фондида сақланмоқда. Ушбу тур денгиз сатҳидан 1000-1100 м дан 2000 м гача бўлган жойларда, тошли, шағалли ёнбағирлар, қатламли қояларнинг нураш натижаси мавжуд қисмларида ўсади. Май-июн ойларида гуллаб, июн-июл ойларида уруғлайди [5]. Ушбу тур Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Нурота округининг, Нурота ва Оқтов ботаник-географик районлари флораларида тарқалган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналар сақланмоқда: **1.** Ўзбекистон, Джизакская област, хр. Нуратау, Нуратинский заповедник, водораздел между саями Хаят и Маджерум., 16.VI.2019., собр. *Бешко Н.Ю.*; **2.** Ўзбекистон, Джизакская обл. Хр. Нуратау, Нуратинский заповедник, водораздел между саями Хаят и Маджерум., 1820 м. н.у.м., 16.VI.2019., собр. *Бешко Н.Ю.*; **3.** Нуратинский хребет, Нуратинский заповедник, урочище Хаятсай, h=1198. 09.06.2020., №9062020675, собр. *Ортиков Э., Пулатов С., Турдиев Д., Журамуродов И., Махмуджанов Д.*; **4.** Нуратинский хребет, Нуратинский заповедник, урочище Хаятсай, h=1198. 09.06.2020., №9062020676, собр. *Ортиков Э., Пулатов С., Турдиев Д., Журамуродов И., Махмуджанов Д.*; **5.** хр. Нуратинский, юж. скл. Верховья Парандас-сая. Дорога к перевалу в Ухум. Щебнистые склоны. Асс. разнотравная с полынью. 31.V.1964, №435, собр. *Т.Цукерваник*; **6.** Джизакская обл., хр. Нуратау водораздел Хаятсая и Маджерумсая, почва каменистая. Окр венчика ярко розовая, позже синее. 06.VI.2011., собр. *Бешко Н.*; **7.** Джизакская обл., хр. Нуратау, водораздел Хаятсая и Маджерумсая. Почва каменистая. Крутизна 30°. Окр венчика ярко-розовая позже синее., 06.VI.2011., собр. *Бешко Н.*; **8.** Памиро-алай, хр. Нуратау, юж. скл. Верховья Парандас-сая. Дорога к перевалу в Ухум. Щебнист. скл. Асс. полынно-разнотр., 31.V.1964, №435, собр. *Т.Цукерваник*; **9.** Памиро-алай, хр. Нуратау, юж. скл. верховья Парандас-сая. Дорога к перевалу в Ухум. Щебнист. скл. Асс. полынно-разнотр. 31.V.1964, №435, собр. *Т.Цукерваник*; **10.** Горы Нуратау. В 1 км на С-3 от к-ка Хукала, на южном склоне на почве с кварцевым песком и гравием. 17.V.1958, №607, собр. *Ли и П.Закиров*; **11.** Памиро-алай, хр. Нуратау, юж. скл. Верховья Парандас-сая. Дорога к перевалу в Ухум. Щебнист. скл. Асс. полынно-разнотр. 31.V.1964, №435, собр. *Т.Цукерваник*; **12.** Нуратинские горы. Хребет Кой-таш. В 6-7 км на запад от к. Гуджум. 23.VII.1937., №732, собр. *Е.Демурина*; **13.** Нуратинский хребет. Хаётсай. На склонах нижнего яруса. Каменистый рельеф с осьпями. 09.VI.1969, №164, собр. *Мамбетжумаев А.*; **14.** Нура-тау. На гребне против сел. Кыркаул. 22.V.1956, №256, собр. *П.Закиров*; **15.** Хр. Нуратау. Нуратинский заповедник. Уроч. Парандас 1500 м. н.у.м. С-в, экспозиция, венчик лиловый. 09.VI.1982, собр. *Мухина.*; **16.** Нуратинский

заповедник хр. Нуратау, сай против с. Хаят, с-в. экспозиции. Венчик малиновый, h=1400 м.н.у.м., 02.VI.1981, собр. *Мухина*.; **17.** Нуратинские горы. Хребет Ак-тау. К югу в 3-4 км от перевала Тахку. 29.VI.1937, №342, собр. *Е.Демурина*; **18.** Нура-тау. В 1 км на зап. от Кырк-аула. 23.V.1956., №258, собр. *П.Закиров*; **19.** Памиро-алай, хр. Зеравшанский, Ю-З склоны. Окр. к. Тарагай. Кизил Олма-сай. Каменистые осыпи. 04.VI.1973, №46, собр. *Набиев, Пратов, Шерматов*; **20.** Нуратинский хр., Джизакская обл. в 7 км на юг от кишлака Фариш, горы., 12.VI.1962, собр. *Каримов*; **21.** Нуратинские горы. Хребет Ак-тау. К югу в 3-4 км от пер. Тахку. 29.VI.1937, №342, собр. *Е.Демурина*; **22.** Нура-тау. На гребне против сел. Кырк-аул. 22.V.1956, №256, собр. *П.Закиров*; **23.** Верст 35-40 к сев. от Катта-курмана., 23-25.V.1927, собр. *Н.Меркулович*.

Самарқанд давлат университетида: **1.** Горы Нуратау Ак-тау, около пос. Лангар. Местн. Янг-оглы, 19-21.V.1941, собр. *Закиров и Ниязов.*, Опр. *Филимонова*, 18.XI.1984.; **2.** Горы Нуратау Ак-тау, около пос. Лангар. Местн. Янг-оглы, 19-21.V.1941, собр. *Закиров и Ниязов.*, Опр. *Филимонова*, 18.XI.1984.


2021 йилда терилган, қуйидаги қайт рақамли намуналар TASH фондига топширилди: Хребет Нуратау, Нуратинский заповедник, урочище Хаятсай, 17.05.2021, *Турдиев Д., Ортиков Э., Журамуродов И.*, Опр. *Турдиев Д.*, №TD17052021014, TD17052021015, TD17052021016, TD17052021017, TD17052021018, TD17052021019, TD17052021020, TD17052021021. Ҳозирга қадар мазкур тур популяцияларининг бугунги ҳолати ва уларни муҳофаза этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда хўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.



4-расм. *Oxytropis pseudorosea* Filim. нинг Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши

5. *Oxytropis schachimardanica* Filim. Бу тур илк бор 1948 йил 8 июнда, Фарғона водийси Шохимардон қишлоғи атрофига уйиштирилган дала тадқиқоти давомида Н.Г.Шафеев томонидан терилган (Алайский хребет Окр. киш. Шахимардан Избасарские горы, 8.VI.1948, Шафеев). Ушбу намуна асосида 1983 йилда З.Н.Филимонова янги тур сифатида фанга киритди [5]. Тип намунаси Ўзбекистон миллий гербарийси (TASH) фондида сақланмоқда. Турнинг тарқалиш жойи тоғларнинг денгиз сатҳидан 1700-1800 м дан 3000 м гача бўлган, тошли-шағалли ҳудудлари ҳисобланади. Июнь ойи гуллаб, июл ойи уруғлайди [5]. Ушбу тур Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Фарғона-Олой округининг, Шарқий-Олой ботаник-географик райони флораларида тарқалган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналар сақланмоқда: **1.** Алайский хребет. Окр. киш. Шахимардан. 06.VI.1947., собр. *Шафеев*; **2.** Алайский хребет. Окр. киш. Шахимардан. 09.VI.1947., собр. *Шафеев*; **3.** Алайский хребет. Окр. киш. Шахимардан. Избасарские горы. 10.VI.1948., собр. *Шафеев*. Сўнги йиллардаги дала тадқиқотларида бу турдан намуналар терилмаган. Мазкур тур популяцияларининг бугунги ҳолатини аниқлаш ва уларни муҳофаза этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда хўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.




5-расм. *Oxytropis schachimardanica* Filim. ning Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши

6. *Oxytropis tyttantha* Gontsch. Турни биринчи бўлиб Н.Ф.Гончаров 1938 йил 15 сентябрда Тўпалангдарё хавзасининг юқори қисмидаги дала тадқиқотларида, дарёнинг Ойбек деб номланувчи чап irmoғи хавзасидан териб (Дараи-Нихан. Верховья р. Тупаланга. Верховья прав. притока р. Ой-бек ниже перев. на р. Азор-чашме. Субальп пояс. Выс. ок. 3000 м. в зарослях *Polygonum hissaricum* близ снеговых пятен. 15.IX.1938, №295., Опр. N.Gontcharow, IV.1939), муаллиф фанга янги тур сифатида 1941 йилда киритган [2]. Тип намунаси Россия Фанлар академияси, В.Л. Комаров номидаги Ботаника институти гербарий фонди (LE) да сақланмоқда. Турнинг ўсиш жойи тоғларнинг денгиз сатхидан 2000 м дан юқори қисмлари, майда тошли-тупроқ, қизил гилли тоғ жинси тарқалган қияликлар ҳисобланади. Июнь-июл ойлари гуллаб, июл-август ойларида уруғлайди [5]. Ушбу тур Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Ҳисор-Дарвоз, Ғарбий-Ҳисор округларининг, Сангардак-Тўпаланг ва Бойсун ботаник-географик районлари флораларида тарқалган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида куйидаги намуналар сақланмоқда: **1.** Гиссарский хребет. Бассейн р. Туполанг. На седловине и спуск к р. Шатрут. Среднее течение Культене-сая. 26.VI.1948, №742, собр. А.Пятаева; **2.** Гиссарский хребет. Басс. р. Туполанг. Подъем вверх по саю к ур. Дивлок на оз. Айгыр-куль и от к-ка на Кштут до котловины Айгыр-куль. 18.VII.1948, №1115, собр. А.Пятаева; **3.** Гиссарский хребет. Басс. р. Туполанг. Долина р. Чаш. На берегу сая Оби-шур. Перед подъемом на альпийские луга. 20.VI.1948, №615³, собр. А.Пятаева; **4.** Гиссарский хребет. Басс. р. Туполанг. Выше Дара-сая на перевале. Субальпийский и альпийский пояса. 17.VII.1948, №1057, собр. А.Пятаева; **5.** Гиссарский хребет. Бассейн р. Туполанг. Выше Дара-сая на перевале. Субальпийский и альпийский пояса., 17.VII.1948, №1057, собр. А.Пятаева; **6.** Гиссарский хребет. Басс. р. Туполанг. Долина р. Чаш. По дороге в верховья сая Оби-шур. 20.VI.1948, №610, собр. А.Пятаева; **7.** Памиро-алай. Горы Ходжа-гургур ата. Иргайли сай. Мелкоземистые северные склоны. 15.VII.1934, №239, собр. А.Бутков; **8.** Юго-западный Памиро-алай. Басс. р. Турган-дарья. Горы Ходжа-гургур-ата. Уроч. Мин-Чукур. 22.VI.-2.VII.1939, собр. Ахмедов К.; **9.** Памиро алай. Горы Ходжа-гургур ата. Иргайли сай. Мелкоземистые северные склоны в верховьях сая. 15.VI.1934, №239, собр. А.Бутков. Сўнги дала тадқиқотларида бу турдан намуналар терилмаган. Ушбу тур популяцияларининг бугунги ҳолатини аниқлаш ва уларни муҳофаза этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда хўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.

7. *Oxytropis vvedenskyi* Filim. Турни илк бор 1930 йил 30 июлда В.П. Бочанцев ва А.И. Введенский, Бойсун тизмаси Чўлбаир тоғига амалга оширган дала тадқиқотларида терган (По пологим мелкоземисто-скалистым склонам гор Чуль-баир на вершине Ходжа-Барку на высоте 3400 м над ур. м. 30.VII.1930, В.П. Бочанцев и А.И. Введенский, №252., Опр. Филомонова, 1980). Ушбу намуна асосида 1982 йилда З.Н.Филимонова томонидан фанга киритилди. [4]. Тип намунаси Ўзбекистон миллий гербарийси (TASH) фондида сақланмоқда. Мазкур тур жануби-ғарбий Ҳисор тизмасида камёб эндем тур ҳисобланади. Тоғларнинг 2800-3000 м дан юқори қисмларида, тош ва қояли ёнбағирларда, майда тошли-тупроқ тарқалган қияликларда ўсади. Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида уруғлайди [5]. Ушбу тур Ўзбекистонни ботаник-географик

районлаштириш схемасида Фарбий-Ҳисор округининг, Бойсун ботаник-географик райони флораларида тарқалган.




6-расм. *Oxytropis tyttantha* Gontsch. нинг Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналари сақланмоқда: **1.** Памиро-алай. Горы Ходжа-гургур-ата. Урочище Минг-Чукур; северный склон в 4-5 к. к югу от высоты 1462. 13.VIII.1934, №562, собр. *Е.Демурина*; **2.** Памиро-алай. Горы Ходжа-гургур-ата. Урочище Минг-Чукур; северный склон в 4-5 к. к югу от высоты 1462. 13.VIII.1934, №578, собр. *Е.Демурина*; **3.** Горы Чульбаир. Вершина Ходжа-барку. Каменистый склон. 29.06.1929, №399, собр. *А.Введенский*.

Москва давлат университети гербарий фонди (MW) да: Узбекская ССР, на глинисто-каменистых склонах гор Чульбаир у вершины Ходжа-барку, около 3400 м над ур. м. Собр. *В.Бочанцев* и *А.Введенский*.

Сўнги йиллардаги дала тадқиқотларида бу турдан намуналар терилмаган. Ушбу тур популяцияларининг бугунги ҳолатини аниқлаш ва уларни муҳофаза этиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Молекуляр генетикаси ҳамда ҳўжаликдаги ахамияти ўрганилмаган.



7-расм. *Oxytropis vvedenskyi* Filim. нинг Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган турларнинг гербарий фондларида сақланаётган намуналари, олиб борилган дала тадқиқотлари ва адабиётларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг ботаник-географик районларида тарқалиши ва уларнинг ўрганилганлик даражаси бўйича таҳлили амалга оширилди. Адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида турлар тарқалган популяцияларининг бугунги ҳолати, молекуляр генетикаси

хамда хўжаликдаги аҳамияти ўрганилмаганлиги аниқланди. Флорамизда тарқалган бундай камёб турлардан халқ хўжалигининг турли сохаларида фойдаланиш эхтимоли юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, турлар Ўзбекистон флорасининг миллий эндемлари ҳисобланиб, бу турлар устида, ҳар томонлама, мақсадли тадқиқотлар ўтказиш керак эканлигини кўрсатади.

Ўрганишлар натижаси *Oxytropis* туркуми турларининг тарқалиши ва популяцияларининг бугунги ҳолати бўйича янги маълумотлар тўпланишига асос бўлади. Бундай маълумотлар эндем турларнинг экологик, географик, биологик ва бошқа томонлама хилма-хиллиги бўйича батафсил тадқиқотлар ўтказиш имконини беради. Тадқиқотлар жараёнида, сўнги йилларда табиатга антропоген таъсирнинг кучайиши ва кенгайиши, иқлим ўзгаришининг ўсимликлар қопламига таъсири оқибатларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бюллетень Московского Общества Испытателей Природы. Отдел Биологический. Москва 1980, 85(2), 112 с.
2. Ботанические материалы Гербария Ботанического института имени В.Л.Комарова Академии наук СССР. Ленинград [Св. Петербург], 1941, 9, 86-90 с.
3. Ботанические материалы Гербария Ботанического института имени В.Л.Комарова Академии наук СССР. Ленинград. [Св. Петербург], 1947, 10, 79 с.
4. Ботанические материалы Гербария Института ботаники Академии наук Узбекской ССР, 1982, 20, 43-44 с.
5. Филимонова З.Н., Определитель растений Средней Азии, том VII, 1983, 323-368, 379 с.
6. Введенский А.И., Флора Узбекистана, том III, 1955, 686-715 с.
7. Комаров В.Л., Флора СССР, том XIII, 1948.
8. Куликов П.В. и др. Эндемичные растения Урала во флоре Свердловской области, Гошицкий, 2013.
9. Tojibaev K.SH., Beshko N.Yu., Popov V.A. Botaniko-geograficheskogo rayonirovanie Uzbekistana//Botanicheskie jurnal. – Sankt-Peterburg: Nauka, – 2016. №10 (101).
10. Turginov O. et al. Endemic species of the genus *Ferula* L. (*APIACEAE*) in flora of Uzbekistan //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 2. – С. 46-57.
11. Турдиев Д.Э. ва бошқалар, Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, Ўзбекистон флорасида тарқалган *Oxytropis* DC. туркум турларининг қисқача географик тахлили, Хива 2021, №. 6, 94-98 с.
12. Flora of china, FOC | Family List | FOC Vol. 10., 2010, с-453. [Электронный ресурс] <http://www.efloras.org/>
13. Ўзбекистон республикасининг қизил китоби, I том, 2019 й.
14. Welsh S. L. Revision of North American species of *Oxytropis* de Candolle (Leguminosae). – EPS Incorporated, 2001.
15. Маслова Н. В. и др. Интродукционное изучение редких видов рода *Oxytropis* DC. в Ботаническом саду УНЦ РАН //Изучение заповедной природы Южного Урала. – 2006. – С. 166-176
16. Мулдашев А. А., Маслова Н. В., Галеева А. Х. Некоторые итоги изучения редких видов рода остролодочник (*Oxytropis* DC.–Fabaceae) в Республике Башкортостан и проблемы их охраны //Природное наследие России в XXI веке. – 2008. – С. 297-301.
17. Maslova N. V. et al. Rare species of the genus *Oxytropis* DC.(Fabaceae) from the flora of the Republic of Bashkortostan under cultivation within the city of Ufa //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2018. – Т. 107. – №. 1. – С. 012086.
18. Санданов Д. В., Дугарова А. С., Селютина И. Ю. Моделирование распространения видов секции *Xerobia* Bunge рода *Oxytropis* DC. на территории Центральной Азии при климатических изменениях в прошлом и будущем //Вестник Томского государственного университета. Биология. – 2020. – №. 52.
19. Kholina A. B. et al. Modern state of populations of endemic *Oxytropis* species from Baikal Siberia and their phylogenetic relationships based on chloroplast DNA markers //Russian Journal of Genetics. – 2018. – Т. 54. – №. 7. – С. 805-815.
20. Rather S. A. et al. Comparative study of floral developments and its systematic importance in the genus *Astragalus* L. and *Oxytropis* DC.(Fabaceae, Leguminosae: Papilionoideae) //Biologia. – 2021. – Т. 76. – №. 3. – С. 865-888.
21. Данилова Н. С., Иванова Н. С., Борисова С. З. Материалы по ценопопуляционному изучению *Oxytropis pilosa* (L.) DC. В Центральной Якутии //Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К. Аммосова. – 2010. – Т. 7. – №. 1. – С. 26-30.
22. Санданов Д. В., Байков К. С. Хорология и экологическая приуроченность видов рода *Oxytropis* DC. на территории Байкальской Сибири //Проблемы изучения растительного покрова Сибири. – 2017. – С. 168-170.
23. Malyshev L. I. Phenetics of the subgenera and sections in the genus *Oxytropis* DC.(Fabaceae) bearing on ecology and phylogeny //Contemporary Problems of Ecology. – 2008. – Т. 1. – №. 4. – С. 440-444.
24. Artyukova E. V., Kozyrenko M. M. Phylogenetic relationships of *Oxytropis chankaensis* Jurtz. and *Oxytropis oxyphylla* (Pall.) DC.(Fabaceae) inferred from the data of sequencing of the ITS region of the nuclear ribosomal DNA operon and intergenic spacers of the chloroplast genome //Russian Journal of Genetics. – 2012. – Т. 48. – №. 2. – С. 163-169.
25. Растения Центральной Азии. По материалам Ботанического института им. В.Л. Комарова РАН. Вып. 86: Род Остролодочник / сост. В.И. Грубов. СПб. : Изд-во СПФХА, 1998. 92 с.
26. Yakovlev G. P., Sytin A. K., Roskov Y. R. Legumes of Northern Eurasia: a checklist. – Royal Botanic Gardens, Kew, 1996.
27. <https://powo.science.kew.org/>
28. <https://plant.depo.msu.ru/>
29. <https://www.ipni.org/>
30. <http://www.science-journal.kg/>

ТУРЛИЧА ХУДУД ВА ШАРОИТЛАРДА ПАРВАРИШЛАНГАН ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ШАКЛЛАРИНИНГ МИНГ ДОНА ЧИГИТИ ОҒИРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ФАРҚЛАНИШИ

О.Р. Эргашев, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
Э.О. Алиқулов, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
Ф.Ш. Абдурашулов, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
Ш.Э. Абдурашулов, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада ЎЗРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида ўрта толали ғўзанинг янги дурагайларини яратиши мақсадида олиб борилаётган тадқиқотларда ота-она нусхалари сифатида танлаб олинган ашёларнинг турлича тупроқ-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудлар ва махсус агротехник тадбирларни қўллаш асосида парваришланган популяцияларидан териб олинган ҳосил намуналари-нинг минг дона чигити вазни кўрсаткичлари бир хил муҳитда экиш олдидан қиёсий таҳлил қилинган. Олинган натижаларга кўра, Бухоро-102, Султон, АН-Боёвут-2, Мехнат, Келажак, Хоразм-127 ва С-6524 навларида юқори кўрсаткичлар акс этган.

Калит сўзлар: Ғўза, дурагай, ота-она шакллари, минг дона чигит оғирлиги, кўрсаткичлар, қиёсий таҳлил.

Аннотация. В данной статье приводятся результаты проведенного исследования Института генетики и экспериментальной биологии растений Академии наук Республики Узбекистан по предварительному анализу массы тысячи семян из полученного урожая популяций растений хлопчатника отобранных образцов родительских форм выращенных в районах с разными почвенно-климатическими условиями на основе применения специальных агротехнических мероприятий с целью создания новых гибридов средневолокнистого хлопчатника.

Согласно полученным данным сравнительно высокие результаты по изучаемым признакам показали сорта Бухара-102, Султан, АН-Боевут-2, Мехнат, Келажак, Хорезм-127 и С-6524.

Ключевые слова: хлопчатник, гибрид, родительские формы, масса тысячи семян, показатели, сравнительный анализ.

Abstract. This article presents the results of a study carried out by the Institute of Genetics and Experimental Plant Biology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan on a preliminary analysis of a thousand seed weight from the harvest of cotton plant populations of selected accessions of parental forms grown in areas with different soil and climatic conditions under the application of special agrotechnical measures with the aim of creating new hybrids of medium staple cotton.

According to the obtained data, the varieties Bukhara-102, Sultan, AN-Boevut-2, Mekhnat, Kelazhak, Khorezm-127 and S-6524 showed comparatively high results for the studied traits.

Key words: cotton, hybrid, parental forms, thousand seed weight, indicators, comparative analysis.

Республикамизнинг кенг майдонларида экилиб парваришланадиган техник экинлардан энг асосийси ҳисобланган ғўза ўсимлигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти катта эканлиги боис ушбу тизимга алоҳида эътибор берилади. Бу борада навларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослигига қараб танлаш, жойлаштириш ва янги синаб кўрилаётган популяцияларнинг ўсимликлари орасидан адаптивлиги юқори бўлган ўсимликлар гуруҳини яқка танлаш усули орқали териб олиш асосида уруғни кўпайтириш ишлари муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Ғўза навларининг хўжалик учун муҳим жиҳатларидан бири сифатида баҳоланадиган минг дона чигити вазнининг фенотипда намоён бўлиши уларнинг генетик жиҳатдан ирсиятига қай даражада боғлиқ бўлса, ушбу ўсимликларнинг қайси экологик ҳудудда ва қандай агротадбирлар асосида парваришланганига ҳам шу даражада боғлиқ бўлиб, мазкур кўрсаткичлар навларга хос бўлган ўсимликларнинг уруғларини экилиб парваришланаётган ҳудуди, ўстириш жараёнида сув ва озик моддалари билан меъёр даражасида таъминланганлик ҳолати, умуман олганда эса, бутун вегетация давомида амалга оширилиши зарур бўлган барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ҳолатда бажарилганлиги кўра ўзгариб туради. Ғўза дурагайларининг ушбу белгиси кўрсаткичларини генотипда ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши, барқарорлашуви ва турлича муҳитларда етиштирилганида фенотипик намоён бўлишини ўрганиш бўйича Республикамизда кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган[1-7].

Тадқиқот мақсади: Янги тадқиқотларда ота-она шакллари сифатида танланган, ашёларнинг турлича тупроқ-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудлар ва махсус агротехник тадбирларни қўллаш асосида парваришланган популяцияларидан териб олинган ҳосил намуналарининг минг дона чигити вазни кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқот ашёси: Меҳнат, Султон, Хоразм-127, С-8290, Бухоро-102, АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, ЎзФА-707, ЎзФА-710, Келажак ва Юлдуз навларининг уруғлик чигитлари.

Тадқиқотни ўтказиш услублари: Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцион таҳлил услубидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Тадқиқот амалга оширилган жой: турли вилоятлардаги тупроқ-иклим шароитларида 2020 йилда парваришланган ўрта толали ғўза навларининг уруғлик чигити намуналари ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида таҳлил қилинди.

Натижалар: Турлича экологик ҳудуд ва агротадбирларни қўллаш асосида парваришланган ғўза навларини 2020 йилда йиғиштириб олинган ҳосили намуналарининг минг дона чигити оғирлиги кўрсаткичлари қиёсий ўрганилди.

Жадвал

Ўза навларининг минг дона чигити вазни кўрсаткичлари

№	Тадқиқот ашёлари номи	Хўжалик белгиси
		Минг дона чигити вазни (гр)
1	Меҳнат	122,8
2	Султон	129,1
3	Хоразм-127	122,4
4	С-8290	116,3
5	Бухоро-102	136,8
6	АН-Боёвут-2	126,6
7	С-6524	122,2
8	Наманган-77	119,8
9	ЎзФА-707	121,2
10	ЎзФА-710	110,3
11	Келажак	122,7
12	Юлдуз	111,7

Жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, 2020 йилда турли ҳудудларда экилиб, парваришланган ғўзанинг истиқболли ва давлат реестрига киритилган шаклларида Бухоро-102 нави уруғлари энг юқори кўрсаткичларини намоён этгани ҳолда, кейинги ўринларда Султон, АН-Боёвут-2, Меҳнат, Келажак ва С-6524 навларида юқори кўрсаткичлар акс этгани кузатилди. ЎзФА-710, Юлдуз ва С-8290 навлари чигитларида вазнининг бошқа ашёларга нисбатан кам кўринишли ҳолда акс этгани маълум бўлган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, айрим ғўза навларининг чигитлари вазни камайиши эвазига толаси чиқими ва сифати кўрсаткичлари ортиши ЎзФА-710 навини тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган бир қатор тадқиқотларимизда ўз аксини топган[5-7]. Турлича тупроқ ва иклим шароитлари ҳамда ҳар хил агротадбирлар асосида ҳосили етиштирилган ушбу тадқиқот ашёларини бир хил муҳитда парваришланганида хўжалик кўрсаткичларини қай тарзда намоён этиши тўғрисида кейинги тадқиқот ишларида ўрганиш режалаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Батталов А.М., Нематов Х.Ш. “Бухоро вилояти шароитида чигити таркибида захарли госсипол моддаси бўлмаган янги “Бухоро-9” ғўза нави яратилди”. ЎзПТИТИ “Ўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами(2013-йил 4-5 декабрь), 339-345 б.

2. Б.К. Суннатов “*G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навлари биологик хусусиятларига ташқи муҳит таъсири”. // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент – 1993, 38-40 б.

3. Б. Мамараҳимов “Ўза селекцияси ва уруғчилигида айрим хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлиги”. AGRO ILM журнали, 3[23]-сон, 2012. 8-9-б.

4. Жўракулов Ф.Н., Мамажов А.А. “*G.hirsutum* L. ғўза навларида битта қўсақдаги пахта вазни билан қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик” – Ғўза ва бошқа экинлар генофонди биохилма-хилликларини ўрганиш, ривожлантириш, сақлаш ва самарали фойдаланиш истиқболлари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2020-й, 255-257 б.

5. О.Р. Эргашев “Ўзанинг янги ЎзФА-710 нави популяциясида тола чиқими белгиси кўрсаткичлари бўйича уч йиллик таҳлилий натижалар”. Агро Илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали 2019 йил, 3 сон, 8-9 б.

6. О.Р. Эргашев “*G.hirsutum* L. турига мансуб янги ғўза навида айрим хўжалик белгиларининг бир неча авлодларда фенотипик намоён бўлиши”. Агро илм. Тошкент, 2020. 2 (65) сон, 7-8 бет.

7. О.Р. Эргашев *G.hirsutum* L. тури янги навида хўжалик белгиларининг шаклланиши ва барқарорлашуви. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси 5 (83) 2020. 73-55 б.

YANGI VA ISTIQBOLLI KUZGI BUG'DOY NAVLARINING HOSILDORLIGIGA SUG'ORISH REJIMINING TA'SIRI

Y.A.Matyakubova, dots., Urganch davlat universiteti, Urganch
Sh.Sh.Raximov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch
Sh.X. Yo'ldasheva, magistr, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada Xorazm viloyati o'tloqi allyuvial tuproqlari sharoitida kuzgi bug'doyning Asr navida sug'orish tartibi va meyorining kuzgi bug'doyning o'sish va rivojlanish jarayonlariga ta'siri natijalari o'rganilgan.

Kalit so'zlar: sug'orish tartibi, sug'orish meyori, ekish meyori, unuvchanlik, hosildorlik, o'tloqi tuproqlar, cheklangan dala nam sig'imi.

Аннотация. В статье исследуются результаты влияния порядка и норм полива сорта Asr озимой пшеницы на рост и развитие озимой пшеницы в условиях аллювиальных почв лугов Хорезмской области.

Ключевые слова: режим орошения, поливная норма, норма посева, плодородие, урожайность, пастбищные почвы, ограниченная влагоемкость поля.

Abstract. The article examines the results of the influence of the order and norms of irrigation of the Asr variety of winter wheat on the growth and development of winter wheat in the conditions of alluvial soils of the meadows of the Khorezm region.

Key words: irrigation regime, irrigation rate, sowing rate, fertility, productivity, pasture soils, limited moisture capacity of the field.

Viloyatimizning tuproq-iqlim sharoitida donli ekinlardan yuqori hosil olish, don sifatini, kasallik va zararkunandalarga chidamligini oshirishda agrotexnik tadbirlarni vaqtida va samarali qo'llash muhim ahamiyat kasb etadi. Qo'llaniladigan agrotexnik tadbirlar ichida kuzgi bug'doyni o'z vaqtida va yetarli miqdorda sug'orish yuqori hosil olish imkonini beradi.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev rabarligida ishlab chiqilgan "2017–2021 yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi" ning 3-ustuvor yo'nalishida belgilangan «Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish» ga oid vazifalardan kelib chiqqan holda qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish soxasiga intensiv usullarni, eng avvalo, suv va resurslarni tejaydigan zamonaviy agrotexnologiyalarni keng joriy etishga alohida e'tibor berilgan. Shu jihatdan, respublikamiz sharoitida bug'doydan mo'l va sifatli hosil olishda kuzgi bug'doy hosildorligiga suv berish tartibining ta'sirini o'rganish bo'yicha ilmiy izlanishlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Kuzgi bug'doy navlarini mintaqaning tuproq - iqlim sharoitini hisobga olgan holda to'g'ri tanlab joylashtirish, sug'orishni to'g'ri tashkil qilish, don hosilini oshirish imkonini beradi.

Tajribamizni davlat reystriga kirgan, viloyatimiz sharoitida biz necha yillardan beri ekib kelinayotgan kuzgi yumshoq bug'doyning Asr va Zimnitsa navlarida olib bordik. Zimnitsa navi nazorat nav sifatida tanlab olindi. Kuzgi yumshoq bug'doyning Asr navi o'rtapishar nav hisoblanib, bo'yi 95- 105 sm ga yetadi. Viloyatimiz sharoitida 60–62 s/ga hosil olish mumkin.

Zimnitsa navi o'rtapishar nav hisoblanib, bo'yi 90- 100 sm. Boshog'i qiltiqsiz, uzunligi 10- 12sm va oq rangda. Doni qizil, tuxumsimon shaklda, 1000 dona don vazni 39- 40 gramm.

Tajribamizda Asr va Zimnitsa navlarining o'sish rivojlanishi va hosildorligiga suv berish tartibining va miqdorining ta'sirini o'rganilib, bir biriga taqqoslandi.

Ilmiy ish tajribasi Urganch davlat universiteti tajriba yer maydonida olib borildi. Tajribda kuzgi bug'doyning Asr va Zimnitsa navlarining urug'lari 2-oktabrda ekildi. Ekish meyori gektariga 4 mln unuvchan urug' hisobida. Sug'orish tartibi CHDNSga nisbatan 70-70-60, 70-70-70 qilib belgilab olindi. Tajribada 2 ta variantda va har bir variantning o'zida 3 ta takrorlanishda ish olib borildi. O'suv davri davomida tuproq namligi va yog'ingarchiliklar hisobga olingan holda sug'orish ishlari o'tkazildi.

Kuzgi bug'doy urug'lari yetarli namlik, issiqlik, havo kislorodi bo'lganda unib chiqqa boshlaydi. Suvni yutilishi murtakda jadal kechadi. Urug' suvni yutishi natijasida bo'rtish davomida urug' po'sti yoriladi. Fermentlar ta'sirida kraxmal, yog'lar, oqsillar parchalanib suvda eriydigan birikmalarga aylanadi va murtakka o'tadi. Kuzgi bug'doyning doni unib chiqishi uchun o'z vazniga nisbatan 45 - 47 % suvni shimib olish kerak. G'alla ekinlarini bo'rtayotgan urug'larida dastlab murtak ildizlari keyin poya rivojlanadi.

Kuzgi bug'doy navlarining urug'lari ekilgandan keyin urug'larni bir tekis unib chiqishi uchun urug' suvi berildi. Namlik yetarli miqdorda ta'minlansa maysalar bir tekis qiyg'os unib chiqadi.(1-jadval)

Kuzgi bug'doy maysalarining unib chiqish dinamikasi

Nav	Tuproq namligi CHDNS ga nisbatan % hisobda	Ekilgan kundan boshlab o'tgan kunlar davomida unib chiqqan o'simliklar soni 1 m ² /dona				
		10.X.	12.X	14.X	16.X	18.X
Andijon-2	70-70-60	87	151	204	256	342
	70-70-70	93	161	212	279	351
Zimnitsa	70-70-60	85	146	207	251	339
	70-70-70	91	163	216	281	348

Ushbu jadvaldan ko'rinib turganidek kuzgi yumshoq bug'doyning Asr navining urug'larining unib chiqishi o'rganilganda tuproq namligi CHDNS ga nisbatan 70-70-60 % hisobida olib borilgan birinchi variantda 10.10.2020 sanada 87 ta, 12.10.2020 sanada 151 ta, 14.10.2020 sanada 204 ta, 16.10.2020 sanada 256 ta, 18.10.2020 sanada 342 tani tashkil qilishi qayd etildi.

Zimnitsa navida CHDNS ga nisbatan 70-70-60 % hisobida olib borilgan birinchi variantda 10.10.2020 sanada 85 ta, 12.10.2020 sanada 146 ta, 14.10.2020 sanada 207 ta, 16.10.2020 sanada 251 ta, 18.10.2020 sanada 339 tani tashkil qilishi qayd etildi.

Tuproq namligi CHDNS ga nisbatan 70-70-70 % hisobida olib borilgan ikkinchi variantda Asr navida 10.10.2020 sanada 93 ta, 12.10.2020 sanada 161 ta, 14.10.2020 sanada 212 ta, 16.10.2020 sanada 279 tani va 18.10.2020 sanada 351 tani qayd qilishi kuzatildi.

Tuproq namligi CHDNS ga nisbatan 70-70-70 % hisobida olib borilgan variantda Zimnitsa 10.10.2020 sanada 91 ta, 12.10.2020 sanada 163 ta, 14.10.2020 sanada 216 ta, 16.10.2020 sanada 281 tani va 18.10.2020 sanada 348 tani qayd qilishi kuzatildi.

Kuzgi bug'doyning unib chiqishi o'rganilganda Asr va Zimnitsa navlarining o'rtasida katta farq kuzatilmadi.

Kuzgi bug'doy navlari ekilgandan keyin maysalar unib chiqib kech kuzgacha yani sovuq tushgunga qadar tuplanib ulguradi va o'simliklar shu fazada qishlaydi.

Tuplanish fazasi o'simliklarni qishlashi uchun qulay davr sanaladi, ular bu davrda sovuqqa chidamli bo'ladi. Kuzgi bug'doy kech muddatlarda ekilganda urug'lar yoki urug'larning unishi uchun yetarli miqdorda namlik bilan taminlanmasa sovuq tushguncha qadar yaxshi tuplanmasligi mumkin.

Bu davrlarda o'simliklar sovuqqa chidamsiz bo'ladi. Buning natijasida qishgi sharoitlarda kuzgi bug'doy navlarining nobud bo'lish extimoli ortadi va hosildorlikning kamayishiga olib keladi.

Tajriba davomida kuzgi bug'doyning qishdan chiqqan o'simliklar soni ham aniqlandi.

2-jadval

Kuzgi bug'doyning unib chiqishi va ko'chat qalinligi

Nav	Tuproq namligi CHDNS ga nisbatan % hisobda	1 m ² dagi soni dona hisobida		Nobud bo'lgan o'simliklar %
		Unib chiqqan o'simliklar soni	Qishdan chiqqan o'simliklar soni	
Asr	70-70-60	385,6	321,5	16,6
	70-70-70	388,2	326,7	15,8
Zimnitsa	70-70-60	382,9	322,3	15,8
	70-70-70	388,4	327,1	15,7

Tajriba natijalaridan ko'rinib turganidek kuzgi bug'doy Asr navida tuproq namligi CHDNS nisbatan 70-70-60 % olib borilganda 1m² dagi o'simliklar soni 385,6 tani tashkil qilgan. Qishdan chiqqan o'simliklar soni esa 321,5 tani tashkil qildi. Shunga mos ravishda nobud bo'lgan o'simliklar 16,6 % tashkil etishi aniqlandi.

Zimnitsa navida tuproq namligi CHDNS nisbatan 70-70-60 % olib borilganda 1m² dagi o'simliklar soni 382,9 tani tashkil qilgan. Qishdan chiqqan o'simliklar soni esa 322,3 tani tashkil qildi. Nobud bo'lgan o'simliklar 15,8 % tashkil etishi aniqlandi.

Tuproq namligi CHDNS nisbatan 70-70-70 % olib borilganda Asr navida o'rtacha 1m² dagi o'simliklar soni 388,2 tani tashkil qilgan. Qishdan chiqqan o'simliklar soni esa 326,7 tani tashkil qildi. Shunga mos ravishda nobud bo'lgan o'simliklar 15,8 % tashkil etishi aniqlandi.

Zimnitsa navida tuproq namligi CHDNS nisbatan 70-70-70 % olib borilganda 1m² dagi o'simliklar soni 388,4 tani tashkil qilgan. Qishdan chiqqan o'simliklar soni esa 327,1 tani tashkil qildi. Nobud bo'lgan o'simliklar 15,7 % tashkil etishi aniqlandi.

Tajriba natijalaridan ma'lum bo'lishicha, kuzgi bug'doyning yashovchanligi tuproq namligi ham bog'liq bo'ladi.

Demak kuzgi bug'doy navlari (Asr va Zimnitsa) ning o'suv rivojlanish davrida yetarli miqdorda namlik bilan taminlash va sug'orishni to'g'ri tashkil qilish don hosildorligini oshirishga imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari / Nurmatov SH., Mirzajonov Q., Avliyoqulov A., Bezborodov G., Ahmedov J., Teshayev SH., Niyozaliev B., Xoliqov B va b.; SHamsiev A tahriri ostida. – Toshkent: O'zPITI, 2007. – 132-139 b.

2. Eshmirzayev K.E., Yusupov X.Y. Don ekinlaridan yuqori hosil yetishtirish. Toshkent. «Mehnat». 1995. 66-b.

3. Комилов Б.С., Ибрагимов Н.М., Ражабов Т.Я. Суғоришнинг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири. // Фермер хўжалиқларида пахтачилик ва галлачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006

U'O'T 634.11

OLMA DARAXTI NOVDALARINING O'SISHI VA MEVA SHAKLLANISHINING BIOMETRIK TAVSIFIGA ME'YORLASHGAN QIRQISHNING TA'SIRI

R.Yunusov, q/x.f.n., dotsent, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

F.A. Ganiyeva, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

H.X. Salimova, katta o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

B.Sh. Islomov, talaba, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotasiya. Mazkur maqolada Buxoro viloyati Buxoro tumani, "Amin Hayot bo'g'i" fermer xo'jaligini tuproq-iqlim sharoitida intensiv bog'ida 3 xil rayonlashtirilgan olma daraxtini novdalarining o'sishi va meva shakllanishining biometrik tavsifiga kesish ta'siri keltirilgan.

Kalit so'zlar. Tuproq, iqlim, intensiv bog'dorchilik nav-payvandtaglar kombinatsiyalari, keshish usullari, o'sish va meva shakllanishi, biometrik tavsifi.

Аннотация. В данной статье приведено влияние обрезки районированных сортов на рост и плодообразование деревьев яблони в почвенно-климатических условиях Бухарского области, Бухарского района, «Амин Хаёт боғи» фермерского хозяйства.

Ключевые слова. Почва, климат, интенсивное садоводство, сорто-подвойные комбинации, районированные сорта, рост и плодообразование, биометрические характеристики.

Abstract. This article shows the influence of pruning zoned varieties on the growth and fruit production of apple trees in the soil and climatic conditions of the Bukhara region, Bukhara region, "Amin Hayot bogi" farm.

Key words. Soil, climate, intensive gardening, variety-rootstock combinations, zoned varieties, growth and fruit production, biometric characteristics.

Kirish. Intensive bog'dorchilikda meva ishlab chiqarishni keskin oshirish, sifatini tubdan yaxshilash hamda tannarxini kamaytirish asosan yangi intensiv pakana bog'lar barpo qilish va ayni paytda mavjud bog'lardan yuqori, sifatli olma mevalari hosilini yetishtirish ko'zda tutilgan. O'zbekistonda barpo etiladigan intensiv (jadallashtirilgan) urug'li va danakli mevali bog'lar barpo qilinmoqda, mazkur mevali bog'larda daraxtlarga shakl berish, nav-payvandtaglarini maqbul turini tanlash va ularni biologik xususiyatlarini e'tiborga olgan holda ularga muayyan shakl berish, kesish usullari va darajalari o'rganilgan bo'lsada, nav va payvandtaglarni biologik xususiyatlarni e'toborga olgan holda, daraxtlarini yoshiga qarab, hosil beruvchi 3-4 yillik shoxlarni yoshartirish sikli bo'yicha keshish usullari va darajalari hamda maqbul shakl berish tadbirlari O'zbekiston tuproq-iqlim sharoitida, shu jumladan Buxoro viloyatida ham ilmiy asoslangan holda atroflicha o'rganilmagan.

Ilmiy ishning vazifasi shundan iboratki hosil beruvchi mevali daraxtlarning o'suvchi shoxlarini qirqish jarayonida uning qirqish usuli va darajasiga bog'liqni o'rganish, asosiy fitometrik va biometrik ko'rsatkichlarining o'sish, rivojlanish va hosildorlikka ta'sirini aniqlash, daraxt tanasining yorug'lik bilan ta'minlanganligi, daraxt tanasida generativ organlarning shakllanishi va ularning joylashishi, hosil va uning sifatiga ta'sirini o'rganishdan va meva ishlab chiqarishni iqtisodiy samaradorligini baholashdan iborat.

Keshish bog'dorchilikda kuchli ta'sir etuvchi eng muhim agrotexnik usul hisoblanadi va uning mevali daraxtlarga ta'siri qator sabablarga bo'g'liqdir. Birinchi navbatda, kesishning o'ziga xos usuli va darajalariga, uning o'tqazish muddatlariga, daraxt yoshi, nav-payvandtaglarning biologik xususiyatlariga va mevali daraxtlarni holatiga, tuproq-iqlim sharoitlari va o'tkaziladigan axrotexnik boshqa usullari bilan majmuaviy ravishda kesish usuli va darajalari qo'llanilsa, yillar davomida hosilni tartibga solish va mutasil hosilni olish imkoniyati vujudga keladi.

Keshish usuli va darajasi-mevali daraxtlarning hosilga kirish vaqtiga, hosilning hajmi hamda sifatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'sish va hosil berishni tartibga solish, davriylik bilan kurashish, qishga chidamlilikni oshirish ham kesish tadbiri tomonidan amalga oshiradigan eng muhim hal etuvchi vazifalaridan biridir.

Ta'jriba o'tkazish joyi va metodikasi. Ilmiy tadqiqot ishlari 2009-2016 yillar davomida Buxoro tumanida joylashgan "Amin Hayot bog'i" fermer xo'jaligida o'tkazildi. Mazkur fermer xo'jaligi sug'oriladigan zonasida joylashgan bo'lib, tuproqning hosil bo'lishi jazirama va quruq iqlim sharoitida o'tadi va iqlim keskin continental hisoblanadi. Issiq quyoshli kunlar 240 kungacha davom etadi. "Amin Hayot bog'i" fermer xo'jalikda eng issiq kunlar yoz oyida kuzatiladi va o'rtacha havoning nisbiy namligi 40-60 % ni tashkil etadi. Tuproqning haydalma qatlamida chirindi miqdori 0,8-1,4 % ga, azotning miqdori

0,06-1,2% teng bo'ldi. Fosforning yalpi miqdori 0,11-0,18 % ga va almashinuvchan kaliy miqdori 1,5-3,0 % ni tashkil qiladi. Metrologik sharoitlarini tahlil qilishda Buxoro metrologik stansiyaning ma'lumotlaridan foydalanildi, chunki bu fermer xo'jaligi shu meteorologik stansiyasiga yaqin joylashgan, shuni qayd etish lozimki, tadqiqot yillarida mevali daraxtlarni amal davrlarida, intensiv olma navlarini parvarishlash va ulardan yuqori va sifatli hosil olish uchun ob-havo sharoitlari mos keladi [1,3,5].

Tadqiqot natijalari. Olma daraxtlarini fitometrik ko'rsatkichlari va biometric tasnifini o'rganish va aniqlash maqsadida quyidagi ko'rsatkichlar-stambning balandligi, daraxt tanasining yo'g'onligi, shox-shabbalarinin kattaligi, bir yillik novdalar o'sishning o'rtacha va umumiy uzunligi o'rganildi. O'sib ketgan shoxlarni qisqartirish mevali daraxtlarni o'sish jarayonlarini faollashtirishda va chuqur fiziologik o'zgarishlarni ta'minlaydigan samarali omil ekanligidan dalolat bermoqda. Olma daraxtining keshish usuli va qisqartirish darajalariga qarab, har xil darajada ta'sirlanishi kuzatildi, ya'ni, shoxlarning o'shishida skeletli shoxlarning rivojlanishi, shuningdek shox-shabbasini tanasida boshqa elementlarni o'zgarishi aniqlandi, daraxt tanasi yo'g'onlashda, shox-shabbalarning shoxlanishi qalinlashdi va barg sathining o'shishi kuzatildi [2,4,6,13].

Hosil berib bo'lgan shoxlardan o'sadigan o'rnini bosuvchi uch-to'rt yillik siklik yoshartiruvchi va me'yorlangan keshish daraxtlari qo'llanilgan variantlarida qatorning bo'yicha va ko'ndalangiga shox-shabbalarni kattaligi, o'shish va rivojlanishish ko'rsatkichlari, daraxt tanasi proeksiyalari ostidagi maydonlarning o'zlashtirishi me'yoriy darajada bo'lib, jadallashgan tipdagi hozirzamon sanoat bog'lari uchun me'yoriy ko'rsatkichdir [7,8].

1-jadval

Keshish usuli va darajasining hosil beruvchi novdalar miqdori va holatiga ta'siri

Hosil berib bo'lgan o'suvchi shoxlarda yoshartiruvchi kesish variantlari	Qoldirilgan shoxlarda hosil kurtaklari soni (dona)	Hosil kurtaklarni turi, dona			Hammasi, dona
		(kolchatka) halqachalar	(prutik) xivichlar	O'suv novdalari	
«Golden Delishes» olma navi					
Nazorat	qisqartirilmaydi	2201	104	980	3285
3 yillik sikl	4-8	1453	66	651	2170
	8-12	1480	74	666	2229
	12-16	1584	82	714	2380
	qisqartirilmaydi	1546	99	860	2905
4 yillik sikl	4-8	1550	74	696	2320
	8-12	1610	80	720	2410
	12-16	1720	98	762	2570
	qisqartirilmaydi	2005	103	700	3008
«Renet Smirenko» olma navi					
Nazorat	qisqartirilmaydi	1993	97	890	2980
3 yillik sikl	4-8	1340	67	603	2010
	8-12	1405	79	621	2105
	12-16	1470	84	655	2209
	maydi	1738	93	749	2580
4 yillik sikl	4-8	1365	75	660	2100
	8-12	1469	79	669	2208
	12-16	1543	80	6803	2312
	qisqartirilmaydi	1785	95	7705	2650
«Pervenes Samarkanda» olma navi					
Nazorat	qisqartirilmaydi	1815	82	813	2710
3 yillik sikl	4-8	1252	58	560	1870
	8-12	1258	61	561	1920
	12-16	1405	65	630	2100
	qisqartirilmaydi	1540	75	690	2305
4 yillik sikl	4-8	1326	60	594	1980
	8-12	1406	66	630	2102
	12-16	1540	71	650	2305
	qisqartirilmaydi	1670	82	750	2502
Hsr ₀₉₅					25,2
P%					2,1

Olma daraxtlarlarining vegetativ va reproduktiv faoliyatini tartibga solish va uni boshqarish nisbatlari-agroteknik tadbirlarning asosiy vazifalardan biri bo'lib, bunda aynan daraxtlarga muayyan shakl berish va keshish usuli va darajalariga hamda nav-payvandtaglar kombinasiyalariga, ularga shakl berish jarayonida keshish usullari va darajalariga rioya qilib kesilganda, daraxtlarni o'shish va rivojlanishi me'yorida kechib, novdalar faqat maqbul muhitga yoki bo'lmasa maqbul sharoitlarga yaqin tomonga yo'nalishini doimo eslatib turish ko'pgina o'tqazilgan tadqiqotlarda ham ko'rsatilgan [9,10].

Daraxt navi va avlodiga xos xususiyatlari uning tashqi muhit ta'siri reaksiyasiga qarab doimiy bo'ladi. Bog'bonlarning samarali va yangi texnologik parvarishlash usullarni bilishlari ularning qanday kesish usuli va darajasini qo'llanilishiga qarab, mevali daraxtlarning o'shish va rivojlanishining ob'ektiv qonunlarga mos kelishini va soha mutaxassislari har bir usulning alohida daraxtga qay darajada ta'sir etishini aniq bilib oladi va shunga ko'ra, hosilni miqdori oshadi va sifati yaxshilanadi.

Hosil berib bo'lgan va o'sib ketgan asosiy hosil beruvchi shoxlarda yoshartiruvchi va me'yorlovchi keshish usuli va darajalari qo'llanilganda, ularning qisqarishi o'rta o'suvchi payvandtagga payvand qilingan olmaning rayonlashtirilgan navlarida birinchi tartibdagi shoxlar uzunligining har yilgi o'sishi mevali ko'chat o'tkazilgandan keying birinchi yillarda navlar bo'yicha 39-47 sm ni tashkil etdi, bu esa olma daraxti uchun talab darajasidagi holat hisoblanadi [11,12].

Tajriba natijalaridan shu aniqlandiki, o'tkazilgan tadqiqotlar barcha yillarda o'rinbosar shox qoldirib 3-4 yillik sikl bo'yicha hosil berish uchun qo'yilgan shoxlarni yoshartiruvchi va me'yorlangan darajada kesilganda yo'g'on, hosil berib bo'lgan novdalar soni nazorat variantiga nisbatan 9-31 % gacha kamayganligi kuzatildi. Meva hosil bo'lishining tuzulishida barcha o'rganilgan navlarda 59-62% halqachalar, 9-13 % gacha mevali hivichlardan ustun turadilar. Shunday qilib, hosil berib bo'lgan shoxlarning yoshartirish natijasida halqachalar sonining qisqarishi kuzatilib, Golden Delishes navida 21,1% ga Renet Smirenko navida 19,8%, Pervenets Samarkanda navida esa 15,6% ga kamayganligi aniqlandi, mevali xivichlar soni navlar bo'yicha tegishli: 20,1 % va 15,4% kamayganligi kuzatildi (1-jadval).

2-jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan shu aniq bo'ldiki, hosil kurtaklarning umumiy miqdoridan, faqat 12-13 % hosilga aylanadi xolos, qolgani esa to'liq to'kilib ketadi. Shuning uchun 3-4 yillik sikl bo'yicha o'tkazilgan keshish usullari va darajalari daraxtda fiziologik jarayonini to'g'ri va maqbul o'tishga sharoit yaratib, pirovard natijada esa qoldirilgan hosil ko'rsatkichlari yuqori va sifatli shakllanadi.

Xulosa. Yuqori sifatli meva doimiy hosilini shakllantirish uchun qishgi-bahorgi me'yorlashtiruvchi keshish tadbirini qo'llash jarayonida daraxt tanasi shox-shabbalarida har yili uch yillik novdalarning mumkin bo'lgan maksimal sonini yetishtirish mumkin bo'lgan maksimal sonini yetishtirish zarur. Mevali daraxtlarga parvarishlash bo'yicha yuqori sifatli kompleks agrotexnik tadbirlar tizimining barcha usullarini va keshish usuli hamda darajalarini o'z vaqtida bajarish yordamida rejalashtirilgan meva hosilini yetishtirishga hamda yuqori hosil olishiga imkon yaratiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Yunusov R. Nazarova S.M., Ganiyeva F.A., Ataeva Z.A. Influence of cultivar combinations and seedling thicknegg of the formation of photometric indicators and productivity of pear trees in intensive orchards.//Academia An international multidisciplinary Research Journal. Vol. 11.Issue 9. September, 2021, 328-331 p.
2. Ganieva F.A., Yunusov R. //Studying the different formations of apple trees in intensive orchards. Vol. 2. No.4.April 2021.
3. Тўхтаев Ш.Х, Юнусов Р. Ганиева Ф. Бухоро вилояти Жондор тумани шароитида гўза ўргимчакканасига қарши курашишда янги тежамкор. “Веритемек 1,8%” э.м.к. препаратини қўллаш самарадорлиги.// Вестник Хорезмской Академии Маъмуна, 2.2021, 70-73 б.
4. Ҳожиёв С.С., Нафетдинов Ш.Ш., Тешаев Б.Ш. Морфология развития структурных частей кроны персика сорта Лола при различных схемах размещения. // Вестник Хорезмской Академии Маъмуна, 2.2021, 73-75 б.
5. Шамсиева Ў., Юнусов Р., Ганиева Ф., Атаева З. Когон тумани Саломов Шахобиддин номидаги фермер хўжалиги қадимдан суғориладиган ўтлоқи тупрокларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва кузги буғдой етиштириш омиллари. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2021, № 9, 126-128 б.
6. Artikova H.T. Sattorova M.M. Jumaev J.J. Prevent Salinization and increase the fertility of irrigated sandy and loamy soils.// The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering (ISSN-2689-1018). March 11, 2021.1. 128 p.
7. Юнусов Р. Назарова С.М., Каримов Б.Ш. Бухоро воҳаси шароитида олма дарахтларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини кесиш усуллари ва даражаларига боғлиқлиги. // “Дурдона”, Бухоро 2020, 126 б.
8. Ганиева Ф.А., Юнусов Р. Бухоро вилояти шароитида интенсив олмазорларда ўсиши ва ҳосилдорликнинг навпайвандтаг комбинациялари ҳамда кўчат калинлиги. //Дурдона 2021, 102 б.
9. Artikova H.T. Salimova H. The factors of Formation of soil in Gijduvan district of Bukhara Oasis, climate, physical-mechanical properties of irrigated soils.// International journal of Aquatic Science. ISSN: 2008-8019. Vol 12, Issue 03, 2021. pp. 1929-1935
10. Salimova H. Current analytical state of meliorative condition of irrigated soils of gijduvan district of Bukhara region.// European Journal of Agricultural and Education (EJARE) ISSN (E): 2660-5643. Journal Impact Factor: 5,255. Vol. 2, Issue 6, June, 2021. Pages. 46-48
11. Ikramova M.L. Atoeva R.O., Rakhmatov B.N. //Application of the immunofluorescent Zeroks for dedermination of cotton plant. V.2021, Volume:10, Issue 9, pp. 224-250.
12. Икромов М.Л. Юнусов Р., Рахматов Б.Н. Гафаров И.Ч. //Влияние препарата Зерокс в.к.р. (д.в. 3000 мг/л коллоидного серебра) на урожайность и грибковые заболевания хлопчатника в условиях Бухарской области.// Журнал Столица науки, 2018 г., 5 (5), электрон журнал.
13. Ortikov T.K., Artikova H.T., Bafaeva Z.X. Influence of the degree of the meadow-alluvial soil of the Bukhara oasis. //European scholar journal [ESI] Available online at: <https://www.Scholarrets.com>. Vol.2, № 8, August 2021, ISSN.2660-5562, pp 66-70

СУҒОРИЛАДИГАН ГИПСЛИ БЎЗ-ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРДАГИ ГУМУС ВА ОЗИҚА ЭЛЕМЕНТЛАРИ МИҚДОРИ

Н.Ю. Абдурахмонов, б.ф.д., к.и.х., Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ, Тошкент

Ў.Т. Собитов, PhD, к.и.х., Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ, Тошкент

К.Д. Курдашев, таянч докторант, Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги А.Кулбеков номли массив янгидан суғориладиган, турли даражада гипслашган бўз-ўтлоқи тупроқларида олиб борилган тадқиқотларда аниқланган гумус ва озиқа элементларнинг умумий ҳамда ҳаракатчан шакллари ва миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: бўз-ўтлоқи тупроқлар, гипс, гумус миқдори, озиқа элементлар, умумий ва ҳаракатчан шакллари.

Аннотация. В статье даётся агрохимическая характеристика по содержанию гумуса, валового и подвижного форм азота, фосфора и калия сероземно-луговых гипсированных почв массива им. А. Кулбекова Мирзаабатского района Сырдарьинской области анализированы современные агрохимические состояния сероземно-луговых почв, установлены градации по степени обеспеченности гумусом и подвижных форм питательных (NPK) веществ.

Ключевые слова: сероземно-луговые почвы, гипс, содержанию гумуса, питательные элементы, валового и подвижного форм.

Abstract. The article gives an agrochemical characteristic according to the content of humus, gross and mobile forms of nitrogen, phosphorus and potassium of sierozem-meadow gypsum soils of the massif named after. And Kulbekov, Mirzaabad district, Syrdarya region, the modern agrochemical conditions of sierozem-meadow soils were analyzed, gradations were established according to the degree of provision with humus and mobile forms of nutrients (NPK) substances.

Key words: gray earth-meadow soils, gypsum, humus content, nutrients, gross and mobile forms.

Қириш. Ўзбекистонда гипсли тупроқлар Фарғона водийси, Жиззах, Мирзачўл, Маликчўл, Шеробод чўллари ва Устюрт платосида кенг тарқалган бўлиб, улар асосан сахро зонаси ва бўз тупроқлар минтақаси тоғ олди кенг тарқалган. Республикаимизнинг суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларидаги гипсли тупроқларнинг майдони 383,2 минг гектардан ортиқ бўлиб, бу жами суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 10,3 фоизини, жумладан Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалик суғориладиган ер майдонларининг 28,6 % ини ташкил этади. Турли даражада гипслашган ерлар юқори даражада шўрланганлиги, ўта зичлашганлиги, сув ўтказувчанлигининг ўта ёмонлиги билан тавсифланиб, бундай ерлар ўсимликларнинг илдиз тизимларини макбул ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда республикаимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган гипсли ерлардан самарали фойдаланиш, бундай қийин мелиорацияланувчи ерлардаги гипс миқдорлари, шакллари, гипсли қатлам чуқурлиги ва қалинлигини ҳисобга олган ҳолда, тупроқларнинг гипслашганлик даражаларини аниқлаш, уларнинг унумдорлигини қайта тиклаш, ошириш ва бошқариш мақсадида тупроқларнинг хосса-хусусиятларини ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотларимиз Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани А.Кулбеков номли массивининг кучсиз гипслашган, янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда олиб борилди. Ўрганилган ҳудуд тупроқлари пролювиал-аллювиал ётқиқиқларида шакланган бўлиб тоғ ости текисликларида жойлашган.

Тадқиқотлар услубиёти асосини ўрганилган ҳудудлар тупроқ хариталари маълумотларини таҳлил қилиш, қиёсий-географик, тупроқ-картографик, лаборатория-камерал-аналитик тадқиқотлар натижаларини умумийлаштириш ҳамда массив суғориладиган ерлари сифатини баҳолаш услублари ташкил этади. Тадқиқотларнинг тайёргарлик, дала, камерал ва картографик ишларм қабул қилинган йўриқнома [1] асосида, лаборатория-аналитик ишлари умумқабул қилинган услубиётлар [2] асосида бажарилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Суғориш тупроқдаги гумус, озиқа элементлари миқдори ва захирасига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу жараён, бир томондан тупроқларга тизимли равишда гўнг солиш, тупроқда катта миқдорда илдиз қолдиқларини қолдирувчи маданий экинлар экиш билан боғлиқ бўлиб, бу тадбирлар ўз навбатида органик моддаларнинг тўпланишига олиб келади, иккинчи томондан эса, тупроққа ишлов бериш ва суғориш

агротехник тадбирларни ўтказиш негизда биологик жараёнларни, айниқса, органик моддаларнинг парчаланганини тезлаштиради.

Ўрта Осиё шу жумладан Ўзбекистон шароитида бўз тупроқлар минтақаси хуудларини ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида, шудгорлаш (хайдаш), суғориш ва ишлов бериш тадбирлари баъзан гумус ва бошқа органик моддаларнинг камайишига олиб келади [3]. Кейинчалик эса суғориладиган тупроқлар унумдорлигини оширишда қўлланиладиган агротадбирлар таъсирида тупроқда гумус захираси орта боради. Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, кўрик бўз тупроқларни хайдаш ва суғориш, органик моддаларнинг парчаланishi ва минерализацияланиш жараёнларини тезлаштиради. Ўзлаштиришнинг дастлабки 3-4 йили ичида янги суғорилаётган бўз тупроқлардаги жами органик модданинг 40-50 фоизи парчаланadi ва кейинчалик бу жараён барқарорлашади.

Тупроқдаги органик модда миқдори, гумус ҳосил бўлиш шароитлари, тупроқ қатламининг механик таркиби, суғориш даври, деҳқончилик маданияти, агроирригацион қатламларнинг қалинлиги ва шўрлашиш даражасига боғлиқ ҳолда, тупроқнинг бир қатор хоссаларини бошқариб турувчи асосий омил ҳисобланади. Ўрганилган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг кимёвий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, мазкур тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 1,043-1,141 % оралиғида тебраниб, ҳайдалма ости қатламида 1,004-0,688 фоизни ташкил этади, қуйи қатламларга қараб камайиб боради.

Тадқиқот хууду тупроқларида азот миқдори гумус миқдори билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, гумус миқдорининг камайиши билан азотнинг умумий миқдори ҳам камаяди.

Гумус миқдори юқори (>1%) бўлган тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги ялли азот миқдори 0,069-0,071% оралиғида тебраниб, ҳайдалма ости ва қуйи горизонтлар томон камайиб, 0,032-0,060 % ни ташкил этади. Углероднинг умумий азот миқдорига бўлган нисбати устки ҳайдалма қатламларда 7,1-9,3 кўрсаткичларда қайд қилинди (1-жадвал). Азотнинг нитрат шакли тупроқнинг ҳайдалма қатламида 17,4-25,0 мг/кг миқдорларида кузатилиб, қуйи қатламларда бу кўрсаткич 10 мг/кг гача камаяди. Ҳаракатчан азотнинг (N-NO₃) миқдори ўрганилган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламида юқори кўрсаткичларда кузатилиб, (20,5-25 мг/кг) кесма бўйлаб азотнинг ялли миқдори ўзгаришларига мос равишда ўзгаради.

1-жадвал

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардаги гумус, азот, фосфор ва калий миқдори

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	Умумий %			C: N	Ҳаракатчан, мг/кг		
			Азот	Фосфор	Калий		N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	0-24	1,043	0,069	0,48	1,450	8,8	20,5	45,1	305
	24-51	0,747	0,066	0,35	1,100	6,5	17,5	36,3	251
	51-82	0,699	0,041	0,20	0,870	9,9	15,1	22,7	110
	82-105	0,591	0,044	0,17	0,610	7,8	13,0	15,8	82
	105-136	0,394	0,032	0,10	0,320	7,1	10,5	10,1	52
2	0-26	1,043	0,070	0,45	1,230	8,6	25,0	41,3	295
	26-49	1,004	0,060	0,33	0,990	9,7	20,0	30,6	150
	49-76	0,984	0,050	0,21	0,790	11,4	15,0	20,1	82
	76-109	0,745	0,068	0,15	0,520	6,4	12,3	10,9	42
	109-125	0,390	0,032	0,09	0,290	7,1	10,9	9,6	36
3	0-24	1,102	0,071	0,40	1,260	9,0	23,2	36,5	289
	24-43	0,905	0,052	0,31	0,995	10,1	17,5	23,2	205
	43-79	0,610	0,041	0,17	0,715	8,6	11,8	16,0	120
	79-110	0,549	0,043	0,14	0,550	7,4	11,2	11,2	98
	110-142	0,393	0,037	0,10	0,315	6,2	11,7	8,5	61
4	0-27	1,141	0,071	0,32	1,134	9,3	17,4	24,6	277
	27-50	0,688	0,038	0,22	1,000	10,5	18,6	19,3	201
	50-81	0,610	0,042	0,16	0,850	8,4	10,5	16,2	153
	81-94	0,590	0,038	0,12	0,705	9,0	10,0	10,0	85
	94-134	0,452	0,041	0,09	0,502	6,4	10,0	7,5	47

Тупроқларнинг фосфор ҳолатини ўрганиш бўйича бир қанча олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Суғорма деҳқончилик шароитидаги тупроқларда фосфорнинг тўпланиши ва ўзгариши табиий шароитдаги тупроқлардан фарқ қилади. Ҳар йили минерал ўғит сифатида солинадиган катта миқдордаги фосфорнинг атиги 15-20% идан ўсимликлар фойдаланади, қолган қисми эса тупроқда қолиб, мураккаб жараёнлари таъсирида сувда эримайдиган шаклга ўтиб кетади. Тупроққа ўғит сифатида солинаётган фосфорнинг асосий қисми деярли қисқа вақти ичида ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклга ўтиб улгуради [4,5].

Бўз-ўтлоқи тупроқларда фосфорнинг сувда эримайдиган шакллarga ўтиб тўпланиши коллоид-иль фракциялари миқдорига, кальций ва магний карбонатларнинг кўп ёки озлигига боғлиқ.

Тадқиқот объекти тупроқларининг ҳайдалма қатламидаги фосфорнинг ялпи миқдори 0,32-0,45% ни, хайдов ости қатламида 0,22-0,35% ни ташкил қилади, унинг ҳаракатчан миқдори эса 24,6-45,1 мг/кг атрофида, тебраниб, тупроқнинг ҳайдалма ости ва қуйи горизонтларида 7,5-36,6 мг/кг ни ташкил этади. Бу тупроқлар ҳаракатчан фосфор билан асосан кам ва айрим айирмалари ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳига киради (1-жадвал).

Бугунги кунда дунёда калийли ўғитлар азот ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмидан анча кам бўлиб, 12 млн. тоннани ташкил этади. Бу ўғит ўсимлик организмда муҳим ҳаётий жараёнларни бажаради. Масалан, ҳужайранинг сув фаолиятини тартибга солишни, углеводларнинг барглardan бошқа органларга оқиб ўтишини, фотосинтез жараёнининг бир маромда боришини таъминлайди. Ўсимлик таркибидаги калий миқдори 0,01% дан 2-3% гача бўлиб, бу ўғитни тупроққа беришда тупроқдаги ҳаракатчан калий миқдорини қатъий ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки 1 кг тупроқ таркибида 400 мг дан ортиқ калий бўлса, айни тупроққа йиллик нормадаги калий миқдорининг 20-40% ни бериш лозим. Калийли ўғитларни агрохимёвий харитаграммаларга риоя қилмасдан тупроққа бериш, ҳосилнинг пишиб етилишини кечиктиради ва сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шўрланган тупроқлар, одатда, шўрланмаган тупроқларга нисбатан калийга бойроқ. Аммо О.К.Комилов [6] бу нисбатни калийнинг ҳаракатчан шакллари учун тўғри деб кўрсатади. Мирзачўлнинг янгидан ва эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи шўрланган ва шўрланмаган тупроқларида ялпи калийнинг миқдори деярли бир хил. Алмашинувчи калийнинг миқдори шўрланмаган янгидан ва эскидан суғориладиган тупроқларда сувда эрийдиган калийга нисбатан анча кўп, эскидан суғориладиган шўрланган тупроқларда аксинча, сувда эрувчан калийнинг миқдори (250-350 мг/кг) устунлик қилади.

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар профилида ялпи калий миқдори 0,290-1,450 % атрофида тебраниб, унинг ҳаракатчан миқдори тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 277-305 мг/кг ни ташкил этади, барча кесмаларда пастки қатламлар томон ҳаракатчан калий миқдорининг камайиши кузатилади. Бу тупроқлар ҳаракатчан калий билан асосан ўртача (200-300 мг/кг) ва айрим айирмалари бўйича юқори даражада таъминланган.

Хулоса. Ўрганилган Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги А.Кулбеков номли массив суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардаги гумус миқдори 1,043-1,141 % оралиғида тебраниб, гумус билан ўртача таъминланган тупроқар тоифасига мансуб. Тупроқлар ҳаракатчан азот миқдорига кўра, жуда кам ва кам фосфор бўйича кам ва ўртача ва алмашинувчи калий миқдорига кўра, ўртача ва юқори таъминланган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади. Ушбу ўрганилган ҳудудда турли агротехник ва агромелиоратив табирилар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома». Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар. Тошкент, 2013, 52 бет.
2. «Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма» (муаллифлар жамоаси). Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар. Тошкент, 2005, 24 бет.
3. Кўзиев Р.К., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупроқлар эволюцияси ва унумдорлиги. Тошкент, “Navroz”, 2015. 208 бет.
4. Мирзажонов К.М., Умбетаев У. Влияния сульфаммонизированных продуктов на подвижность фосфора в карбонатных почвах. //Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий ва амалий анжуман материаллари тўплами. Т.2007. 102-106 бетлар
5. Юлдашев Г., Холдоров Д. Миграция элементов орошаемых засоленных почвах Центральной Ферганы. ФарДУ. Илмий хабарлар журнали. 2001 №3-4. 42-44 бетлар
6. Комилов О.К. Мелиоративное состояние и плодородие вновь освоенных почв Голодной степи. Ташкент. Фан, 1980. 155 бет
7. Мирзаев У.Б. Исфайрам-Шоҳимардонсой конус ёйилмаларидаги арзикли тупроқ хоссаларининг антропоген омил таъсирида ўзгариши. Б.ф.н. Диссертацияси – Ташкент-2009. -148 бет.

КАТТИҚ БУҒДОЙ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА КОРРЕЛЕАТИВ БОҒЛИҚЛИГИ

*З.Т. Болқиев, таянч докторант, Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти,
Самарқанд*

Аннотация. Қишлоқ хўжалиги соҳаси айниқса, галлачилик соҳасининг асосий талабларидан бири суғориладиган ерлар шароитларига яхши мослашувчан, касаллик ва зараркунандаларга ҳамда табиатнинг ноқулай омилларига чидамли, ҳосилдор, иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли, юқори сифатли макарон ва қандолат маҳсулотлари берадиган қаттиқ буғдой навларини яратиши ва уларни етиштириши технологиясини ишлаб чиқиши асосида дон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Буғдой ўсимлиги, хусусан кузги қаттиқ буғдой бошка галла дон экинларига нисбатан ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Қаттиқ буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 35-40 ц/га ташиқил этади. Нидерландия, Бельгия, Англия, Германия сингари айрим Европа давлатларида дон ҳосилдорлиги яна ҳам юқори бўлиб, 70-80 ц/га ни ташиқил этади. Интенсив типдаги навларнинг экилиши, замонавий технологияларнинг қўлланиши ҳисобига сўнги йилларда республикамизда дон ҳосилдорлигининг сезиларли ўсиши кузатилади.

Калим сўзлар: қаттиқ буғдой, жанубий минтақа, дон сифати, андоза, дурагай тизма, нав, ҳосилдорлик.

Аннотация. Одним из основных требований сельскохозяйственного сектора, а в частности зерноводческой отрасли является повышение урожайности и качества сельскохозяйственных культур на основе создания устойчивых к болезням и вредителям, к неблагоприятным факторам внешней среды, жароустойчивых и засухоустойчивых, высокоурожайных с высоким качеством зерна новых сортов и разработки технологий выращивания. Урожайность пшеницы, особенно озимой твердой пшеницы, выше, чем у других зерновых культур. Средняя урожайность твердой пшеницы составляет 35-40 ц/га. В некоторых европейских странах, таких как Нидерланды, Бельгия, Англия, Германия, урожайность зерна еще выше, достигая 70-80 ц/га. За счет посадки интенсивных сортов, применения современных технологий в последние годы в стране произошел значительный рост урожайности зерна.

Ключевые слова: пшеница твердая, южный регион, качество зерна, стандарт, гибрид гребневой, сорт, урожайность.

Abstract. One of the main requirements of the agricultural sector, and in particular of the grain-growing industry, is an increase in the yield and quality of agricultural crops through the creation of disease-resistant and pest-resistant, unfavorable to environmental factors, heat-resistant and drought-resistant, high-yielding high-quality grain of new varieties and the development of growing technologies. The yield of wheat, especially winter durum wheat, is higher than that of other cereals. The average yield of durum wheat is 35-40 c / ha. In some European countries, such as the Netherlands, Belgium, England, Germany, the grain yield is even higher, reaching 70-80 c / ha. Due to the planting of intensive varieties, the use of modern technologies in recent years in the country there has been a significant increase in grain yield.

Keywords: durum wheat, southern region, grain quality, standard, comb hybrid, variety, yield.

Қириш. Ҳозирги кунда республикамизнинг суғориладиган майдонларида қаттиқ буғдой етиштириш учун навлар ҳосилдорлиги билан бир қаторда дон сифатига қўйилган талаб ҳам юқори ҳисобланади. Янги яратиладиган навлар макарон ва кондитер маҳсулотлари талабига тўла жавоб бериши лозим. Бунинг учун қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратишда селекция ишларида ўрганилаётган тизма ва тизмаларнинг дон сифатига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб қилади (Аманов, Дилмуродов, Мейлиев, Қаюмов 2019).

Биринчи поя бўғимини тупроқ юзасидан пайпаслаб билиш мумкин бўлган давр най ўрай бошлаш даври бўлади. Бу даврда бошоқчаларда гул шакллана бошлайди. Ўсимлик най ўрагандан бошлаб кучли ўса бошлайди. Шунинг учун ўсимликлар бу фазада сув ва озик моддалар билан етарлича таъминланган бўлиши керак. Ўсимликлар хаётидаги бу давр «критик давр» ҳисобланади. Буғдойнинг ҳосилдорлиги маълум даражада ўсимлик най ўраш даврида физиологик жараёнлар қандай ўтганлигига, озика ва намлик билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлади (Атабаева, Азизов 2008).


Қаттиқ буғдой дунёда экин майдони бўйича 2-ўринда туради. Умумий экиладиган буғдойнинг 8-10 фоизини ташкил қилади. Унинг энг катта майдонлари Португалия, Испания ва Италияда тарқалган бўлиб, у асосан юқори сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун етиштирилади (Николаев 2004).

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат саноати учун бир йилда 400-450 минг тонна қаттиқ буғдой дони талаб этилади. Бу талабни қондириш учун четдан 10-15% қиммат нархларда қаттиқ буғдой дони сотиб олиб келинмоқда, табиийки етишмаган хомашё юмшоқ буғдой дони ҳисобига қопланмоқда ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига таъсир қилмоқда (Қаршибоев, Ғайбуллаев, Мавлонов 2019).

Қаттиқ буғдой ер шарининг 18-45 градус шимолий ва жанубий кенгликларида куруқ ва иссиқ иқлимли минтақаларда етиштирилади (Сулейманов, Нурғалиева 2013)

Ўзбекистонда буғдойнинг икки турига мансуб навлари экиб келинмоқда. Буғдойзорларнинг асосий қисмида юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum* Z.) ва жуда оз қисмида қаттиқ буғдой (*Triticum durum*. Duf.) етиштирилмоқда (Қурбонов, Маҳмудхўжаев, Тиллаев 2001)


Бу минтақаларда қаттиқ буғдойнинг 16 та тизмалари ва андоза нав сифатида Республикаимизнинг суғориладиган катта майдонларига экилиб келинаётган 4 та жумладан Крупинка, Насаф, Зилол, ва Нафис навлари танлаб олинган. Ўрганилаётган тизмалар андоза навлар кўрсаткичлари билан таққосланиб танлаш ишлари олиб борилди ва ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган тизмалар танлаб олинди.



1-расм. 2019-2021 йиллар мавсумида ёғингарчиликлар миқдори, мм (Қарши 2019-2021 йй).

Тадқиқот натижалари. Қарши тумани шароитида 2019-2021 йиллар мавсумида ўсимликнинг вегетация даврида ҳаво ҳарорати йиллар бўйича ўртача 1302,5 °С ни ташкил этиб, ўсув давридаги ёғингарчиликлар миқдори ўртача 230,5 мм ни ташкил қилди (1-расмга қаранг).

Шеробод тумани шароитида 2019-2021 йиллар давомида ўсимликнинг ўсув даврида ҳаво ҳарорати 1539 °С ни ташкил қилиб, вегетация даврида ёғингарчиликлар миқдори 147,4 мм ни ташкил қилди (2-расмга қаранг).




2-расм. 2019-2021 йиллар мавсумида ёғингарчилик миқдори, мм (Шеробод, 2019-2021 йй).

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги шарт-шароитлар кузги қаттиқ буғдойнинг биологик хусусиятларига кўп жиҳатдан жавоб беради, бу минтақаларда киш юмшоқ келиб, ўсимлик ўсув даврида 241,0-401,5 мм миқдорда ёғингарчилик бўлади.

Нав ва тизмаларнинг охириги бўғин узунлиги қурғоқчиликка чидамлилиқ хусусиятларидан бири сифатида қаралади.

Республиканинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Қарши ва Шеробод туманлари шароитида етиштирилган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг биометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Қарши тумани шароитида ўсимлик бўйи ўртача 88-101 см ни ташкил қилганлиги аниқланди. Андоза “Крупинка” навида 88 см, “Насаф” навида 92 см, “Зилол” навида 94 см ва “Нафис” навида 91 смни ташкил қилди.



3-расм. Нав ва тизмаларнинг ўсимлик бўйи, см (Қарши, Шеробод 2019-2021 йй).

Шеробод тумани шароитида етиштирилган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг ўсимлик бўйи таҳлил қилинганда, 2019-2021 йиллар бўйича ўртача 85-95 смни ташкил қилиб, андоза “Крупинка” ва “Насаф” навларида 93 см, “Зилол” навида 94 см ва “Нафис” навида 95 смни ташкил қилганлиги биометрик ўлчовлар натижасида аниқланди. Ўсимлик бўйи ва ҳосилдорлик ўртасидаги коррелятив боғлиқлик $r=0,36$ га тенг эканлиги аниқланди (**3-расмга қаранг**).

Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг охири бўғин узунлиги таҳлил қилинганда, Қарши тумани шароитида 2019-2021 йиллар бўйича ўртача 36-44 смни ташкил қилди. Андоза “Крупинка” ва “Зилол” навларида 37 см, “Насаф” навида 38 см ва “Нафис” навида эса 39 смни ташкил қилди. Охири бўғин узунлиги ва ҳосилдорлик ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланди $r=0,10$.

Шеробод тумани шароитида ўртача 34-41 смни ташкил қилиб, андоза “Крупинка” навида охири бўғин узунлиги 41 см, “Насаф” навида 38 см, “Зилол” навида 35 см ва “Нафис” навида 38 см ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Қарши ва Шеробод туманлари шароитида етиштирилган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг охири бўғин узунлиги андоза навларидан узун бўлган КР17-Ф6-ДУ-29 (Мусаффо), 40th-IFWDON-Plot-45, КР17-Ф6-ДУ-8, КР18-Ф6-ДУ-9, КР17-Ф6-ДУ-3, КР18-Ф6-ДУ-12 тизмалари тегишли равишда 5-6 см узун бўлганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.

Нав ва тизмаларининг бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сони таҳлил қилинганда, Қарши тумани шароитида 2019-2021 йиллар бўйича ўртача “Крупинка”, “Зилол” ва “Нафис” навларида бошоқ узунлиги 6 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 18 та, “Насаф” навида бошоқ узунлиги 7 см, бошоқчалар сони 18 тани ташкил қилди. Бошоқ узунлигининг ҳосилдорлик билан коррелятив боғлиқлик $r=0,10$ эканлиги аниқланди. Бошоқдаги бошоқчалар сони билан ҳосилдорлик ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик $r=0,17$.

Шеробод тумани шароитида “Крупинка” навида бошоқ узунлиги 6 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 16 та, “Насаф” навида тегишли равишда 6 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 15 та, “Зилол” ва “Нафис” навларида бошоқ узунлиги 7 см ва бошоқдаги бошоқчалар сони 16 тани ташкил қилди.

Адабиётлардан маълумки, бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сони дон ҳосилдорлигини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан биридир. Об хавонинг бошоқлаш ва пишиш фазаларида қуруқ ва иссиқ келиши ҳам ўз навбатида бошоқларнинг калта ва бошоқчаларда дон шаклланишини камайишини кўплаб олимларимиз тадқиқотларда исботлашган.

Қарши ва Шеробод туманлари шароитида етиштирилган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сони ҳар икки туманда етиштирилганда ҳам андоза навларидан юқори бўлган КР17-Ф6-ДУ-29 (Мусаффо), 40th-IFWDON-Plot-45, КР17-Ф6-ДУ-8, КР18-Ф6-ДУ-9, КР17-Ф6-ДУ-3, КР18-Ф6-ДУ-12 тизмаларининг бошоқ узунлиги Қарши тумани шароитида 9-10 см, Шеробод тумани шароитида эса 9 см ни ташкил қилди (**1-жадвалга қаранг**).

Тадқиқот натижаларига кўра, қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг биометрик кўрсаткичларига ҳаво ҳароратининг таъсири ўрганилганда, Қарши тумани шароитида 2019-2021 йиллар давомида фойдали ҳарорат йиғиндиси ўртача 1302,5 °С бўлиб, ёгингарчиликлар миқдори 230,5 мм бўлганлиги Қарши агрометостанция маълумотларидан аниқланди.

Шеробод тумани шароитида ҳаво ҳарорати 1539 °C бўлиб, ёғингарчиликлар миқдори 147,4 мм ни ташкил қилганлиги Шеробод агрометостанция малумотларидан тасдиқланди.

Ҳар иккала тумanning ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар миқдорини ўсимлик биометрик кўрсаткичларига таъсирини ўрганганимизда Қарши тумани шароитда етиштирилган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг ўсимлик бўйи, охириги бўғин узунлиги, бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сони юқори эканлигига сабаб ҳаво ҳарорати 236,5 °C кам бўлганлиги ва ёғингарчиликлар миқдорининг 82,6 мм юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

1-жадвал

Нав ва тизмаларнинг биометрик ўлчов натижалари, (Қарши, Шеробод 2019-2021 йй).

Т/р	Нав ва тизмалар номи	Қарши				Шеробод			
		Ўсимлик бўйи, см	Охириги бўғин узунлиги, см	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқчалар сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	Охириги бўғин узунлиги, см	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқчалар сони, дона
1	Крупинка (Андоза)	88	37	6	18	93	36	6	16
2	40th-IFWDON-Plot-34	90	40	7	18	88	39	7	16
3	KR17-F6-DW-29 (Мусаффо)	93	43	10	23	91	41	9	21
4	KR18-IDYT-14	100	39	6	17	94	38	6	15
5	Насаф (Андоза)	92	38	7	18	93	38	6	15
6	40th-IFWDON-Plot-37	101	36	7	18	92	35	6	16
7	KR17-F6-DW-67	91	38	7	18	85	39	6	16
8	KR18-IDYT-22	95	38	7	18	92	39	7	16
9	Зилол (Андоза)	94	37	6	18	94	35	7	16
10	40th-IFWDON-Plot-45	94	43	9	22	87	41	9	20
11	KR17-F6-DW-72	94	39	6	18	93	35	6	15
12	KR18-IDYT-23	97	37	6	18	95	34	6	15
13	Нафис (Андоза)	91	39	6	18	89	38	7	16
14	KR17-F6-DW-8	95	41	9	22	89	40	9	20
15	KR18-IDYT-3	93	39	6	18	87	38	6	16
16	KR18-F6-DW-9	100	43	9	21	95	41	9	21
17	KR17-F6-DW-3	97	44	9	22	89	40	9	20
18	KR17-F6-DW-23	92	39	7	17	88	37	7	15
19	KR18-IDYT-7	90	38	6	18	87	38	7	16
20	KR18-F6-DW-12	97	42	9	21	85	40	9	20
	<i>Ўртача кўрсаткич</i>	93	39	7	19	90	38	7	17
	<i>Энг баланд кўрсаткич</i>	101	44	10	23	95	41	9	21
	<i>Энг паст кўрсаткич</i>	85	36	6	17	85	34	6	15
	S_x	1,41				1,57			
	S_d	2,13				2,22			
	HCp_{05}	3				4,46			
	$HCp_{05} \%$	3,235				4,71			
	S	2,61				2,72			
	$Cv \%$	2				2,9			

2-Жадвал

Биометрик кўрсаткичларининг ҳосилдорликка коррелятив боғлиқлиги.

	Ўсимлик бўйи, см	Охириги бўғин узунлиги, см	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқчалар сони, дона
Охириги бўғин узунлиги, см	0,20			
Бошоқ узунлиги, см	0,56	-0,17		
Бошоқчалар сони, дона	0,46	-0,24	0,84	
Ҳосилдорлик, ц/га	0,36	0,10	0,10	0,17

Хулоса қилиб айтганда, Ҳар иккала тумanning ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар миқдорини ўсимлик биометрик кўрсаткичларига таъсирини ўрганганимизда, Қарши тумани шароитда нав ва тизмаларининг ўсимлик бўйи, охириги бўғин узунлиги, бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сони юқори эканлигига сабаб ҳаво ҳарорати 236,5 °C кам бўлганлиги ва ёғингарчиликлар миқдорининг 82,6 мм юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

ҲИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдукаримов Д.Т. “Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги” 36-40 бет 2010
2. Абдукаримов Д.Т. Эргашев И.Т. ”Кишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги” 29-бет
3. Аманов О., Дилмуродов Ш., Мейлиев А., Қаюмов Н. “Суғориладиган майдонлар учун каттиқ буғдойнинг дон сифати юқори тизмаларини танлаш” Агро илм 2019 2-сон 19-20 бет
4. Атабаева Х.Н., Азизов Б.А. “Буғдой” Тошкент 2008 33-бет

5. Қаршибоев Х., Ғайбуллаев С., Мавлонов Ж. “Лалмикор майдонларда экиш учун қаттиқ буғдойнинг истиқболли янги Ёқут-2014 нави” Агро-илм 2019 1-сон 17-18 бет
6. Қурбонов Ғ, Умарова М, Бердиева Б, Абдиев Ф. Буғдой етиштириш тарихи, қаттиқ буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш асослари // Миллий конференция. - Т: 2004. – Б. 156-158.
7. Қурбонов Ғ., Махмудхўжаев Н., Тиллаев Р. Қаттиқ буғдой уруғчилигини ривожлантириш ва сифатли товар дон етиштиришни кўпайтиришнинг илмий асослари // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2001. -№ 4, -Б.38-40.
8. Николаев Е. В. Твердая пшеница в Крыму. – Симферополь: ЧП «Фактор», 2004 – 135с.
9. Остонакулов Т.Э. “Селекция ва уруғчилик асослари” 11 бет. Тошкент 2013
10. Сулейманов Р.М., Нургалиева Ж.М. Селекция и семеноводство яровой и твердой пшеницы Т. Durum Desf. в Акмолинской области Северного Казахстана // Миллий конференция. “Сангзор”. -Жиззах-2013. –Б. 43-48.

УЎК 633.16:631.811.98

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ШОЛИ ЕТИШТИРИШДА ЯНГИ СТИМУЛЯТОРНИ ҚўЛЛАШ

Ж.Ш. Давлатов, магистрант, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

А.А Сафаров, доцент, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

М.Т. Сағдиев, доцент, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Шоли шўрланган тупроқ шароитида ўсишни бошқарувчи стимуляторни қўллаш натижаси ўрганилди. Шоли уруғларига экиш олдидан стимулятор билан ишлов берилганда униб чиқishi энергиясини оширади, усимталарни узунлиги ва массасини ортишига олиб келади. Стимулятор мембранадаги электрохимийвий гравитацияни ортишига олиб келади ва I-ва II-фототизимдаги электронлар ташиши тезлигини кучайтиради, шўрланишнинг зарарли тасирини камайтиради, шўрланиш шароитида шоли ҳосилдорлигини орттиради.

Калит сўзлар: Шоли униб чиқishi, ўсишни бошқарувчи стимуляторлар, фототизим, шўрланиш, Авангард (VIR 4679) нави, хлорофилл, СПАК, ИК кўрсаткичи, ПВС, ПОР кўрсаткич.

Аннотация. Изучены результаты применения стимулятора роста в условиях засоления рисовой почвы. При обработке стимулятором перед посевом семян риса энергия прорастания увеличивается, что приводит к увеличению длины и массы сеянцев. Стимулятор приводит к увеличению электрохимической гравитации в мембране и увеличивает скорость переноса электронов в I- и II-фотосистемах, снижает вредное воздействие засоления, увеличивает урожай риса в условиях засоления.

Ключевые слова: всхожесть риса, стимуляторы роста, фотосистема, засоление, сорт Авангард (VIR 4679), хлорофилл, СПАК, ИК-индикатор, ФВС, ПОР-индикатор.

Abstract. The results of the application of a growth-stimulating stimulant in rice saline soil conditions were studied. When treated with a stimulator before sowing in rice seeds, germination energy increases, leading to an increase in the length and mass of seedlings. The stimulator leads to an increase in electrochemical gravity in the membrane and increases the rate of electron transport in the I-and II-photosystems, reduces the harmful effects of salinity, increases rice yield under salinity conditions.

Keywords: Rice germination, growth control stimulants, photosystem, salinity, Avangard (VIR 4679) variety, chlorophyll, SPAK, IR indicator, PVS, POR indicator.

Ўзбекистоннинг Хоразм ва Сирдарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси шоли етиштиришда асосий минтақаларидан ҳисобланади. Умумий етиштирилаётган майдоннинг 60%ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда шоли етиштиришда маълум қийинчиликлар юзага келмоқда. Шоли етиштириш самарадорлигини ошириш учун илмий асослар ва экологик мувозанатланган технологияларни қўллаш ва тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олиш шарт бўлади. Айтиш мумкинки, Хоразм вилоятидаги Амударё ўзанида (дельтасида) бир неча минг гектар шўрланган тупроқлар мавжуд, худуд бугунги кунда республикадаги асосий шоли етиштирадиган уларни шоли етиштириш бўйича олидинги ўринларда туради. (1). Бироқ экологик тоза усулларни қўллаш орқали шурланган тупроқларда анъанавий усуллар билан бирга ишлатилса юқори натижаларга эришилади. Бунинг учун экологик тоза ўсишни бошқарувчи стимуляторини танлаш орқали шоли маҳсулотларини юқори сифатига ва ҳосилдорлигини оширишга олиб келади.

Ушбу муаммоларни ечимини аниқлаш мақсадида янги физиологик фаол ва экологик хавфсиз моддаларни (полимер ўсишни бошқарувчи стимулятор)қўллаш орқали шўрланган тупроқ шароитида шоли ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб бордик.

Изланишлар усули: изланишлар объекти бўлиб шолини Авангард навида лаборатория ва вегетацион тажрибалар, синовлар ўтказилди.

Уруғлар поливинил спирти эритмаси ва акриламид сополимери билан ишлов берилди, ҳамда акрил кислотаси ва триакрилоилгексагидро-1,3,5 симтразин (СПАК). Кўрсатилган полимерлар 12^oC дан паст хароратда бўкадилар, харорат ортиши билан сувда эрийдилар. 1 тонна уруғларга 10 литр эритма билан ишлов берилди. Олдиндан таёрланган гетероауксин ва ПР (полимеррегулятор) эритмаларидан фойдаланилди. Лаборатория шароитидаги изланишларда уруғларни униб чиқиши ва ўсиш энергиясида ҳамда илдизлар узунлиги ва тупроқ усти ўсимталарига ПР таъсири ўрганилди.

Уруғларни ўстириш ва уларни кўрсаткичларини ҳисоблашни ГОСТ-12038-84 (3) асосида ўтказилди. Тажрибаларни 3 та серияда ва уч марта такрорлаб олиб борилди. Минерал ўғит сифатида карбонат, суперфосфат ва калий сульфат қўлладик. Уларни нормаси N₁₂₀ P₉₀ K₆₀ (2) Шўрланган тупроқ шароитида В.Удовенко усули (4) асосида шולי етиштирилди. 0,2 %ли шўрланиш учун 2 г NaCl – натрий хлорид тузини 1 кг тупроққа солинди. Вегетацион тажрибани такрорлаш уч марта амалга оширилди. Тажриба Тошкент давлат аграр университетининг ўқув-тажриба хўжалигидаги майдонда ўтказилди. Шолени вегетацион идишларда, ўз таркибида 6 кг тупроқ тутувчи идишларда олиб борилди (Г.В.Удовенко 1977). Экишни 10 апрелда 2020 йил амалга оширдик. Майсалаш учун ҳар бир идишда 15 тадан ўсимлик қолдирилди сув режими қисқартирилган усулда ўтказилди. Вегетацион тажриба даврида фотосинетик пигментлар миқдори Годнев бўйича (5) Spescol-20 ёрдамида, униб чиқиш ва майсалаш фазаларида, тўлиқ шаклланган барглardan, гулаш ва сут пишиш фазаларида- байроқ барглари олинди. Индукцион қийшиқлик (ИК) секинлашган флуоресценция (СФ) (Г.И.Третьяков 1983) бўйича фосфороскопда кузатилди. (6).

Хосил структураси кўрсаткичини гуруч тўлиқ пишиб етилганидан сўнг аниқланди. Дон ҳосилини стандарт намликка келтириб ўлчанди. Олинган натижаларни математик ишлов беришни дисперсион таҳлил усулида амалга оширилди (7).

Олинган натижалар ва уларни муҳокамаси. Шולי етиштиришда асосий урғуни уруғларни униб чиқишига қаратилади, сабаби унинг самарадорлиги ҳар хил агротехник усулларни қўллаш имконини беради.

Шунинг учун биологик фаол моддаларни ўсиш ва ривожланишга таъсирида униб чиқиш ва ўсиш энергияси алоҳида аҳамият касб этади. (8).

Экишда аввал уруғларни поминер ўсиш регуляторлар эритмаси билан пуркалганда шолени ўсиш ривожланишини бошланғич босқичларига таъсир этади. ПВС ва СПАК концентрациялари диапазонида назоратга нисбатан юқори даражада униб чиқиши ва ўсишини кучайтиради. (1-расм). ПВС учун оптимал концентрация 0,0005%, СПАК учун 0,005%, ушбу вариантларда кўшимча 81,3% ва 84,8% натижа олинди. ПВСга нисбатан СПАК таъсири ўсишни самарадорлигини ортириб, кейинги тажрибаларда СПАК таъсири ўрганилди. Гетероауксинга нисбатан ПОР кўрсаткичлари юқори бўлди.

Шולי онтогенезининг ҳар хил босқичларида барглardaги пигментларнинг миқдори ўзаро тажриба вариантларида ўзгаради (1-жадвал). Хлорофиллнинг максимал миқдори униш фазоси ва жадал ўсиш даврига тўғри келади ва вегетация охирида камаяди. (9).

Хлорофилл миқдори тупроқдаги минерал элементларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Униб чиқиш фазасида ўғитланмаган фонда СПАК ва гетероауксин хлорофилл миқдорини орттиради (23,3% ва 2,4%), натрий хлорид эса озгина камайтиради (0,5%).

Ўғит солинмаган шароитда умумий хлорофиллнинг миқдори назоратга нисбатан ҳамма вариантларда кузатилди, фақат уруғларга ишлов берилган ва шўрланган вариантларида истисно бўлди. Сут пишиш фазасида кўрсаткичлар ўзгарди.

Ўғитланмаган тупроқда хлорофиллнинг умумий миқдори ўғитланган тупроқда гетероауксин ва СПАК умумий хлорофиллмиқдорини назорати нисбатан камайтиради, натрий хлорид эса оширади. Ўғитланмаган шароитда бу кўрсаткичларни пасайиши ҳамма вариантларда кузатилди.

Гулаш фазасидан сут пишиш фазасига ўтганда тузли вариантларда озгини ортиши, ўсимликларга узоқ вақт туз таъсирида мослашиши кузатилди. Ёш ўсимликларда субстратни шўрланиши фотосинтез маҳсулдорлигини пасайтиради. (1-жадвал)

Индукцион кўрсаткичнинг кечиккан флуоресценцияси (ИК КФ)ни бирламчи фотосинтез реакциялари сифатида ўрганилганда, ушбу кўрсаткичга ташки муҳит омиллари тасир этиши аниқланди (2-жадвал). Тажрибаларимизда ИК КФ нинг 1-максимумида бирламчи акцептордан электронларни ҳаракат тезлиги II Фототизимда жуда юқори бўлди. ИК КФ нинг 2-максимуми эса униб чиқишдан гуллашгача ортиб шолени сут пишиш даврида ҳамма вариантларда пасаяди. 2-максимумни бошланиш вақти t_2 ҳамма вариантларда унушдан майсалашгача, сўнгра ўзгаришлар рўй бермайди.

Шолининг Авангард (VIR 4679) нави баргидаги хлорофил миқдори (2020 й)

Тажриба варианты	Умумий хлорофил миқдори							
	Униб чиқиши		Майсалаш		Гуллаш		Сут пишиши	
	Мг/кг	*	Мг/кг	*	Мг/кг	*	Мг/кг	*
Назорат	5,05		4,08		4,43		4,22	
СПАК 0,001%	6,23	+23,3	4,65	+	4,08	-7,9	3,780	-
Гетероауксин 0,001%	5,18	+2,4	3,90	-4,5	4,38	-1,1	3,71	-
NaCl-0.2%	5,03	-0,5	4,07	-0,4	4,17	-5,8	4,46	+
СПАК 0.001%+NaCl 0.2	5,43	+7,4	4,63	+13,4	4,39	-1,0	4,68	+
NaCl 0.2%+N120P90K60	5,56	+10,0	5,20	+27,2	4,41	-0,6	4,10	-
N120P90K60	5,5	+8,9	5,06	+24,0	4,37	-1,4	3,90	-
СПАК 0.001% + N120P90K60	5,55	+9,8	4,96	+21,3	4,35	-1,8	3,92	-
СПАК 0.001% + N120P90K60 NaCl 0.2%	5,00	-1,0	5,03	23,1	4,62	+4,2	4,13	-
F 05	159,4		1796		348		15,000	
Ft05	2,57		2,57		2,51		2,51	
НСП 0.5%	11,7		0,7		0,18		0,19	
назоратдан ўзгариши %								

2-жадвал

Полимер ўсишни бошқарувчи ва етиштириш шароитига қараб шולי барглари флуоресценциясига таъсири (вегетцион тажриба)

Тажриба варианты	ИК КФ кўрсаткичлари							
	Униб чиқиши		Майсалаш		Гуллаш		Сут пишиши	
	Jm ² Нисбий бирлик	T ₂ C	Jm ² Нисбий бирлик	T ₂ C	Jm ² Нисбий бирлик	T ₂ C	Jm ² Нисбий бирлик	T ₂ C
Назорат	N1.2	11.0	25.0	12.4	69.5	11.0	63.0	10.4
СПАК(0.001%)	26.5	4.6	39.5	10.7	102.2	5.2	67.5	14.3
Гетроауксин	19.0	8.0	30.0	11.8	98.0	6.5	55.0	7.8
NaCl(0.2%)	18.0	7.8	23.0	15.6	106.8	5.2	49.5	16.9
СПАК(0.001%)+ NaCl(0.2%)	25.2	9.1	38.3	11.2	117.0	15.6	60.0	10.4
NaCl(0.2%)+N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀	17.8	9.8	28.7	16.9	112.0	10.4	48.5	13.0
N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀	21.5	7.8	32.4	13.1	123.2	9.1	57.8	11.0
СПАК(0.001%)+ N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀ + NaCl(0.2%)	30.5	8.4	41.5	13.2	150	2.6	66.5	12.4

СПАК билан экиш олдида ишлов берилганда ҳамда гетроауксин ва ўғит берилганда 2-максимум назоратга нисбатан ортада ва фотосинтетик мембраналарнинг энергиясини ҳамма вариантларда жадаллаштиради, ушбу шароитда шўрланишнинг салбий таъсири йўқолади. Бундай ҳолат натрий хлориднинг кичик концентрациялари стимуловчи омил деб қаралади (6).

Уруғларга экиш олдида СПАК билан ишлов берилганда майсалаш вазифаси берилганда минерал ўғитлар 2-максимумни кучайтиради ва уни бошланиш вақтини кечиктиради. Натрий хлорид ўғитланган ва ўғитланмаган фонларда фотосинтез жараёнини сусайтиради ва уни бошланишини тезлаштиради. Бунда СПАК нинг туздан химоялаш таъсири кўринади. Уруғларга СПАК билан экиш олдида ишлов берилганида шолининг ўсишини тезлаштиради ассимиляция майдони кўпайтиради ва фотосинтез жараёнини жадаллаштиради, ҳамда фотосинтетик аппаратни иш фаоллигини яхшилади. Бундай қонуниятлар сут пишиш даврида ҳам кузатилади.

3-жадвал

Стимуляторларнинг Шолининг Авангард (VIR 4679) нави хосил структураси кўрсаткичларига таъсири

Тажриба варианты	Хосил структураси кўрсаткичлари							
	Узунлиги см		1000та дона дон массаси		Дон хосили		Уруғлар узунлиги	
	Усиши	бошоқлаши	2	*	2*	*	%	*
Назорат	40.23	7.11	27.19	-	6.27	-	67.3	-
СПАК(0.001%)	49.0	9.21	31.9	+17.4	9.24	+47.4	81.3	+21.0
Гетроауксин (0.001%)	43.4	8.24	28.5	+4.8	7.72	+23.1	74.0	+10.0
NaCl(0.2%)	40.34	6.70	22.57	-17.0	4.33	-30.9	65.3	-3.0
СПАК(0.001%)+ NaCl(0.2%)	49.49	9.38	26.89	-1.1	9.81	+56.4	74.0	+10.0
N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀	54.15	9.58	30.27	+113	10.71	+72.1	79.3	+17.8
F _{0.5} Ft _{0.5}	14.41	21.37	25.46		48.13		5.05	
НСП 0.5%	2.51	2.51	2.51		2.51		2.51	
НСП 0.5%			5.8		14.5		11.1	

Шоли тупрокда ўстирилади унга минерал ўғит солиниши натижасида усимликларнинг баландлиги, бошоғи, катталиги ортиши кузатилди (3-жадвал)

Шўрланиш ушбу кўрсаткичларни кескин даражада пасайтирмайди СПАК минерал озукаланишнинг иккала шаклида ҳам туздан химоялашга ёрдам беради. Дон хосили ўғитлар таъсирида ортада ва шўрланиш таъсирида эса пасаяди. Гетероауксин ушбу кўрсаткичларни иккала фонда ҳам ортиради.

СПКА ва ўғитларни N₁₂₀ P₉₀ K₆₀ микдоридаги улушда берилганда шоли хосилдорлиги назоратга нисбатан 46.7 ц/га ортди. Махсулотнинг тан нархи гектар хисобига 2.2 баробарга ортиб қўшимча харажатлар эса 1.45 баробар ортиши берилган минерал ўғитлар хисобига тўғри келади.

Шолини тупроқ шўрланиши шароитида етиштирилганда энг яхши натижа уруғларга экишдан аввал СПКА билан ишлов бериш ва ўғитларни норма микдорида солинганда олинади. Рентабиллик даражаси 117.8% ни ташкил этти.

Шундай қилиб шўрланган ва шўрланмаган тупроқларда СПКА билан минерал ўғитларни N₁₂₀ P₉₀ K₆₀ берилса шўрланган вариантларда самарадорлик янада ортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Т. Boboniyozov, Т.Е. Ishoqov, S. Rixsiyeva,
2. Алёшин.Е.П., Алёшин.Н.Е. Рисоводство М.1993, 504с
3. ГОСТ 12038-84 Подсчет энергии проростания и всхожести семян.
4. Удовенко.Г.В. Солеустойчивость культурных растений Л “Колос” 1977. 215с
5. Годнев Г.Н. Хлорофилл, его строение, образование в растениях Минск Изд-во АН БССР, 1963. 263с
6. Третьяков Г.И Физиологические исследования солеустойчивости риса афтореферат дисс к.б.н Тбилиси, 1983, 23с
7. Алина. Б. А устойчивость хлоропластов кукурузы к условиям засоления среды. //второй съезд всесоюзного общ-во физиологов растений минск 24-29 сентябрь 1990г тезисы докладов .Ч.2-М.1992 12с
8. Klimara klinika //nogyo doboku gakkai ronbunsku frans Jap Soc irrig Draiv and Rellom Eng 1993 №113 p29-33

УЎТ: 633.111.1; 631.527.41

КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ДОН СИФАТИ ЮҚОРИ ТИЗМАЛАРИНИ ТАНЛАШ Ш.Д. Дилмуродов, PhD, докторант, Жанубий дехқончилик ИТИ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий шароитда дурагайлаш усуллари ёрдамида олинган ҳамда хорижий марказлардан келтирилган коллекция намуналаридан танлаб олинган тизмаларнинг дон сифат кўрсаткичлари ўрганилган. Тадқиқотда кузги юмшоқ буғдойнинг 26 та тизмалари ва 4 та андоза навлар дон сифати ўрганилганда, дон таркибидаги оқсил микдори 18 фоиздан юқори бўлган 10 та, клейковина микдори 30 фоиздан фори бўлган 7 та тизмалар борлиги аниқланган. Дон сифат кўрсаткичлари андоза навлардан устун бўлган 10 та тизмалар танлаб олинган ва селекция ишларининг кейинги босқичларига тавсия этилган.

Калим сўзлар: юмшоқ буғдой, нав, тизма, оқсил микдори, клейковина микдори, дон намлиги, ИДК кўрсаткичи, дон ишиасимонлиги.

Аннотация. В статье исследуются качественные характеристики зерна линий, полученных с использованием местных методов гибридизации озимой мягкой пшеницы и отобранных из коллекционных образцов, привезенных из зарубежных центров. В ходе исследования было изучено качество зерна 26 линий озимой мягкой пшеницы и 4 стандартных сортов и обнаружено, что имеется 10 линий с содержанием белка более 18% и 7 линий с содержанием глютена 30%. Отобрано и рекомендовано для следующих этапов селекционной работы 10 линий с показателями качества зерна выше стандартных сортов.

Ключевые слова: мягкая пшеница, сорт, линия, содержание белка, содержание клейковина, влажность зерна, индекс ИДК, стекловидность зерна.

Abstract. This article examines the grain quality characteristics of the lines obtained from local hybridization methods of winter bread wheat and selected from collection lines imported from foreign centers. The study examined the grain quality of 26 lines of winter bread wheat and 4 standard varieties, and found that there were 10 lines with a protein content of more than 18% and 7 lines with a gluten content of 30%. 10 lines with grain quality indicators superior to standard varieties were selected and recommended for the next stages of selection work.

Key words: bread wheat, variety, line, protein content, gluten content, grain moisture, IDK index, grain vitreousness.

Кириш. Республикада кейинги йилларда бошқоқли дон экинларининг, хусусан юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратишда қатор илмий – амалий ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ғаллазорлари маҳаллий ва жаҳон селекционерлари томонидан яратилган юмшоқ буғдойнинг янги навлари билан бойиб бормоқда. Минтақамизда етиштирилаётган буғдойнинг асосий қисмини кузги юмшоқ буғдой (оддий) - T. aestivum L. турига мансуб навлар ташкил қилади.

Буғдой донида 11-20% оқсил, 63-74% крахмал, 2% атрофида мой ва шунча клетчатка ва кул бор. Буғдой сифатини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар донда оқсил ва клейковина мавжудлигидир. Оқсил микдори юқори бўлиши буғдой донининг қўлланиш доирасини белгилаб беради. Масалан, нонвойчиликда 14-15% оқсил бор, макарон махсулотларини тайёрлашда 17-18%

оқсил бор дон керак. Энг катта қийматга юқори сифатли кучли, қимматли ва қаттиқ буғдой навлари эгадир. Юмшоқ буғдойни ун кучига (кучли, ўрта ва суств) қараб синфга бўлиш асосида дондаги оқсил, клейковина ва клейковина сифати ётади [1].

Кучли буғдойга фақатгина юмшоқ буғдойнинг донида 14% оқсил, 28% сифатига кўра биринчи гуруҳ клейковина бор навлари киритилади. Клейковиналар юқори сифатли нон (катта хажмли ва серғовак)ни нафақат тоза кўринишда, балкиунга кучсиз буғдойлар уни қўшилганда ҳам сифатли нон бера олиши керак [2].

Кучли буғдой кучсиз буғдойни яхшилаш қобилятига эга бўлганлиги учун ун сифатини яхшиловчи дейилади. Ўртача буғдой донида 11,0-13,9% оқсил, 25-27% клейковина (сифат бўйича 2 гуруҳ) бор буғдой донлари киритилади [3].

Кучсиз буғдойлар 11% дан кам оқсил, 25% дан кам (учинчи гуруҳ сифатига кўра) клейковиналарга эга. Кучсиз буғдой ундан паст сифатли нон чиқади, хаамири кўпчимайди, кўтарилмайди, нони зич бўлиб, қаттиқ бўлади. Шунинг учун бундай унларга фақат кучли буғдойлар қўшилиши керак, шундагина талабга мувофиқ нон тайёрланади [4].

Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати. Жаҳонда ҳозирги кунда буғдой дони сифатини селекция усуллари ёрдамида ошириш бўйича S.Rajaram, A.Morgunov, H.Broun, R.P.Singh, M.Reynolds, A.Yahyoui, R.Sharma, M.Keser, K.Nazari, A.Dababat, R.M.Welch, R.D.Graham, I.Chakmak ва бошқалар, республикамиз шароитида эса А.Аманов, З.Зиядуллаев, С.Алиқулов, О.Аманов, Д.Жўраев, З.Зияев, Р.Сиддиқов ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли тажрибалар олиб борилмоқда. Бу олимлар буғдой дони таркибидаги оқсил, клейковина ва бошқа микроэлементлар миқдорини ошириш устида аналитик ва синтетик селекция усуллари, геном технологияларидан фойдаланиб тажрибалар олиб бормоқда ҳамда буғдой дони таркибида ушбу элементлари миқдорини оширишнинг янгича услубларини ишлаб чиқиш юзасидан тажрибалар олиб бормоқдалар. Лекин ҳозирги кунда содир бўлаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида кузги юмшоқ буғдой навлари дон сифатини оширишда янги маҳаллий юмшоқ буғдой тизмаларини танлаш ишлари нисбатан кам илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқот усуллари. Тажриба даласида етиштирилган кузги буғдойнинг донининг технологик сифат кўрсаткичлари «Методические рекомендации по оценке качество зерна», «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмалари, клейковина миқдори ГОСТ 13586-1-68, дон шишасимонлиги ГОСТ 10987-76, дон намлиги ГОСТ 13586-5-93, дон натураси ГОСТ 3040-55, 1000 та дон вазни ГОСТ 10842-89 бўйича таққосланиб ўрганилди. Тажриба натижаларининг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов (1985) услуби асосида амалга оширилди. Тадқиқот изланишда дала тажрибаларини рендомизациялари схемаси GenStat 13 дастурининг Complete block design ва Alpha lattice design ни асосида тузилди.

Натижалар. Дала тажрибалари Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг Қарши бўлими суғориладиган марказий тажриба майдонида қўйилди. Тажрибаларни олиб бориш учун институт олимлари томонидан яратилган 26 та маҳаллий дурагай тизмалар ва ҳозирги кунда кенг майдонларга экилаётган дон сифати юқори бўлган 4 та андоза навлар (Ғозғон, Гром, Бунёдкор ва Ҳисорак) олинди. Дала тажрибалари 3 тақрорланишда, пайкалча майдони 10 м² майдонда синаб кўрилди ва лабораторияда таҳлил ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш доирасида дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, кучли буғдой талабларига тўла жавоб берувчи янги навлар яратиш каби вазифалар қўйилмоқда. Ушбу тадқиқот ишини амалга оширишда ҳам дон сифати юқори тизмаларни ажратиш олиш ва селекция ишларига жалб қилиш мақсад қилинган эди.

Нав ва тизмаларнинг дон сифат кўрсаткичлари Филиалнинг “Доннинг технологик сифат кўрсаткичларини баҳолаш” лабораториясида амалга оширилган бўлиб, бунда оқсил миқдори, дон намлиги, клейковина миқдори, ИДК кўрсаткичи ва дон шишасимонлиги каби кўрсаткичлари баҳоланди.

Дон таркибидаги оқсил миқдори кучли буғдой талабларига тўла жавоб бериши учун 14 фоиз ва ундан юқори бўлиши талаб этилади. Таҳлил натижаларига кўра, нав ва тизмаларнинг дон таркибидаги оқсил миқдори 116,0 – 18,7 фоизни ташкил этганлиги кузатилди. Андоза навлардан энг юқори оқсилга эга бўлган Бунёдкор навида 18,3 фоиз оқсил борлиги аниқланган бўлса, оқсил миқдори 18 фоиз ва ундан юқори бўлган 10 та тизмалар борлиги аниқланди.

Олинган натижаларга кўра, дон намлиги 6,8 – 7,5 фоизни ташкил этганлиги кузатилди. Маълумки сақлаш жараёнида рухсат этилган дон намлиги 14 фоиздан ошмаслиги зарур. Олиб борган тажрибада нав ва тизмалар дон намлиги анча паст бўлганлиги кузатилиб, бу ёз фаслидаги юқори ҳарорат ва паст даражадаги ҳавонинг нисбий намлиги билан боғлиқдир.

Нав ва тизмаларнинг дон сифат кўрсаткичлари, Қарши, 2020 йил

№	Нав номи	Оқсил миқдори, %	Дон намлиги, %	Клейковина миқдори, %	ИДК	Дон шишасимонлиги, %
1	Ғозгон (ст)	18,2	7,0	29,5	90,7	49,7
2	Гром (ст)	17,5	7,5	28,0	86,5	57,2
3	Бунёдкор (ст)	18,3	7,1	29,4	95,4	74,2
4	Ҳисорак (ст)	17,8	7,5	29,5	81,5	44,5
5	KR17-FWWPYT-1597	17,6	7,1	30,1	83,9	68,7
6	KRBW17-6	18,1	7,2	29,7	92,7	62,3
7	KRBW17-15	17,8	7,2	28,3	92,3	65,5
8	KRBW18-9	17,5	7,0	28,5	92,3	51,7
9	KR17-F6-BWYT-P-166	18,1	7,2	30,1	82,1	62,0
10	KR17-F6-BWYT-P-171	17,1	7,3	29,4	88,8	62,8
11	KRBW17-10	18,1	6,9	29,6	92,6	47,7
12	KRBW18-4	17,6	7,0	30,2	88,7	51,3
13	KR19-IWY-9812	17,8	6,9	29,1	94,0	83,0
14	KR19-IWY-9816	17,3	7,3	30,2	93,0	74,3
15	KR19-IWY-9822	16,0	6,8	32,0	82,3	66,2
16	KRBW18-18	18,2	7,5	28,7	83,5	61,3
17	KRBW18-19	17,7	7,0	28,5	91,5	83,8
18	KRBW18-21	17,5	7,1	27,8	81,2	73,3
19	KRBW18-29	18,0	7,1	29,6	91,5	77,0
20	KR18FWIR57	17,2	7,3	29,1	87,9	72,3
21	KR18FWIR123	18,7	7,2	27,5	79,7	83,3
22	KR18FWIR158	17,4	7,3	27,8	92,2	85,0
23	KRBW19-047	18,1	7,1	30,9	77,5	59,8
24	KRBW19-132	18,0	6,9	29,4	79,2	54,2
25	KRBW19-142	17,8	7,4	30,1	92,1	55,3
26	KRBW19-174	16,9	7,5	28,2	82,0	79,5
27	KRBW19-212	18,3	7,3	28,4	83,1	73,5
28	KRBW19-213	17,9	7,0	28,3	93,8	63,0
29	KR15-NAZORAT-77-44	17,5	7,4	29,5	81,6	68,7
30	KR15-NAZORAT-77-67	18,0	6,9	27,8	103,1	60,5
	Паст кўрсаткич	16,0	6,8	27,5	77,5	44,5
	Ўртача кўрсаткич	17,7	7,2	29,2	87,9	65,7
	Юқори кўрсаткич	18,7	7,5	32,0	103,1	85,0
	ЭКФ ₀₅	0,5	0,3	0,7	4,3	2,8
	ЭКФ ₀₅ %	2,9	4,3	2,3	4,9	4,2
	CV %	1,8	2,6	1,4	3,0	2,6

Дон таркибидаги клейковина миқдори аниқланганда, 27,5 – 32,0 фоиз оралиғида бўлганлиги кузатилди. Андоза Ғозгон ва Ҳисорак навларида дон клейковина миқдори 29,5 фоизни ташкил этди. Клейковина миқдори 30 -32 фоиз бўлган 7 та тизма, 28-29,7 фоиз бўлган 15 та тизмалар борлиги аниқланди.

Нав ва тизмаларнинг клейковина сифати бўлган ИДК кўрсаткичи таҳлил этилганда 77,5 – 103,1 ни ташкил этди. Барча нав ва тизмалар 2-гуруҳ клейковинага тўғри келганлиги аниқланди.

Дон шишасимонлиги баҳоланганда 44,5 – 85,0 фоиз оралиғида бўлганлиги аниқланди. Андоза Ғозгон навида 49,7 %, Гром навида 57,2 %, Бунёдкор навида 74,2 %, Ҳисорак навида 44,5 % ни ташкил этди. Дон шишасимонлиги 60 фоиз ва ундан юқори бўлган 20 та, андоза Бунёдкор навидан юқори бўлган 7 та тизмалар борлиги аниқланди.

Хулоса. Олинган натижаларга кўра, ўрганилган 26 та тизмалардан оқсил миқдори 18 фоиз ва ундан юқори бўлган 10 та тизмалар борлиги аниқланди. Дон оқсил миқдори KR18FWIR123 тизмасида 18,7 %, KRBW19-212 тизмасида 18,3%, KRBW18-18 тизмасида 18,2% бўлиб юқори натижани кўрсатди. Клейковина миқдори 30 фоиз ва ундан юқори бўлган 7 та тизмалар борлиги аниқланиб, энг юқори натижа KR19-IWY-9822 тизмасида 32,0%, KRBW19-047 тизмасида 30,9%, KRBW18-4 ва KR19-IWY-9816 тизмаларидан 30,2% ни ташкил этди. Дон сифат кўрсаткичлари андоза навлардан устун бўлган 10 та тизмалар танлаб олинди ва селекция ишларининг кейинги босқичларига тавсия этилди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Juraev D. T. et al. The influence of hot-dry wind on farm valuable traits of wheat genotypes in southern regions of Uzbekistan. //Plant cell biotechnology and molecular biology. India. – 2021. – P. 34-49.
2. Amanov O. A., Juraev D. T., Dilmurodov S. D. Dependence of Growth Period, Yield Elements and Grain Quality of Winter Bread Wheat Varieties and Lines on Different Soil and Climate Conditions. //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. Romania. – 2021. – T. 25. – №. 6. – P. 5146-5164.
3. Fayzullayev A. Z. et al. Selection of high-yielding and high-quality lines of bread wheat //International Scientific and Technical Journal “Innovation Technical and Technology”. Uzbekistan. – 2020. – T. 1. – №. 3. – P. 10-14.
4. Dilmurodov S. D. et al. Productivity, quality and technological characteristics of bread wheat (*Triticum aestivum* L.) variety and lines for the southern regions of the Republic of Uzbekistan //Plant cell biotechnology and molecular biology. – 2021. – P. 63-74.

ЕРГА ТУРЛИ УСУЛДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ҲАМДА ТАКРОРИЙ ЭКИН МОШНИНГ УНИБ ЧИҚИШИ ТАЪСИРИ

И.Т.Карабаев, қ/х.ф.д., ПСУЕА ИТИ, Андижон

А.У. Ахмадалиев, тадқиқотчи, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон

Аннотация. Мақолада тупроққа турли усулда ишлов бериш технологиясини қўллаш бўйича маълумотлар келтирилиб, бунда культивация ёрдамида ҳамда ресурстежамкор агротехнология (Илғор-1 агрегати ёрдамида) ва ҳайдов ўтказишни юқори унумли техника воситалари билан амалга оширилганда кузги буғдой ва такрорий экин сифатида экилган мош уруғининг унувчанлигига таъсири келтирилган.

Калит сўз: Кузги буғдой, такрорий экин, тупроқ, унумдорлик, комбинацион агрегати, ишлов бериш, илдиз, ангиш, агрофизика, агрохимё, оч тусли, пушта, ҳайдов.

Аннотация. В статье приведены сведения о применении различных технологий обработки почвы, в том числе о влиянии на урожайность семян моши, высеванных под озимую пшеницу и промежуточные культуры, при использовании культивации и ресурсосберегающей агротехники (с применением агрегата «Передовая-1») и вождении с высокой -техники эффективности.

Ключевые слова: озимая пшеница, вторичная культура, почва, плодородие, комбинаторный агрегат, обработка, корень, семена, агрофизика, агрохимия, светлоцвет, хлопчатник, вспашка.

Abstract. The article provides information on the use of different tillage technologies, including the impact on the fertility of mosh seeds sown as winter wheat and secondary crops when using cultivation and resource-efficient agrotechnology (using the advanced-1 unit) and driving with high-efficiency equipment.

Key words: winter wheat, secondary crop, soil, fertility, combinatorial aggregate, processing, root, seeds, agrophysics, agrochemistry, light color, cotton, plowing.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ- 5742 “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 3,2 миллион гектар суғориладиган ер майдонларидан самарали фойдалиниб, майдонларда техника воситаларини ўтишини қисқартириш, ишлов беришни ресурстежамкор агротехнологиялар асосида олиб бориш ҳисобига аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

М.Хасанов, Д.Мавляновларнинг [2; Б. 69-70] кузги буғдой ҳосилини йиғиштириб олингандан кейин майдон суғорилиб, 28-30 см чуқурликда ҳайдаб, такрорий экин сифатида мош етиштирилиб, сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгор қилиниб, келгуси йили ғўза парваришланганда назорат вариантга нисбатан қўшимча 4,4 ц/га пахта ҳосили олингани таъкидлашган.

Қ.М.Мирзажанов ва Г.Сатиповларнинг [1; Б. 3-4] таъкидлашича экиш олдида тупроққа 20-22 см чуқурликда фрезали агрегат ёрдамида ишлов берилган майдонда пахта ҳосили 39,1 ц/гани ташкил этган бўлса, минимал усулда ишлов бериш технологияси қўлланилганда эса 38,2 ц/га ҳосил олинган.

Тадқиқот олиб борилган майдонда парваришланган кузги буғдой ҳамда такрорий экин мошнинг униб чиқиш даражасини “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” бўйича олиб борилди.

Андижон вилоятининг оч тусли бўз, механик таркиби ўртача қумоқ, шўрланмаган, ер ости сувлари 4-5 метр чуқурликда жойлашган майдонларда 2017-2019 йиллар мобайнида кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” ва такрорий мошнинг “Победа – 104” навлари етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар қуйидаги тажриба тизими асосида олиб борилган (1-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотимизнинг 2017-2019 йиллар мобайнида кузги буғдойнинг “Краснодар-99” нави уруғини ғўза қатор орасига 8-10 см чуқурликда культиватор билан ишлов берилиб, бир йўла уруғлар 1-терим пахта ҳосилини йиғиштириб олингандан сўнг экилганда 87,5-89,6% гача униб чиққани кузатилди. Пахтани 2-терим ҳосилини йиғиштириб олингандан кейин майдон 28-30 см чуқурликда ҳайдаш, бороналаш, молалаш тадбирлари ўтказилиб (2-вариант), сўнг уруғлар экилган майдонда кузги буғдойнинг уруғлари 86,8-88,8% гача униб чиққани кузатилди. Утмишдош экин ғўзанинг 2-терим пахта ҳосилини йиғиштириб олингандан кейин Илғор-1 комбинацион агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олинди, сўнг уруғлар экилган 3-вариантда кузги буғдойнинг уруғлари 88,9-90,9% гача униб чиқди (2-жадвал).

1-жадвал

Тажриба тизими

№	Тупрокка ишлов бериш усули	Экин тури	Тупрокка ишлов бериш усули	Экин тури
1	Ўза қатор орасига 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	Кузги буғдой	28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	Такрорий экин мош
2			Ўтмишдош экин пуштасини культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	
3			Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	
4			28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	
5			Ўтмишдош экин пуштасини культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	
6			Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	
7			28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	
8			Ўтмишдош экин пуштасини культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	
9			Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	

2-жадвал

Тупрокка турли усулда ишлов беришни кузги буғдойнинг униб чиқишига таъсири, % (2017-2019 йй.)

№	Тупрокка ишлов бериш усуллари	2016/2017 йй.	2017/2018 йй.	2018/2019 йй.
1	Ўза қатор орасига 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	88,2	89,6	87,5
2	28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	87,5	88,8	86,8
3	Илғор-1 комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	89,6	90,9	88,9

Ўза қатор орасига 8-10 см чуқурликда культивация ўтказилиб, бир йўла кузги буғдой уруғлари экилиб парваришланган майдон 28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш каби агротехник тадбирлар ўтказилгандан сўнг такрорий экин сифатида мош уруғлари экилганда 84,4-87,3% кўчат униб чиққани кузатилди. Шу фонда такрорий экин етиштириш учун майдон 8-10 см чуқурликда культивация қилиниб, бир йўлауруғлар экилганда 82,7-85,6% гача, майдон такрорий экин учун Илғор-1 комбинацион агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, сўнг экиш тадбирлари ўтказилганда эса 86,3-89,3% гача кўчатлар униб чиқиши кузатилди.

Кузги буғдой етиштириш мақсадида майдон 28-30 см чуқурликда хайдалиб, такрорий экин мош парваришlash учун ҳам майдон яна 28-30 см чуқурликда хайдов олиб борилганда уруғларнинг униб чиқиши 86,5-89,4% гача, шундай фон майдонни 8-10 см чуқурликда культивация қилиниб, бир йўла такрорий экин уруғлари экилганда 84,8-87,7% гача, Илғор-1 комбинацион агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, сўнг уруғлар экилганда эса 88,5-91,5% гача кўчатлар униб чиқди.

Майдон Илғор-1 комбинацион агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиниб, кузги буғдой парваришланган фонда, такрорий экин парваришlash учун майдон 28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш каби агротехник тадбирлар ўтказилганда уруғларнинг униб чиқиши 88,7-91,7% гача, 8-10 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериб, бир йўла экилганда уруғлар униб чиқиши 86,9- 89,9% гача, шу фонда такрорий экин парваришlash учун майдон яна Илғор-1 комбинацион агрегати билан 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олинган, сўнг уруғлар экилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 90,7-93,8% гачани ташкил этиб, бошқа ишлов бериш усулларига нисбатан 2,1-4,9% гача кўп бўлганлиги аниқланди (3-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотларимизда энг юқори дон ҳосили Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб экиш тадбири қўлланилган вариантда кузатилиб ўртача кузги буғдойдан 60,6-65,4 ц/га гача, шу фонда такрорий экин мош етиштирилганда дон ҳосили 20,9-22,0 ц/га гача, бошқа ишлов бериш усулларига нисбатан кузги буғдойдан кўшимча 0,8-9,3 ц/га гача, такрорий мошдан эса 0,2-2,8 ц/га гача дон ҳосили етиштирилди (4-жадвал).

3-жадвал

Тупрокка турли усулда ишлов бериб, такрорий экин сифатида экилган мошнинг униб чиқишига таъсири, % (2017-2019 йй.)

Тупрокка ишлов бериш усуллари	2017 й.	2018 й.	2019 й.
28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	87,3	84,4	86,3

Культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	85,6	82,7	84,6
Илғор-1 агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	89,3	86,3	88,3
28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	89,4	86,5	88,5
Культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	87,7	84,8	86,8
Илғор-1 агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	91,5	88,5	90,5
28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	91,7	88,7	90,7
Культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш	89,9	86,9	88,9
Илғор-1 агрегати билан ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	93,8	90,7	92,8

4-жадвал

Эрта турли техника воситалари ёрдамида ишлов беришнинг кузги бугдой ва такрорий экин мошнинг хосилдорлигига таъсири, ц/г

№	Тажриба вариантлари	Кузги бугдойнинг хосилдорлиги, ц/га			Тажриба вариантлари	Такрорий экин мошнинг хосилдорлиги, ц/га		
		2017 й.	2018 й.	2019 й.		2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	Ўза қатор орасига	64,6	62,4	59,9	28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	19,4	18,6	18,7
2	культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликка				18,5	17,9	17,3	
3	ишлов бериб, бир йўла экиш				20,1	20,5	18,8	
4	28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	56,7	54,9	52,2	28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	21,3	20,6	20,8
5	культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликка ишлов бериб, бир йўла экиш				18,9	18,1	19,4	
6	Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш				21,5	21,3	20,8	
7	Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш	65,4	64,2	60,6	28-30 см чуқурликда хайдаш, бороналаш, молалаш, экиш	21,8	21,0	20,5
8	культиватор ёрдамида 8-10 см чуқурликка ишлов бериб, бир йўла экиш				19,4	18,8	18,5	
9	Илғор-1 комбинацион агрегати ёрдамида ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, экиш				22,0	21,6	20,9	

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки кузги бугдойни парварваришлаш учун майдон юза ишлов бериш усули қўлланилиб, сўнг такрорий экин етиштириш учун эса культивация ёрдамида 8-10 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экилса ҳамда Илғор-1 комбинацион агрегати билан ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, сўнг экилганда хайдов усули қўлланилганга нисбатан ниҳолларнинг униб чиқиши 9-10 кунгача тезроқ униб чиқиши яна бир бор исботланди. Бу эса эрта униб чиққан ниҳолларнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларини ҳам эрта бўлишига олиб келади.

ҲОСИЛДОРЛИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. ЎзПИТИ, 2007. Б-147.
2. Мирзажонов Қ., Сатилов Ғ. Илм ютуқларини амалиётга жорий этиш-давр талаби. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент. 2013, №2 (26). Б. 3-4.
3. Хасанов М., Мавлянов Д. Кузги бугдойдан сўнг хар хил муддат ва усулларда тупроққа асосий ишлов беришда ўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда хосилдорлигининг ўзгариши. //“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг “AGRO ILM” илмий иловаси. Тошкент, 2017. № 4 (48). -Б.69-70.

УЎТ:633.31/37; 631.527.2

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ЭКИБ ЎРГАНИЛГАН НЎХАТ НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК ВА ДОН СИФАТ КЎРСАТКИЧИ
Н.Ш.Каюмов, таянч докторант, Жанубий деҳқончилик ИТИ, Тошкент
З.Ф.Зиядуллаев, к/х.ф.д., Жанубий деҳқончилик ИТИ, Тошкент

Ш.Д.Дилмуродов, к/х.ф.ф.д., Жанубий деҳқончилик ИТИ, Тошкент

Аннотация. Бугунги кунда дунёда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши натижасида озиқ-овқат ва оқсил моддасига бой бўлган маҳсулотларга талаб тобора ошиб бормоқда. Ҳозирда инсонларнинг истеъмол қилаётган оқсил миқдорининг 70 фоизи ўсимлик маҳсулотларидан олинаётган оқсил ҳисобига тўғри келади. Ушбу мақолада лалмикор майдонларда этиштирилган нўхат нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичи келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: Нўхат нав ва тизмалар, 1000 дона дон вазни, селекция кўчатзори, ҳосилдорлик кўрсаткичи, оқсил миқдори.

Аннотация. Сегодня в результате быстрого роста населения в мире растет спрос на продукты питания и продукты, богатые белком. В настоящее время 70 процентов белка, потребляемого людьми, поступает из белков растительного происхождения. В статье приводится показатель урожайности и качества зерна сортов и образцов гороха, выращиваемых на пашнях.

Ключевые слова: Сорта и образцы гороха, масса 1000 зёрен., Селекционный саженец, индекс урожайности, содержание белка.

Abstract. Today, as a result of the rapid growth of the world's population, the demand for food and protein-rich products is growing. Currently, 70 percent of the protein consumed by humans comes from plant-derived protein. This article provides an indicator of yield and grain quality of chickpea varieties and samples grown in arable lands.

Key words: Chickpea varieties and samples, grain weight of 1000 pieces, selection seedling, yield index, protein content.

Дунё бўйича нўхат экин майдони 2019 йилда 14,5 млн гектарни ташкил этиб, ялпи дон этиштириш ҳажми 8 млн тоннадан 11,67 млн тоннага етганлиги кузатилган. Сўнги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариб бориши натижасида лалмикор майдонларда экиб ўрганилаётган нўхат нав ва тизмаларининг ривожланиш фазаси даврида ҳароратнинг кескин исиб бориши ва совуқ тушиши бу ўсимликнинг касаллик ва зараркундаларга чалиниши, дон сифат кўрсаткичига таъсири кузатилади. Ушбу ҳолатларни олдини олишда дунё селеционерлари ушбу иқлим шароитига чидамли нўхат нав ва бошланғич манбаларни яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Нўхат кимматли дуккакли дон ўсимлик бўлиб халқ хўжалигида турли мақсадларда ишлатилади. Асосан нўхатдан озиқ овқат маҳсулоти сифатида фойдаланилади.

Каюмов Н. Ш ва Дилмуродов Ш. Д таъкидлашчи лалмикор майдонларда экиб ўрганилган нўхат нав ва намуналардан нўхатнинг андоза Обод нави ҳосилдорлик кўрсаткичи 9,2 ц/га, андоза навга нисбатан 4,5-5 ц/га юқори ҳосилдорлик кўрсатди, ҳосилдорлик бўйича тажриба ҳатолиги 1,4% кичик фарқ билан аниқланди [1].

И.Эрназаров, А.Холлиевлар томонидан нўхат лалмикор ерларда намгарчилик кам бўлган йилларда ҳам азот тўплаши, нўхатдан кейин бошоқли дон экинлари экилса ҳосилдорлигини 40 – 60% ошиши аниқланган [2].

Нўхатнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи, дуккаклар сони ва 1000 дона дон оғирлигига боғлиқ бўлади [3]. К.Эшмирзаев тадқиқотларида нўхат дуккакларининг баланд жойлашиши сабабли ҳосилининг мўл бўлиши исботланган.

К.К.Paliwal, S.R.Ramgiri, M.S.Lal [4] тажрибаларида нўхатдаги дуккак сони ва дуккакдаги дон сони унинг ҳосилига ва ҳосил сифатига ижобий таъсир этишини аниқлаган. Дуккак ва дон сони кўп бўлса ҳосил юқори бўлиб, 1000 дона дон массаси ҳам ҳосилдорликка ижобий таъсир этиши исботланган. Суғориладиган ерда этиштирилган нўхат донининг 1000 дона дон оғирлиги суғорилмаган ердагига нисбатан 11 – 20 г. гача юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотимиз давомида олиб борилган нав ва тизмаларнинг ўсув даври давомийлиги, ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичи ўрганилди. Нав ва тизмалар 35 та бўлиб, 2 қайтариқда 5 м² майдонга экиб ўрганилди.

Селекция кўчатзоридида нўхат нав ва тизмаларни экиш ишлари 22-23 феврал куни қўл кучи ёрдамида амалга оширилди. Нав ва тизмаларнинг униб чиқиш 23-26 март кунига тўғри келди. Андоза Обод нави 26- мартда униб чиқди, андоза навга нисбатан KR20-СIABN-36, KR20-СIABN-26, KR20-СIABN-47, KR20-СIABN-48, KR20-СIABN-09 тизмалари 23 - мартда униб чиқиб эртачи ушбу фазани ўтаганлиги кузатилди. 2021- йил кишлоф хўжалик экинлари учун қурғочилик келди. Лалмикор ва сувли майдонларда ёғин миқдорининг кам ёғиши ва суткалик температуранинг ошиб бориши натижасида экинларнинг ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичи пасайганлиги кузатилди. Қамаши туманидаги лалмикор дала тажрибада шу йил ёғин миқдори жами 98,8 мм,

ўрғача суткалик ҳаво ҳарорати дуккакнинг пишиш даврида 30,4 - 30,9 °C ни ташкил этди. Экин турлари гуллаш даврида сувга талабчан бўлади, нўхат экини сувга талабчан бўлмаса ҳам ушбу фазада уруғланиш даврида сувга бўлган талаб ортади. Ёгин миқдорининг кам ёғиши эвазига уруғларнинг пуч бўлиб қолиши ва дон сифат кўрсатгичи пасайганлиги кузатилди. Нўхат нав ва тизмаларнинг пишиш фазаси 17-21 июнғача давом этди. Униб чиқишдан пишишгача бўлган кун 85-89 кунни ташкил этди. Андоза Обод нави 85 кунда пишиб эртачи пишганлиги аниқланди. Кеч пишган тизмалардан KR20-CIABN-18, KR20-CIABN-15, KR20-CIABN-26, KR20-CIABN-47, KR20-CIABN-08, KR20-CIABN-39, KR20-CIABN-17 тизмалари 88 кунда. KR20-CIABN-13, KR20-CIABN-07, KR20-CIABN-48 тизмаси 89 кунда пишганлиги кузатилди.

1-жадвал

Селекция кўчатзориди нўхат нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсатгичи
(Қамаши 2021 йил)

Делянка №	Сел№	Нав номи	Униб чиқиш, сана	Пишиш, сана	Пишишгача бўлган кун	Бир туп ўсимликда дуккаклар сони, дона				Бир туп ўсимликдаги донлар сони, дона	1000 га дон вазни, г	Делянка ҳосили, кг	Ҳосилдорлик, ц/га	Оқсел миқдори, %
						1 донли	2 донли	3 донли	Жами					
1	1	Обод (ст)	26 мар	18 июн	85	77	13		89	102	306,6	0,18	3,7	28,5
2	8	KR20-CIABN-10	25 мар	18 июн	85	61	10		71	81	295,4	0,19	3,9	28,7
3	15	KR20-CIABN-18	24 мар	19 июн	88	59	13		72	84	314,8	0,20	4,0	27,5
4	22	KR20-CIABN-30	24 мар	18 июн	87	72	13		84	97	301,2	0,18	3,5	28,6
5	29	KR20-CIABN-43	24 мар	20 июн	88	71	12		83	95	266,0	0,20	4,0	29,4
6	9	KR20-CIABN-12	25 мар	19 июн	87	69	11		80	91	349,4	0,19	3,7	27,5
7	23	KR20-CIABN-33	25 мар	20 июн	87	79	11		90	101	320,0	0,21	4,2	27,4
8	30	KR20-CIABN-44	25 мар	20 июн	87	80	12		92	104	271,5	0,17	3,5	28,5
9	10	KR20-CIABN-13	24 мар	21 июн	89	80	13		93	105	285,0	0,22	4,4	26,1
10	17	KR20-CIABN-20	24 мар	19 июн	87	68	12		79	91	225,2	0,22	4,4	28,4
11	25	KR20-CIABN-36	23 мар	17 июн	86	59	14		73	87	274,8	0,20	4,0	28,7
12	32	KR20-CIABN-46	24 мар	18 июн	86	62	10		72	81	295,3	0,17	3,5	26,4
13	5	KR20-CIABN-07	24 мар	21 июн	89	65	12		76	88	275,3	0,20	4,1	27,5
14	12	KR20-CIABN-15	24 мар	19 июн	88	59	8		67	75	259,3	0,15	3,2	27,5
15	19	KR20-CIABN-26	23 мар	19 июн	88	52	8		60	67	256,3	0,21	4,2	28,0
16	33	KR20-CIABN-47	23 мар	19 июн	88	69	9		78	86	355,0	0,17	3,6	27,6
17	6	KR20-CIABN-08	24 мар	20 июн	88	67	10		76	86	269,5	0,20	4,0	26,1
18	27	KR20-CIABN-39	25 мар	21 июн	88	76	14		90	103	245,0	0,17	3,5	29,4
19	34	KR20-CIABN-48	23 мар	20 июн	89	68	11		79	89	299,9	0,18	3,5	27,6
20	7	KR20-CIABN-09	23 мар	18 июн	87	72	14		85	99	241,8	0,21	4,2	28,5
21	14	KR20-CIABN-17	24 мар	20 июн	88	72	10		82	92	275,3	0,18	3,7	25,5
		Min	23 мар	17 июн	85	52	8		60	67	225,2	0,15	3,2	25,5
		Mean	24 мар	19 июн	87	68	11		79	90	284,9	0,19	3,9	27,8
		Max	26 мар	21 июн	89	80	14		93	105	355,0	0,22	4,4	29,4
		LSD_{0,05}									0,8		0,17	0,64
		LSD_{0,05%}									0,28		4,884	2,31
		CV%									0,1		2,5	1,2

Нўхат нав ва тизмаларнинг бир туп ўсимликдаги донлар сони ва дуккак ичидаги донлар сони аниқланди. Бунга кўра бир донли 52-80 тагача, икки донли 8-14 донагача бўлганлиги аниқланди. Бир туп ўсимликдаги жами дуккаклар сони 60-93 донагача бўлганлиги кузатилди.

Андоза Обод навида жами дуккаклар сони 89 дона бўлганлиги аниқланди. Андоза навга нисбатан KR20-CIABN-33, KR20-CIABN-39; 90 дона, KR20-CIABN-44; 92 дона, KR20-CIABN-13; 93 дона бўлиб юқори кўрсатгич кўрсатганлиги кузатилди (1- жадвал).

Бир туп ўсимликдаги дуккак ичида бир ва икки донли нўхат санаб чиқилганда 67-105 донагача бўлганлиги аниқланди. Андоза Обод навида ушбу кўрсатгич 102 дона, андоза навга нисбатан юқори дон кўрсатгич кўрсатган тизмалардан KR20-CIABN-44 тизмаси 104 дона, KR20-CIABN-13 тизмаси 105 дона бўлганлиги аниқланди. Ўсимликнинг ҳосилдорлик кўрсатгич белгиларидан 1000 дона дон вазни аниқланганда 225,2 – 355,0 гр ни ташкил этди. Андоза Обод нави 306,6 гр бўлганлиги кузатилди. KR20-CIABN-18 ; 314,8 гр, KR20-CIABN-12; 349,4 гр, KR20-CIABN-33; 320,0 гр, KR20-CIABN-47; 355,0 гр тизмалари андоза навга нисбатан юқори натижа кўрсатди. Нўхат нав ва тизмаларнинг Делянкадан олинган ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсатгичи аниқланди. Бунга кўра 5 м²

майдондан олинган ҳосил 0,15 – 0,22 кг гача, ҳосилдорлик кўрсаткичи эса 3,2 – 4,4 ц/га бўлди. Андоза Обод нави пайкалчадан олинган ҳосил 0,18 кг, ҳосилдорлик кўрсаткичи эса 3,7 ц/га ташкил этди. Андоза навга нисбатан энг юқори натижа кўрсатган тизмалардан KR20-CIABN-33 тизмаси пайкалчадан олинган ҳосил 0,21 кг, ҳосилдорлик кўрсаткичи 4,2 ц/ га. KR20-CIABN-13, KR20-CIABN-20 тизмалари пайкалчадаги ҳосил 0,22 кг, ҳосилдорлик кўрсаткичи эса 4,4 ц/га ни ташкил этганлиги кузатилди.

Нўхат нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича доспехов методи бўйича таҳлил қилганимизда тажриба хатолиги 4,884% бўлиб яхши натижа кўрсатганлиги кузатилди. Лаборатория шароитида дон таркибидаги оксил миқдори аниқланганда 25,5-29,4% гача бўлганлиги кузатилди. Андоза Обод навида оксил миқдор кўрсаткичи 28,5%, андоза навга нисбатан KR20-CIABN-30 тизмаси 28,6%, KR20-CIABN-43; KR20-CIABN-39; 29,4% бўлиб юқори натижа кўрсатди. Математик таҳлил натижаси тажриба хатолиги 2,31% чиққанлиги кузатилди.

Хулоса ўрнида нўхат нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичи аниқланди ва яхши натижа кўрсатган нав ва тизмалар танлаб олинди. Бунга кўра Доспехов методикаси бўйича тажрибадаги қайтариқлар ўртасида кичик хатолиги аниқланганда 1000 дона дон вазнидаги кичик хатолик 0,28%, ҳосилдорлик кўрсаткичида эса 4,884%, доннинг оксил сифат кўрсаткичи бўйича 2,31% кичик хатолик юзга келганлиги кузатилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kayumov N. S., Dilmurodov S. D. Selection of heat and drought tolerant varieties and lines of chickpea for rainfed areas //Высокие технологии, наука и образование: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 129-131.
2. Эрназаров И., Холлиев А. Н. Нўхат // ЎзР ДИТАФ. –Тошкент, 1995. – 3 б.
3. Эшмирзаев К. Наследование число бобов гибридами нута // Материала IX конференции молодых ученых Узбекистан по с/х. – Ташкент, 1978. – С.101-105.
4. Paliwal K. K., Ramgiri S. R., Lal M. S. (e.a) Correlation and path coefficient analysis in chickpea Cicer arietinum. Legume Res. 1987. 10.1; 47-48.

УЎК 633/635

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ШОЛИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*А. Облоқулов, таянч докторант, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти
илмий тадқиқот институти, Қибрай*

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда шоличиликнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда мамлакатимизда шоличиликни ривожлантиришнинг ташиқилий иқтисодий асослари ва ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Калим сўзлар: Озиқ овқат хавфсизлиги, шоличилик тармоги, гуруч маҳсулотлари, талаб, барқарор ривожланиш, кўчат усулида экиш.

Аннотация. В статье описаны роль и значение риса в обеспечении продовольственной безопасности сегодня, а также организационно-экономические основы и особенности развития риса в нашей стране.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, рисовая отрасль, рисовая продукция, спрос, устойчивое развитие, посадка рассады.

Abstract. This article describes the role and importance of rice in ensuring food security today, as well as the organizational and economic basis and specifics of the development of rice in our country.

Keywords: Food security, rice industry, rice products, demand, sustainable development, seedling planting.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган муҳим вазифалардан бири бу мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан, гуруч маҳсулотига бўлган талабни мамлакатимизда етиштирилган шоли маҳсулотлари ҳисобига таъминлашдир.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига жумладан, шоличиликни ривожлантириш асосида гуруч маҳсулотига бўлган талабни тўла қондириш мақсадида республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигида шоличиликни ривожлантириш бўйича шунингдек, шоличиликда моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил берадиган уруғчилик тизимини яратиш, шоличилик йўналишидаги хўжаликларда моддий манфаатдорликни таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, тақрорий экин сифатида шолини кўчат усулида экишни кенг қўллашга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширилиши республика ғаллачилиги шунингдек, мамлакатда шоличиликни

барқарор ривожлантириш ҳамда тармоқ самарадорлигини ошириш учун муҳим замин яратмоқда. Иқтисодий маълумотларга қараганда 2020 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 7566.6 минг тонна донли экинлар жумладан 96 та тумандаги 128.1 минг (2019 йилда 113 минг) гектар ерга (74,8 минг гектар асосий, 53,3 гектар такрорий) шולי экиб 323минг тонна шולי етиштирилди. Маълумотлар кўрсатишича, мамлакатимизда етиштирилаётган дон маҳсулотларини асосий қисмини бошоқли дон экинлари эгаллайди. Республикамизда етиштирилаётган донли экинларнинг 4.3% ни шולי ташкил қилмоқда.

Хозирги вақтда республикаимизнинг 7 та ҳудудидаги 43,4 минг гектар (шундан қишлоқ хўжалигида ерларни қайта фойдаланишга киритиш ҳисобидан 6,9 минг гектар) ер майдонларида 35 та шоличилик кластери (Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, Хоразмда 14 та Андижонда 9 та, Сирдарё ва Фарғонада 2 тадан, Наманганда ва Тошкентда 1 тадан) ташкил этилган бўлиб. Шунга қарамай мамлакат аҳолисини арзон ва сифатли гуруч маҳсулотлари билан таъминлашда бир қанча муоммолар мавжуд. Бунда асосан юқори ҳосилдорликка эга навларни экиш, сув, минерал ўғит ва гербитцидлардан самарали фойдаланиш шунингдек, асосий ва такрорий экиш муддатларида шолини кўчат қилиб экиш усулини кенг жорий этиш ҳисобига эришиш кўзда тутилган. Бироқ, сўнги 7-8 йиллар давомида шולי экин майдонларини кескин қисқариб кетиши ва йирик шоличилик хўжаликларини тарқатилиши тармоқ моддий-техника базасини бирмунча заифлаштириши натижасида шоличилик йўналишидаги хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин пасайган. Натижада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари жумладан, гуруч маҳсулотига бўлган талаби қондирилмасдан, четдан ушбу турдаги маҳсулотни импорт қилишга мажбур бўлинган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз шоличилик тармоғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларига қарамадан тармоқда турли мулкчилик шаклидаги шоличилик хўжаликларининг истиқболли ривожланишига тўсик бўлаётган муаммолар ўз ечимини топмасдан қолмоқда. Бу муаммоларни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларга ажратиб, турли мулкчилик шаклидаги шоличилик хўжаликлари мисолида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни:

-шоличиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари дастлаб йирик жамоа хўжаликлари бўлиб, улар давлат бунёдмаси асосида маҳсулот етиштириб келган, бироқ жамоа шоличилик хўжаликларини ислох қилиш қутилган натижаларни бермади. Чунки, жамоа хўжаликларини хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига ўтказилганлиги билан бошқарув тизими ҳамда меҳнатни ташкил қилиш ва ишлаб чиқарувчиларни яқуний даромаддан моддий манфаатдорлиги ўзгармасдан қолган эди.

Шу нуқтаи назардан, шоличилик хўжаликларини ривожлантириш йўлида аввало, бошқариш тизимини такомиллаштириш, шולי етиштирувчилар даромадларини ва моддий манфаатдорлигини ишлаб чиқаришнинг яқуний натижаларига боғлаш лозим.

- фермер хўжаликларида шолини экиш, ишлов бериш, йиғиштириб олиш ва уни янчишда техника воситаларини етишмаслиги сабабли бирқатор қийинчиликларга учрамоқда. Шунингдек, ушбу хўжаликларда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда молиявий маблағлар етишмайди. Бу ўз навбатида республикаимизда тайёр гуруч маҳсулоти етиштирувчи кичик цехларга эга фермер хўжаликлари сонини ошишига ва шоличиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини тадбиркорона фаолият юритишларига имкон берадиги. Шунинг учун ҳам, биринчидан, фермер хўжаликларига техника таъминоти, консалтинг хизмати, минерал ўғитлар етказиб бериш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва бошқа хизматларни кўрсатишда кооперацион муносабатларни кучайтириш ва иккинчидан, шולי етиштирувчи фермер хўжаликларининг серҳосил уруғ навлари, шолини кўчат усулида етиштириш ва техника воситалари сотиб олиш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун уларга узоқ муддатли имтиёзли фойзаларда мақсадли кредит бериш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

-маълумки, бугунги кунда 5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжаликлари фаолият юритишмоқда. Шоличилик билан шуғулланаётган деҳқон хўжаликлари Ўзбекистоннинг қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона водийси, Хоразм, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритишмоқда. Улар томонидан жами шולי хомашёсининг 15-17 фоизи етиштирилмоқда. Таъкидлаш лозимки, деҳқон хўжаликларида шולי экин майдонларини кўпайтириш уларни моддий-техника ва кимёвий воситалар билан таъминлашда бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда. Деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдонлари ҳисобига шолдан юқори ҳосил олиш имкониятлари чегараланган чунки, деҳқон хўжаликларига шולי етиштириш учун ажратилаётган асосий экин майдонлари унумдорлиги паст, тошлоқ, ботқоқ ва зах ерлар ҳисобидан берилмоқда. Бундан ташқари, айрим ҳудудларда яъни, сув ресурслари билан яхши таъминланган жойларда ғалладан


сўнг такрорий экин сифатида экилмоқда. Шоли Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида такрорий экин сифатида оддий ва кўчат усулида етиштирилади.

Шоличилик тармоғи ишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби ўзининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва уни ривожлантиришдаги алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шоличиликда ишлабчиқаришни уларга мос равишда ташкил этиш ва улардан келиб чиққан ҳолда тармоқ фаолиятини белгилаш кўзланган натижаларга эришиш учун замин яратади. Бу шоличиликни қишлоқ хўжалигидаги хусусиятлари ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат:

1. Республикада шоличиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлар шундан иборатки: (1.1-расм)

-биринчидан, маълумки, республикамизнинг бир қатор ҳудудларида дарё ва сой ўзанлари мавжуд. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун яроқсиз бўлган майдонлар, яъни дарё ўзанлари, ботқоқлик ва зах ерлари мавжуд бўлган ҳудудлар экин майдонларидан самарали фойдаланиш мумкин бўлади;

-иккинчидан, шоличиликни ривожлантирилиши натижасида мамлакат аҳолисини гуруч маҳсулотларига бўлган таъминоти яхшиланади. Бунинг оқибатида аҳолига ушбу маҳсулот бўйича импорт қилиш бир неча марта камайгани ҳолда сарфлаётган валютани тежаш имконияти мавжуд бўлади. Шунингдек, ушбу маҳсулот бўйича импорт ва экспорт масаласини мутаносиб равишда ўзгариши натижасида, яъни, малакатимиз қишлоқ хўжалигида шоличиликни ривожлантирилиши натижасида аҳоли талабидан ортиқча етиштирилган гуруч маҳсулотлари экспорт қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинadиган даромад миқдори ортади;



1-расм. Республикада шоличиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлар


-учунчидан, шоли экини кўп сув талаб қилинадиган ўсимлик ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қўшни давлатлардаги ҳолатни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, республикамизга қўшни бўлган давлатларда бошқа давлатларга нисбатан дарё ва сой ўзанларини камлиги натижасида уларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари таркибида шолини салмоғи жуда оз миқдорни ташкил этади. Чунки, республикамизда ишлаб чиқарилган гуруч маҳсулотларига потенциал истеъмолчининг мавжудлиги билан изоҳланади;

-тўртинчидан, республикамизда шоличиликни ривожлантирилиши натижасида (шоличиликни ривожлантириш қулай бўлган ҳудудларда) аҳолига кўшимча иш жойлари яратилади. Бунда ушбу ҳудудларда шоли хом ашёсини қайта ишлайдиган кичик цехларни очиш ва уларнинг моддий техника таъминотини яхшилаш бўйича бўйича амалий ёрдам кўрсатиш лозим;

-бешинчидан, республикамизда истиқомат қиладиган аҳолининг 70-75 фоизи ўзбек миллатини ташкил этиши, бевосита бу миллатнинг кундалик озиқ овқат маҳсулотлари таркибида гуруч маҳсулотларини юқорилигидир. Чунки, ўзбек миллатининг барча миллий урф одатларида асосан гуруч маҳсулотлари ишлатилади. Бу мамлакатимиз аҳолиси учун шоли хом ашёсини етиштириш ниҳоятда муҳимлигини кўрсатади;

-олтинчидан эса, республикамизда шоли хом ашёсини етиштириш учун (70-80 фоиз хуудларда) кулай табиий шарт-шароитлар ва шоли етиштириш бўйича деҳқонларимизда узоқ йиллик тажрибаларни мавжудлиги.

2. Қишлоқ хўжалигида шолчилик тармоғини ўзига хос хусусиятлари: (2-расм)



2-расм. Қишлоқ хўжалигида шолчилик тармоғини ўзига хос хусусиятлари

-шоли экиладиган ер майдонлари республикамизнинг айрим хуудларида мавжудлиги, яъни барча вилоятлар табиий иқлим шароитлари (фойдали ҳарорат, сув таъминоти, жойлашуви, рельефи, сифати ва ҳ.к.) шоли етиштириш имконини бермайди, айниқса, такрорий экин сифатида экишда таваккалчилик даражаси юқори бўлиб, бунда асосан шоли етиштирувчи хуудларда вегетация даври қисқа бўлган шоли навлари етиштирилиб, бу барча вилоятлар шароитларига тўғри келавермайди:

-шоли етиштириш бевосита сув ресурслари билан боғлиқлиги, бошқа экин турларига нисбатан шоли сув сарфини энг юқори, яъни, намли сифими юқори бўлган экин тури саналади ва белгиланган меъёрларга асосан бир гектар шоли экин майдонига 20 минг м³ сув сарф қилинади шу боис сув танқислиги мунтазам кузатиладиган хуудларда ушбу экин турини парваришаш имконияти чекланган:

-дарё ва сой бўйи, тошлоқ ерларда ҳам юқори ҳосил олиш имконияти мавжудлиги яъни, шоли экин турини сувга талабчан шу билан бирга тупроқ сифати паст бўлган хуудларда ҳам юқори ҳосил беради ва бу хусусиятлари билан шоли бошқа экин турларидан фарқ қилади:

-шоли поялари ва шоли хомашёсини қайта ишлашдан чиқадиган маҳсулотлардан чорвачилик тармоғида озуқа сифатида фойдаланиш имконини мавжудлиги, бинобарин, шолини қайта ишлашдан чиқадиган оқшоқ, сиртмик, ва бошқа шу кабилар чорвачилиқда қимматли озуқа сифатида фойдаланиб келинган ва ҳозирда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шолчилик озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш билан бирга чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутади:

-шоли экинни такрорий экин сифатида экиладиган бошаган ерларга экиш орқали қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш яъни, юқорида таъкидланганидек, шолини такрорий экин сифатида экиб қишлоқ аҳолисини гуручга бўлган эҳтиёжини қондириш улар даромадини ошириш билан бир қаторда чекланган майдонлардан йилига икки марта ҳосил олиш орқали мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилади. Бунда юқори тез пишар совуққа чидамли, ётиб қолишга мойиллиги кам навлар экилади:

-республикада шолчилик билан узоқ йиллардан буён шуғулланиб келиниши, бу борада бой тажриба тўпланганлиги ҳамда аҳоли озиқ-овқат рационини таркибида гуруч асосий ўрин тутиши шоли маҳсулотларига республикамизда ва ташқи бозорларда талабнинг юқорилиги натижасида шолчиликдан мунтазам барқарор ҳосил ва даромад олинади, шолчилик бўйича республикамизда етарли илмий салоҳият билим ва кўникмалар шаклланиши ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, шолчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида турли шаклдаги шолчилик хўжалиқларини самарали фаолият юритиши учун меъёрий асосларни ишлаб чиқиш билан бирга уни амалиётга татбиқ этишнинг ташкилий-иқтисодий

жиҳатларига ҳам асосий эътиборни қаратиш лозим. Чунки, бу механизмлар ишлаб чиқилмаса кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди. Шунингдек, республикада шолчиликни барқарор муҳитини таъминлашда юқорида кўрсатилган муаммоларни ечиш ва шолчиликни ривожлантиришдаги асосий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тармоқ ишлаб чиқариши ва уни истиқболлини белгиланиши мамлакатимизда шолчиликнинг истиқболли ривожлантиришнинг ишончли воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестри Тошкент – 2016 йил
2. Ўзбекистон шолчи етиштириш бўйича услубий кўрсатма Тошкент – 2019 йил
3. Ўзбекистон шолчи кўчат усулида етиштириш бўйича тавсиялар Тошкент-2019 йил
4. Абдуллаев А. Қ “Ўзбекистон шолчиликда эришилган ютуқлар ва хозирги аҳволи” Республика илмий-амалий конференция Тошкент-2013 йил 3-5 бетлар

УЎК 631.17+631.11+ 631.153+631.155

ОРОЛ БЎЙИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИХТИСОСЛАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

*Н.Б. Реимов, к/х.ф.д., Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Нукус*

*Г.У. Кдырбаева, мустақил изланувчи, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти, Нукус*

Аннотация. Қорақалпоғистон Республикаси Урта Осиёнинг асосий сув артерияси бўлган Амударёнинг қуяр оқимида жойлашганлиги сабабли бу ерда сув етишимовчилиги жараёни тез тез сезилиб туради. Сунги йиллари Орол бўйи ҳудудда сув танқислиги тез тез қайталаниб, 1999-2001 чи йиллари 39-41%, 2007-2010 чи йиллари 50-55% ва сунги йиллари сув таъминати 54-58 % бўлиб, Оролга умуман сув туғмай қуйди. Дунё экспертларининг тахминларига қараганда сув танқислиги келажакда яна да 15-17% га ортиб, сувсизлик йиллари куп қайталаниши мумкин экан. Ушбу шароитда Орол бўйида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви масалаларини ечиши, деҳқончиликда сувни куп талаб қиладиган экинлар урнига сувни кам талаб қиладиган экинларни экиши, сувни тежовчи технологияларни қўлланиши ва такомиллаштириши, чорвачиликни ривожлантиришни режалаштириши долзарб масалалардан ҳисобланади.

Калит сўзлар: Орол бўйи, ихтисослашув, сув танқислиги, ер, сув, чорвачилик, тупроқ, ўсимлик.

Аннотация. В связи с тем, что Республика Каракалпакстан расположена в нижнем течении Амударьи, главной водной артерии Центральной Азии, здесь часто ощущается нехватка воды. В последние годы нехватка воды в регионе Аральского моря быстро возобновилась, достигнув 39-41% в 1999-2001 гг., 50-55% в 2007-2010 гг. И 54-58% в последние годы, при этом вода в Арал не попадает вообще. По оценкам мировых экспертов, дефицит воды в будущем увеличится на 15-17%, а годы засухи, вероятно, повторится. В этом контексте в Республике Каракалпакстан на побережье Аральского моря важно решать вопросы специализации сельского хозяйства, посадки маловодных культур вместо водоемких, использования и совершенствования водосберегающих технологий, планирования развития животноводства.

Ключевые слова: Аральское море, специализация, водный дефицит, земля, вода, животноводство, почва, растительность.

Abstract. Due to the fact that the Republic of Karakalpakstan is located in the lower reaches of the Amu Darya, the main waterway of Central Asia, there is often a shortage of water. In recent years, water scarcity in the Aral Sea region has rapidly resumed, reaching 39-41% in 1999-2001, 50-55% in 2007-2010. And 54-58% in recent years, while water does not enter the Aral Sea at all. According to world experts, the water shortage in the future will increase by 15-17%, and the years of drought are likely to be repeated. In this context, in the Republic of Karakalpakstan on the coast of the Aral Sea, it is important to resolve the issues of specialization of agriculture, planting low-water crops instead of water-intensive crops, the use and improvement of water-saving technologies.

Key words: Aral Sea, specialization, water deficit, land, water, animal husbandry, soil, vegetation.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4574 сонли қарорида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш

самарадорлигини оширишни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, суғоришнинг сув тежовчи тизимларидан фойдаланиш вазифаси юклатилган [1].

Орол ва Орол бўйидаги салбий жараёнларнинг олдини олиш, фаол тирикчилик мазмунини сақлаб қолиш учун Президентларимиз 1993-йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида ва 1995-йил 24 октябрдаги 50-сессиясида ва 2017 йилги БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида бутун дунё ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари вакиллари жаҳон ҳамжамиятини Орол ва Орол бўйини қутқаришда кўмак беришга чақирган эдилар. Натижада 1996-йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон таъсислигида ташкил етилган Оролни Қутқариш Халқаро Жамғармаси (ОҚХЖ) тузилиб, купгина фойдали қарорлар қабул қилинди [3].

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари иқтисодий аҳамиятига кўра бош (асосий), қўшимча ва ёрдамчи турларга бўлинади. Бош ёки етакчи тармоқлар товар маҳсулотларини яратишда асосий ўринни эгаллайди ва улар хўжаликнинг ихтисослашувини белгилаб беради. Асосий тармоқлар комплекс ихтисослашган хўжаликларда битта бўлади. Қўшимча тармоқлар ҳам товар тармоқлари туркумига киради. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сонини кўпайтириш учун табиий-иқлимий ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш воситаларидан, техникадан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришдаги мавсумийликни юмшатишга олиб келади. Ёрдамчи тармоқлар гарчи ўзлари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмасаларда, улар асосий ва қўшимча тармоқларда ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда кечишини таъминлаши, етакчи ва қўшимча тармоқларда яратилаётган маҳсулотларнинг товар хусусиятларини янада ошириш учун ёрдам кўрсатишлари талаб этилади.

Юқорида кўрсатилган уч тармоқ (асосий, қўшимча ва ёрдамчи) худуднинг табиий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат ва хўжаликнинг ички эҳтиёжларини тўлароқ қондириши ва бутун ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кўпроқ таъминлашга имкон берадиган даражада бир-бири билан узвий алоқадорликда ривожлантиришга эришиш зарур.

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ихтисослаштирилаётганда қуйидаги қонуниятлар ҳисобга олинади: Биринчи -Товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича иложи борича кам меҳнат ва кам маблағ сарфлаб, мумкин қадар кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга эришиш; Иккинчи - Йил давомида ер, сув, иқлим, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали ва бир текис фойдаланиш; Учинчи - Фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан, илғор тажрибаларидан ва техникадан, ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларидан юқори самарадорликда фойдаланиш; Туртинчи -Айланма маблағларнинг оборотини ошириш; Бешинчи -Қишлоқ хўжалигининг иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндилари (ғўзапоя, сомон, гўнг) дан кенгроқ фойдаланиш ва олтинчи -Қишлоқ хўжалигини юқори даражада механизациялаш ва электрлаштириш булиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашув муҳим аҳамиятга эга. Ихтисослашув қуйидаги афзалликларга эга:

- молиявий ва моддий ресурсларни умумлаштириш ва сафарбар қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан кўпроқ даромад келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади;
- ишлаб чиқариш жараёни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан такомиллашиб боради ва ривожланишнинг индустриал тараққиёт йўлига ўталади;
- ишлаб чиқариш маданияти ўсади, меҳнат илмий асосда ташкил этилади, кадрлар малакасини оширишга қулай шарт-шароитлар яратилади;
- фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалигида касб-хунарлар таркиби ўзгариб боради.

Ихтисослашувнинг натижасида меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликнинг ортишига эришилади. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ихтисослаштирилганда биринчидан сув ва ер ресурсларидан максимал фойдаланилади, иккинчидан меҳнат ресурслари мавжудлиги ҳисобга олинади, учинчидан техникадан ва бошқа да ресурслардан натижали фойдаланилади, тўртинчидан таннарҳи нисбатан арзон маҳсулот етиштирилади.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимги ва муҳим тармоқларидан биридир. У аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат учун хом-ашё етказиб бериш билан бирга, саноат маҳсулотларининг энг катта истеъмолчиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринлардан бирини эгаллаган ҳолда, унга ялпи ички маҳсулотнинг 20% га яқин қисми тўғри келади.

Масаланинг мазмуни ва ечими. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашувининг зарурати қуйидагиларда акс этади: Биринчи -Оролбўйи худудида қишлоқ хўжалигига ихтисослашувни таъминлаган ҳолда минтақанинг чўлланишга қарши курашиш; Иккинчи -Оролбўйи худудида қишлоқ хўжалигига ихтисослашувни таъминлаш орқали аҳолининг қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларига бўлган талабини қондириш даражасини ошириш; Учинчиси – Оролбўйида қишлоқ хўжалигига ихтисослашувни таъминлаган ҳолда аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш булиб ҳисобланади.

Республика хўжаликларига ишлаб чиқаришнинг қуйидаги типлари кўп тарқалган: Булардан биринчиси-пахтачилик; иккинчиси –галлачилик-чорва-чилик; учинчиси - боғдорчилик (қорақўлчилик); туртинчиси -боғдорчилик-сабзавотчилик; бешинчиси -шоличилик; олтинчиси - боғдорчилик-узумчилик; еттинчиси - сабзавотчилик; саккизинчиси - паррандачилик ва туққизинчиси -шаҳар атрофи хўжалиги ишлаб чиқариши (сабзавот-сут етиштириш).

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг шаклларида бири минтақалар (вилоят, туман) бўйича ихтисослашувдир. Ўзбекистон Республикасида минтақавий ихтисослашувга қуйидагилар мисол бўла олади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти-пахтачилик-шоличилик-чорвачилик, Самарқанд вилояти пахтачилик-майиз, Қашқардарё вилояти-пахтачилик-дон-қуйчилик, Сурхондарё вилояти пахтачилик-субтропик мевалар, Фарғона вилояти пахтачилик - бодринг, ўрик ва анор, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари пахтачилик- қовунтарвуз етиштиришга ихтисослашган. Лекин сунги вақтлардаги сув таъминатига боғлиқ ушбу ихтисослашув таркибини бироз узгаришга туғра келади.

Ўз навбатида ҳудудлар (минтақалар) нинг маҳсулот етиштиришдаги салмоғини ўзида акс эттиради. Минтақалар бўйича қишлоқ хўжалигини жойлаштириш меҳнатни тўғри тақсимлашга, яъни минтақавий ихтисослашувга олиб келади.

Илмий тараққиёт ихтисослашувнинг чуқурлашувига, сифат ўзгаришларига, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга, концентрациялашувга таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда табиий шароит ва агроиклимий ресурсларларнинг аҳамияти жуда юқоридир. Айниқса ер, сув, ҳарорат, тупроқ, ер усти тузилиши муҳим ўрин тутаяди. Табиий шароити энг қулай бўлган ҳудудларда экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги юқори бўлади.

Тадқиқотлар натижаси. Сунги йиллари халқ хўжалигида олинган маҳсулотлар ва сув таъминатини таҳлиллаб қилинганда Қорақалпоғистондаги сув танқислиги сабабидан сувни қуп талаб қиладиган экинлар –пахта, шоли ва бошқа да айрим экинларни қуп майдонга экишга булмаслиги иқтисодчилар томонидан далиллаб берилган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ-4512-сонли қарорига асосан [2] Қорақалпоғистон Республикасидаги Бўзатов, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Қўнғирот туманларини чорвачиликка ихтисослаштирилган туманларга айлантирилди. Ушбу туманларда йирик ва майда шохли насли чорва молларини саноат усулида, шунингдек, яйлов ва пичанзорларда ҳайдаб боқиш, чорва моллари учун озуқа ишлаб чиқариш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари бўлган жами 135 та тадбиркорлик субъектларига Республика Комиссияси томонидан жами 6 минг 621 гектар экишлик ер ва 17 минг 711 гектар яйлов ер майдонларини ажратиш белгиланган бўлиб, аслида жами 128 та тадбиркорлик субъектларига 10 минг 443 гектар экишлик ер ва 15 минг 70 гектар яйлов ер майдонлари туманлар ҳокимларининг қарорлари билан ажратилган.

Ихтисослашув даврида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг 50 фоизигача, лекин, 2 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилиши, шунингдек, давлат жамғармаси ушбу йўналишларга 8 млрд. сўмгача ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини компенсация тарзида қоплаб берилган.

Ҳаммамизга маълумки, сунги йиллари Орол бўйи ҳудудида сув танқислиги тез тез қайталаниб, 1999-2001 чи йиллари 39-41%, 2007-2010 чи йиллари 50-55% ва сунги йиллари сув таъминати 54-58 % бўлиб, Оролга умуман сув тушмай қуйди [4]. Дунё экспертларининг тахминларига қараганда сув танқислиги келажакда яна да 15-17% га ортиб, сувсизлик йиллари қуп қайталаниши мумкин экан [5]. Ушбу шароитда Орол бўйида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви масалаларини ечиш, деҳқончиликда сувни қуп талаб қиладиган экинлар урнига сувни кам талаб қиладиган экинларни экиш, сувни тежовчи технологияларни қўлланиш ва такомиллаштириш, сувни қуп талаб қилмайдиган соҳа – чорвачиликни ривожлантиришни режалаштириш масаласи кечиктирилмасдан бажарилиши зарур.

Қорақалпоғистон Республикасида сунги йиллари кузатилаётган сув танқислиги сабабли қишлоқ хўжалиги экинларидан режалаштирилган ҳосил олинмаяпти. Масалан сув таъминати 39 % га тенг булган 2000-2001 йиллари асосий экинлар бири булган - ғўзанинг ҳосилдорлиги 12-13 ц/га га тенг бўлиб, ҳатто ўз қаражатларини қопламаган. Мана шунинг учун ғўза экилиш майданлари

Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистонда 30 минг гектарга камайтилиб, 4 та туман (Бўзатов, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Қўнғирот) туманлари чорвачиликга ва ем хашак базасига ихтисослаштирилган. Сувни кам талаб қиладиган ўсимликлар – тарик, кунжут, кунгабоқар ва жўхорини, сувни ўртача талаб қиладиган ўсимликлар – кузги ва баҳори бугдой, беда, мева – сабзавот экинлари ва судан ўтини экиш режасига маълум даражада киритилгани ҳамда чорвачилик учун сув етарли даражада булганлиги сабабли Республикада экинзорлар (яшил ландшафт) майдани купайди. Ғўза майдани сув танқислигига мос камайтирилиб, сув маълум даражада етарли булган сунг ғўза ҳосилдорлиги 17,5 центнердан 22,3 центнергача ошди.

Хулосалар ва тавсиялар. Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида қишлоқ хўжалиги-нинг иқлим ўзгаришига мослашиши ва юмшатиш бўйича қуйидаги асосий хулоса ва тамойилларга риоя этилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигида сув таъминати асосланиб қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда янги ихтисослашувни таъминлаш зарур.

2. Мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида чорвачилик комплексини кучайтиб, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда замонавий тежамкор техника ва технологияларидан фойдаланиш керак;

2. Тупроқ унумдорлигини сақлаб ва оошириб бориш учун барча имкониятлар (далаларга гунг чиқариш, сидерат ва оралик экинларни экиш ва алмашлаб экишнинг бедали тизимларини) қўлланиш мақсадга мувофиқ.

3. Иқлим ўзгаришлари шароитида ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиб, ерларни фито тиклаш усулларини амалга ошириш;

4. Мураккаб мелиоратив ҳолат бўлган ҳудудларни рекультивациялаш ва янги интенсив боғларни барпо қилиш;

5. Қишлоқ хўжалигида ихтисослашувни чорвачилик, яйловлар ҳолати, регионнинг сув таъминати масалалари билан уйғунлаштириш;

6. Сув танқислигига боғлиқ Амударья бўйидаги жойлашган давлатлар ва Ўзбекистоннинг вилоятлари шולי кластерлари шולי майданлари назоратда бўлиши зарур. Сабаби 1 гектар шוליга ишлатилган сув ҳисобига сувга бардошли экинлардан 10-12 гектар экиб, яхши ҳосил олишга бўлади.

7. Замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш;

8. Қишлоқ ва сув хўжалигини моддий техник базасини кучайтириш.

9. Қишлоқ хўжалигининг ноананавий соҳаларни (асаларичилик, балиқчилик ва б.к.) ривожлантириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4574 сонли «Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қарори. Т- 2020. 01.28.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4512-сонли қарори. Т.2019.11.07.

3. Новицкий З. Облесение засоленных почвогрунтов на осушенном дне Арала. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. 2018. №8. Б. 33.

4. Содикова Ш. Сувни ихтисод қилиш – келажакни ўйлаш демак. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. 2019. №12. Б. 31.

5. Солиева Н. Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишнинг озик овқат хавфсизлигини таъминлашдаги урни ва аҳамияти. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. Агро илм иловаси. 2020. №1. Б. 25-26.

UDK: 632:937

RESPUBLIKADA URUG'LIK BUG'DOY DONIGA ISHLOV BERISHNING ZAMONAVIY HOLATI

Z.A.Ro'zиеva, magistrant, Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Buxoro
H.B.Ergasheva, dos., Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Buxoro

Аннотаси. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда г'аллачилик тармоғи юқори аҳамиятга эга. Чунки, инсон nonsiz ҳаёт кечирishi мумкин эмас. Шунинг билан бирга олган holda respublikamiz istiqloqlining dastlabki yillarida «G'alla mustaqilligi» dasturining qabul qilingani va boshloqli don ekin maydonlari kengaytirilishi dunyo bo'yicha 800 milliondan ziyod insonlar to'yib ovqat yemayotgan bugungi kunda mamlakatda g'alla ishlab chiqarish hajmini oshiribgina qolmay, balki aholini asosiy turdagi oziq-ovqat mahsulotlari bilan barqaror ta'minlash imkonini bermog'qa.

Qishloq xo'jalik ekinlaridan yuqori hosil olishni ta'minlovchi chora tadbirlar majmuidagi urug'chilik aloxida ahamiyatga ega. Urug'chilik qishloq xo'jalik ishlab chiqarishning maxsus tarmog'i bo'lib, uning

vazifasi parvarish qilinayotgan navlar sofligini, biologik va xo'jalik qimmatiga ega bo'lgan sifatlarini saqlagan holda ularni ommaviy ko'paytirish bilan shug'ullanishdan iborat.

Kalit so'zlar: Qishloq xo'jalik ekinlari, yuqori hosil olishni ta'minlovchi chora-tadbirlar majmui, urug'chilik, navlar sofligi, biologik va xo'jalik qimmatiga, fermer va dehqonlar manfaatdorligi, urug'chilik seleksiyasi, urug'chilik paykallarida, elita, navlarning biologik va mahsuldorlik sifatleri, urug'larni o'lchash-qoplash va qoplar og'zini tikish.

Аннотация. *Зерновая промышленность играет важную роль в обеспечении продовольственной безопасности нашей страны. Потому что человек не может жить без хлеба. В связи с этим в первые годы независимости принятие программы «Зерновая независимость» и расширение зерновых полей не только увеличили производство зерна в стране, где голодают более 800 миллионов человек во всем мире, но и стабилизировались. население с основными продуктами питания позволяет обеспечить.*

Семеноводство занимает особое место в комплексе мероприятий по обеспечению высоких урожаев сельскохозяйственных культур. Семеноводство - особая отрасль сельскохозяйственного производства, задачей которой является массовое воспроизводство сортов при сохранении их чистоты, биологической и экономической ценности.

Ключевые слова: *Сельскохозяйственные культуры, комплекс мероприятий по обеспечению высоких урожаев, семена, чистота сортов, биологическая и экономическая ценность, заинтересованность фермеров, селекция семян, семенные делянки, элитность, биологические и продуктивные качества сортов, мерное покрытие семян и зашивание горловины пакетов.*

Abstract. *The grain industry plays an important role in ensuring the food security of our country. Because a person cannot live without bread. In this regard, in the early years of independence, the adoption of the "Grain Independence" program and the expansion of grain fields not only increased grain production in the country, where more than 800 million people worldwide starve, but also stabilized. population with basic foodstuffs allows you to provide.*

Seed production occupies a special place in the complex of measures to ensure high yields of agricultural crops. Seed growing is a special branch of agricultural production, the task of which is the mass reproduction of varieties while maintaining their purity, biological and economic value.

Key words: *Agricultural crops, a set of measures to ensure high yields, seeds, purity of varieties, biological and economic value, interest of farmers, selection of seeds, seed plots, elitism, biological and productive qualities of varieties, measured seed coverage and sewing up the neck of bags.*

Respublikamiz hukumati tomonidan joriy yil 27 noyabr kuni qabul qilingan «Boshqoli don yetishtirishni yanada rag'batlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qaror g'allachilikdagi islohotlarni yangi bosqichga ko'targan holda inqilobiy ahamiyat kasb etdi desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Chunki, qaror bilan mustaqil O'zbekiston tarixida ilk marotaba kafolatlangan xarid narxlari o'tgan yilga nisbatan o'rtacha 60 foizga oshirildi. Bu esa g'alla yetishtiruvchi fermer va dehqonlar manfaatdorligini oshirishga va iqtisodiy jihatdan barqaror faoliyat yuritishini ta'minlashga qaratilgan.

Ahamiyatli tomoni shundaki, eng yuqori miqdorda chegirma qo'llab belgilanadigan davlat xarid narxi ham bu yilgi davlat xarid narxiga nisbatan 1,2 barobarga ortiqdir.

Qarorning yana bir muhim jihati shundan iboratki, boshqoli don yetishtirishga sarflanadigan xarajatlar uchun 100 foiz miqdorida davlat byudjetidan imtiyozli kredit ajratish belgilandi. Shu paytga qadar g'alla yetishtirishda mahsulot qiymatining 60 foizi miqdorida kredit ajratilib, sarflangan moddiy-texnik resurslarga o'z vaqtida va to'liq hajmda to'lovlar amalga oshirilmasdan o'zaro qarzdorliklar paydo bo'lishiga, bu esa agrotexnik tadbirlarni sifatsiz yoki o'z vaqtida o'tkazilmasligiga olib kelgan.

Imtiyozli kreditlarning mahsulot qiymatining 100 foizi miqdorida berilishi, fermer xo'jaliklarida mablag'lar taqchilligini oldini olib, talab etiladigan moddiy-texnika resurslariga o'z vaqtida to'lovlarni amalga oshirish orqali agrotexnik tadbirlarni to'laqonli o'tkazish imkonini beradi. Qaror bilan belgilangan yana bir yangilik – bu yetishtirilgan g'alla hosildorligiga bog'liq holda xarid baholarini oshirib borish yoki kamaytirish mexanizmi belgilanganidir. Ushbu tizim fermer xo'jaliklari tomonidan «tillodan-da yuqori qiymatga ega - xalq mulki bo'lgan yer va suv»dan oqilona foydalanish hamda sarflanayotgan resurslar (mineral o'g'it, yonilg'i moylash mahsulotlari, texnika va boshqalar) samaradorligini oshirish orqali yuqori hosil olishga bo'lgan qiziqishini rag'batlantiradi.

Mamlakatimiz qishloq xo'jaligining ekinlar hosildorligini uzluksiz oshirib borish va qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirishni keskin ko'paytirishga qaratilgan barcha tadbiriy choralari orasida urug'chilik aloxida ahamiyatga ega.

Urug'chilik seleksiya bilan chambarchas bog'liq. U yaratilgan yangi navlarni qishloq xo'jalik ishlab chiqarishiga tezroq joriy etish va urug'chilik paykallarida mahsuldor urug'lar yetishtirish bilan seleksiya erishgan yutuqlarni amalga oshiradi. Ko'pchilik mutaxassislarning ko'rsatishlariga qaraganda zamonaviy tashkil qilingan yaxshi urug'chilik ekin hosildorligini 20 foizga oshirishga imkon beradi. Bu mamlakatimiz bo'yicha o'nlab, yuz ming tonna qo'shimcha don va boshqa qishloq xo'jalik mahsuloti demakdir. Demak, ekinlar hosildorligi qo'llanilayotgan agrotexnika darajasiga, shuningdek navlarni tanlash va ekish uchun ishlatiladigan urug' sifatiga xam bog'liqdir.

Hosildorlikni oshirishning eng asosiy chora-tadbirlari bilan urug'chilik shug'ullanadi - ya'ni u yangi yaratilgan navlarni ishlab chiqarishga joriy etish va jamoa xo'jaliklarida urug'chilikni takomillashtirish bilan birga quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. Amaliyotga joriy etilgan navlar urug'ini qishloq xo'jalik ishlab chiqarish talablari darajasida ko'paytirish;

2. Davlat nav sinov natijalari asosida joriy etilgan, sifatli ko'p mahsulot beradigan yangi navlarni foydalanib kelinayotgan eski navlar bilan almashtirish;

3. Nav tozaligini saqlagan holda yuqori agrotexnikani qo'llab urug' ko'paytirish, urug'chilikning uchinchi vazifasini urug' sifatini saqlashni xal etadi;

4. Yuqori sifatli hosildorlikka ega bo'lgan, nav tozaligi oliy darajada kasallik va zararkunanda hashorotlarga o'ta chidamli, ekishga yaroqliligi va fizik jixatdan yuqori ko'rsatgichga ega bo'lgan, ko'paytirish uchun tayyorlangan navdor urug' elita deyiladi. U ekilayotgan navning eng yaxshi urug'i hisoblanadi. Buni qishloq va suv xo'jaligining urug'chilik Bosh boshqarmasi tomonidan tasdiqlangan maxsus qo'llanma asosida ilmiy tadqiqot korxonalari, qishloq xo'jalik oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarining o'quv tajriba xo'jaliklari yetishtiradi.

Mamlakatimizda dala ekinlari urug'chilik ishlari seleksiya urug'chilikning markazlashgan yagona davlat tizimi tarkibida olib boriladi. Seleksiya - urug'chilikning tizimi tarkibiga yangi nav yaratish bilan shug'ullanuvchi seleksiya, yangi navlarni sinash va ularni ishlab chiqarishga joriy etish ishlari bilan shug'ullanuvchi nav sinash Davlat komissiyasi – navlarning biologik va mahsuldorlik sifatlarini saqlab qolgan holda ularni ommaviy ko'paytirish bilan shug'ullanuvchi urug'chilik, urug' tayyorlash, nav va urug' nazorati kiradi. Seleksiya va urug'chilik tizimining asosiy tarmoqlarini va ularning vazifalarini quyidagicha bayon etish mumkin (1-jadval).

1-jadval

Seleksiya va urug'chilik tizimining asosiy tarmoqlari va ularning asosiy vazifalari

Tarmoqlar	Vazifasi	Bajaruvchilar
1. Seleksiya	Ekinlarning yangi nav va duragaylarini yaratish, ular urug'ini dastlabki ko'paytirish.	Seleksiya tajriba va ilmiy tadqiqot korxonolari.
2. Urug'chilik	Navdorlikni saqlagan holda yangi navlar urug'ini talab darajasida ko'paytirish. Super elita, urug'larni yetishtirish.	Yangi nav yaratgan ilmiy tadqiqot korxonalari, mintaqa ilmiy tadqiqot institutlari, qishloq jamoa xo'jaliklari va shirkatlar uyushmalarining brigadalari.
3. Nav sinash va ularni joriy etish.	Davlat nav sinash komis-siyasi tomonidan yangi navlarni har tomonlama sinash va baholash.	Davlat nav sinash komissiya-si va uning mintakalar bu-yicha tarmoqlari.
4. Navdor urug' tayyorlash	Urug'chilik xo'jalik-larida va tayyorlov tashkilotlarida navdor urug' tayyorlash saqlash va sotish.	Davlat fondi va qishloq xo'jalik vazirligining don qabul qilish tarmoqlari.

Maxsus urug'lik xo'jaliklari tashkil etilgan ishlab chiqarish xo'jaliklarining tizimi yuqori samaradorli va don mahsulot tarmog'i yuqori bo'lmog'i kerak. Maxsus urug'chilik tizimini amalga oshirish uchun xo'jaliklararo yirik qurilmalar kompleksi, urug'larga ishlov berish va saqlashda zavod xamda omborlar talab etiladi. Ularda urug'larga uzluksiz ishlov berish texnologiyasi zanjirsimon ketma-ket amalga oshirilib, urug'ni ish jarayonida xarakatlantirish uchun qo'l mehnati talab qilinmay, ular o'z oqimlari bo'yicha harakatlanadi va kundalik hamda vaqqli ish unumi yuqori ta'minlanadi. Har xil ekinlar urug'iga bir vaqtda ishlov berish uchun kompleks punktlarning har birida o'zaro bog'liq bo'lmagan ikkitagacha urug' tozalash quritish patogi bo'lishi ko'zda tutilgan. Bunda ikki xil kuzgi yoki bahorgi ekinlar, masalan, javdar va bug'doy yoki arpa va suli urug'lariga bir vaqtning o'zida ishlov berish, shuningdek zarur bo'lganda agregatlarni tozalash va ta'mirlash ishlarini aloxida amalga oshirish mumkin. Urug'larni o'lchash-qoplash va qoplar og'zini tikish, urug'larni mexanizmlar yordamida omborxonalariga uzatish va eng yaxshi xampalarda saqlash bilan oqim liniyasi tugallanadi.

Hozirgi zamon seleksiyasi to'g'ri tashkil etilgan urug'chilik bilan birga ekinlar hosildorligini va yalpi mahsulot miqdorini ko'paytirishda birinchi darajali ahamiyatga ega.

Yanada yuqori hosil bera oladigan yangi navlarni yaratish bilan ekinlar hosildorligini hozirgi o'rtacha ko'rsatgichga qaraganda 2,3-3 baravar oshirish mumkin. Dehqonchilikni intensivlashtirish seleksiya oldiga intensiv tipdagi navlar yaratish vazifasini qo'ydi.

Sanoat urug'chiligi maxsus urug'chilik xo'jaliklarida amalga oshiriladi. Ikkinchi zvenoga birinchi va ikkinchi reproduksiya ekinlari kiradi. Elita urug'lar yetishtiruvchi elita-urug'chilik xo'jaliklari birinchi reproduksiyaning yetishtiriladilar. Bu urug'lar xo'jaliklarga yetkazib beriladi. Ular ko'paytirish uchastkalariga ekiladi, ikkinchi va uchinchi reproduksiya uchun urug'lar olinadi.

Ilmiy texnika taraqqiyotining asosiy omillaridan biri bo'lgan yangi nav va duragaylarni yuqori reproduksiyali urug'larini yetarli miqdorda yetishtirish nav almashtirish hamda nav yangilashdek muhim tadbirlarni qisqa muddat ichida amalga oshirish imkonini beradi. Yuqori sifatli urug'lar yetishtirishning hozirgi zamon texnologiyasi barcha ekinlar uchun ishlab chiqarilib, keng maydonlarga joriy etilmoqda. Shuning uchun ham ko'pchilik ekinlarning urug'ini qayta ishlash, tozalash, saqlash bo'yicha maxsus zavodlar ishlab turibdi.

O'zbekiston mustaqil bo'lguniga qadar asosan lalmi sharoitida bug'doy yetishtirilardi, asosiy ekin maydonlari paxta bilan band edi. Mustaqillikdan keyin to'liq g'alla bilan ta'minlash masalasi qo'yildi. Biroq barcha maydonlarga ekiladigan urug'larni yetkazib berishning imkoni bo'lmay qoldi. Sug'oriladigan maydonlarga ekiladigan bug'doy navlari juda kam edi. Shuning uchun iqlimi nisbatan bizga o'xshagan chet mamlakatlardan navlar keltirildi va qisqa vaqt ichida moslashtirildi. Quyida o'zimizda yaratilgan va chetdan keltirilgan navlarning tavsifini ko'rib chiqamiz.

7701446 "Unumli bug'doy" - O'rta Osiyo tajriba stansiyasida (O'zbekiston o'simlikshunoslik ITI) K-45930 namunasidan yakka tanlash yo'li bilan yaratilgan. Qishloq xo'jaligi ekinlari Davlat reestriga kiritilgan, respublikaning sug'oriladigan yerlarida 1983 yildan kuzgi muddatda ekishga tavsiya etilgan.

Eritroleukon turiga mansub, biologik - bahorgi. Boshog'i silindrsimon shaklda (yuz qismi yon qismiga nisbatan kengroq), yirik, zich emas. Boshog' qipig'i lansetsimon, o'rtacha kattalikda, aniq tomirlangan. Tishchasi o'rtacha uzunlikda, o'tkir, qiltiqli. Yelkasi tor, o'tkir, choki juda aniq. Qiltig'i o'rtacha uzunlikda, qattiq, tarqoq. Doni yirik, bochkasimon, sayoz ariqchali, donining asosi tukli, 1000 ta donining massasi 40,5 g. Ertapishar, o'suv davri o'rtacha 204-220 kun, respublikaning janubida 165 kunda pishadi. Yotib qolish va to'kilishga bardoshli, qurg'okchilikka chidamliligi yaxshi, 5 ball atrofida. Donning o'rtacha hosildorligi (1994-1999 sinov yillarida) respublikaning sug'oriladigan NSSh larida gektariga 46,8-55,4 sentner atrofida bo'ldi. Qishloq xo'jaliklari kasalliklari va hashorotlari bilan kuchsiz darajada, sariq zang bilan esa 10 foizgacha zararlanadi.

9200053 Hosildor ("SANZAR-6") - O'zbekiston donchilik ITI ("Don" IChB) ning seleksion navi. Qishloq xo'jaligi ekinlari Davlat reestriga kiritilgan, respublikaning sug'oriladigan yerlarida 1996 yildan kuzgi muddatda ekishga tavsiya etilgan. Grekum turiga mansub, biologik-kuzgi. Boshog'i prizmasimon, o'rtacha uzunlikda va zichlikda. Boshog' qipig'i lansetsimon, kam tomirlangan, boshog' qipigi tishchasi uzun, qiltiqsimon. Yelkasi kalta, choki juda aniq. Qiltig'i tarqoq, oq dag'al. Doni o'rtacha kattalikda, oq, dumaloq-silindrsimon, sayoz ariqchali, 1000 ta donining massasi o'rtacha 42,5 g. U suv davri o'rtacha 228 kun, shimolda (Nukus NSSh) 260 kun, janubda o'rtacha 164 kundan 179 kungacha pishadi. Nav yotib qolish va to'kilishga bardoshli, qishga chidamli, 5 ball atrofida.

Sinov yillari (1994-1998) o'rtacha hosildorlik sug'oriladigan NSShlarda: Fargona viloyati Bog'dod NSShda, Surxondaryo viloyati Uzun NSShda va Samarkand DNSSda gektariga 51,4 sentnerga, 54,2 sentnerga va 53,4 sentnerga to'g'ri kelgan. 1999 yili eng yuqori hosil tanlovda Urganch NSShda gektaridan 61,7 sentnerdan olindi. Qishloq xo'jaligi kasalliklari va hashorotlari bilan sinov yillari (1994-1998) kuchsiz darajada zararlandi, qorakuya bilan ham kuchsiz darajada shikastlandi. 1999 yili sariq zang bilan kuchli zaralanish Surxondaryo, Qashqadaryo va Xorazm NSShlarida 75 dan 100 foizgacha, qolgan viloyatlarda o'rtacha darajada, 10 - 35 foiz atrofida zararlandi. Non qilib yopish sifati yaxshi, qimmatbaho navlar guruhiga kiradi.

8900752 "YuNA" - P.P.Lukyanenko nomidagi Krasnodar qishloq xo'jaligi ITI va Shimoliy Kuban qishloq xo'jaligi tajriba stansiyasining seleksion navi. "Obriy" x "Lyutessent-2338" (aralashma liniya) duragay populyasiyasidan ikki marotaba yakka tanlash yo'li bilan yaratilgan. Qishloq xo'jaligi ekinlari Davlat reestriga kiritilgan, respublikaning sug'oriladigan va shartli sug'oriladigan lalmikor yerlarida 1998 yildan kuzgi muddatda ekishga tavsiya etilgan.

Lyutessent turiga mansub, biologik kuzgi. Boshog'i prizmasimon, o'rtacha kattalikda. Boshog' qipig'i lansetsimon, kuchsiz tomirlangan, tishchasi kalta, o'tkir, yelkasi ko'tarilgan. Choki juda aniq. Boshogining yuqori qismida 10-12 mm uzunlikda qiltiqsimon o'simta bor. Doni yirik, ovalsimon, sayoz ariqchali. Donning asosi tukli, 1000 ta doning massasi o'rtacha 40 g ni tashkil qiladi. Donning o'rtacha hosildorligi respublikaning sug'oriladigan NSShlarida sinov yillarida gektariga 61-66 sentnerga to'g'ri kelgan. Shartli sug'oriladigan lalmikor yerlarda 31-36 sentnerdan, 1998 yili 42,1 sentnerdan hosil olgan.

Urug'chilik mamlakatimizda qishloq xo'jalik ekinlarining hosildorligini to'xtovsiz oshirib borishda va mahsulotlar hajmini keskin ko'paytirishda muhim tadbirlar tizimidir. Shuning uchun urug'chilik qishloq xo'jalik ishlab chiqarishining maxsus tarmog'i hisoblanadi va seleksiya fani bilan chambarchas bog'liq. U seleksiya yaratgan yangi navlarni ishlab chiqarishga joriy etish va urug'chilik maydonlaridan sifatli mahsuldor urug'lar yetishtirish bilan seleksiya yutuqlarini amalga oshiradi.

Urug'chilikning maqsadi – ijara, shirkat, jamoa, fermer va tomorqa xo'jaliklari sharoitlarida rayonlashtirilib, ekilayotgan navlarning urug'ini ommaviy ravishda nav tozaligini, xo'jalik biologik va hosil sifatlarini saqlab ko'paytirishdan iborat. Bu maqsadni amalga oshirish uchun urug'chilik quyidagi vazifalarni:

Birinchidan – ishlab chiqarishga yangi rayonlashtirilgan navlarning yuqori sifatli navli urug'lik materiallarini mintaqadagi barcha xo'jaliklarga yetarli miqdorda yetkazib turish;

Ikkinchidan – esa muayyan sharoitda rayonlashtirilgan navlar urug'ining nav tozaligi, xo'jalik biologik va hosil sifatlarini yuqori darajada saqlab turishni amalga oshirishi zarur. Chunki, navning eng sifatli urug'i ishlab chiqarishda surunkasiga bir necha yil ekilgach, uning nav va ekish sifatleri pasayib, nav yomonlashib boradi. Bunga yo'l qo'ymaslik uchun zarur tadbirlar va choralar qo'llaniladi.

O'zbekiston Respublikasi "Urug'chilik to'g'risida"gi qonuniga ko'ra, urug'chilikning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- qishloq xo'jalik ekinlarining o'z urug'chilik bazasini yaratish;
- navni yangilash, navni almashtirish jarayonida urug'lik navlari va duragaylarining biologik hamda xo'jalik jihatdan qimmatli xususiyatlarini saqlab qolish;
- yo'qolib borayotgan navlarning genofondini saqlab qolish;
- respublikaning iqlim sharoitlariga moslashgan yangi nav va duragaylar urug'ini yaratish;
- qishloq xo'jaligini serhosil va yuqori sifatli urug'lar bilan ta'minlash;
- urug'chilikning sifati va ustidan davlat nazoratini amalga oshirish;
- urug'likka jahon tajribasi yutuqlarini joriy etish.

Ekish uchun yuqori sifatli navli urug'lardan foydalanish ekinlar hosildorligini oshirish omili bo'lish bilan birga, dehqonchilik madaniyatini belgilaydigan ko'rsatkichdir.

Fan yutuqlari va ishlab chiqarish ilg'orlarining tajribalaridan ma'lumki, zamonaviy to'g'ri tashkil qilingan urug'chilik turli ekinlar hosildorligini kamida 20 % ga oshiradi. Mamlakatimiz miqyosida bu o'nlab, yuzlab, millionlab tonna qo'shimcha don, paxta, moy, qand va boshqa oziq-ovqat hamda xom-ashyo mahsulotlari demakdir.

Ma'lumki, ekinlarning hosildorligi qo'llanilayotgan texnologiya saviyasiga hamda navlarni to'g'ri tanlashdan tashqari ekish uchun foydalanilayotgan urug' sifatiga ham bog'liqdir. Shu yo'l bilan yetishtirilayotgan qo'shimcha hosil hech qanday xarajatlarsiz olinadi va katta iqtisodiy samara beradi. Shuning uchun urug'chilik barcha tadbirlar ichida xo'jalik uchun amalga oshirish eng oson va qulay bo'lgan foydali tadbir hisoblanadi.

Imiy texnika tarqiyotining asosiy omillaridan biri bo'lgan yangi nav va duragaylarning yuqori reproduksiyali urug'larini yetarli miqdorda yetishtirish, nav almashtirish hamda nav yangilashdek muhim tadbirlarni qisqa muddat ichida amalga oshirish imkonini beradi. Yuqori sifatli urug'lar yetishtirishning hozirgi zamon texnologiyasi barcha ekinlar uchun ishlab chiqarilib, keng maydonlarga joriy etilmoqda. Shuning uchun ham ko'pchilik ekinlarning urug'ini qayta ishlash, tozalash, saqlash bo'yicha maxsus zavodlar ishlab turibdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Абдукаримов, Д. Т. Сафаров, Т. Остонакулов. "Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари" Тошкент "Мехнат"
2. Останокулов, Т.Э. "Селекция ва уруғчилик асослари" Тошкент "Истиклол" - 2002 й.
3. Влияние климатических условий на качество зерна пшеницы// Х.Б. Эргашева, С.Д. Бобоев, Р.Т. Адизов, А.Х. Гаффаров/ Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Докл. междунаучно-практ. конф.; Ташкент, 2003., с. 296-298.
4. Эргашева Х.Б., Раджабова В.Э. Качество пшеничной высокобелковой муки// Наука и образование сегодня// №6 (17). М.; 2017, с.11

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЛАЛМИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

О.Х. Эргашева, б.ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Р.М. Мадримов, б.ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Ш.Н. Эшназаров, магистр, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилояти лалми тупроқларининг ҳозирги ҳолати тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз тупроқлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Лалми тупроқлар, тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз тупроқлар

Аннотация. В статье представлена информация о современном состоянии богарных почв, горно коричневые, темно сероземы, типично сероземы, светло сероземы Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: Богарных почв, горно коричневые, темно сероземы, типично сероземы, светло сероземы

Abstract. The article presents information about the current state of the bogar soils, mountain brown, dark sierozem, typically sierozem, light sierozem of Kashkadarya region.

Key words: bogar soil, mountain brown, dark sierozem, typical sierozem, light sierozem

Ҳозирги вақтда республика мизда лалмикор деҳқончиликда деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш ва оширишда сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 17 июндаги ПҚ-5742- сон сонли фармонида тупроқ унумдорлигини ошириш устувор йўналишларини белгилаш бўйича муҳим вазифалар қўйилган [1,2].

Қашқадарё вилояти табиий иқлим шароитига кўра, учга яъни, чўл, адир ва тоғларга бўлинади. Бундай тақсимланиш вилоятнинг мураккаб тупроқ иқлим шароитига эга эканлигидан далолат беради [3,4,5,6,7].

Қашқадарё вилояти лалмикор ерлари асосан, тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз тупроқлардан ташкил топган. Тоғ жигарранг тупроқлар, тупроқ иқлим шароити кўра, денгиз сатҳидан 1200-1500м баландликда жойлашган ва морфогенетик хоссаларига кўра, чимли ва чим ости қатламлардан иборат, гумусга бой, механик таркиби, оғир кумоқли, шўрланмаган, юзаси тошлоқли, шағалли, кам, ўрта ва кучли ювилганлик даражалари бўйича бошқа тупроқ типларидан ажралиб туради. Ушбу лалми тоғ жигарранг тупроқлардаги тадқиқот майдончамиз Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Х.Олимжон худудида жойлашган бўлиб, рельеф ва геоморфологияси жиҳатидан субтропик тоғ олди ярим чўл зонаси, Ўрта Осиё вилояти. Тоғ жигарранг тупроқлар минтақаси лёсс ётқизикларидан ташкил топган, лалми жигарранг тупроқлардан иборат.

Тўқ тусли бўз тупроқлар, тупроқ иқлим шароитига кўра, денгиз сатҳидан 650-700м дан 900-1400м гача баландликда жойлашган, ювилиш даражаси эса, кам, ўрта ва кучли ювилган, шўрланмаган. Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар асосан лёссимон, пролювиал, делювиал ва элювиал ётқизиклардан ташкил топган тоғ ён бағри ва тоғ олди адирларида шаклланган [8,9,10]. Дала кузатув нуқтаси Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани Оқдарё худудида жойлашган бўлиб, субтропик тоғ олди ярим зонаси, тўқ тусли бўз тупроқлар минтақаси, тоғ олди ва паст баланд тоғлардан иборат, эллювиал ва деллювиал майда тошли пролювиал ётқизиклардан ташкил топган лалми тўқ тусли тупроқлар.


Типик бўз тупроқларнинг морфологик кесмаси бир мунча зичлашган, гумус (чиринди) миқдори камроқ, ғовак иллювиал карбонатли қатлам унчалик яхши билинмайди ва бу ғоваклик баландроқдаги қатламда жойлашган. Бу дала кузатув нуқтаси Қашқадарё вилояти Қамаш тумани “Ғаллакор” худудида жойлашган, субтропик тоғ олди ярим чўл, типик бўз тупроқлар минтақаси, лёсслар ва лёссимон ётқизиклардан иборат, тоғ олди қия текислиги, лалми типик бўз тупроқлардан ташкил топган.

Лалми оч тусли бўз тупроқлар лёсс ва лёссимон кумоқли ҳамда аллювиал ётқизиклардан иборат бўлиб, кенг тўлқинсимон текисликларда, кам ҳолатларда эса, конус ёйилмаларида тарқалган бўлиб, дала кузатув нуқтаси, Қашқадарё вилояти Косон тумани “Турон” худудида жойлашган, субтропик тоғ олди ярим чўл зонаси, Оч тусли бўз тупроқлар минтақаси, пролювиал ва лёссимон ётқизиклардан иборат, тоғ олди кенг тўлқинсимон текислиги лалми оч тусли бўз тупроқлар (1-жадвал).

Қашқадарё вилояти лалми тупроқларнинг озика элементлари


Чуқурлиги, см	Гумус,%	Умумий,%			Ҳаракатчан, мг/кг	
		Азот	Фосфор	Калий	Фосфор	Калий
5-кесма. Деҳқонобод тумани Ҳ.Олимжон худуди. Лалми тоғ жигарранг тупроқлар						
0-17	1,071	0,058	0,136	0,90	2,5	375,6
17-38	0,672	0,039	0,123	0,77	1,6	308,2
38-69	0,714	0,041				
9-кесма. Шаҳрисабз тумани Оқдарё худуди. Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар.						
0-15	1,057	0,064	0,150	0,94	9,6	257,6
15-40	1,015	0,061	0,136	0,90	8,4	240,8
40-73	0,888	0,054	0,127	0,90	7,6	207,1
10-кесма. Қамаш тумани Ғаллакор худуди. Лалми типик бўз тупроқлар.						
0-22	0,462	0,064	0,132	0,081	4,4	274,5
22-36	0,378	0,050	0,125	0,77	3,2	192,6
36-63	0,840	0,036	0,100	0,56	4,7	134,8
5-кесма Косон тумани "Турон" худуди. Лалми оч тусли бўз тупроқлар						
0-20	0,546	0,046	0,141	0,90	5,2	322,7
20-41	0,294	0,027	0,127	0,85	3,2	308,2
41-69	0,273	0,023	0,114	0,063	2,5	293,8

Лалми тоғ жигарранг тупроқлар асосан, ювилиш даражаси бўйича, кам, ўрта ва кучли ювилган, морфогенетик хоссасига кўра, механик таркиби лойли, гумус миқдори 0,714 -1,071% гача, гумус қатлам қалинлиги 40-60 см атрофида, шўрланмаган, ўрта ювилган. Ҳаракатчан фосфор миқдори (1,6 - 2,5 мг/кг гача)- кам таъминланган, калий миқдори (308,2- 375,6 мг/кг гача)- юқори таъминланган, карбонат – 1,71 - 2,25 % гача бўлиб, профил бўйича юқоридан пастга камайиб боради(1-расм).



1-расм. Лалми тоғ жигарранг тупроқлар

Лалми тўқ тусли тупроқлар денгиз сатҳидан 800-1400м баландликда жойлашган бўлиб, морфогенетик хоссалари механик таркиби бўйича – оғир кумоқли, профил пастиди ўрта ва енгил кумоқлар учраши мумкин. Ювилиш даражаси ҳар-хил яъни, кам, ўрта ва кучли ювилган, шўрланмаган, серкарбонатли, морфогенетик хоссалари қуйидагича гумус миқдори 0,803-1,057% гача, унинг қалинлиги –40-50см атрофида, умумий азот (0,048-0,064%), фосфор (0,217-0,159%) ва калий миқдори 0,85-1,02% иборат бўлиб, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори 7,6-9,6 мг/кг ва 149,6-257,6% ни ташкил этади, карбонат миқдори 5,93-8,72% бўлиб, профилни пастки горизонтларига томон кўпайиб боради (2-расм)



2-расм. Лалми тўқ тусли тупроқлар


Лалми типик бўз тупроқлар, тупроқ иқлим шароити ва агрокимёвий хоссаларига кўра, механик таркиби, оғир ва ўрта кумоқли, шўрланмаган, ювилиш даражаси бўйича, кам ва ўрта ювилган бўлиб, бошқа тупроқ типларидан ажралиб туради.



3-расм. Лалми типик бўз тупроқлар

Кам ювилган, лалми типик бўз тупроқлар, асосан тоғ олди қия текислигида жойлашган, механик таркиби, оғир ва ўрта кумоқли, гумус миқдори 0,862-1,346 % гача, унинг қалинлиги 38-40 см, ҳаракатчан фосфор миқдори –кам, P_2O_5 -8,0-16,0 мг/кг гача, калий эса, K_2O -274,5-375,6 мг/кг гача, ўрта таъминланган, карбонат миқдори 5,29-7,25% гача, пастки қатламларига қараб камайиб боради. Шўрланмаган, нишаблик шимолий, ғарбий, 2-5 градусдан иборат(3-расм).

Лалми оч тусли бўз тупроқлар, тупроқ иқлим шароити ва морфогенетик хоссаларига кўра, механик таркиби, ўрта ва енгил кумоқлардан иборат бўлиб, шўрланганлик даражаси шўрланмаган, кам ва кучли ювилган, гумус миқдори 0,452-0,925 % ва унинг қатлам қалинлиги 45 см, ташкил қилади. Умумий фосфор ва калий миқдорлари ювилиш даражасига кўра, 0,136- 0,173 % ва 0,63-0,90 % ни ташкил қилади. Тупроқларда ҳаракатчан фосфор кам таъминланган, P_2O_5 -5,0 -8,4 мг/кг, калий билан, K_2O -193-254 мг/кг ни ташкил этиб, улар ўрта таъминлангандир(4-расм).



4-расм. Лалми оч тусли бўз тупроқлар

Лалми ерлар деҳқончилик шароитида ўрганилган тоғ жигарранг ва бўз тупроқларнинг морфологик тузилишида, физикавий ва кимёвий хоссаларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлган, бу ўзгаришлар асосан тупроқ профилининг устки қатламлари учун хос бўлиб, янги маданий қатламнинг шаклланишида ўз аксини топган. Тупроққа ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган ҳайдалма қатлам, атмосфера ёғинларини яхши сингдириши, кузги-қишки-баҳорги намлик захирасини катта миқдорда тўплаши ва бу тупроқларнинг чуқур қатламларгача намланиб туриши кузатилди. Лалми типик бўз тупроқлар, тупроқ иқлим шароити ва морфогенетик хоссаларига кўра, деҳқончилик билан банд бўлган тупроқлар ҳисобланади, бу ерда қишлоқ хўжалик экинларини асосан, буғдой зиғир, махсар, нўхат кабилар етиштириш ёғин сочин сувларидан тўпланган намлик ҳисобига бўлади.

Деҳқончилик маданиятида бу лалмикор тупроқлардан самарали ва оқилона фойдаланиш учун, эрозияни олдини олиш ва намликни сақлашга қаратилган тадбирларни амлга ошириш, агротехникага риоя қилган ҳолда, донли ва мойли экинларни тўғри жойлаштириш, чорва озуқабоп экинларни алмашлаб экишни жорий қилиш лозим. Лалми тупроқлардан оқилона фойдаланишда узумчилик ва боғдорчиликни барпо этиш, ўрмончилик хўжаликни ташкил этиш самарали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тadbирлари тоўғрисида» ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида» ги фармони.
3. Кўзиёв Р.Қ., Сектименко В., Исманов А. Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи. Тошкент-2010 й.
4. Кўзиёв Р.Қ., Сектименко В. Почвы Узбекистана, Ташкент «EXTRE MUM PRESS» - 2009 г.
5. Кўзиёв Р. Распределение гумуса и питательных элементов в различной степени эродированных светлых сероземах. Эрозия почв научные основы борьбы с ней. Ташкент. Изд-во «Мехнат». 1986.
6. Кўзиёв Р., Абдурахмонов Н.Ю. Жиззах вилояти лалми тупроқлари ва уларнинг унумдорлигини баҳолаш. Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. Тошкент 2003. №3. 89-91 бетлар.
7. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисобот. Тошкент.2009й.
8. Набиева Г.М., Гафурова Л.А., Кадирова Д.А., Саидова М.Э., Джалилова Г.Т., Садикова Г.С. Горные почвы Узбекистана и их биологическая активность. // Материалы докладов VI съезд общества почвоведов им. В.В.Докучаева. Книга-2. М.: 2012. – С. 387-388.
9. Шадиева Н.И. Тоғ ён бағри эрозияланган лалми ва суғориладиган тупроқларининг гумусли ҳолати, хоссалари, унумдорлиги (шимолий Туркистон ва Фарбий Чотқол тупроқлари мисолида):.Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Т.: 2010. - С. 12-21.
10. Тошқўзиёв М.М., Шодиева Н.И. Гумусное состояние горных, предгорных почв и вопрос формирования гумусов их веществ // Ж.: Вестник Киргизского Национального Аграрного Университета им. К.И. Скрябина. - Бишкек, 2017. - С. 113-120

ЎЎТ.634.11.630

ИНТЕНСИВ ОЛМА БОҒЛАРИДА КЕСИШНИНГ ЎСИШ ВА МЕВА БЕРИШНИНГ ФИТОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

*Р.Юнусов, доцент, к/х.ф.н., Бухоро давлат университети, Бухоро
Ф.А.Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
М.А.Раҳимова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
Д.И.Бўриева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

Аннотация. Мақолада интенсив олма боғлари барпо қилишида қўлланиладиган нав пайвандтаглар, кесиш усуллари ва даражалари, ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири Бухоро туман тупроқ –иқлим шароитида ўтказилган дала тажрибалари натижасида шимий маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: интенсив олма боғлари, нав-пайвандтаг, кесиш усуллари ва даражалари, ўсиш ва ривожланиши фитометрик кўрсаткичлар, самарадорлик.

Аннотация. В статье приведены научные сведения о способах и уровнях обрезки сортов, используемых при возведении интенсивных яблоневых садов, влиянии на рост, развитие и продуктивность полевых опытов в почвенных- климатических условиях Бухарской области.

Ключевые слова: интенсивные яблоневые сады, сорто-подвойных комбинации, способы и уровни обрезки, фитометрические показатели роста и развития, продуктивность.

Abstract. The article provides scientific information on the methods and levels of pruning of varieties used in the construction of intensive apple orchards, the impact on growth, development and productivity of field experiments in the saline-climatic conditions of Bukhara region.

Keywords: intensive apple orchards, nav-nay bandtag, methods and levels of pruning, phytometric indicators of growth and development, efficiency.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида интенсив (жадаллаштирилган) мевачилик ва узумчилик аграр соҳасини энг асосий ва ўзига хос соҳалардан бири бўлиб, турли хил тупроқ-иқлим шароити, ярим пакана ва пакана пайвандтаглар олмазорларини парвариш қилиб, мутгасил мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. Юқорида қайд этилган интенсив боғларни яратиш ва парвариш қилиш мамлакатимизда мева ишлаб чиқаришни кескин ошириш, ҳамда уларни сифатини яхшилаш ва энг асосий этиштирилган олма мевасини таннархини камаййтириши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда жадаллаштирилган (интенсив) олма боғлари турли нав-пайвандтаглар комбинацияларида, ҳамда дарахтга муайян шакл бериш, турли хилдаги кесиш усуллари ва даражалари тежамкор томчилатиб суғориш тизимлари муваффақият билан ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмоқда.

Айни пайтда республикаимиздаги мавжуд боғлардан юқори ва сифатли ҳосил этиштириш учун биргаликда, яратилган ва яратилаётган интенсив боғларда тезроқ, яъни муқимий боғларга экилгандан сўнг 3-4 йилдан кейин ҳосилга кириши бу давр талаби ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу боғларда оптимал нав-пайвандтаг комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигини

танлаб олиш ва ҳар йил муттасил мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш давр талаби ҳисобланади.

Мевали боғларда энг мақбул нав-пайвандтаглар комбинацияларини таснифи, уларни биологик хусусиятлари ўсиш ва ҳосил бериш қонуниятларини илмий асосда ўрганиш ва ишлаб чиқаришда секин ўсувчи пайвандтаглар ва навларни жорий этиб сезиларли даражада ҳосилдорликни 15-20 ц/га гача ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади[1,2,3,7].

Мевали дарахтларни интенсив(жадаллаштирилган) асосида парваришlash ва энг мақбул агротехник омилларни қўллаш юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни алоҳида қайд этиш жоизки танланган ва олиб борилган тадқиқот йўналиши ўта долзарб ва актуал ҳисобланиб, мевали дарахтларни ҳосилдорлигини кескин оширишда ва уларнинг сифатини яхшилашда катта илмий аҳамиятга моликдир.

Кесиш боғдорчиликда кучли таъсир этувчи энг муҳим усул ҳисобланиб, унинг мевали дарахтларга таъсири бир қатор агрономик ва биологик сабабларга тўлиқ боғлиқ ҳисобланади. Биринчи навбатда, шакл бериш ва кесишни ўзига хос усули ва даражаларига, уни ўтказиш муддатларига, дарахт ёши, навнинг биологик-морфологик хусусиятларига, мевали дарахтни ўсиши ва ривожланиши ҳолатига, тупроқ-иқлим шароитларига ҳамда интенсив боғларда ўтказиладиган чора-тадбирларига ва парваришlash технологик омилларнинг бошқа усуллари билан мажмуий равишда олма нав-пайвандтаглар комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигини ўрганиш зарур ҳисобланади. Интенсив олма боғларида дарахтларнинг ўсиши ва ривожланишида, транспирациянинг яхшилашда, моддалар алмашинуви ва фотосинтезни маҳсулдорлигини оширишда, ҳосилдорлик миқдори ва сифатини юқори ва муттасил мўл бўлишида кесишнинг ижобий таъсири кўпгина олимлар томонидан аниқланган[4,5,6].

Тажрибанинг объекти ва методикаси. Илмий тадқиқот ишлари 2007-2016 йиллар давомида Бухоро вилояти, Бухоро туманида жойлашган ва боғдорчилик билан шуғулланадиган “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида ўтказилган. Бухоро вилояти чўл зонасида жойлашган бўлиб, тупроқни ҳосил бўлиши жазирама ва қуруқ иқлим шароитида ўтади, иқлими эса кескин континентал ҳисобланади. Иссиқ қуёшли кунлар 240 кунгача давом этади, ҳавонинг кундузги ҳарорати 38,7-46,20 С даража ва ундан ҳам юқори ҳаво ҳарорати июннинг охири, июлнинг бошида бўлади.

Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари бўйича яйловли, эски ва янги суғориладиган майдонларда чиринди(гумусни) миқдори жуда кам бўлади. Тупроқнинг ҳайдалма қатламида чиринди миқдори 0,8-1,4% га, азотнинг миқдори 0,06-0,12 % га тенг. Фосфорнинг ялпи миқдори 0,11-0,18 % га ва алмашинувчан калий миқдори 1,5-3 % ни ташкил қилади.

“Амин ҳаёт боғи” фермер хўжалигининг тупроғи аллювиал-қадимдан суғориладиган, кучсиз шўрланган тупроқдан иборат бўлиб, сув сатҳининг юза жойлашиши билан(2,3-2,5м) , механик таркиби бўйича ўртача соз тупроқли ҳисобланади.

Тадқиқот ўтказилган йиллар давомида Бухоро метеорологик расадхонасидан олинган об-ҳаво маълумотлари мевали дарахтларнинг амал даврларида, хусусан интенсив олма дарахтларини етиштириш учун об-ҳаво шароитлари қулай келганлигини гувоҳи бўлди.

Мазкур тадқиқотни ўтказишдан асосий мақсад-ишлаб чиқаришга юқори самарали ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи даврий кесиш усули ва дадаражаларини ҳосил бериб бўлган новдаларда қўллаш, шунингдек, қолдирилган ҳосил берувчи новдалар бўйича қискартириш даражаларини ўрганиш орқали серунум интенсив боғларда мевалар ҳосилини барқарор ва муттасил оширишини таъминлаш, юқори ва сифатли мева бериш самарадорлигини ошириш, олинган энг ижобий натижалар бўйича ишлаб чиқаришга тавсия беришдан иборат.

1-жадвал

Тажриба тизими

Ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда меъёрлаштирувчи кесиш усулини қўллаш вариантлари	Қолдирилган ҳосил берувчи қуртақлар миқдори, дона
Ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган кесиш усули тавсия бўйича (назорат)	Қискартиришсиз
3-йиллик циклик алмашиш бўйича ёшартирувчи кесиш усули	4-8 8-12 12-16 қискартиришсиз
4-йиллик циклик алмашиш бўйича ёшартирувчи кесиш усули	4-8 8-12 12-16 қискартиришсиз

Тадқиқот объекти. Тадқиқотлар “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида районлаштирилган; биологик хусусиятлари бўйича 3 хил ММ-106 ўрта кучсиз ўсадиган пайвандтагга уланган олма

навлари-Голден Делишес, Ренет Симиренко ва Первенец Самарканда навларида ўтказилган, боғ 2001-йилда 6x4м схемада барпо этилган.

Йил давомида ўсув даврида азотни-200-220 кг/га, фосфорли-150-180 кг/га ва калийли ўғитни-45-60кг/га меъёрида соф ҳолда ва 4-5 мартаба жўяклар -3200-3500 м³ /га меъёрида суғорилган.

Тажриба тизими. Олма дарахти навларида жойлашган ҳосилли шох-шаббаларнинг кесиш усуллари ва даражалари 1-жадвал маълумотларида келтирилган.

Тажриба тизимида кўрсатилган тажриба вариантларида ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш усулини 3 ва 4-йиллик циклик алмашиши бўйича кесиш ва ҳосил берувчи шохларни қисқартириш даражаларини аниқлаш ўрганилди. Ўзбекистон республикасида, шу жумладан Бухоро вилоятида амал қилинаётган тавсияларда олма дарахтини кесиш қуруқ, касалланган ва бир-бирини ўсишига ҳалал берадиган ҳосил шохларини кесишдан иборат бўлган қирқиш усулида фойдаланилади.

3-4 йиллик циклик кесишнинг алмашинуви бўйича ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган кесиш усули (назорат)фонида ҳар йили ҳар бир олма дарахтининг 3-4 йиллик ўсувчи, ҳосил берган шох-шаббалари ёшартирилади, келгуси йилда янги ўсувчи ва ҳосил берувчи новдалар олиш учун 2-3 бўғинли куртакчалар қолдирилиб қисқартирилади. Тажриба ўтказиш жараёнида ўрганиладиган олма навлари бўйича умумқабул қилинган услубий қўлланмалардан ҳисоб-китоб ишлари ҳамда олма дарахтининг фитометрик кўрсаткичлари, ёруғлик ва фотосинтез маҳсулдорлиги ҳамда ҳосилдорлик ва унинг кўрсаткичларини ўрганиш учун Умумиттифок боғдорчилик илмий тадқиқот институтида (1982) ишлаб чиқарилган услубиётдан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Ўрганилаётган олма навларидан 3-4 йиллик алмашинувчи кесиш усули ва қисқартириш даражаларини қўллаш орқали, ҳосил берувчи шохлардан 4-8 ҳосил куртаклари қолдирилиб, энг кўп миқдорда ва массада ёғочли новдалар олиб ташланиши аниқланди. Ҳосил берувчи шохларни 3-4 йиллик циклик алмашинувчи кесиш бўйича ёшартириш ва қолдирилган ҳосил берувчи новдаларни меъёрий қисқартириш натижасида, яъни ҳосил бериш учун қолдирилган новдаларни 4-8,8-12,12-16та ҳосил куртаги қолдирилиб кесилган вариантларда кесиш даражасини кучайиши билан бу кўрсаткичлар ошганлиги аниқланган.

Кесилган шох –шаббаларнинг массаси кесиш вариантларида Голден Делишес, Ренет Симиренко ва Первенец Самарканда навларида мутгасил равишда 1,2-3,4кг,0,5-3,4кг ва 0,1-3,1 кг назорат вариантыга нисбатан ошганлиги тадқиқотларда аниқладик. Бизнинг тажрибаларимизда олма дарахтларни 3-4 йиллик циклик ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш бўйича Голден Делишес ва Первенец Самарканда навларида 12-16 куртак бўғинлари, Ренет Симиренко навида эса ҳосил берувчи новдаларда 8-12 дона ҳосил куртаклари қолдирилганда, дарахтларнинг оптимал ўсишига қулай шароит яратилган. Олма дарахти танасини ҳажмининг унумдорлигини ошириш билан биргаликда ушбу дарахтнинг барг сатхининг майдони бирлиги ҳисобига юқори бўлишига ва сифатли ҳосил олинишига шароит яратади. Бизнинг тадқиқотларда синалайотган ММ-10б ўртача ўсаётган пайвандтага уланган Голден Делишес, Ренет Симиренко, Первенец Самарқандда навларининг тўққизинчи вегетациядан кейин дарахтлар қаторлар бўйлаб узунасига туташганлиги аниқланди. Кейинчалик еса йетиштирувчи циклик ўрнини босувчи мейорлаштирувчи қирқиш усули қўлланилган вариантларда ўсувчи дарахт танаси шохларининг баландлиги 3.20-3.65 м атрофида бўлди, дарахт танаси асосий қисмининг ени 1.40-2.0 м ни ташкил етган ҳолда, дарахтнинг тепа қисмига қараб секин-асталик билан пасайиш кузатилди. 15 йиллик ҳосил берувчи дарахтлар танаси баландлигига кесиш усули ва дарахтларнинг тасири 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал.

15-йиллик ҳосил берувчи олма дарахти танаси баландлигига кесиш усули ва даражаларнинг тасири (см). 2016 йил

Вариантлар	Нав		
	Голден Делише	Ренет Симиренко	Первенас Самарқанда
1	385	395	380
2	320	325	318
3	322	330	320
4	330	374	325
5	340	345	336
6	325	330	322
7	338	340	330
8	340	345	336
9	345	350	340

Келтирилган 2-жадвал маълумотларнинг тахлиliga кўра, ўрнатилаётган вариантларида дарахтларнинг баландлиги 350-365 см атрофида бўлиб, 3-4 йиллик циклик ўрнини босувчи ёшартирувчи ва меъёрланган кесиш даражалари вариантларида эса 318-350 см ни ташкил қилди ва Ренет Симиренко навида ушбу кўрсаткич энг юқори бўлди.

Кесиш тадбири ўтказилган вариантларда эса дарахт танаси проекциялари остидаги майдонларнинг ўзлаштирилиши 47-54% ни ташкил қилди, ушбу кўрсаткич жадаллашган типдаги хозирзамон санот боғлари учун меъёр даражасида ҳисобланади. Дарахтларнинг вегетатив ва репродуктив фаолиятини тартибга солиш ва уни бошқариш нисбатлари –агротехникани асосий вазифаларидан бири бўлиб, бунда айнан дарахтларга муайян шакл бериш ва кесиш усули ва даражаларига риоя қилиб қирқганда, уларнинг ўсиш ҳамда ривожланиши меърида кечиби, новдалар фақат мақбул муҳитга ёки бўлмаса мақбул шароитларга яқин томонга йўналишини доимо бошқариб туриш лозим.

Ўрганилаётган 3 хил навлар бўйича турли хил кесиш усули ва даражалари қўлланилган вариантларда дарахт танасида шох-шаббанинг яруслаб бўйлаб жойланиши жуда ҳам қулай бўлиб, ўриндош новдаларни алмаштириш учун 3-4 цикл билан ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш усули ва қисқартириш даражалари қўлланган вариантнинг пастки ярусиди -32%, ўрта ярусиди 58% ва юқори қаватда 10% янги ўсувчи шохлар жойлашди. Назорат вариантыда эса ўсувчи шохлар яруслар ва дарахт танаси бўйлаб қарийиб тенг миқдорда жойлашди, ушбу кўрсаткич синалаётган вариантлар билан таққосланганда жуда ҳам кам қулайликга эга бўлади.

Ёши ва ўлчами катта дарахтларда парваришлаш технологик харитада кўрсатган омиллар асосида олиб борилса, дарахтнинг умумий ҳолати яхшиланиб, унинг ёруғлик билан таъминланиши ошади, гул куртакларнинг ортикча сони қисқаради, пировард натижада, кўзда тугилган даражада мевалар ҳосили ошади, сифати эса кескин яхшиланади. Интенсив боғлардан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг энг самарали йўлидан бири-бу дарахт танаси шох-шаббаларининг кесиш усули ва даражаларидан оқилона фойдаланиш бўлиб, ушбу тадбир орқали, уларнинг фаол ўсиши ва генератив органларнинг новдаларда шаклланишида қулай шароитларни вужудга келтириш имкони яратилиб, ҳар йили юқори ҳосил олишни таъминлайди. Тадқиқот натижалари шундан дарак берадики, дарахтнинг мева бериш кўрсаткичларига ҳосил олиш учун қўйилган новдаларни 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартирувчи кесиш усули ва даражаларини қўллаш ижобий таъсир кўрсатилганлиги аниқланди.

Тадқиқот йиллари давомида ўртача ҳосилдорлик, ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартирилганда ва ҳосил берувчи шохларда 4дан 16 тагача ҳосил куртак қолдириб кесилганда олмани Голден Делишес навида 0,1-4,0ц/гача, Ренет Симиренко навида 0,9-3,5ц/гача ва Первенец Самарканда навида назорат вариантыга нисбатан 0,6-3,1ц/гача қўшимча ҳосил олинди. Энг яхши натижалар ҳосил бериб бўлган шохларни 3-4 йиллик ёшартириш фониди ҳосил берувчи новдаларда 8-16 дона ҳосил куртакларни қолдирилган вариантларда олинди. Ўрганилган кесиш вариантларда бир дона олмани ўртача вазни назорат вариантыга нисбатан Голден Делишес навида 41-56 г, Ренет Симиренко навида 16-35 г ва Первенец Самарканда навида эса 35-49 грамм гача ошди.

Хулоса. Ўрганилган олма навларида энг мақбул ҳосилдорлик ва юқори сифатли ҳосилига эришилган вариантлар бу ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартириб, ҳосил берувчи новдаларда 8-16 дона ҳосил куртаклари қолдирилиб кесилган вариантларда эришилди.

Мевачилик соҳасини юқори иқтисодий кўрсаткичларга кўтариш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, интенсивлаштиришни юқори сифат кўрсаткичларига эришиш ҳамда хўжалик йўналишини бозор иқтисодиёти шароитига мослаштириш талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арипов А.У., Арипов А.А. Уруғлик интенсив мева боғлари .Т., "Шарк", 2013, 156 бет
2. Юнусов Р., Умаров К. Боғдорчилик .Т., "Миллий файласуфлар жамяти", 2007, 182 бет
3. Юнусов Р., Умаров К., Каримов Б.Ш. Боғдорчилик .Т., "Миллий файласуфлар жамяти", 2016, 186-бет.
4. Ганиева Ф.А., Юнусов Р. Рост и развития вегетативно-размножаемых подвоев яблони в зависимости от плотности посадки. Ж. "Столица науки", М. 2021. <https://www.s.giontific-cfpitfl.ru>.
5. Юнусов Р., Ганиева Ф.Н., Тўраева Н.М. Рост и плодоношение деревьев персика в орошаемых садах в зависимости от плотности насадки. //Столица науки. М. 2021. <https://www.s.giontific-cfpitfl.ru>.
6. Юнусов Р. Влияние обрезки на экономической эффективности производства плодов яблоки. Ж. Сельское хозяйство Таджикистана, 1985, №3, 11-12с
7. Бабук В.И., Юнусов Р., Рост и плодоношение деревьев яблони интенсивных садах в зависимости от обрезки. Ж. Садоводство, виноградарство и виноделие Молдавии. 2, 18-19 с.

INVESTITSIYA VA QURILISH FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISH VA TAKOMILLASHTIRISH*S.I. Axmedova, tayanch doktorant, Toshkent arxitektura-qurilish instituti, Toshkent*

Annotatsiya. Ushbu maqola investitsiya va qurilish faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish vositalari va ularning ahamiyatini takomillashtirishga bag'ishlangan bo'lib, bu investitsiya nima ekanligini va u qanday jarayon ekanligini ilmiy asoslab beradi.

Kalit so'zlar: iqtisodiyot, qurilish faoliyati, investitsiyalar, o'sish, texnologiyalar.

Аннотация. Данная статья посвящена совершенствованию инструментов и важности государственного регулирования инвестиционно-строительной деятельности, а также дает научное обоснование того, что такое инвестиции и каков процесс.

Ключевые слова: экономика, строительная деятельность, инвестиции, рост, технологии.

Abstract. This article focuses on improving the tools and importance of government regulation of investment and construction activities, and provides a scientific basis for what investment is and what the process is.

Keywords: economy, construction activity, investment, growth, technology.

Mamlakat iqtisodiyotini yuksaltirish, zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan jihozlangan yangi korxonalarni qurish va rekonstruksiya qilish xorijiy sarmoyani jalb etish naqadar muhim ahamiyatga ega. Bu, birinchi navbatda, aholi bandligi, uning ish haqi va daromadlarining oshishi kabi muhim ijtimoiy muammolarni hal qilish imkoniyatini beradi. Shu bois mamlakatimizga xorijiy investitsiyalarni jalb etayotgan korxonalarni iqtisodiy rivojlantirishni rag'batlantirish va zarur shart-sharoitlarni yaratish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Xorijiy investitsiyalarni, ayniqsa xorijdagi yetakchi tarmoqlarni jalb qilmasdan, investitsiyalar ishtirokini amalga oshirish va modernizatsiya qilishni kengaytirmasdan iqtisodiyotda tarkibiy o'zgarishlar. Zamonaviy asbob-uskunalar bilan jihozlangan korxonalarni qayta jihozlash va raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarishga yo'l qo'yilmaydi. Mamlakat iqtisodiyotiga xorijiy sarmoyalarni jalb etish uning barcha sohalarida ichki bo'lishi, iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirishni jadallashtirish, imkoniyat va zaxiralardan foydalanish, tovarlarni o'zlashtirish, ularni ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish orqali yangi texnika va texnologiyalarni eksport qilish iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashda muhim o'rin tutadi. davlatimizning kuchi.

Investitsiya faoliyati davlat tomonidan tartibga solinadi. Davlat investitsiyalari soliq to'lovchilar va soliq to'lovchilar uchun soliq solish ob'ektlarini tabaqalash, soliq stavkalari va ular bilan bog'liq bo'lgan imtiyozlar soliq tizimini qo'llash, normalar, qoidalar, standartlarni belgilash, monopoliyaga qarshi kurash choralari, kredit siyosati va narx siyosati va boshqalarni tabaqalashning huquqiy asoslarini takomillashtirish.

Tabiiy resurslarga egalik qilish va ulardan foydalanish shartlarini belgilash va bunday faoliyatni boshqa usullar bilan amalga oshiradi. Investitsiya qilishdan asosiy maqsad daromad olish va ijobiy ijtimoiy samaraga erishishdir. Investitsiyalashda birinchi navbatda: investitsiya faoliyati sub'ektlarining mustaqilligi va tashabbuskorligi; maqomini beruvchi moddiy ne'matlarga investitsiyalar; qonun hujjatlarida belgilangan investitsiya faoliyatini amalga oshirish imkoniyati. Investitsion faoliyatning ob'ekti moddiy va nomoddiy ne'matlarni ishlab chiqarishdir. Mamlakatimizda bozor munosabatlari tadbirkorlikni rivojlantirish uchun mavjud mablag'larning paydo bo'lishi va rivojlanishi ixtiyoriy sarmoya kiritishni taqozo etadi. Bu investitsiyalar, shu jumladan xorijiy investitsiyalarni huquqiy tartibga solish, birinchi navbatda, milliy qonunchilik, ikkinchidan, xalqaro shartnomalar. O'zbekiston Respublikasining investitsiya faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish, asosan, 1998-yil 24-dekabrda qabul qilingan "Xorijiy investitsiyalar bo'yicha xorijiy investorlar huquqlarining kafolatlari va ularni himoya qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi "Investitsiya faoliyati to'g'risida"gi qonun bilan ham tartibga solinadi. bu soha soliqqa tortishga qaratilgan boshqa fuqarolik qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi.

Investitsiya faoliyati davlat tomonidan tartibga solinadi. Davlat investitsiyalari soliq to'lovchilar va soliq to'lovchilar uchun huquqiy bazani takomillashtirish, soliq solish ob'ektlarini, soliq stavkalarini va ular bilan bog'liq imtiyozlarni soliq tizimini qo'llash, normalar, qoidalar, standartlarni belgilash, monopoliyaga qarshi kurashish, kredit siyosati va tabiiy resurslarga egalik qilish va ulardan foydalanish shartlarini belgilash; investitsiya loyihalarini ekspertizadan o'tkazish mexanizmlarini o'rnatish va hokozolar qator yo'llar bilan amalga oshiriladi. Mamlakatimiz mustaqillik yillaridan bozor iqtisodiyotiga. O'tish davri iqtisodiy rivojlanishning o'ziga xos yo'lida investitsiya siyosatining ahamiyati juda katta. Chunki

iqtisodiyotga kiritilayotgan investitsiyalar tarkibiy o'zgarishlar, texnik va texnologik yangilash, korxonalarni qayta qurish ta'mirlash ishlarini amalga oshirish, mamlakat eksportini rag'batlantirib, import salohiyatini oshirish imkonini bermoqda. Shu munosabat bilan O'zbekiston davlati o'zining tarkibiy investitsiya siyosatini olib boradi.

Shu o'rinda, investitsiya faoliyatiga oid terminlarni keltirib o'tamiz. O'zbekiston Respublikasining **“Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida”**gi Qonunda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

investitsiya loyihasi — iqtisodiy, ijtimoiy va boshqa foyda olish uchun investitsiyalarni amalga oshirishga yoxud jalb etishga qaratilgan, o'zaro bog'liq bo'lgan tadbirlar majmui;

investitsiya majburiyati — belgilangan maqsadlarga erishish uchun investor tomonidan qabul qilinadigan majburiyat;

investitsiya siyosati — O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotida va uning alohida tarmoqlarida investitsiyalarning zarur darajasini va tuzilmasini ta'minlashga, investitsiya faoliyati subyektlarining investitsiya manbalarini topishga va ulardan foydalanishning ustuvor tarmoqlarini aniqlashga yo'naltirilgan investitsiyaviy faolligini oshirishga doir o'zaro bog'liq tadbirlar majmui;

investitsiya faoliyati — investitsiya faoliyati subyektlarining investitsiyalarni amalga oshirish bilan bog'liq harakatlari majmui;

investitsiya faoliyatining ishtirokchisi — investitsiyalarning amalga oshirilishini buyurtmalarni bajaruvchi sifatida yoki investorning topshirig'i asosida ta'minlaydigan investitsiya faoliyati subyekti;

investitsiya shartnomasi — investitsiya faoliyati subyektlari o'rtasida tuziladigan, investitsiya shartnomasi taraflarining huquqlari, majburiyatlari va javobgarligini belgilaydigan yozma bitim;

investitsiyalar — investor tomonidan foyda olish maqsadida ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari obyektlariga tavakkalchiliklar asosida kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo'lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar bo'lib, ular quyidagilarni o'z ichiga olishi mumkin:

mablag'larni, shu jumladan pul mablag'larini (shu jumladan chet el valyutasini), maqsadli bank omonatlarini, paylarni, ulushlarni, aksiyalarni, obligatsiyalarni, veksellar va boshqa qimmatli qog'ozlarni;

ko'char va ko'chmas mol-mulkni (binolar, inshootlar, uskunalar, mashinalar va boshqa moddiy qimmatliklarni);

intellektual mulkka doir mulkiy huquqlarni, shu jumladan u yoki bu ishlab chiqarish turini tashkil etish uchun zarur bo'lgan, texnik hujjatlar, ko'nikmalar va ishlab chiqarish tajribasi tarzida rasmiylashtirilgan, patentlangan yoki patentlanmagan (nou-xau) texnik, texnologik, tijoratga oid va boshqa bilimlarni, shuningdek O'zbekiston Respublikasining qonunchiligida taqiqlanmagan boshqa qimmatliklarni;

investor — foyda olish maqsadida investitsiya faoliyati obyektlariga o'zining mablag'larini va (yoki) qarz mablag'larini yoxud jalb qilingan boshqa investitsiya resurslarini investitsiya qilishni amalga oshiruvchi investitsiya faoliyati subyekti;

mahalliy investorlar — investitsiya faoliyatini amalga oshiruvchi O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, O'zbekiston Respublikasi rezidenti maqomiga ega bo'lgan chet ellik fuqarolar va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar, shu jumladan yakka tartibdagi tadbirkorlar, shuningdek O'zbekiston Respublikasining yuridik shaxslari;

reinvestitsiyalar — investitsiyalardan olingan, tadbirkorlik faoliyati va boshqa faoliyat turlari obyektlariga kiritiladigan har qanday daromad, shu jumladan foyda, foizlar, dividendlar, royalti, litsenziya va vositachilik haqlari, texnik yordam, texnik xizmatlar uchun to'lovlar va haqlarning boshqa turlari;

to'g'ridan to'g'ri chet el investitsiyalari — chet ellik investorning hukumat kafolatlarisiz, tavakkalchilik sharoitlarida o'z mablag'lari yoki qarz mablag'lari hisobidan investitsiyalari;

chet el investitsiyalari — chet ellik investor tomonidan ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari obyektlariga kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo'lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar;

chet ellik investorlar — chet davlatlar, chet davlatlarning ma'muriy yoki hududiy organlari, davlatlar o'rtasidagi bitimlarga yoki boshqa shartnomalarga muvofiq tuzilgan yoki xalqaro ommaviy huquq subyekti bo'lgan xalqaro tashkilotlar, chet davlatlarning qonunchilik hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan va faoliyat ko'rsatadigan yuridik shaxslar, har qanday boshqa shirkatlar, tashkilotlar yoki uyushmalar, chet davlat fuqarolari va O'zbekiston Respublikasidan tashqarida doimiy yashaydigan fuqaroligi bo'lmagan shaxslar.

“Qurilish sohasini davlat tomonidan tartibga solishni takomillashtirish qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida” gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonida keltirilganidek, “Mamlakatimizda tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlashning zamonaviy bozor mexanizmlarini joriy

etish, xususiy biznesga katta erkinlik berish, ularning huquqlari va qonuniy manfaatlarini kafolatlarini kuchaytirish, xorijiy investitsiyalarni va zamonaviy texnologiyalarni jalb qilish yuzasidan chora-tadbirlar ko'rilmoqda.

Shu bilan birga, qurilish sohasidagi ishlar holatini o'rganish ushbu sohasida islohotlarni jadal amalga oshirishga va sog'lom raqobat muhitini rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan muammolar borligini ko'rsatdi.

Shaharsozlikni texnik tartibga solishning bozor vositalarini joriy etishga yetarlicha e'tibor berilmayapti, qurilish sohasida katta miqdorda davlat ma'muriy-boshqaruv va nazorat funksiyalari saqlanib qolmoqda.

Obyektlarni loyihalashtirish va qurishdagi normalashning mavjud ko'rsatma beruvchi usuli innovatsion loyihaviy yechimlar va yangi ilmiy-texnik ishlanmalarni qo'llashga to'sqinlik qilmoqda, ichki va xorijiy investitsiyalarni qurilish sohasiga jalb qilishni sekinlashtirmoqda.

Xalqaro savdoning hozirgi globallashuv shartlariga javob beradigan qurilish normalari va qoidalarini ishlab chiqish, qo'llab-quvvatlash va joriy etish sohasida kadrlarni professional tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimi mavjud emas."

Globalashuv davrida shaharlar raqobatbardosh va kapital qo'yilmalar bo'yicha jahon bozorida raqobatlashadigan obyektlarga aylandi. Shu nuqtayi nazardan, falokat risklar raqobatbardoshlikka ta'sir qilmasligi uchun kamaytirilish tendentsiyasiga ega. Infratuzilmaga investitsiyalar (ham davlat, ham xususiy) kapital qo'yilmalarni qo'llab-quvvatlash maqsadida amalga oshirildi. Past va o'rta daromadli mamlakatlardagi ko'plab shaharlarda hali ham aholi sonining ko'payishi va tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish, ayniqsa kambag'al va aholi uchun norasmiy hisob-kitoblar borasidagi asosiy infratuzilmani qo'llab-quvvatlash uchun investitsiyalar yetishmayapti.

1970-yillarning boshlarida rivojlangan kapitalistik davlatlarni qamrab olgan jahon iqtisodiy inqirozi kuchli bozorga yo'naltirilgan investitsiya va qurilishi borasidagi davlat aralashuviga qarshi harakatlarga sabab bo'ldi. Bozorga yo'naltirilgan rejalashtirish xususiy kapitalni qurilishga sarmoya kiritishda ko'proq imkon berishi mumkin. Ikkinchi jahon urushidan keyingi davrdagi mamlakatlarda hukumatning markazlashgan holda davlat aralashuvining aksariyat qismida yerdan foydalanish, qurilish va shaharsozlik jarayonlari nazorat ostida amalga oshirildi. Biroq, neoliberal manfaatlar radikallarni targ'ib qilish uchun inqiroz hissidan foydalangan ijtimoiy davlat institutlarining ko'p qismini yo'q qilishga qaratilgan siyosiy islohotlar dasturlari va tartibga solish rejimlari, shu jumladan rejalashtirishga davlat aralashuvi ishsizlik, inflyatsiya va parallel o'sishni nazorat qila olmagandek tuyuldi.

Bu harakat va kuchlar "ma'lum mafkuraviy raqobat trilogiyasini, deregulyatsiya va xususiylashtirish" "Shu jumladan, shahar va mintaqaviy rejalashtirish, ekologik siyosat va iqtisodiy rivojlanish siyosati" fazoviy tartibga solishning barcha shakllariga dushmanligi bilan ajralib turadi. Rejalashtirishning ratsionalligi, uning usullari, jarayonlari va umuman olganda qonuniyligi qattiq shubha ostiga olindi. Bu bozor mexanizmlariga tayanish orqali shahar jarayonlarini rejalashtirish va tartibga solishni istisno qilish to'liqligini ko'rsatadigan harakatlarga olib keldi. Bunday munosabat Aleksandr (1986) "rejasiz" deb ta'riflagan harakatda o'z aksini topgan. Bu "odamlarning xulq-atvori va o'zaro ta'siri oxir-oqibat yuzaga keladi" degan asosga asoslangan edi.

1970-yillardan beri past va o'rta daromadli mamlakatlarda shahar aholisining tez o'sishi kuzatildi. Bu, eng kamida, keyingi 20 yil davomida, ayniqsa Osiyo va Afrikada davom etishi kutilmoqda. Shahar rivojlanishi bugungi kunda qisqargan muhit, ya'ni global kapital investitsiyalarini tartibga solish va raqobat bilan tavsiflanadi. Kapital qo'yilmalar raqobat qiluvchi shaharlar uchun bu jahon bozorida keng miqyosda qo'llab-quvvatlash uchun infratuzilmani ta'minlash degani edi. Bu infratuzilma, ayniqsa kambag'allarni ofatlardan himoya qila oladigan va kamroq e'tibor atrof-muhit muhofazasiga, ko'pincha asosiy investitsiyalar hisobiga sodir bo'ldi. Ko'pgina shaharlar ham jahon bozorida raqobatbardosh bo'lib qolmoqda, shuning uchun xorijiy investitsiyalarni jalb qila olmaydi va asosiy investitsiyalarni ofat xavfini kamaytiradigan infratuzilmani amalga oshirish imkoniyati yo'q.

Ko'chmas mulk va qurilish sohalari milliy iqtisodiyotning muhim qismlari hisoblanadi va ayniqsa, past va o'rta daromadli mamlakatlarda o'z ulushini oshirishda davom etmoqda. Yangi uy-joy, ishlab chiqarish quvvatlari xususiy sektor investitsiyalari va spekulyativ ko'chmas mulkni rivojlantirish orqali va xususiy sektor qurilish kompaniyalari tomonidan qurilgan. Umuman olganda, bu tom ma'noda bugun shaharlar quradigan xususi sektordir. Bu o'rta va yuqori daromadli odamlar kirishi mumkin bu shaharlar. Kam ta'minlangan odamlarning ko'pchiligi hali ham norasmiy uy-joy yoki ijaraga uy-joy foydalanish, ularning bir qismi xususiy tomonidan qurilgan sektor bilan o'z-o'zini ta'minlanmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish sohasini davlat tomonidan tartibga solishni takomillashtirish qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni, 14.11.2018-yildagi PF-5577-son

2. O'zbekiston Respublikasining "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida"gi Qonuni, 25.12.2019 yildagi O'RQ-598-son
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyayevning 2020-yildagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlarini har tomonlama tahlil qilish hamda respublika hukumati 2019-yil uchun iqtisodiy va ijtimoiy dasturi eng muhim yo'nalishlari va ustuvor vazifalarini belgilashga bag'ishlangan ma'ruzasi// Xalq so'zi 2019 yil, 16 yanvar.
4. Л.Н.Тепман "Оценка недвижимости" Юнати-Дана, 2005, 464 с.
5. Д.А. Шевчук "Оценка недвижимости и управление собственностью" – Ростов н/Д. Феникс 2007. 155с.
6. R.H. Alimov, B.B. Berkinov, A.N. Kravchenko, B.Yu. Xodiyev/O'zR FA Akademigi Gulomov S.S. tahriri ostida. "Ko'chmas mulkni baholash" Toshkent. "Fan". 2005y. 2316
7. N.J. To'ychiyev, A.M. Mirhoshimov, K.A. Plaxti. "Ko'chmas mulkni baholash asoslari" Toshkent. "Adolat" nashriyoti, 2000y, 156 b.
8. N.J. To'ychiyev, A.M. Mirhoshimov, K.A. Plaxti, A.S. Usmonov, A.T. Xotamovlarning "Ko'chmas mulkni baholashda hisoblarni bajarish qo'llanmasi" Toshkent: "Adolat" nashriyoti, 2000y, 50b.

UDC: 640.41

ECONOMIC IMPROVEMENT OF INNOVATIVE SERVICES IN BUKHARA HOTELS

I.O. Davronov, PhD student, Bukhara state university, Bukhara

Annotatsiya. Maqolada Buxoro mehmonxonalarida innovatsion xizmat ko'rsatishning iqtisodiy mexanizmlarini rivojlantirish, xorijiy tajribadan foydalanish va mamlakatimizda mehmonxona biznesida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli chora-tadbirlarga alohida e'tibor qaratilgan. "Buxoro" mehmonxonalarida yangi innovatsion xizmatlarni rivojlantirish va ulardan samarali foydalanishda hududda turizmni rivojlantirish istiqbollari alohida e'tibor qaratiladi. Tadqiqot ishining maqsadi mehmonxonalardagi yangi innovatsion xizmatlarning iqtisodiy samaradorligini tahlil qilish va sharhlashdan iborat.

Kalit so'zlar: innovatsiyalar, mehmonxona xizmatlari, infratuzilma, mehmonxona mahsulotlari, aqlli texnologiyalar, marketing, mehmonxona xodimlari.

Аннотация. Статья посвящена развитию экономических механизмов инновационных услуг в гостиницах Бухары, использованию зарубежного опыта и широкому спектру мер, реализуемых в нашей стране. Развитие новых инновационных услуг в гостиницах Бухары и их эффективное использование будут сосредоточены на перспективах развития туризма в регионе. Цель исследования - проанализировать и прокомментировать экономические показатели новых инновационных услуг в отелях.

Ключевые слова: инновации, гостиничные услуги, инфраструктура, гостиничные продукты, умные технологии, маркетинг, персонал отелей.

Abstract. the article focuses on the development of economic mechanisms for innovative services in Bukhara hotels, the use of foreign experience and the wide range of measures implementation in our country. The development of new innovative services in Bukhara hotels and their effective use will focus on the prospects of tourism development in the region. Purpose of the research work is to the analysis and comments on the economic performance of new innovative services in hotels.

Keywords: innovation, hotel services, infrastructure, hotel products, smart technologies, marketing, hotel staff.

Introduction. In beginning of the 21st century is characterized by a significant increase in the movement of people due to the growing demand for various types of recreation, the development of business and cultural ties, which determines the growing role of tourism in the world. Thus, over the past ten years, the volume of tourist arrivals in the world has increased by almost 40%, reaching 1.2 billion people by 2015, revenues from world tourism amounted to 1.245 trillion US dollars, which corresponds to 30% of world exports of services. According to the forecasts of the World Tourism Organization, the volume of world tourist arrivals by 2020 will exceed 1.5 billion people. [17].

As part of the super structure of tourism, the hotel infrastructure occupies a special place and is the center of the formation of the modern tourist market: in the structure of tourist expenses, the share of hotel services ranges from 17% to 30% after goods and transport costs.

Currently, the hotel business is one of the most developed business not only in Uzbekistan but also directly throughout the world. The development of the hotel market is especially pronounced in the regions of Uzbekistan, especially in Bukhara hotels where the demand for hotel services is increasing, and a limited number of companies offer quality accommodation. One of the ways to improve the quality of hotel services and the loyalty of guests can be called the introduction of innovations. But many enterprises either do not know about the innovations that can be applied in the hotel, or refuse them due to the high price.

In order to understand the role and value of innovations in the hotel business, as well as to assess the volume of costs for their implementation, we will consider the concept of innovation, the specifics of innovation as applied to the hotel industry, the innovations themselves that exist on the market and their cost.

4. Czinkota and Kotabe (2012). The effect of competitive advertising interference on sales of package goods. Journal of Marketing Research, 45(2), 211-225
5. Armstrong, E. 2014. How Clicks (Almost) Killed Display Advertising: A Brief History. [online] Whitehorse. Available at: <http://www.whitehorse.com/blog/displayadvertisinggame-theory.aspx> - How Clicks (Almost) Killed Display Advertising: A Brief History [Accessed in May 2015]
6. <https://adindex.ru/news/researches/2019/02/1/231159.phtml>
7. https://www.cnews.ru/news/top/2020-09-03_rossijskij_rynok_reklamy
8. <https://www.statista.com/statistics/253886/annual-outdoor-advertising-revenue-in-the-us/>
9. <https://datareportal.com/reports/digital-2020-uzbekistan>
10. <https://www.statista.com/statistics/278414/number-of-worldwide-social-network-users>
11. <https://gs.statcounter.com/social-media-stats>
12. Report on the financial results of the Samarkand regional television and radio company for 2019.
13. Document on the cost of advertising of the Samarkand regional television and radio company.

УЎК 33

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТ БЮДЖЕТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Р.А. Артикова, ассистент, Тошкент Давлат транспорт университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда солиқ тизими, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, уларнинг мамлакат бюджетидagi аҳамияти ёритиб берилган.

Калим сўзлар: солиқ, солиқ тизими, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, маҳаллий бюджет, миллий иқтисодиёт.

Аннотация. В данной статье освещается налоговая система в национальной экономике, местные налоги и сборы, их значение в бюджете страны.

Ключевые слова: налог, налоговая система, местные налоги и сборы, местный бюджет, национальная экономика.

Abstract. This article highlights the tax system in the national economy, local taxes and fees, their importance in the country's budget.

Keywords: tax, tax system, local taxes and levies, local budget, national economy.


Солиқ сиёсати давлат томонидан миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатадиган асосий иқтисодий дастаклардан биридир. Солиқ тизими давлат эҳтиёжларини давлат ва бошқарув органлари томонидан ташқи ва ички давлат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини сақлаш, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш учун зарурдир.

Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга ва бошқа мажбурий тўловларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, муҳофаза, хавфсизликни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор шу каби стратегик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши талаб этади. Кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, улар бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобланади.

Мамлакатнинг солиқ қонунчилиги, давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий актларига мувофиқ ўрнатилган ҳамда тегишли маҳаллий ҳудудда тўланиши шарт бўлган солиқ ва йиғимларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар дейилади.

Давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискал аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб маҳаллий солиқ ва йиғимлар иккига бўлинади:	
қонунчилик ҳокимият органи томонидан жорий этиладиган ва мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;	маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорига мувофиқ жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.


Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, улкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.



Бу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича конкрет ставкалар давлат ҳокимият органларининг қарорига мувофиқ белгиланади. Уларни ундириш ва тўлаш тартиби тегишли орган (масалан, Давлат солиқ қўмитаси) томонидан ишлаб чиқилган йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.



Иккинчи гуруҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларга нисбатан ягона йўриқноманинг бўлиши мумкин эмаслиги сабабли тегишли ваколатли органлар (Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар) алоҳида олинган маҳаллий солиқлар ва йиғим-лар бўйича намунавий низом (йўриқнома) ишлаб чиқишлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилишда ундан фойдаланиш тавсия этилмоғи лозим.

Умумий қилиб айтганда, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар – маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари бўлиб, уларнинг таркибига: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар кирди.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Маҳаллий солиқ ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади, уларнинг миқдори, ставкалари, ундириш тартиби, солиқдан имтиёзлар бериш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан, амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади. Мол-мулк ва ер солиғи ЎзР қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқларнинг ставкалари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Маҳаллий солиқ ва йиғимларга оид ҳуқуқий муносабатлар ЎзР нинг Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетларга тушумлари катта эмаслигига қарамай, улар бюджетга маблағлар манбаларидан бири бўлиб, тегишли ҳудудий бирликлар (шаҳар, туман ва бошқалар) нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Маҳаллий бюджетлар транспортни ривожлантириш, турли ижтимоий инфратузилма объектларини куриш, шаҳарларни реконструкция қилиш, йўллар ва паркларни ободонлаштириш ва ҳоказолар харажатларини молиялаштиради.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тизимини яратишнинг назарий асосларининг йўқлиги, шунингдек давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ягона солиқ меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш маҳаллий солиқларни солиқ маъмурчилиги муаммоларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва маҳаллий солиқларни бошқаришни такомиллаштириш лозим. Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти бевосита уларнинг қуйидаги функцияларни бажарилиши орқали намоён бўлади:

1) маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватловчи пул фондларини шакллантириш;

2) пул маблағларининг иқтисодиёт тармоқлари ўртасида тақсимланиши ва улардан фойдаланиш;

3) маҳаллий ҳокимият органларига қарашли турли мулкчилик шаклидаги ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш;

4) жамиятнинг ижтимоий инфратузилмасини сақлаш ва ривожлантириш учун давлат маблағларини тақсимлаш.

Маҳаллий солиқлар нафақат маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий мустақиллигининг кафолати, балки мамлакатнинг таркибий тузилмалари манфаатларини таъминлайдиган солиқлар ва йиғимлар тизимини шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т., Ўзбекистон, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
3. Ваҳобов А., Сирожиiddинова З. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. –Тошкент: Молия, 2011.
4. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2010.
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-soliq-va-yigimlar-uz>

УЎТ: 333+664.8

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.У. Ачилов, ассистент, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада мева-сабзавотчилини модернизациялаш бўйича мавжуд муаммолар келтирилган бўлиб, уни давлат томонидан қўллаб қувватлаш юзасидан илмий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. Мева-сабзавотчилик, модернизация, инновацион технологиялар, интенсификация, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми, табиий-иқлим шароити, имтиёзлар, субсидия.

Аннотация. В статье приведены имеющийся проблемы в плодовоощеводстве и разработаны научно-обоснованные и практически значимые рекомендации по государственные поддержки модернизации плодовоощеводства.

Ключевые слова: плодовоощеводства, модернизация, инновационные технологии, интенсивное садоводства, механизмы государственной поддержки, природно-климатические условия, преференции, субсидия.

Abstract. The article presents the existing problems in fruit and vegetable growing and developed scientifically grounded and practically significant recommendations for state support for the modernization of fruit and vegetable growing.

Key words: horticulture, modernization, innovative technologies, intensive gardening, mechanisms of state support, natural and climatic conditions, preferences, subsidies.

Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан мева-сабзавотчилик тармоғини модернизация қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сонли қарори [2] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-52-сонли қарорлари [3] мева-сабзавотчилик тармоғини тубдан модернизациялаш борасида давлатнинг қўлла-қувватлаш сиёсатини аниқ белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлардан ҳисобланади. Сўнги йилларда мева-сабзавотчилик экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардаги самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча қувватлар ишга туширилди, давлат бюджетидан молиявий ресурслар сафарбар этилиши билан бирга халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда. Айниқса, мева-сабзавотчилик тармоғида интенсив ривожланиш йўлига ўтиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамадан мева-сабзавотчиликни модернизация қилиш ва уни интенсив ривожлантиришда бир қатор муаммолар ханузгача сақланиб қолмоқда, жумладан:

- замонавий инновацион технологиялар, етиштирилган маҳсулотни самарали транспортировка қилиш учун зарур махсус техника воситаларининг етишмаслиги, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларининг етарли эмаслиги оқибатида пишиб етилган мева ва сабзавот маҳсулотлар аксариятининг нобуд бўлиши;

- мева ва сабзавот экинларини экишдан то уни йиғиштириб олгунга қадар бўлган агротехник тадбирларни, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришга имкон берувчи замонавий инновацион технологияларни жорий этишга асосланган машиналар тизими ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмаганлиги;

- мева-сабзавот ишлаб чиқарувчиларнинг юқори ҳосилдорликка эга ва сифатли сабзавот навларининг уруғи, мевали дарахтлар кўчати билан қониқарли равишда таъминланмаганлиги, бундай уруғ ва кўчатлар асосан импорт қилиниши, мамлакатимизда юқори сифатли сабзавот уруғчилиги ва мевали дарахтлар кўчатчилиги ҳозиргача яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- кам сув талаб қилувчи, касаллик ва зараркундаларга чидамли ҳосилдорлиги юқори сабзавот экин навлари, мевали дарахт кўчатларини яратиш, инновацион агротехнологиялар бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишларининг йўқлиги, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро узвий муносабатларнинг ханузгача паст даражада эканлиги;

- мева-сабзавот тармоғининг барча бўғинларида замон талабига тўла жавоб берадиган юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги, замонавий билимларга эга малакали мутахассисларини тайёрлаш ишлари етарлича йўлга қўйилмаганлиги;

- мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий салмоғи (60-70 фоизи) деҳқон хўжалиқлари томонидан етиштирилаётганлигига қарамадан, уларда ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, мини техника воситалари билан, сифатли кўчат ва сабзавот уруғлари ҳамда бошқа зарур ресурслар билан таъминлаш масаласи эътибордан четда қолаётганлиги ва бошқалар.

Бу муаммоларнинг барчасини ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш учун уни давлат томонидан мувофиқлаштирилиши талаб этилади. Бундан асосий мақсад мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи субъектлар ҳам бозор талаблари доирасида арзон, сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни истеъмолчига таклиф этиш орқали кам харажат эвазига юқори фойда олишларига кенг имкониятлар яратишдан иборат. Шу боис, аграр секторда мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва уни жадал ривожлантириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини доимий такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Умуман олганда, мева-сабзавотчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бу соҳани барқарор ривожлантиришга, саноатни хомашёга ва аҳолини сифатли озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга ҳамда пировард натижада кишлоқ хуудларини ҳар томонлама ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир.

Мева-сабзавотчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими бир неча тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади, жумладан, тармоқда фаолият юритувчи барча субъектлар учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлардан тенг ҳуқуқли тарзда фойдалана олиш имконияти, давлат томонидан бериладиган маблағ ёки имтиёзнинг манзиллилиги, давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг кафолатланганлиги, давлат бюджети маблағларини олишда ва фойдаланишда унинг мақсадлилиқ тавсифига эга бўлиши ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган тамойиллар билан биргаликда мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни яна иккита муҳим ёндошув асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. **Биринчидан**, ҳозирда юзага келган барча муаммоларни қайси даражада ҳал этиш мумкинлиги бўйича тақсимлаб олиш лозим, яъни давлат миқёсида ҳал этиладиган муаммоларга, тармоқ миқёсида ҳал этиладиган муаммоларга ва хўжалик ёки корхона миқёсида ҳал этиладиган муаммоларга ажратиб олиш ҳамда ундан келиб чиққан ҳолда мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини ана шу учта даражада алоҳида йўналишлар бўйича амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни хуудларнинг табиий-иқлим, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда табақалашган ҳолда амалга ошириш юқори самара беради. Аксарият ҳолатларда вазирлик, маҳаллий хокимият органлари томонидан айрим экин турларини табиий-иқлим шароитларига мос келмаса ҳам жойлаштирилиши, насос билан суғориладиган фермерлар билан оқар сув билан таъминланган фермерларга бир хил имтиёз ва субсидиялар ажратилиши нафақат давлат маблағлари, балки ишлаб чиқарувчилар маблағларининг самарасиз фойдаланилишига олиб келмоқда.

Биз тадқиқотларимиз давомида хуудларнинг табиий-иқлим, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларни 4 та гуруҳга ажратиб олдик, булар:

1. Мелиоратив ҳолати ёмон, ирригация тизими ярқисиз ва шўрланган ер майдонларда фаолият олиб борувчи хўжаликлар;
2. Қисман ёки тўлиқ насослар ёрдамида суғориладиган ер майдонларда фаолият олиб борувчи хўжаликлар;
3. Сув таъминоти ёмон бўлган ер майдонларда фаолият олиб борувчи хўжаликлар;
4. Маҳсулот сақлаш омборлари ва қайта ишлаш цехларига эга бўлмаган ва бундай инфратузилма объектларидан узоқда жойлашган хўжаликлар.

Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни мана шу хўжаликларнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши юқори самара беради деб ҳисоблаймиз. Мелиоратив ҳолати ёмон, ирригация тизими ярқисиз ва шўрланган ер майдонларда фаолият олиб борувчи хўжаликларда кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имкони чекланган бўлса, деҳқончилик юритишда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг юқори бўлишига олиб келади. Насослар ёрдамида суғориладиган ер майдонларда фаолият олиб борувчи хўжаликларнинг суғоришда насослардан фойдаланишда ёқилғи мойлаш материаллари сотиб олиш, электр энергияси сарф-харажатлари юқорилиги туфайли маҳсулот таннархини ортиб кетиши оқибатида даромад кам бўлишига олиб келади. Бундан ташқари мавжуд насосларнинг ҳам маънавий ва ҳам жисмонан эскирганлиги туфайли таъмир талаблилиги, ёнилғи ва электр энергиясидаги узилишлар туфайли сув таъминотидаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Сув таъминоти ёмон бўлган ер майдонларда фаолият олиб борувчи хўжаликлар асосан ариқ ва каналларни охирида жойлашган ёки сув чиқариш қийин кир-адирликларда жойлашганлиги

туфайли сув таъминотидаги сурункали узилишлар туфайли сабзавот экинларини ва мевали кўчатларни куриб қолишига, етиштирилган ҳосилни нобуд бўлишига сабаб бўлади. Маҳсулот сақлаш омборлари ва қайта ишлаш цехларига эга бўлмаган ва бундай инфратузилма объектларидан узоқда жойлашган хўжаликларда мева-сабзавот маҳсулотлари айна пишиб етилган пайтда унинг асосий қисмининг нобуд бўлишига, хўжаликлар кўзланган даромадни ололмаслиги натижасида молиявий ҳолатининг паст бўлишига олиб келади.

Мелиоратив ҳолати ёмон, ирригация тизими яроқсиз ва шўрланган ер майдонларда фаолият олиб боровчи хўжаликлар учун: хўжалик томонидан ерларни мелиортив ҳолатини яхшилаш тадбирлари учун сарфлаган харажатларнинг камимда 50 фоизини, шароити жуда оғир бўлган хўжаликлар учун эса 100 фоизгача қоплаб бериш; ушбу жойларда иссиқхона ташкил этиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш; ерларни унумдорлигини оширганлик учун балл-бонитетига мутаносиб равишда солиқ юқини камайтириб бориш.

Қисман ёки тўлиқ насослар ёрдамида суғориладиган ер майдонларда фаолият олиб боровчи хўжаликлар учун: насослар томонида йиллик ёнилғи ёки электр энергияси сарфидан келиб чиқиб, пасайтирилган нархларда давлат томонидан лимитлар ажратиш амалиётига ўтиш; насос харажатларини давлат томонидан 50 фоизгача субсидиялаш ёки харажатга мутаносиб равишда солиқдан озод этиш; шароити жуда оғир ҳудудларда жойлашаган насосларни ирригация-тизими корхоналари балансига ўтказиш ва бошқалар.

Сув таъминоти ёмон бўлган ер майдонларда фаолият олиб боровчи хўжаликлар учун: сув тежовчи технологияларни жорий қилган хўжаликлар учун харажатларнинг 80 фоизгача қоплаб бериш. Ёки паст фоизли имтиёзли кредитлар ажратиш; артезиан қудуқларни қазиш учун кетган харажатларни қоплаб бериш ёки 5 йилгача солиқдан озод этиш. Маҳсулот сақлаш омборлари ва қайта ишлаш цехларига эга бўлмаган ва бундай инфратузилма объектларидан узоқда жойлашган хўжаликлар учун эса хўжаликларга ихчам музлаткичли омборлар ва мини қайта ишлаш цехларини куришлари учун паст фоизли имтиёзли мақсадли кредитлар ажратиш; сақлаш ва қайта ишлаш кооперативлар ташкил этишда турли имтиёзлар бериш ва хоказо.

Мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялашда бундай табақалашган ёндошув асосида қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилиниши, амалга оширилаётган чора-тадбирларни манзилли бўлишига ва давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги бирмунча ошириш билан бирга шароити нисбатан оғир бўлган хўжаликларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган таклифларни амалиётга жорий этиш орқали мева сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялашни жадаллаштириш, мева-сабзавот ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари сифати ва ҳажмини кескин оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-52-сонли қарори.
4. Мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш бўйича вазифалар белгиланди. Электрон режим. Сайт: <https://uz.uz/posts/meva-sabzavotchilik-klasterlarini-samarali-tashkil-ilish-b-y-14-02-2020>
5. Попова Е.В. Основные направления модернизации российской экономики // <http://bujet.ru/article/98452.php>
6. <https://www.agro.uz>

УЎК 332.14

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Д.И. Ибадуллаев, ўқитувчи, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада инвестиция салоҳиятининг минтақавий хусусиятлари, капитал қўйилмалар, асосий капитални шакллантириш ва уларга киритилган инвестицияларни аҳамияти, шунингдек ички ва ташқи инвестицияларнинг ўзига хос жиҳатлари чуқур таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Инвестиция, ҳудуд, салоҳият, инвестиция салоҳияти, ички инвестициялар,

худудий инвестициялар, асосий капитал.

Аннотация. В статье подробно анализируются региональные характеристики инвестиционного потенциала, капиталных вложений, важность накопления основного капитала и вложений в них, а также особенности внутренних и иностранных инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, регион, потенциал, инвестиционный потенциал, внутренние инвестиции, региональные инвестиции, основной капитал.

Absrtact. This article provides an in-depth analysis of the regional characteristics of investment potential, capital investments, the importance of fixed capital formation and investments in them, as well as the specifics of domestic and foreign investment.

Key words: investment, region, potential, investment potential, domestic investment, regional investment, fixed capital.

Мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш, унинг юқори ўсиш суръатларига эришиш мавжуд омил ва манбаларга боғлиқ. Шундай бўлсада, уларнинг мавжудлиги эмас, балки омиллардан фойдаланиш ҳамда уларнинг ўзаро узвийлигини таъминлаш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Мазкур масалалар эса яхлит ҳолда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, миллий иқтисодий тизимнинг имкониятлари, улардан жорий ва истиқболдаги фойдаланиш йўллари ривожланиш асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш” - иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Мамлакат салоҳиятини ифодалаш, у билан боғлиқ жараёнлар турли жиҳатларга қараб ифодаланади. Яъни, салоҳиятни тадқиқ этиш жараёни тизимли, таркибий турларга эга.

Мамлакат салоҳияти тизимли жиҳатдан ўрганилганда улар ўзаро боғлиқ бир нечта унсурлардан ташкил топганлигига эътиборга олиб, таркибий тузилишда эса, бир қатор жиҳатлари бўйича худудий жиҳатларига мувофиқ тадқиқ қиламиз.

Фикримизча, инвестиция салоҳияти билан боғлиқ тушунчаларни ўрганишда миқдорий ва омилли йўналишдаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Жумладан, инвестиция салоҳиятини ўрганиш билан боғлиқ берилган таърифларда моддий ёки миқдорий жиҳатлар эътиборга олинганда, тўғридан-тўғри инвестиция ҳажми ёки манбалари ҳисобга олинади. “Инвестиция салоҳияти” тушунчаси фойда олиш ёки бошқа иқтисодий натижаларга эришиш мақсадида узоқ муддатли активларга, шу жумладан, қимматли қоғозларга маблағлар киритиш имконияти даражасини ифодалайди [1]. А.Е.Дворецкая фикрича эса, инвестиция салоҳияти – инвестициялаш учун мавжуд барча манбалар йиғиндиси ҳисобланади [2].

Н.С.Юрлова инвестиция салоҳияти – бу иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун зарурий ва етарли инвестиция ресурси ҳажмини бирлаштириш имкониятини ифодалайди, деб таъриф берган [3].

А.К.Аймухаммедова ички инвестиция салоҳиятига тўхталиб ўтган [4]. Унинг фикрича, ички инвестициялар миллий иқтисодий тизим учун муҳим ҳисобланади. Ички инвестиция салоҳияти – мамлакатдаги аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларидан иборат, деб таъриф берилган.

Фикримизча, инвестиция салоҳиятини якуний натижаси инвестиция ҳажми билан белгилансада, унинг ҳолати биргина манбаларга боғлиқ эмас. Яъни, манбаларни ҳаракатлантирувчи соҳаларга ҳам эътибор беришимиз зарур. Хусусан, инфратузилма салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, табиий-географик салоҳият кабиларни ҳам эътиборга олган таърифлар нисбатан тўлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, А.М.Содиқов фикрича, минтақанинг инвестиция салоҳияти худуднинг табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий ҳолати билан белгиланади [5].

Н.Р.Ражабов томонидан берилган таърифга кўра, худуд инвестиция салоҳияти – бу худуднинг ривожланиш даражаси бўлиб, унга кўра худуд ўзининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали фойдаланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб бориши ҳисобланади [6].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инвестиция салоҳиятини ошириш охир-оқибат чекланган ресурслардан максимал фойдаланиш имкониятини яратади. Яъни, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро самарали фаолиятини таъминлайди. Шу ўринда, аҳоли эҳтиёжи билан боғлиқ таърифлар ҳам келтириб ўтилган.

И.В.Арсентьева фикрича, инвестиция салоҳияти – барча жамғарма манбалари ҳисобидан уларнинг чекланганлиги шароитида иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда улардан турли мулкчилик кўринишларида самарали фойдаланишда аҳоли эҳтиёжини нисбатан тўлиқ қондириш имкониятлари, дея таърифланган [7].

Шунингдек, бир гуруҳ олимлар [8] инвестиция салоҳиятини микродаражада тадқиқ этишган бўлиб, улар фикрича, фирмаларнинг инвестиция салоҳияти акционерлик капиталини ошириш имкониятидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалга оширилган тадқиқотларни кўрсатишча инвестиция салоҳиятини аниқлашда нафақат давлатнинг молиявий имкониятлари, балки, молия бозори ва унинг алоҳида элементлари, хусусий секторнинг молиявий имкониятлари ҳам инobatга олинади [2]. Яъни, ушбу циклик жараён қуйидагиларни ўз ичига олади: дастлаб фирма ўзининг инвестиция салоҳиятини аниқлайди; фирмалар салоҳиятини молиялаштириш учун қўшимча капитал жалб этади; фирма инвестиция қилади; корхона маҳсулот ишлаб чиқаради ва реализация қилади.

Мамлакатнинг яхлит салоҳияти минтақалар, улар эса корхоналар, уй хўжаликлари ҳамда иқтисодий субъектлар салоҳиятини ўз ичига олади. Бу ўринда, минтақа салоҳиятини кўриб ўтиш муҳим. Чунки, миллий иқтисодий тизим ва иқтисодий бирликларнинг ўзаро узвийлигини таъминловчи бўғин худудий тизим ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўрсатишча, барқарор ривожланишни таъминлаш янги технологиялар, яъни инновацион иқтисодиёт барпо этишга бевосита боғлиқ экан. Бу масалани икки жиҳат билан ифодалаймиз. Улар моддий ва маънавий жиҳатлар ҳисобланади. Моддий асосини капитал қўйилмалар ташкил этса, маънавий асосини инсон капитали ташкил қилади. Шундай бўлсада, ҳар икки масала моддийлик борасида бирлашади ва бу инвестиция омили ҳисобланади.

Хусусан, капитал қўйилмаларни, асосий капитални шакллантириш ҳамда уларни ривожлантиришда асосий капиталга киритилган инвестициялар орқали амалга оширамиз. Ўз навбатида, инсон капиталини шакллантириш ҳамда ривожлантириб бориш ҳам инсон омилини такомиллаштиришга қилинган сарфлар орқали ифодалаймиз. Демак, инновацион иқтисодиётни барпо этишда минтақанинг инвестиция омилини, салоҳиятини тадқиқ қилиш зарур. Инвестиция салоҳияти тушунчасини тадқиқ этиш билан боғлиқ изланишларни таҳлил қилишдан аввал “салоҳият” тушунчасига тўхталиб ўтиш лозим.

“Салоҳият” одатда мазмун ва моҳияти жиҳатидан имконият маъносини ифодалайди. Шундай бўлсада, ушбу тушунча соҳа ва воқелик билан боғлиқ равишда хусусий тавсифга ҳам эга ҳисобланади. Фикримизча, иқтисодий соҳада “салоҳият” тушунчаси тегишли тизимнинг мавжуд ва келгусидаги ривожланиши учун асос бўлувчи манбалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини ифодалайди. Манбаларни эса, жорий ва истикболли хусусиятга қараб икки иқтисодий тушунчаларга бўламиз. Яъни, иқтисодиётдаги омил ва захираларга ажратамиз. Омиллар бугун фойдаланиш йўлга қўйилган манбаларни ўз ичига олса, захира аниқланган ёки фойдаланиш йўналишида аниқланган бўлсада, қўлланиш борасида етказилмаган манбалардир. Демак, салоҳият иқтисодиётнинг фундаментал масаласи – чекланган ресурсларни ҳисобга олиб, чекланмаган эҳтиёжларни қондиришни ҳамда барқарорликнинг бош мақсади – истикболдаги талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб жорий истеъмолни қондиришни ўз ичига олар экан. Шу ўринда, салоҳият иқтисодиёт барқарорлиги, унинг ривожланиши ҳамда мутаносиблиги билан тўғридан-тўғри боғлиқликни ифодалайди.

Кенг маънода “салоҳият” тушунчаси муайян вазифа ёки мақсадга эришиш учун ишга солиниши ёки фойдаланилиши мумкин бўлган манбалар, имкониятлар, воситалар ёки захиралардан иборат бўлади [1].

Салоҳият нафақат бутун иқтисодий тизимнинг балки унинг унсурларини ҳам алоҳида имкониятларини ифодалашда ҳам фойдаланилар экан. Бу борада, салоҳиятни иқтисодий тизим нуқтаи назаридан горизонтал ва вертикал тарзда ифодалаймиз. Горизонтал турида иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари салоҳиятини тадқиқ этамиз. Яъни, саноат салоҳияти, қишлоқ хўжалиги салоҳияти, хизматлар салоҳияти кабиларни ўрганамиз. Вертикал тарзда эса, бирмунча мураккаб тизим юзага келиб, унинг бир қатор белгилари бўйича турларга ажратамиз. Худудийлиги бўйича: мамлакат, минтақа, корхона, уй хўжалиги салоҳиятини ўргансак, омилли жиҳатлари бўйича меҳнат салоҳияти, инвестиция салоҳияти, табиий ресурслар салоҳияти, тадбиркорлик салоҳияти сифатида таҳлил қиламиз.

Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши натижасида инвестиция салоҳияти билан боғлиқ тушунчалар ҳам ўзгариб борди. Жорий вақтга келиб, инвестициялар нафақат молиявий масалаларни, балки инновацион фаолият билан ҳам ўз узвийлигини акс эттирмоқда. Шу боис, инновацион-инвестицион фаолият ва салоҳиятни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Юқорида амалга оширилган тадқиқотларни умумлаштириб, инвестиция салоҳиятига муаллифлик таърифни берамиз. Инвестиция салоҳияти – инвестиция омилини барча манбалари ҳисобидан жалб этишга қаратилган ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва табиий имкониятлари йиғиндиси ва уларни қўллаш даражаси ҳисобланади. Кенг маънода эса, инвестиция салоҳияти ҳудуднинг институционал, инновацион, табиий-ресурс, географик-жойлашув, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма салоҳиятларининг инвестициялар кўламини ошириш борасидаги самарали мажмуи бўлиб, минтақанинг барқарор ривожланиш йўналишида фойдаланиш имкониятларидир.

Инвестиция салоҳиятини алоҳида бир бутун тизим сифатида ажратиб ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бунда, инвестиция салоҳиятининг унсурлари, улардан оқилона ва мақбул фойдаланиш чора-тадбирларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, инвестиция салоҳияти ва уни ташкил этувчилар фаолиятини тадқиқ этишда тизимли ёндашув талаб этилади. Бунда инвестиция салоҳиятини реал ва потенциал турларга ажратишни тавсия қиламиз. Жумладан, жалб этилиши режалаштирилган инвестиция ҳажми билан ҳақиқий инвестиция ўртасида фарқ мавжуд. Мазкур фарқ, инвестиция салоҳиятини реал ва потенциал турларга ажратиш учун асос ҳисобланади. Потенциал инвестиция салоҳиятини шакллантириш ва аниқлаш миллий иқтисодий тизим молиявий имкониятлари асосида белгиланади. Реал инвестициялар эса, ундан амалга оширилган, яъни молиялаштириш манбалари ҳисобига жалб этилган ички инвестициялар даражаси билан белгиланади. Шундай бўлсада, ҳар бир иқтисодий тизим инвестиция салоҳиятини оширишга, унинг потенциал даражасига етказишга интилади.

Инвестиция салоҳияти иқтисодий тизим даражаси нуқтаи назаридан уч босқичга ажратамиз. Улар, макродаржада – мамлакат иқтисодиёти; мезодаражада – минтақа иқтисодиёти; микродаржада – аниқ бир хўжалик субъектининг фаолиятига бўлинади. Шу билан бирга, мазкур даражаларнинг инвестиция салоҳиятига таъсир қилувчи омиллари ҳам ўзига хос бўлиб, юқоридаги жиҳатларига мувофиқ ўзгариб боради.

Фикримизча, инвестиция салоҳиятига таъсир қилувчи омилларни юқоридаги таснифий белгиларни уйғун ҳолатда минтақа миқёсида қуйидаги кўринишда келтириб ўтамиз:

1) бошқарув-ҳуқуқий шарт-шароитлар (мазкур омил асосида минтақада мавжуд инвестицион фаолият учун яратилган шароитлар, ҳуқуқий имтиёз ва асослар, минтақада ташкил этилган саноат ҳудудлари, эркин иқтисодий ҳудудларни эътиборга оламиз);

2) иқтисодий конъюнктура (ЯҲМ, унинг таркибидаги соҳа ва тармоқларнинг улуши, реал секторнинг ўрни, саноат тармогининг ривожланганлик даражаси, йирик бозорларнинг мавжудлиги, халқаро аҳамиятга эга транспорт йўлларининг мавжудлиги, табиий ресурс салоҳияти);

3) сиёсий муҳит;

4) ижтимоий муҳит (аҳоли турмуш тарзи, таълим тизими ва ижтимоий инфратузилманинг ҳолати, аҳоли сони ва таркиби);

5) табиий-географик ҳолат ва экологик вазият.

Минтақанинг инвестиция салоҳияти юқоридаги мезонлар билан бирга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам боғлиқдир.

Юқорида билдирилган қарашларни умумлаштирган ҳолда минтақа иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омилларни эндоген ва экзоген ёки билвосита ва бевосита (ёхуд ички ва ташқи) тарзда таснифлашни таклиф этамиз. Жумладан, эндоген омиллар қаторида ҳудудда жойлашган омилларни ҳисобга оламиз. Улар: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда уларнинг таркибий тузилиши; мавжуд табиий-ресурслар, географик жойлашуви; меҳнат ресурслари сони ва уларнинг таркиби, инсон капиталининг ривожланганлик даражаси; инновацион фаолиятнинг иқтисодиётдаги кўлами ва инновацион инфратузилма; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма. Экзоген ёки ташқи омиллар таркибига қуйидаги омилларни киритишни таклиф қиламиз: мамлакатдаги инвестиция сиёсати; минтақанинг инвестиция стратегияси; сиёсий муҳит; ҳудуд иқтисодиётининг хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги; мамлакатдаги сиёсий муҳит; иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик; давлат бюджети ҳолати ва унинг ИТТКИХларга йўналтирилган маблағлар.

Шунингдек, инвестиция сиёсати ҳар бир минтақада унинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Хусусан, Хоразм вилояти учун ишлаб чиқилган инвестиция сиёсатида қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

Хоразм вилоятининг тарихий туризм салоятининг мавжудлиги ва унинг инфратузилма фаолиятини ривожлантириш;

Худуднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш салоҳиятининг юқорилиги ва уларни қайта ишлаш саноатини, жумладан, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг жорий ҳамда истиқболдаги хом ашё базасининг мавжудлиги;

Кўшни минтақаларнинг бой табиий-ресурслари ҳамда уларни ташиб келиб қайта ишлаш саноатини ривожлантириш учун инновацион инфратузилманинг мавжудлиги, жумладан, Хоразм вилояти табиий ва аниқ фан соҳалари бўйича етакчи имкониятларга эгаллиги;

Экотуризм ва тиббий туризмни ривожлантириш бўйича табиий салоҳиятининг етарлилиги.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Валиев Б.Б. Минтақаларни комплекс ривожлантиришда уларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш масалалари. “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиктисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар” онлайн, илмий-масофавий конференцияси тезислар тўплами. –Т.: 2020 йил 30 апрель. 522-529 б.
2. Воробьев Ю. Н., Воробьева Е. И. Инвестиционный потенциал экономики России: финансовые возможности развития // Известия Уральского государственного экономического университета. 2019. Т. 20, № 1. С. 41–60. DOI: 10.29141/2073-1019-2019-20-1-4.
3. Юрлова Н. С. Системный подход к управлению инвестиционным потенциалом // Успехи современной науки. Т. 5. № 3, 2017. С. 6–8.
4. Аймухаммедова А.К. Миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil.
5. Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198 – 201.
6. Н.Р.Ражабов. Худуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш //“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy electron jurnali. № 3, may-iyun, 2019 yil.
7. Арсентьева И. В. Классификация факторов инвестиционного потенциала России // Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд. 2010, №1-1. С. 164–168.
8. Yangyang Chen, Qingyuan Li, Jeffrey Ng, Chong Wang. Corporate financing of investment opportunities in a world of institutional cross-ownership //Journal of Corporate Finance. 2021, 69. <https://doi.org/10.1016/j.jcorpfin.2021.102041>.

УЎҚ 33

ПЕНСИЯЛАРНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Б.С.Маматов, доц., и.ф.н., Тошкент молия институтини, Тошкент

Аннотация. Мақолада амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан ва ундан кам пенсия олувчи шахсларнинг пенсия миқдорларига киритилган ўзгартиришлар кўриб чиқилган. Амалий мисоллар асосида белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун қўшимча тўловлар ҳисоб-китоби таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: пенсия, пенсия миқдори, энг кам пенсия миқдори, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори, боқувчисини йўқотганлик пенсияси, меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси, қўшимча тўлов, иш стаж.

Аннотация. В статье рассматриваются внесенные изменения размера пенсии для лиц, получающих пенсию в установленном минимальном размере пенсии по возрасту и ниже. На практических примерах проанализированы расчет пенсий для лиц, получающих пенсию в установленном минимальном размере пенсии по возрасту и ниже и на каждого нетрудоспособного члена семьи получателя пенсии по потере кормильца.

Ключевые слова: пенсия, размер пенсии, минимальный размер пенсии, базовая величина исчисления пенсии, пенсии по потере кормильца, нетрудоспособного члена семьи, дополнительные платежи, трудовой стаж.

Abstract. The article discusses the changes made to the amount of the pension for persons receiving a pension in the established minimum pension for age and below. Based on practical examples, the calculation of pensions for persons receiving a pension in the established minimum pension for age and below and for each disabled family member of a recipient of a survivor's pension is analyzed.

Key words: pension, amount of pension, minimum pension, basic amount of pension calculation, pensions for the loss of a breadwinner, disabled family member, additional payments, seniority.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, фуқаролар пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ҳар қандай давлат ва жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, инсонларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, уларнинг қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Халқаро меҳнат ташкилоти (International Labour Organization)нинг 2020-2022 йилларда бутунжаҳон

ижтимоий ҳимоя бўйича ҳисоботида қайд этилишича, «Барча ижтимоий тўловлар таркибида пенсиялар, айниқса, кексалар орасида камбағалликни камайтиришда муҳим рол ўйнайди ва аксарият пенсионерларнинг ягона даромад манбаидир» [3]. Шунингдек, «айни пайтда жаҳон миқёсида пенсия ёшидагиларнинг 77,5 фоизи ёшга доир пенсия билан таъминланган» [4]. Бироқ, аксарият мамлакатларда бундай тўловларнинг ҳажми кексаларнинг камбағалликдан қутулишига имкон бермайди. Пенсия таъминоти бўйича минтақалар, қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари, шунингдек, аёллар ва эркаклар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо мамлакатларда самарали пенсия тизимини ташкил этиш, пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий таъминотнинг минимал халқаро меъёрлари (даражаси)ни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу сабабдан ҳам жаҳоннинг аксарият мамлакатларида кўп даражали пенсия тизимини яратиш ва такомиллаштириш, ижтимоий таъминотнинг минимал халқаро меъёрларини таъминлашга оид талаблар асосида ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда энг кам пенсия миқдорларига киритилган ўзгартиришлардан хабардор бўлиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6241-сонли ҳамда 2021 йил 17 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-6279-сонли Фармонлари билан пенсияларнинг энг кам миқдорларига ўзгартиришлар киритилди.

1. Авваламбор ҳар бир Фармоннинг пенсияларнинг энг кам миқдорларига оид бандларини ёдга олиб ўтсак. *ПФ-6241 сонли Фармон* [1] Фармоннинг 1а-банди: белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча жорий этиш ҳамда ушбу Фармоннинг 1б-банди: боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6279-сонли Фармони [2] 2-бандига кўра:

- пенсияни ҳисоблаш базавий миқдори – ойига 289000 сўм;
- ёшга доир энг кам пенсиялар – ойига 565000 сўм;
- иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 440000 сўм;
- белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори – ойига 623000 сўм;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 440000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартиб (Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6241 сонли Фармон)га мувофиқ миқдорларда пенсия тўлаш белгиланган. Мазкур икки Фармонда белгиланган миқдорларнинг татбиқ этилишида қуйидагилар инобатга олиниши зарур. Жумладан:
 - пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдоридаги қўшимча тўлов иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори (амалда 282500 сўм) ва белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорлари (565000 сўм) ўртасидаги миқдорларда пенсия олувчиларга берилади. Бироқ пенсия миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдоринингнинг 20 фоизи миқдоридаги қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440000 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас, яъни пенсия миқдорига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдоринингнинг 20 фоизи миқдоридаги қўшимча тўловни қўшгандаги биргаликдаги миқдор 440000 минг сўмдан кам бўлса, пенсионерга 440000 сўм пенсия тайинланади;
 - ёшга доир ва ногиронлик пенсиялари (иш стажи етарли бўлмаган чоғдаги тайинланувчи пенсияларга ҳам тегишли) миқдорлари 565000 сўмдан 623000 сўм ораликда бўлса, уларнинг пенсиялари миқдорлари бир хил 623000 сўм деб белгиланди;
 - иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир ва ногиронлик пенсиялари миқдорлари 382201 сўмдан 564999 сўмгача бўлган ҳолда пенсияга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (57800 сўм) миқдоридаги қўшимча тўлов қўшилади;
 - боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун пенсияга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (57800 сўм) миқдоридаги қўшимча тўлов қўшилади. Агар боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун бўлинганда 440000 сўмдан кам бўлса, фақат бир нафар аъзо учун пенсия миқдори

440000 сўм деб белгиланади, қолган ҳар бир аъзо учун пенсияга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (57800 сўм) миқдорига қўшимча тўлов қўшилади.

Энди 2022 йилнинг 1 март ҳолатига пенсияларнинг энг кам миқдорлари мазкур Фармонлар бандлари асосида қанча бўлишини амалий мисоллар билан кўриб чиқамиз.

1-мисол: Фуқаро Алиев ёшга доир пенсия олади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия 565 000 сўм. ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича Алиевнинг пенсиясига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (289 000*20%), яъни 57800 сўм қўшимча тўлов берилади ва унинг умумий пенсия миқдори 622 800 сўмни ташкил этади. ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра эса белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори – ойига 623 000 сўм қилиб белгиланган. Шунинг учун Алиевнинг пенсияси қўшимча тўловлар билан 623 000 сўмни ташкил этади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия	ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича қўшимча тўлов билан белгиланган пенсия миқдори	ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган пенсия миқдори
565000	$565000+289000*20\%=622800$	623000
Юқоридаги уч қонун ҳужжати асосида ҳисобланган миқдор 623 000		

2-мисол: Фуқаро Валиева иш стажи тўлиқ бўлмаган ёшга доир пенсия олади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия 300 000 сўм. ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича Валиеванинг пенсиясига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (289 000*20%), яъни 57800 сўм қўшимча тўлов берилади ва унинг умумий пенсия миқдори 357800 сўмни ташкил этади. ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра эса иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 440000 сўм қилиб белгиланган. Шунинг учун Валиеванинг пенсияси қўшимча тўловлар билан 440000 сўмни ташкил этади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия	ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича қўшимча тўлов билан белгиланган пенсия миқдори	ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган пенсия миқдори
300000	$300000+289000*20\%=357800$	440000
Юқоридаги уч қонун ҳужжати асосида ҳисобланган миқдор 440000		

3-мисол: Фуқаро Алиева иш стажи тўлиқ бўлмаган ёшга доир пенсия олади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия 400000 сўм. ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича Алиеванинг пенсиясига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (289 000*20%), яъни 57800 сўм қўшимча тўлов берилади ва унинг умумий пенсия миқдори 457800 сўмни ташкил этади. ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра эса иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 440000 сўм қилиб белгиланган. Шунинг учун Алиеванинг пенсияси қўшимча тўловлар билан 440000 сўмни ташкил этади. ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича Алиеванинг пенсиясига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (289 000*20%), яъни 57800 сўм қўшимча тўлов берилиши муносабати билан пенсия миқдори 457800 сўмни ташкил этади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия	ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича қўшимча тўлов билан белгиланган пенсия миқдори	ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган пенсия миқдори
400000	$400000+289000*20\%=457800$	440000
Юқоридаги уч қонун ҳужжати асосида ҳисобланган миқдор $400000+289000*20\%=457800$		

4-мисол: Фуқаро Ғаниева боқувчисини йўқотганлик пенсияси олади, ўзи билан қўшиб ҳисобланганда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони 4 нафарни ташкил этади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия 2800000 сўм. ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1б-банди бўйича мазкур боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бирисига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи (289 000*20%*4), яъни 231800 сўм қўшимча тўлов берилади ва умумий пенсия миқдори 3031800 сўмни ташкил этади. ПФ-6279 сонли Фармоннинг мазкур вазиятга таъсир қиладиган банди йўқ. Шунинг учун Ғаниеванинг пенсияси қўшимча тўловлар билан 3031800 сўмни ташкил этади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия	ПФ-6241 сонли Фармоннинг 16-банди бўйича қўшимча тўлов билан белгиланган пенсия миқдори	ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган пенсия миқдори
2 800 000	$2800000+289000*20\%*4=3031800$	Фармонда мазкур ҳолат учун мезон белгиланмаган
Юқоридаги уч қонун ҳужжати асосида ҳисобланган миқдор		
$2800000+289000*20\%*4=3031800$		

5-мисол: Фуқаро Самиева боқувчисини йўқотганлик пенсияси олади, ўзи билан қўшиб ҳисобланганда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони 3 нафар. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия 1100000 сўм. ПФ-6241-сонли Фармоннинг 16-банди бўйича мазкур боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бирисига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи ($289\,000*20\%*3$), яъни 173400 сўм қўшимча тўлов берилади ва умумий пенсия миқдори 1273400 сўмни ташкил этади. ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра эса боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 440000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ миқдорларда пенсия тўлаш белгиланган. ПФ-6279-сонли Фармон бўйича қуйидаги ҳисоблашлар амалга оширилади:

мазкур пенсияни олувчи ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун тўғри келувчи миқдорни аниқлаймиз: $1100000/3=366666,7$ сўм.

Фармонда фақат 1 нафар меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун пенсия миқдори 440000 сўм қилиб белгиланиши, қолганлари учун эса пенсияни ҳисоблашнинг амалдаги тартиби бўйича ҳисобланган миқдорлар қолиши белгиланган. Шунинг учун пенсия миқдори қуйидагича бўлади: 1 нафар аъзо учун – 440000 сўм, қолган икки нафар аъзо учун биргаликда 733333 сўм ($366666,7*2$), умумий пенсия миқдори 1173333 сўмни ташкил этади. Бироқ бу ерда ПФ-6241-сонли Фармоннинг 16-банди бўйича, қолган 2 нафар аъзонинг ҳар бириси учун ҳам пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдоридаги устама, яъни 115600 сўм ($289000*20\%*2$) қўшилиши зарур. Шу билан мазкур боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг умумий миқдори 1288933 сўмни ташкил этади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия	ПФ-6241 сонли Фармоннинг 16-банди бўйича қўшимча тўлов билан белгиланган пенсия миқдори	ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган пенсия миқдори
1 100 000	$1100000+289000*20\%*3=1273400$	$440000+1100000*2/3=1173333$
Юқоридаги уч қонун ҳужжати асосида ҳисобланган миқдор		
$440000+1100000*2/3+289000*20\%*3=1288933$		

6-мисол: Фуқаро Самиев иш стажи тўлиқ бўлмаган ёшга доир пенсия олади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия 580 000 сўм. ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича Самиевнинг пенсиясига қўшимча тўлов берилмайди, чунки пенсия миқдори умумий белгиланган ёшга доир пенсия миқдори (565000 сўм)дан юқори. Бироқ, ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг пенсияси миқдори 623000 сўм бўлиши белгиланган, бу иш стажи етарли бўлмаган чоғдаги пенсиялар учун ҳам таалуқли. Шунинг учун Самиевнинг пенсияси 623000 сўмни ташкил этади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун шартлари бўйича унга ҳисобланган пенсия	ПФ-6241 сонли Фармоннинг 1а-банди бўйича қўшимча тўлов билан белгиланган пенсия миқдори	ПФ-6279 сонли Фармоннинг 2-бандига кўра белгиланган пенсия миқдори
580000 сўм	Фармонда мазкур ҳолат учун мезон белгиланмаган	623000 сўм
Юқоридаги уч қонун ҳужжати асосида ҳисобланган миқдор		
623000 сўм		

Ушбу ўзгартиришларда пенсиялар миқдорлари 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига, ойлик миқдорлар учун белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6241-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-6279-сонли Фармони.
3. Международное бюро труда. Доклад о социальной защите в мире в 2020-2022 годах: Региональный доклад по странам Центральной и Восточной Европы и Центральной Азии. – М.: МОТ, 2021. – С. 20.

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАРИ

У.Р. Матякубов, доцент, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Оролбўйи минтақаси ҳисобланган Хоразм вилояти туризм соҳаси кўрсаткичларининг 2010-2021 йиллардаги динамикаси асосида кўп омилли эконометрик моделдан фойдаланиб, уларнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Калим сўзлари: туризм, туристик хизматлар, эконометрик моделлаштириши, Хоразм вилояти, Оролбўйи минтақаси

Аннотация. В данной статье разработаны прогнозные параметры на 2022-2026 гг. используя многофакторную эконометрическую модель на основе динамики туристического сектора Хорезмской области, являющейся регионом Приаралья, в 2010-2021 гг..

Ключевые слова: туризм, туристические услуги, эконометрическое моделирование, Хорезмская область, Приаралье.

Abstract. This article uses a multifactor econometric model based on the dynamics of tourism in Khorezm region (which is included in Aral Sea region,) in 2010-2021, and develops their forecast parameters for 2022-2026.

Keywords: tourism, tourist services, econometric modeling, Khorezm region, Aral Sea region

Оролбўйи минтақасида туризмни стратегик ривожлантириш учун унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, улар ўртасида ўзаро боғланишлар кўринишини тадқиқ қилиш ҳамда шу асосда келгуси даврларга прогнозлаш муҳим аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон Республикасида туризм хизматлари ҳажмини прогнозини амалга ошириш учун етарли статистик маълумотлар етарли бўлмади. Шу сабабли, минтақада туристик хизматлар ҳажмининг прогнози, тадқиқотимизнинг иккинчи объекти бўлган Хоразм вилояти мисолида кўриб чиқилди.

Бугунги кунда маҳаллий тадқиқотчилар томонидан Хоразм вилояти баъзи туризм соҳаси кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Жумладан, соҳа олимларидан Д.Бекчанов ишларида туристик дестинацияда туристик талаб ўрганилиб мавсумий ARIMA модели асосида Хоразм вилояти Хива туристик дестинациясига ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар сонинг 2025 йилгача бўлган прогноз қийматлари ҳисоблаб чиқилган [1]. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам соҳани кейинги йиллардаги ривожига тўхталиб ўтиш, уни ривожлантиришда транспорт хизматларини ролини баҳоланган ҳолда соҳани кейинги йиллардаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқтилган [2]. Инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг дастлабки - инвестиция олди босқичи, фикримизча нисбатан кўп фарқли белгиларга эга, чунки у кейинги инвестициялаш ва фойдаланиш босқичларини амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини асослайди ва уни асосли прогнозлашга имкон беради [3].

1-жадвал

Омилларнинг статистик тавсифи

	LN(Y)	LN(X ₁)	LN(X ₂)	LN(X ₃)	LN(X ₄)
Mean (ўртача)	1.540747	11.64947	3.454767	2.023251	2.794011
Median (медиана)	1.481605	10.91509	3.401197	1.945910	2.197225
Maximum (максимум)	4.070735	14.78879	5.187386	4.127134	4.927254
Minimum (минимум)	-0.805927	10.06049	2.302585	0.000000	1.609438
Std. Dev. (стандарт четланиш)	1.428186	1.528655	0.859943	1.320449	1.239499
Skewness — S (Асимметрия коэффициент)	0.111406	1.000682	0.730909	0.162286	0.782378
Kurtosis — K (Экссесс коэффициент)	1.898126	2.339562	2.638440	1.882166	1.868516
Jarque-Bera (Жарка-Бера мезони)	1.105799	3.886435	1.984185	1.185537	3.262629
Probability (эҳтимолик)	0.575279	0.143242	0.370800	0.552795	0.195672
Sum (умумий йиғинди)	32.35568	244.6388	72.55010	42.48827	58.67424
Sum Sq. Dev. (стандарт четланишларнинг умумий йиғиндис)	40.79431	46.73569	14.79002	34.87174	30.72716
Observations (кузатувлар сони)	21	21	21	21	21

Хоразм вилоятининг туристик хизматлар ҳажми ва унга таъсир қилувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модел ишлаб чиқиш, моделни ҳар хил тестлар билан текшириш ҳамда статистик аҳамиятлилигини аниқлаб, келгуси даврларга прогнозлаш, соҳада стратегик ва оптимал

бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга имконини беради. Хоразм вилоятида туристик хизматлар ҳажмининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, вилоятга ташриф буюрган сайёҳлар (хорижий ва маҳаллий), жойлаштириш воситалари, туризм фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар (туроператорлар) ҳамда гид-эксурсаводлар сони каби омилларни келтириш мумкин.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда Хоразм вилоятининг туризм соҳаси фаолияти кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик модел тузиш учун 2001-2021 йиллар яъни 21 йиллик давр ораллигини қамраб олган куйидаги кўрсаткичлар натижавий ва таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди: натижавий омил - туристик хизматлар ҳажми, млрд.сўм - (Y), таъсир этувчи омиллар - ташриф буюрган сайёҳлар (маҳаллий ва хорижий) сони - (X₁), жойлаштириш воситалари сони - (X₂), туристик фаолият олиб бораётган ташкилотлар (туроператорлар) сони - (X₃), гидтаржимонлар сони - (X₄).

Ўзгарувчиларнинг ўлчов бирлиги турлича бўлгани ҳамда кўп омилли эконометрик моделнинг интерпретациясини (талқини) яхшироқ тушунтириш учун барча омиллар қийматларини натурал логарифмланди. Тадқиқотда давомида қўлланиладиган эконометрик таҳлил усулларини амалга ошириш учун махсус эконометрик моделлаштириш, статистик ва прогнозлаш дастури - EViews 9 дастуридан фойдаланилди. Кўп омилли эконометрик моделни тузишдан олдин омилларнинг статистик тавсифи кўриб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларида ҳар бир омил бўйича ўртача қиймати (mean), тенг иккига ажратувчи қиймати (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum), шунингдек ҳар бир омилнинг ўртача қийматдан қанчалик фарқ қилиши (Std. Dev (Standard Deviation)) кўрсатилган. Бундан ташқари жадвалда ҳар бир омилнинг назарий тақсимот эгри чизиғи нормал тақсимот эгри чизиғига нисбатан ўнг тарафда (S>0) ёки чап тарафда (S<0) жойлашганини билдирувчи ассимметрия коэффициенти (Skewness - S) ва ҳар бир омилнинг назарий тақсимот эгри чизиғи нормал тақсимот эгри чизиғига нисбатан баландроқ (K>0) ёки пастроқда (K<0) жойлашганини англаувчи эксцесс коэффициенти (Kurtosis - K) ҳамда ҳар бир омилнинг нормал тақсимотга мослигини тасдиқлаш учун ўтказиладиган тест Жарка-Бера мезони (Jarque-Bera) қийматлари келтирилди.

Кейинги босқичда кўп омилли эконометрик модел тузиб чиқилди. Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(Y) = \ln(\alpha_0) + \alpha_1 * \ln(X_1) + \alpha_2 * \ln(X_2) + \dots + \alpha_n * \ln(X_n) + \varepsilon \quad (1.1)$$

Бу ерда, Y – натижавий омил, X_i – таъсир этувчи омиллар (i = 1, n), ε – тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1.1) номаълум α₀, α₁, α₂, ..., α_n параметрларни аниқлашда “энг кичик квадратлар” усули қўлланилди. Кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблаш натижалари куйидаги 2 -жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Кўп омилли эконометрик модел параметрларининг ҳисоблаш натижалари

Variable (Ўзгарувчи)	Coefficient (Коэффициент)	Std. Error (Стандарт хатолик)	t-Statistic (t-Статистика)	Prob. (Эҳтимоллик)
C	-6,293560	1,701081	-3,699741	0,0019
LN _{X1}	1,626780	0,235352	6,912118	0,0000
LN _{X2}	1,225016	0,330917	3,701884	0,0019
LN _{X3}	0,860917	0,185438	4,642613	0,0003
LN _{X4}	0,787228	0,365923	2,15135	0,0221
R-squared (R-квадрат)	0,960701	Mean dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи ўртача қиймати)		1,540747
Adjusted R-squared (текисланган R-квадрат)	0,950877	S.D. dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи стандарт четланиши)		1,428186
S.E. of regression (Регрессиянинг стандарт хатолиги)	0,316540	Akaike info criterion (Акайке ахборот мезони)		0,741524
Sum squared resid (Қолдиқлар квадратлар йиғиндиси)	1,603163	Schwarz criterion (Шварц мезони)		0,990220
Log likelihood (Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги)	-2,786001	Hannan-Quinn criter (Ханнан-Куин мезони)		0,795497
F-statistic (F-статистика)	97,78454	Durbin-Watson stat (Дарбин-Уотсон мезони)		2,424047
Prob(F-statistic) (Эҳтимоллик (F-статистика))	0,000000			

2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб кўп омилли эконометрик моделнинг кўриниши келтирамиз:

$$\ln(Y) = -6,2936 + 1,6268 * \ln(X_1) + 1,2250 * \ln(X_2) + 0,8609 * \ln(X_3) + 0,5973 * \ln(x_4) \quad (1.2)$$


Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, ташриф буюрган туристлар сони ўртача 1 фоизга ортса, туристик хизматлар ҳажми ўртача 1,63 фоизга ортиши, жойлаштириш воситалари сонини ўртача 1 фоизга ошиши, туристик хизматлар ҳажмини ўртача 1,23 фоизга ошишига, туристик фаолият шуғулланаётган ташкилотлар (туроператорлар) сонини 1 фоизга ўсиши, туристик хизматлар ҳажмини ўртача 0,86 фоизга ўсишига шунингдек, гидтаржимонлар сонини ўртача 1 фоизга кўтарилиши эса туристик хизматлар ҳажмини ўртача 0,6 фоизга кўтарилишига олиб келар экан.

Кўп омилли эконометрик модел (1.2) сифатини текшириш учун детерминация коэффицентини текширилди. Детерминация коэффицентини натижавий омилнинг ўзгаришига моделга киритилган омиллар неча фоиз таъсир кўрсатишини изоҳлайди. Ҳисобланган детерминация коэффицентини (R^2 - R-squared) 0,960701 га тенг. Бу эса туристик хизматлар ҳажмининг ($\ln Y$) ўзгаришига моделга киритилган омиллар 96,0701 фоиз таъсир кўрсатмоқда. Қолган 3,9299 (1,0-0,960701) фоизи моделга киритилмаган омиллар таъсири ҳисобланади.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1.2) омилларнинг стандарт хатоликларининг кичик қийматларини қабул қилганлиги ҳам моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради. Кўп омилли эконометрик моделнинг (1.2) статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эканлигини ёки ўрганилаётган жараёнга адекватлигини (мос келишини) текширишда F-Фишер мезони қўлланилади. Фишернинг ҳисобланган қиймати жадвалдаги қиймати билан таққосланади. Агар $F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ бўлса, у ҳолда модел статистик жиҳатдан яроқли ҳисобланади. Демак, F-Фишер мезонининг жадвал қиймати озодлик даражалари $k_1 = m$ (m - омиллар сони) ва $k_2 = n - m - 1$ (n - кузатувлар сони) ҳамда $\alpha = 0,05$ аҳамиятлилик даражасидан келиб чиқиб, $F_{\text{жадвал}}=3,01$ га, F-Фишер мезонининг ҳисобланган қиймати $F_{\text{ҳисоб}}=97,78$ га тенг ва $F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ шарт бажарилганлиги учун (1.2) модел статистик аҳамиятли эканлиги кўрсатди.

Кўп омилли эконометрик моделнинг (1.2) ҳисобланган параметрларини (регрессия коэффицентлари) ишончлилигини текширишда Стьюдентнинг t-мезонидан фойдаланилади. Маълумки, ишончлилик эҳтимоли $\alpha = 0,05$ ва озодлик даражаси $df = n - m - 1 = 21 - 4 - 1 = 16$ (n — кузатувлар сони, m - омиллар сони) дан келиб чиқиб t-мезонининг жадвал фиймати $t_{\text{жадвал}}=2,12$ га тенг.

2-жадвал маълумотларидан ҳар бир омил бўйича t-мезонининг ҳисобланган қийматлари жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат (1.2) моделнинг ҳисобланган параметрларни (регрессия коэффицентлари) ишончли эканлигидан ҳамда (1.2) моделдан келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. (1.2) кўп омилли эконометрик моделининг ҳақиқий, ҳисобланган ва улар ўртасидаги фарқлар куйидаги 5.8-расмда келтирилган.



1-расм. Туристтик хизматлар ҳажмининг ҳақиқий, ҳисобланган қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар графиги

1-расмдан кўриш мумкинки (1.2) кўп омилли эконометрик модел бўйича туристик хизматлар ҳажмининг ҳисобланган қийматлари графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар унчалик катта эмас. Ҳисобланган (1.2) кўп омилли эконометрик моделдан келгуси даврларга натижавий кўрсаткични прогнозлашда MAPE (Mean absolute percent error - фоизлардаги ўртача абсолют хатолик) коэффицентини ҳисобланади ва у куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$MAPE = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \left| \frac{y_i - \hat{y}_i}{y_i} \right| * 100\% \quad (1.3)$$

бу ерда y_i – натижавий омилнинг ҳақиқий қийматлари, \tilde{y}_i – натижавий омилнинг ҳисобланган қийматлари. Агар ҳисобланган MAPE коэффиценти қиймати 15,0 фоиздан кичик бўлса, моделдан натижавий омилни прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади, акс ҳолда фойдаланиб бўлмайди. Туристик хизматлар ҳажми бўйича MAPE коэффиценти 9,56 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун (1.2) кўп омилли эконометрик моделдан туристик хизматлар ҳажмини келгуси давларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

Прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модел тузилади. Тренд модел - бу таъсир этувчи омилларни вақтга боғлиқ функцияси бўлиб, у умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга:

$$X_t = \alpha_0 + \alpha_1 * t + \varepsilon \quad (1.4)$$

Ташриф буюрган туристлар сони ($\ln X_1$) бўйича тренд модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(X_1) = 9,3961 + 0,2049 * t \quad (1.5)$$

$$R^2 = 0,7953, F_{\text{ҳисоб}} = 42,56, t_{\alpha_0(\text{ҳисоб})} = 23,8322 \quad t_{\alpha_1(\text{ҳисоб})} = 6,5241$$

$$F_{\text{жадвал}} = 4,41, t_{\text{жадвал}} = 2,1009$$

Жойлаштириш воситалари сони ($\ln X_2$) бўйича тренд модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(X_2) = 1,9933 + 0,1329 * t \quad (1.6)$$

$$R^2 = 0,919, F_{\text{ҳисоб}} = 215,4404, t_{\alpha_0(\text{ҳисоб})} = 17,5383 \quad t_{\alpha_1(\text{ҳисоб})} = 14,6779$$

$$F_{\text{жадвал}} = 4,41, t_{\text{жадвал}} = 2,1009$$

Туристик фаолият олиб бораётган ташкилотлар (туроператорлар) сони ($\ln X_3$) бўйича тренд модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(X_3) = -0,2958 + 0,2108 * t \quad (1.7)$$

$$R^2 = 0,9814, F_{\text{ҳисоб}} = 1001,496, t_{\alpha_0(\text{ҳисоб})} = -3,5358 \quad t_{\alpha_1(\text{ҳисоб})} = 31,6464$$

$$F_{\text{жадвал}} = 4,41, t_{\text{жадвал}} = 2,1009$$


Гид-эксурсаводлар сони ($\ln X_4$) бўйича тренд модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(X_4) = 0,7921 + 0,182 * t \quad (1.8)$$

$$R^2 = 0,8299, F_{\text{ҳисоб}} = 92,7627, t_{\alpha_0(\text{ҳисоб})} = 3,3384 \quad t_{\alpha_1(\text{ҳисоб})} = 9,6313$$

$$F_{\text{жадвал}} = 4,41, t_{\text{жадвал}} = 2,1009$$

Таъсир этувчи омиллар ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили шуни кўрсатадики, (1.5) - (1.8) тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффицентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрларнинг ишончлилиги аниқланди. Демак, (1.5) - (1.8) тренд моделларни ҳисоблаймиз ва уларнинг ҳисобланган қийматларини (1.2) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, аввало таъсир этувчи омилларнинг прогноз қийматларини аниқлаймиз сўнгра эса натижавий омилни қийматларини прогноз қиламиз.




2-расм. Туристик хизматлар ҳажмининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари (млрд.сўмда)

Ушбу омилларнинг графиклари (2 ва 6 расмлар) ва туристик хизматлар ҳажмининг прогноз даврида ўсиш тенденцияси 2- расмда келтирилган. Хоразм вилоятида кўрсатилган туристик хизматлар ҳажмининг ўсиш тенденцияси 2019 йилгача барқарор даражада бўлиб, 2020 йил охирида COVID-19 пандемияси таъсирида кескин тушиб кетган. Бу кўрсаткич вақтинчалик бўлиб, 2021 йилдан бошлаб, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ҳаракатининг тикланиши натижасида ўсиб бориши кузатилади.


Хоразм вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар (маҳаллий ва хорижий)нинг 2001-2021 йиллар бўйича динамикаси ва 2022-2026 йилларда прогноз қийматлари куйидаги 3-расмда келтирилган.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, вилоятга ташриф буюрадиган сайёҳлар (маҳаллий ва хорижий) сонининг 2020 йилда камайиб кетиши бевосита пандемия таъсири натижасида бўлган. Аммо, ҳукумат томонидан пандемия таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида, 2020 йилнинг тўртинчи чорагида туристик оқим ҳаракатининг жонланиши натижасида келгуси йилларда сайёҳларнинг сони ўсиб бориши таъминланади.



3-расм. Хоразм вилоятига ташриф буюрган сайёҳларнинг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари

Пандемия ва пандемиядан кейинги яқин йилларда минтақага ташриф буюраётган сайёҳлар учун биринчи навбатда хавфсизлик масаласи туради. Шунингдек, Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар аксарияти (55+) ёши катта эканлигини ҳисобга олсак, хизмат кўрсатиш жараёнларида эҳтиёткорона муносабатда бўлиши талаб қилинади.




4-расм. Хоразм вилоятида жойлаштириш воситаларининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари, бирликда

4-расмда Хоразм вилоятида ўхшаш жойлаштириш воситалари сонининг 2001-2021 йиллар динамикаси ва 2022 -2026 йилларда прогноз кўрсаткичлари келтирилган. Вилоятда фаолият кўрсатаётган жойлаштириш воситалари сони 2019 йилга қадар ўсишда бўлган. Аммо, бу тармоқ келгуси йилларда туристлар сонининг камайиши оқибатида муддатли инқироздан (бир қанча меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари инқироз оқибатида ёпилиши ҳисобига) ўтиб олиши лозимлигини кўрсатди. Келгуси 2022 йилдан, вилоятдаги меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ўз фаолиятини қайта йўлга қўйиши ва ривожланиш тенденциясини барқарорлашганлигини кўриш мумкин.


Хоразм вилоятида туристик фаолият билан шуғулланаётган тuroператорлар сони COVID-19 пандемияси оқибатида хорижий ва маҳаллий туристлар келишининг кескин камайиши натижасида 2019 йилдаги 62 дан 2020 йилда 58 га тушган. Шунингдек, 2021 йилда пандемия шароитида туризм

бизнеси корхоналарига кўрсатилаётган имтиёзлар ва преференциялар натижасида уларнинг сони 61 га ошган (5-расм).



5-расм. Хоразм вилоятида тулоператорлар сонининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари, бирлик

2022 йилдан бошлаб, тараққиёт стратегиясида белгиланган вазибаларни амалга ошириш натижасида, шунингдек, бутун жаҳонда туризм фаолиятининг қайта жонланишини ҳисобга олган ҳолда, Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган тулоператорлар сони ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлади.



6- Хоразм вилоятида гидтаржимонлар сонининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари, бирлик

6-расмда Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган гид таржимонлар сонининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ҳамда унинг 2022-2026 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари келтирилган. 2019 йилгача вилоятда фаолият кўрсатаётган гид таржимонлар сони ўсиш тенденциясида бўлган. Пандемия даврида асосан хорижий сайёҳларнинг оқими кескин камайиши, гид таржимонларга нисбатан талабни камайтириб юборган. Хусусан, 2020 йилда уларнинг сони 114 га тушган. Пандемия ва пандемия кейинги шароитда мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида, 2022 йилдан бошлаб, уларнинг сони ўсиш тенденциясида бўлиши кўриш мумкин.

Умуман ҳулоса қилиб айтганда, Оролбўйи минтақаси ҳисобланган Хоразм вилояти туристик хизматлар ҳажмига, ташир буюрган хорижий ва маҳаллий туристлар сони, фаолият кўрсатаётган меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, тулоператорлар сони ҳамда гид-таржимонлар сони таъсир кўрсатиши асосланди. Хоразм вилояти туризм соҳаси ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик омилларни

ишлаб чиқиш келгуси йилларга прогнозлаш, тармоқни стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ҳамда оптимал қарорларни ишлаб чиқишга имкон беради.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Бекчанов Д. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация ракобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш. Ик. фан (PhD) диссертацияси автореферати. – Урганч., 2021. – 60 б
2. Ходжаниёзов Э. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришда транспорт хизматларининг самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш. Хоразм Маъмур академияси 2021-12. 242-246 б.
3. Олланазаров Б. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари. Ик. фан (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд., 2021. – 60 б

УЎК 631.1:631.1:34(575.1)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН БЕЛГИЛАНГАН ИДАН БОШҚА МАҚСАДДА ФЙДАЛИНГАНДА ЖАРИМА МИҚДОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Ў.Б. Мухторов, доц., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, Тошкент*

*А.Я. Хўжақулов, магистрант, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, Тошкент*

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларда қонунбузилишлари асосида, яъни белгиланган мақсадидан бошқа мақсадда фойдаланилганда суғориладиган ерларни ҳимоялаш, муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида суғориладиган ерлардан фойдаланишида белгиланган мақсадидан бошқа мақсадда фойдаланилганда жарима миқдорини аниқлаш бўйича тадқиқотлар амалган оширилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги ерлари, суғорилдиган ерлар, жарималар, бонитет балл, ер қонунбузилишлари, қишлоқ хўжалиги экинларининг меъёрий ҳосилдорлиги, жорий баҳо, фойда миқдори, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ўртача йиллик нарх.

Аннотация. В статье проводится исследование по определению размеров штрафов за незаконное использование орошаемых земель сельскохозяйственного назначения, т.е. за использование орошаемых земель не по целевому назначению, в целях охраны, консервации орошаемых земель и недопущения их использования в других целях.

Ключевые слова: земли сельскохозяйственного назначения, орошаемые земли, штрафы, показатель качества, земельные правонарушения, нормативная урожайность сельскохозяйственных культур, текущая оценка, размер прибыли, сельскохозяйственная продукция, среднегодовая цена.

Abstract. The article conducts a study to determine the amount of fines for illegal use of irrigated agricultural land, i.e. for the use of irrigated lands for other purposes, for the protection, conservation of irrigated lands and preventing their use for other purposes.

Key words: agricultural land, irrigated land, fines, quality indicator, land violations, standard crop yield, current assessment, profit margin, agricultural products, average annual price.

Кириш. Бугун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар аҳолини озиқ-овқатга ва хом ашёга бўлган талабини қондиришда асосий восита саналиб, XXI асрда рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, биологик хилма хилликнинг камайиб бориши натижасида экологик инқирознинг кескинлашиши, пандемия шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг янада долзарблашиши қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадларига қўшимча “босим” юкламоқда. Ерга бўлган жорий муносабатнинг сақланиб қолиши эса “2050 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами экин майдони ва унумдор ерларни 1960 йил даражасининг фақатгина тўртдан бирига тўғри келиши” оқибатларига олиб келиши мутухассислар томонидан ҳисобланган. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда уларни ҳимоялаш ва унумдорлигини оширишга қаратилган асосий тадбирлардан бири бу ердан фойдаланувчиларни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборатдир. Лекин, шуни алоҳида айтиш керакки, суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигида аҳамиятини оширишга қаратилган асосий тадбирлардан бири бу нооқилона фойдаланишлар ва ҳар қандай қонунбузилишларга нисбатан чораларни таъсирчанлигини ошириш деб ўйлаймиз. Юқоридагилардан келиб чиқиб республикамиздаги мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда уларнинг ҳолатига таъсир этувчи қонунбузилиш ҳолатлари таҳлил қилинди ҳамда суғориладиган ерлардан нооқилона фойдаланишда уларни муҳофазалашга қаратилга санкцияловчи жараёнларни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Мамлакатимизда олиб борилаётган ер ислохотларининг навбатдаги босқичларида ердан фойдаланиш жараёнларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ердан фойдаланувчиларининг ерлардан самарали, оқилона ва мақсадли фойдаланишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар кўламини кенгайтириш ва шу билан бирга уларнинг ер муносабатларидаги масъулиятларини ҳам қатъий ва қонуний асосда ошириш масалалари ҳал этилишини талаб этади. Бугунги кунда амалиётда ер эгалари томонидан ердан фойдаланиш жараёнларида кўплаб қонун бузилиши ҳолатлари кузатилиши қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш жараёни, бевосита унга бўлган муносабатни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Зеро, Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “...жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда... Унумдор ерларни сотаётган, ноқонуний тарзда уй-жой куриб олаётганларга нисбатан қатъий чоралар кўрадиган ва қонуний баҳо берадиган вақт келди”[1].

Алоҳида таъкидлаш лозимки бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармонида “...қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан самарасиз фойдаланиш оқибатида ер унумдорлигининг пасайишига, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига йўл қўйган ердан фойдаланувчиларга ҳамда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган экин ерларни бошқа мақсадлар учун ажратиб беришга йўл қўйган мансабдор шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш” [2] масалалари алоҳида вазифа сифатида қайд этилган.

Ерлардан нооқилона фойдаланганлик учун ердан фойдаланувчиларга иқтисодий санкцияларни қўллаш, уларнинг миқдоридан мақсадсиз фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва йўқотилганлик ўрнини қопланишини мақсадга мувофиқ. Ердан оқилона фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан тартибга солишни акс эттирувчи меъёрларни ишлаб чиқишда тупроқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Бунда тупроқнинг унумдорлик хусусиятлари ва маҳсулот етиштиришдаги самарадолик кўрсаткичлари инobatта олинishi керак. Жарималарни қўллашда ишлатиладиган асосий мезонлар сонини камайтириш уларни белгилash харажатларини камайтиради, ammo кўрсаткичлар сонини мақбул чегарасини топиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона ва ноқонуний фойдаланишда ундириладиган жарималарни тўлиқ бюджетга эмас, балки ушбу маблағни тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашга йўналтиришни лозим [3].

Асосий қисм. Ҳозирги кунда республикаимизда ердан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёнларида қонун бузилиши ҳолатлари олдини олиш ва тегишли чора кўриш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси” ва унинг худудий бўлимлари (олдинги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси”), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (олдинги “Давергеодезкадастр” қўмитаси) ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2016 йилдан 2019 олиб борилган текширишлар натижасида 373 та хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари томонидан 94,4 минг гектар ер майдонида ер қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Қонун бузилиш ҳолатларини содир этган 326 нафар субъектга нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”га асосан маъмурий чоралар кўрилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Республика бўйича турли йилларда аниқланган ер қонун бузилиши ҳолатлари

Текширишлар олиб борилган йиллар	Қонун бузилишлари сони	Ер қонун бузилишлари аниқланган майдон (минг га)	Маъмурий жавобгарликка тортилганлар сони
2016	373	94,4	326
2017	342	66,0	289
2018	285	4,7	237
2019	541	2,1	458
Жами	5973	167,2	2948


2019 йилда эса 541 та хўжалик юритувчи субъектда қонун бузилишлари кузатилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 45 фоизга ошганлиги кўриш мумкин. Аммо, ушбу йилларга мос ер қонун бузилишлари аниқланган майдон 94,4 минг гектардан 2,1 гектарга камайган.

“Давергеодезкадастр” кўмитаси томонидан турли йилларда олиб борилган режали текширишлар натижасида аниқланган ер қонун бузилиши ҳолатлари

Йиллар	Ерга оид қонун бузилишлари турлари					
	Ердан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланиш	Ерларни мўлжаллангандан бошқа мақсадларда фойдаланиш	Тупроқ ҳолатини муҳофазалаш ва ерларни яхшилаш ишларини бажармаганлик	Маълумотларни ҳисоботдан яширганлик ёки нотўғри кўрсатганлик	Хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан четга чиқиб, объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланилганлик	Бошқа ер қонун бузилишлари
	Жамига нисбатан % да					
2016	25	-	-	28	35	12
2017	26	6	1	19	45	3
2018	20	10	-	12	56	2
2019	14	-	-	23	56	7

Юқорида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари таҳлил қилинганда, 104 та ердан фойдаланувчилар томонидан маълумотларни ҳисоботдан яширганлик ёки нотўғри кўрсатганлик ҳолатлари 27,8 фоизни, 135 та ердан фойдаланувчилар томонидан хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан чекинишлик ҳолатлари 36,2 фоизни, 92 та ердан фойдаланувчилар томонидан ердан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланганлик ҳолатлари 24,7 фоизни, 42 та ердан фойдаланувчилар томонидан бошқа қонун бузилиш ҳолатлари 11,3 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2019 йилда эса 541 та хўжалик юритувчи субъектлари томонидан 2,1 минг гектар майдонда ер қонунбузилиш ҳолатларини аниқланган бўлиб, 458 та ердан фойдаланувчи субъектларга нисбатан тегишли чоралар белгиланган. Бунда 71 та ердан фойдаланувчилар томонидан маълумотларни ҳисоботдан яширганлик ёки нотўғри кўрсатганлик ҳолатлари 23 фоизни, 184 та ердан фойдаланувчилар томонидан хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан чекинишлик ҳолатлари 56 фоизни, 135 та ердан фойдаланувчилар томонидан ердан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланганлик ҳолатлари 14 фоизни, 151 та ердан фойдаланувчилар томонидан бошқа қонун бузилиш ҳолатлари 7 фоизни ташкил этган.



1-расм. Аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатлари ва кўрилган чоралар динамикаси

Шунингдек, Давергеодезкадастр кўмитаси қуйи тизимидаги ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи давлат инспекторлари томонидан ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишни тартибга солиш, ер қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2017 йил 6 майда рўйхатдан ўтган

2878-сонли Низомда юклатилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида қўмитанинг қуйи тизимлари томонидан Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан тадбиркорлик субъектларининг ердан фойдаланиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилган.

Олиб борилган таҳлилларга асосан ер қонунбузилишларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда уни белгиланган мақсадидан бошқа мақсадларда фойдаланишда, жумладан белгиланган экин туридан бошқа экинларни жойлаштириш ҳамда шартнома шартларидан четга чиқиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатда Республика бўйича 2016 йилда аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан жами 101,6 млн. сўм, 2017 йилда 711,6 млн. 2018 йилда 429,4 млн сўм, 2019 йилда эса 645,8 млн сўм маъмурий жарималар ундирилган.

Республикада қишлоқ хўжалиги ерларини ҳолатини яхшилашда ҳамда уларнинг унумдорлигини оширишда ундирилган жарималарни мазкур тадбирларга йўналтирган ҳолда режали сарфлаш орқали ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд бўлади.

Табиий ресурслар орасида ер ресурслари, айниқса суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ер муносабатларини тартибга солишда уни ҳимоялашнинг ва муҳофазалашнинг таъсирчан чораларини белгилашни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона фойдаланиш, белгиланган қоида ва меъёрларга амал қилинмаслиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибидан чиқиб кетишига, натижада эса унинг унумдорлигини қайта тиклаш учун харажатлар ва техник тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бунда мавжуд ерларни қишлоқ хўжалигида сақлаб қолиш учун антропоген омиллар ва унга олиб келувчи қонунбузилишларни олдини олишга қаратилган тадбирларни самарали ташкил этиш белгаланган мақсадга эришишда асосий омиллардан саналади.

Республика ерга оид қонунбузилишларга нисбатан белгаланган жавобгарликларнинг тури ва ҳолатини ўрганишда унинг таъсирчанлик чораларига алоҳида урғу қаратилди. Ерга оид қонунбузилишларнинг тури ва унга нисбатан белгаланган жавобгарликни белгилаш бўйича давлат органларининг ваколатларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ерларида вужудга келаётган қонунбузилашларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан ўзга мақсадда фойдаланилганда белгиланадиган жарима миқдорини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”нинг 65-моддасига асосан “Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг *бир бараваридан уч бараваригача*, мансабдор шахсларга эса — *уч бараваридан беш бараваригача* миқдорда жарима солишга сабаб бўлади” [6] деб белгилаб қўйилган.

Юқорида белгилаб қўйилган нормадан келиб чиққан ҳолда ва ҳозирги кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорига кўра (223 минг сўм) ерга оид қонунбузилиш ҳолати фуқаролар томонидан содир этилса 223 минг сўмдан 669 минг сўмгача жарима белгиланмоқда. Ушбу ҳолат мансабдор шахс томонидан содир этилса 669 минг сўмдан 1 115 000 сўмгача жаримага тортилади.

Қайд этилган ҳолатларни инобатга олганда ердан фойдаланиш борасидаги қонунбузилишлари ҳолатлари устидан қўлланилаётган жазо чораларини янада кучайтирилиши лозим. Бунда ерлардан мақсадсиз ёки бошқа мақсадларда фойдаланганда тупроқнинг унумдорлиги ва унинг меъёрий қийматини инобатга олган ҳолда жарима миқдорларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки жаримага миқдори жавобгарлик белгиланганда жавобгарда ерга бўлган масъулиятни оширишга хизмат қилиши керак.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда бизнинг қонунчилигимизга кўра маъмурий ва қонунбузилишнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда жиноий жавобгарлик ҳам белгиланади. Фикримизча жазо чоралари қўллашда бундай ёндашув етарлича эмас, деб ҳисоблаймиз. Сабаби ерлардан мақсадсиз ёки бошқа мақсадларда фойдаланганда белгиланадиган жарима миқдорини аниқ ҳисоб китоб асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Қашқадарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармасининг мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан белгиланган мақсадидан бошқа мақсадда фойдаланиш юзасидан аниқланган қонунбузилиши бўйича 2019 йилда вилоятнинг 15 та фермер хўжаликларида қўлланилган умумий жарима миқдори 6 545 120 сўмни ташкил этган (3-жадвал).

Бунда ҳар бир ҳолат бўйича ўргача жарима миқдори 436 341 сўмни ташкил этган. Ер майдони эса 26,2 гектарни ташкил этмоқда. Ушбу ерларга ноқонуний тарзда беда, сабзавот, картошка ва

кунгабоқар каби нисбатан сердаромад бўлган экинлар экилиб, белгиланган шартнома шартларининг бузилиши билан баҳоланган.

Бунда ҳар бир ҳолатда белгиланган жарима миқдорлари базавий миқдорга боғланган ҳолда ҳисобланиши мақсадга мувофиқ эмасдир. Бундай ҳолатларда ер участкасининг ўлчами, миқдори ёки ҳосилдорлик кўрсаткичлари умуман эътиборга олинмаган.

3-жадвал.

Қашқадарё вилоятида ўрганилган фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда белгиланган жарима миқдорлари (2019 йил)

Қ/х ерларидан бошқа мақсадда фойдаланишлар аниқланган фермер хўжаликлари сони	15
Бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолати тури	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси биринчи қисмига асосан туман захира ердан хўжасизларча фойдаланиш ва белгиланган мақсададан бошқа мақсадда фойдаланиш
Қ/х ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилган умумий ер майдони, га	26,2
Қўлланилган умумий жарима миқдори, сўмда	6 545 120
Ўртача жарима миқдори, сўмда	436 341

Юқоридаги ҳолатларда белгиланган жарима миқдорларини ҳисоблашда маълум маънода қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофазалаш ва уларнинг келтириб чиқарадиган оқибатларини камайтириш учун ва асосий устуворликни қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадларда хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган. Аммо ерга оид қонунбузилиш ҳолатларини олдини олишда мавжуд тартиблар унинг келтириб чиқарувчи омилларини пасайтиришда етарлича эмас. Сабаби ҳар қайси жавобгарлик чораси ўша қонун бузилишини олдини олишда ва келажакда уни тақрорланмаслигига хизмат қилиши асосий вазифаси қилиб белгиланади. Бизнинг бу тадбирлар юқоридагиларни амалга оширишда қониқарли даражада таъминлаб бера олмайди. Буни эса бугунги кунда ерга оид қонун бузилишларнинг йилдан йилга ўсиб бориши тенденциясида кўришимиз мумкин. Қолаверса кўрилган қонун бузилишида базавий миқдорларининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган миқдори, қайси ҳолатда бир баравари, қайси ҳолатларда эса икки, уч, тўрт ва беш баравар қилиб белгиланиши назарда тутилмаган. Бу албатта жаримани белгилашда аниқ ҳисоб қитоблардан келиб чиқишини назарда тутмайди.

Шулардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланишларда келтириб чиқарган зарар миқдори ва жарима миқдорларини ҳисоблашда аниқ ҳисобларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса хорижий давлатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, ҳар бир ҳолатда у содир этилган майдоннинг миқдори ҳамда унинг белгиланган экин туридан олинадиган маҳсулотнинг қиймати, яъни қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматига асосан жаримани ҳисоблаш услубиётлари кўришимиз мумкин. Шундай экан, жарималарни белгилашда аниқ ҳисоб қитоблар ва услублар орқали ёндашиш бир мунча абзалроқдир. Шундан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадда фойдаланишда белгиланадиган жарима миқдорини ҳисоблашда қуйидаги услубиётни таклиф этамиз.

Бунда қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланганда жаримани ўша ер участкасидан олинishi мумкин бўлган фойдани ҳисоблаш орқали амалга ошириш лозим. Буни қуйидаги формула орқали ҳисоблашни таклиф этамиз.

$$\text{БМФ}_{\text{ЖМ}} = \text{БМФ}_{\text{ег}} \times \text{ФМ}_{\text{га}} \times \text{Й}_{\text{м}} \quad (1)$$

Бу ерда: $\text{БМФ}_{\text{ЖМ}}$ – ер участкадан бошқа мақсадда фойдаланилганда жарима миқдори, сўмда;

$\text{БМФ}_{\text{ег}}$ – бошқа мақсадда фойдаланилган ер, гектарда;

$\text{ФМ}_{\text{га}}$ – 1 га майдондан олинадиган жорий баҳодаги фойда миқдори, сўмда (2-формула бўйича ҳисоблаб топилади);

$\text{Й}_{\text{м}}$ – Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилган йиллар.

1-формуладаги $\text{ФМ}_{\text{га}}$ – ердан ўз мақсадида фойдаланилганда олинадиган йиллик ўртача даромад бўлиб, у қуйидаги формула орқали ҳисоблаб топилади;

$$\text{ФМ}_{\text{га}} = \text{Мх} \times \text{Б}_{\text{б}} \times \text{Ў}_{\text{йн}} \quad (2)$$

Бу ерда Мх – қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив ҳосилдорлиги, ц/га;

$\text{Б}_{\text{б}}$ – балл боннитети;

$\text{Ў}_{\text{йн}}$ – деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тегишли турининг ўртача йиллик нархи, минг сўм/ц.

Амалдаги қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда белгиланадиган жарима миқдорларини ҳисоблаш тартиби бўйича Қашқадарё вилояти

туманларининг 15 та ер қонун бузилиш ҳолатларида умумий майдони 26,2 гектарга қўлланилган умумий жарима миқдори 6545,1 минг сўмни ташкил этган. Аниқланган ҳар бир ҳолат учун ўртача жарима миқдори 436 341 сўмдан тўғри келган (3-жадвал).

Таклиф этилаётган услубиёт бўйича (1-ифода орқали), яъни қишлоқ хўжалиги ерларининг майдони, тупроқ бонитет балли ва ундан белгиланган экин тури бўйича ўртача йиллик даромад нисбатан юқоридаги 15 та фермер хўжаликларидаги қонун бузилишлари учун жарима миқдорини ҳисоблаганимизда жами 26,2 га ерда жарима миқдори 99097,947 минг сўмни ташкил этди. Бунда ҳар бир қонун бузилиши ҳолати учун ўртача жарима миқдори 6606,529 минг сўмдан тўғри келиши ҳисоблаб чиқилди.

4-жадвал.

Таклиф этилаётган услубиёт бўйича қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда ҳисобланган жарима миқдорлари

Қ/х ерларидан бошқа мақсадда фойдаланишлар аниқланган фермер хўжаликлари сони	15
Бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолати тури	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси биринчи қисмига асосан туман захира еридан хўжасизларча фойдаланиш ва белгиланган мақсададан бошқа мақсадда фойдаланиш
Қ/х ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилган умумий ер майдони, га	26,2
Умумий ўртача йиллик олинадиган жорий баҳодаги фойда миқдори ($ФМ_{га} = М_x * Бб * \dot{Y}_{ин}$) минг сўм	105845,675
Умумий жарима миқдори, $БМФ_{ЖМ} = БМФ_{ег} \times ФМ_{га} \times \dot{Y}_m$ минг сўм	99097,947
Ўртача жарима миқдори, минг сўм	6606,529

Қашқадарё вилояти туманлари ҳудудида қишлоқ хўжалиги ерларидан ўзга мақсадларда фойдаланилганда амалдаги тартиб бўйича ундирилган жарима миқдорлари ва таклиф этилаётган услубиёт бўйича ҳисобланган жарима миқдорларининг қиёсий натижалари келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан ўзга мақсадда фойдаланилганда ҳисобланган жарима миқдорларини ҳисоблашнинг қиёсий жадвали

Қонун бузилишлар аниқланган фермер хўжаликлари сони	Қонун бузилишлар содир этилган умумий ер майдони, га	Амалдаги тартиб бўйича жарима миқдори, минг сўм	Таклиф бўйича ҳисобланган жарима миқдори, $БМФ_{ЖМ} = БМФ_{ег} \times ФМ_{га} \times \dot{Y}_m$, минг сўм	Фарқи, минг сўм
15	26,2	6545,1	99097,9	+ 92552,8

Жадвалдаги қиёсий натижаларига кўра амалдаги тартиб бўйича ҳисобланган жарима миқдори 6541,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, таклиф этилаётган услубиёт бўйича эса бу кўрсаткич 99097,9 минг сўмни ташкил этмоқда. Улар орасидаги фарқ 92552,8 минг сўмга ортишига эришилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўриб чиқилган ҳолат бўйича бугунги амалда бўлган ерга оид қонунбузилишларга белгиланаётган жарималар аниқ ҳисоб-китобга асосланмаган. Бу эса ердан фойдаланувчиларда ерга бўлган, айниқса қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган муносабатини ўзгартиришда таъсирчанликка эга эмас. Аслида жарима миқдорини белгилашда ундан олинадиган фойда ва ҳосилдорлигидан келиб чиққан ҳолда ёндошиш адолатлилиқни таъминлайди ва бир мунча ҳаққонийроқ ҳисобланади. Қолаверса тавсия этилаётган услубиёт бўйича ҳисобланган жарима миқдори амалдагига нисбатан 5, 6 баробарга оширади. Бу албатта давлат бюджетига тушадиган маблағ миқдорини оширади ва бу маблағларни қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги ривожлантириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш имкониятини яратади.

ҲИСОБЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2017. № 81 (31.817), 2017. Б. 2-3.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида 2-илова Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 19-банди. <https://lex.uz/docs/4378526>
3. В.В.Печенкина. Воспроизводство и повышение эффективности использования земельных ресурсов сельского хозяйства. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва, 2005, ст 175
4. А.И.Рахматуллаев. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2002, 19 б.

5. “Давергеодезкадастр” кўмитаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимлари томонидан Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги қарорлари талабларига ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқланган текширишлар режа-жадвали асосида олиб борилган текширишлар маълумотлари.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Т.: «Адолат» – 1998. Б. 320.

УЎК: 332.338.46 (43)

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШДА КБХТНИНГ ҲАМКАМЛИКЛАРИ

С.К. Салаев, и.ф.д., проф., Урганч давлат университети, Урганч
Б.У. Таджиев, PhD, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда камбағаллик тушунчаси ва уни аниқлаш хусусиятлари, йўллари ҳамда камбағалликни қисқартириш йўналишлари ва механизмлари қараб чиқилган. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш бўйича жаҳон мамлакатлари тажрибалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, истемол саватчаси, ёшлар дафтари, мутлоқ усул, nisбий усул, моддий депреация усули, кўп ўлчалли усул.

Аннотация. В данной статье рассматривается понятие бедности в Узбекистане и особенности ее определения, способы, а также направления и механизмы сокращения бедности. В нем также анализируется опыт стран по всему миру в сокращении бедности.

Ключевые слова: бедность, сокращение бедности, потребительская корзина, молодежная книга, абсолютный метод, относительный метод, метод материальной депрессии, многомерный метод.

Abstract. This article examines the concept of poverty in Uzbekistan and the features of its definition, ways, as well as directions and mechanisms for poverty reduction. It also analyzes the experience of countries around the world in reducing poverty.

Key words: poverty, poverty reduction, consumer basket, youth book, absolute method, relative method, material depression method, multidimensional method.

2020 йилда дунёдаги аксар мамлакатларда аҳоли жон бошига ЯИМ қисқарган бир шароитда, Ўзбекистон ислохотлар шарофати билан иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатларини сақлаб қола олди.

COVID-19 келтириб чиқарган салбий оқибатларга жавобан ислохотлар дастурига тузатишлар киритилди. Фуқаролар ҳаёти ва фаровонлигини сақлаб қолиш мақсадида ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жадаллаштирилди. Тадбиркорлик ва савдони тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорларга мослаб қулайлаштирилди. Янги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш, туристлар оқими кўрсаткичлари ҳамда хорижий капитал иштирокидаги маҳаллий фирма ва компаниялар сони тарихда кузатилмаган даражада ошди.

2030 йилга бориб камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш ва даромад даражаси ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириш учун Ўзбекистонга янада кўпроқ сифатли иш ўринлари яратиш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

2017 йилга қадар ҳар йили 600 000га яқин янги иш қидирувчи меҳнат бозорига кириб келар ва тақлиф қилинган атиги 200 000 янги иш ўринларидан бирига эга бўлиш учун рақобатлашишга мажбур эдилар. Сўнгги йилларда янги иш ўринлари сони ошганига қарамадан, ишсизлик масаласи ҳал қилиниши долзарб бўлган муаммолар сирасида қолмоқда [1].

2030 йилгача Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги қатор мақсадларига эришиши учун иш ўринлари яратиш жараёнини тезлаштириш вазифасини ҳал қилиш учун тўрт муҳим инструментни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи — хусусий секторнинг ўсишини рағбатлантириш. Ишбилармонлик муҳити яхшиланишига қарамай, фирмалар ҳалигача ер ресурслари, капиталга эга бўлиш ва энергия сингари ишлаб чиқариш омилларининг узлуксиз таъминоти билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келмоқда. Маҳаллий бозорлардаги рақобатнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, инфратузилма имкониятлари ва глобал бозор билан интеграциянинг чекланганлиги ҳам янада кўпроқ сифатли иш ўринлари яратиш имкониятига эга бўлган хусусий секторнинг ривожланишига халақит қилади.

Иккинчи — хусусий секторни кенгайтиришда давлатнинг ёрдамчилик вазифаси. Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни ўзгариши керак бўлган муҳим паллага қадам қўйилди – у товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчидан хусусий секторнинг кенгайтиришига кўмаклашувчи инструментга айланиши керак. Бинобарин, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар иқтисодиётнинг барча субъектлари учун янада аниқ, адолатли ва шаффоф бўлиши лозим.

Учинчи — инсон ресурсига сармояларни кўпайтириш. Ихтисослик малакалари ва билимларининг етишмаслиги тадбиркорликни ривожлантиришга инвестиция киритишни сезиларли даражада чеклайди. Олий таълим олиш имконият кескин ўсди, шу билан бирга, малака ошириш ва касбий-техник таълимга давлат инвестициялари сезиларли оширилди. Бу ишларни келгусида ҳам кенгайтириб бориш, бунда ҳаракатлантирувчи кучи хусусий сектор бўлган янги иқтисодиёт эҳтиёжларига таълим тизимини мослаштириш зарур.

Тўртинчи — экологик барқарорликни такомиллаштириш. Ўзбекистон иқтисодиёти дунёдаги энг кўп ресурс сарфлайдиган иқтисодиётлардан биридир. Мамлакат нефть ва газ захираларининг камайиб бориши нуктаи назаридан, мавжуд иқтисодиёт модели барқарор бўлиб ҳисобланмайди. Иқлим ўзгаришлари аллақачон сувни камёб манбага айлантирди. Атмосферага карбонат ангидрид ташламаларини қисқартириш ва атроф-муҳитни сақлаш бўйича тезкор чораларни кўриш Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни барқарорлаштиради. Экологик барқарорликнинг ошиши атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ хатарларни яхшироқ бошқариш, келгуси авлодларга уларни енгиб ўтишга кўмаклашиш, шунингдек, бутуннинг ўзидаёқ янги бозорлар ва иш ўринлари яратиш имконини беради [2].

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Ўтган икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Муҳтарам Президентимизнинг шахсан раислигида ўтказилиб келинаётган видеоселектор йиғилишларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, Республикаимизнинг барча ҳудудларида ишлар қизғин ташкил этилаёпти. Янги иш ўринлар яратилиб, аҳолини даромадларини ошириш бўйича аниқ йўналтирилган мақсадларга эришилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль кuni тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқларида “Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Республикаимиз бўйича 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти дегани...”, “Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур...[3]” деб таъкидлаб ўтдилар ва камбағалликни қисқартириш энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Камбағаллик – бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўзи ҳоҳлаган ишларни давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳни иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир.

Камбағалликни қисқартиришда хорижий тажрибаларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, инклюзив бизнес моделларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятлидир. Масалан: ҳозирги кунда Ер юзи аҳолиси кам таъминланган қатламларининг энергия, сув таъминоти, канализация, ахборот техногиялари каби кўплаб соҳаларда сезиларли даражада қондирилмаган эҳтиёжлари мавжуд. Шу билан бирга, ривожланган давлатлар иқтисодиётининг турғунлиги шароитида кам таъминланган гуруҳлар иштирокидаги бозор сегментларининг жозибадорлиги ошиб бораёпти.

Агар камбағал қатламнинг ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш имкониятлари кенгайтирилса, бу уларнинг ишчилар ёки тадбиркорлар сифатида иқтисодий ўсиш жараёнларидаги иштирокини ҳам таъминлайди. Бунинг учун аввало, зарур билим ва кўникмалар етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш жоиз. Камбағалларнинг таълимига инвестиция киритиш тажрибаси эса ривожланишнинг асосий омилдир. Хитой ва Ҳиндистонда бу сиёсат ўз самарасини берди. Натижада камбағаллар сафи қисқарди.

“Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонга

мувофик, Иқтисодий ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланди.

Жумладан, вазирликка камбағалликни қисқартириш борасида иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш ҳамда камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифалари юклатилди.

Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда tutувчи Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, БМТ Тарақиёт Дастури ва Жаҳон банкининг 10 нафар экспертлари Камбағалликни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш учун жалб этилган [4].

Мазкур экспертлар билан биргаликда юқоридаги вазифаларни ўзида қамраб олган «2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозирда ушбу ҳужжат лойиҳаси ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси президенти администрациясига тасдиқлаш учун киритилган.

Шу ўринда ХХР ташқи ишлар вазир Ван Ининг юксак эътирофини келтириб ўтиш жоиз:

“Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш соҳасида муҳим натижаларга эришди, бу билан Хитой томони ўз самимий табриklarини билдиради. Биз Ўзбекистондаги ҳамкасбларимизни камбағалликни қисқартириш бўйича тажриба алмашиш учун Хитойга ташриф буюришга таклиф этамиз. Ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятларга эга. Ишончим комилки, ҳар бир давлат ўз мамлакатадаги вазиятга мос бўлган камбағалликни бартараф қилиш учун ўз йўлини топишга қодир” [5].

Энг муҳими, ана шундай мураккаб вазиятда давлатимиз, ҳукуматимиз одамларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани йўқ. Аксинча, эҳтиёжманд оилалар ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватланди. Аини шу зарурат туфайли Президентимиз ташаббуси билан “темир дафтар”лар жорий этилгани эса масаланинг оқилона ечими бўлди. Бу тизим давлат ёрдамни йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун асос яратди.

Аини пайтда “темир дафтар”лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда мамзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қиляпти.

Эътиборлиси, “ёшлар дафтари”га 18 — 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар киритилса, “аёллар дафтари” орқали 30 ёшдан ошган аёллар қамраб олинади. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи борларга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, аҳоли турмуш даражасини аниқлашда “истеъмол саватчаси” тушунчасидан яъни муайян истеъмол даражасини таъминловчи товарлар ва хизматлар мажмуидан фойдаланилади. Камбағаллик мезонини аниқлаш учун эса, аввало, “истеъмол саватчаси”нинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш лозим бўлади. Аини шу вазифа 2020 йил 3 июнь куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги зиммасига юклатилди.

Халқаро амалиётда аҳоли яшаш минимумини ҳисоблашнинг статистик, социологик, ресурс, норматив усуллари бор. Яшаш минимуми энг кичик миқдори таркиби турли давлатларда турлича қилиб белгиланган. Масалан АҚШда “истеъмол саватчаси”га 300 номдаги, Германияда 475 номдаги, Англияда 350 номдаги, Россияда 156 номдаги товар ва хизматлар киритилган.

“Истеъмол саватчаси”ни учта асосий таркибий қисм — озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга ажратиш мумкин. Ундаги озиқ-овқатлар миқдори улуши аҳолининг турмуш даражаси қай даражада эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми “истеъмол саватчаси”да озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши зиёд. Худди шуни бартараф этиш ва “истеъмол саватчаси”да ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлари миқдорини ошириш мақсадида Президент томонидан ижро ҳокимияти олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Бунда асосий эътибор аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, мавжуд имкониятдан самарали фойдаланишга қаратилди.

Маълумки, юртдошларимизнинг аксарияти қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларнинг кўпчилигида томорқа ерлари мавжуд. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланганлар рўйхатида турувчи фуқароларни шахсий томорқасидан даромад олишга ўргатиш иқтисодиётимизнинг асосий мақсадидир. Тўғри, “истеъмол саватчаси”нинг ҳуқуқий асосини яратиш орқали аҳоли камбағалликдан қутулиб қолмайди, балки улар сонига аниқлик киритилади, холос. Худди шу мақсадда аҳоли даромадини оширишнинг энг самарали йўли — бу фуқароларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтиришдан иборат бўлиши лозим.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак.

Бевосита камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларига келадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлайди.

БМТ таърифига кўра, қашшоқлик – инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади [6].

Камбағаллик эса инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик — бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганлиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги саналади [7].

Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан 2015 йилдаги 115 та мамлакатда ўтказилган тадқиқотлар натижасида таклиф этилган услубиётга кўра, барча мамлакатлар учун 2011 йилдаги нархларда харид қобилияти паритети бўйича қашшоқлик чегараси 1,9, камбағаллик чегарасини эса мамлакатлар аҳолиси даромадларининг паст, ўрта ва юқори даражаларидан келиб чиқиб 1,9; 3,2; 5,5 ва 21,7 АҚШ доллари этиб белгилаш тавсия этилган.

Юқоридаги таъриф ва услубиётлардан келиб чиқиб, алоҳида қабул қилинган камбағалликни аниқлаш услубиёти асосида жами даромади (ёки харажати) белгиланган камбағаллик чегарасига етмаган аҳоли қатламини камбағал, ҳаёт кечириши учун зарурий эҳтиёжларини мутлақо қондириш имконияти бўлмаган қатламни эса қашшоқ аҳоли деб эътироф этиш мумкин.

Камбағалликни аниқлаш услубиёти давлат томонидан умумий аҳоли таркибидаги камбағал аҳоли қатлами улушини аниқлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳоли ижтимоий ҳимоя тизимидаги асосий ижтимоий стандартларни белгилашда камбағаллик чегараси замин бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон амалиётида камбағаллик чегарасини аниқлашнинг асосий 4 та: мутлақ, нисбий, моддий депривация ва кўп ўлчамли усуллари мавжуд. Мазкур усуллар мамлакат ижтимоий сиёсатининг устуворлиги, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси ҳамда ички имкониятлардан келиб чиқиб белгиланади. Қатор мамлакатлар миллий камбағаллик чегараси сифатида мутлақ ёки нисбий усулдан фойдаланади.

Мутлақ камбағаллик чегараси киши ҳаёт кечириши учун зарур бўлган товар ва хизматлар қиймати орқали аниқланади. Жаҳон тажрибасида мутлақ камбағаллик чегарасининг ўртача йиллик миқдорини аниқлаш учун аҳоли жон бошига ЯИМнинг 25 фоизи қабул қилинган бўлиб, аксар ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Канада, Нидерландия) мазкур кўрсаткич нисбатан юқоридир.

Камбағаллик чегарасини аниқлашнинг нисбий усули эса кишининг даромадини жамиятнинг қолган аъзоларига нисбатан таққослаш орқали аниқланади (масалан: аҳоли даромадлари ўрталамасининг 50 фоизи, 60 фоизи ва ҳ.к.).

Бироқ нисбий усул жамиятдаги тенгсизлик даражасини инобатга олса-да, аҳолининг барча қатлами даромади ҳамда камбағаллик даражасининг ўзгаришини тўлиқ ифодаламайди. Аммо шунга қарамай, бир қатор давлатлар камбағаллик чегарасини белгилашда нисбий усулдан фойдаланади. Мисол учун, Венгрия, Эстония, Беларус, Черногория, Россия каби давлатларда аҳоли

даромадлари медиана қийматининг 60 фоизи камбағаллик чегараси сифатида қабул қилинган бўлса, мазкур кўрсаткич мос равишда Польшада 50, Украинада 75 фоизни ташкил этади.

Юқоридаги усуллардан ташқари, амалиётда монетар усулларнинг тўлдирувчиси сифатида аҳолининг моддий ва ижтимоий имкониятлардан қониқишларини баҳолаш (*депривация*) усулидан фойдаланилади.

Бунда, камбағаллик чегараси инсоннинг маълум бир товар ва хизматлардан фойдалана олиш имкониятини баҳолаш орқали аниқланади. Масалан, Европа Иттифоқида 9 турдаги товар ва хизматларнинг 4 тасидан фойдалана олмайдиган инсон камбағал ҳисобланади.

Санаб ўтилган усулларда кишининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ҳеч қандай тўсиқларсиз иштирок эта олишини миқдорий баҳолаш чекланган. Шунинг учун жаҳон тажрибасида камбағалликни кўп ўлчамли баҳолаш усулидан ҳам фойдаланилади. Мазкур усулдан Арманистон, Ҳондурас, Доминикан Республикаси, Колумбия, Коста-Рика, Мозамбик, Бутан, Покистон, Панама, Сальвадор, Чили, Эквадор, баъзи ЕИ мамлакатлари ҳамда БМТ Инсон тараққиёти индексини ҳисоблашда фойдаланилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда олиб борилган ўрганишлар натижасида мамлакатимизда камбағаллик даражасини аниқлаш учун озик-овқат, ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлардан иборат бўлган ҳамда бир киши учун зарур бўлган минимал истеъмол харажатлари қиймати тушунчаси киритилмоқда. Мазкур усулнинг ўзига хослиги аҳоли реал истеъмоли таркиби ва характеридан (*consumption behavior*) келиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль кунги тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи.
2. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»си, 2017 йил Нью-Йорк, Женева.
3. БМТнинг «Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутун жаҳон саммити»дан.
4. Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг қатта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997. – 129 б.
5. Салаев С.К, Гулманов М, Саидов Д.Р, Атаев Ж.Э, Таджиев Б.У. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш асослари - Ўқув қўлланма: “Тафаккур Бўстони”, Тошкент 2014, 288 бет.
6. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б., Таджиев Б.У. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари // Рисола –Т.: “Фан ва технология”, 2011 й. - 43 бет.
7. С.К.Салаев, Б.У.Таджиев “Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш механизмлари” (Монография), Тошкент – “Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи” - 2022 й, 188 б.
8. Досчанов А.Т. Инновация шароитида тадбиркорлик тизимини барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш: PhD. дисс.-С.: УрДУ. 2021-160 б.
9. Олланазаров Б.Д. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари: PhD. дисс.-С.: УрДУ. 2019-229 б.
10. С.К.Салаев, К.П.Халмуратов “Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш” (Монография), Тошкент, “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2021 й, 154 б.
11. “Халқ сўзи” газетасининг 2021 йил 11 февраль 30-сон.
12. <https://kun.uz/52814308>. Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Анна Бьерденинг Ўзбекистон иқтисодий форумидаги нутқи.
13. <https://strategy.uz/index.php?news=1064>

УЎК 33

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Э.С. Умронов, тадқиқотчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш хусусиятлари юзасидан фаолият самарадорлиги ўрганилган. Тадқиқот жараёнида туризм тушунчасининг моҳияти, туристик фаолият турларининг асосий элементлари бўйича таснифи, туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мазмуни, туристик корхоналарда тадбиркорликни ривожлантириш элементлари ҳамда туризм фаолияти инфратузилмаси таркиби назарий ва амалий тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган ва асосланган.

Калит сўзлар: туризм, туристик ресурслар, туризм индустрияси, туристик фаолият, туризм хизматлари, туризм тармоғи инфратузилмаси, туристик-экскурсия тармоғи инфратузилмаси.

Аннотация. В статье была изучена эффективность деятельности по особенностям развития предпринимательской деятельности на туристических предприятиях. В ходе исследования на основе теоретических и практических исследований сформулирована сущность понятия туризма, классификация видов туристской деятельности по основным элементам, специфические особенности туристских услуг и их содержание, элементы развития предпринимательства на туристских предприятиях, а также структура инфраструктуры туристской деятельности.

Ключевые слова: туризм, туристические ресурсы, индустрия туризма, туристическая деятельность, туристические услуги, инфраструктура туристической сети, инфраструктура сети туристических источников.

Abstract. The article studied the effectiveness of activities on the specifics of the development of entrepreneurial activity at tourist enterprises. In the course of the study, on the basis of theoretical and practical research, the essence of the concept of tourism, the classification of types of tourist activity by main elements, specific features of tourist services and their content, elements of entrepreneurship development at tourist enterprises, as well as the structure of the infrastructure of tourist activity are formulated.

Keywords: tourism, tourism resources, tourism industry, tourism activities, tourism services, tourism network infrastructure, tourism source network infrastructure.

Дунё микёсида юз бераётган глобал ўзгаришлар тенденциялари сўнги даврда туризм соҳасининг яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) маълумотлари бўйича «сайёрамиздаги ишлаб чиқариш-хизматлар бозори айланмасининг 10 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. 2022 йилга бориб халқаро туризм саёҳатларидан олинган даромадлар бир йилда 2,0 триллион АҚШ долларини ташкил қилиши прогноз қилинмоқда»[1]. Шунинг учун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда туризм соҳасининг тараққиёти нисбатан устуворликка эга бўлиб, бу эса соҳада тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ услубиётни такомиллаштиришни талаб этади.

БТТ давлатларга туризм салоҳиятини ошириш, янги хизматларни таклиф этиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш, туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабеллик соҳалардан бирига айлантириш зарур эканлигини таъкидламоқда. Шунингдек, жаҳонда туризм хизматлари бозори бошқарувини илмий асосда ташкил этиш, ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш, туристик корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истикболларини баҳолашга эътибор кучайтирилмоқда. Туристтик корхоналарда бошқарувнинг инновацион асосда ташкил этилиши бошқарув самарадорлигини таъминлаш, бошқарув тизимида таъсир кўрсатувчи омилларни асосий тенденцияларини баҳолаш бутунги кундаги энг муҳим илмий тенденциялардан саналади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин келажакда туризм бир қатор мамлакатларда асосий хизмат кўрсатиш соҳасига айланиб, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик ва компьютер технологияларини ишлаб чиқиш каби иқтисодиётнинг анъанавий илғор соҳаларидан ҳам ўзиб кетиши мумкин. Туризм бозори баъзи бир давлатларнинг иқтисодий тизимида аллақачон етакчилик вазифасини бажариб келмоқда. Бу бозор, албатта, ўз илмий-назарий асосига эга. Туризм секторининг бошқарув аҳамиятини билиш учун унинг назарий асосларини кўриб чиқишимиз зарур. Бунинг учун, авваламбор, туризм соҳасига оид атамалар изоҳини билиб олмоқ зарур.

Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда туризм тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг моҳиятини тўғри англаб етиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрига асосланган ҳолда турлича қараш ва концепциялар мавжуд. Жумладан, А.Ю.Александрова «Кишиларнинг доимий тураржойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиган муносабатлар ва ҳодисалар йиғиндиси туризмдир»[2] - деб таъкидлаган бўлса, Ю.В.Тишуков эса «Туризм –мамлакат фуқаролари, хорижлик фуқаролар ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг доимий тураржойларидан соғломлаштириш, танишиш, касбий-ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда вақтинча яшаб турган мамлакатдаги ҳақ тўланадиган фаолият билан банд бўлмаган ҳолда вақтинчалик саёҳатларидир»[3]- деган фикрни билдиради.

Ю.В.Тишуков ўз тадқиқотларида «Туризм индустрияси – бу меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, дам олиш объектлари ва воситалари, танишиш, ишбилармонлик, соғломлаштириш, спорт ва бошқа

мақсадлардаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматини намоён этувчи ташкилотлар тўпламидир”- деб эътироф этган бўлса, М.Б.Биржаков эса “Туристтик хизмат – туризм мақсадлари, туристик хизматнинг йўналиши ва табиати, туристик маҳсулотга жавоб берувчи, умуминсоний ахлоқ ва тартиб тамойилларига мос келувчи экскурсант ёки туристнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва қаноатлантиришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳасидаги мақсадларга йўналтирилган ҳаракатлар йиғиндиси”[4] - деган фикрни билдиради.

Жаҳонда туризм соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини, тadbиркорликни рағбатлантириш, даромадни ва ҳудудлар бюджетининг даромад қисмини ошириш каби кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш имконини беради. Туризм соҳаси одамлар ва уларнинг гуруҳлари ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий, маърифий ва бошқа манфаатларини рўёбга чиқарадиган ҳамда тегишли эҳтиёжларни қондирадиган ижтимоий-иқтисодий тизимдир. “Туризм” атамасининг ноаниқлиги бу тушунчани туризм тизимининг уюшган элементлари мажмуини назарда тутувчи тизим сифатида ўрганишга имкон беради. Бу элементлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин[5]:

- туризм субъектлари (туристлар ва уларнинг бирлашмалари, туризм субъектларининг фаолият турлари, ушбу соҳада туристлар ҳаракатини ижтимоий тартибга солиш бўйича ҳокимият органлари фаолияти);

- туризм объектлари ва воситалари (туристик ресурслар, туризм индустрияси ва инфратузилмаси объектлари).

Туризм тизимига ҳар бири ўзининг ички мураккаб тузилиши ва мақсадларига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий кичик тизимлар киради ва амалда улар бир кичик тизимдан иккинчисига ўтиши мумкин. Жаҳонда туризмнинг асосий куйи тизими ижтимоий ҳисобланади, чунки у асосий ҳуқуқларни амалга оширишни бошлайди (дам олиш ҳуқуқи, ҳаракат эркинлиги ҳуқуқи, курорт даволаш ҳуқуқи, маданий қадриятларга кириш ҳуқуқи ва бошқалар). Ижтимоий тизимга давлат ва коммунал туризмни бошқариш органлари, туризм соҳасида ижтимоий хизмат кўрсатувчи давлат ва коммунал корхона ва муассасалар, нодавлат илмий-маърифий ташкилотлар, соғлиқни сақлаш курорт ташкилотлари, болалар учун дам олиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқалар киради.

1-жадвал

Туристтик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мазмуни (Муаллиф ишланмаси)

Т/р	Хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари	Шу хусусиятларнинг мазмун-моҳияти
1.	Туристтик хизматларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги	Туристтик хизматларнинг ижтимоий аҳамияти бевосита аҳолининг иш билан таъминлаши, даромадларнинг ошириши, ҳаёт сифати ва даражасининг оширилиши билан белгиланади. Иқтисодий аҳамияти бевосита унинг ҳудуд ва мамлакат иқтисодиётига (ЯҲМ ва ЯИМ) қўшаётган ҳиссаси, хизматлар соҳасидаги ўрни (ЯҚҚдаги улуши), туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва бошқалар билан белгиланади.
2.	Туристтик хизматларнинг олди-сотди жараёнида моддий шаклда намоён бўлмаслиги	Туристтик хизматлар ҳам бошқа хизматлар сингари олди-сотди жараёнида моддий шаклда намоён бўлмайди, балки бир вақтнинг ўзида истеъмол қилинади. Хизмат кўрсатувчининг хизмати унинг профессионаллигига мос равишда истеъмолчининг ҳам мазкур хизматдан қанчалик манфаатдор бўлишлигини назарда тутуди ва натижада уларнинг умумий савиясига боғлиқ бўлади.
3.	Туристтик хизматларни сақлаш имкониятининг йўқлиги	Туристтик хизматларни ҳам бошқа хизматлар сингари сақлаш имконияти йўқ, чунки у бевосита кўрсатилаётган жараёнда истеъмол қилинади, унинг сифати ҳам шу жараённинг ўзида истеъмолчи томонидан баҳоланади.
4.	Туризм хизматларининг хизмат жойига олиб кетилишининг имкони йўқлиги	Туризм хизматлари номоддий бўлиши, уни сақлаш ва ташиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мазкур хизмат истеъмол қилинадиган пайт ва жойида кўрсатилиши уни бошқа жойга олиб кетилишининг имкони йўқлиги билан характерланади.
5.	Туристтик хизматларни кўрсатишда истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ва туристик маҳсулот бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлишлиги	Туристтик хизматларнинг яна бир муҳим хусусияти уни кўрсатиш жараёнида истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ва туристик маҳсулот (хизмат) бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлиши зарурлиги билан характерланади.
6.	Туризм хизматлар сифати ва рақобатбардошлиги	Туристтик хизматларни кўрсатувчи корхона ва фирмалар жуда юқори таваккалчилик (риск) шароитида ишлайди. Агар сифатли хизматни таъминлай олмаса, рақобатда имкониятни бой бериб қўйишлари эҳтимоли жуда баланд бўлади.

Туристтик хизматлар ҳам бошқа хизматлар сингари моддий кўринишга эга бўлмаса-да, аҳолининг ҳаёт фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатига муайян таъсир кўрсатади. Чунки мазкур

хизматлар ҳам бошқа бир қанча хизматлар сингари одамлар руҳиятининг ўзгаришига яшашдан қониқиш ҳосил қилишига олиб келади[6].


Туристтик хизматларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин (1-жадвал).

Юқорида санаб ўтилган туристик хизматлар хусусиятлари соҳа фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ва ёндош тармоқларни ҳам баравар ривожлантиришга эришишдан иборат. Чунки соҳанинг барқарор фаолияти унга тегишли бўлган айрим тармоқлар фаолияти билан чамбарчарс боғлиқдир.

Туристтик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, туризм фаолияти ва салоҳияти бевосита уларнинг ривожланганлик даражаси, ижтимоий-иқтисодий, табиий шароити яъни, табиат комплекслари, техник инфратузилмаларининг ривожланганлиги саноат тармоғи, хизмат кўрсатиш тизими, маданият, санъат илм фанининг ривожланганлиги билан, яъни бир сўз билан айтганда, мамлакатларнинг табиий ва иқтисодий географик ўрни билан боғлиқ. Шу боис, туризм соҳасини мамлакатимизда ривожлантириш учун унинг асоси ҳисобланган салоҳият заҳираларини ўрганиб чиқиши, ҳудудлараро ва минтақалараро районлаштириш ҳамда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш чоратадбирлари ишлаб чиқиши зарур. Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги биринчи вазифа – ана шу ресурслардан самарали фойдаланиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун бу йўналишнинг назарий асосларини яратиш талаб қилинади[7].

Туристтик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда туристик ташкилот (корхона)ларнинг маҳаллий бирлашмаси (туроператор, саёҳат агенти) ва туризм индустриясининг инфратузилма объектлари: ихтисослашган туризм ташкилотлари, меҳмонхоналар, туризм билан боғлиқ тармоқлар (транспорт ва бошқалар) ташкилот (корхона)лари фаолияти асос ҳисобланади. Туристтик фаолиятнинг тузилиши туризм корхоналари ва туристик маҳсулот ва хизматларни етказиб берувчилар (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари) интеграцияси ҳамда ресурс базаси вазифасини бажарувчи муайян ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бир қатор хусусиятларга эга[8].

Туристтик корхоналарда тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий шаклдаги таркибига қуйидагилар киради (1-расм):



1-расм. Туристтик корхоналарда тадбиркорликни ривожлантириш элементлари
(Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

1. Туристтик ресурслари.
2. Инфратузилма.
3. Туризм индустрияси.

Юқорида келтирилган туристик корхоналарда тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида таркибий элементларини кўриб чиқайлик.

Туристтик ресурслар туристик корхоналарда тадбиркорликни ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Туристтик мақсадда фойдаланилувчи табиий, тарихий, ижтимоий-маданий объектлар, шунингдек туристларнинг маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондира оладиган бошқа объектлар мижозларнинг жисмоний кучини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, улар учун ресурслар саёҳатнинг асосий мақсади ҳисобланади. Туристтик ресурсларнинг белгилари

сифатида уларнинг жозибадорлиги, иқлим шароити, мавжудлиги, диққатга сазовор жойлари, ландшафт компоненти, ягоналиги ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бироқ, туристик ресурсларнинг мавжудлиги туризмнинг ривожланишини кафолатламайди, чунки туристик ресурслар моҳиятан “бошланғич нукта” ҳисобланиб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун бошқа мезонлар зарур, шунинг учун фаолиятнинг кейинги элементи туризм инфратузилмаси ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Туризм фаолияти инфратузилмаси таркиби (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Туризм инфратузилмаси – туризмнинг тизим сифатида фаолият юритишига асос бўлувчи ва таъминловчи ўзаро боғланган хизмат тузилмалари ва туризм индустрияси объектлари мажмуасидир. Инфратузилмани қуйидаги таркибий қўринишда тавсифлаш мумкин:

- умумий инфратузилма, яъни минтақа ҳаётини таъминловчи муҳандислик, транспорт ва бошқа тузилмалар мажмуи;
- туристик сайтларга махсус кириш йўллари, юриш йўллари, автоном канализация ва қайта ишлаш тизимлари, алоҳида тармоқлар ва энергетика объектлари, телекоммуникациялар;
- ахборот-бизнес марказлари, веб-сайтлар, туристик офислар, ахборот стендлари, ахборот бюролари, ҳудудларда жойлашган кўча номларига эга белгилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган икки элементни бирлаштирувчи элемент туризм индустрияси ҳисобланади. Шакллантириш мураккаблигини белгиловчи туризм индустриясининг ўзига хослиги шундаки, у туризм турлари ва шаклларига бўлган талабни қондира оладиган турли соҳалардаги иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимидир. Дарҳақиқат, туризм индустрияси туризм ташкилотчилари (туроператорлар, саёҳатчилар, меҳмонхоналар ва бошқа турар жойлар, транспорт воситалари, маданий-маърифий муассасалар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқалар) объект ва инфратузилма фаолиятини бирлаштиради ва мақсадли хизматлар кўрсатувчи мажмуани шакллантиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, туристик корхоналарда тадбиркорликни ривожлантиришда туристларнинг маънавий, интеллектуал ва жисмоний эҳтиёжларини қондира оладиган табиий, иқлимий, маданий, тарихий ва бошқа рекреацион ресурслар; иккинчидан, туристик саноат объектлари – турар жой объектлари, умумий овқатланиш, маданият, кўнгилочар ва спорт, транспорт, ахборот ресурслари ва тизимлари ҳамда технологиялари; учинчидан, туристик инфратузилма объектлари – туристик саёҳат ва дам олиш учун фойдаланиладиган объектлар (муҳандислик, транспорт, ижтимоий, инновация ва бошқа инфратузилмалар); тўртинчидан, туризм соҳасидаги фаолиятни давлат даражасида тартибга солувчи тузилмалар фаолиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство РДЛ, 2015. – С. 3.
2. Александрова А.Ю. Международный туризм. –Москва: Аспект Пресс, 2001. 12-бет.
3. Тишуков Ю.В. Потребитель на рынке туристических услуг. –Ростов-на-Дону: Феникс, 2007.4-бет.
4. Биржаков М.Б. Туристические услуги, работы, товары. –Москва–Санкт-Петербург: Издательство «Невский фонд» – «Издательский дом Герда», 2003. С.108.
5. Пенкина, Н.В. Туристско-рекреационный комплекс: теоретико-методологические подходы к анализу: Учебно-методическое пособие / Н.В. Пенкина. – Нижневартовск: Изд-во Нижневарт. гос. ун-та, 2017. – С.7-10.
6. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>

7. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>

8. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>.

УЎҚ 33

АРЗОН “ПАКЕТ”НИНГ ҚИММАТГА ТУШГАН МУАММОСИ

А.Ж. Чориев, ўқитувчи, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиши институти, Термиз

Аннотация. *Атмосферамиздаги парник эффекти, кислород танқислиги ва озон туйнуғи, кислотали ёмғирлар, радиоактив изотопларнинг ҳалокатли концентрацияси, тупроқ, сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг турли хил кимёвий ифлосланишини ва бошқалардир.*

Калим сўзлар: *саноатлаштириши, утилизацияси, полиэтилен, целлофан пакетлар, тупроқ, атмосфера, денгиз, парник эффекти, кислород*

Аннотация. *К ним относятся парниковый эффект в нашей атмосфере, дефицит кислорода и истощение озонового слоя, кислотные дожди, катастрофические концентрации радиоактивных изотопов, различные химические загрязнения почвы, воды и продуктов питания и многое другое.*

Ключевые слова: *Индустриализация, утилизация, полиэтилен, целлофановые пакеты, почва, атмосфера, море, парниковый эффект, кислород.*

Abstract. *The greenhouse effect in our atmosphere is oxygen deficiency and ozone depletion acid rain catastrophic concentrations of radioactive isotopes various chemical pollution of soil water and food products and so on.*

Keywords: *Industrialization, disposal, polyethylene, cellophane bags, soil, atmosphere, sea, greenhouse effect, oxygen*

Саноатлаштириш даври бошлангунга қадар иқлим ўзгаришига фақат табиий сабаблар, ер орбитаси, унинг магнит майдонининг ўзгариши, вулқонларнинг отилиши таъсир кўрсатар еди. Бироқ ҳозир ҳозирги кунга келиб, ер қуррасида иқлим ўзгаришининг тезлашиши кўпроқ инсоннинг иқтисодий фаолияти натижаси ўлароқ ҳавога турли чиқинди газлар чиқиши туфайли юзага келмоқда. Инсон зоти билан боғлиқ атроф-муҳитнинг ифлосланиши хусусида тўхталиб ўтамиз. Барчамиз кундалик ҳаётимизда ҳар куни жуда кўп миқдорда полиэтилен чиқиндиларга дуч келамиз. Келинг, бутун биз кундалик турмушда деярли ҳар кун ишлатадиган ва фойдаланиб бўлиб чиқиндига улоқтирадиган пластик ва полиэтилен маҳсулотлари ҳақида бир оз тўхталиб ўтсак. Бизнинг юртимизда ушбу маҳсулотлар яқин 20 йил ичида пайдо бўлган эди ва ҳозирги кунга келиб рўзгоримизнинг ажралмас бир қисмига айланиб улгурган. Бир вақтлар қадоклашнинг ушбу қулай, енгил, арзон, усули аҳолига жуда манзур бўлган эди. Сабаби ювиш шарт эмас, кам жой эгаллайди, намликни ўтказмайди. Шу ўринда савол туғилади: Экологик жиҳатданчи, унинг хусусиятлари қанақа? Жавоб оддий, яхши ёнади, шу билан бирга атмосферага жуда кўп даражада захарли газлар чиқаради, тупроқни захарлайди. Аммо биз бу оддий савол ҳақида ҳали ҳеч биримиз ўйлаб кўрмаганмиз ва бепарқлигимизча қолмоқдамиз. Ҳозирча бу масала туман ва қишлоқ аҳолисидан фарқли ўлароқ, асосан талаб ва имкониятлари бироз юқори бўлган шаҳарлар аҳолисига таълуқлидир. Ҳеч бир кунимиз йўқки дўконларга кирганимизда сотувчиларимиз харид қилган маҳсулотларимизни чиройли қилиб полиэтилен қопчаларга ўраб бермаган. Уйга келганимизда эса озиқ-овқатларни музлатгичга жойлаймиз-у, полиэтилен қопчаларни ахлат челагига ташлаймиз. Улар ўз навбатида чиқиндихоналарга ташланади ва у ерда жуда узоқ муддатгача сақланади. Шунини эслатиб ўтишимиз жоизки, полиэтилен ва пластик маҳсулотлар сифати ва тузилишига қараб ер остида 200 йилдан 250 йилгача сақланиши мумкин. Энди бир ўйлаб кўрсак, ушбу вақт давомида бизнинг қанчагача авлодимиз шу заминда туғилиши ва яшаши мумкин. Яъни биз билиб билмай қилган хатоларимиздан қанча авлодимиз азият чекар экан. Балки, ушбу чиқинди маҳсулотларини иккиламчи қайта ишлаш ва унинг фойдаси ҳақида бир ўйлаб кўрганимиз маъқулдир. Шу ўринда ушбу мавзуга бироз тўхталиб ўтсак. Саноат ва иқтисодиётнинг илдам ривожланиши натижасида инсониятни табиатга бўлган муносабати ўзгариб кетди. Натижада неча миллион йиллар давомида шаклланган экотизимни бузувчи унсурлардан воз кечишга эркин қарор қабул қилинди. Ҳозирги вақтда бизнинг планетамизнинг экологик тизими инқироз юзасига келиб қолган. Булар атмосферамиздаги парник эффекти, кислород танқислиги ва озон туйнуғи, кислотали ёмғирлар, радиоактив изотопларнинг ҳалокатли концентрацияси, тупроқ, сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг турли хил кимёвий ифлосланишини ва бошқалардир. Британиянинг The Economist журналининг

тасдиқлашича, қаттиқ чиқиндилар – ривожланган шаҳарлар аҳолисининг катта экологик муаммоси бўлиб, шу сабабли чиқиндилардан ҳалос бўлиш аллақачон ривожланган мамлакатларнинг муҳим муаммосига айланиб улгурган. Илгаридан бизнинг кўзимиз билан қараганда фақатгина суноқ ва газсимон чиқиндилар, сув ва ҳавонинг саноат ишлаб чиқариш оқибатида ифлосланиши кўринарди ва улар биринчи навбатда тартибга солинарди. Бу вақтда қаттиқ чиқиндиларни четроқ олиб бориб ташлаш ёки кўмиш, шунчаки у ёки бу усул билан “кўздан узоқроққа” йўқ қилиш мумкин эди. Яна бу қилмишлар мағрур сўзлар билан “чиқиндилар утилизацияси” деб аталарди. Соҳил бўйи шаҳарларида эса чиқиндилар шунчаки дарёга оқизиб юбориларди. Чиқиндиларнинг йўқ қилинишидаги экологик оқибатлари тупроқ ва ер ости сувларининг заҳарланиши бир неча йиллар, ҳаттоки бир неча ўн йиллардан сўнг кўринди ва бунинг натижаси ҳалокатли даражадан кам бўлмади.

Шуни айтишимиз мумкунки чиқиндиларни жойлаштириш ҳозирги кун зоман талабидир ва полетилин маҳсулотларининг атирофни ифлослаши ҳаммамизга маълум буни бартараф етиш бугунги кунинг енг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон Метеорология Ташкилотининг Иссиқхона газлари бўйича йиллик ҳисоботида кўра, ер атмосферасидаги карбонат ангидрит миқдори сўнгги ўн йилликдаги ўртача кўрсаткични орта қолдирган. Олимларнинг фикрича, карбонат ангидрид миқдори атмосферада сўнгги марта беш миллион йил аввал 0,00045 фоиздан юқори бўлган. АҚШ Миллий Океаншунослик ва Атмосфера Бошқармаси маълумотларига кўра 2100 йилларда CO₂ газининг атмосферадаги улуши 0,00026 фоизни ташкил қилган [1,с.67]. Ҳисоботда бошқа иссиқхона газлари, жумладан, метан ҳамда “қулдирувчи газ” миқдорининг ошгани ҳам қайд етилган

Хавфли чиқиндилар. Аниқ маълумотларга қараганда, ҳо-зир ҳар бир киши ўзининг ҳаёт фаолиятида бир йил мобай-нида 1 м³ ахлат қолдиради.

Шунча миқдордаги чиқинди ша-ҳар, республика ёки ҳам дўстлик давлатлари миқёсида кўриладиган бўлса, унда атроф-муҳитимиз қанчалик ифлосланиб кетишлигин тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Масалан, биргина Фарғона шаҳридан 150 минг тонна ахлат чиқариб ташланади (Г. Фафуров, 1990).

АҚШда 1986 йилда ҳар бир истеъмолчига 1 тоннадан хавфли чиқинди тўғри келганлиги қайд этилди. Турли хил эритма-лар, ёнувчи моддалар, пестицидлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар, ўз навбатида, тупроқ, сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавоси булғанишига сабаб бўлади. Ҳар ҳолда саноат ҳамда хўжалик чиқиндиларини зарарсизлантирувчи, айрим ҳолларда чиқинди моддаларга ишлов бериб, улардан қисман фойдали маҳсулотлар олишга муяссар бўлинмоқда. Чунончи, ҳар бир тонна хўжалик чиқиндиларидан ўртача 250 кг макулатура, 30 кг қора металл, 3,5 кг рангли металл ажратиб олиш мумкин. Ваҳоланки, бундай тадбиркорликка бизда етарлича эъти-бор берилмайди. Чиқинди моддалар маълум харажатлар эва-зига чиқариб ташланади ёки йўқотиб юборилади.

Манбаларда қайд этилишича, хўжалик ахлатлари тадбир-корлик билан махсус усулда ёқилладиган бўлса, улардан маълум даражада фойда кўриш мумкин. Биргина Масков ахлат ёқиш заводи йилига 100 минг тонна қайноқ буғ ҳосил қилиб, уй-жой ва хўжаликларни ҳарорат билан таъминлаш тизи-мига сарфланади.

Айтиш мумкинки, биргина Фарғона шаҳридан олиб чиқиладиган ахлатлар учун ярим миллион сўм сарф бўлади. Уша ахлат-чиқиндилардан тадбиркорлик билан фойдаланилса, халқ хўжалиги, жумладан саноат учун керакли маҳсулотлар (ме-талл, қоғоз, тола ва ҳоказо), иссиқлик олиш ва уларни тегиш-ли мақсадлар учун ишлатса бўлади.

Инсон ҳаётининг табиат билан боғлиқлиги. Дарҳақиқат, ин-сон борки ҳаёт учун курашади, табиатнинг барча инжиқликларига мослашишга интилади. Ҳар бир киши идроки, ўзига хос мушоҳадаси билан табиат неъматларидан фойдаланади, куради, бунёд этади. Одатда бирор мақсадни кўзлаб, табиатнинг муайян жабҳасига таъсир кўрсатилиши мумкин. Жумладан, яшаш учун иморат қуриладиган бўлса, тегишли жойлардаги гиёҳлар, дарахтлар йўқотилиб, замин тайёрланади, бир вақт-лар яшнаб ётган жой сифат ўзгарлиши билан инсон истиқомат қиладиган масканга айланади. Кўриниб турибдики, шунисдан маълум бир мақсад билан атроф муҳитга, табиатга таъсир кўрсат-япти. Мингларча одамлар ўзлари учун истиқомат жойлари барпо этар эканлар, бунинг натижасида бокира табиатда қан-дайди ўзгариш содир бўлади, оқибатда табиат камбағалла-шади. Инсон қурилиш материали сифатида бази ўрмонларни керагича кесади. Демак, ўсимлик дунёси қисқариб, ўз навба-тида, атмосфера ҳавосининг мусаффо бўлишига раҳна тегади, тупроқ эрозияга учрайди, ер ости сувлари камая боради, кўч-килар пайдо бўлиб, сел натижасида жарликлар ҳосил бўлиши мумкин.

Келтирилган лавҳа-бу катта ҳаётдан бир қатрагина кадир. Инсоният ўзининг ҳаётини фаолияти жораёнида мақсадли ра-вишда табиат эҳсонларидан фойдаланиши билан бирга, атроф муҳитга атайин, кўра-била туриб, катта зарар келтириш ҳол-лари кўплаб учраб туради. Табиатга нисбатан кўр-кўрона ёндошиш, унинг эҳсонларидан аёвсиз, бережа фойдаланиши. пкровардида оғир асоратлар қолдириши мумкин.

Бизни ўраб турган бутун табиат, борлиқ минг йиллар мо-байнида шундай бир мувозанатга келганки, унинг бир жаб-ҳасига етказилган озор бошқа жабҳаларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Маълумки охириги йиллар давомида глобал иқлим ўзгариши муаммоси инсоният олдидаги кечиктириб бўлмас, муҳим, долзарб бўлиб турибди. Глобал иқлим ўзгариши ер кураида фақат ҳароратнинг ўртача йиллик кўтарилиши эмас, балки барча геотизимнинг ўзгариши, Жаҳон океанининг кўтарилишининг юзага келиши, муз ва доимий музликларнинг ериши, ёғингарчиликнинг бир текисда ёғмасликнинг ортиши, дориёлар оқими режимининг ўзгариши ва иқлимнинг беқарорлиги билан боғлиқ бошқа ўзгаришлар демақдир. Инсоният олдидаги муҳим вазибаларидан бири шуки, иқтисодий экологик мувазанатни мутонасиблаштириш ҳамда адолатли ҳал етилишига еришидир. Шубҳасиз, инсон фаолиятининг атироф муҳитга салбий таъсирларидан бири, Полетилен чиқиндиларни хоҳлаган ерларга ва теварак атирофларга ташлаши ва бунинг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирлари сезиларли даржада ошмоқда тупрокни ифлосланиши океан, дегизларнинг полителин чиқиндилар билан тўлиши, хозирда еса медисенада ниқопнинг чиқарилиши ва унинг инсонлар томанидан атироф муҳитга ташлаб кетилиши ва бу ертанги кунда хавли бўлган вирусларнинг яшаш макони бўлиб қолмаслигини ҳечким ҳеч қачон кафолат беролмайди ер танги ёшларга қандай келажакни бериб кетамиз билмадимку шу юуртда бизнинг зуриётларимизу ўзимиз фолият юуритаётганлигимизни есдан чиқармаслигимиз керак деб биламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимов Т.А., Рафиқов А. Экологик хатолик сабоқлари. Ташкент, 1991.
2. Бигон М., Харпер ДЖ., Таусенд К. Экология. Особи, популяцияи и сообщества. М.: Мир, 1989. Т.1. С. 666: Т. 2. С. 477.
3. Отабоев Ш., Набиев М. Инсон ва биосфера.-Т.: Ўқитувчи, 1995.

УЎҚ 33

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАР ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Х.У. Яқубова, таянч докторанти, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ овқат соҳаси ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши учун фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига берилаётган имтиёзли кредитларнинг аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиши, ишибилармонлик муҳитини яхшилаши, бандликни таъминлаши бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Озиқ овқат хавфсизлиги, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, имтиёзли кредит, ижара, кредит таъминоти.

Аннотация. В статье анализируется проводимая работа по созданию достойных условий жизни населения, улучшению деловой среды, обеспечению занятости льготными кредитами фермерских, деханских хозяйств и землевладельцев для социально-экономического развития страны.

Ключевые слова: продовольственная обеспеченность, фермерские хозяйства, землевладельцы, льготные кредиты, арендная плата, кредитное обеспечение.

Abstract. The article analyzes the work being done to create decent living conditions for the population, improve the business environment, provide employment with soft loans to farmers, dehkan farms and landowners for the socio-economic development of the country.

Keywords: Food security, farms, landowners, soft loans, rent, credit security.

Мамлакатимиз озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини сақлашда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари деҳқончилик маҳсулотларининг ўртача 68 фоизини, чорвачилик маҳсулотларининг эса 94% ини ишлаб чиқараётганлиги боис, ушбу хўжалик юритувчи субъектларини ривожлантириш бўйича кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Аммо “деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда,қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда...” [1]. Шунингдек, “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб

чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” [2] сингари масалалар устувор вазифа қилиб белгилаб олинди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тадбиркорлик салоҳиятини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фаолиятини ривожлантириш, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш асосида маҳсулотлар тури ва кўламини кўпайтириш, хўжаликда қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш, ўз шахсий даромадларини барқарор ўсишини таъминлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Қишлоқ хўжалиги ерлари – бизнинг бебаҳо миллий бойлигимиз, бу–озик-овқат хавфсизлигининг асоси, оддий қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти, дегани. Шунинг учун ушбу ерлар очик танлов асосида фақат ижарага берилади. Танлов–ҳар бир ер участкаси бўйича “бу ерни олишга ким энг кўп ҳақли?” деган саволга адолатли жавоб топиш учун ўтказилади. Бу танловда барча–деҳқон ҳам, фермер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам тенг шартларда иштирок этади” [3]. Аммо, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари олдида шахсий тадбиркорлик фаолиятларини тўлиқ ишга солиш, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини етиштириш ёки бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишларига бир қанча муаммолар мавжуддир. Бу муаммолар ичида кредит маблағларини етишмаслиги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини тако- миллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли Қарори, “Ҳар бир оила-тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли Президент Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июндаги 433-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 январдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №4964-сонли, 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №4610-сонли, 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №4576-сонли, 2020 йил 18 майдаги “Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №4716-сонли, 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги №5009-сонли, 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги №5200-сонли, 2021 йил 4 августдаги “Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги №5209-сонли, 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №20 сонли қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №52-сонли, 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни хотин қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб- қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №250-сонли ва бошқа қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда деҳқон хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятларини давлат томонидан турли йўналишларда молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари, жумладан:

-фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 2018 йил июн ойидан 2019 йил 31 декабрга қадар 3 йил муддатга, шу жумладан 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкига ресурслар жойлаштирилганлиги;

-2020 йил 1 январдан бошлаб ресурсларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоизлик пунктни чегириб ташлаган ҳолда амалга оширилганлиги;

-«Томорқа хизмати» МЧЖларга ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига кредит ажратиш учун «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкига ресурс сифатида 2 йил муддатга, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр билан 2018 йил июн ойидан 2019 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкасида йиллик 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда маблағлар тақдим этилганлиги;

-2020 йил 1 январдан бошлаб ресурсларни ажратиш 3 йил муддатга, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоизлик пунктни чегириб ташлаган ҳолда амалга оширилаётганлиги;

-халқаро молия институтларидан олинган грантлар ҳисобига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига, шунингдек, «Томорқа хизмати» МЧЖларга грантлар ажратилаётганлиги;

-фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қишлоқ хўжалиги техникаси, технологиялари ва асбоб-ускуналар, тайёр интенсив боғ ва тоқзорлар ҳамда иссиқхоналар билан таъминлаш бўйича лизинг фаолиятини амалга оширилаётганлиги;

-тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича 2 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техник базани мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар беришга 2020 йил 1 июлдан бошлаб кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида 4 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда ажратилаётганлигини деҳқон хўжалиklarининг тадбиркорлик фаолиятларини давлат томонидан турли йўналишларда молиявий қўллаб-қувватлаётганлигининг яққол далилидир. Юқоридаги фикрларнинг исботини қ 1-диаграммада кўришимиз мумкин.

Диаграммадан кўриниб турибдики, 2018-2020 йиллар давомида Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда “Томорқа хизмати” МЧЖларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 509,5 млрд. сўм пул маблағлари ажратилган бўлиб, шундан: 276,3 млрд. сўми (54%) томорқа ер эгаларига, 45,8 млрд.сўми (9 %) фермер ва деҳқон хўжалиklarига, 120,3 млрд.сўми (24%) “Томорқа хизмати” ва бошқа масъулияти чекланган жамиятларга, 33,3 млрд.сўми (7%) қишлоқ хўжалиги кооперативларига имтиёзли кредит ҳамда 19,1 млрд.сўми (4%) Томорқа хизмати корхоналари устав фондига Жамғарма улуши сифатида киритилган.

1-диаграмма

2018-2020 йиллар давомида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган маблағлар



Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Жамғарма томонидан Республикаимизнинг барча вилоятларига ажратилган маблағлар 2020 йилда 2018 йилга қараганда 48510,6 млрд сўмга, яъни 31,3 % га ортган. 2018 йилда энг кўп маблағ 28252 млрд сўм Самарқанд вилоятига ажратилган бўлиб, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 6101,9 млрд сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Жамғарма томонидан имтиёзли кредитлар учун ажратилган маблағлар миқдори деярли барча вилоятларимизда сезиларли даражада ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Сўнги йилларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, республикамиз миқёсида 2018-2020 йиллар давомида деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган 75,7 млрд.сўм имтиёзли кредитлар натижасида, 1792 та хонадонда жами 30,6 гектар майдонда иссиқхона, 96 та хонадонда 54 мингдан ортиқ зотдор парранда, 59 та хонадонда 1,3 мингдан ортиқ асалари қутилари, 12 та хонадонда 316 дан ортиқ насли қўй, 1 та хонадонда 130 дан ортиқ насли эчки, 33 та хонадонда 308 дан ортиқ чорвачилик, 12 та хонадонда 732 дан ортиқ қўён, 424 та хонадонда 746 гектар ер майдонида уруғ ва кўчатлар етказиб берилган, 379 гектар ер майдонларида боғ ва тоқзорлар ташкил этилган ҳамда натижада 3562 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

1-жадвал

Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ҳудудлар бўйича ажратилган маблағлар таҳлили млрд.сўм.

№	Вилоятлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йил 2018 йилга нисбатан ўзгариши	
					Суммада	Фоизда
1	Қорақалпоғистон Республикаси	8 607,7	7 197,2	7 818,0	-789,7	-9,2
2	Андижон	10 986,5	8 786,0	14 079,0	3 092,5	28,1
3	Бухоро	4 408,1	9 086,0	15 447,7	11 039,6	250,4
4	Жиззах	10 286,7	11 077,7	23 117,7	12 831,0	124,7
5	Қашқадарё	11 092,0	21 700,5	16 101,0	5 009,0	45,2
6	Навоний	5 718,5	5 557,5	13 857,0	8 138,5	142,3
7	Наманган	8 171,8	10 174,0	12 143,5	3 971,7	48,6
8	Самарқанд	28 252,0	19 060,0	34 353,9	6 101,9	21,6
9	Сирдарё	6 177,4	7 744,8	5 433,5	-743,9	-12,0
10	Сурхондарё	18 320,9	16 263,0	15 719,0	-2 601,9	-14,2
11	Тошкент вилояти	9 511,7	11 971,0	13 334,3	3 822,6	40,2
12	Фарғона	22 289,1	9 828,0	16 927,2	-5 361,9	-24,1
13	Хоразм	11 175,8	12 512,5	15 177,0	4 001,2	35,8
ЖАМИ		154 998,2	150 958,2	203 508,8	48 510,6	31,3

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Хусусан, банкларнинг кредит сиёсатида кредит таъминотида қўйиладиган талабнинг юқорилиги, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг моддий-техник базасининг етишмаслиги сабабли кўпгина ўз тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш истагида бўлган талабдорларнинг кредит ҳужжатларини тайёрлашда ортиқча овворагарчиликларга йўл қўйилаётганлигини энг катта муаммолардан биридир.

Республикасимиз Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4767-сонли Қарорига кўра, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида”ги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қоплб бериш тизими жорий этилиши белгилаб берилган. Уйлаймизки, агар ушбу тизим йўлга қўйилса юқорида кўрсатилган муаммолар қисман бўлсада бартараф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5199-сонли фармони, 2017 йил, 9 октябр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил, 7-феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли Қарори
4. “Ҳар бир оила-тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли Президент Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июндаги 433-сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 20.08.2021 й
7. Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобот маълумотлари

ТАРИХ ФАҲЛАРИ

UO'K 93/94

XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDA YEVROPA CHOLG'U VA MUSIQA
ASBOBLARINING DO'KONLARI TARIXIDAN

(Arxiv hujjatlarining materiallari asosida)

*Sh.A. Hayitov, t.f.d., prof., Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro**N.M. Radjabova, mustaqil tadqiqotchi, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro*

Annotatsiya. Ushbu maqolada XX asr boshlarida Turkistonga kirib kelgan Yevropa musiqa va cholg'u asbob uskunalari, ular savdosi bilan shug'ullangan do'konlar haqida arxiv manbalari orqali fikr mulohozalar bildirilgan.

Kalit so'zlar: musiqa, grammoфон, gramplastinka, gorn, baraban, duxovoy (puflama) orkestr, anjomlar, ovoz yozish, patefon, aksioner, omborxonona, aksiz solig'i, konselariya anjomlari, kitob do'koni, marsh, narx-navo.

Аннотация. В данной статье представлены отзывы через архивные источники о европейских инструментах, поступивших в Туркестан в начале XX века, о магазинах, торгующих им.

Ключевые слова: музыка, граммофон, грампластинка, горн, барабан, духовой, патефон, акционер, склад, акциз, канцтовары, книжный магазин, марш, цена.

Abstract. This article provides archival sources on European musical and musical instruments that entered Turkestan in the early 20th century, as well as the shops that sold them.

Keyword: music, gramophone, gram-plate, bugle, drum, wind orchestra, instruments, recording, gramophone, stock warehouse, excise tax, stationery, bookstore, march, price

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkiston mintaqasiga Rossiya va xorijiy davlatlardan qishloq xo'jaligi, sanoat, madaniy-maishiy sohalarida juda ko'p yangiliklar kirib keldi. Ayniqsa, madaniy-maishiy sohada kinomotografiya, fotografiya, pochta-telegraf, telefon, qo'l soati, Yevropa oshxonona anjomlari, idish-tovoqlar, stol-stullar, dazmol kabilarning kirib kelib, keyinchalik transformatsiya jarayonlari tufayli ijtimoiy, kundalik maishiy turmushga o'z ta'sirini o'tkazdi. Rossiya imperiyasi mustamlakachilik siyosati ma'murlari ushbu yangiliklar orqali mintaqada rus madaniyatini keng targ'ib qilish, "ruslashtirish" siyosatini yanada kuchaytirish maqsadlarini ko'zlagan bo'lsada, ayrim yangi texnik va maishiy anjomlar qo'l mehnatini yengillashtirishda aholini ilg'or Yevropa madaniyati bilan tanishishida muhim bo'ldi.

Shunday maishiy-madaniy yangiliklardan biri bu mintaqaga Yevropa musiqa va cholg'u asboblarining kirib kelishi edi. Ta'kidlash joizki, XIX asr oxirgi choragidan Turkiston general-gubernatorligining viloyatlari (Farg'ona, Samarqand, Sirdaryo, Yettisuv, Kaspiyorti), protektoratga aylantirilgan. Buxoro amirligi va Xiva xonligiga Rossiya va Yevropada ishlangan musiqa va cholg'u asboblari kirib kela boshlaganini arxiv manbaalari tasdiqlaydi. Musiqa asboblari, konselariya va galantereya buyumlarini kirib kelishida turli firma va kompaniyalar, xususiy tadbirkorlar, san'at namoyandalari muhim rol o'ynadilar. Ushbu anjomlarni mintaqaga bo'ylab tarqatishda XX asr boshlarida (1902 yilda) Turkiston general-gubernatorligi markazi Toshkentda "Grammofon va plastinka tovarlarining Aksionerlik jamiyati omborxonasi" tashkil etildi. Ushbu omborxonada musiqa asboblari, ovoz yozish vositalarini ko'tarasiga sotib olish mumkin bo'lib, ularni savdoga chiqarishdan oldin senzura nazoratidan o'tkazish tartibi joriy qilingan edi [1].

Musiqa va cholg'u asboblari do'konlari (mabalarda asosan grammoфон va plastinka sotiladigan do'konlar sifatida qayd etiladi – Sh.H, N.R) ni ochish bilan bog'liq Turkiston general-gubernatorligiga va viloyatlardagi harbiy gubernatorlarga, shahar boshliqlariga murojaat qilib yozilgan iltimosnomalar XX asr dastlabki o'n yilligida juda ko'payib ketgandi. Bu esa aynan shu davrda musiqa asboblariga talab kuchayganligidan dalolat beradi. Rus fuqarosi Al'bert Uvadevich Xudov 1912 yil 25 martda Toshkent shahar boshqaruvi manziliga yo'llagan arizasida: Toshkentning Yangi shahar qismida grammoфон, grammoфон uchun ovoz yozish plastinkalari, boshqa musiqa asboblari sotish uchun do'kon ochishga ruxsat so'rab murojaat qilgan. Uning murojaat arizasida hukumatning senzura va nashr ishlari to'g'risidagi Nizomini o'rganib chiqqanligi, Nizomning 175-moddasiga qat'iy amal qilishi haqida va'dalar berilgan. A.U.Xudov o'z do'konini ochish uchun bir qator majburiyatlarni bajarishga to'g'ri kelib, u savdo qilishga ruxsat beradigan 1,5 rubl tamg'a solig'ini to'lagan, do'kon uchun yer maydonini rasmiy xatlovdan o'tkazgan [2].

O'sha yili Y.M.Pil'sudskiy ism-sharifli yana bir rus fuqarosi P.Y.Kosenev, M. Sarev kabilar faoliyat yuritadigan "K O" firmasi tomonidan taqdim etilgan musiqa va cholg'u asboblarini sotadigan o'zining bitta

do'konini ochgan. Biroq "K^O" firmasi tomonidan taqdim etilgan musiqa anjomlari ta'qiqlangan tovarlar (qurol -yarog') bilan yashirin savdo qilganligi uchun avval 25 rubl, so'ngra 50 rubl jarimaga tortilgan, ushbu do'kon bir muddat yopib qo'yilgan [3].

Umuman grammofon, grammofon plastinkalarini sotadigan do'kon egalari agar do'koni yirik bo'lsa, konselariya buyumlari, kitob va o'quv qo'llanmalar bilan ham savdo qilsa, 2 rubl 50 koopeyk tamg'a solig'ini to'lagan. O'rnatilgan tartibni buzganlarga esa, 50 koopeykdan 1 rublgacha qo'shimcha tamg'a solig'i solingan [4]. Musiqa asboblari sotiladigan do'konlar Toshkent shahrining Mahram va Romanovskiy ko'chalarida 10 tagacha ko'payib, ulardan istagan musiqa anjomlarni tanlash mumkin bo'lgan. Shuningdek, Toshkentda maxsus musiqa asboblari sotiladigan "Shveytsar magazini" ham bor edi [5].

Musiqa asboblari nafaqat rus fuqarolari (rus, ukrain, belorus, yahudiy, arman, tatar va h.k) ning do'konlarida, qolaversa, mahalliy tadbirkorlar tomonidan ochilgan magazinlarda ham sotilardi. Jumladan, Toshkent shahri Sog'bon mahallasida istiqomat qiluvchi Xidirbek Nuralibekov do'konida yangi maishiy texnika vositalari qatorida grammofon, gorn, baraban, grammofon plastinkasi hamda mahalliy musiqa asboblardan do'mbira, setor, dutor, tanbur kabilari sotilardi. Uning do'koni peshtoqida musiqa asboblari sotish qoidalari bilan bog'liq Nizomning 171, 174-moddalari yozib qo'yilgan. Bu esa do'kon egasi o'rnatilgan tartibga qat'iy rioya qilib kelayotganligiga ishora bo'lgan [6].

Asli nasl-nasabi o'zbek bo'lgan, taqdir taqozosi bilan Perovskiy shahrida istiqomat qilib, so'ngra oilasi bilan Toshkent shahriga ko'chib o'tgan Shubaydulla Sa'dullayev bir qator do'konlarning egasi bo'lgan. 1910- yillarda uning do'konlaridan biri musiqa va cholg'u asboblari sotadigan magazin sifatida mashhur bo'lgandi [7]. Arxiv hujjatlarini o'rganish jarayoni shuni ko'rsatdiki, Sh. Sa'dullayev savdo do'konlarini ochishga ruxsat olish uchun juda kop to'siqlarga duch kelgan. Rossiya hukumati amaldorlari mahalliy tadbirkorning o'z ishbilarmonlik faoliyatiga kirishishi uchun osonlikcha ruxsat bermaganligi ayon bo'ladi [8].

Musiqa va cholg'u asboblari Buxoro amirligining 1880 -yillardan boshlab paydo bo'lgan rus manzilgohlaridagi shaharlardan Yangi Buxoro (Kogon), Karki, Chorjo'y, Patta-Hisor, Yangi Termiz kabilardagi galanteriya (atir-upa, pardoz-andoz tovarlari sotiladigan) do'konlarida sotilgan. Bunday do'konlardan XX asr boshlarida Kogonda –3 ta, Chorjo'y va Qarshida -1 tadan faoliyat yuritib, mahalliy aholi uchun rus musiqa asboblari ajabtovur tuyulgan [9].

XX asr dastlabki o'n yilligida Yevropa cholg'u va musiqa asboblari amalda mahalliy aholi turmush tarziga kirib borganligini 1909 yilda Riga grammofoniga taniqli buxorolik san'atkor Levi Boboxonov (Levicha) tomonidan shashmaqom namunalarini yozib olingani, amir saroyida Yevropa duxovoy (puflama) cholg'ulari asosida orkestr tashkil etilganligi kabilari tasdiqlaydi. Ta'kidlash joizki, Yevropa cholg'u va musiqa asboblari nafaqat ixtisoslashgan do'konlardan, qolaversa, konselariya buyumlari, musulmon va rus tilidagi kitoblar sotiladigan do'konlardan ham topish mumkin bo'lgan. Jumladan, Toshkent shahri Shayhontohur mahallasi Zanjilik mahallasida istiqomat qilib kelgan tadbirkor, o'zbek-Muhammadxon Poshoxo'jayev Sirdaryo viloyati harbiy gubernatori ruxsati bilan 1912 yilning bahorida Eski Toshkentda "Maktab" kitob firmasi bazasida rus va musulmon kitoblari, o'quv qo'llanma hamda darsliklar, shuningdek, konselariya buyumlari sotadigan magazin ochgan. Uning do'konida Yevropa musiqa va cholg'u asboblari ham xarid qilish mumkin bo'lgan [10].

Konselariya va kitob magazinlari Toshkent shahrining Eski shahar va Yangi shahar qismlarida mahalliy tadbirkorlardan Mulla Abdulla Mulla Xolmirza o'g'li, Himmat Solihboyev, Nurmuhammad Usta Muhammad o'g'li kabilari tomonidan ham ochilib, ularda 1910-1914 yillarda Yevropa musiqa va cholg'u asboblari ham sotilgan [11]. Imperiya hukumati tomonidan o'rnatilgan tartibga ko'ra mahalliy aholi istiqomat qiladigan Eski shahardan ruslar istiqomat qiladigan Yangi shaharga ko'chib o'tish mumkin edi. Biroq rusiyzabon aholiga Eski shahar qismiga ko'chib yashash ta'qiqlangan.

Arxiv manbalari bilan tanishish asnosida rus imperiyasi ayg'oqchiligi magazin va do'konlar ochish ishiga mahalliy xalq orasidan chiqqan millatparvar, taraqqiyparvar va jadid munavvarlarini yaqinlashtirmaslikka harakat qilgan. Jadidlar harakatining taniqli namoyondasi munavvar qori Abdurashidxonov (Toshkent shahri Shayhontohur dahasi, Darxon mahallasida yashagan 1878-1929 y.y) 1912 yil 22-maydan boshlab, o'sha yilning bahori va yoz oylari davomida Sirdaryo viloyati harbiy gubernatoriga bir necha bor o'z nomi bilan "Kitob savdosi uyushmasi" ni ochish, musulmon va rus-tuzem maktablari uchun kitoblar sotishga mo'ljallangan do'kon ochish kabilarga ruxsat so'ragan. Biroq, Munavvar qori faoliyati rus ma'murlari tomonidan obdon o'rganilib, unga barcha rasmiy hujjatlarni taqdim etgan bo'lsada, do'kon va uyushma ochishga ruxsat berilmagan [12]. Eski Toshkent shahri polistmeystori Munavvar qoriga yo'llagan xatida: "Sizga foydasiz" ishlar bilan shug'ullanganingiz uchun ruxsat berilmadi, deb xabar qilgandi [13]. Bu o'rinda Munavvar qori Abdurashidxonovning 1904 yilda "Umid" (Nadejda) to'garagi rahbari bo'lganligi "Ko'mak" tashkiloti orqali 1909 yildan boshlab turkistonlik yoshlarni Turkiyaga o'qish uchun yuborib "panislomizm" "panturkizm" ni yoqlagani 11 ta yangi usul

maktablari ochganligi 1907 yilda Qo'qonda nashr etilgan "Xurshid" gazetasida muharrir bo'lgani kabilar nazarda tutilgani hech kimda e'tiroz uyg'otmasa kerak.

Arxiv manbalari o'rganilib, tahlil qilinarkan, Yevropa musiqa va cholg'u asboblarning ko'tara va yakka tartibdagi narx-navolari bilan bog'liq jihatlarga tegishli ma'lumotlarni ko'p uchratmadik. Ayrim ma'lumotlarda potefonlar -100 rublgacha, grammofonlar sifati va ishlab chiqarilgan mamlakatlardagi markasiga qarab 40 rubldan 55 rublgacha, grammofon plastinkalari – 5 va 5,5 rublgacha boholangani qayd etilgan [14]. Cholg'u asboblarning narx-navosi o'sha davrda saqlangan reklama va e'lonlarda firma va kompaniyalarda va omborlardan ko'tarasiga sotib olinganda 2 barobar arzon turishi bilan bog'liq xabarlar keltirilgan.

Xullas, XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Rossiya imperiyasi markaziy hududlaridan Turkiston mintaqasiga Yevropa cholg'u va musiqa asboblari kirib keldi. Shuningdek, ularni sotadigan do'konlar tizimi ham vujudga kelib, asosan ko'chirilgan va kelgindilarning xonadonlarida, mahalliy badavlat shaxslar oilasida bunday musiqa asboblari tarqala boshladi. Mahalliy aholining asosiy qismi xorijdan keltirilgan cholg'u va musiqa asboblarni sotib olishga avvalo moddiy qudrati yetishmasdi, qolaversa, ulardan tarqaladigan ohang ham tubjoy millatlarining ma'naviy- ruhiy holatidan yiroq edi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Milliy Arxivi (O'MA), U -17-fond, 1-ro'yxat, 16957-yig'ma jild, 105-varaq.
2. O'MA U-17- fond, 1-ro'yxat, 16998 yig'ma jild, 43,44,45,46- varaqlar.
3. O'MA U-17- fond, 1- ro'yxat, 16998 yig'ma jild, 77,78,79,80- varaqlar.
4. O'MA U-17- fond, 1- ro'yxat, 16957 yig'ma jild, 178- varaq.
5. O'MA U-17- fond, 1- ro'yxat, 16960 yig'ma jild, 9983,3984- varaqlar.
6. O'MA U-17- fond, 1-ro'yxat, 16960 yig'ma jild, 2315- varaq.
7. O'MA U-17- fond, 1-ro'yxat, 16960 yig'ma jild, 2307- varaq.
8. O'MA U-17- fond, 1-ro'yxat, 16960 yig'ma jild, 2346, 2347,248,2349,2350,2376- varaqlar.
9. O'MA U-17 fond, 1-ro'yxat, 16998 yig'ma jild, 107- varaq, 112, 113,114- varaqlar.
10. O'MA U-17 fond, 1-ro'yxat, 16998 yig'ma jild, 149, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156- varaqlar.
11. O'MA U-17 fond, 1-ro'yxat, 16998 yig'ma jild, 158- varaq.
12. O'MA U-17 fond, 1-ro'yxat, 19986 yig'ma jild, 983- varaq, 983- varaqning orqa tomoni
13. O'MA U-3- fond, 1-ro'yxat, 872 yig'ma jild, 91- varaq. 91- varoqning orqa tomoni.
14. O'MA U-3- fond, 1-ro'yxat, 16998 yig'ma jild, 70,71- varaq.

UO'K 902

BUXORO VA ROSSIYA SAVDO ALOQALARINING RIVOJLANISHI (XVIII ASRNING OXIRI VA XIX ASRNING BOSHIDA)

M.X. Lapasov, o'qituvchi, Jizzax shahridagi Prezident maktabi, Jizzax

Annotatsiya. Mazkur maqolada 18-asr oxiridan boshlab Rossiya va O'rta Osiyo xonliklari, jumladan, Buxoro xonligi o'rtasidagi savdo aloqalarining rivojlanishi yoritilgan.

Kalit so'zlar: savdo-sotiq, jun, paxta, oltin, Orenburg

Аннотация. В данной статье описывается развитие торговых отношений между Россией и среднеазиатскими ханствами, в том числе и Бухарским ханством, начиная с конца XVIII века.

Ключевые слова: торговля, шерсть, хлопок, золото, Оренбург

Abstract. This article describes the development of trade relations between Russia and the Central Asian khanates, including the Bukhara Khanate, since the end of the 18th century.

Keywords: trade, wool, cotton, gold, Orenburg

Buxoro amirligida qo'shni davlatlar va xalqaro savdo aloqalarini rivojlantirishga katta e'tibor berilgan. Tashqi savdo aloqalarida Xiva va Qo'qon xonlari, qozoq va turkman dashtlari, Afg'oniston, Eron, Hindiston, Qashqar va ayniqsa Rossiya bilan bo'lgan savdo munosabatlari ayniqsa muhim o'rin tutgan. XVIII asrning oxiri - XIX asrning boshlaridan boshlab Buxoro amirligining tashqi savdo aloqalarida Rossiyaning savdo shaharlari (asosan Orenburg va Astraxon) shaharlari muhim o'rin tuta boshladi. Rossiyaga qishloq xo'jalik mahsulotlari – teri, qorako'l teri, jun, paxta, ipak tolalar, turli matolar olib chiqilgan. Buxoro savdogarlari Balx va Badaxshonga Rossiyadan keltirilgan oyna, igna, qaychi kabilar olib kelingan hamda Buxoroga oltin kumush olib qaytilgan[1].

XVIII asrning oxiridan boshlab Rossiya bilan O'rta Osiyo xonliklari, jumladan Buxoro xonligi o'rtasidagi savdo aloqalarining rivojlanishida Orenburg savdo yo'li katta ahamiyatga ega bo'lib, Orenburg shaharining o'zi Rossiya va O'rta Osiyo savdosida ayirboshlashning markaziga aylanadi. Shuningdek, Rossiya savdogarlari ham O'rta Osiyoga kamdan-kam qatnab, Rossiyaning sanoat mollari O'rta Osiyo bozorlariga deyarli mahalliy savdogarlar vositasi bilan olib kelinar edi.

XVIII asr oxirida Buxorolik savdogarlar Samarqand bozorlariga Rossiya, Xitoy, Hindistondan turli buyumlar keltiriladi edi. Samarqand viloyatidan esa shu mamlakatlarga qog'oz, olacha, chopon, sopol buyumlar, quruq meva, qorako'l teri, ot-ulovlar yetkazib berilgan[2]. XIX asr boshlarida boshlangan va XIX asrning 40-50-yillaridan boshlab Rossiya va Angliyaning O'rta Osiyo, jumladan, Buxoroga nisbatan qiziqishi, amirlik iqtisodiy hayotiga ularning kirib kelishi, o'z navbatida Buxoro amirligida ishlab chiqarish munosabatlarining jadal sur'atlar bilan o'sishi hamda ishlab chiqarishning rivojlanishiga olib keldi. Mahalliy hunarmandlar, savdogarlar, umuman ishlab chiqarish bilan bog'liq barcha tarmoq egalari ishlab ishlab chiqarishga bo'lgan munosabatlarini o'zgartirdilar. Buning natijasida XIX asr o'rtalariga kelib, talabdan ortiqcha mahsulot ishlab chiqarishi tufayli buxorolik savdogarlar tashqi savdo aloqalarini kuchaytirdilar. Xususan, buxorolik savdogarlar Rossiyaga ko'proq paxta va ipak gazlama mahsulotlarini olib borib, Rossiyadan temir va mis keltira boshladilar[3]. Haqiqatan ham, 1805-yilda Rossiyada 59 to'quv va 5 gazlama bo'yash va pardozlash fabrikalari bo'lsa-da, ammo bir dona ham ip yigiruv fabrikasi bo'lmagan [4]. Shuning uchun ham to'qimachilik sanoatini xomashyo bilan ta'minlashda ko'proq yarim tayyor-yigirilgan paxta ipi talab etilib, bu yarim fabrikat Rossiya va O'rta Osiyo, jumladan Buxoro savdosining asosini tashkil etardi. XVIII asrning oxirida 1787-1796-yillarda Rossiya va Buxoro o'rtasida olib borilgan savdosining hajmi quyidagi jadvaldan ham ko'rish mumkin[5]:

Savdo yo'nalishi	1787y.	1788 y.	1789 y.	1790 y.	1791 y.	1792 y.	1793 y.	1794 y.	1795 y.	1796 y.
Buxorodan Rossiyaga eksport qilish	379.1	198.9	493.1	365.2	467.6	381.5	479.1	407.5	501.9	484.5
Rossiyadan Buxoroga eksport qilish	341.2	177.0	443.8	346.9	420.8	305.2	440.8	366.7	426.7	411.8

XVIII asrning oxiri va XIX asrning boshida Buxoro xonligi bilan Rossiya o'rtasida olib borilgan diplomatik munosabatlar, asosan, ikki davlat o'rtasidagi iqtisodiy aloqalarni kengaytirish va muntazam olib borishga qaratilgan. Bu davrda Rossiyada sanoatning rivojlanishi va uning xomashyoga bo'lgan talabining ortishi bilan xomashyo manbai va sanoat mollarining bozori sifatida O'rta Osiyoning ahamiyati oshdi. O'rta Osiyo bilan savdo aloqalarini kengaytirish uchun harakat qilib, XIX asrning boshida Rossiyadan O'rta Osiyo bozorlariga metall chiqarishga va mahalliy O'rta Osiyo savdogarlariga Rossiyaning ichki yarmarkalarida savdo qilishga ruxsat etdi. Buxoro ham, Rossiya ham o'zaro iqtisodiy aloqalardan manfaatdor bo'lib, o'z diplomatik aloqalarida bu savdoni kengaytirishga va uni muntazam olib borishga harakat qiladi[6]. XVIII asr oxirida Rossiyaning o'zbek xonliklari bilan savdosining xarakterli xususiyati uning deyarli faqat ayirboshlash xususiyatiga ega edi. Savdo asosan chegara hududlarida olib borilgan, u yerdan O'rta Osiyoga tovarlar faqat O'rta Osiyo savdogarlari tomonidan olib borilgan.

XVIII asrning ikkinchi yarmida Rossiyada O'rta Osiyo xonliklari jumladan, Buxoro xonligi haqida ko'p ma'lumot to'plana boshlagan. Rus askari F.Efremov "Десятилетнее странствование" ("To'qqiz yillik sayohat") nomli kitobida o'zining to'qqiz yil sayohat qilib, Buxoro, Eron, Xorazm, Farg'ona, Qarshi, Tibet va Hindistonda bo'lib, Afrika janubini aylanib, Angliya va undan Rossiyaga borganligi haqida yozadi[7]. F.Efremov Buxoro xonligida paxta yetishtirish masalasi bilan qiziqadi. U xonlik xo'jaligining qorako'l terisi eksporti bilan bog'liq bo'lgan qo'ychilik sohasini kengroq yoritishga ahamiyat bergan. "Ma'lumki, - deb yozadi Efremov, Buxoro qorako'l terisi eksporti orqasidan shuhrat topgan va xon xazinasiga katta daromad keltirgan"[8].

XVIII asrning so'nggi yigirma yilligida barqaror ravishda o'sib bordi. Masalan, 1787-yildan 1796-yilgacha uch yil davomida Buxorodan Orenburg viloyati orqali Rossiyaga o'rtacha yillik eksport doimiy ravishda 360 ming rubl, 405 ming rubl va 465 ming rublni tashkil etdi. 1801-yilda Buxorodan Rossiyaga eksport 732,2 ming rublni, Rossiyadan tashqariga olib chiqish esa 547 ming rublni tashkil qilgan. Buxorodan Rossiyaga eksport qilinadigan asosiy mahsulot ip-kalava va paxta xomashyosi bo'lib, umumiy eksportning 3/4 qismini tashkil qilgan. Rivojlanayotgan Rossiya paxta sanoati O'rta Osiyo xomashyosiga muhtoj bo'lib, O'rta Osiyo bozori Rossiya sanoati uchun muhim xom ashyo bozoriga aylanadi; eksport teri xom ashyosi, qo'zichoq terisi va quritilgan mevalardan iborat bo'lgan. Rossiyadan Buxoroga chet el tangalaridagi oltinlar olib kelingan bo'lib, bu barcha eksportning 40% ni, rus va chet elda ishlab chiqarilgan gazlama va gazlamalar, mo'yalar, tikilgan charm va boshqalarni tashkil qilgan.

Rossiya-Buxoro savdosining bunday sur'atlar bilan rivojlanishi asosan Rossiyada kapitalistik munosabatlarning o'sishi bilan bog'liq bo'lib, rivojlanib borayotgan rus to'qimachilik sanoati ko'proq O'rta Osiyo xomashyosi - paxtaga muxtoj edi. Shuning uchun ham XVIII asrning oxiridan boshlab, O'rta Osiyo Rossiya sanoatining eng zarur va eng muhim xomashyo manbalaridan biriga aylandi. 1801-yilda Buxorodan Rossiyaga 483,7 ming so'mlik yigirilgan ip chiqarilib, u umumiy savdo aylanmasining 68 foizini tashkil etsa; 19,5 ming so'mlik paxta, yoki savdo oborotining 2 foizini, 42,5 ming so'mlik gazlama, yoki savdo

oborotining 5 foizini, 101,7 ming so'mlik xom teri, yoki savdo oborotining 13 foizini, 45,8 ming so'mlik qorako'l, yoki savdo oborotining 6 foizini, 25,7 ming so'mlik revand, yoki savdo oborotining 3 foizini va qolgan boshqa xildagi mahsulotlar savdo oborotining 3 foizini tashkil etardi. Demak, XIX asrning boshida Buxorodan Rossiyaga chiqariladigan mahsulotlar ichida yigirilgan paxta ipi bilan xom paxtaning o'zi umumiy savdo oborotining 70 foizini tashkil etadi[9].

Bu vaqtlarda Rossiyadan Buxoroga asosan metall, temir, mis, po'lat, cho'yan, kumush va oltin, shuningdek mo'yna, charm, movut va boshqalar chiqarilib, metallar Rossiya va Buxoro savdosida birinchi o'rinda turardi. O'rta Osiyoda Rossiyadan keltiriladigan metallarga bo'lgan talabning ortib borishi, asosan, bu vaqtlarda O'rta Osiyo xonliklarida iqtisodiy ko'tarilish natijasida shaharlarning o'sishi va ishlab chiqarish korxonalarining, ayniqsa, degrezlik korxonalarining kengayishiga bog'liq edi. Buxoroda ishlab chiqariladigan metall buyumlar deyarli Rossiyadan keltiriladigan metallar hisobiga ishlanib, Rossiya misidan turli xil ro'zg'or buyumlaridan tashqari, chaqa pul zarb qilinardi. Rossiya po'lati, temiri va cho'yanidan qishloq xo'jalik asboblari, qurol-yarog'lar va boshqa buyumlar ishlab chiqarilardi. Rossiyadan oltin va kumush pul shaklida keltirilib, ulardan oltin pul-tilla va kumush tanga zarb qilinardi.

Rossiya va O'rta Osiyo o'rtasidagi savdo aloqalari jonlanib borayotgan bo'lsada, lekin savdo yo'llaridagi talon-tarojliklar to'sqinlik qilardi. XVIII asrning oxiri va XIX asrning boshida savdo yo'llaridagi notinchlik avvalgidan ham kuchayadi. 1799-yilda Do'rtqorin qabilasidan bo'lgan Sari Oltoy va Qora Oltoy boshliq qozoqlarning bir gruppasi Buxoroga ketayotgan savdo karvonini talab, uning 295 ming so'mlik molini o'zlari bilan olib ketganlar[10].

1797-yildayoq Orenburg general-gubernatori Baron Ingelstrom O'rta Osiyo xonliklari bilan savdo munosabatlarini kengaytirish va ularni normal holda olib borish uchun karvon yo'llarining xavfsizligini ta'minlashda savdo karvonlarini O'rta Osiyo bozorlariga doimiy suratda harbiy soqchi bilan kuzatishni, mahalliy O'rta Osiyo savdogarlari uchun Rossiyaning ichki yarmarkalarida savdo qilishga ruxsat etilishini va Orenburgda O'rta Osiyo bozorlarini muntazam o'rganuvchi rus savdo muassasalarini barpo etishni taklif qilgan edi[11].

Savdo yo'llaridagi qiyinchiliklarga qaramasdan, Rossiya va O'rta Osiyo, jumladan Buxoro xonligi o'rtasidagi savdo aloqalari tobora kengayib boradi. 1804-1807-yillar ichida agar Rossiyadan O'rta Osiyo bozorlariga o'rtacha hisob bilan yiliga 988 ming so'mlik mol chiqarilgan bo'lsa, xuddi shu yillarda O'rta Osiyodan Rossiyaga, o'rtacha hisob bilan yiliga 2.071,6 ming so'mlik mol olib kelingan edi. 1812-1815-yillar davomida esa, Rossiyadan chiqariladigan molning hajmi o'rtacha hisob bilan yiliga 3.582,9 ming so'mgacha oshib, ayni zamonda O'rta Osiyodan olib kelinadigan molning miqdori 4.071,6 ming so'mga yetgan edi[12].

1762-yili Orenburg atroflarida Buxoroning savdo karvoni E.Pugachyoy qo'zg'olonchilari tomonidan talangandan so'ng Buxoro amiri 1775 va 1779-yillari Mulla Ernazar Maqsudovni o'zining elchisi sifatida Peterburgga yuborgan edi. Shundan so'ng 1804-1808 yillarda Buxoro xonligidan Rossiyaga Miralouddin, 1816 hamda 1819-yilda Mirza Muhammadyusuf «qo'rchiboshi» boshliq elchiliklar yuborildi. 1820-yilgacha Buxorodan Rossiyaga 11 marta elchiliklar yubordi. Garchi ular siyosiy-diplomatik xarakterdagi muammolar bilan bog'liq bo'lsa-da, ularga hamma vaqt savdo aloqalarini mustahkamlash vazifasi ham yuklangan edi. Zero, Buxoro Rossiya bilan savdo aloqalarini kengaytirishdan va uning transit imkoniyatlaridan manfaatdor edi. Rossiya ham Buxoro xonligi bilan aloqalarni muntazam olib borish uchun Buxoroga 1803-yilda Goverdovskiy, 1809-yilda Abdulnosir Subhonqulov elchiliklari va 1820-yilda A.F. Negri boshliq o'z elchi va missiyalarini yuborardi.

FÖYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Б.Эшонев Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи Т.2012. 302-303
2. Самарқанд тарихи II том. Тошкент 1971. 285 бет
3. Б.Эшонев Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи Т.2012. 304-бет
4. Сборник сведений по истории статистики внешней торговли России. Под редакцией В.И. Покровского. СПб, 1902, 297-бет.
5. Бунаков Е.В. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX в. Советское востоковедение. Т.II. М.,Л.,1941. С.11-12
6. А. Р. Мухаммаджонов, Т. Неъматов Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Т.1957, 17-18-бет
7. Р.Р.Алимова Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI-XX аср бошлари рус тарихшунослиги ва манбалари асосида) Т.: 2017.-32
8. Ф. Ефремов. Десятилетнее странствование. – М.: Гос изд-во геогр.лит., 1950.-С. 26,30
9. Бунаков Е.В. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX в. Советское востоковедение. Т.II. М.,Л.,1941. С. 9-10
10. Л. Мейер, Киргизская степь Оренбургского ведомства (Матерьяль для географии и статистики России). СПб, 1865, С.25
11. Бунаков Е.В. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX в. Советское востоковедение. Т.II. М.,Л.,1941. С.11-12

12. Ханьков Я. В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства, с их окрестностями, СПб, 1851 С.60-62

UO'K 902

TARIXIY TURKISTONDA ETNOS MASALASINI KUN TARTIBIGA QUYILISHINING G'OYAVIY ASOSLARI

N.A. Sattorov, tayanch doktorant, Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent

Annotatsiya. *ushbu maqola Turkistonda etnos masalasini kun tartibiga quyilishining g'oyaviy asoslarini yoritib berish. O'zbek xalqining kelib chiqishi, ya'ni uning uzoq davom etgan etnogenez bosqichi haqidagi tadqiqotlar tahliliga qaratilgan*

Kalit so'zlar: *Etnogeniz, etnik tarix, "Panturkiz", "paniranizm", "panislomizm", dashti qipchoq, jadidchilik harakati, malzum xalqlar, 92 bo'li o'zbek urug'i, Toshkentdagi sessiya.*

Аннотация. *Данная статья проливает свет на идеологическую основу постановки вопроса этничности в Туркестане. Основное внимание уделяется анализу происхождения узбекского народа, его длительному этапу этногенеза.*

Ключевые слова: *этногенез, этническая история, «пантуркизм», «паниранизм», «панисламизм», дашти кипчак, джадидское движение, известные народы, 92-главное узбекское племя, сессия в Ташкенте.*

Abstract. *This article sheds light on the ideological basis for raising the issue of ethnicity in Turkestan. It focuses on the analysis of the origins of the Uzbek people, its long stage of ethnogenesis*

Keywords: *Ethnogenesis, ethnic history, "Panturkiz", "Pan-Iranism", "Pan-Islamism", Dashti Kipchak, Jadid movement, known peoples, 92-chapter Uzbek tribe, session in Tashkent.*

O'zbek xalqining etnogenez va etnik tarixi Turkiston xalqlari tarixining tarkibiy qismini tashkil etadi. Odatda, tarix, xalq tarixi birlamchi manbalarga asoslanadi. Xalq tarixining manbalari - moddiy madaniyat va yozma manbalar bo'lib, ulardan olingan ilmiy ma'lumotlar asosida xalq tarixi yaratiladi. O'zbek xalqi etnogenizi tarixi tarixiy yozma manbalar, arxeologiya, etnografiya, antropologiya, lingvistika, toponimika, epigrafika, numizmatika kabi fanlar ma'lumotlari asosida yaratiladi. Bu fanlar ma'lumotlarisiz o'zbek xalqi etnogenezi va etnik tarixini mukammal ilmiy yaratib bo'lmaydi.

Turkistonda etnos masalasi XX asr bosharidan boshlab o'rganila boshlandi. Dastlab, mustamlaka xalqlar etnogenizi rus olimlari tomonidan bu xalqlarning tarixini chuqur o'rganishga, ulardagi qadimdan shakllanib kelgan madaniyatni dunyoga tanitishga qaratilmadi. Balki, Turkiston xalqlarini bo'lib tashlash orqali bu hududning boshqarish ishlarini yengillashtirish hisobiga Turkistonni uzoq muddat o'z qo'llarida saqlab qolishni maqsad qilgandilar. Sovet hokimiyati davrida ham shu siyosat davom ettirildi. O'zlarining oldilariga qo'ygan maqsadlariga erishish uchun esa birinchi navbatda milliy masalaga e'tibor berib, ularni shu kungacha ustlaridan hukmron bo'lib kelgan o'zbeklar etakchiligiga chek qo'yib O'rta Osiyoning barcha xalqlarini o'z xalqi nomlari bilan ataluvchi milliy respublikalar tashkil yetish zarur, deb hisobladi.

Bolsheviklar hokimiyatining dohiysi V.I.Lenin Sharqning mazlum musulmon xalqlariga qaratilgan murojaatida, mulkdorlar sinfi hokimiyatdan ag'darilganligi, endi har bir xalq o'zlari yashab turgan yurt va elni boshqarish huquqiga ega bo'lganligini alohida ta'kidladi. Yo'qsillar dohiysining bu murojaati joylardagi milliy ziyolilar- o'lka milliy xalqlarining ilg'or qatlami, jumladan O'rta Osiyoda jadidlarni ilxomlantirib yubordi. Bu esa Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olingan mavjud mustamlakalarda o'z xalqlari etnik tarixidan kelib chiqib Sovet davlati tarkibida o'z xalqlari nomi bilan ataluvchi davlatlarni tuzishni maqsad qilgan turli xalq ziyolilari faollashib qolishiga olib keldi. Shu boisdan o'zbek ziyolilari orasida ham Sovet hokimiyati davrida SSSR tarkibida milliy respublikalarni tashkil etish jarayoni ketayotgan kezlarda, o'zbek xalqining kelib chiqishi masalasi faqat turk etnosi bilan bog'lab talqin qiluvchi tarafdorlar vujudga keldi. Ularning fikrlaricha "O'rta Osiyo aholisi azaldan turklar bo'lib, buyuk Turon, so'ng Turkiston bo'lib ketgan", degan g'oya hukmron edi. Ular o'zbek xalqining turk ildizini turkiy bo'lmagan etnoslar bilan aralashish natijasida tarkib topganligini inobatga olmaydilar.

Podsho hokimiyati ag'darilib, uning o'rnida Muvaqqat hukumat, so'ng bolsheviklar davlati siyosiy hokimiyatni qo'lga olish arafasida keng xalq ommasiga turli xil va'dalarni berishgan. Bolsheviklar ham dastlab hokimiyatni egallash chog'larida mavjud xalqlarga berilgan umumlashtiruvchi federatsiya tarkibida milliy respublikalar tuzish va'dasi turk dunyosida umumturk davlatini tuzish "panturkizm" g'oyasining ko'tarilishiga sabab bo'ladi. Bu g'oyaning ildizlari 1883 yilda Baxchisaroyda (Qrim) umumturkiy rus jamoat arbobi, pedagog va publitsist Ismoilbek Gasprinskiy (Ismoil Gaspraliy) tomonidan nashr etila boshlagan "Terjiman" (Tarjimon) gazetasiga borib taqaladi. Panturkizmning eng birinchi ilmiy-nazariy asoslanishi qozonlik tatar Yusuf Akchuraning (Yusuf Akchurin) 1904 yilda nashr etilgan "Och tarzi

seyaset” (Uch turdagi siyosat) maqolasi hisoblanadi. Turkiy irqning ramzi bo‘z bo‘ri (Bo‘z Gurd, Bozqurt) bo‘lib, u millatning onasi sifatida belgilab qo‘yilgan va turklar Islom dinini qabul qilishdan oldin unga sig‘inishgan. Panturkizm yosh turklar mafkurasining unsurlaridan biriga aylandi, buning natijasida Usmonlilar hukumati 1918-1921 yillardagi Rossiyadagi fuqarolar urushi davrida O‘rta Osiyodagi turli millatchilik harakatlariga yordam ko‘rsatdi. 1923-yilda turk jurnalisti Ziyo Go‘kalpning “Turkizmning asosiy tamoyillari” kitobi nashr etilgan bo‘lib, u panturkizm mafkurasini rivojiga juda katta hissa bo‘ldi. O‘rta Osiyodagi panturkizm g‘oyasining yoyilishida asosiy targ‘ibotchi ham aynan turkiyalik faylasuf Ziyo Go‘kalp (1879-1924) bo‘lib, u bolsheviklar Rossiyasi tarkibidagi turkiy xalqlarning yagona turk davlatini tuzish goyasini ko‘tarib chiqadi. Ziyo Go‘kalpning bolsheviklar Rossiyasi turkiy tilli xalqlari orasidagi taniqli izdoshi yirik sharqshunos-tarixchi olim Zaki Validiy To‘g‘on bo‘lgan.

Aynan shu davrda O‘rta Osiyo ma‘naviy va siyosiy hayotida milliy istiqlolchilik harakatlari avj olib turgan kezlarda, O‘rta Osiyoning mavjud xalqlari orasida “paniranizm” va “panislamizm” ta‘limotlari ham paydo bo‘ldi.

Panironizm birinchi marta XX asrning 20-yillarida Mahmud Afshar Yazdiy tomonidan kiritilgan. Bu mafkura tarafdorlari Eronda yashovchi xalqlar shuningdek, eroniyzabon osetinlar, kurdlar, tojiklar, balujlar, pushtunlar, zazalar bir davlat ostida birlashishni istovchilardi. Ya‘ni paniranistik g‘oya tarafdorlarining fikricha O‘rta Osiyo hududida yashovchi qadimgi xalqlarning asosi forsiyabon bo‘lishgan. Shuning uchun bu hududlarning asl egasi eroniy xalqlar degan g‘oyani qo‘llab quvvatlovchi guruh vujudga keldi. Bundan tashqari O‘rta Osiyo yerli aholi orasida azaldan mavjud bo‘lgan o‘zbek xalqining kelib chiqishini Vahb ibn Munabbahning rivoyaticha, Nuh (a.s.)ning o‘g‘illari: Som ibn Nuh – arablarning, forslarning va rumliklarning otasidir; Hom ibn Nuh – sudanlik va boshqa afrikalik qora tanlilarning otasidir; Yofas ibn Nuh esa turklar, ya‘juj – ma‘jujlar va boshqa osiyolik qavmlarning otasidir deb Nuh payg‘ambarning o‘g‘li Yofasdan, Yofasning o‘g‘li Tur yoki Turkdan boshlanadi degan g‘oyani qo‘llab-quvvatlovchi tarafdorlar ham mavjud edi. Bu ta‘limotlar mintaqa, ziyolilari orasida siyosiy vaziyatni tobora murakkablashishiga xizmat qiladi. Fanga zid bunday konsepsiyalarning vujudga kelishi o‘lkamizning bu davrdagi etnogeniz bilan bog‘liq fan tarmoqlarining nihoyat darajada zaif ekanligini ko‘rsatadi. Natijada bu konsepsiyalarga qarshi markaziy hokimiyatining marksizm-lenincha milliy siyosatini ham o‘zida ifoda etadigan konsepsiya ishlab chiqishga kirishildi. Dastlabki yillarda bu konsepsiyani yaratish ancha qiyinchilik tug‘dirdi. Chunki O‘rta Osiyo xalqlari etnogenezi va etnik tarixi bilan bevosita bog‘liq fanlar-etnologiya, arxeologiya, etnografiya, antropologiya, toponimika, tarixiy lingvistika kabi fan tarmoqlari o‘sha kezlarda hali rivojlanmagan edi. Shuning uchun O‘rta Osiyo xalqlarining kelib chiqishi masalasida tushunmovchiliklar ko‘p edi. O‘rta Osiyo xalqlarining kelib chiqishi haqidagi usha davrgacha mavjud bo‘lgan qarashlarning deyarli hammasi faqat tarixiy va afsonaviy rivoyatlar bilan bog‘langan o‘rta asrlar davri qo‘lyozma asarlariga asoslangan edi. Shu bilan birga jahon ilm-fanida o‘tgan asrning 40-yillarigacha xorijiy va sobiq SSSRning aksariyat ko‘pchilik tarixchi olimlari o‘zbek xalqining etnik tarixi Shayboniy o‘zbeklarining O‘rta Osiyo hududlariga XVI asr boshlarida kirib kelishidan boshlanadi, degan fikrda edilar. Bunday xilma-xil o‘z tasdig‘ini topmagan yuqorida keltirgan nazariyalarni, qarashlarni tekshirish va O‘rta Osiyo xalqlarining kelib chiqishi haqida yagona to‘xtamga kelish uchun haqqoniy tarixiy konsepsiya yaratish kerak ediki, bu muammo yechimi bilan dastlab, XX asr 20-30 yillarning yetakchi olimlari: rus sharqshunos, arxeolog, etnograf va antropologlari shug‘ullandilar. Olib borilgan izlanishlar oqibatida O‘rta Osiyo qadimgi va o‘rta asrlar tarixiga oid bir qator ma‘lumotlar to‘plandi. Bu olib borilgan izlanishlarni umumlashtirish va yagona konsepsiya yaratish maqsadida 1942 yilning 21-29 avgust kunlari Toshkentda SSSR FA tashabbusi bilan O‘rta Osiyo xalqlari etnogeniziga bag‘ishlangan sessiya bo‘lib o‘tdi. Sessiyada taniqli olimlar O‘rta Osiyo xalqlari etnogenizi mavzusida ma‘ruzalar qilishib, O‘rta Osiyo xalqlari etnogenezi va etnik tarixining asosiy yo‘nalishi va ilmiy-metodologik asoslari belgilab olindi. Sessiyada bir qator olimlar o‘z ilmiy qarashlarini ma‘ruza qilib beradilar. Sessiya ishida qatnashgan olimlardan biri taniqli sharqshunos va arxeolog A.Yu.Yakubovskiy, o‘zining 1941 yilda Toshkentda o‘zbek va rus tillarida chop etilgan “К вопросу об этногенезе узбекского народа” risolasida o‘zbek xalqining shakllanishi masalada o‘zining qarashlarini quyidagicha ifodalaydi: “Dashti Qipchoqning 92 bo‘li sahroyi o‘zbeklari Shayboniyxon boshliq O‘rta Osiyoga kirib kelganlarida, bu yerda qadimdan yashab kelayotgan turkiy aholini uchratadilar. Bu turg‘un turkiy aholi O‘rta Osiyoning ikki azim daryolari (Amudaryo va Sirdaryo) oralig‘ida eng qadimdan boshlab yashab kelayotgan eroniy tilli xalqlar bilan aralashib, qorishish natijasida Qoraxoniylar davriga kelganda bu qorishmadan yangi etnos, ya‘ni o‘zbek xalqi shakllangan. Dashti Qipchoqdan bu zamanga ko‘chib kelgan ko‘chmanchi turkiy qabilalar esa, ularning kelishidan rosa 5 asr burun shakllangan yangi etnos tarkibiga qo‘shilgan komponentlar bo‘lib, tarix taqozosiga ko‘ra, ular o‘zbek xalqiga o‘z nomini bergan”. A.Yu.Yakubovskiyning bu qarashlari asosida Sovet davri etnologiya (etnografiya) fanida O‘rta Osiyo respublikalari xalqlarining (o‘zbek, tojik, turkman, qozoq, qirg‘iz, qoraqolpoq) etnik kelib chiqishi haqida ilmiy konsepsiya (ya‘ni “milliy avtohtonizm konsepsiyasi”) ishlab

chiqildi. Darhaqiqat, A.Yu.Yakubovskiy ishlab chiqqan konsepsiya nafaqat ilmiy jihatdan tarixiy haqiqatni o'zida aks ettirdi, hatto sobiq sovet hokimiyatining lenincha milliy siyosatini ham o'zida ifoda etardi. Toshkentda tashkil etilgan ilmiy anjumanda yig'ilgan olimlar o'sha davrda keng rivoj topgan shovinistik va millatchilik nazriyalarining asossiz ekanligini o'z ma'ruzalarida isotlab, masala to'g'ri ilmiy yo'nalish berishga qaratilgan edi. Anjumanda qatnashgan yetakchi olimlarning barchasi bir ovoz bilan xalqlar bir emas, qorishib borishlari natijasida vujudga kelganligini ta'kidlab o'tgan edilar. Natijada ilmiy sessiyaning yakunida O'rta Osiyo va Qozog'iston xalqlarining kelib chiqishi muammolari yechimiga nazariy va ilmiy metodologik asos bergan bu ilmiy ishlanma etnologiya fanida "milliy avtohtonizm konsepsiyasi" nomini oldi.

Demak, O'rta Osiyoda milliy xalqlarning kelib chiqish tarixi ya'ni xalqlarning etnogenizini o'rganishga qaratilgan dastlabki tadqiqotlar bolsheviklar hokimiyat tepasiga kelgandan so'ng olib borila boshlangan. Bu tadqiqotlarning amaliy hayotga tadbir etilishi Turkistonda milliy davlat chegaralash siyosati tufayli kun tartibiga qo'yilgan. Ungacha, na qadimda, na o'rta asrlarda, na Rossiya imperiyasi mustamlaka Turkistonda milliy masala davlat siyosati darajasida ko'tarilmagan edi. Bunga asosiy sabab turli tilli Turkiston xalqlari qadim davrlardan to XX asr boshlarigacha milliy nizolansiz birgalikda, bir xalq, ya'ni Turkiston xalqi bo'lib yashab kelishgan. Afsuski, sho'rolar yagona Turkiston xalqini yo'q qilishga harakat qilindi. Milliy respublikalar chegara maydonlarini belgilash bahonasida Turkiston xalqlari, ularning yaxlit tarixi va madaniy merosi sun'iy ravishda bo'lib tashlandi. Natijada Turkistonning bir butun bo'lib o'zlarini bir xalqmiz deb atavchi xalqlar o'rtasida millatlararo nizolarni kelib chiqishiga asos solindi. Bu siyosat tufayli sobiq sovet davrida tarkib topgan yangi avlod Turkiston tarixini o'rganish bilan shug'ullanar ekan, ularning har birida til doirasida fikrlash, hudud va meros talashish kayfiyati va ruhiyati shakllanib bordi. Bu esa tarixan bir makonda-bir zamonda bir tan-u bir jon bo'lib yashagan yagona Turkiston xalqlarining o'zaro munosabatlarining yomonlashuviga olib keladi. Bu kabi muammolarni yuzaga keltirgan Turkiston xalqlari etnogeniz tarixiga oid fandagi turli xil qarashlar va nazariyalarni o'z ilmiy izlanishlari orqali haqqoniy, ilmiy jihatdan o'z xulosalarni fan fidoyilari bo'lgan akademiklar A.Asqarov, K.Shoniyozov berdilar. Turkiston xalqlarining etnik tarixiga oid yakuniy, dunyo olimlari tomonidan e'tirof etilayotgan xulosa Akademik A.Asqarov tomonidan 2015 yilda nashr qilingan "O'zbek xalqining kelib chiqish tarixi" monografiyasida yuqorida keltirilgan masalalar, muammolar milliy xissiyotlarga berilmagan holda, birlamchi manbalar, tarixiy jarayonlarning ob'ektiv tahlili va xolislik asosida o'z aksini topgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Аскарлов А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. –Т.: 2004 й.
2. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: 2007.
3. Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи.Т.: 2015.
4. Большая российская энциклопедия.-М.:2004.
5. Бўриев О. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати хақида маълумотлар. ЎЗМУ хабарлари. –Т.: 2013 й.
6. Бобоёров Ғ. Бақтрий ҳужжатларида Турк хоқонлиги тарихига доир янги маълумотлар // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари Ёш олимлар нигоҳида: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика Ёш олимларининг анъанавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: 2010 й.
7. Ваҳобов М.Ғ. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: 1960 й.
8. Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Изд. «Наука», – Москва, 1972 г.
9. Гумилов Л.Н. Древние тюрки. –Москва, 1993 г.
10. История народов Узбекистана, Том I, –Т.: 1950 г.
11. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. –Т.:, 2011.-Б. 125-126.
12. Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. –Т.:,2005.
13. Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез его народов. Часть 1-3, – Ереван, 1957-1959 гг.
14. Ошанин Л.В. Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии. СЭ, VI-VII. – Москва,1947 г.
15. Санакулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. – Самарқанд, 2010 й
16. Советская энциклопедия. М.:1947.- С-31-325.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т .:,2000.
18. Ўзбекистон худудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар//Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, "Карим Шониёзов ўқишлари" туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари, 1–қисм., – Т., 2005 й.
19. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Т.:1941,с-12
20. Халимбетов Ю.М. Миллий менталитетимиз – истиқболимиз таянчи. "Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т.:2004 й.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБЛАРИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

М. Аллаев, мустақил тадқиқотчи, Қарши давлат университети, Қарши

Annotatsiya. Ushbu maqolada mamlakatimizning qadimgi manzillaridan biri bo'lgan Qashqadaryo vohasida joylashgan tarixiy-madaniy obyektlar, ularning turizm sohasini rivojlantirishda tutgan o'rnini tarixiy manbalar asosida bayon etilgan.

Калим сўзлар: Ўзбекистон, Қашқадарё, Қарши, Шахрисабз, Оқсарой, Қиличбой, Археология, Музей, Маданий мерос, Абу Муъийн -Насафий, Кўк Гумбаз, Одина масжиди, Хўжаи Жарроҳ, Бекмир, Абдулазизхон, Оқсарой, Дор ут-тиловат, Дор ус-саодат, Чорсу, Коба, Кундузак, Лангар ота, Султон Мир Ҳайдар.

Аннотация. В данной статье на основе исторических источников описываются историко-культурные объекты, расположенные в Кашкадарьинском оазисе, одном из древнейших мест страны, и их роль в развитии туризма.

Ключевые слова: Узбекистан, Кашкадарья, Карши, Шахрисабз, Оксарой, Киличбой, Археология, Музей, Культурное наследие, Абу Муъийн Насафий, Кок Гумбаз, мечеть Одина, Ходжаи Джаррох, Бекмир, Абдулазизхан, Оксарой, Дор ут-тиловат, Дор ус-саодат, Чорсу, Коба, Кундузак, Лангар ота, Султан Мир Ҳайдар.

Abstract. This article describes the historical and cultural sites located in the Kashkadarya oasis, one of the oldest places in the country, and their role in the development of tourism on the basis of historical sources.

Key words: Uzbekistan, Kashkadarya, Karshi, Shakhrisabz, Oksaroy, Kilichboy, Archeology, Museum, Cultural heritage, Abu Muin Nasafi, Kok Gumbaz, Odin Mosque, Khojai Jarroh, Bekmir, Abdulazizkhan, Oksaroy, Dor ut-Tilovat, Dor us-Saodat, Chorsu, Koba, Kunduzak, Langar ota, Sultan Mir Haidar.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги 7000 дан ортиқ маданий мерос дурдоналари, минглаб археологик объектлар ва қазилмалар бунинг тасдиғидир. Улар қадим тарихдаги маданий ҳаёт, аجدодларимиз турмуш тарзини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга. Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ана шу ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, археологик изланишлар олиб бориш ишларини қўллаб-қувватлаш, янги музейлар барпо этишга катта эътибор қаратиб келинаёпти.

Шу асосда 2001 йилда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги, 2008 йилда “Музейлар тўғрисида” ги, 2009 йилда “Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги қонунлар қабул қилинди [1].

Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти, музейлар фаолияти тартибга солиноқда.

Тарихий, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш, илмий хулосалар бериш бўйича бугунги кунда нафақат Ўзбекистон олимлари шуғулланаётгани, балки бунга хорижлик экспертлар катта қизиқиш билдираётгани ҳам диққатга сазовор. Жумладан, улар ташкил қилинаётган кўплаб илмий экспедицияларда иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бу ишларни амалга оширишда саъй-ҳаракатлари ва ролини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Фикримизнинг далили сифатида Қашқадарё замида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили, исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб муаллифи Абу Муъийн Насафий, Шеробод туманида буюк ҳадисшунос аллома Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбаралари каби кўплаб зиёратгоҳларни обод қилиш борасидаги эзгу ишларни қайд этиш мумкин.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга ғамхўрлигининг яққол намунаси сифатида 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4956-сонли фармони, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2995-сонли қарори, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-3074-сонли қарори, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-3105-сонли қарорлари [1] халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга олиб келиш каби ишларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон археологик ёдгорликлар сони жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон ҳудудидаги дунё цивилизацияси таракқиётида катта ўрин тутган 7,5 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари, шундан 4308 та археология объектлари, 2079 та архитектура объектлари, 694 та маҳобатли санъат объектлари, 395 та диққатга сазовор жойларни сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, таъмирлаш, дунё миқёсида тарғиб қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилиб, улар давлат муҳофазасига олинди [2].

Мамлакатимизда мавжуд маданият ёдгорликларини реставрация қилиш ва консервациялашга қаратилган давлат дастурлари қабул қилиниб, ушбу дастурлар асосида мустабид тузум даврида хароб аҳволга тушиб қолган дунёга машҳур Самарқанддаги XIV-XV аср ёдгорликлари – Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибиҳоним масжиди, Бухородаги X-XII аср ёдгорликлари – Сомонийлар мақбараси, Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Хивадаги XIV-XVII аср ёдгорликлари – Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тош ҳовли, Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси, Қаршидаги Кўк Гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Хўжаи Жарроҳ мажмуаси, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари, Шаҳрисабздаги Оксарой, Дор уг-Тиловат ва Дор ус-Саодат мажмуалари, Чорсу, Коба, Кундузак, Қамашадаги Лангар ота, Касбидаги Султон Мир Ҳайдар, Қарши туманидаги Абу Мўъийн Насафий мажмуаси ва бошқа кўплаб меъморий обидалар таъмирланиб, келажак авлодлар учун сақлаб қолинди [3:25 – 26].

Шу билан бирга, Самарқандда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Фарғона ва Қувада Аҳмад Фарғоний, Тошкентда Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алпомиш, Андижонда Бобурнинг ҳайкаллари, Марғилонда Бурхониддин Марғиноний мақбараси қурилди. Ушбу мақсадларда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2016 йилда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга 2008 йилга нисбатан 10 баробар кўп маблағ ажратилди [4].

Мустақиллик йилларида тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳукукий асослар яратилди. Тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини ҳукукий муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Моддий бойликларни олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар ҳукукий асос сифатида муҳим аҳамият касб этади [1].

Ўзбекистон ҳудудида ҳозирги кунда қадимги меъморчилик ёдгорликларидан 600 дан ортиғи қонунлар асосида кўриқланади ва уларнинг аксариятини масжидлар ташкил этади. Мазкур ёдгорликларнинг бир қисми таъмирдан чиқарилган. Уларнинг бошқа қисми ўрганилиш босқичида бўлиб, таъмирга тайёрланмоқда, учинчилари эса тадқиқ этиш навбатини кутиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси жорий архив маълумотларига қараганда, 1991 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда республикамиз бўйича 1000 дан ортиқ маданий мерос обидалари: меъморий мажмуа, мадраса, масжид, археология объектлари, диққатга сазовор жойлар ва ҳайкаллар республика бюджети ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таъмирлаб тикланди ва ободонлаштирилди [5].

Кейинги йилларда улкан ўзгариш ва янгиланишлар туфайли Қашқадарё вилояти шаҳару кишлоқлари ҳам кўркам, обод ва муаззам қиёфа касб этмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллик шодиёнаси арафасида вилоят маркази-Қарши шаҳри кўчалари, ички ва умумий фойдаланишдаги ҳамда транзит йўллар ён-атрофлари кўкаламзорлаштирилди. Сув ҳавзалари, истироҳат боғларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу кунларда ҳам шаҳарнинг қай бир маҳалласига борманг, янги ва замонавий иншоотлар барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз.

Хусусан, кейинги йилларда Қарши шаҳридаги “Кўкгумбаз”, “Одина” жоме масжидлари, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ, Қарши туманидаги Имом Мўъийн Насафий, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар, Шаҳрисабз туманидаги “Оксарой”, “Дорут-Тиловат” ва “Дорус-Саодат” мажмуаларида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари якунига этказилди. Бу эса, ўз навбатида, Қашқадарёда туризм

соҳасини ривожлантириш учун асос яратди. Ушбу жараёнда, албатта, Вазирлар Маҳкамасининг “2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки ушбу ҳужжатга кўра, ҳудудда тарихий ва маданий объектларни халқаро ҳамда маҳаллий сайёҳликка мослаштириш, Амир Темур номидаги музей экспозицияларини кенгайтириш, меъморчилик иншоотлари интерьерларида мавзуга мос экспозициялар, археологик объектларда экотуризмни ташкил этиш, шунингдек, Шаҳрисабз музей-шаҳарга айлантириш режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда мазкур қадимий кентда шарқий бозор барпо этиш, унда замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда [6, 7].

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги нишонланиши етти иқлимга таърифи кетган шаҳарни бутун дунёга яна бир марта овоза қилди. Кўхна Шарқ архитектураси дурдоналари ҳисобланган кўплаб обидалар, миллий меъморчилик ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига киритилгани жаҳоний эътирофнинг ёрқин далилидир.

Айни пайтда бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги “Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, ҳудудни архитектуравий режалаштириш, қиёфасини яхшилаш мақсадида 36 та объектда 97,5 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, шу кунларда Оқсарой мажмуасини Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари билан бирлаштирувчи хиёбонда иш қизғин. [8, 9].

Шаҳрисабзга келаётган сайёҳлар зиёрат ва саёҳатни Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойидан бошлашади. Шу боис унинг атрофи Ҳукумат қарори билан тасдиқланган бош режага кўра, тубдан ўзгартирилмоқда. Хиёбондан Дорут-тиловат мажмуаси ҳудудигача бўлган кўчалар энг замонавий тунги ёритиш мосламалари билан жиҳозланди. Яшил майдонларнинг суғориш тизимлари ҳам бутунлай янгиланди. Дастур асосида Абдушукур оғолик мадрасаси, Кунчиқар, Ҳовузак Мардон, Молик Аждар масжидлари, Коба карвонсаройи ва яна 7 та тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоот қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этиши кўзда тутилаётди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик шарофати билан республикамиздаги маданий мерос объектларига бўлган муносабат ўзгариб, бу борада давлатимиз раҳбари томонидан бир қанча қарор ва фармонлар эълон қилинди. Натижада, Қашқадарё вилоятидаги меъморий обидалар Маданий мерос бошқармаси томонидан рўйхатга олинди, таъмирланди ва ўзига яраша туристлар ташриф буюрадиган масканга айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг сайти.
3. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. – Ташкент, Издательство литературы искусства имени Гафур Гуляма, 1986.
4. Латипов Д.В. Проблемы развития градостроительства Республики Узбекистан в условиях формирования рыночных отношений. Архитектура и строительство Узбекистана, № 2-3, 2000.
5. Маматмусаев Т.Ш. Таъмирлаш машгулотларида компьютердан фойдаланиш // Дарслик. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш. – Тошкент, 2009.
6. Подъяпольский С.С., Бессонов Г. Б., Беляев Л.А., Постникова Т.М. Реставрация памятников архитектуры. – Москва, Стройиздат, 1988.
7. Пулатов Х., Уралов А. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш. – Тошкент, ТАҚИ, 2002.
8. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент, Шарқ, 1998.
9. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Темурийлар давридаги шаҳарларнинг архитектуравий-режавий тузилиши // Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2009. – №3-4.

УЎК 93/94

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА

А.Х. Бўронов, декан ўринбосари, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада жамият тараққиётида ҳуқуқни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг турли шакллари-жамоат фондлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хайрия ташкилотлари кабиларни тузиш имкониятини берадиган қонунчилик базаси барпо этилган. Ўтган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда

Калим сўзлар: Фуқаролик жамияти, “Ижтимоий шериклик”, ижтимоий, нотижорат, нодавлат, институтлар, концепцияси, инсон ҳуқуқлари.

Аннотация. В данной статье устанавливаются правовые основы создания различных форм негосударственных некоммерческих организаций - общественных фондов, общественных организаций, политических партий, профсоюзов, благотворительных организаций и др. - для реализации права в развитии общества. За истекший период принято более 200 законодательных актов, направленных на усиление правового статуса, роли и значения неправительственных организаций и институтов гражданского общества, и их количество с каждым годом растет.

Ключевые слова: Гражданское общество, «Социальное партнерство», социальные, некоммерческие, неправительственные, институты, концепция, права человека.

Abstract. This article establishes the legal framework for establishing various forms of non-governmental non-profit organisations - public foundations, public organisations, political parties, trade unions, charitable organisations, etc. - for realization of right in development of society. For the expired period more than 200 legislative acts directed on strengthening of legal status, a role and value of non-state organizations and institutes of civil society are accepted, and their quantity grows from year to year.

Keywords: civil society, "Social Partnership", social, non-profit, non-governmental, institutions, concept, human rights

Хаётингизда ижтимоий муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал қилиш учун бирор ечим топишга ҳаракат қилганмисиз? Бу ҳамма билан содир бўлади. Ахир ҳукумат жамиятда вужудга келаётган ижтимоий муаммоларни яқка ўзи бартараф этишга қодир эмас. Бундай муаммоларни албатта нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ёрдами билан ҳал этса бўлади. Ҳатто уларни ҳукумат ўзига шерик деб билса ҳам бўлади. Шунинг учун нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) тузилиши керак. Республика адлия вазирлигида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди. Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг ягона режасига мувофиқ ташкил этилган мақоламиз “Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ривожланиш истикболлари” мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этмоқда. Бунда фуқароларнинг уюшмаларга бирлашиш, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқлари таъминланган. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг турли шакллари-жамоат фондлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хайрия ташкилотлари кабиларни тузиш имкониятини берадиган қонунчилик базаси барпо этилган. Ўтган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. НТТ ларнинг тараққий этишида 2007 йилда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисидаги қонун муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга бу соҳанинг институционал базаси ҳам шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Республика байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ташкил топди.

Шу ўринда анжуман иштирокчиларининг эътибори Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида илгари сурилган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойил асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил тадбирларга қаратилди. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат сиёсати айнан шу масалани рўёбга чиқариш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга йўналтирилди. Концепция доирасида бир қатор муҳим қонунлар-“Ижтимоий шериклик” тўғрисидаги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги, “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар НТТлар фаолиятини кучайтириш баробарида учинчи секторнинг давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиш, табиатни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалаларидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтди. Адлия вазирлиги ушбу

қонунларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қулай фаолият кўрсатиши учун бир қанча имтиёзлар берилди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, мол-мулкка солинадиган солиғи, ер солиғи ва бошқа солиқлардан, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўланишидан озод этилди. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган ислохотлар натижасида ННТ тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш имконияти яратилди.

Шунингдек ННТлар учун қонунчиликдаги айрим ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида 2013 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Хусусан, рўйхатдан ўтказиш соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш такомиллаштирилди ҳамда тўлов миқдорлари камайтирилди. Бу эса фуқаролик жамияти ва институтлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб боришига катта рағбат бермоқда. Агар 2000 йилда ННТлар сони 2585 та, 2010 йилда эса 5100дан зиёдни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда бундай тузилмаларнинг сони 8500 дан ошди ва улар турли йўналишларда фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, 2015 йил 4 июндаги адлия вазирининг буйруқларига асосан Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллариининг тасдиқланганлигини юқоридаги фикримиз исботи сифатида келтирсак бўлади.

ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қонунчилик асослари, ҳукумат ва парламент сиёсати ёрдам берди. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мамлакатда кечаётган демократик ўзгаришлар муаммоларини ҳал этишга кенг жалб этиш, вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари парламент фаолиятида энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Таъкидлаш керакки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси бу борада тизимли ишларни амалга оширмоқда. Натижада фуқаролик жамияти институтлари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кенгайтиришга замин яратади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари, жумладан, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, аёллар ва ёшлар, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда долзарб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этиш учун кенг имкониятга эга. Албатта барча нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовордир. Масалан, фаол ва самарали ННТлардан бири “Millenium” маркази бугунги кунда 500 дан ортиқ ногирон ёшларни бирлаштирган ташкилот бўлиб, имконияти чекланган ёшларни янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда қўллаб-қувватлаб, уларни ижтимоий ҳаётга жалб қилмоқда. Жумладан, “Millenium” маркази аъзоларнинг кизиқишларига кўра клублар ташкил этган, у ерда кўнгилчилар раҳбарлигида турли учрашувлар, тикувчилик ва бошқа хунармандчилик бўйича машғулотлар, инглиз тилида сўзлашув дарслари ўтказилиб келмоқда. Марказ томонидан бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ногиронлар учун янги иш ўринлари яратиш ва уларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Ёшлар ва талабалар» форумида иштирок этиб, Microsoft компанияси ва “Digital Generation Uzbekistan” ҳамкорлигида «Hour of Code» нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳаси тақдимотида, “Рақамли авлод” ўқув дастурини, дастурий таъминот ва робототехника техникасини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Бугунги кунда “Digital Generation Uzbekistan” нодавлат нотижорат ташкилоти шиддат билан ривожланиб келаётган ташкилот бўлиб иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш, ёш авлоднинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, қизларнинг маънавий ва касбий маданиятини ва ижодий салоҳиятини амалга оширишда ёрдам бериб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, нотижорат секторнинг фаолияти аҳолининг таълим ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичларини яхшилашга, иқтисодий ривожланиш суръатларини оширишга, сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришишга ёрдам беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил, 13 ноябрь сони.
3. Ислон Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
4. “Жамоат бирлашмалари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991 йил 15.02. №223-ХП.
5. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999. 14.04. № 763-І.
6. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2007 йил.
7. Yusupovich, K. S. (2020). The Emergence Of Religious Views Is Exemplified By The Southern Regions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(10), 143-145.

УЎК 93/94

ИЛК ЎРТА АСР СУҒД ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА БАКТРИЙ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.С. Ғойибов, т.ф.д., Самарқанд давлат университети, Самарқанд
Д.Х. Аҳмадов, магистрант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур илмий мақолада ўрта асрлар ўзбек давлатчилигининг энг йирик маҳаллий давлатларидан бири ҳисобланган Сўғд тарихи билан боғлиқ тарихий манбалар ҳақида сўз юритилади. Мазкур манбалар бактрий манбалари мисолида илмий адабиётлар таҳлили асосида амалга оширилган.

Калит сўзлар: конфедерация, тарих, Сўғд, тарихий манба, ёзув, географик ҳудуд, деворий сурат.

Аннотация. В данной научной статье рассматриваются исторические источники, связанные с историей Согда, одного из крупнейших локальных государств Узбекского государства в средние века. Эти источники основаны на анализе научной литературы на примере бактриальных источников.

Ключевые слова: конфедерация, история, Согд, исторический источник, письменность, географический район, фреска.

Abstract. This scientific article deals with historical sources related to the history of Sughd, one of the largest local states of the Uzbek state in the Middle Ages. These sources are based on the analysis of the scientific literature on the example of bacterial sources.

Keywords: confederation, history, Sughd, historical source, writing, geographical area, mural.

Суғд конфедерацияси тарихига бевосита алоқадор манбаларни аниқлаш ва маълумотларнинг ишончилилик даражасини белгилашда уларнинг қандай муҳитда яратилганлиги ҳам муҳимдир. Суғд конфедерация тарихига оид нисбатан кенг маълумот келтирилган суғдий, хитой, араб-форс, қадимги туркий тилидаги манбалар таҳлилига бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бошқа тиллар, хусусан, бактрий (“Бактрия” ибораси географик маънони ифодалаш учун ишлатилган. Географик маънодан фарқли бўлиши учун ёзув ва тилни ифодалаш мақсадида “бактрий” атамасини ишлатиш маъқул деб топилди – А.Д.) тилидаги манбалар таҳлили тадқиқотчилар назаридан бирмунча четда қолган. Ушбу манбаларни тадқиқ этиш Суғд конфедерацияси тарихининг баъзи хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу асосда Суғд тарихининг бирламчи ва ёрдамчи манбалари аниқланади ҳамда маълумотларнинг реал тарихий жараёнларга боғлиқлиги қай даражада эканлиги ўз аксини топади. Қолаверса, турли тиллардаги манбалар муаллифларнинг у ёки бу жиҳатдан (масалан, этник ёки сиёсий жиҳатдан) мансублиги тарихий жараёнларни қанчалик даражада холис акс эттирилганлигини аниқлашда муҳим омил саналади.

Суғд конфедерацияси тарихининг баъзи қирралари акс эттирилган бактрий тиллардаги манбаларнинг рус тилидаги нашрлари асосида муаммони тадқиқ этишга ҳаракат қилиш ҳам муҳим ҳисобланиб, ушбу манбаларда Суғд конфедерацияси тарихига махсус боб ёки бўлим ажратилмаган бўлса-да, улардан муаммонинг баъзи қирраларини ёритишда унумли фойдаланиш мумкин [1].

Бақтрий тилли ва ушбу тил асосидаги юнон ёзуви (кейинчалик мил. авв. II-I асрларда юнон алифбоси асосида бақтрияликлар ўз ёзувларини ишлаб чиққанлар), суғдий тил тарқалган ҳудудга қўшни бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. Географик жойлашувига кўра, Суғднинг жанубий ҳудудлари илк ўрта асрлар Тохаристон (тарихий Бақтрия) билан чегарадош бўлиб, ушбу минтақалар тарихи бир-бири билан боғлиқ.

Аммо Суғд тарихи билан боғлиқ маълумотлар кўпгина бақтрий манбаларда учрамайди. Масалан, 1905 йил А. фон Ле Кок томонидан Туйок дарёси (Турфон / Шарқий Туркистон) воҳасидан топилган “Берлин эфталит парчалари” деб номланувчи бақтрийча ҳужжатлар, Андрэ Марик томонидан 1957 – 1959 йилларда Сурх-Коталдан топилган қушонлар даврига оид бақтрийча диний ҳужжатлар, 1962 йил Эски Термизнинг Қоратёпа ибодатхонаси харобаларидан топилган диний мазмундаги ҳужжатлар, совет-афғон экспедицияси томонидан 1973 – 1974 йилда Шимолий Афғонистондаги Дилбержин шаҳар харобасидан топилган бақтрийча ёзув машқи намуналарида Суғд конфедерацияси хусусидаги маълумотлар учрамайди. Уларнинг аксарияти диний мазмунда [2].

Тарихий Тохаристон ҳудудидан XX асрнинг 90- йиллари давомида топилган бақтрий тилидаги, мутахассислар томонидан асосан милодий III-VII асрларга оид деб тахмин қилинган ҳужжатларнинг топиллиши муҳим воқеа бўлди [3]. Эроншунос Н. Симс-Вилльямс томонидан ўрганилган мазкур манбалар, асосан инглиз, қисман рус тилларига таржима қилинган бақтрий ҳужжатлари [4] бошқа тилларга тўлиқ таржима қилинмаган. Бақтрий тилли ҳужжатларнинг инглиз тили таржималарининг айримлари ўзбек тилида ҳам эълон қилинди [5].

Мутахассислар мазкур бақтрий ҳужжатлар 639, 678, 681, 702 йилларда тузилганлигини келтириб ўтишади [6]. Ҳужжатлар олди-сотди, ижарага бериш, мажбурият, кафолат хати каби ҳуқуқий масалаларни қамраб олган. Бақтрий тилли ҳужжатларнинг тузулиши ҳам Муғ тоғи суғдий ҳужжатларига ўхшашлиги билан диққатни тортади. Уларда ҳам ҳужжатнинг кириш формуласи, мақсади, ҳужжат тузилганда гувоҳлик қилганлар, тузилган санаси каби таркибий қисмлари мавжуд. Балки, хоқонлик тасарруфидаги девон ва маҳкама ишларининг бир хилда юритилиши марказий ҳокимият томонидан назорат қилингандир.

Бақтрия ҳужжатлардан Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари унвони билан алоқадор баъзи маълумотлар келтирилган. Масалан, ҳужжатларда келтирилган *хар* ёки *хър* унвони қадимги эроний тилдаги *xšāθriya* – “ҳукмдор” маъносини бериб [7], суғдий тилда [əxšēθ] деб талаффуз этиладиган “ихшид” сўзига ўхшаш. Бу икки атама ёзилишига қарамай, бир хил маъно англатиш учун ишлатилганлиги тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Ушбу масалада олимларни ҳам фикри бир жойдан чиққан. Масалан, М.Исҳоқовнинг фикрига кўра, илк ўрта асрларда Тохаристон ҳукмдорлари унвони сифатида *ихрид* деб тушуниб келинган унвон палеографик жиҳатдан манбаларда чиндан ҳам шундай ўқилади. Бироқ, бу унвоннинг таркибидаги *-p-* харфи Жанубий Суғд минтақасида *-и-* деб ўқилиши лозим. Бундай ноёб палеографик ҳодиса Жанубий Суғдга қўшни Тохаристон (Бақтрия)да амал қилган юнон-бақтрий ёзувидаги меъёр таъсирида юзага келган. Бақтрий юнон ёзувида *реш* харфи *шин* учун ишлатилган. Бунинг фонологик маъноси ушбу товушларнинг ўзгариши ўрни бирлиги, талаффузда эса, бири тор оралиқ шовқинли, иккинчисининг талаффузи титроқлиги билан белгиланади. Бақтрий юнон ёзувида эса *шин* учун *реш* дан фойдаланиш каби қабул қилинган палеографик усул бир муддат “миллий” суғдий ёзувнинг жанубий минтақа амалиётига таъсир қилган кўринади. Бироқ, бу амалиёт кенг тарқалмаган. Шу сабабли, *ихрид* атамаси тарихан *ихшид* атамасининг маҳаллий варианты деб ҳисобланиши лозим [8].

Бақтрия ҳужжатларида бир неча маҳаллий ҳукмдорларга Турк хоқонлари томонидан унвонлар тақдим қилиниши билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган[9]. Ушбу ҳужжатларда Турк хоқонлари томонидан хоқонлик тасарруфида бўлган ҳукмдорларга тақдим қилинган *элтабар* унвони, бундан ташқари, хоқонликнинг жойлардаги назоратчи ноиблари бўлган *тудун* каби, *хоқон*, *тархон* ва бошқа ўнлаб қадимги туркийча унвонлар акс этган[10]. Манбада ушбу унвонларнинг хоқонлик бошқарувида ишлатилганлиги тилга олинади. Бу эса мазкур унвонларнинг Суғд конфедерацияси тарихи билан боғлиқлиги масаласи кучайтиради.

Бақтрий тилида ёзилган бир неча ҳужжатлар Суғднинг ўзидан ҳам топилган. Хусусан, Панжикент харобаларидан ёрлик ва бир қанча сопол парчаларда битилган сўзлар, Афросиёб деворий суратларидаги бақтрийча ёзув намуналари топиб ўрганилган [11]. Мазкур бақтрийча манбаларнинг аксарият қисми хўжалик ва олди-сотди мазмунида бўлиб, уларда фақат конфедерация тарихини ёритишда ёрдамчи маълумот сифатида фойдаланиш мумкин.

Хуллас, Суғд тарихи алоқадор бақтрий тилидаги ёзма ёдгорликларнинг манбашуносликдаги аҳамияти юқори. Уларнинг муаллифлари воқеалар жараёнини ёритиш асносида Эфталлийлар, Турк хоқонлиги каби давлатларнинг тасарруфида бўлган халқлар ва мамлакатларни санаш асносида Суғд тарихига тўхталишган. Уларда конфедерациянинг шаклланиши, ундаги танга зарби, давлат рамзлари каби асослар хусусида сўз юритилмайди. Бақтрий тилида бирор тарихий асар етиб келмаган. Бақтрия ҳужжатлари ҳали илмий жамоатчиликка кам таниш бўлиб, уларнинг рус, инглиз ва бошқа дунёвий тилларга тўлиқ таржима қилиниши натижасидагина ўрганилаётган муаммонинг баъзи хусусиятларини тадқиқ этиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. – М., 1979; Пигулевская Н.В. Византия и Иран на рубеже VI и VII веков. – М.-Л., 1946. – 289 с.; Сирийские источники по истории народов СССР. – М.-Л., 1941. – 174 с.
2. Спеллин-Каменский Н.М. Бактрийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 314-345.
3. Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. Corpus Inscriptionum Iranicarum, 2.3.1. – Oxford: 2000. – P. 8.
4. Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы // ВДИ. – М.: 1997. – № 3. – С. 3-11.
5. Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2015. – Б. 49-56.
6. Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 50.
7. Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы // ВДИ. – М.: 1997. – № 3. – С. 7.
8. Исҳоқов М. Сугдиёнада “ихшид” ва “ихрид” унвонлари ҳақида / Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши: 2011. – Б. 64-65; Яна қаранг: Ғойибов Б. Сугд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназули. – Тошкент: 2015. – Б. 33-34.
9. Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 50.
10. Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. Corpus Inscriptionum Iranicarum, 2.3.1. – Oxford: 2000. – P. 74, 82, 88, 98.
11. Спеллин-Каменский Н.М. Бактрийский язык. ... – С. 332.

УЎК 902

ЮРТИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНГАН ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР: И. А. КАСТАНЬЕ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

А.Дехқонов, ўқитувчи, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ҳудудида, хусусан Фарғона водийсида тарихий, археология ва этнографик изланишлар олиб борган франциялик Ж.А.Кастаньенинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига бағишланган маълумотлар баён қилинган. Унинг мамлакатимиз тарихига бағишланган илмий асарлари, тўплаган маълумотлари ва хулосалари ватанимиз тарихини ўрганишида жуда аҳамиятли ва бирламчи манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Ж.А.Кастанье, Оренбург илмий архив Комиссияси, Санкт-Петербург Имперал Археология Комиссияси, Оренбург, Оренбург илмий архив комиссияси, Туркистон, Тошкент, Ахсикент, В.В. Бартольд, М.Е. Массон, Совет тарихчилари А.Ч. Абуталибов, А.Х. Бабоходжаев, А.И.Зевелев, Ю.А. Поляков, Л. Шишкина ва бошқалар, франциялик асирлар, Фавқуллода Комиссия (ЧК), босмачилик.

Аннотация. В данной статье собраны сведения о жизни и научной деятельности Ж. А. Кастанья, французца, проводившего историко-археологические и этнографические исследования в Туркестане в первой четверти XX века, особенно в Ферганской долине. Его научные труды, собранные данные и выводы по истории нашей страны служат одним из важнейших и первоисточников в изучении истории нашей страны.

Ключевые слова: Ж.А. Кастанье, Оренбургская ученая архивная комиссия, Санкт-Петербургская императорская археологическая комиссия, Оренбург, Оренбургская ученая архивная комиссия, Туркестан, Ташкент, Ахсикент, В.В. Бартольд, М.Е. Массон, советские историки А.С. Абуталибов, А.Х. Бабоходжаев, А.И.Зевелев, Ю.А. Поляков, Л. Шишкина и др., Французские военнопленные, Чрезвычайная комиссия (ЧК), Басмачи.

Abstract. This article contains information about the life and scientific activities of Zh.A.Castagne, a Frenchman who conducted historical, archaeological and ethnographic research in Turkestan in the first quarter of the 20th century, especially in the Ferghana Valley. His scientific works, collected data and conclusions on the history of our country serve as one of the most important and primary sources in the study of the history of our country.

Keywords: Zh.A.Kastan, Orenburg Scientific Archival Commission, St. Petersburg Imperial Archaeological Commission, Orenburg, Orenburg Scientific Archival Commission, Turkestan, Tashkent, Aksikent, V.V.Bartold, M.E.Masson, Soviet historians A.S.Abutilibov, A.Kh.Babokhodzhaev, A.I.Zevelev, Yu.A.Polyakov, L.Shishkina and others, French prisoners of war, Extraordinary Commission (Cheka), Basmachi.

Туркистонда Чор Россияси ҳукумронлиги даврида юртимиз тарихини ўрганиш янги босқичда давом этирилди. Яъни, россиялик ва бошқа чет эллик тарихчи, археолог, этнограф олимлар кўплаб соҳаларда илмий изланишлар олиб боришган. Хусусан, тарих соҳасида ҳам. Уларнинг илмий хулосалари ва тарихий-илмий асарларини ўрганиш, таржима қилиш ва оммалаштириш соҳа

мутахассисларининг тарихимизни халқимизга етказиш йўлидаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёда хусусан, Туркистонда бир қатор хорижлик тарихчи олимлар ва сайёҳлар экспедициялар ташкил этиб, илмий изланишлар олиб боришган. Уларнинг орасида франциялик Габриэль Бонвало, Хюго Краффт, Шарль Эжен Уйфальви, Жан Шафанжон ва Жозеф Антуан Кастаньеларнинг фаолиятини эътироф этишимиз мумкин.[1.] Ушбу франциялик олимларнинг Туркистон тарихига оид қолдирган илмий асарлари ва хулосалари бугунги кунда тарихимизни холисона ёритишда катта аҳамият касб этиши мумкин. Айниқса, 20 йилдан ортиқ вақт Чор Россияси ҳудудида яшаган ва ҳукумат хизматчиси сифатидаги фаолиятида империянинг Марказий Осиёдаги мустамлакаларида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятдан жуда яхши хабардор бўлган Жозеф Антуан Кастаньенинг тарихий-илмий асарлари ҳамда илмий хулосалари биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун, ушбу мақоламизда франциялик француз тили ўқитувчиси, этнограф, археолог ва спеолог (ғоршунос) олим Жозеф Антуан Кастаньенинг ҳаёти ва фаолиятига назар ташладик.

Жозеф Антуан Кастанье 1875 йилда Франциянинг кичик Гайлак шаҳрида туғилган. Унинг ўспиринлик йиллари Тулузада ўтди. У ерда лицейни тугатиб, сўнгра етти йил давомида юқори курсларда француз тили бўйича маърузаларда қатнашди ва ўрта мактабларда француз тилидан дарс бериш ҳуқуқини берувчи диплом соҳиби бўлди. Жозеф 1899 йил баҳорида Франциядан Россияга келди. Дастлаб, у Шимолий Кавказга жойлашди. Кавказ ўқув округининг ишончли вакили бўйруғига биноан Ж.А. Кастанье Пятигорскдаги графиня Евдокимованинг хусусий гимназиясида ва аёллар гимназиясида француз тили ўқитувчиси вазифасига тайинланди. 1901 йил февраль ойида Владикавказ гимназиясининг педагогика кенгашида синовдан муваффақиятли ўтганидан сўнг, у гимназиянинг француз тили ўқитувчиси, деган унвонга сазовор бўлди.

Олимнинг шахсий ҳужжатларига кўра, у 1900 йил 30 апрелда полковник А.В. Немировнинг қизи Лидия Акимфовнага уйланади. Уларнинг никоҳидан 1901 йил 21 январда катта қизлари Мария, 1903 йил 29 июнда кичик қизлари Ольга дунёга келади.[2] 1901 йилда у рафиқаси Лидия Акимфовна ва қизи Мария билан биргаликда Оренбургга кўчиб ўтди.[3] У ерда дастлаб Оренбург ўрта мактабида, сўнгра Оренбург эркаклар гимназиясида ва Неплюевдаги ҳарбий мактабда француз тилидан дарс берди.

Кастанье Кавказдаги ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда этнографик тадқиқотлар билан шуғулланишни ҳам бошлаган эди. Оренбургда ҳам шу ишини давом эттириб, Ўрта Осиё тарихига оид қадимий буюмларни йиғиш ва тадқиқ қилишни бошлади. 1902 йилда Кастанье минтақадаги энг қадимги илмий жамиятлардан бири бўлган Оренбург илмий архив Комиссиясининг ҳақиқий аъзоллигига сайланди. 1909 йилнинг сентябрь ойидан Комиссиянинг раис ўринбосари сифатида ҳам иш олиб борди. 1904 йилда у Санкт-Петербург Империял Археология Комиссиясидан қазиларни олиб бориш ҳуқуқини олди. Шу вақтдан бошлаб, унинг раҳбарлигида Оренбург вилоятининг барча туманларига археологик разведка сафарлари ва у ерларда вақти-вақти билан қазиларни олиб бориш ташкил этила бошланди. 1904 йилдан у ўзининг тадқиқот натижаларини нашр эта бошлади. Кастаньенинг Туркистонга ilk сафари 1904 йилда бўлган эди. 1909 йилда Ж. Кастанье Оренбург илмий архив комиссияси ҳомийлигида бўлган музейнинг куратори вазифасини бажаришни бошлайди.

Тадқиқотчининг бутун фаолияти Россия империясининг шарқий минтақалари тарихини ўрганиш билан боғлиқ бўлиб қолган эди. Шу туфайли бўлса керак 1913 йил 28 сентябрда Кастанье Россия фуқаролигини олди.[3.] У 1912 йилда соғлиги ёмонлашгани ва бот касаллигидан қийналаётгани учун Тошкентга кўчиб келди. Шундан сўнг, у Тошкент ўрта махсус мактабида француз тили ўқитувчиси ва синф раҳбари бўлиб хизмат қила бошлайди. Шунингдек, Тошкент ҳарбий мактабида ҳам машғулотлар олиб бориб, айна дамда минтақадаги археологик ёдгорликларнинг тадқиқ қилишда ҳам фаол иштирок этди. 1912 йилда у Туркистон археология ҳаваскорлари тўғрагага, бир йилдан сўнг Россия императорлиги ҳузуридаги география жамиятининг Туркистон бўлимига аъзо бўлди. Ж. Кастанье Туркистон халқ музейи ва кутубхонасида кузатув қўмитасининг аъзоси бўлган ва янги музей коллекцияларини тузиш билан ҳам шуғулланган. Кастаньенинг илмий қизиқишлари кўп қиррали бўлиб, у археология, этнография, тилшунослик ва Туркистон тарихи билан қизиқди. Кўп йиллар давомида Ж.А. Кастанье ўз тадқиқотлари натижаларини Луи Массиньон бош муҳарриллигида француз тилида чоп этиладиган нуфузли “Revue du Monde musulman” журналида мунтазам равишда нашр этиб борди. Буюк рус шарқшуноси В.В. Бартольд ўз вақтида Кастаньенинг ўша давр ҳаваскор археологлари учун камдан-кам учрайдиган археологик материалларни йиғишда қатъий илмий ёндошишини алоҳида таъкидлаган эди. В.В. Бартольдининг Кастанье ишлари ҳақида: “...Мен танишишга муваффақ бўлган шахсий коллекциялардан Ж.А. Кастаньегга тегишли коллекцияни алоҳида эслатиб ўтишим мумкин.

Унинг тўплами кўплаб хизмат сафарларининг ва саёҳатларининг натижасидир ва улар мукаммал тартибда сақланади; ҳар бир нарсанинг келиб чиқиши аниқ кўрсатилган. ...”[3]

Шуни таъкидлаш керакки, бир қатор совет археологлари ва тарихчилари Ж. Кастанье ҳақида бошқача фикрда эдилар. Масалан, М.Е. Массон уни “қадимий Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларнинг телбаларча мухлиси бўлган одам”, деб ҳисоблар эди. Совет тарихчилари А.Ч. Абуталибов, А.Х. Бабоходжаев, А.И. Зевелев, Ю.А. Поляков, Л. Шишкина ва бошқалар Кастаньени “Франциянинг Иккинчи бюросига тегишли ёки инглиз разведка хизматининг жосусларидан бири”, деб ишонишган. Уни “буржуа империализмининг шериги”, дея таърифлашган. Биринчи Жаҳон уруши вақтида Ж. Кастанье маълум дипломатик топшириқларни бажарди. Ушбу даврда Кастанье урушда асир олинган француз жангчиларига кенг ёрдам берди. Ушбу жангчилар Германия томонидан Франциянинг босиб олинган ҳудудларида яшовчи аҳоли орасидан аскарликка жалб этилган францияликлар эдилар. Улар Германия томонида туриб Россия билан жанг қилишни хоҳлашмаган ва рус жангчиларига таслим бўлганлар. Асирларни қўллаб-қувватлагани учун Рус маъмурлари ва ҳарбийлари Кастаньега шу сабабли ҳам қаршилик қилмаганлар.

Россияда 1917 йил октябрдаги инқилоб натижасида шу йил ноябрда Тошкентда ҳам большевиклар ва сўл эсерлар коалициясининг ҳокимият тепасига келиши Ж. Кастаньени оиласи билан Францияга қайтишга қарор қилишига олиб келди. Ўша кезларда у Россия фуқаролигидан воз кечди. Лекин, бир мунча вақт Франция Ташқи ишлар вазирлигининг баъзи буйруқларини бажариб юрди. Қолаверса, ушбу вақтларда Ўрта Осиёнинг археологик харитасини тузиш бўйича ишларини ҳам давом эттирди. Кастанье Туркистон Республикасининг қадимий ёдгорликлари ва санъатини химоя қилиш комиссиясининг археология бўлимини тузди. Аммо, 1918 йилда Фавкулудда Комиссия (ЧК) Ж. Кастаньени советларга қарши фитнада қатнашганликда гумон қилиб, аввал унинг устидан кузатув ўрнатади, сўнгра 1918 йил сентябрида ҳибсга олишга тайёргарлик кўришни бошлайди. Ҳибсга олиш хавфи ҳақида огоҳлантирилган Кастанье 1918 йил кузида Фарғона тоғларида яширинишга муваффақ бўлди ва у ерда 19 ой қолиб кетди. Яхшики, унинг рафикаси ва кизи 1918 йилда Туркистонни тарк этишган эди. 1920 йил сентябрь ойида у собиқ ҳарбий асирлар билан бирга Францияга жўнаб кетишга муваффақ бўлади. Францияга келганидан сўнг Кастанье Франция ташқи ишлар вазирлигида таржимон, хорижий матбуотни ўрганиш хизматида ва Россия матбуоти таҳлилий бюллетенининг муҳаррири сифатида ишлади. Францияда Ж.Кастанье Ўрта Осиёнинг тарихи ва замонавий сиёсий тарихига бағишланган бир қатор китобларини нашр этди. Ана шундай асарларидан бири “Босмачилик” номли китоби бўлиб, асарда советлар томонидан “Босмачилик ҳаракати” деб аталган Марказий Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатининг вужудга келиш сабабларини адолатли ва холис тасвирлаб берган эди. Кастанье Туркистон тарихига бағишланган асарларида ўзи яшаган ўлкани кучли муҳаббат билан тасвирлайди. Аммо Совет тарихшунослигида ушбу асарлар “империализмга ниҳоятда мойил”, деб топилди. Чунки, совет махсус хизматлари археолог олимга “империалистик кучларнинг агенти” ва Марказий Осиёда большевиклар ҳукмронлигига қарши курашнинг илҳомлантирувчиси ва ташкилотчиларидан бири сифатида қарар эди.

1921 йилдан Ж. Кастанье Париж антропологик жамиятида мухбир бўлиб ишлай бошлади. 1925 йил сентябрда Франциянинг Тонкин шаҳридаги собиқ вице-резиденти, Франция вазири ва Ташқи ишлар вазирлигининг архив ва шифрлаш хизмати бошлиғи Ч. Боненинг тавсиясига биноан Кастанье Фаҳрий легион кавалери унвонига сазовор бўлди. Ж. Кастаньенинг асарлари XX асрнинг 30-йиллари ўрталаригача нашр этиб борилди. У XX асрнинг 50-йиллари бошларида Монпельега кўчиб ўтди. Кастанье умрининг охиригача ўша ерда яшади ва 1958 йил январь ойида вафот этди. Унинг илмий архиви, Ўрта Осиё тарихига оид нодир коллекцияси, Ўрта Осиёнинг машҳур археологик харитаси ва кўплаб фотосуратларининг тақдири ҳозирча номаълум. Унинг “les Basmachis” (Босмачилар) номли асари француз тилида чоп этилган. Ушбу асар юртимизда советларга қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракати тарихини ўрганишдаги муҳим манбаалардан бири ҳисобланади. Асарнинг илмий қиймати аввало, хорижда, коммунистик мафкуравий тўсиқлардан ҳоли муҳитда ёзилганлигида ҳамда муаллифнинг воқелар жараёнида Туркистонда яшаб, ижод қилганлигида эди.

Ж. Кастанье Россиядаги самарали фаолияти учун В. Н. Витевский мукофотини олган, шунингдек 1908 йил III даражали Санкт-Станислав ва 1913 йил III даражали авлиё Анна орденлари билан тақдирланган. “Древности Киргизской степи и Оренбургского края” (Оренбург ўлкаси ва Қирғиз дашти ўтмишда) асари учун Кастаньега Россия халқ таълими вазиридан ёзма миннатдорчилик ҳам билдирилган эди. Шунингдек, Кастанье ҳаёти давомида ўқитувчиликдан ташқари рус жамиятида нуфузли ҳисобланадиган бир қатор юқори вазифаларда ҳам хизмат қилган. У 1908 йилда коллегия баҳоловчи вазифасида ишлаган бўлса, 1909 йилда суд маслаҳатчиси

унвонига сазовор бўлади ва яна бир йилдан сўнг коллегиял маслаҳатчи даражасига кўтарилди. Бу ҳарбий флотда биринчи даражали капитан, армияда полковник даражасига тўғри келар эди. Ушбу унвон Кастанъега Россия империясида шахсий дворянлик ҳуқуқини берган.

Россия ўлкалари, айниқса Оренбург тарихини ўрганишда қилган хизматлари учун Ж.А. Кастанъега 2017 йил 30 октябрда Оренбург тарихи музейида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Кастанъе ҳаёти ҳақида юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, у ўқитувчилик, суд маслаҳатчиси, юқори даражадаги давлат хизматчиси бўлиши билан бирга тарихчи олим, археолог, музей ташкилотчиси ва раҳбари, айниқса, Туркистон тарихини ўрганиш ва маданиятини асраб қолиш билан шуғулланувчи жамиятлар ташкилотчиси ва раҳбари сифатида ҳам фаол иш олиб борган. Унинг Ўзбекистон, хусусан, Наманган вилояти ҳудудидаги изланишлари натижасида 1914 йилда “Развалины Ахсыкента” (Ахсыкент харобалари) “Следы язычества среди туземцев в окрестностях Чуста” (Чуст атрофидаги маҳаллий аҳоли орасида мажусийлик излари) номли йирик мақолалари чоп этилган.[4.] Ж. Кастанъе “Развалины Ахсыкента” рисоласида 1913 йил Ахсыкент ёдгорлигида олиб борган археологик изланишлари давомида аниқланган маълумотлар ва хулосалар ўрин олган бўлиб, бугунги кунда ушбу мақола Ахсыкент тарихини янада кенгрок ёритишда муҳим манбаалардан бири бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Горшенина Светлана. Un précurseur de l'archéologie et de l'ethnologie françaises en Asie centrale: Joseph-Antoine Castagné. (1875-1958) (Француз археологияси ва этнологиясининг Марказий Осиёдаги кашфиётчиси: Жозеф-Антуан Кастанъе). (Académie des Inscriptions et Belles-Lettres академиясининг 141-сонли мажлиси баённомаси.) № 1, 1997 й. 255-272-б.
2. У. Ахметова, А. Муктар, А. Нурманова. Историко-этнографическое исследование Казахстана зарубежными учеными XIX–XX вв. (на примере научных исследований француза Ж.А. Кастанъе) <https://docplayer.ru/47136409-Vylyegody-4-grossiyskiy-istoricheskiy-zhurnal.html>
3. Горшенина С. Странный археолог Кастанъе. Звезда Востока (литературно-художественный журнал писателей Узбекистана). – 1996. – №3. – С. 146-159.
4. Отгиск из X тома известий Туркестанского отдела Императорского Русского Географического общества. ТАШКЕНТ. Коммерческая типография Я.П. Эдельмана. 1914 год.

УЎК 93/94

ТУРКИСТОН АССР АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1918–1924 ЙИЛЛАР)

О.Х. Жайнаров, PhD, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлигининг ташкил қилинишидан то тугатилгунга қадар бўлган даврда унинг структурасида рўй берган ўзгаришлар асосан архив манбаларидаги маълумотлар асосида кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: Туркистон АССР, Адлия халқ комиссарлиги, адлия органлари, вилоят ва уезд адлия бўлимлари, совет ҳукумати, Низом, структура.

Аннотация. В статье рассматриваются изменения в структуре Народного комиссариата юстиции Туркестанской АССР от период создания до завершения, на основе информации из архивных источников.

Ключевые слова: Туркестанская АССР, Наркомат юстиции, органы юстиции, областного и уездного отдела юстиции, советская власть, Положение, структура.

Abstract. The article describes the changes in the structure of the People's Commissariat of Justice of the Turkestan ASSR from its establishment to its completion, mainly on the basis of information from archival sources.

Keywords: Turkestan ASSR, People's Commissariat of Justice, judicial authorities, regional and district justice departments, soviet power, Charter, structur.

Туркистонда большевиклар етакчилигида совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, уларнинг манфаатига тўла хизмат қиладиган давлат бошқарув органларини шакллантириш долзарб масалага айланди. Шу мақсадда дастлаб советлар томонидан собиқ империянинг марказий бошқарув органлари халқ комиссарликларига айлантирилиб[1], совет ҳукумати манфаатларига мослаштирилди.

Ўлкада совет бошқаруви мустақамланишида муҳим роль ўйнаган давлат бошқаруви органларидан бири бўлган Адлия халқ комиссарлиги Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 23 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилди[2]. Унга дастлаб В.Залесский раҳбар этиб тайинланди. Бироқ комиссарлик анча давр мобайнида ўлкада ўз ваколати доирасида бирор ишни амалга оширмади. Бу ҳақда 1918 йил май ойида Адлия халқ комиссари этиб тайинланган Х.Ибрагимов[3]

Советларнинг 1918 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган Умумтуркистон съездида “... комиссарликнинг 1917 ноябрдан бери амалда фаолият кўрсатмаган”лигини таъкидлаб ўтади[4]. Бу даврда Туркистон ўлкаси адлияси жуда оғир аҳволда эди. Нафақат жойларда, балки комиссарликнинг марказий аппаратида ҳам кадрлар танқислиги кузатилган. Марказий бошқарув ходимларининг катта қисмини собиқ империя амалдорлари ташкил қилган.

Комиссарлик иш фаолиятини тартибга солишда 1918 йил 28 августда Туркистон МИҚ томонидан қабул қилинган 3 бўлим, 21 банддан иборат “Туркистон Республикаси Адлия комиссарлиги тўғрисида вақтинчалик Низом” муҳим роль ўйнади[5]. Ушбу Низомга кўра, Туркистон Республикаси Адлия комиссари Республика мусулмон ишчи-деҳқон депутатлари съездида сайланган ва вазифасидан озод қилинган. Адлия комиссари қуйидаги ваколатларга эга бўлган:

- Туркистон МИҚ ва жойлардаги ижроия органлари билан биргаликда тафтиш ва суриштирув ишларини олиб борган;

- комиссарликдаги барча ходимларни (бўлим бошлиқларидан ташқари) ишга қабул қилиш ва вазифасидан озод қилиш;

- юқори бошқарув органлари томонидан қабул қилинган декретлар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиққан ва улар томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатган;

- ўзига бўйсунувчи органлар ва ходимлар фаолиятини назорат қилиб, улар белгиланган вазифаларни бажармаган тақдирда ёки белгиланган ҳуқуқий асосларга мувофиқ иш кўрмаганда, жинойт содир этганда уларни тегишли суд идораларига топширган;

- адлия органлари томонидан жойларда қабул қилинган декрет ва низомлар ижросини таъминлашда юзага келган қийинчилик ва тушунмовчиликларни куч билан ҳал қилишга рухсат берган;

- совет ҳокимиятидаги барча ташкилотларнинг фаолиятида юзага келадиган ноқонуний жараёнлар ҳақида тегишли органларга маълумот берган. Шунингдек, айбдорларга тегишли чоралар кўрган;

- совет милицияси фаолияти устидан умумий назорат ўрнатган;

- фавқулодда ҳолатлар рўй берганда олий бошқарув органлари иштирокисиз соҳа доирасида муҳим қарорлар қабул қилган[6].

1918 йилда комиссарлик марказий бошқаруви совет судлари, маҳаллий судлар, қамоқхоналар бошқармаси бўлимларидан ҳамда комиссарлик ҳузуридаги маслаҳат кенгаши ва канцеляриядан иборат эди[7]. Қиёслаш учун бу даврда Марказда ташкил этилган Адлия халқ комиссарлиги: судлов ва шахсий таркиб, қонунчилик ташаббуси ва кодификация, қонунларни нашр қилиш, котибият, маъмурий-хўжалик, қамоқхона каби 6 бўлимдан таркиб топган[8]. Ҳар бир бўлим бўлим бошлиғи, унинг ёрдамчиси, котиб, канцелярия ходимлари ва хизматчилардан иборат бўлиб, бўлим бошлиқлари Адлия комиссарининг тавсияси асосида бевосита Туркистон ХКС томонидан тайинланган ва вазифасидан озод қилинган.

Комиссарлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган биринчи вақтинчалик Низом “апил-тапил ишлаб чиқилганлиги ҳамда эски давр қонунларига ўхшашлиги” сабабли, 1918 йил охирида бир қатор ўзгаришлар билан янги Низом қабул қилинди[9]. Низом асосида комиссарлик марказий бошқарувига ҳам айрим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, эндиликда комиссарликда учта: маъмурий; қамоқхона бошқаруви; қонунчилик таклифлари, кодификация ва нашриёт бўлимлари фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди.

РСФСР Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1918 йил 23 июлда ишлаб чиқилган “Озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида”ги вақтинчалик йўриқнома асосида совет ҳуқумати қамоқхоналарда ўз сиёсатини юрита бошлади[10]. Бу жараён ТАССРда 1919 йилдан бошланиб, уларни назорат қилиш комиссарлик таркибидаги жазо бўлимига юклатилди. Жазо бўлими жазони ўташ жойларида ўқув-тарбиявий ва маданий-марифий ишларни ташкил қилиш билан шуғулланган. Бундан ташқари бўлим совет ҳокимиятига қарши бўлган шахсларни йўқ қилиш, фуқароларни яшаб турган жойларидан мажбурий кўчириш, уларни бадарға қилиш, турли шаклдаги қамоқхоналарни ташкил қилиб, улар фаолиятини назорат қилиш каби вазифаларни ҳам бажарган. Бўлим фаолиятида жойларда 1920 йилдан ташкил қилина бошлаган Таксимловчи комиссиялар муҳим аҳамиятга эга бўлиб[11], унинг таркиби вилоят адлия бўлимлари томонидан тузилиб, вилоят ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган. Унинг асосий вазифаси жазога ҳукм қилинган шахсларни белгиланган жазо турига қараб жазони ижро этиш муасассаларига тақсимлашдан иборат бўлган[12].

Туркистон МИҚнинг 1920 йил 20 июлда қабул қилган “Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низом”и асосида комиссарлик таркибига яна ўзгартиришлар киритилиб, қуйидаги бўлимлар фаолият кўрсата бошлади:

1. Суд қурилиши ва суд назорати бўлими.
2. Қонунларни чоп қилиш бўлими.
3. Режалаштириш ва бухгалтерия бўлими.
4. Жазо бўлими[13].

Адлия халқ комиссарлигидаги ҳар бир бўлимга алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, улардан I, II ва IV бўлимлар асосий ролни бажаришган. Хусусан, Суд қурилиши ва суд назорати бўлими суд тизими ҳамда суд жараёнларини назорат қилиш бўйича асосий қоидаларни ишлаб чиққан ва 1918 йилдан бошлаб суд соҳасига доир қонун лойиҳаларини тайёрлай бошлаган. Кейинчалик суд-ҳуқуқ соҳасидаги барча қонун лойиҳалари ушбу бўлим томонидан ишлаб чиқилган. Умуман олганда, ўрганилаётган даврда Адлия халқ комиссарлиги суд тизимида иккита асосий: 1) ўлкада умумий суд тизимини қуришга раҳбарлик қилиш, 2) инқилобий трибуналлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш вазифасини бажарган[14].

1920 йилда қабул қилинган Низом комиссарликнинг ваколат ва вазифаларига жиддий ўзгартириш киритмаган бўлса-да, унинг структураси бўйича айрим тўлдирилишларга сабабчи бўлди. Жумладан, жазо бўлими таркибига жазолаш усуллари ҳамда тарбиявий-меҳнат методларини қайта ишлаш ва ажратиш, техника-қурилиш, қишлоқ хўжалиги, даволаш-санитар, таъминот, жазони ўтаётганларга ёрдам ва конвой бўлинмалари ташкил қилинди[15]. Низом асосида ҳар бир бўлимда юрисконсульт-инструктор (йўриқчи) лавозими жорий этилди.

Туркистон МИҚ томонидан 1920 йил 20 июлда қабул қилинган “Вилоят адлия бўлимлари тўғрисида”ги 315-сонли Низом асосида вилоят ижроия қўмиталари қошида адлия бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди[16]. Низомга кўра вилоят адлия бўлимлари мудир томонидан бошқарилиб, мудир вилоят ижроия қўмитаси томонидан сайланган ҳамда Адлия халқ комиссари томонидан тасдиқланган[17]. Вилоят адлия бўлимларига 11 штат бирлиги ажратилган бўлиб, унда қуйидаги лавозимлар мавжуд бўлган: бўлим мудир - 1, унинг ўринбосари - 1, юрисконсульт -1, секретарь - 1, унинг ёрдамчиси - 2, машинист - 1, канцелярист - 1, таржимон - 1, қоровул-хат ташувчи - 1, извош - 1[18].

Худди шу даврдан Адлия комиссарлиги қарори асосида уездларда уезд адлия бюрolari ҳам ташкил қилинди[19]. Дастлаб Авлиёота, Черняев, Наманган, Полторацк, Казалинск, Верний, Пишпак, Андижон, Самарқанд уездларида адлия бўлимларининг фаолияти йўлга қўйилди[20].

Ўлкада совет адлия тизимини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳоли орасида совет қонунларини кенг ёйиш мақсадида 1921 йилда комиссарлик таркибига мусулмон ва маҳаллий ҳуқуқ бўлимлари ташкил қилинди. Бўлимнинг асосий вазифаси ўлкадаги мусулмон халқ судларида айблов ва ҳимоя жараёнини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини кузатиб бориш ҳамда билдирилган шикоят ва аризаларни тегишли тартибда кўриб чиқишдан иборат бўлган[21].

Туркистон МИҚнинг 1922 йил апрелдаги қарори асосида комиссарлик таркибига “давлат прокуратураси” бўлими ташкил қилинди. Бўлимда бўлим мудир, инструктор, котиб, иш юритувчи, машинистка каби лавозимлар мавжуд бўлган. Давлат прокуратурасининг ташкил қилиниши натижасида комиссарлик структурасида ҳам ўзгариш рўй берди. Хусусан, комиссарлик марказий бошқаруви 1922 йилда ишлар бошқармаси, прокуратура, суд назорати, суд тузилиши, ахлоқ тузатиш ва маслаҳат бўлимларидан ташкил топган бўлиб, уларда жами 81 нафар ходим фаолият юритган.

Туркистон КПнинг 1923 йил март ойида бўлиб ўтган VII съездида адлия органлари шу жумладан, комиссарликнинг марказий структураси ҳам давр талабларига жавоб бермаслиги таъкидлаб ўтилди. Шу сабабли МИҚнинг 1923 йил 12 майдаги 77-сонли қарори асосида Туркистон Адлия халқ комиссарлигига оид Низом қабул қилинди[22]. Ана шу Низом асосида 1923 йилдан вилоят ва уезд адлия бўлимларининг фаолияти тугатилиб, уларнинг функция ва вазифалари жойлардаги халқ судларига топширилди. Бу даврда ТАССР ҳудудида 30 дан зиёд уезд адлия бюрolari мавжуд эди.

1923–1924 йилларда комиссарликнинг марказий бошқарувида маъмурий-молиявий, суд тузилиши ва суд назорати, қонунчилик ташаббуси, давлат прокуратураси[23] бўлимлари фаолият кўрсатиб, ТАССР Адлия халқ комиссарлиги тугатилгунга қадар сақланиб қолди.

Умуман олганда Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги структурасида тез-тез ўзгаришларнинг қилиниши унинг бир маромда фаолият юритишига тўсқинлик қилиб, қатор зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқарди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Морозова Е., Раскин Д. Становление советской государственности: использование имперского наследия в сфере центрального управления // Новейшая история России / Modern History of Russia. – 2017. – № 3. – С. 8.
2. Сборник декретов и постановлений СНК ТАССР от 23.XI.1917 по 1.VII.1918 г.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 159.
4. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) Р-38-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 236-варақ.
5. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 139-140-варақ ва орқаси.
6. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 139-варақ.
7. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 3-варақ.
8. Олейник И. Организационно-правовые основы становления и развития органов управления юстицией в РСФСР (1917–1936 гг.): Дисс. докт. юрид. наук. – Владимир, 2006. – С. 126.
9. ЎзМА Р-904-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 167-варақ.
10. <http://istmat.info/node/30698>. (24.09.2019).
11. Советское право. – 1923. – № 1(4). – С. 86.
12. Абдуллаев А. Амударё бўлимида сиёсий-маъмурий бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар (1873–1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... – Тошкент, 2018. – Б. 126.
13. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 76-иш, 48-варақ.
14. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 202-варақ ва унинг орқаси.
15. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 487-иш, 24-варақ; ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 69-иш, 15-варақ.
16. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 158-иш, 82-варақ.
17. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 80-иш, 77-варақ.
18. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 318-иш, 38-варақ.
19. ЎзМА Р-25-фонд, 1-руйхат, 72-иш, 60-варақ.
20. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 487-иш, 25-варақ.
21. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 158-иш, 80-варақнинг орқаси.
22. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 364-иш, 33-37-варақлар.
23. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 406-иш, 4-варақ.

УДК 93/94

**ОБЕСПЕЧЕНИЯ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ ПРОМЫШЛЕННОЙ ЗОНЫ
БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ВО ВСЕ ВРЕМЕНА РЕОРГАНИЗАЦИЙ ОРГАНИЗОВАННОГО
НАБОРА РАБОЧИХ В 1950-1960 ГГ.**

(на основе архивных материалов)

Ж.Г. Зарипов, докторант, Бухарский Государственный Университет, Бухара

Аннотация. Ушбу мақолада 1950-1960 йилларда Бухоро вилоятида мавжуд саноат корхоналарида ишчиларни уюшган ҳолда қабул қилиш бўлимининг ривожланиши архив материаллари асосида илмий ёритиб берилган.

Kalit so'zlar: ko'chirish (migratsiya), tasnif, malaka, sovxoz, kolhoz.

Аннотация. В статье на основе архивных материалов научно освещается развитие отдела организованного найма рабочих на действующих промышленных предприятиях Бухарской области в 1950-1960 гг.

Ключевые слова: переселения (миграция), классификация, квалификация, совхоз, колхоз.

Abstract. This article scientifically covers the development of the department of organized recruitment of workers in the existing industrial enterprises in Bukhara region in 1950-1960 on the basis of archival materials.

Key words: resettlement (migration), classification, qualification, state farm, collective farm.

Введение. План по распределению рабочих по промышленным зонам сдвигался очень медленными темпами при этом оно не было полностью отдален от дел переселения населения совхозов и колхозов. Сельскохозяйственная политика продолжалась вплоть до 1955 года. Создается вопрос почему так мало, или для некоторых специалистов так много такая политика переселения продолжалась?

С созданием Главным переселенческим управлением в 1949 году, основной целью организованного набора рабочих служило развития районов промышленного строительства. Планы по распределению рабочих на каждый год отличался количеством трудоспособных граждан в периоде всей истории СССР.

Основная часть. Острый недостаток специалистов привело к повышению классификации каждому работнику тяжелой и легкой промышленности и строительства. На пример 13 августа 1952 г. в письме №836 от Каланова Начальника Узбекской республиканской конторы Оргнабора рабочих, облуполномоченному оргнабора рабочих Бухарской области Назарову было требование о

состоянии рабочих на 1951-1952 гг. и план того сколько из них на 1952-1953 гг. будут обучаться на заочных и вечерних высших и средних учебных заведениях[1]. Старт о развитии рабочих в промышленных и строительных зонах означал отставанию производительности промышленности и нехватки образованных рабочих в строительстве при этом каждый год поставленный план по оргнабору рабочих выполнялся досрочно. План по разработке о численности квалификационных рабочих привело к новым условиям и договорам между промышленных предприятий и рабочих. На пример: не имеющий никакой опыт и образования рабочий прибывший на предприятия мог приобрести квалификацию бурильщика, забойщика, плавильщика или другую либо профессию по его выбор в течении 3-4 месяцев. Совет министров гарантировал беспрепятственно освобождать от работы лиц, изъявивших желание на строительстве или в другой сфере промышленности.

В льготы и преимущества входили ряды льгот указом президиума верховного совета СССР от 20 марта 1948 г. постановлением совета министров Совета Министров СССР от 31 августа 1948 г[2].

- 1) Единовременного вознаграждение за выслугу лет
Свыше года – 10% от тарифной ставки
3 лет – 15%, 5 лет - 20%, 10 лет – 25%, 15 лет – 30% (тарифная ставка в месяц составлял 1000 рублей годовая 12000 рублей)
- 2) Правительственные награды (ордена, медали, и т.д.)
- 3) Льготы по социальному страхованию
 - а) Пособие по временной нетрудоспособности (кроме пособий по беременности и родам) в размере 100% заработной платы
 - б) при профессионального заболевания и в последствии увечья пособия должна платить 100% независимо от непрерывности стажа.
 - в) рабочим не состоявшим членами профсоюза выплачивать половинном размере.
- 4) льготы по социальному обеспечению (пенсия, пенсия по инвалидности, пенсия по случаи потери кормильца от 244 до 680 руб.)
- 5) льготы по индивидуальному жилищному строительству.

При желании остаться в постоянных кадрах свинцовой промышленности, ему в рассрочку предоставляется 10 тысяч рублей на индивидуальное жилищное строительство с погашением в течении 7 лет. Кроме того, предприятие оказывает помощь в строительстве дома.

- 6) Самое основное льготы по оргнабору

Рабочим направляемым в промышленность в порядке организованного набора выплачивается безвозвратное 1000 рублей на самого рабочего, в размере 250 рублей за каждого переезжающего с ним члена семьи, при условии заключения договора с рабочим на 2 года [3].

Самая основная причина миграции в промышленных зонах это был, гарантированный опыт и получения средних и высших образовательных дипломов потому что, начиная 1952 года каждая промышленная зона должна была иметь высоко квалифицированного работника для развития. Такие условия труда просто заставили всех задуматься и решиться перейти на механическую подвижность населения Узбекского ССР в том числе и Бухарскую область для работы в промышленность.

Остановкой или ослабленной политикой как мы сейчас говорим в современном мире – миграции стало несколько причин, первая из них это как я напоминал ранее – это переход промышленной миграции на Министерство сельскохозяйственных дел, такая ситуация оставила большую дыру на переселенческое управления для урбанизации народов.

Вторая причина после переселения всех на сельскохозяйственные работы для орошения целинных земель все граждане начали развивать некоторые обычаи и традиции, например, традиции жить там, где жили отцы и деды – в кишлаках, они все еще сильны, - а так же, особенностями быта, природно климатических условий республики[4]. Все это вместе взятое сдерживало развития миграции на промышленных зонах, в зонах строительство и самое главное на урбанизацию народов на территориальное перераспределения и межреспубликанском и во внутрреспубликанском миграционном обмене.

Конечно же такая политика переселения играла на руку отставанию промышленности Республики, но таких некоторых республик как Сибирь и Урал это не задело причина этому была перенесение всех тяжёлой военно промышленных зон предпочтительно далеко от мест военных зон, этот факт показала сама великая война[5]. Здесь была и не особенно важная ситуация – у Сибири и на территориях Урала не было плодородных земель для их орошения, хоть и оно было это не играла важную роль для экономики страны, потому что все планы выполнялись на территориях Средней Азии.

Во третьих и последней точкой стал Переезд Организованного набора в Бухарской области. По решению Исполнительного комитета Бухарского областного Совета депутатов трудящихся №37 п.671 от 7 августа 1953 года «О размещении Областного отдела организованного набора рабочих при Облисполкоме». Обязать Бухарский горисполком Хусанова в срок до 10 августа 1953 года представить освободившиеся помещения горкомхоза по ул.Фрунзе №25, ранее занимаемое правлением артели «Кзыл-Магданчи» Бухарского Облпромсовета, для размещения Облотдела организованного набора рабочих при облисполкоме[6]. В этом решении сразу два зрелищных недостатка, первое это закрытия промышленного артеля и перенесения горисполкома от дел облисполкома.

Наряду с проблемами набором рабочей силы на промзоны были изменены права оргнабора по постановлению Совета Министров УзССР от 18 января 1957 года №19 «о мерах по улучшению организованного набора рабочих и трудоустройства неработающего городского населения». По решению Исполнительного комитета Бухарской области от 15 февраля 1957 года №4 переименовать отдел организованного набора рабочих Бухарского Облисполкома на отдел организованного набора рабочих и трудоустройства при Бухарском Облисполкоме[7], одним решением Исполнительный комитет Уз ССР расширило действия и права оргнабора рабочих и сократило его территориальные действия по Бухарской области, теперь оргнабор рабочих разделили на некоторые районы по Бухарской области:

По Бухарскому району – Свердловским, Гала-Асийским, Рамитанским

По Каганскому району – Каракулский, Алатские районы.

Гиждуванскому – Пешкунский, Вабкентский, Шафирканский и Кызыл-тепинские районы. (по решению Бухарского Облисполкома от 15 мая 1957 года №4 приказом 74. В седьмом пункте решения было принято о выделении помещений для Керминского и Гиждуванского оргнабора рабочих и трудоустройства и обеспечить всеми необходимыми бытовыми условиями) [8].

К дополнениям все права отдела организованного набора рабочих и трудоустройства при облисполкоме были переданы к выполнениям функции по оргнабору.

Все учеты по неработающего городского населения, в том числе ученики, которые окончили 10-е классы и не продолжающих учебу и их трудоустройство на предприятия внутри страны и обеспечения правами для выезда в другие города и республики СССР.

Было принято о размещении рабочих по путевкам оргнабора районных и городских отделов на местах, без ограничения семейным и возрастным признакам, и устроить на работу лиц, которые были уволены ранее за нарушения трудовой дисциплины и отбывших наказание. Все эти новые расширенные инструкции по оргнабору дала возможность расширить зону прав оргнабора для востребованной рабочей силой после этого постановления Исполнительного Комитета, все отзывались даже на обычные разеснительные работы инспекторов оргнабора. Для улучшения качество для лиц, рабочих не окончивших общеобразовательные школы были даны еще были созданы необходимые условия для обучения их производственным профессиям через курсовую сеть, путем бригадного, индивидуального обучения[10]. Это решения играло очень важную роль для дополнения высоко квалифицированных рабочих в, промышленных и строительных зон.

Постановлением ЦК КП Узбекистана и Совет Министров Узбекской ССР от 30 апреля 1960 года №403 Главное управление отдела организованного набора и трудоустройства был реорганизован на «Главное управления переселения и организованного набора рабочих»[11]. В обязанности отдела переселения и оргнабора рабочих входили:

1. Проведение организованного набора рабочих для постоянной работы в промышленности, строительстве и на транспорте Узбекской ССР и других районов СССР.

2. Организацию и руководство переселением колхозного и неколхозного населения в колхозы и совхозы Узбекской ССР

3. Руководство и контроль за организацию переезда переселенцев на новые места жительства, за их приемом, хозяйственным и жилищно-бытовым устройством, представлением установленных льгот, а также за организацией переезда рабочих, направляемых на предприятия и стройки в порядке организованного набора рабочих.

4. Направления совместно и постоянно действующими, комиссиями при городских и районных исполнительных комитетах депутатов, трудящихся молодежи, окончившей средние образовательные школы и подростков получивших среднего образования на работу и на производительное обучение в промышленность, строительство, транспорт и другие отрасли, а также трудоустройство временно работающих граждан по их профессиям и специальностям.

5. Оказать помощь работникам, освобождаемые от работы в связи с реорганизацией, в их трудоустройство [12].

Так же был утвержден штат отдела переселения и организованного набора рабочих, в него входили Заведующий отделом, районный уполномоченный по организованному набору рабочих и переселению (заместитель), старший бухгалтер и сторожевая охрана [13].

Заведующим отдела был назначен Р.Нуруллаев [14] а главным бухгалтером П.П. Коряков (был переселен по оргнабору из Украинской ССР) [15].

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Государственный Архив Бухарской области Ф–1172, Оп – 1, Ед.хр – 1, Д – 15, Л.427
2. Государственный Архив Бухарской области Ф–1172, Оп – 1, Ед.хр – 1, Д – 15, Л.375
3. Государственный Архив Бухарской области Ф–1172, Оп–1, Ед.хр–1, Д–15, Л.374-379
4. Л.Максакова., - «Миграция населения Узбекистана», Ташкент. 1986 г. ст-47
5. О.Д. Воробьева., - «Занятность и миграция Дальнего Востока: механизмы взаимосвязи». Москва. 2010 г. ст – 122.
6. Государственный Архив Бухарской области Ф – 1172, Оп – 1, Ед.хр – 1, Д – 32, Л.3.
7. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172. Оп. 1. Ед.хр – 1, Дело – 32, Л.68
8. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172. Оп. 1. Ед.хр – 1, Дело – 32, Л.72
9. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172. Оп. 1. Ед.хр – 1, Дело – 32, Л.78
10. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172. Оп. 1. Ед.хр – 1, Дело – 32, Л.69
11. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172 ОП.–1, Ед.хр.–1, Дело–16, Л.116
12. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172 ОП.–1, Ед.хр.–1, Дело – 16, Л.117
13. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172 ОП. 1 Ед.хр.–1, Дело – 16, Л.119.
14. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172 ОП. 1 Ед.хр.–1, Дело – 16, Л.120.
15. Государственный Архив Бухарской области Ф.1172 ОП. 1 Ед.хр.–1, Дело – 16, Л.122.

УЎК 93/94

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ – ТУРКИЙ АДАБИЁТ ПОЙДЕВОРИНИНГ МЕЪМОРИ

Б.З. Махмудов, илмий ходим, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Самарқанд

Аннотация. Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётган бир даврда ўтмишидаги аллома аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиши ва уларни жамоатчиликка кенг тарғиб қилиши бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади. Тарихдан маълумки, Шарқ адабиёти ўзининг халқчиллиги, жозибаси ва ширинсуханлиги билан бошқа минтақа адабиётларидан ажралиб туради. Шарқ адабиёти ҳақида гап кетганда нафақат форсий балки туркий адабиётнинг юксак ўринда экани маълум бўлади. Айниқса буюк олим ва шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” каби панднома достонини алоҳида тилга олиши ўринли. Мазкур мақолада туркий адабиётнинг тамал тошини қўйган буюк шоир ва давлат арбоби Юсуф Балосогунининг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий-сиёсий қарашлари баён қилинади.

Калит сўзлар: Шарқ адабиёти, туркий адабиёт, Балосогун, “Қутадғу билиг”, панднома достон, қорахонийлар сулоласи, Шохномаи туркий, Адабул мулук, адолат, давлат, ақл, қаноат.

Аннотация. В период широкомасштабных реформ на пути развития нового Узбекистана всесторонне верно изучать богатое научное наследие наших предков-ученых прошлого и широко пропагандировать их в обществе. Из истории нам известно, что Восточная литература отличалась от других литератур региона своей народностью, обаянием и сладострастием. Если говорить о восточной литературе, то не только персидская, но и тюркская литература занимает высокое место. Особенно уместно при этом упомянуть поучительный эпос, как “Кутадгу билиг” великого ученого и поэта Юсуфа хос Хаджиба. В данной статье излагаются жизнь, творчество и общественно-политические взгляды великого поэта и государственного деятеля Юсуфа Балосогуни, заложившего фундамент тюркской литературы.

Ключевое слова: Восточная литература, тюркская литература, Балосогун, “Кутадгу билиг”, наставления, династия Караханидов, Шохномаи тюркий, Адабул мулук, справедливость, государство, разум, довольство.

Abstract. In the period of large-scale transformations in the development of new Uzbekistan, it is correct to study the rich scientific heritage of our ancestors and promote it in society. When it comes to Oriental literature, it is clear that not only Persian, but also Turkish literature is highly valued. Of particular note is the epic about the teachings of the great scientist and poet Yusuf Khass Hajib, such as "Kutadgu bilig". This article tells about the life, work and socio-political views of the great poet and statesman Yusuf Balosoguni, who laid the cornerstone of Turkish literature.

Key words: Oriental literature, Turkish literature, Balosogun, “Qutadg'u bilig”, admonitions, Karakhanid dynasty, Shohnoma turkiy, Adabul muluk, state, state, white, satisfaction.

Юсуф Балосоғуний 1019 йилда [1] Балосоғун шахрида (ҳозирги Қирғизистоннинг Еттисув вилояти) таваллуд топган. Бу даврда Еттисув ва Шарқий Туркистон ерлари туркий қарлук қабиласидан бўлган қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги остида эди. X аср охирига келиб, Сомонийлар таназулга юз тутгач, Қорахонийлар Мовароуннаҳрни бутунлай эгаллади. Балосоғун бу улкан мамлакатнинг шимолий пойтахти эди.

Аллома таржимаи ҳоли ҳақида бизга қадар жуда ҳам оз маълумот етиб келган. Бутун дунё уни энг машҳур асари – “Қутадғу билиг” [2] (“Саодатга элтувчи билим”) орқали танийди. Бу китоб 1069-1070 йилларда ёзилган. Бу ҳақда Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи бундай дейди:

Йил алтмиши ики эрди тўрт юз биле,

Биттию тукеттим бу сўз улғуле. (“Қутадғу билиг”, 6495)

(маъноси: Йил тўрт юз олтмиши икки эди, мен бу ишни ёзиб тугатдим.)

Шундан асар 462/1070 йилда тамомлангани маълум бўлади.

Олим бу улғу ишни бажариш учун 18 ой сарфлаганини қуйидаги мисралардан билиб олиш мумкин:

Тукел ўн сакиз айда айдим бу сўз,

Ўдурдум, адирдим сўз эв дин тире. (“Қутадғу билиг”, 6624)

(маъноси: бу сўзларни ўн саккиз ойда айтдим. Сўзларни тўпладим, тuzдим, танладим ва ажратдим.)

Олим ўша кезлари неча ёшда бўлганини қуйидаги мисралар орқали англатади:

Тегирди манга элгин элиг яшим,

Қуғу қилди қузғун туси тег башим. (“Қутадғу билиг”, 365)

(маъноси: эллик ёш менга қўлини текказди. У қузғундек гуж-гуж бўлиб кетган бошимни оқ тусга киритди.)

Мазкур байтга кўра, шоир ўз асарини ёзган пайтда эллик ёшда бўлган. шунга асосланиб, Юсуф Хос Ҳожиб 412/1019 йилда туғилган, деган хулосага келиш мумкин.

Алломанинг вафоти ҳақида аниқ маълумот бўлмаса-да, тахминлар жуда кўп. Айрим манбаларга кўра, Юсуф Хос Ҳожиб 1082 йилда “Китобул қомус”, 1091 йилда эса “Китобус сиёсат” асарларини ёзган [3]. Лекин Хос Ҳожиб (луғавий маъноси – эшик оғаси, ҳамманинг кўз олдида турувчи; бу ерда – шоҳ назари тушган, ҳамиша эл ардоғида, машҳур маъноларида) унвонини “Қутадғу билиг” достонини ёзиб тугатганида олгани айтилади. Шоир бу ҳақда асар муқаддимасида бундай маълумот беради:

“Бу китобни тасниф қилишга Баласағун мавлудлиг парқиз идиси эр турур. Аммо бу китобни Кошғарда тугал қилиб, Маширик малики Тавғачхан усқинга кекурмиши, малик ани агирлаб, улуглаб ўз Хас Ҳожиблықы анга бермиши турур, анинг учун Йусуф Улуғ Хас Ҳожиб тэб атқ жавқ йазилмиши турур”.

(маъноси: Бу китобни тасниф қилувчи Балосоғунда туғилган, тақво соҳиби, сабр-қаноатли кишидир. Аммо бу китобни Кошғарда жамлаб, Маширик малики Тавғачхон даргоҳига келтирди. Ҳоқон уни ярлақаб, улуглаб, саройидаги Хос Ҳожиб унвонини берди.)

Шунинг учун Юсуф Улуғ Хос Ҳожиб деб танилган. Асарда номи зикр этилган ҳоқон Насриддин Тавғач улғу Бўғро Қорахон Ҳасан Ҳорунхон Арслонхон ўғли бўлиб, 1075-1103 йиллар давомида қорахонийлар давлатини бошқарган. Шоир “Қутадғу билиг” асарини унга бағишлаб ёзаётган пайтлари у Кошғарда Арслонтегин Тўғрул Қорахон Маҳмудхон (1059-1075)нинг ўртоқ-қоғони [4] сифатида ҳукмронлик қиларди.

Асарнинг мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб форс ва араб тилларини яхши билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадий адабиётлардан хабардор бўлган. Шунингдек, қадимги турк ёзма манбалари ва туркий халқлар оғзаки ижоди ҳақида кўп маълумотга эга бўлган, ўша маданият асосида тарбия топиб, вояга етган. Бундан ташқари, аллома туркийларнинг қадимий кўшнилари – хитой, мўғул, ҳинд, эроний халқлар маданияти, юнон фалсафаси ва ўша давр маънавий ҳаётининг турли бошқа жабҳалари ҳақида мукамал билимлар эгаси бўлган.

Тарихда ҳеч бир ижодкор илк асарини олти минг байтга яқин йирик дoston билан бошламаган. Мисол учун, Алишер Навоий “Хамса”ни бошлаганга қадар икки девон тузган, улар таркибида анча рубоий ва ғазаллар бор эди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам “Қутадғу билиг”дан аввал бошқа нарсаларни ижод қилгани бўлиши керак. Чунки, бир неча тилларни билган, уларда битилган кўплаб асарлар билан танишиб чиққан ижодкор машқ қилмаслиги, нималарнидир қораламаслиги табиатан мумкин эмас эди.

Биз Юсуф Хос Ҳожибнинг ижодий йўли ҳақидаги баъзи маълумотларни унинг шоҳ асарига таяниб, олишимиз мумкин. Жумладан, у кириш қисмида ёзади:

*Бу тугъмиши элиндин чиқиб боргони,
Китобни қўшибон тугал қилгони.*

(Тугилган юртидан чиқиб боргани, китобни жамлаб тугал қилгани).[5]

Иккинчи сатрдаги китобни жамлаб, тугал қилгани ҳақидаги сўзлар унинг баъзи қисмлари олдинроқ алоҳида асар сифатида ёзилиб, машқ қилинган бўлиши мумкинлигидан дарак беради [6]. Шунга асосланган ҳолда, ўша давр анъанасига кўра, аллома форс ва араб тилларида шеърлар ёзган бўлиши мумкин, дея тахмин қилинади. Лекин, таассуфки, бизгача унинг ягона достонидан бошқа асари етиб келмаган.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ни асосан маснавий усулида ёзган. Лекин унинг таркибида вазн ва қофиялаш услубига кўра маснавийдан фарқ қилувчи иккита қасида ва 200 дан зиёд тўртлик мавжуд ҳам бор. Бу эса алломанинг хилма-хил услубларда ижод қилганидан дарак беради. Олимлар бу асарнинг таркибий структурасидан келиб чиқиб, уни шоир бир неча бор тахрирдан ўтказган бўлиши мумкин, деб фараз қилади.

“Қутадғу билиг”нинг ҳозирги кунгача етиб келган қўлёзмаси ҳоқон Насриддин Тавғачга тақдим этилган нусха бўлиб, 73 боб, 6520 байтдан иборат. Унинг таркиби куйидагича:

Муқаддима:

1. Насрий муқаддима (38 сатр);
2. Шеър муқаддима (77 байт);
3. Муқаддимавий боблар (2 боб, 390 байт).

Муқаддиманинг фақат учинчи бўлими достонга бевосита тааллуқлидир. Олдинги икки бўлим қайта тахрирда китоб ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун наср ва назмда берилган илова, холос. Шу сабабли улар боб номлари рўйхатидан ҳам аввалроқ берилган. Китоб бобларининг сарлавҳалари иккинчи ва учинчи бўлимлар орасида келтирилган.

Достоннинг дастлабки 67 боби панд-насихат, ўғит, мақол, ваъзлардан иборат бўлиб, ҳажми нисбатан кичик. Асосий мавзу 68 бобдан ривожлантирилади. Китоб қолган ана шу қисми 174 сарлавҳа остида берилган 5896 байтдан ташкил топган.

Хотима қисми икки қасида ва маснавий усулидаги бобдан иборат бўлиб, охирги боб фақатгина мавзу жиҳатидан қайсидир даражада достонга алоқадор. 6261-6286 байтларда шоир китобнинг ёзилиши бошланган санани кўрсатади, нима мақсадда ёзилганини айтади, Аллоҳга муножот қилиб, Пайғамбар ва чаҳорёрларга саломлар йўллайди. Шундан кейин икки қасида (йигитлик даври ўтганига ачиниб, қариликдан шикоят – 44 байт ва замон бузуқлиги, дўстлар жафосидан ёзғириш – 40 байт) [7] қўшилиб, яна бир маснавий бобда муаллиф ўзига ўзи насихат қилади (37 байт), асарнинг туркийда ёзилгани, тугалланиш санаси яна муножот ва саломлар қайтарилади.

Асарнинг асосий қисми туркий адабиётнинг туб илдизи, Мовароуннаҳр ислом маданияти ва маънавиятининг қомуси бўлиб, унда Юсуф Хос Ҳожиб адаб илми, ижтимоий-ахлоқий фалсафа ва туркий ҳоқонлари ёдномаларини назмий услубда жамлаган. Шу тариқа минтақа халқларининг бой маънавий меросини бу асар мағзига моҳирона сингдирган. Ўз даврида бу китоб туркий эллар маънавиятининг қомусига айланди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ушбу ҳудуд халқларининг ўтмишини бадиий усулда акс эттирган бўлса, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари Шарқий Туркистондан то Бағдодгача бўлган ҳудуднинг янги даврдаги ҳолатини бадиий тафаккур қонуниятлари асосида таърифлаб берди.

Асар исломий туркий адабиётни бошлаб берибгина қолмай, уни янги босқичга кўтариш учун асос бўлиб ҳам хизмат қилди. Чунки, унда қардош халқлар адабиёти тажрибаси ҳам мужассамлаштирилган.

Муаллиф асар “Шоҳномаи туркий” деган ном шуҳрат топганини айтади [8]. “Қутадғу билиг”нинг халқ орасида шуҳрат топган бошқа номлари — “Адабул мулук” (“Ҳукмдорлар одоби”) ва “Ойинул мамлакат” (“Мамлакатни идора этиш қоидалари”).

Достон мазмуни шоир тасаввуридаги шундай бир бадиий оламни акс эттирадики, унинг асосий қаҳрамонлари 4 тимсолдан ташкил топади.

Биринчи тимсол – Адолат, у бош ҳукмдордир.

Иккинчи тимсол – Давлат, у бош вазирдир.

Учинчиси тимсол – Ақл, у бош вазир ўринбосаридир.

Тўртинчи тимсол – Қаноат.

Шоир ақл ва билимни эл-юрт, халқ фаровонлиги йўлида хизмат эттиришни энг асосий бурч деб ҳисоблайди. Ақл, аввало адолатга ҳимоячи ва маслаҳатгўй бўлмоғи талаб этилади. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғоялари, амалиётидан чуқур хабардор эканини ушбу “қаҳрамон” тавсифидан билиш мумкин. Тасаввуф, тақво, зоҳидлик ва фақирлик шоир наздида, аввало, қаноат тимсолидир.

Қаноат инсонга Офият (руҳий осойишталик, қониқиш) келтиради. Адолат қаноатсиз бўлмайди. Ҳукмдор сўфийнинг, зоҳиднинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғояларига, ҳақиқий тақво эгаларига юксак эҳтиром билан қарайди. Унинг суюкли қаҳрамони Ўғдулмиш – ақл ва билим эгаси, умрини адолат хизматида бағишлаган шахс сифатида таърифланади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз тафаккур ҳосилаларини ажойиб тимсолларда ифодалар экан, реал ҳаётдан бир зум узилмайди, замона зиддиятларидан кўз юммайди, жамиятнинг барча вакиллари тоифаларга хос фазилат, ноқислик ва ижтимоий аҳволни теран англаган ҳолда тавсифлайди.

“Қутадғу билиг” достони, аввало, ҳоқон ва беклар, яъни ҳукмдорлар учун панднома сифатида ёзилгандир. Туркий сулолалар бутун ислом оламида ҳукмронлик қилиб келаётган бир пайтда ижтимоий жиҳатдан “Шоҳнома”дан кўра “Қутадғу билиг”га монанд асар муҳимроқ эди. Шунингдек, у айнан туркий тилда ёзилиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо қиларди. Олим бу ижтимоий заруратни ўз вақтида англаб етган ҳолда шундай буюк асарга қўл урган. Асарнинг 15-53 бобларида Кунтуғди ва Ўғдулмишнинг суҳбатлари орқали даврнинг барча ижтимоий табақа ва тоифалари (беклар, сипоҳийлар, сарой аъёнлари – вазир ва ҳожиблар, лашкарбошилар, элчилар, котиблар, саййидлар, шоирлар, мунажжимлар, олимлар, табиблар, деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, хунармандлар, камбағаллар – барча-барчанинг) ҳолати, турмуш-тарзи ҳақида батафсил маълумот берилади. Ҳукмдор ва давлат одамларининг масъулиятли, адолатли бўлиши кераклиги ўта моҳирлик билан ўқтирилади.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, ижтимоий одобни устувор қўйиб, одамлар орасида тотувлик ўрнатиш, жамиятни маънавий юксалтиришни бош мақсад қилиб белгилайди. Бинобарин, XI аср туркий халқлар орасида ислом маданиятига асосланган жамиятнинг шаклланиб, ривожланиб келаётган даври бўлиб, уни такомиллаштириш таклифлари ўринли эди.

Юсуф Хос Ҳожиб ақл ва билимни эл-юрт, халқ фаровонлиги йўлида хизмат эттиришни энг асосий бурч деб ҳисоблайди. “Қутадғу билиг” – туркийда яратилган бу дастлабки буюк асар бутун Шарқ адабиёти ривож учун маълум маънода мустаҳкам таянч бўлди. Бу ўринда X–XI асрларда Шарқ адабиёти ривожланиш босқичининг ўзига хос икки жиҳатига эътибор бериш керак бўлади. Биринчидан, бу даврда илм-фан ва бадий адабиёт асосан турли ҳукмдорлар ҳомийлигида ривожланган. Мисол учун, Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърят, Ғазнавийлар хузурида форс тилидаги адабиёт паноҳ топган бўлса, Қорахонийлар даргоҳида туркий шеърятнинг буюк намунаси дунёга келди. Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони маърифатпарварлик эди. Чунки, бу даврда фақат адабиёт ривожланиб қолмай, балки барча илмлар равнақи учун кенг кўламли ислохотлар олиб борилган эди. Бундай шароитда Юсуф Хос Ҳожиб каби маърифат пешволари халқни билимга чорлаш билан бир қаторда, жамиятда адолат ўрнатиш, одамларни ижтимоий-ахлоқий камолот сари етаклашга уринган ва бунинг уддасидан чиққан.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Tuxliyev B. “Qutadg'u Bilig” Yusuf Xos Hojib. Cho'lpon nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi Toshkent. 2017.
2. Содиков Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: Адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши Тошкент давлат шақшунослик институти. 2006 й.
3. Ahmet ZIYA'I Aktaran: Yusufcan Yasin “Kutadgu Bilig üzerine” Uluslararası Uygur Araştırmaları Dergisi 2017/9.
4. Иванов С.И. “Юсуф Баласағуниблагодатное знание” издательство “Наука” Москва. 1983 г.
5. Казахстанские востоковедные исследование “Махмуд Кашғари” издательство “Дайк- пресе” 2005 г.
6. Имомназаров М. “Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср)”, <https://e-tarix.uz/shaxslar/213-yusuf-hos-hojib.html>.
7. “Юсуф Хос Ҳожиб” <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/yusuf-xos-hojib/>
8. <https://zh.wikipedia.org/wiki/玉素甫·哈斯·哈吉甫>

УЎК 93/94

“МАРКАЗИЙ СУҒД” ТАРИХИНИНГ ЎРТА АСР МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ Д.А. Махмудов, ўқитувчи, Қарши давлат университетининг Педагогика Институтини, Қарши

Аннотация. Ушбу мақолада Ўрта асрларда муҳим географик ҳудуд ҳисобланган Марказий Сўғдийнинг ўрта аср ёзма манбаларида акс эттирилиши илмий асосланган.

Калит сўзлар: Сўғд, ёзма манбалар, В.В. Бартольд, Зарафшон дарёси, Самарқанд.

Аннотация. Эта статья научно основана на отражении Средней Согдианы, которая в средние века считалась важным географическим районом, в средневековых письменных источниках.

Ключевые слова: Согдийский, письменные источники, В.В. Бартольд, река Зарафшан, Самарканд.

Abstract. *This article is scientifically based on the reflection of Central Sogdiana, which was considered an important geographical area in the Middle Ages, in medieval written sources.*

Keywords: *Sogdian, written sources, V.V. Barthold, Zarafshan river, Samarkand.*

Суғд тарихи кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб, ушбу масалага оид ёндашувлар ва асарларининг тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлили муаммони ушбу гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Суғд ва унинг марказий шаҳри Самарқанд тарихий-географияси масаласида анча кенг тадқиқот олиб борган В.В. Бартольд айрим манбаларда Самарқанд шаҳри ва атрофларининг фақатгина бир қисми Суғдга киритилгани, Зарафшон дарёси ва унинг икки тармоғи бўлмиш Оқдарё ва Қорадарё орасида қолган ҳудуд (орол) Ним Суғуд “ярим Суғд”, Оқдарёнинг шимолидаги Суғуди Калон “Қатта Суғд” орасида фарқ бўлганига эътибор қаратади [1].

Муқаддасий ва Ёкут Сомонийлар вазирининг Жайхонийнинг асарига таяниб келтиришларича Самарқанд Суғднинг энг муҳим шаҳри бўлиб, ундан кейин навбати билан Кеш, Насаф, Кушония ва бошқалари келади. Шу билан бирга, айрим географлар Суғднинг маркази сифатида Иштихонни кўрсатиб, Самарқанднинг Суғд маркази сифатидаги ўрнига тўхталмай ўтишади. Бундай ёндашган айрим араб-форс географлари Бухорони Суғдга киритган ҳоллар ҳам учрайди. Улар бунга далил сифатида Суғд (Зарафшон) дарёсининг Бухорогача етиб боришини келтириб ўтишади [2]. Фақат Муқаддасий бундай қарашларга қарши чиқиб, шундай ёзади: “Урдун (Иордания) дарёси Фаластин ҳудуди ичига қараб оқишига қарамай Фаластинни Урдунга тегишли деб бирор кимса айтмайди. Шу тариқа Суғд дарёсининг Бухоро ичкарасига қараб оқиши Бухорони Суғдга киритишига имкон бермайди. Суғд дарёси фақатгина у ердан оқиб ўтиб, унинг ерларини суғоради” [3]. Бундан кўринадики, илк ўрта асрларда, яъни исломдан олдинги даврларда хитойликлар Ан (Бухоро)ни Кан (Суғд)дан алоҳида ўлка сифатида кўрсатганликлари [4] каби IX –XI асрларга бу ўлкаларга ташриф буюрган араб-форс географлари ҳам Бухоро воҳасини Суғддан алоҳида ўлка сифатида талкин қилишган.

Муқаддасийнинг Суғд ҳақидаги қарашлари эса қуйидагича: “Суғд – Самарқанд ерларининг барчасини қамраб олади. Самарқанд Суғднинг маркази бўлиб, бу ернинг барча шаҳарлари унга тобедин. Чунки Самарқанд бу ўлкадаги энг қадимий, энг кенг ва ўзига қарашли энг кўп рустоқларига эга бўлган жойдир. Агар бирортаси чиқиб, “Бухоро бошқарув ва девонлар маркази бўлса-ю, нега уни бош шаҳар сифатида қабул этмайсан” деса, унга шундай жавоб берилади: У (Бухоро)нинг бошқарув маркази бўлиши бу шаҳарнинг бош шаҳар бўлишини шарт қилиб қўймайди. Фақат, у Сомоний ҳукмдорлари бу ерни ўзларига маъқул топиб, Самарқанддан у ерга кўчиб ўтган бир жойдир” [5].

Ибн Ҳавқал эса ўз асарининг бир жойида Кеш ва Насаф билан бирга Бухорони ҳам Суғд ўлкасига киритиш мумкинлигини ёзиб, асарининг бошқа бир жойида Суғд ўлкасининг Бухоро томонидан Карминийадан ўтгач, Самарқандга қарашли Дабусиядан эътиборан бошланишини, шу тариқа навбати билан Рабинжон, Кушония ва Самарқанд келиши ва Суғд бу ерлардан иборатлигини айтиб ўтади. Фақат Ибн Ҳавқал ҳам айрим олимларнинг Бухоро, Кеш ва Насафни Суғдга киритишига қарши чиқиб, ушбу шаҳарларнинг девонда (яъни Сомонийлар девонида-Д.М.) Суғддан алоҳида ҳисобланишини айтиб ўтади [6]. Шу ўринда, унинг бу масалага ўша давр маъмурий ҳолатидан келиб чиқиб ёндашганини айтиб ўтиш керак. Бу борада хорижлик тадқиқотчилар ҳам ўз фикрларини билдирган бўлиб, араб ва форс географлари орасида Насаф ва Кешни Суғдга киритмаслик ҳолати учраши, бироқ бундай ёндашув ўз даври маъмурий бошқарув тизими билан боғлиқ равишда келиб чиққани таъкидлайдилар [7].

Ёкут Суғднинг маъмурий маркази Самарқанд эканини ёзиб, Суғднинг иккига бўлиниши, биринчиси Самарқанд Суғди, иккинчиси эса Бухоро Суғди деб аталишига урғу беради. Унга кўра, Самарқанд Суғди Бухоро чегарасидан бошланиб, Бутгам (Зарафшон/Панжикент) тоғларигача чўзилган Суғд водийси бўйлаб чўзилган эди [8]. Самъоний, Қазвиний ва Абул-Фидо каби ўша давр муаллифлари Суғд ҳақида ёзар экан фақатгина Самарқанд Суғди тўғрисида сўз юритиб, Бухоронинг Суғдга алоқадорлиги борасида ҳеч бир маълумот бермасдан ўтишган [9].

Ле Стренж Суғд ўлкаси Сайхун (Сирдарё) ва Жайхун (Амударё) орасида ўрнашиб, унумдор тупроқларни ўз ичига олгани ва ушбу ўлкани иккита дарё суғоришини, биринчиси Самарқанд ва Бухорони суғорадиган Суғд ёки Зарафшон дарёси, иккинчиси эса Кеш ва Насафдан оқиб ўтувчи дарё (Қашқадарё) эканига урғу бериш билан бирга Суғдга Самарқанд ва унинг атрофидан иборат ўлка сифатида қараш мантиқлироқ эканини олға суради. Унга кўра, Бухоро, Кеш ва Насаф шаҳарларига алоҳида-алоҳида ўлкалар сифатида қараш мантиқлироқдир [10]. Ушбу маълумотлардан мусулмон географларининг Суғдни муайян бир ўлка сифатида қадимги даврларга

нисбатан анча тор маънода тавсифлаганини кўришимиз мумкин. Самарқанд айрим муаллифларни истисно қилганда, деярли барча мусулмон географлари томонидан Суғд таркибидаги ва ушбу ўлканинг бош маркази сифатида тилга олинishi билан бирга Кеш ва Насафни Суғдга кириши ёки тескариси эканлиги масаласида бир-бирини рад қилувчи маълумотлар учраши эса ўша даврдаги сиёсий муҳит билан боғлиқ эди. Мусулмон географларининг кўпчилиги эса Бухоро воҳасининг Суғдга кирмаслигини илгари сурган бўлсалар, баъзи муаллифлар эса уни ё Суғдга киритиши ёки “Бухоро Суғди” деган атамани қўллаганликлари ҳам диққатни тортади. Бу эса бундаё ёндашув минтақадаги илк мусулмон сулолалари давригача узук-юлуқ равишда етиб келган анъаналар боғлиқ бўлса керак мазмунидаги қарашларга имкон беради. Яъни исломдан олдинги даврларда Суғд янада кенгрок ҳудудларни ўз ичига олган ва унинг акс-садоси айрим мусулмон муаллифларининг асарларида ўз ифодасини топган [11].

Суғднинг йирик шаҳарлари қуйидагилардан иборат бўлган дейиш мумкин: 1. Дабусия 2. Рабинжон 3. Кушония 4. Иштихон 5. Кеш 6. Насаф (Нахшаб).

Ушбу шаҳарлар ёки кичик ҳукмдорликларнинг деярли барчаси, айниқса, Кушония, Иштихон ва Кабудон Самарқандга кўпроқ тобе, Кеш ва Нахшаб айрим эса пайтларда нисбатан тобе эди. Улар Самарқандга тобе бўлиши билан биргаликда сиёсий ва маъмурий жиҳатдан алоҳида-алоҳида кичик ҳукмдорликлар – мулкликлар бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз ҳудуди, бошқарувчи сулоласи, бошқарув маркази, ўзига қарашли рустоқ ва қишлоқлари мавжуд эди. Улар кўпинча ўз ички бошқарувида мустақил, бироқ сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан Самарқандга қарам эдилар. Муайян бир конфедерацияга бирлашган алоҳида ҳукмдорликлар деб атаса бўладиган ушбу сиёсий бирликларнинг умумий номи Суғд, марказий ҳукмдорлиги эса Самарқанд эди. Яъни, ҳудудий жиҳатдан нисбатан кичик бўлишларига қарамай уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида вилоят бўлган деб эмас, кичик ҳукмдорлик сифатида қараш керак бўлади. Чунки Кушония ёки Иштихон ҳудуди бўйича кичик бўлиб, бирор туман кўламида бўлса ҳам, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мавқеи вилоятга нисбатан анча юқори эди [12].

Жайҳоний келтирган бир ривоятда Суғд ўлкаси географик жойлашувига кўра инсон тасвирига ўхшаш таъкидланади: унинг боши Бунжикас (Панжикент), оёқлари Кушония, сирти Авфар, қорни Кабудонжакас ва Туркасфо (яъни Марзубон), қўллари Маймурғ ва Бузмажондир [13].

Қисқаси, Суғд ўлкасининг араб ва форс географларини ўзига тортган жиҳатлари улардан бир қанчасининг асарларида биридан-иккинчисига кўчиб, улар орасида қуйидаги маълумот диққатга сазовордир: *“Сўғд, Сўғд дарёси (Зарафион дарёси)нинг ўнгида ва сўлида, бир томони Бухоро ҳудудига, бошиқа томони эса Буттам (Уструшона) ҳудудига бориб туташидиган ва ҳеч қандай бир тўсиқ билан узилмайдиган муайян бир водийда жойлашган бўлиб, бир учидан иккинчи учигача узунлиги саккиз кунлик масофадир. Бу ерда ям-яшил далалар, боғлар ва адирлар бир-бирига занжирдай боғланиб кетган вазиятдадир. Ўлка доимий равишда оқиб турувчи дарёлар билан ўралган бўлиб, қир-адирлар орасида кичик-кичик қўллар бор. Дарахтлар ва экин-тикинли майдонларнинг яшиллиги водийнинг икки учигача чўзилиб кетган”* [14].

Суғд ўлкасининг табиий-географик жойлашуви ва иқлим хусусиятлари ҳақида IX – XII асрларда эслатиб ўтилган ушбу маълумотларга ўхшаш маълумотлар анча кейинги даврларда ҳам тарихий ва адабий асарларда ўрин олганлиги кўзга ташланади. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида Самарқанд вилояти ва унга яқин жойлашган вилоят ва туманлар ҳақида маълумотларни келтириб ўтади [15].

Хулоса. “Марказий Суғд” сиёсий ва маданий жиҳатдан марказ вазифасини бажарган бўлиб, бу ҳолат ўз даври манбаларида аксини топган. Айниқса, Самарқанд шаҳри кўп асрлар давомида ҳам “Марказий Суғд”нинг, ҳам бутун Суғд ўлкасининг маркази ва етакчи сиёсий кучи сифатида ўзини намоён қилган. Марказий Суғд асосан Самарқанд ва унга сиёсий ва иқтисодий-маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлган Маймурғ, Кабудон, Фай, Иштихон, Кушония каби катта-кичик мулклик ёки ҳукмдорликларни ўз ичига олган. Географик жойлашувига кўра бир-бирига яқин бўлган ушбу мулкликлар ўз ички бошқарувида бирмунча мустақил бўлиб, ўз ҳукмрон сулолаларига эга бўлишса-да, кўпинча Самарқанддаги етакчи сулолага бўйсунилган.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Bartold V.V. Soğd / İslam Ansiklopedisi, X. S. 737.
2. Aydınlı O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yıkılışına kadar ..., s. 46.
3. Moqaddasi, 216 (Aydınli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yıkılışına kadar ..., s. 46-47).
4. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. –М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950. – Т. I. – С. 271, 281.
5. Moqaddasi, 217 (Aydınli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yıkılışına kadar ..., s. 47).
6. Ibn Havkal, s. 491-492 (Aydınli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yıkılışına kadar ..., s. 47-48).
7. Aydınli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yıkılışına kadar ..., s. 48.

8. Yakut. Mucemu'l-buldan. III, p. 409-410 (Aydinli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yikilishina kadar ..., s. 48).
9. Камолитдин Ш. Абу Са'д 'Абд ал-Карим ас-Сам'ани и его труд «Китаб ал-ансаб». Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии / LAP – Lambert Academic Publishing RU, 2018. – С. 133-133, 167-168.
10. Strange G. The Lands of the Eastern Caliphate. – London, 1905. – P. 460.
11. Aydinli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yikilishina kadar ..., s. 49.
12. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия ..., с. 146-147; Aydinli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yikilishina kadar ..., s. 51.
13. Aydinli O. Semerkant tarihi – fethinden Samanilerin yikilishina kadar ... s. 52.
14. Китаб ал-масалик ал-мамалик Истахри ... с. 22, 33; Худуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи ..., б. 12.
15. Захиритдин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Т., Юлдузча, 1999. – Б. 47.

УЎК 93/94

ДИНИЙ ТУРИЗМНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДАГИ ЎРНИ

А.А. Мирзаев, катта ўқитувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Бугунги кунда туризмнинг дунё ва Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ва роли, туризм индустриясида туризмнинг энг сердаромад соҳаси диний туризм ва жаҳон тажрибаси билан бир қаторда, туризм индустриясига илк бор янги йўналиш сифатида диний туризми олиб кирилган. Диний туризм бўйича мавжуд ресурслар, турли динлараро бағрикенгликнинг азалий қадрият сифатида хорижлик туристларга намойиш қилиш зарурати кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: зиёратгоҳлар, диний туризм, туризм индустрияси, дин, жаҳон тажрибаси, Фаргона вилояти.

Аннотация. Сегодня роль и место туризма в мире и узбекской экономике, наиболее прибыльной сфере туризма в туристической индустрии, наряду с религиозным туризмом и мировым опытом, впервые открыли новое направление в индустрии туризма. Доступные ресурсы по религиозному туризму подчеркивают необходимость продемонстрировать иностранным туристам, что межрелигиозная толерантность является вековой ценностью.

Ключевые слова: святыни, религиозный туризм, индустрия туризма, религия, мировой опыт, Ферганская область

Abstract. Today, the role and place of tourism in the world and the Uzbek economy, the most profitable field of tourism in the tourism industry, along with religious tourism and world experience, for the first time opened a new direction in the tourism industry. The available religious tourism resources highlight the need to demonstrate to foreign tourists that interfaith tolerance is an age old value.

Keywords: shrines, religious tourism, tourism industry, religion, world experience, Fergana region

Бугунги кунга келиб, туризм саноати сердаромад соҳа сифатида иқтисодиёт тармоғининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2017 йилни “Халқаро туризм йили” деб эълон қилинди. Бу борада қабул қилинган резолюцияда барча давлатларда барқарор иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш ва тезлаштириш, қашшоқликка барҳам бериш воситаларидан бири сифатида туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.[1] БМТ ва БТТ маълумотларига кўра ҳар йили бир миллиардга яқин туристлар бошқа мамлакатларга саёҳат қилмоқда.[2] Бугунги кунга келиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўн фоизи ва халқаро экспортининг олти фоизи айнан туризм соҳасига тўғри келмоқда. [3]

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгашининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 99 сессиясида туризмга қўйидагича баҳо берган эди: “Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, халқлар ўртасида ҳамжихатлик, бағрикенглик фазилатларини мустақамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз”. [4]

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида мавжуд туристик ресурслар ва имкониятлар, давлатимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш учун мавжуд қулай шарт-шароитлар натижасида туризм соҳаси ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Туризм соҳасини Ўзбекистон Республикасида ривожланиши ўз навбатида бошқа хорижий давлатлар билан интегарциялашувини тезлашишида ҳам муҳим воситалардан бирига айланиб улгурди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, туризмни ривожланиши ўз навбатида мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва шу билан бир қаторда аҳолининг фаровонлик даражасини ошишига ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг туризм имкониятлари юқорилиги, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга

яратилган шарт-шароитлар, миллий ва диний бағрикенглик тамойилларининг устуворлиги, тинчликнинг бардавомлиги сайёҳлар оқимини ошишига сабаб бўлмоқда. “Буюк ипак йўли” бренди доирасида муқаддас қадамжоларга ҳам саёҳатлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳам Ўзбекистон катта салоҳиятга эга бўлиб, биргина Фарғона вилоятида ҳозирги кунда 200 дан зиёд муқаддас қадамжолар мавжуд.[5] Ўзбек халқи меҳмондўстлик анъаналарига эга халқ ҳисобланади. Бу албатта, хорижлик сайёҳларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.[6]

Туризм тармоқлари орасида энг сердаромад саёҳат тури бу диний туризмдир. Бу борада жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ғарб давлатларида, асосан, христиан дини билан боғлиқ зиёратгоҳларга алоҳида аҳамият берилса, аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар бўлган давлатларда диний туризмни бевосита ислом дини билан боғлаш анъанага айлаганлигини кўриш мумкин. Лекин мустасно тариқасида, Хиндистон, Мексика, Россия, Греция, Миср каби кўплаб давлатлар қадимда мавжуд бўлган ва ҳозирда йўқ бўлиб кетган диний қарашлар билан боғлиқ бўлган зиёратгоҳларни асраб, уни туризм индустриясининг муҳим тармоғига айлантирганликлари диққатга сазовордир. Айнан диний туризм доирасида саёҳатга чикувчи сайёҳлар ўзлари учун анъанавий бўлган машҳур зиёратгоҳларга бориш билан бир қаторда, экзотик аҳамиятга эга бўлган муқаддас жойларни кашф этиш ва кўришга бўлган интилиш ошмоқда.[7] Туризм иқтисодиётга даромад олиб келувчи соҳа бўлиш билан бир қаторда миллий хунармандчиликни янада ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир зиёратчи ўзи ташриф буюрган зиёратгоҳдан ёки шаҳардан эсдалик учун турли диний ва миллий аксессуарлар харид қилиши бошқа туризм турларидан кўра кўпроқ диний туризм доирасида кўзга ташланади. [8]

Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 8,2 минг маданий мерос объектлари мавжуд.[9] Диний туризмни ривожлантириш мақсадида мавжуд муқаддас қадамжоларни очиқ осмон остидаги музей кўриқхоналарига айлантириш ҳам соҳа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Фарғона вилоятидаги Ҳазрати Али муқаддас зиёратгоҳи, Қўқон шаҳридаги Дахмаи Шохон ва Модарихон макбаралари, Мўйи Муборак зиёратгоҳи, Пошшо пирим-Шайх Жалил зиёратгоҳларини[10] бевосита очиқ осмон остидаги музей ёдгорлик сифатида эътироф этиш мумкин.

Кўплаб динларда бошқа дин вакиллари муқаддас қадамжоларига ташрифидида маълум чекловлар мавжуд. Жумладан, мусулмонлар учун муқаддас ҳаж маросимларини амалга оширувчи шаҳарлардан Макка шаҳрига бошқа динга эътиқод қилувчи туристларнинг кириши таъқиқланади.[11]. Ислом динида диний маросимларда иштирок этиш ва муқаддас қадамжоларга зиёрат қилишда ёш чегаралари белгиланган.[12] Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган туристларнинг ёш хусусиятига эътибор қаратадиган бўлсак, асосан 50-60 ёш оралиғидаги сайёҳларни ташкил этади. Демак, улар тўлақонли диний таълимотлар ҳақида етарли маълумотларга эга бўлган, шу билан бир қаторда зиёрат одобларидан воқиф бўлган шахслардир.

Диний туризм ибодат мақсадида амалга ошириладиган фаолият туридан фарқ қилади. Жумладан, ибодат маросимлари йилнинг маълум ойларида амалга оширилса, диний туризм мавсум танламайди. Диний туризмни ривожлантиришда диний байрамлар, диний фестиваллар ва маросимлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Саудия Арабистони, Исроил, Туркия, Ватикан, Италия, Франция каби давлатларда диний туризм билан махсус шуғулланувчи тuroператорлик компаниялари фаолият олиб бормоқда. Бу ўз навбатида, бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда тuroператорлар ўртасидаги кескин рақобатни ҳам келтириб чиқармоқда. [13]

Бугунги кунга келиб, диний толерантлик давр мафқурасига айланди. Дунё тараққиёти қанчалик ривожлангани сари инсоният маънавий қадриятларга шунчалик эҳтиёж сезмоқда. Инсон маънавияти бевосита диний қарашлар замиридаги ахлоқ нормалари асосида сайқалланиб келганини бугун ҳеч ким инкор этмайди. Шунинг учун ҳам, дунёда турли диний ва этник тинчликни сақлашда диний туризм катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда дунёда ягона Урганч шаҳрида “Авесто” ёдгорлиги ва музейи очилганлиги, Самарқандда Имом Бухорий мажмуасидаги музей, Тошкент шаҳридаги Хаста Имом зиёратгоҳ мажмуасидаги Мўйи Муборак мадрасасида ташкил этилган музейлар ҳам диний туризмни ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Йирик шаҳарларнинг аҳолиси кўпроқ кишлоқлар ёки кичик шаҳарлар ҳудудидаги зиёратгоҳларга саёҳат қилишни афзал кўришларини инобатга олган ҳолда [14] мавжуд туристик инфратузилмани қайта кўриб чиқиш зарур.

Зиёратчи туристлар зиёрат давомида турли касаллик-лардан шифо топишига қаттиқ ишонилишида, ёки зиёратгоҳлардаги диний роҳиблар, шайхларнинг дуолари зиёратчилар келажагида катта аҳамиятга эга бўлади, деган ишонч мавжуд. [15]

Ўзбекистонда диний туризм доирасида саёхатга чиқувчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Бундан ташқари умумий ёш хусусияти 40 ёшдан юқори бўлганлар асосан диний туризм доирасида саёхатга чиқишни хуш кўришади. [16]

Диний туризм оилавий амалга ошириш имкони мавжуд бўлган ва шу билан бир қаторда ёш авлодни диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғояларини сингдиришда амалий аҳамиятга эга бўлган сайёхлик соҳаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда диний туризмни янада ривожлантириш имкониятлари етарли бўлиб, диний туризмнинг ривожланиши ўз навбатида халқимизнинг бошқа миллатлар билан янада яқинлашишига олиб келади. Соҳа ривожидида рекламанинг ўрни ҳам юқори. Жумладан, почта маркаларида диний зиёратгоҳларни акс эттириш, оммавий ахборот воситаларида доимий маълумотлар бериб боришни йўлга қўйиш, Ўзбекистонда мавжуд барча зиёратгоҳлар акс эттирилган инглиз, рус, ўзбек тилида ёзилган китоблар чоп этиш ишларини янада кенгайтириш лозим. Бундан ташқари муқаддас қадамжолар бўйлаб туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. turkistonpress.uz/article/19694
2. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, ноябрь, 2011 йил
3. Манба: Бирлашган Миллатлар Халқаро туризм ташкилоти маълумотлари (www.unwto.org).
4. Каримов И. БМТ нинг Бутунжаҳон Сайёхлик ташкилоти 99-сессиясида сўзлаган нутқи
5. Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси”. Тошкент: “O'zbekiston” нашриёти, 2021 йил
6. Shimen Y, Kawahara Y. Mazar Buzyurk Khan Tora in Katta Kenagas Village// Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology № 28) Tokio 2007 . 23 б.
7. Абдувоҳидов А.. “Халқаро туристик ташкилотлар” Тошкент 2012 й. 34 б.
8. www.ncfu.ru/uploads/doc/avtoref_andryanova.pdf
9. Квартальнов В.А. “Туризм” Москва “Финансы и статистика” 2004 г 103 б.
10. Эралиев Б, Останакулов И., Абдулахатов Н. “Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари” I том Тошкент 2014 й. “Turon zamin Ziyu” 20 б.
11. Эралиев Б, Останакулов И., Абдулахатов Н. “Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари” I том Тошкент 2014 й. “Turon zamin Ziyu” 208 б.
12. Христов Т.Т “Религиозный туризм” Москва “АКАДЕМА” 2015 г. 12 б.
13. Христов Т. Т. Религиозный туризм: учебное пособие для студентов высших учебных заведений / Христов Т. Т. – М.: Издательский центр «Академия», 2003. – 288 с.
14. Якунин В. Н. “Значение религиозного туризма для популяризации историко-культурного наследия” 2003 г. Вектор науки ТГУ. № 1(23),
15. Абдулахатов Н. Ғозиев “Шохимардон” Тошкент “Янги аср авлоди” 2010 й. 27 б.
16. Абдулахатов Н. “Биби Убайда зиёратгоҳи” Фарғона нашриёти. 8 с

УЎҚ 393.05.1

РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДА ҚАЛМИҚҚИРИЛГАН ҚАБРИСТОН ЁДГОРЛИГИНИНГ БОЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИГА ДОИР БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш.Б.Рахимов, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм воҳаси аҳолисининг ислом даври қабристонлари: Қалмиққирилган, Миздахкон, Қуюққалъа ҳамда Қирантоғ ёдгорлиги дафн иншоотларида олиб борилган ҳамда таҳлил қилинган археологик, краниологик, остеологик, ва антропологик материалларни ўрганиш жараёнида болаларнинг дафнлари билан боғлиқ маросимлар аҳоли дафн маросимларининг асосий элементларидан бири эканлигини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: остеологик, антропологик, Воянган ёдгорлиги, бош суяги, мунчоқлар, болалар қабрлари.

Аннотация. В данной статье в процессе изучения археологических, краниологических, остеологических и антропологических материалов могильников исламского периода Хорезмского оазиса в Калмыккырган, Миздахкон, Куюккала, Кирантоу и погребений одним из основных элементов нашего погребального обряда является захоронение детей.

Ключевые слова: остеологический, антропологический, Воянганский памятник, череп, бусы, детские могилы.

Abstract. This article, in the process of studying the archaeological, craniological, osteological and anthropological materials of the burial grounds of the Islamic period of the Khorezm oasis in Kalmykrylgan, Mizdakhkon, Kuyukkala, Kirantou and burials, one of the main elements of our funeral rite is the burial of children.

Key words: osteological, anthropological, Voyangan monument, skull, beads, children's graves.

Олтмиш йиллик археологик ва антропологик тадқиқотлар давомида археолог олимларимиз Хоразм воҳасидаги энг қадимги даврлардан тортиб то ҳозирги кунгача сон жиҳатидан оз бўлсада аҳоли қабристонларидан янгидан янги материалларни олишга муваффақ бўлишган [7, С. 80-92., 1, (в печати), 3, С. 43-62., 8, С 85-94., 9, С. 242-259., 10, С. 181-186., 11, С. 65-70., 12, С. 73-80., 13, 254 с]. Ушбу кенг маълумотлар асосида кўплаб мақолалар нашр этилди, улар Хоразм аҳолисининг ушбу давр учун кўп сонли популяциясининг антропологик хусусиятларини, этногенетик, ирқий ва тарихий жиҳатларини таъминлайди. Шунингдек, Ўрта Осиё ва бошқа минтақалар аҳолиси билан aloқаларини ҳам аниқлайди. Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган материаллар ва бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар (этнографик маълумотлар) Хоразм аҳолиси популяциясининг поледемографияси бўйича тадқиқотларни умумлаштириш, турли тарихий даврларда унинг турли минтақалар популяцияси демографик тузилишини ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади ҳамда ислом даврида содир бўлган кўплаб жараёнлар тўғрисида яқинроқ тушунчани олишга имкон беради.

Қалмиққирилган қабристон- Хоразм вилояти Шовот тумани Манақ қишлоғидан 1.5 км жануби–шарқда Воянган ёдгорлигига яқин жойда жойлашган ўрта асрлар қабристонидир. Илк бор қабристон 1984 йилда биринчи марта Ўз РФА Қарақолпоғистон ижтимоий-гуманитар фанлар институти Археология бўлимида М.Мамбетуллаев томонидан ўрганилган [7, С. 80-92]. Қазилган ишлари асосан 128 м² майдонда олиб борилиб, жами 58 та, шулардан 10 таси болалар қабрлари хужжатлаштирилган ва таснифланган.

Қалмиққирилган қабристон худудидаги болалар қабрларининг категорияси **№5, №17 №24, №25, №26, №33, №40, №41, №43, №44, №45, №49** - сонли хужжатлаштирилган объектларда қайд этилган 12та қабрни ўз ичига олади ва дафн қилинган болаларнинг ёши айримлари чақалоқ, қолганлари 11 ёшгача бўлганлардир.

Қабр №5 қабр қурилиши шарқ-ғарбга йўналтирилган, эъни 146x45 см бўлиб, пишган ғишт билан қопланган. Қабр қопламасининг жанубий қисми учта қатордан, шимолий қисми бир қатордан пишган ғиштлардан иборат (33x18x3 см). Юқоридан қабр қурилмаси 50x32x4-6 см ўлчамдаги плиталар билан ёпилган. Ушбу қабр катта ёшли аёлга тегишли бўлиб, бола унинг ёнига қўйилган. Чақалоқ бош суяги ғарбга, оёқлари ва қўллари чўзилган ҳолатда жойлаштирилган. Қабрдан иккита: бири - призмасимон, етти қиррали, иккинчиси - битрапетсимон мунчоқлар олинган. Қабр №14 да 192x58x38 см ўлчамдаги ҳар томондан ярим пишган ғиштлар ишлатилган бўлиб, боланинг склети қабрнинг пастки қисмида, марказда, чўзилган ҳолатда, ғарбга қараб жойлаштирилган.

№17, №24 (1-расм), №25 қабрлар 162x42 см ўлчамдаги қабр хонасида ўтказилган бўлиб, унда боланинг склети аёл склети орқа томонида, боши ғарбга, юзи юқорига қараган ҳолда ётган. **№24 қабр**да бола суяги айрим қисмлари сақланган, эзилган бош суяги юзи билан ётган ҳолатда топилган. **№25 қабр** 90x30x28 см ўлчамдаги қабр қурилмаси пишган ғиштлардан қурилган бўлиб, уларнинг сақланиш ҳолати ёмон бўлганлиги сабабли ўлчамларини олиш имкони бўлмаган. Фақатгина ушбу қабрни ён деворларининг пастки қисмида мазор тубига қараб тўртбурчак шаклда 32x33x5 см хажмдаги ғиштлар ишлатилган. Қабрнинг пастки қисмида, чўзилган ҳолатда, ғарбга қараб боланинг склети жойлаштирилган.

№26 қабр 85x31x25 см ўлчамига эга бўлиб, қабр чуқурига қараб ярим пишган ғишт ётқизилган ва у 42x32x5 см хажмдаги учта пишган плиталар билан ёпилган. Қабр чуқурида тиззалари озгина эгилган боланинг склети, ўнг қўл танаси бўйлаб чўзилган, чап қўл тирсақка эгилган ҳолатда ётган.

№33, №34, №40, №41 сонли қабрларда дафн маросимлар асосан 49x34x5 см ўлчамдаги плиталар билан ёпилган, икки ён сирти пишган ғишт қопламасига (29x29x4 см) эга бўлган қабрда амалга оширилган. Қабрнинг ён деворларининг юқорги қисми 45 см, мазор туби тўртбурчак шаклда 43 см бўлган камерадан иборат. Камеранинг пастки қисмида 1/2 қисмини эгаллаган боланинг склети ётарди. Қабрнинг шимолий деворида, чап оёқ суяқлари орасида, бола кўмилганида ғарбий бурчагига силжиган бошқа бир склет топилган. **№34** сонли қабр қурилмасида ўлчами 87x40x28 см, 58-48x38x4-5 см хажмдаги пиширилган плиталар бир-бирини қоплаш учун ишлатилган. Қабрнинг пастки қисмида боланинг склети боши ғарбга қаратилган, ўн қўл танаси бўйлаб чўзилган, чап қўл тирсаги бироз эгилган ҳолатда, қўллар тос суягида. **№40 сонли қабр**да дафн маросими 72x28x15 см ўлчамдаги қабр хонасида қилинган, 36x37x5 см ўлчамдаги пишган ғиштлар билан қопланган. Камерани ёпиш учун пишган ғишт парчалари ишлатилган. Камеранинг пастки қисмида, ўнг томонда, чўзилган ҳолатда, ғарбий томонга қаратилган юз суяқлари билан ётқизилган. **№41** қабр ўлчами 130x40x16 см хажмда. унинг ён деворлари хом ғишт билан қопланган. Юқорги қисмида шифт сақланиб қолмаган. Қабр ичидан юқорига қараб, орқа томонга чўзилган, юзи ғарбга қаратилган бола склети ётқизилган.

№43, №44, №45 сонли қабрларда дафн маросимлари 88x27x23, 62x28x18, 182x79x35 ҳамда 80x26x20см ўлчамларидаги дафн иншоотида қилинган бўлиб, 49x30x5 см хажмдаги иккита пишган плиталар билан қопланган. Болалар склети жануб томонга қараб қўйилган. Қўллари чўзилган, оёқлари кенг ёйилган ҳолатда бўлиб ўнг оёқ бироз эгилган ҳолатда. **№44 сонли қабр** иншоотида ҳеч қандай қоплама йўқ. Юз суяклари юқорига қараб, орқа томон чўзилган, ғарбга қараб ётган боланинг склети бўлган. **№45 сонли қабр**нинг эса катталигига қараганда, камера икки марта кўмиш учун мўлжалланган, яъни боланинг танаси қабрга қўйилмасидан олдин ёши каттароқ одам ушбу қабрга қўйилган ва у болани дафн қилиш жараёнида склетни қабр четига суришган.

Қалмиққирилган қабристонининг болалар мазорли тузилмалари пишган ғишт (30x29x4 см., 36x37x5 см пишirilган тўғри бурчакли плиталар (58-48x38x4-5 см., 49x34x5 см., 42x32x5 см) ҳамда лой ғишлар айримларида эса ёғоч тобут қолдиқлари билан тасвирланган. Бир-бирларига яқин жойлашган **№24, №25, №44-сонли қабр**лар гуруҳини археологик қазиш ишлари жараёнида ғишт қобиклар қулаб тушгани аниқланди. Шунинг учун ҳам қабр чегараларини аниқлаш анча қийин масала. Қабрлар яхши сақланмаганлиги унинг саёз чуқурларда пишган ёки лой ғишлар остида қилинганлигидадир. Қабрлар тўртбурчак хона шаклида бўлиб, шарқдан ғарбга йўналтирилган. Баъзи бир қабр хоналарининг пастки қисми 35-36x36-38x3-6 см ўлчамдаги пишган ғишт билан ётқизилган. Деярли барча дафн қилинганлар орқа ва ўнг томонига чўзилган ҳолатда бўлиб, бошлари шимоли-ғарбий томонга, юз суяклари жанубга бурилган. Болаларнинг аксарияти айниқса ёши кичикроқ ойлик ҳамда 11 ёшгача бўлган болалар оналари ёки бирон бир яқин қариндоши ёнига қўйилган. Қолганлари 11 ёшдан каттароқ болалар эса алоҳида ўзи дафн қилинган. Кўпгина болалар дафн этилган жойлар дафн қилинган жойнинг марказий қисмида тўпланиши болалар қабрларини ажратиш аънанаси билан боғлиқ.

Деярли **№5, №14, №33, №45** сонли қабрларда боласи бўлган аёлнинг ёки яқин қариндошининг жуфт равишда кўмилиши ўрганилган, бош суяк остига ғишт плита қўйилган. Шунга ўхшаш қабрлар IX аср бошлари – XIII асрларга оид Афросиёб истеҳкомининг шимолий қисмидаги қабристониди ҳам ўрганилган. Миздахкон мақбараси қабрлари ва лойдан қилинган ғишт билан қопланган болалар қабр хоналарининг жасадлари тўғрисидаги келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, тўртбурчак ғиштли плитка билан дафн қилиш усули Қалмиқ қирилган қабр қурилмасига ўхшаш. [7, С. 80-92].

В.Н.Ягодин ушбу қабрларни VIII-X асрларни иккинчи ярмига тўғри келади деган. Миздахкондан фарқли ўлароқ, Қалмиқ қирилган қабрлари хом ғишт билан эмас, пишган ғишлардан қурилганлигини айтади. Кўпгина болалар дафн этилган жойлар дафн қилинган жойнинг марказий қисмида тўпланиши болалар қабрларини ажратиш аънанаси билан боғлиқ. Хоразм воҳасида Миздахкон ва Қрантов қабристони ва қабристонлар жойлашган тепаликлар (Жўмард қассоб) маълум, у ерда деярли ўнлаб дафн маросимлари фақат 10-14 ёшдаги болалар ва гўдакларнинг дафн қилиниши билан текширилган. Ушбу қабристон Кердар маданиятига тегишли бўлиб, хронологик равишда Қалмиққирилган қабристонига яқин ҳудудларда жойлашган. Албатта, болаларни катталардан алоҳида дафн қилиш одати ўрта асрларда мусулмон аҳоли учун мажбурий эмас эди. Кўриб турганимиздек, ушбу қабристонларда ҳам болалар дафнлари катталар билан биргаликда ижро этилган. Шунга қарамай, некрополда болани изоляция қилиш тенденцияси аниқ намоён бўлади. Хоразм аҳолисининг ислом даври қабристонларидаги болалар қабрларидан топилган инвентаризация (қабр жиҳозлари) турли тоифаларга тегишли, булар, асбоблар, заргарлик буюмлари ва хожатхона буюмларидир.

Болаларнинг дафнлари кўпинча қабр таркибидаги нарса – буюмлар билан фарқланади. Баъзиларида бой моддий - мажмуа, бошқаларида эса аксинча, нарса – буюмлар аниқланмади. **№5-сонли** қабр бошқа сонли қабрлардан инвентаризация (Қабр жиҳозлари) бўйича ажралиб туради, унда иккита: бири призмасимон, етти қиррали, иккинчиси – битрапетсимон мунчоқ топилган. Шу ўринда айтиш жоизки, археологик манба сифатида қабрлардан топилган шиша ва тошдан ясалган мунчоқларнинг асосий потенциали уларни дафн маросимлари мажмуалари билан танишиш, шунингдек Хоразм аҳолиси маданияти хронологиясини аниқлаштиришда фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, ривожланган ўрта асрларда айниқса ислом даврда Хоразм минтақасидаги қабрлардан топилган мунчоқлар дафн маросимининг хронологик кўламини қайта қуриш ва қўшни ҳудудлар аҳолиси ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, уларнинг йўналишини ва динамикасини аниқлаштириш учун ишлатилиши ҳам мумкин.

Диаметри 7-8 мм бўлган ушбу мунчоқлар Хоразм ҳудудида жуда кенг тарқалган. В.Н.Ягодин уларни X-XI асрларга тўғри келади деган. Призмасимон, етти қиррали ҳамда битрапетсимон мунчоқлар Миздахкон, Қиронқалъа қабристони болалар қабрларидан ҳам топилган. Ана шундай мунчоқлар яна Афросиёбда ва Марв воҳаси қабрларидан ҳам ўрганилган. Қадимги Россия

худудиди, Новгородда X-XI аср биринчи ярмига оид қатламларида ўрганилган кичик призмасимон, етти қиррали мунчоқларга ўхшаш. (6, С. 170). Эски Лодогада ўрганилган призмасимон, етти қиррали мунчоқлар энг қадимги шаклидир. Кичик битрапетсимон мунчоқлар XI аср қабристонларидан ҳам маълум. (2, С. 62). Шимолий Кавказда бу шакл VI-VII асрларга оид қабрларда устунлик қилади. (5, С. 231). Юқори Кама бўйи дафн қилиш жойларидан топилган бундай майда мунчоқлар кўпинча VIII-IX асрларнинг қабрлари учрайди. (4, С. 63). Мунчоқларни тайёрлаш учун Хоразм аҳолиси турли хил тошлардан фойдаланган.

Шундай қилиб, Қалмиққирилган қабристонидан маълумки, у ерда деярли ўнлаб дафн маросимлари фақат 10-14 ёшдаги болалар ва гўдакларнинг дафн қилиниши билан текширилган. Хоразм воҳасининг ислом даври болалар қабрлари ва ундаги жиҳозларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш, болаларнинг дафн маросими элементларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга имкон беради ҳамда ушбу маросим катталарниқидан маълум даражада фарқ қилади. Қадимги одамлар учун болаларнинг маросими, дафн маросимидан ташқари яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса, болани дафн қилиш пайтида шартли маросимларни бажариш орқали, жамият аъзоларини келажакда мархумнинг ўрнига янги боланинг муваффақиятли туғилиши ва авлодларни кўпайишига таъсир кўрсатишига ҳамда унинг ҳаётига умид қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амиров Ш.Ш., Бендесу-Сармието Х. Раскопки мусульманского некрополя (археологический объект 8) // Археология Приаралья. Вып. VII. Нукус, 2007, (в печати).
2. Артамонова О.А. Могильник Саркела – Белой Вежи // МИА. – 1963. – № 109. С. 62.
3. Бижанов Е.Б., Мамбетуллаев М.М. Раскопки некрополя Ток-калы в 1968 году // Вопросы антропологии и культуры Кердера. Ташкент. "ФАН", 1974. С. 43-62.
4. Голдина Р.Д., Королева О.П. Бусы средневековых могильников Верхнего Прикамья // Этнические процессы на Урале и в Сибири в первовобытную эпоху. – Ижевск, 1983. С. 63.
5. Деопик В.Б. Классификация бус Юго-Восточной Европы VI–IX вв. // СА. – 1961. – № 3. С. 231
6. Колчин Б.А. Хронология новгородских древностей // Новгородский сборник. 50 лет раскопок Новгорода. – М., 1982. С. 170.
7. Мамбетуллаев М. Средневековый могильник Калмыккрылган // Археология Приаралья. Вып. II. Ташкент. "ФАН", 1984. С. 80-92.
8. Нурмуханбетов Б.Н. Раннемусульманское кладбище близ городища Куйрык-тобе // В глубь веков. Алма-ата. "Наука" Казахской ССР, 1974. С 85-94.
9. Пилипко В.Н. Средневековое кладбище городища Хурмузфара в Мервском оазисе // ТЮТАКЭ, т. XIV, Ашхабад, "Бўлым", 1969. С. 242-259.
10. Ходжаниязов Г., Юсупов Н., Амиров Ш. Открытие древнего некрополя на возвышенности Крантау // Археологические исследования в Узбекистане - 2000 год. Самарканд, 2002. С. 181-186.
11. Ходжаниязов Г., Юсупов Н., Кдыраниязов М-Ш., Торебеков М., Авизова А., Сайпанов Б., Багдасарова Н. Археологические исследования в некрополе Миздахкана // Вестник КК ФАН УзССР. Нукус, 1989, №3. С. 65-70
12. Ходжаниязов Г., Юсупов Н., Амиров Ш., Даулетназаров Ж., Калменов М. Новые археологические материалы с возвышенности Крантау // "Вестник" ККО АН РУз. Нукус, 2001, №3. С. 73-80.
13. Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. Ташкент. "ФАН" Узбекской ССР, 1970. С. 254

УЎҚ 93/94

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЧИЛИГИДАГИ ЕРГА ИШЛОВ БЕРИШ ҚУРОЛЛАРИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ЖИҲАТЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР)

Ф.Раҳмонов, доц., т.ф.н., Қарши давлат университети, Қарши

Аннотация. Ушбу мақолада Жанубий Ўзбекистон ўзбекларининг деҳқончилик қуролларининг этнолокал жиҳатлари мавжуд манба ва тарихий-этнографик адабиётлар асосида ёритилиб берилган.

Калим сўзлар: Жанубий Ўзбекистон, Қашқадарё, Сурхондарё, воҳа, деҳқон, бугдой, ҳосил, ўроқ, анъана, омон, кетмон, ўроқ.

Аннотация. В данной статье анализируются этнолокальные особенности земледельческих орудий узбеков, проживающих на юге Узбекистана основе имеющейся историко-этнографической литературы.

Ключевые слова: Южный Узбекистан, Кашкадарья, Сурхандарья, оазис, крестьянин, пшеница, урожай, серп, традиция, мотига, кетмен, серп.

Abstract. This article analyzes the ethno-territorial features of the agricultural tools of the Uzbeks living in the south of Uzbekistan on the basis of the available literature and field data.

Keywords: Southern Uzbekistan, Kashkadarya, Surkhandarya, oasis, peasant, wheat, harvest, sickle, tradition, hammer, sickle, hoe.

Инсониятнинг энг қадимги хўжалик машғулоти турларидан бири бўлган деҳқончилик боис азалдан мазкур соҳа учун зарур бўладиган меҳнат қуроли муҳим аҳамият касб этган. Жаҳоннинг қайси ҳудудида деҳқончилик вужудга келган ва ривожланган бўлмасин, ўша ҳудудда ушбу машғулоти тури билан боғлиқ тарздаги маҳаллий ўзига хос меҳнат қуроли шаклланиб, такомиллашиб борган.

Деҳқончилик учун зарур бўладиган меҳнат қуролларининг вужудга келиши ва уларнинг тараққиётига сабаб бўлувчи омиллар ҳамда шарт-шароитлар хусусида фанда турли қарашлар ва назариялар баён қилинган[1.]. Археологик материалларнинг далолат беришича, Жанубий Ўзбекистон Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари ҳудудида ҳам меҳнат қуроли деҳқончилик билан бир вақтда пайдо бўлган[2.], ва улар асрлар оша тараққий этиб борди. Маълумки, дастлаб тошдан ишланган меҳнат қуроли пайдо бўлган. Кейинчалик тарихий тараққиёт жараёнида чўяндан ва сўнгра темирдан ишланган деҳқончилик меҳнат қуроли яратилган. Умуман олганда меҳнат қуроли ҳам инсоният маданияти билан ҳамроҳанг тарзда ривожланиб, тараққий этиб борган. Демак, айтиш мумкинки, меҳнат қуроли этнос маданиятини ривожланиш даражасини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан ҳам ҳисобланади. У нафақат моддий неъмат ишлаб чиқарувчи восита, балки айни вақтда моддий маданиятнинг намунаси ҳамдир. Ўрта Осиё, хусусан, Жанубий Ўзбекистоннинг турли табиий-географик ҳудудларида деҳқончилик қуролининг у ёки бу шаклда-гисининг тарқалиши, аввало, ушбу жойнинг географик жойлашган ўрни, иқлими ва тупроғи шу каби табиий шарт - шароитларга, қолаверса, маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий анъаналари билан боғлиқ тарзда юз берган.

Зеро, элшунос Б.Гамбург таъкидлаганидек: “Турли ландшафт зоналарида мавжуд бўлган деҳқончилик қуролининг ўзига хос жиҳатлари маҳаллий хусусият касб этиши билан бирга шу ерда жойлашган этник жамоалар учун бу соҳадаги этномаданий хусусиятлар сифатида ҳам намоён бўлади” [3:121].

XIX аср охири - XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистон деҳқонлари, асосан, анъанавий тарзда асрлар давомида шаклланиб бир неча турдаги меҳнат қуролидан фойдаланганлар. Чунончи, анъанавий деҳқончиликда кенг қўлланилган меҳнат қуролига кетмон, белқурак, ўроқ, паншоха (шоха, панжшоха) ва ҳоказолар кирган. Ушбу меҳнат қуролининг ҳар бири деҳқонларнинг кундалик турмуш тарзида у ёки бу юмушни бажаришда қўл келган. XIX аср охири - XX аср бошларида минтақа деҳқончилигида кенг қўлланилган деҳқончилик қуролидан бири - бу кетмон ҳисобланган. Воҳалик маҳаллий темирчи усталар томонидан бир неча кўринишдаги кетмонлар ясалган бўлиб, улар хўжалик ишларининг тури ва тупроқнинг тузилишига қараб ясалган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий манбалар[4:416.] ва археологик топилмаларнинг тасдиқлашича[5:76-77.], кетмон энг қадимги меҳнат қуролидан бири ҳисобланади. Одатда “кетмон” жуда оддий кўринишга эга бўлиб, асосан, даста ва ишчи қисмидан иборат бўлса-да, маҳаллий аҳоли уни 10 қисмга ажратган ва ҳар бир қисмнинг ўз номи бўлган. Кетмон қуйидаги қисмларга бўлинган. Унинг “тана” қисми, “бет” (ёки юза), кесадиган қисми “дам”, “дам” дан 3 - 4 см ичкарига томон чархланган қисм “авра”, авранинг устки чизиғи “мағиз”. Кетмон дастаси ўрнатилган жой “зўғота”, унинг кетмон дастаси учун очилган тешикка уланган жойи “гирвон” (гирибон ёки бўйин), унинг атрофи “кўрғонча”, кетмоннинг икки чети “елка” ёки “муҳра”, елканинг иккинчи томони “елка чувуқ”, унинг пастки “авра” билан туташган жойи эса “кичик чувуқ” ёки “теж” номлари билан аталган. Ушбу меҳнат қуроли одатда, маҳаллий темирчилар томонидан тайёрланиб, у жуда кўп меҳнат ва тажриба талаб қилганлиги боис фақат юқори малакали усталарларгина уни тайёрлаганлар.

XIX аср охириларигача воҳада темир тақчиллиги сабабли кетмонлар кўпинча 5 - 6 қисмдан иборат қилиб тайёрланган. Бундай кетмонлар воҳа аҳолиси томонидан “беш бўлак кетмон” ёки “улама кетмон” деб аталган[6.].

XX аср бошларида Россиянинг марказий шаҳарларидан қалинлиги 8 мм келадиган ярим тайёр темир қуймалар келтирилиб, бу “тахта темир” деб номланган. Воҳада кетмон, асосан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, боғдор-чилик, поллизчилик, сабзавотчилик ва ғаллачилик каби соҳаларида кенг қўлланилган. Ўрта Осиёнинг кўплаб деҳқонлари каби воҳа аҳолиси ерга ишлов беришда ушбу меҳнат қуролининг бир неча туридан фойдаланганлар. “Мардона кетмон” деб номланган кетмон турининг оғирлиги 10 - 15 қадок, яъни 6 кг гача бўлиб, бундай кетмонларни водийда, асосан, эркаклар ишлатишган, “заифона кетмон” деб аталган турш эса, асосан, аёллар учун мўлжалланган бўлиб, унинг оғирлиги 7- 10 қадок (3 - 4 кг)ни ташкил этган. Кетмоннинг бошқа бир тури “бачкана кетмон” ёки “бола кетмон” деб юритилган ва у 3 - 4 қадок (2, 5 кг) оғирликда бўлган. Юқоридагилардан ташқари воҳада яна “Товлама кетмон”, яъни қайта ишлов берилган ҳамда “Қуш нусха” кетмонлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг бундай номланишига сабаб эса орқадан қараганда у

ўтирган куш тасвирини берган. Сифатли кетмонлардан 3 - 5 йил мобайнида фойдаланиш мумкин бўлган. Уларнинг тиг қисми анча ёйилиб қисқариб қолгач, темирчилар унинг тиг қисмига бошқа темир тиг ўрнатилган, бу усул “пеш” деб юритилган[7].

Минтақанинг Қарши ва Термиз шаҳарлари атрофида тайёрланган кетмонлар энг сифатли ҳисобланиб, бундай кетмонлар Ўзбекистоннинг Тошкент ва бошқа ҳудудларига мардикорлар ва ижарачи деҳқонлар орқали тарқалган. Бундан ташқари Шаҳрисабз, Ғузор, Бойсун, Денов каби шаҳарларда ва бу шаҳарларга туташ қишлоқларда яшовчи маҳаллий усталар томонидан тайёрланган кетмонлар ҳам сифати билан ажралиб турган. Кекса ахборотчиларимизнинг таъкидлашича, ўша даврда ўзига тўқ ер эгалари мардикор ва ёлланма деҳқонларни ишга ёллашдан аввал уларнинг асосий меҳнат қуроли ҳисобланган кетмонига эътибор қаратишган. Чунки бошқа жойда тайёрланган кетмонларда 2 - 3 зарба билан бажарилган ишга, Қарши, Ғузор, Бойсун ва Денов каби хунармандчилик марказларида тайёрланган кетмонларда бир зарбада эришилган. Чунки, ушбу марказларда малакали темирчи усталар кетмонни тайёрлашда маҳаллий ҳудуд хусусиятларини ҳам ҳисобга олишган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган ҳудудда “омоч” деҳқончилигининг рамзи ҳисобланса, “кетмон” меҳнаткаш деҳқоннинг рамзи ҳисобланган. Шунинг учун у халқ оғзаки ижодида ҳам ижобий тарзда намоён бўлган. Масалан, воҳада халқнинг ғами билан яшайдиган, уни ўйлайдиган, камтар, софдил, меҳнатсевар инсонларга нисбатан “кетмон кўрганнинг боласи” деган ибора ҳозиргача қўлланилиб келинади.

Умуман олганда, кетмон минтақа деҳқончилигида асосий меҳнат қуроли ҳисобланиб, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. XIX аср охирида Ўрта Осиёда, хусусан, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам трансформация жараёнлари, ўзгаришлар кузатилади. Бу ўринда биз воҳа деҳқончилигига кириб келган янги экин турлари, шунингдек, улар билан боғлиқ ноанъанавий агротехника усулларини қайд этишимиз мумкин. Ўша даврда воҳа деҳқончилиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг қанчалик ўзгаришларга бой бўлганини маълумотлар ҳам тасдиқлайди[8:140-144.]. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, империянинг ғарбий ҳудуд-ларидан кўчириб келинган рус деҳқонлари, дастлаб суғорма деҳқончиликка асосланган воҳа деҳқончилигида бир қанча муаммоларга дуч келганлар. Чунки воҳанинг ўзига хос табиий иқлим шароити, асрлар оша маҳаллий деҳқонлар томонидан ўзлаштирилган суғориш усулларининг мавжудлиги бундай муаммоларни вужудга келтириши табиий эди. Аммо вақт ўтган сайин вазият тақозосига кўра рус деҳқонларининг маҳаллий миришкорлардан ўзлаштирган деҳқончилик билимлари уларнинг бу ер шарт-шароитларга мослашишини тезлаштирди. Шунингдек, воҳа деҳқончилигида ҳам секин-асталик билан ғилдиракли плуглар, ерга уруғ қадайдиган, ўғит сочадиган мосламалардан фойдаланила бошланган[9:260-265.].

Бу даврда мустамлакачи ҳукумат вакиллари ўлкада завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган техникаларни қишлоқ хўжалигига олиб киришга уринган. Чунки ҳосилдорликнинг юқори бўлишидан улар ҳам манфаатдор эдилар. Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш мақсадида Туркистонда қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ва уруғчилик омборхона-лари қурилган. Шунингдек, турли қишлоқ хўжалиги техникалари намойиш этиладиган кўргазмалар ташкиллаштирила бошланди[10:80-81.]. Бу кўргаз-маларда маҳаллий тадбиркорлар ҳам иштирок этишиб, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишган. Бу даврда Туркистонда, хусусан, воҳада ҳам нефт, буғ билан ишлайдиган тракторлар пайдо бўла бошлади[11.]. Ўлка қишлоқ хўжалигига янги техникалар ва деҳқончиликдаги замонавий технологияларнинг кириб келишини Туркистоннинг тараккийпарвар зиёлилари самимийлик билан кутиб олганлар ва миллий матбуотларда қўллаб қувватлаганлар[12.].

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Жанубий Ўзбекистон аҳолиси қадим даврлардан деҳқончилик билан шуғулланиши жараёнида ўз меҳнатларини енгиллаштириш ва самарасини ошириш мақсадида турли меҳнат қуролларидан ҳам фойдаланишган. Минтақа деҳқонлари деҳқончилик меҳнат қуроллари ичида ерларга ишлов беришда қўлланиладиган меҳнат қуролларини тайёрлашга алоҳида эътибор берганлар. Маҳаллий деҳқонлар томонидан ерга ишлов беришда кетмон, курак каби турли хилдаги меҳнат қуролларидан кенг фойдаланганлар. Бошқа бир меҳнат қуроли - кетмонлар ҳам воҳада ўзининг сифатлилиги ва фойдаланишга қулайлиги билан ажралиб турган. У ҳам юқоридаги табиий ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда темирчи усталар томонидан тайёрланган. Бу даврда юз берган трансформация жараёнлари натижасида, деҳқончилик меҳнат қуроллари ҳам такомиллашиб борган. Деҳқончиликда қўлланиладиган меҳнат қуролларининг ривожланиши ўз ўринда деҳқончилик маҳсулоти самарадорлигига ижобий таъсир ўтказган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Громов Г. Г., Новиков Ю. Ф. Некоторые вопросы агроэтнографических исследований // СЭ, 1967. - № 1. - С. 84 - 112; Чебоксаров Н. Н., Чеснов Я. В. Некоторые проблемы агроэтнографии Юго-Восточной Азии / СЭ, 1967. - № 3. - С. 43 - 62; Сабурова Л. М. По поводу статьи Г. Г. Громова и Ю. Ф. Новикова. Некоторые вопросы агроэтнографических исследований // СЭ, 1967. - № 6. - С. 22 - 34;
2. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. -Т., 1996; Сулейманов Р. Древний Нахшаб. -Самарканд-Ташкент, 2000.
3. Гамбург Б. С. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса. Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Наука, 1975.
4. Махмуд Кошғарий. Девон луғотит турк. -Т., 1963. 3-т.
5. Анорбаев А. А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // Ozbekiston tarixi. – Тошкент, 2004.
6. Дала ёзувлари. Яккабоғ тумани Ишкент кишлоғи 2018 йил.
7. Дала ёзувлари. Яккабоғ тумани Ўрта кишлоғи 2018 йил.
8. Мирошниченко О. Об орудиях для землянных работ по американскому способу // Туркестанское сельское хозяйство. - 1913. - № 2.
9. Курбатов Н. Ш. Деятельность Ферганской агрономической организации в 1913 г. // Туркестанское сельское хозяйство. - 1913. - № 4.
10. Шодмонова С. Б. Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида. Т., 2011.
11. Е-вич Гусеничный трактор // ТВ - 1914 - №112.
12. Абдулхамид Сулаймон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехкончилик // Садои Фаргона - 1914 - №10; Рауф Музаффарзода. Тупрок надур // Садон Туркистон. - 1914 - № 14, 18.

УЎҚ 93/94

XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Ю.Х. Юлдашев, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий архив тизимидаги муассасаларда сақланаётган архив хужжатлари асосида XX асрнинг 20-30-йилларида Хоразм воҳасидаги тарихий жараёнлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тарих, архив, миллий давлат чегараланиши, жамоалаштириши, халқ хўжалиги.

Аннотация. В статье анализируются исторические процессы в Хорезмском оазисе в 20-30-е годы XX века на основе архивных документов, хранящихся в учреждениях Национальной архивной системы Узбекистана.

Ключевые слова: история, архивы, разграничение национального государства, коллективизация, народное хозяйство.

Abstract. The article analyzes the historical processes in the Khorezm oasis in the 20-30s of the XX century on the basis of archival documents stored in the institutions of the National Archival System of Uzbekistan.

Key words: history, archives, demarcation of the national state, collectivization, national economy.

Ўзбекистоннинг Миллий архив тизимидаги муассасаларда собиқ Иттифоқ даврида вилоят ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир жуда кўп хужжатлар мавжуд бўлиб, нафақат Хоразм воҳаси тарихини, балки мамлакатимиз тарихининг мураккаб даврларини очиқ беришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 1924 йилда ўтказилган миллий давлат чегараланиши оқибатларини одиллик билан ҳал этишни талаб қилиб, юқори давлат органларига юборилган кўплаб мурожаатномалар, 1925-1926 йиллардан бошлаб ўтказилган районлаштириш хужжатлари, маҳаллий советларга ўтказилган сайловлар, яқка деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш, кулоқларни синф сифатида тугатишни акс эттирувчи лавҳалар, пахта яккаҳоқимлигини мустаҳкамлашга доир, Хоразм округини вилоятга айлантириш масаласига доир жуда муҳим хужжатлар сақланади.

Жумладан, XX асрнинг 20-30-йилларига оид архив хужжатларида миллий-чегараланиш ва районлаштиришга оид масалаларни кўрамиз. Хусусан, архив хужжатлари Хоразмнинг маъмурий бўлиниши куйидаги 3 уездан иборат ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилганини кўрсатади:

1. Гурлан уезди таркибидаги волостлар: 1. Гурлан, 2. Қипчоқ, 3. Кат, 4. Қиличбой, 5. Кўкчага, 6. Моноқ, 7. Манғит, 8. Хитой, 9. Шовот.

2. Хива уезидаги волостлар: 1. Оқ дарбанд, 2. Остона, 3. Ғазовот, 4. Гўжа, 5. Кўшкўпир, 6. Хива, 7. Янгиариқ, 8. Қорамон.

3. Янги Урганч уезидаги волостлар: 1. Бешариқ, 2. Қиётқўнғирот, 3. Янги Урганч, 4. Питнак, 5. Хонқа, 6. Хазорасп.

Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 22 ноябрдаги қарорига биноан, Хоразм МИҚ ва Халқ Нозирлар Кенгаши ўз фаолиятини ўша йил 30 ноябрда тугатадиган бўлди. Шунингдек, ушбу қарорга биноан, Хоразм воҳаси ЎзССР таркибига 23 та район: Боғот, Питнак, Янгиариқ, Янги Урганч, Ғозовот, Гўжа, Ҳазорасп, Манғит, Кўкчага, Қиличбой, Моноқ, Қипчоқ, Хитой, Гурлан, Оқдарбанд, Остона, Хива, Шовот, Қўшқўпир, Қорамон, Хонқа, Қиёт, Қиёт-Қўнғирот билан қўшиладиган бўлди [2].

Бу даврда Хоразмнинг маъмурий-худудий бирликлари тўғрисида турли хил маълумотлар учрайди. Хусусан, “Правда Востока” газетасининг 1926 йил 2 августда №174 сонида “Янги Хоразм” сарлавҳаси билан мақола чоп қилинган. Бу мақолада Хоразм области маъмурий-худудий жиҳатдан 20 волостга бўлинган, булар Питнак, Ҳазарасп, Боғот (Бешариқ), Хонқа, Янгиариқ, Остона, Гўжа, Янги Урганч, Хива, Қўшқўпир, Оқдарбанд, Ғазовот, Шовот, Қиёт-Қўнғирот, Қиёт, Гурлан, Моноқ, Қиличбой, Кўкчага, Манғит волостларидир. Марказий ва вилоят лойиҳалаштириш комиссиясининг руҳсати билан 10 та район ташкиллаштирилди. Чегараланиш ўтказилгандан кейин яхлит ҳолдаги халқ хўжалиги ва иқтисодиётига эга 3 та қисмга ажратиб юборилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1925 йил 2 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитасининг фавкулотда сессиясида “Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида” декрет қабул қилинди [4]. Ер-сув ислоҳотининг мазмуни кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни жуда тез ривожлантириш учун шароит яратиш беришдан, кишлоқда феодал муносабатлар қолдиқларини тугатиш ва деҳқон хўжаликларининг янада ўсиши ва ривожланиши учун имконият яратишдан иборат бўлса ҳам, унинг тагида кишлоқларни янги социализм қурилишига тайёрлаш ётарди.

Ўзбекистонда 1926 йил 17 декабрда ўтказилган аҳолини рўйхатга олишда Хоразм округида жами аҳоли 314396 киши, шулардан шаҳарларда 89301, кишлоқларда 284895 киши рўйхатга олинган. Демак, аҳолининг тахминан 11% шаҳарларда, 89% кишлоқларда яшаган.

1932 йилда Хоразм округи таркибида тубандаги туманлар пайдо бўлди:

1. Гурлан, 2. Манғит, 3. Урганч, 4. Ҳазорасп, 5. Хонқа, 6. Хива, 7. Шоҳобод, 8. Янгиариқ, 9. Қўшқўпир.

Жамоалаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш даври ҳужжатларини ўрганиб, колхозлаштириш пахта экадиган республикаларда ўта қисқа муддатда, зўравонликнинг ҳамма усулларини ишга солиб амалга оширилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Маълумки, “Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида”ги декретга асосан, ўзига тўқ, бадавлат хонадонларнинг ерлари қўлларида тортиб олинган. Еру мулкидан ажралиш эса бу кишиларга ёқмас, шунинг учун ҳам улар тузиладиган жамоа хўжаликларига киришни хоҳламасдилар. Совет давлати 1926 йилда жиноят кодексининг 80-моддасига қўшимча киритди. Унга кўра, “ер майдонини яширган ёки кишлоқ хўжалик асбоблари сони ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун 3 йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилиб, молу-мулки мусодара қилиниши назарда тутилган эди. Бу ишларнинг барчаси Адлия халқ комиссарлигининг махсус расмий хатига кўра ниҳоятда шошилиш ва ҳеч қандай навбатсиз қараб чиқилар, улардан энг характерлилари намунали суд жараёнларида кўриларди” [5].

Республикада яхши тайёргарлик кўрмасдан туриб ва нукул буйруқбозлик билан амалга оширилган маъмурий бўлинишлар қўпгина қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шу сабабдан Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия комитети 1926 йил 29 сентябрда бўлган 5-сессияси 7 област ўрнига 10 округ, шу жумладан Хоразм округи (1926-1938) ни ва округ таркибида 10 та районни тасдиқлади.

Ўзбекистон МИҚининг 1928 йил 2 декабрдаги “Хоразм округида йирик меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш тўғрисида”ги декрети бой ва ўрта ҳол хўжаликларнинг еру мулкни тортиб олиш ҳаракатига асос бўлиб хизмат қилди. Натижада қисқа фурсат ичида Хоразмда бундай компания авж олиб кетди. 1928 йилнинг ўзида округ бўйича тугатилган хўжаликлар сони – собиқ хон амалдорлари, тўралар-200, руҳоний уламолар-52, савдогарлар -141, судхўрлар -13, жами тугатилган мулкдор хонадонлар 532 тани ташкил қилган. Улардан 899273 таноб ер тортиб олинган, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи 20 ёки 40 гектар экин ери бор хўжаликлар, 3 разряддан катта патентга эга бўлган савдо ва саноат ходимларига қарашли ерлар, кишлоқ хўжалиги асбоб-анжомлари, уйлари, ҳайвонлари ва бошқа мулклари биринчи навбатда тортиб олинган бўлди [2].

Архив ҳужжатлари 1929 йил 1 январгача Гурланддаги бадавлат хўжаликлардан 1000 таноб ер, 55 та от, 67 та хўкиз, 14 та туя, 58 та чиғир, 39 та арава, 21 та харос, 13 та жувоз, 40 та омор, 4771 пуд жўхори тортиб олинганини, шу каби Гурландда ери, мулки бўлган Хивалик 2 бой хўжалик, 8 хон амалдори, 7 қушбеги ва қози, 6 эшон, 7 судхўр ва 13 нафар савдогарнинг молу-мулки мусодара қилинганини кўрсатади. Улардан 120 кишининг 43 таноб, савдогарларнинг 196 таноб, судхўрларнинг 220 таноб, жами 981 таноб ери тортиб олинган [1]. Ерлари зўравонлик билан тортиб

олинаётганда кўпгина кишилар қаршилик кўрсатган. 1929 йилда биргина Гурлан туманидаги бой-бадавлат кишилардан ерлари тортиб олинганда қаршилик кўрсатгани учун 55 киши қамокқа олинган [1].

Тортиб олинган ерлардан округда ҳаммаси бўлиб 841036 таноб ер батрак, яримчи ва чорикорга бўлиб берилган. Бу шунчаки деҳқонларни алдашнинг большевикча биринчи босқичи бўлиб, олдинига бой мулкдорлар ерларида ишлаганларга 1926-1928 йилларда якка хўжалик тарзида атиги 2 йил ер бериб кўйилди. 1929 йилда эса ўша ер тақсимлаб берилган деҳқонларнинг бор мулки яна колхозлаштириш баҳонасида тортиб олинди, барча ер-мулклар колхозга қарашли бўлди. Албатта, ўша вақтда якка хўжалик бўлиб, ер олган деҳқонлар колхозларга бор бисотини топширишни истамасдилар. Шунинг учун ҳам Хоразм округи бўйича 1929 йил мартигача бўлган муддатда бор-йўғи 16 та колхоз тузилиб, улар ихтиёрида 586 гектар ер бўлган [1]. Оқибатда совет ҳарбий сиёсий маъмурияти фақат куч билангина, мажбурий равишда колхозлар ташкил қилиб, одамларни зўрлик билан колхозга кирита бошлади.

1929 йил 29 декабрда Хоразм округ партия комитети “Колхоз қурилиши” ҳақида қарор қабул қилиб, “Барча қишлоқларда 1930 йил баҳорги экиш компаниясигача биттадан колхоз ташкил этиши мажбур”, деб белгилади [1]. Натижада ушбу қарордан сўнг Хоразмда 1928 йилда бор йўғи 8 та колхоз, 1929 йил декабрида 20 колхоз бўлган бўлса, 1930 йил бошидаёқ 132 колхоз, 1932 йилда эса округдаги жами колхозлар сони 703 тага етди.

Архив ҳужжатлари, 1930 йилда “ёппасига жамоалаштириш” шиори остида Хоразм округида жамоалаштириш кескин суръатларда жадаллаштирилганини, колхозларга бирлашган хўжаликлар сони 7775 тадан 58810 тага кўпайганини кўрсатади [1].

1930 йил 30 январда ВКП (б) МҚ бюросининг “ёппасига кулоқ хўжаликларини тугатиш тадбири тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. 1930 йил 2 мартда “Правда” газетасида Сталиннинг “Ютуқлардан эсанкираш” номли мақоласи чоп этилгандан кейин кулоқларга қарши кураш кучайиб кетди. 1932 йил Хоразм округида 703 та колхоз 55807 та хонадондан таркиб топган бўлиб, 296400 нафар киши колхозга аъзо бўлиб кирганди. Қўшқўпир туманида “Колхоз бўлмаган – шўрога қарши” деган шиор ҳамма қизил чойхоналарни эгаллади. Ҳатто Боғолон қишлоғида якка хўжалик деҳқонларни “Колхозга кирмагани учун синф сифатида тугатиш” тўғрисида партия ячейкаси қарори чиқди [1].

ЎзССР халқ комиссарлари совети “Татбиқ этилиши лозим бўлган кулоқ хўжаликларининг белгилари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги 1930 йил 6 апрелда 52-сонли қароридан кейин жойларда белгилаб берилган вазифани бажариш мақсадида кулоқ хўжаликларини тугатишга киришилди. Қишлоқ советлари зиммасига ўз вакиллари томонидан ҳар йили энг камида бир маротаба кулоқ хўжаликларини текшириб чиқиш ва ана шу хўжаликларда юз берган ўзгаришларнинг ҳисоб- китобини қайд этиш мажбурияти юкланди ва район ижроқўмларига шу масала юзасидан тўла ахборот бериб туриш кўрсатилди. Кулоқ хўжаликларини ҳисобга олиш устидан назорат олиб бориш ЎзССР меҳнат халқ комиссарлиги ва округ ижроқўмларига топширилди [1].

Халқ хўжалигини юритиш, пахта майдонларини кенгайтириш, Тошсақа канали қурилиши ва шу каби бошқа ҳужжатларга эътибор қаратсак, Хоразм вилояти давлат архивининг 590-фондида сақланаётган Хоразм вилояти Ижроия қўмитаси кичик раёсати баённомаларида ХХ асрнинг 20 йилларида вилоят халқ хўжалигининг аҳволини акс эттирувчи маълумотлар кузатилади. Хусусан, Хоразм вилояти режа бошқармаси раиси Линдорфнинг 1925 йилги Хоразм вилоятининг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маърузасида қайд этилганидек, Хоразм вилоятининг иқтисодий асосини деҳқончилик ташкил қилади ва 1924-1925 йилларда вилоят бўйича жами 97.324 десятина суғориладиган ердан 95706 десятина ерга уруғ экилган ва 1618,5 десятина ерга иккиламчи экин экилган. Шундан, буғдой -21,41 %, пахта - 14,42 %, жўхори - 13, 67 %, беда - 11, 30 %, шоли - 5,06 % ҳамда экилмай қолган ерлар - 11, 63 %ни ташкил этган [1].

1930-йиллар охирига келиб, Хоразм вилояти бўйича пахта экилаётган 80 минг гектар майдондан 80 минг тонна ҳосил олинди (10 ц.) мамлакатни қаноатлантирмасди. Хоразмда шу даврда 50 мингга яқин чиғир бўлиб, ҳар йили “дегиш” офати хавф туғдириб турган. Қуйи Амударё хавзасида экологик талофат юз бериши кутилмоқда эди. Чунки, Амударёдан сув оладиган барча каналларнинг сақалари кўмилиб қолиб, ҳар йили икки марта бир неча ўн минглаган ишчи кучини қазувга жалб этишни талаб қиларди.

Архивда Хоразмда қурилган энг катта сув иншоотларидан бири Тошсақа канали ҳақида ҳужжатлар бор. Канал қурилиши 1939 йил кузида бошланиб, унинг биринчи навбати қисқа муддатда тугатилди. Натижада 2 та катта канал – Полвон ва Ғозовотнинг сув билан таъминланиши яхшиланди. Каналнинг иккинчи навбати 1941 йилда тугалланиб, ишга туширилиши натижасида 3

та катта анҳор – Полвон, Ғозовот ва Шовот каналлари Тошсақа каналидан қўшимча сув ола бошлади.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг учинчи сессияси мажлисининг 1941 йил 12 февралдаги стенографик ҳисоботида “халқ ирригация қурилиши натижасида Хоразмда “Тошсақа” канали барпо этилиб, барча майдонларни сув билан таъминлаш ва янги ерларни ўзлаштириш имконини берганлиги, шу йиллар мобайнида Хоразм вилояти колхозлари 14500 га янги ерларни ўзлаштириб, шу билан экиш майдони кенгайиб, колхозчилар орасида стахановчилик ҳаракати ўсиб борганлиги, натижада 1940 йилда қишлоқ хўжалиги кўرғазмаси иштирокчилари бўлишга лойиқ бўлганлар 500 кишидан ортгани қайд этилади [1].

Шу билан бирга ушбу ҳужжатга кўра, вилоят бўйича ер майдонларининг 17,8 фоизи жойлашган колхозлардагина ҳосилдорлик юқори бўлган. Натижалардан қониқмаган раҳбарлар колхозларга амалий ёрдам бериб, ривожлантириш ўрнига колхоз раҳбарларини аёвсиз алмаштириш тизимини ишга солган, бунинг оқибатида раҳбар кадрларни йўқолиб кетишига ва колхозларни янада ботқоққа ботишига олиб келинган. Биргина 1940 йилда 136 колхоз раислари ва кўллаб бригадалар, ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенгашларнинг раҳбарлари ишдан олиб ташланган [1].

Архивда кам сақланган ҳужжатлардан яна бири 1930-йиллар охирларида мамлакатда рўй берган сиёсий қатағонлар жараёни ва қурбонлар ҳақидаги маълумотлардир. Бу даврда амалга оширилган сиёсий қатағонлар И.В.Сталиннинг “социализм оламшумул ғалабага эриша борган сайин синфий душманлар қарамлиги кучая боради ва уларга қарши курашни кучайтириш лозим” шиори остида олиб борилган ва фуқароларда “халқ душманлари” деб эълон қилинган кишиларнинг беғуноҳ эканлигига шубҳа қолдирилмаганди. Қатағонлар ҳақида ҳужжатлар давлат архивларида деярли сақланмаган. Аммо, мавжуд ҳужжатлардан Файзулла Хўжаев, Акмал Иқромов каби йирик арбоблар устидан уюштирилган суд жараёни ҳақидаги хабарлар ва уларга нисбатан билдирилган айрим фикрларни учратиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 936 - сонли қарори қабул қилинди. УрДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси музейи”да бугунги кунда асосий эътибор музей архив фондини тўлдириш, мультимедиа базасига янги материалларни киритиш, музей экспозицияси ва архив фондида сақланаётган буюмларга 1937 - 38 йиллардаги “Қатта қирғин” даврининг номаълум саҳифаларини ёритувчи ноёб архив ҳужжатлари, бошқа турдаги материалларни топиш, таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш, XX аср бошларида нашр этилган газета ва журналлар саҳифаларидаги қатағон даври тарихига оид материалларни аниқлаш, музей фондига улардан нусхалар олиш ва илмий муомалага киритишга эътибор қаратилган.

Албатта, архив муассасаларида сақланиб қолган собиқ иттифоқ даврига оид жуда кўп ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бу ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали Хоразм тарихининг барча қирраларини ўрганиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хоразм вилояти давлат архивининг 185, 188, 198, 199, 503, 590 - фондлари материаллари.
2. Ўзбекистон Миллий архиви 71, Р-90, 96, 837-фонд материаллари.
3. Хоразм тарихи II-жилд. Урганч: Хоразм, 1997.
4. Правда Востока, 10 декабря 1925 г.
5. Қизил Ўзбекистон, 1926 йил, 25 декабрь.

УЎК 93/94

ОҒАҲИЙНИНГ “РИЁЗ УД-ДАВЛА” АСАРИДА ОЛЛОҚУЛИХОН ДАВРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Г.П. Юлдошова, магистр, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Огаҳийнинг “Риёз уд-давла” қўлёзма асарида Хива хони Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши ва унинг даври билан боғлиқ ижтимоий –иқтисодий ҳаётни қандай ёритганлиги келтириб ўтилган. Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши халқ томонидан ижобий қабул қилинган ва бунга сабаб у отаси ҳаётлик давридаёқ давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб кенг халқ орасида катта обрў ортира олган. Асар Оллоқулихоннинг ёшлик тафсилотларини ёритишида давом этар экан, ҳаётининг янги қирраларини очиб беради. Муаррих

томонидан бўлажак ҳукмдорнинг ёшлигидаги феъл-атвори ва фаолиятига берилган барча ижобий баҳоларнинг унинг мамлакат ҳукмдорлиги йилларидаги фаолиятида тўла равишда намоён бўлган.

Калит сўзлар: давлат арбоблари, Таворихвонлиг, “адолат соясин”, Оллоқули, “Риёз уд-давла”.

Аннотация. В данной статье в рукописи Огахи «Рияз уд-давла» описывается восхождение на престол хивинского хана Аллакулихана и освещается общественно-экономическая жизнь его времени. Вступление Аллакулихана на престол было положительно воспринято народом, поэтому он смог снискать большую известность среди широких слоев населения, активно участвуя в государственных и общественных делах еще при жизни своего отца. По мере того, как работа продолжает проливать свет на подробности юности Аллакулихана, она раскрывает новые стороны его жизни. Все положительные оценки, данные будущему правителю характеру и деятельности будущего правителя в молодости, в полной мере отразились на его деятельности в годы правления страной.

Ключевые слова: государственные деятели, Таворихвонлыг, «Пусть будет затенено правосудие», Аллакули, «Рияз уд-давла».

Abstract. In this article, Ogahi's manuscript "Riyaz ud-davla" describes how the Khiva khan Allakulikhan ascended the throne and covered the socio-economic life of his time. Allakulikhan's accession to the throne was positively received by the people, which is why he was able to gain a great reputation among the general public by actively participating in state and public affairs during his father's lifetime. As the work continues to shed light on the details of Allakulikhan's youth, it reveals new aspects of his life. All the positive assessments given to the future ruler's character and activities by the future ruler in his youth were fully reflected in his activities during the years of the country's rule.

Keywords: statesmen, Tavorihvonlig, "let justice be", Allakuli, "Riyaz ud-davla".

Хива архив хужжатларида, шунингдек Огахийнинг “Риёз уд-давла” асарида исми шарифи “Абул Музаффар ва ал-Мансур Абул ғозий Оллоқули Муҳаммад Баҳодурхон” деб юритилган хон Оллоқулихон номи билан танилган. У ўзбекнинг қўнғирот уруғидан бўлиб, шажараси Муҳаммад Раҳим I, Авазбий инок, Муҳаммад Амин инок, Эшмуҳаммад (1740 йили Нодиршоҳ қатл этган)дан иборатдир.

“Риёз уд-давла”да Оллоқулихоннинг тахтга ўтиришига бағишланган саҳифалар давлатчилик тарихида бундай воқеаликнинг асрлар мобайнида таркиб топган анъаналарга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиб келганлиги тўғрисида қимматли, бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар берилди.

“Муҳаммад Раҳимхон I тақдир тақозосига тан бериб ул кеча қазоси етгач, - дейилади қўлёзмада, - Хоразм мамлакатининг жами донишманд улуғ ва катталари, машхур ва меҳрибон шахзодалари, қудратли ва олийжаноб давлат арбоблари жам бўлишиб кенгашдиларким, бу тартибга келтириб қўйилган салтанатни, яъни динудавлат низоми, мулк ва миллат мақоми кимга муносибдир. Кенгаш аҳли маслаҳатлашиб олгандан сўнг, барча улуғлар иттифоқ билан ҳазрат соҳибқироннинг (Оллоқулининг) азиз бошини хонлик тожини кийишга лойиқ деб топдилар ва унинг қобилиятини ҳукмронлик қилишга мувофиқ кўриб, ул ҳазратнинг хизматида астойдил бел боғлаганликларини изҳор этдилар”[1].

Аммо қадимдан ўрнатилган таомилга мувофиқ валиахд, гарчанд кенгаш унинг тож ворислигини бир оғиздан тасдиқлаган бўлса ҳам хонлик тахтига чиқишга шошилмаслиги, бу масалада маълум одоб қонун-қондасига риоя қилиши лозим бўлган. Шунга кўра, Огахийнинг таъкидлашича, Оллоқулихон бу тақлифга дастлаб рад жавобини беради. “Шаҳзода, - деб ёзади Огахий, - ўткинчи дунё салтанатига рағбати йўқлигидан, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда рад жавобини берди. Шунда улуғлар илтимос ва илтижо қилдиларки, агарчи фоний дунёда инсон савоб ишлар қилмаса, боқий дунё саодатига эришмайди. Подшоҳ адолат билан ҳукмронлик қилса, икки жаҳон мамлақати унинг тахти фармонида киргусидир. Ҳадисда айтилганидек, “Бир соатлик адолат бир йиллик ибодатдан афзал. Энди Тангри таолонинг ризоси ва мажлис аҳлининг тақозосини риоя қилиб, нафақат бир мамлакат халқи, балки башарият аҳли кўнглини шод этиб хонлик тахтига ўтирсангиз, чунки халқнинг осойишталиги ва давлатнинг раванқ топиши сизга боғлиқ, дедилар. Кўпчиликнинг юзидан ўта олмай ул олий зот, яъни Оллоқулихон ёши ўттизга етганда хижрийнинг 1240-товуқ йилининг бошида, Рамазон ойининг 19 да соат кечки бешдан ўтиб олтига яқинлашганда (милодий 1825 йилнинг 7 май, шанба куни) тахтга ўтирди”.

Бундан маълум бўладики, Хива хонлигида қадимий давлатчилик анъанасига кўра тахт ворислари олдиндан тайин бўлсада, унинг тахтга чиқиши масаласи давлат арбоблари ва юрт

улуғлари кенгашида яна бир карра муҳокамадан ўтган ва унда шаҳзоданинг давлат, миллат ва дин манфаатларини муҳофаза эта билиш лаёқати хусусида фикрлар баён этилган.

Эҳтимол бундай кенгаш бу вақтга келиб ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Лекин шунга қарамасдан унинг мамлакат сиёсий ҳаётида - янги хон тайинланишида маълум тарзда катта маънавий аҳамиятга эга бўлганлигига шубҳа қолмайди. Бу ерда ўзбек давлатчилиги удумларидан яна бири - ҳукмдор вафоти халққа эълон қилинмасдан олдин унинг валиаҳди расман хон кўтарилиб, унга давлатни бошқаришдаги барча ваколатлар топширилгач, ҳар иккала ҳодиса бир вақтнинг ўзида эълон қилиниши масаласига ҳам қатъий рия қилинганлиги кўзга ташланади ва бу ҳол бирламчи манбалар маълумотлари билан тасдиқланади. Баёний "Хоразм тарихи"да бу ҳақда шундай ёзади: "1240 (1825) йили рамазон ойининг 19-си шанба куни Муҳаммад Раҳимхон вафот қилди. Хоннинг ўлимини халққа билдиришдан олдин, унинг ўғли Оллоқули хон қилиб кўтарилди"[2]. Демак, халққа хоннинг ўлимини билдиришдан олдин янги хон кўтарилиб қўйилган. Шу тарзда мамлакатда юз бериши мумкин бўлган фитналар ва турли тарздаги ҳар хил норозиликлар ҳамда сиёсий тортишувларнинг олди олинган. Асардан маълум бўладики, Хива хонлигида тахт ворислари олдиндан тайин бўлсада, унинг тахтга чиқиши давлат арбоблари кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб, давлат, миллат ва дин тақдирини ўйлаган ҳолда, кимни шу ўринга лойиқ кўрилса ўшани тахтга ўтказишга ҳаракат қилишган. Оллоқулихоннинг тахтга ўтириш тантаналарини "Риёз уд-давла"да қуйидагича таърифланади: "Жаҳонни ёритувчи қуёш фалақдан мустаҳкам жой олганидек, Оллоқулихон юқори мартабага эришиб, бошига тож кийиб бутун оламни ёритиб юборди. Унинг хонлик даври бошланишини улкан ноғоралар чалиб билдирдилар. Замонасининг санъаткорлари куйга солиб қўшиқ қилдилар. Бутун мамлакат аҳли, энг олий давлат арбобларидан тортиб, энг чеккадаги оддий фуқароларгача воқиф бўлдилар. Ул ҳазрат (Оллоқулихон) салтанат узугини бармоғига тақди ва мамлакат бошқарувини ўз ихтиёрига олди. Замонасининг фузалолари ва даврон сурган шоирлари, жумладан Мунис Хоразмий ҳам мазкур воқеага бағишлаб ажойиб қасидалар ва етук назмий тарихлар битдилар"[3].

Демак, шаҳзода Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши халқ томонидан ижобий қабул қилинган ва бунга сабаб у отаси ҳаётлик давридаёқ давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб кенг халқ орасида катта обрў ортира олган.

"Риёз уд-давла" Оллоқулихоннинг туғилиш тарихини шундай бошлайди:

"Фаросат аҳлига маълум бўлсинким, ул ҳазратнинг туғилиши Чингизия хонадонидин Абул ғозийхон ибн Ўдгорхон айёми салтанатида (Абулғозийхон V) ва буваси Авазбий иноқ даврида санаи 1209да (1794-1795 йил), барс йили вукуъ топди..."[4]. Тарихдан маълумки, "Турон заминда, хусусан Хоразм мамлакатига Чингиз авлодлари салтанат ишларини юргизар эдилар. Ул ҳазратнинг туғилиш даврида амакиси Элгузар Муҳаммад Баҳодирхон ва отаси Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг давлат ва бойликларининг офтоби порлоқ бўлиб, кун-кундин ва йил-йилдин бахтлари кулиб, қўллари баланд бўлди. Чингизия султонларининг чироғи шавкати шамъи давлати ул офтоб тоблашидин бенур ва бефараҳ бўлиб Хоразм мамлакати ҳукмронлигини ул жамоанинг қўлидан куч билан тортиб олдилар. Кун-кундин мамлакат тарақий топиб, уларнинг соясида эл хотиржамлик топди"[5]. Шундай қилиб: "Ул ҳазрат яратганнинг чексиз марҳамати ва хидояти билан йигитлик чоғига етиб олам офтобидек чароғон бўлди".

"Илму фазл чўққисига сайъ ва шитоб кўргузуб, оз фурсатда умум ақли ва нақшиға маҳорати тамом ҳосил қилди. Хусусан таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифағўйлик укувининг ҳайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалойи замонға ҳайрат бармоғин тишлатур эрди", дейилишидан Оллоқулихон илму фазл чўққисига эришиб, оз фурсатда илм соҳасида камолатга етишди, айниқса тарихшунослик, шоирлик ва латифағўйликни ўзлаштиришда унга тенг келадигани бўлмай, ўз замонасининг олиму фузалоларини ҳайратда қолдирган.

"Таворихвонлиғ" хусусида, Бухоро, ғўқон ва Хива хонликлари муаррихлари орасида хиваликлар илғор эдилар. Хоразм тарихнавислигида эски ўзбек тилида ёзилган ва бизгача етиб келган дастлабки асар 1550 йилда ёзилган "Тарихи Дўст Султон" ёки "Чингизнома" деб аталган ушбу битик Ўтамыш Ҳожи қаламига мансубдир[6]. Хоразм хони, тарихчи Абулғозихон ибн Араб Муҳаммадхон (1643-1663 йиллар хон бўлган) дунё тарихчилигида из қолдирган "Шажараи турк" ва "Шажараи тарокима" номли асарларини ёзиб (XVII асрнинг ўзидаёқ бир неча ғарбий оврўпа тилларига таржима қилинган) Хоразм тарихчилик мактаби довуғини тарихчилик илмида машҳур қилган эди. Айрим маълумотларга қараганда, Шерғозихон (1714-1727) даврида Мавлоно Саййид Муҳаммад Охунд деган мударрис Хива ўтмишига оид "Гулшани иқбол" деган ажойиб тарихий асар яратган. Аммо у бизгача етиб келмаган. Тақдирнинг тақозоси билан ушбу мактабни бошқариш Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад - Мунисдек (1778-1829) буюк адиб, тарихчи ва таржимон зиммасига тушди ва Оллоқулихон албатта унинг энг қобилятли ва зукко шогирдларидан бири

бўлиб қолди. Ўз ўрнида Оллоқулихон ўздан олдин ўтган хонлар каби (Элтузар ва Муҳаммад Раҳим) Мунисга Абулғозийдан сўнгги даврдан бошлаб Хива тарихини битишни топширади ва “Фирдавс ул-икбол” асари ёзилиб қолади (мазкур китобни Муниснинг ўлими туфайли Огаҳий поёнига етказиб қўйган). Бундан ташқари тарихга оид қатор китобларни форс ва араб тилларидан таржима қилдирган. Шулар жумласидан, Мунис Хумомиддин Мирхонд бин Ховандшоҳнинг форс тилида ёзилган умумий тарихга оид машҳур “Равзат ус-сафо” асарини 1818-1819 йиллар ўзбек тилига ўттирган. Бу йиллар шаҳзода Оллоқулининг талабалик йилларига тўғри келиб, ушбу хайрли ишда унинг ҳиссаси (хамкорлиги) ҳам моддий, ҳам маънавий томонидан катта бўлган. Шеършунослиғ хусусида, Огаҳийдек забардаст адибнинг Оллоқулихонни “шеършунос” деб аташи унинг учун улкан баҳодир. XIX асрнинг бошида шеършунос бўлиш учун албатта араб (аруз қоидалари), форс ва туркий тилларни мукамал билиш лозим бўлган. Демак, Оллоқулихон нозик таъб, бир неча тилларни ўзлаштирган ижодкор бўлган. У назм ва насрда қалам тебратган бўлиб, буни келажакда тадқиқотчи олимлар тасдиқласалар ажаб эмас. Асар Оллоқулихоннинг ёшлик тафсилотларини ёритишда давом этар экан, ҳаётининг янги қирраларини очиб беради: “Али ал-давоми давлат бўстони ва сахийлик айвонида табиатан саховат эгаси бўлганлигидан зиёфатлар ташкил этиб, улуғ мартабали уламо-ю, фузалолар ва шоирлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, гоҳо ҳал этилиши лозим бўлган илмий масалалар, гоҳо тарих фанининг ечилмай қолган саҳифалари устида гап борганда барча фузалодан аввал ақл-идрок била ҳал қилур эрди” - дейди, ва мажлис аҳлига айни ғамхўрликлар кўрсатиб, ...ул жамоанинг оғирларини енгил этиб, ...кўнгилларига шодликлар етказар эрди. Асарда шаҳзода Оллоқули йигитлик мутақазоси билан сипоҳийлик хизматида бўлганлиги, бу даврда давлат мулозимларига илтифотлар кўрсатиб ҳадялар бериб, мамлакат ҳудуди чегараларини шахсан назорат қилиб, шу баҳона кўнгил чигалини ёзиш мақсадида шикорлар ташкил этиб, бу йўл билан саҳройи кўчманчиларнинг арзу додларини эшитиб, золимларнинг жазосини бериб фуқаро бошларига “адолат соясин” солганлигини таърифлайди[7].

Шунингдек, асардан шаҳзода Оллоқули давлат ишларини юргизишда отасининг энг яқин ёрдамчиси бўлганлиги маълум бўлади: “Гоҳо отаси Муҳаммад Раҳимхоннинг кўрсатмасига биноан ён атрофдаги ёмонликни касб этган давлат ва миллат душманларини тартибга келтириб қўйиш учун қўшинни бошқариб борар, ҳукумат бошқарувини ўзлаштиришда катта муваффақиятларга эришар эди”. Шаҳзоданинг адолатпарвар бўлганлигини Огаҳий қуйидагича тавсифлайди: “Чун девонда халқнинг арзу-ҳолини тинглаб ўтирганида, бутун ақлу-хушини жамлаб, гўё охираат кунидек адолат ўрнатишга ҳаракат қилар эди. Ташқи кўринишдан чиройли сиёсат олиб бориб, мазмунан адолат кўзи билан подшолик интизомига риоя қилиб, фуқаролар бошига адолат соясин солиб, халқнинг осойишталигин мустаҳкамлаб, мамлакат тинчлигини сақлар эди”.

Демак, шаҳзода Оллоқулихон ўта зукко, замонасининг барча фанларидан бохабар, хушсурат, жисмонан бақувват, серҳаракат, Ватан сарҳадларини бир неча марта айланиб чиққан, куш овини севувчи, олиму-фузалоларнинг суҳбатига ўч, ижодкор, саховатпеша, давлат ишларида фаол ва адолатли шахс бўлиб етишган. Албатта, “Риёз уд-давла”да Оллоқулихоннинг ёшлик йиллари, унга хос бўлган яхши хислатлар маълум даражада бўрттириб таърифланган бўлиши мумкин. Бу ҳол нафақат шарқ, балки бутун жаҳонда мавжуд бўлган ва ҳукмдорларга бағишланган тарихий асарларнинг кўпчилигига хос бўлган услубдир. Аммо бу ерда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Оллоқулихоннинг ёшлик даврига оид ушбу тарихий маълумотлар бизга бўлажак давлат арбобларнинг ўтмишда қандай хусусиятларга эга бўлишлари талаб этилганлиги ва шаҳзода валиаҳдларни ўзбек давлатчилигига хос анъаналар руҳида тарбиялашга қаттиқ риоя қилинганлиги ҳақидаги фикрлашни янги қирралар билан тўлдирди, бу борадаги кўпгина масалаларга ойдинлик киритади. Шу билан бирга муаррих томонидан бўлажак ҳукмдорнинг ёшлигидаги феъл-атвори ва фаолиятига берилган барча ижобий баҳоларнинг унинг мамлакат ҳукмдорлиги йилларидаги фаолиятида тўла равишда намоён бўлганлигини кўраимиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Огаҳий. Риёз уд-давла. ўР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фонди. Инв. N5364/II 257а-варақ.
2. Баёний Муҳаммад Юсуф. Хоразм тарихи. – Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, № 7421. Б.251-252.
3. Огаҳий. Риёз уд-давла. ўР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фонди. Инв. N5364/II. 260 б-варақ
4. Огаҳий. Риёз уд-давла. ўР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фонди. Инв. N5364/II. 256 а-варақ.
5. Маннонов Б. Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташқи сиёсати// Шарқшунослик. -1997.-N8.-144
6. Огаҳий. Риёз уд-давла. ўР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фонди. Инв. N5364/II. 257 б-варақ
7. Огаҳий. Риёз уд-давла. ўР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фонди. Инв. N5364/II. 258 б-варақ

XX АСРНИНГ 80 - ЙИЛЛАРИ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДАГИ МУРАККАБ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
Ғ. Яқубов, ўқитувчи, Самарқанд Давлат Университети Ўзбекистон – Финландия педагогика институти, Самарқанд

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон мустақилликка эришиши арафасидаги оғир ижтимоий-иқтисодий вазият ва уни бартараф этиши чора-тадбирларининг тарихий таҳлили ҳақида сўз юритилади. Мустақиллик арафасидаги бундай мураккаб вазиятдаги тарихий жараёнлар илмий адабиётлар ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мустақиллик, озиқ-овқат етишмаслиги, хизмат кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, қишлоқ хўжалиги.

Аннотация. В статье рассматривается сложная социально-экономическая ситуация накануне обретения Узбекистаном независимости и исторический анализ мер по ее преодолению. Исторические процессы в столь сложной ситуации накануне независимости проанализированы на основе научной литературы и архивных документов.

Ключевые слова: независимость, недоедание, услуги, социально-экономическая жизнь, сельское хозяйство.

Abstract. This article deals with the difficult socio-economic situation on the eve of Uzbekistan's independence and the historical analysis of measures to overcome it. Historical processes in such a complex situation on the eve of independence have been analyzed on the basis of scientific literature and archival documents.

Keywords: independence, lack of food, services, socio-economic life, agriculture.

Мустабид совет тузуми даврида сохта коммунистик мафкурага ва маъмурий буйруқбозликка асосланган самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат, 80 - йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини янада пасайтириб, уни оғир муаммолар исканжасига солиб қўйди. Ушбу муаммолар республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни таъминлаш даражасининг пасайиб кетишида, қатор халқ истеъмол моллари тақчиллигининг сезиларли даражада ошиб боришида, турли соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг пасаётганлигида, шу билан бирга пулнинг кескин қадрсизланиб боришида, ишлаб чиқариш суръатларининг кескин пасайиб кетишида ҳамда давлат бюджети камомадининг ўсишида намоён бўлди.

Хусусан, 1979-1989 йиллар оралиғидаги ўн йил ичида аҳоли 29,3% га кўпайди. Мазкур йилларда аҳоли сони 4,5 миллиондан ортиқ ёки йилига ўртача 451,5 минг кишига ортиб борди[1.48]. Аниқроғи аҳоли руйхатга олинган 1979-1989 йилларда аҳолининг сони 15379,4 минг кишидан 19905 минг кишига кўпайди[2.200]. 1991 йилга келиб эса мамлакат аҳолисининг сони 20,7 миллион кишини ташкил қилди. Собиқ СССРда шу даврда аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 10 кишини ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 3 баравардан кўпроқ эди[2.200].

Таҳлил қилинаётган даврда республикада аҳолини иш билан таъминлаш даражаси паст бўлиб ва бу кўрсаткич ёшлар ўртасида анча баланд эди. Шу жумладан, иш билан таъминланмаганлар орасида 18-29 ёшдаги йигит қизлар 1979 йилда 46,7 % ни ташкил этган бўлса, 1985-1986 йилларда эса бу кўрсаткич 50% дан кўпроқ эканлиги кузатилди. Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорқалпоғистон республикасида ишсиз ёшлар салмоғи бундан ҳам катталиги эътибор тортади[3.116].

Шуни таъкидлаш лозимки, шу даврда республика аҳоли зичлиги иттифоқ даражасидан ўртача 3,3 баравардан ортиқ бўлиб[4.7], аҳолининг учдан икки қисми Ўзбекистон республикаси умумий майдонининг 14 фоизида, яъни Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида истиқомат қиларди.

Шу ўринда айтиш жоизки, республика аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиши баробарида совет тузуми томонидан узок йиллар давомида олиб борилган нооқилона сиёсат натижасида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида, қишлоқ хўжалигида иш ўринларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланиб борилмади. Бу ҳолат одамлар турмуш шароитини ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларини камайиб, пировард натижада халқ фаровонлигини пасайишига олиб келди. Ушбу жараён республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг, аҳоли ижтимоий ҳимояси қониқарсиз ҳолатда эканлигидан далолат берар эди. Шу даврда аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланишида, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маъиший хизмат объектлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари билан таъминлаш ишларида ижобий силжишлар бўлмади.

1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра республика қишлоқ аҳолиси салмоғи шаҳар аҳолисиникидан анча юқори бўлиб, 59 % ни ташкил қиларди, яъни 11980,7 минг аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди[5.34-35]. Аҳоли зич яшайдиган Андижон вилоятида бу кўрсаткич 71 %, Қашқадарё вилоятида 75%, Хоразм вилоятида 80%, Сурхондарё вилоятида эса 81% ни ташкил қилар эди. Қишлоқ аҳолисини водопровод ва канализация билан таъминлаш қониқарсиз ҳолатда бўлиб, атиги 55% ни, республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш салкам 50% ни ташкил қилган бўлса, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич 13,2%, Бухоро вилоятида 15%, Қарақалпоғистон Республикасида 21,4% ни ташкил этган. Республика аҳолисини табиий газ билан таъминлаш эса салкам 17% дан иборат эди[6.125]. Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни, экстенсив ривожлантирилиши оқибатида кўплаб сув омборларининг қурилиши, сув исрофгарчилигига йўл қўйилиши натижасида Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларида Орол денгизига қуйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди ва оқибатда Орол фожиаси рўй берди. Натижада денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувнинг ҳажми 54 фоизга қисқарди[7.56]. Охириги 30 йилда денгиз сатҳи 20 метрга пасайиб, 2000 йилга келиб 31 метрни ташкил қилди. Сув ҳажми 1062 минг км кубдан 268 минг км кубга тушиб қолди. Минераллашув даражаси ҳам йилдан йилга ошиб бориб, 1 литр сувда 40 грамдан кўпроқни ташкил қилди. Натижада 1960-1996 йилларда Орол денгизи 743км куб сув йўқотди.

1989 йилга келиб Орол денгизи заминидан иккита бир-биридан ажралган кўл пайдо бўлди. Мутахассисларнинг маълумотларига, қараганда очилиб қолган денгиз тубидан кўтарилган бўронлар натижасида 50-70 минг тоннагача чанг ва туз кўтарилган[8.53]. Заҳарли тузлар нафақат Орол ҳавзасида, балки Европа ҳамда Осиёнинг турли мамлакатларига тарқалганлиги кузатилмоқда.

Орол фожиаси оқибатида республикада экологик вазиятнинг кескинлашуви, жумладан ичимлик суви билан таъминлашнинг ёмонлиги, сувдаги минераллашувнинг ошиши, денгиз тубидан катта миқдорда кўтарилаётган чанг, туз ва минералларнинг атроф муҳитни заҳарлаши кузатилган. Оқибатида ҳудуд аҳолисининг 87 % ич терлама, анемия, тери ва бошқа юқумли касалликларга чалинганлиги ҳамда болалар ўлими даражаси баланд эканлиги ачинарли фактдир. Ўзбекистонда 1985 йилда ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан 46,2% вафот этиб, Бу кўрсаткич Қарақалпоғистон республикасида 62,5 %, Сурхондарё вилоятида 55,2%, Хоразм вилоятида 50,4 % ни ташкил қилди[9.89].

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, фақат хом ашё етказиб беришга асосланган, қоқоқ ва мўрт иқтисодиётга эга бўлган Ўзбекистон асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифокдаги ўртача кўрсаткичдан анча орқада қолиб кетди ва мамлакатда охириги ўринларга тушиб қолди. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш иттифокдош республикалар орасида 12 ўринни, даромад даражаси ҳамда асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатдан охириги ўринларни эгаллаб келди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш иттифок даражасидан 2 баробар, саноатда меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2,5 баробар, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги бўйича 2 баробар, аҳолининг ўртача ҳисобда гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 2 баробар орқада эди[9.26-27].

Ўзбекистон халқ хўжалигида асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, аввало, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши паст даражада эди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсининг катта қисми четга ташиб кетилиб, аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8-9 млрд сўмликка яқин маҳсулот четдан олиб келинарди. Хусусан, аҳолини иш билан таъминловчи саноат тармоқлари – машинасозлик, электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рузғор техникаси ишлаб чиқариш каби илғор тармоқлар яхши ривожлантирилмади.

Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама тарзда, фақат хомашё етиштирадиган ҳолга тушиб, комплекс ривожлантириш йўлига ва аҳоли эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилмаслиги, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликда кўринди. Жумладан, республика саноатида тайёр маҳсулотнинг улуши 50% ни, қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улуши 80% дан кўпроқни, мамлакатдан олиб кетиладиган маҳсулотлар таркибида хомашё материаллар ва чала маҳсулотлар улуши 65% дан кўпроқни, четдан келтирилаётган товарлар таркибида саноат маҳсулотларнинг улуши 60% дан иборат эди[9.36].

Бир сўз билан айтганда, 80-йилларнинг охирига келиб марказлаштирилган, режалаштириш ва тақсимлаш механизмига асосланган иқтисодиёт фаолият кўрсатди. Совет тизимига хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, республикада уни фақат хомашё етказиб беришга йўналтирилганлиги, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлак

пахта якқаҳоқимлиги мамлакатни оғир ахволга солиб, жар ёқасига келтириб қўйган эди. Оқибатда, улкан табиий, менерал хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон собиқ Иттифокда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди[10.4]. Аслида республика салоҳиятида кенг имкониятлар, улкан табиий бойликлар, ишлаб чиқариш ва фан-техникани ривожлантириш, қулай табиий иқлим шароит борлигини ҳаёт тажрибаси тасдиқлаган эди. Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистонда инсонни ҳар томонлама ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча турмуш кечириш учун керак бўлган энг оддий нарсалар етишмаслиги каби муаммолар йиғилиб, ниҳоятда кенг тус олган эди. Бу ҳолат эса йиллар давомида тўпланиб қолган мураккаб муаммолар ҳалқаси ўзаро бир-бирига таъсир этиб, ижтимоий муҳитда зиддиятларнинг янада кучайишига олиб келди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бобожонова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари.-Т.:Фан, 1995, 48-бет
2. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году. Статистический ежегодник.-Т.: Узбекистан, 1991, С.200
3. Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я.,Эргашев А. Размещения населения Ферганской долины. (Демографический аспект).-Т.:Фан,1990, С.116
4. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году. Статистический ежегодник.-Т.: Узбекистан, 1991, С.7
5. Население республики Узбекистан в 2001 году.Статистический сборник.-Т.:2002, С.34-35
6. Тўхлиев Н.Ўзбекистон иқтисодиёти.-Т.:Ўзбекистон, 1992, 125- бет
7. “Ҳаёт ва иқтисод” , 1991 йил , № 2, 56-бет
8. Шалимов А.И. Экология: тревога нарастает. – Л.: Лениздат, 1989. С.53.
9. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма / Масъул ижодий гуруҳ: А.Ш.Бекмуродов ва бошқ. – Т.:Ўқитувчи, 2011, 89- бет.
10. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги(1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари.-Т.:Ўзбекистон, 2011, 4-бет.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

UO'K 81'373

AVIATSIYAGA OID LEKSIK BIRLIKLARNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

*N.S. Abdulvohidova, talaba, Termiz davlat universiteti, Termiz**M.T. Qodirova, dots., Termiz davlat universiteti, Termiz*

Annotatsiya. Mazkur maqola tilshunoslikning pragmatika sohasiga tegishli bo'lib, pragmatikani terminlar misolida, xususan, aviatsiya terminlarini tahlili asosida o'rganilgan. Maqolada aviatsiya terminlarini kelib chiqishi va nutqda qo'llanilish ahamiyati borasida batafsil ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: pragmatika, termin, aviatsiya, neologizm, kontekst, semiotika, leksika, tilshunoslik, leksik birliklar, subqismlar.

Аннотация. В данной статье рассматривается область прагматики в лингвистике, которая изучает прагматизм на основе терминологических примеров, в частности анализа авиационных терминов. В статье подробно рассказывается о происхождении авиационных терминов и их значении в устной речи.

Ключевые слова: прагматика, терминология, авиация, семиотика, лексика, лингвистика, лексические единицы.

Abstract. This article deals with the field of pragmatics in linguistics, which studies pragmatics on the basis of terminological examples, in particular the analysis of aviation terms. The article provides detailed information on the origin of aviation terms and their importance in speech.

Key words: pragmatics, terminology, aviation, semiotics, lexicon, linguistics, lexical units.

So'zboshi avvalida ta'kidlab o'tish joizki, davlatimiz tarixiga nazar soladigan bo'lsak, O'zbekiston solnomasida uning bugungi kuni va kelajagini belgilab bera oladigan muhim voqealar ko'plab uchraydi. Ayniqsa, mustaqillikdan so'ng jamiyatimizning barcha sohalari tubdan rivojlanib, ularning har biri yildan yilga jadal taraqqiy etib bormoqda va bu, avvalo, mamlakatimiz jahon hamjamiyatida o'zining munosib o'rniga ega bo'lishi uchun muhim poydevor vazifasini bajarmoqda. Hozirgi kunda nafaqat O'zbekistonning, balki dunyo davlatlarining ham yuksak darajada rivojlanishiga ulkan hissa qo'shayotgan sohalardan biri bu – aviatsiyadir. Ushbu terming ta'rif beradigan bo'lsak, aviatsiya atmosferada parvoz qilish nazariyasi va amaliyoti, shuningdek, shu bilan bog'liq faoliyat turlarining umumiy nomi hisoblanadi. "Aviatsiya" so'zi ilk bor 1863-yilda fransuz yozuvchisi va sobiq dengiz zobiti Gabriel La Landelle tomonidan fanga kiritilgan. U bu atamani *avier* fe'lidan olgan ("uchish" so'zi uchun muvaffaqiyatsiz neologizm), so'zning o'zi esa lotincha *avis* ("qush") so'zidan va *-ation* qo'shimchasidan olingan [3]. 29 yil avval "O'zbekiston havo yo'llari" Milliy aviakompaniyasining tashkil etilishi mamlakatimizda fuqaro aviatsiyasining rivojlanishida yangi davrni boshlab berdi, desak mubolag'a bo'lmaydi. Ana shu yillar mobaynida "Uzbekistan airways" brendi barqaror, xavfsiz va ishonchli aviatashuvchi sifatida dunyoga tanildi.

Aviatsiya aslida ixtisoslashgan, texnologiyaga asoslangan soha bo'lib, u siqiladigan suyuqliklarning ezoterik tahlillaridan tortib chiptalarni sotish, parvoz uchun ruxsat olish kabilargacha keng ko'lamlil faoliyatni qamrab oladi [4, 25]. Shuningdek, bu soha boshqa chet el mamlakatlarining texnika taraqqiyoti va tajribasi asosida ish olib boradi. Shu sababli aviatsiya chetdan o'zlashgan, baynalmilal va boshqa xorijiy tillarda, ayniqsa, ingliz tilida qo'llaniladigan atama va so'zlarga boy keng ko'lamlil soha ekanligi yaqqol ko'rinib turibdi. Albatta, buning natijasida esa jamiyatimizda ushbu sohaga oid terminlarni o'rganish, ular ustida chuqur tahlil va ilmiy izlanishlar olib borish ehtiyoji paydo bo'lishi tabiiy holatdir. Aytish lozimki, hozirgi paytga kelib davlatimizda texnika va texnologiya, arxitektura va qurilish, iqtisodiyot, turizm, sport, madaniyat, ta'lim, ilm-fan kabi ko'plab sohalarda, shu jumladan, aviatsiya ham ancha yuqori pog'onalariga ko'tarildi. Ularning kun sayin yangidan yangi va ko'pchilikka notanish bo'lgan turli-tuman leksik birliklar va atamalar bilan boyib, kengayib borishi natijasida mana shunday yangi terminlar va tushunchalar ilm-fan ahli va oddiy aholi orasida noma'lum bo'lib qolmoqda. Masalan, "*cockpit*" so'zini oladigan bo'lsak, bu so'zning ma'nosini ko'pchilik bilmasligi mumkin, u ingliz tilidan olingan bo'lib, samolyotning uchuvchi va uning yordamchi uchuvchilari o'tiradigan old qismi hisoblanadi [5]. Ana shu sababdan ham shu kabi terminlarning pragmatik (ma'noviy) xususiyatlarini o'rganish, ularning o'zbek va ingliz tilidagi ma'nolarini tahlil qilib chiqish ilm-fan ahli oldida turgan dolzarb vazifalardan biridir.

Pragmatika (yunoncha *pragma*, *pragmatos* — ish, harakat) tushunchasining mazmun-mohiyati haqida to'xtaladigan bo'lsak, u semiotika va tilshunoslikning nutqda til belgilarining amal qilishini o'rganuvchi sohasi, boshqacha aytganda, pragmatika ijtimoiy kontekstlarda til ishlatish bilan bog'liq bo'lgan tilshunoslik va tillar orqali ma'nolarni ishlab chiqarish va tushunish usullari sanaladi. Pragmatika haqidagi asosiy g'oya amerikalik olim Ch. Pirs tomonidan o'rtaga tashlangan, yana bir amerikalik olim Ch.

Morris ushbu g'oyani rivojlantirgan va "Pragmatika" terminini semiotika bo'limlaridan birining nomi sifatida amaliyotga kiritgan [6].

Barchamizga ma'lumki, aviatsiya keng qamrovli soha bo'lib, ingliz tili ushbu sohaning doimiy rasmiy tili demakdir. Unda ishlatiladigan leksik birliklar va terminlarning har biri o'zbek tilida o'z pragmatik xususiyatlariga ega, ya'ni bunday so'zlar ingliz tildan o'zbek tiliga to'g'ridan to'g'ri emas, mazmun-mohiyatiga qarab eng muqobili tanlanadi. Masalan, *check-in* - bortda ro'yxatdan o'tish, *pilot-in-command* - samolyot komandiri yoki bosh uchuvchi, *touch-and-golanding* - darhol uchish bilan qo'nish ma'nolarida qo'llaniladi [2]. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, aviatsiyada ingliz tili va boshqa tillardan kirib kelgan atamalar juda ko'plab uchraydi. Masalan:

- "авианосец" so'zidagi lotincha *avis* (qush) + ruscha *носец* (носитель - olib, ko'tarib boruvchi) so'zlaridan olingan bo'lib, suv usti jangovar kemasi, suzuvchi aviatsiya bazasi [1, 31];

"aviator" fransuzcha *aviateur* so'zidan olingan bo'lib, aviatsiya va umuman uchish ishlari bilan shug'ullanuvchi shaxs, uchuvchi [1, 31];

"aerovokzal" yunoncha *aer* (havo)+inglizcha *vokzal* (*Vauxhall* - Voks koshonasi, ya'ni Londondagi sayrgoh bog'ning nomi) so'zlaridan tashkil topgan bo'lib, aeroportlarda havo transporti yo'lovchilariga xizmat ko'rsatiladigan bino yoki binolar majmui [1, 125];

"aerodrom" yunoncha *aer...+dromos* (yugurish, yugurish joyi) so'zlar juftligidan tuzilgan bo'lib, uchish apparatlarining turishi, uchib ketishi, qo'nishi uchun barcha inshootlari bo'lgan keng maydon [1, 125];

"aeroport" yunoncha *aer...+fransuzcha port* (lotincha *portus* (bandargoh) so'zlar qo'shilmasidan tashkil topgan bo'lib, havo liniyasi trassasida joylashgan va transport aviatsiyasining muntazam qatnovini ta'minlab turish uchun kerakli inshootlar bilan jihozlangan aerodrom degan ma'nolarni bildiradi [1, 125].

Aviatsiyaga oid terminlar tadqiqi mobaynida ularni subqismlarga ajratib o'rganish mumkin. Jumladan, *uchish/qo'nish jarayonida qo'llaniluvchi terminlarga, samolyot ekipaji a'zolari orasidagi muloqot terminlari, styuardessa va passajirlar o'rtasidagi muloqotda qo'llaniluvchi sohaga oid so'zlar, bojxona xodimlari va yo'lovchilar o'rtasidagi qo'llaniluvchi terminlar*. Masalan, uchish/qo'nish jarayonida qo'llaniluvchi atamalar o'zbek tilida quyidagi muqobillari bilan ishlatiladi:

No	Word	Meaning
1	<i>airline</i>	aviayo'nalish
2	<i>airfare</i>	aviabilet narxi,
3	<i>airside</i>	aeroportning havo zonasi
4	<i>boarding</i>	bortga chiqish qo'nish
5	<i>clearway</i>	to'siqlardardan holi yo'lak
6	<i>departures</i>	uchib ketadiganlar
7	<i>flight</i>	parvoz (uchish)
8	<i>gate</i>	yo'lovchilar uchun samolyotga chiqish
9	<i>get down</i>	samolyotga chiqish uchun bormoq
10	<i>hangar</i>	samolyotlarni saqlash uchun katta inshoot (omborxon)
11	<i>jetway ramp</i>	bort zinasi
12	<i>luggage claim</i>	yuk tarqatiladigan joy
13	<i>lost and found</i>	yo'qotilgan va topilgan buyumlar byurosi
14	<i>baggage storage</i>	yuk saqlash joyi, ombori
15	<i>radio control tower</i>	aviaharakatni boshqarish minorasi
16	<i>refreshments</i>	yengil tamaddi uchun narsalar va ichimliklar
17	<i>runway</i>	samolyot uchish-qo'nish yo'lagi
18	<i>seatbelt</i>	xavfsizlik kamari
19	<i>thrust</i>	dvigatelning tortish kuchi
20	<i>stand</i>	havo kemasining to'xtash joyi

Xulosa qilib aytganda, aviatsiya sohasini mana shu kabi chetdan o'zlashgan sodda va murakkab termin va leksik birliklarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Shuning uchun ham aviatsiyaga oid atama va so'zlarning ma'nolarini bilish va ularning pragmatik xususiyatlarini tadqiq etib o'rganish juda muhim va dolzarb hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. To'xliyev N., Shorahmedov D. A., Aminov M. N., Niyozov A.: "O'zbek tilining izohli lug'ati" - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. - 680 b.
2. Девнина Е.Н.: "Большой англо-русский и русско-английский авиационный словарь". Свыше 100 000 терминов, сочетаний, эквивалентов и значений. С транскрипцией/ Под ред. акад. И. И. Павловца. - М.: Живой язык, 2011.-512 с.
3. [https://en.m.wikipedia.org/wiki/Aviation\(etymology\)](https://en.m.wikipedia.org/wiki/Aviation(etymology))
4. Ragan P.H. (1996). Aviation English: An Introduction. // Journal of Aviation/Aerospace Education & Research, 7(2). <https://doi.org/10.15394/jaaer.1997.1189>
5. <https://www.englishclub.com/english-for-work/airline-vocabulary.htm>
6. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Pragmatika>

INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA TIBBIYOT TURIZMIGA OID LEKSIK BIRLIKLARNING LISONIY XUSUSIYATLARI

S.B. Abdishukurova, Phd, Termiz davlat universiteti, Termiz

M.T. Qodirova, Phd, Termiz davlat universiteti, Termiz

Annotatsiya. Ushbu maqola o'zbek tibbiy turizmi terminologiyasi nafaqat ingliz va boshqa tillardan so'z olish, o'z tiliga moslashtirish va shuningdek til ichki imkoniyatlari asosida muayyan ma'no atrofida birlashgan so'zlar yasash orqali boyib borishi xususida so'z yuritadi. Maqolada tibbiyot turizmiga oid leksik birliklarning tadqiqi leksikologiya rivoji uchun ahamiyati borasida ma'lumot beradi.

Kalit so'zlar: turizm sanoati, turizm, leksik birlik, leksik qatlam, tibbiyot turizmi, tibbiy turizm terminologiyasi, so'z olish, adaptatsiya, til ichki imkoniyati.

Аннотация. В этой статье обсуждается тот факт, что терминология узбекского медицинского туризма обогащается не только за счет заимствования слов из английского и других языков, адаптируя их к меньшинствам, но также за счет создания слов вокруг определенного значения, основанного на внутренних возможностях языка. В статье представлена информация о важности изучения лексических единиц, связанных с медицинским туризмом, для развития лексикологии.

Ключевые слова: индустрия туризма, туризм, лексическая единица, лексический слой, медицинский туризм, терминология медицинского туризма, лексика, адаптация, внутренняя емкость языка.

Abstract. This article deals with the enrichment of Uzbek medical tourism terminology not only by borrowing or adapting words from English and other languages but also by creating new words around a specific meaning based on the internal capabilities of the language. The article provides information on the importance of the study of lexical units related to medical tourism for the development of lexicology.

Keywords: tourism industry, tourism, lexical unit, lexical layer, medical tourism, medical tourism terminology, borrowing, adaptation, language capability.

Hozirgi globallashtirilgan zamonamiz dunyo mamlakatlarining ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy hamkorligi va turli xizmat ko'rsatish sohalari asosida rivojlanmoqda. Buning natijasida jahon xalqlari madaniyatlari, urf-odat va o'zaro muloqot mahsuli hisoblanmish til tushunchalari va leksik birliklar (lexical units) ning almashinuviga olib kelmoqda va xalqaro ahamiyatga ega tillardan so'z olish (borrowing) va uni o'z tiliga moslashtirish (adaptation) asosida muayyan sohaga doir leksik birliklar hosil bo'lmoqda.

Shu o'rinda turizm sanoati (tourism industry) dunyodagi eng yirik xizmati ko'rsatish sohasi sifatida e'tirof etilmoqda. Rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarining aksariyati bu sohani rivojlantirishni iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy barqarorlikka erishishning asosiy vositasi deb biladi. Turizm sanoati keng qamrovli tushuncha bo'lib, o'z ichida bir nechta sohalarni qarab oladi: diniy turizm; sport turizmi; gastronomik turizm; dam olish turizmi; ekoturizm; tibbiy turizm; sanoat turizmi; geoturizm va hokazolar. Va o'z omida ushbu xizmat ko'rsatish sohasining har biri ijtimoiy hayotning u yoki bu sohasida yangi til birliklarining paydo bo'lishi, shu asosda o'ziga xos muayyan leksik qatlamning shakllanishiga va jamiyatda sohaga doir muayyan tushunchalarning keng foydalanishiga zamin yaratmoqda. Xususan tibbiyot turizmi sohasi turizm sanoatining istiqbolli sohasidan biri sifatida o'z sayyohlariga ega va hudud aholisi tili va madaniyatidan kelib chiqib ushbu soha leksik qatlamini xalqaro miqyosda o'rganishni talab etmoqda. Qolaversa sohaga doir terminlar keng miqyosda o'rganilmagan. Shu sababli tibbiy turizmga oid leksik birliklarning qay holda kelib chiqishi, sohaga mos tarzda adaptatsiyaga uchrashi va uning jamoat tilida tadqiqini o'rganish nafaqat ushbu xizmat soha vakillari, qolaversa keng omma uchun ham muhim va dolzarb hisoblanadi.

Dastlab turizm atamasi kelib chiqishiga to'xtalib o'tsak: inglizcha *tourist* so'zi dastlab 1772, *tourism* so'zi esa 1811-yilda qo'llanilgan bo'lib, bu so'zlar eski inglizcha *turian*, eski fransuzcha *torner*, lotincha *tornare* (bu so'zni o'zi qadimiy grekcha *tornos* so'zidan kelib chiqqan) so'zlari asosida paydo bo'lgan inglizcha *tour* so'zidan kelib chiqqan [3]. **Turizm** (fransuzcha-*tour sayyohat*) - sayyohlik, sayohat qilish; faol dam olish turlaridan hisoblanib, ushbu xizmat ko'rsatish sohasi deb odamlarning shaxsiy, biznes yoki professional maqsadlar uchun odatiy muhitdan tashqaridagi mamlakatlarga yoki joylarga ko'chib o'tishiga olib keladigan ijtimoiy, madaniy va iqtisodiy hodisaga aytiladi [4].

Ingliz tilida ham rus tilida ham **tur** (rus. тип; ingl. tour) asosli terminlar uchraydi: *tour, tourist, tourism; тип, турист, туризм*. *Tur* termini yakka o'zi ham umumiy terminologiyada faol qo'llanib sayohat sxemasini o'zida birlashtiradi. Ushbu termin rus tiliga ham, ingliz tiliga ham fransuz tilidan

o'zlashgan leksik birlik hisoblanadi. Biroq ingliz tilidagi lug'atlarda rus tilidan farqli o'laroq *tur* asosli terminlar 200 yil oldin qayd etilgan [2,25].

Turizm ahamiyati mansab imkoniyatlarini yaratish, daromad olish, insoniyatga dunyo ko'rish imkoniyatini berish, uning hayotga munosabatini o'zgartirish, dunyoqarashini kengaytirish, sayyohlarga yangiliklarni kashf ettirish, madaniy qadriyatlarining uyg'unlashuviga olib kelish va insoniyatni bir-biriga aloqadorlik hissi bilan yashashga rag'batlantirish bilan bir qatorda jahon madaniyati va aloqa almashinuvida ishlatiladigan sohaga oid leksik qatlamlar paydo bo'lishi va ularning keng miqyosda nafaqat sayyohlar balki keng jamoatchilik nutqiga ko'chishiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Turizm leksikasini atroflicha tushunishimiz va uni o'z til nutqimizda qo'llashimiz uchun leksika so'zining nima ekanligiga to'xtalib o'tsak:

Leksika (keyingi o'rinlarda L shaklida) (yun. *lexis so'zga oid, lug'aviy*) — tildagi barcha so'zlar va iboralar yig'indisi, tilning lug'at tarkibi. L. ma'lum qonun-qoidaga bo'ysunuvchi izchil va murakkab tizimdan iborat. Til L.si to'xtovsiz o'zgarib turadi. Bu narsa lug'at tarkibida yangi so'zlarning paydo bo'lishi, mavjud so'zlardan ayrimlarining eskirib, iste'moldan chiqishi, leksik ma'nosini o'zgartirib, yangi ma'no kasb etishi kabi jarayonlarda ko'rinadi. Jamiyat taraqqiyoti va ijtimoiy tuzumning o'zgarishi bilan uzviy bog'langan holda L. boyib boradi [5].

Shu o'rinda **tibbiyot turizmi** (medical or health tourism) (keyingi o'rinlarda TT shaklida) terminologiyasi ham soha rivoji, ijtimoiy munosabatlarning o'zgarishi natijasida rivojlanib, yangilanib boyib bormoqda. Yuqorida keltirib o'tilgan turizm sohasi turlaridan TTga bugungi zamon talablari, insoniyatning tibbiy muolaja olish, sog'lomlashishga bo'lgan ehtiyoji o'laroq sayyohlar tomonidan mahalliy (ing-local or regional) va davlatlararo (international) sayyohlik talabi oshib bormoqda.

Turizmning ushbu xizmat ko'rsatish sohasi dunyoda keng miqyosda ommalashishi asnosida nafaqat bir davlatda yashovchi turli mahalliy aholi (bu o'rinda mamlakat ichida bir hududdan boshqa hududga tibbiy muolaja olish maqsadidagi sayyohlik faoliyati tushuniladi) va qolaversa dunyo miqyosda millatlar (bu yerda davlatlararo davolanish maqsadidagi sayyohlik faoliyati nazarda tutilmoqda) muayyan huddudga tibbiy maqsadda sayohat qilishi jarayonida ushbu xizmatdan samarali foydalanish uchun ham sohaga doir leksik tushunchalar tushunish zaruriyati yuzaga keldi. Negaki hayotda har bir inson borki, hayoti davomida sog'ligi yuzasidan u yoki bu dam olish sanatoriyasiga davolanish uchun, hordiq chiqarish, sog'ligini tiklash, tabiat bilan yaqin bo'lish asnosida ruhiyatini tiklashga ehtiyoj sezadi. Turizm iqtisodiy faoliyat natijasida dastlab Angliyada vujudga kelganligi uchun xalqaro turizm terminologiyasida ingliz qisman nemis tilining yetakchi mavqeda ekanligini inobatga olsak, o'zbek tilidagi TTga doir terminlarning o'zlashganligi ham oddiy holdir[2,30-31]:

Kurort (nem. *Kurort kur-davolash+Ort- joy*) tabiiy sharoiti, tabiiy shifobaxsh vositalari (masalan buloq, balchiqlar kabi) jihatidan dam olish va davolanish uchun qulay joy va shunday joydagi davolanish muassasi. *O'zbekistonning tabiiy sharoiti kurortlar, sanatoriyalar, dam olish uylarini yanada kengaytirishga juda qulaydir. Gazetadan.[1]*

Kurortologiya (nem. *Kurort- dam olish joyi+ yun. logos- ta'limot*) tibbiyotning tabiiy shifobaxsh sharoitlar, omillarni, ulardan davolash profilaktika maqsadlarida foydalanish yo'llarini o'rgatuvchi bo'lim. *O'zbekiston kurortologiya ilmiy-tekshirish institutining olimlari suvning tarkibini tekshirib, xosiyatli, shifobaxsh ekanligini aniqladilar. Shuningdek kurortolog yoki kurortshunos - tibbiyotning kurortologiya bo'limida faoliyat yurituvchi mutaxassislar; kurortoterapiya* (nem. *Kurort- dam olish+yun. Therapie-davolash*) - dam olish kurortlarida shifobaxsh suvlar va giyohlar bilan muolaja qilish, davolash. [1]

Sanatoriya (ingl. *sanatorium- sanatoriy*) yoki **sihatgoh**-bemorlar yotib davolanadigan maxsus profilaktik davolash muassasi; sanatoriy. Ushbu so'z ingliz tilidan tog'ridan to'g'ri moslashtirish natijasida o'zlashtirilgan bo'lib, o'z ma'noda qo'llaniladi. *Yurtimizda ham shunday go'shalar mavjud bo'lib ulardan biri Toshkent viloyatining Qibray tumanidagi Botanika sihatgohidir. Guliston. Biz dam olayotgan sanatoriya tog'li hududda joylashgan. Sharq yulduzi.[2]*

Spa (ingl. *spa- mineral suv bulog'i, mineral suv chiqadigan joy*) 1. Sog'ligimiz uchun foydali deb hisoblangan mineral moddalar bo'lgan suv yer ostidan tabiiy ravishda chiqadigan joy; shunday joyga ega bo'lgan va odamlar suv ichishi mumkin bo'lgan joylar bor yoki bo'lgan shaharga berilgan nom; 2. Salomatlik kurorti ya'ni odamlar dam olishlari sog'lik va go'zallik muolajalarini olishlari mumkin bo'lgan joy, masalan bug' hammomlari va jismoniy mashq uskunlari; 3. *Jakuzi* suvni harakatga keltiradigan nasosli katta hammom. O'zbek tili terminologiyasiga esa ma'nosi o'zgarmagan holda to'g'ridan to'g'ri moslashtirish natijasida o'zlashtirilgan bo'lib, TT sohasida **spa muolajalari**-shifobaxsh suvlar bilan davolash; **spa inshootlari yoki korxonalari**- mineral suvlar bilan davolash joylari kabi so'z birikmalar shaklida keng foydalaniladi; **spa saloni**- odamlarning dam olish va go'zallik muolajalari olishi mumkin bo'lgan joy.[2]

Quyida ingliz- o'zbek tilida tibbiy turizm bilan bevosita a'loqador *cure, heal –shifo (davo)* so'ziga oid so'zlar asosida qo'shimchalar (ing. prefix, suffix) yordamida bir ma'noga doir so'zlarning qanday yasalishi va o'zbek tilida ta'riflarini keltirib o'tamiz:

O/n	English	Uzbek
1.	<i>cure, heal</i>	<i>Shifo, davo</i>
2.	<i>Curative, healing</i>	<i>Shifobaxsh, davolovchi</i>
3.	<i>To cure, to heal</i>	<i>Shifolamoq, davolamoq</i>
4.	<i>To be cured, to be healed</i>	<i>Shifolanmoq, davolanmoq</i>
5.	<i>healer</i>	<i>shifokor</i>

shifo- davolanish, tuzalish, sog'ayish; shifobaxsh-shifo bag'ishlovchi, shifo bo'luvchi; shifolamoq- davolamoq, tuzatmoq; shifolanmoq- davolanmoq, tuzalmoq; shifokor- shifolovchi, davolovchi.

Yuqorida keltirilgan TTga oid misollardan ba'zilar boshqa tillardan so'z olish va adaptatsiyaga uchratish (*kurort, kurortologiya, kurortolog, spa, sanatoriya*.) va ba'zilar esa til ichki imkoniyatlari asosida (*shifo, shifobaxsh, shifokor, kurortshunos, kurortchi, shifolamoq, spa inshootlari, spa muolajalari* kabi) yasalgan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, o'zbek tibbiy turizmi dunyo tillari, xususan ingliz tilidan so'z olish va o'zbek tiliga moslashtirish bilan bir qatorda til ichki imkoniyatlari asosida ham boyib bormoqda. O'z navbatida ularni tadqiq qilish leksikologiyaning rivojiga o'z hissasini qo'shadi. O'zbek tiliga ingliz tili vositasida lotin tili terminlari bilan nomlanuvchi tibbiyot atamalari faol ekanligi aniqlandi. Mazkur yo'nalishdagi tadqiqotlar nafaqat tilshunoslik sohasiga, shuningdek turizm sohasiga ham o'z hissasini qo'shadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. To'xliyev N., Shorahmedov D. A., Aminov M. N., Niyozov A.: "O'zbek tilining izohli lug'ati" - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. - 680 b.
2. O'zbek tili turistik terminlarining lisoniy takomili va leksik-semantik tadqiqi dissertatsiyasi. Abduhamidova L.
3. https://en.m.wikipedia.org/wiki/Tourism#cite_ref-14
4. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Turizm>
5. https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Leksika#cite_ref-1

UDC 81-13

TEACHING AND DEVELOPING ORAL SKILLS IN FUTURE ENGLISH TEACHERS

D.R. Alaudinova, lecturer, Termez state university, Termez

Annotatsiya. Ushbu maqola bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarida og'zaki nutq ko'nikmalarini rivojlantirishga bag'ishlangan. Muloqot, eng avvalo, tajriba, ishlarni bajarish usullari, malaka va qobiliyatlar, faoliyat natijalari almashinadigan ijtimoiy jarayondir. E.I. Passovning ta'kidlashicha, muloqot doimo odamlar o'rtasidagi oqilona va hissiy o'zaro ta'sir bo'lib, bu jarayonda fikrlar umumiyliги ochiladi va hayot tarzi shakllanadi. Bu shaxsiy ong va o'z-o'zini anglashni shakllantirishning eng muhim shartidir. Muloqot hodisasini pragmatikaga qisqartirib bo'lmaydi (bir qator chet tillarini o'rgatish dasturlari ushbu muloqotni tushunishga asoslanadi). Bu atrof-muhit, mavjudlik usuli va insonning o'zi. Muloqot mustaqil faoliyatdir.

Kalit so'zlar: og'zaki, ifoda, har doim, natija, muloqot

Аннотация. В данной статье речь идет о развитии устной речи у будущих учителей английского языка. Общение - это прежде всего социальный процесс, в котором происходит обмен опытом, способами действия, умениями и навыками, результатами деятельности. Э.И. Пассов указывает, что общение — это всегда рационально-эмоциональное взаимодействие между людьми, в процессе которого выявляется общность мыслей и формируется образ жизни. Это важнейшее условие формирования личного сознания и самосознания. Феномен общения нельзя свести к прагматике (на таком понимании общения основан ряд программ обучения иностранным языкам). Это среда, способ существования и сам человек. Общение — это самостоятельная деятельность.

Ключевые слова: устный, экспресс, всегда, результат, общение.

Abstract. This article deals with the developing oral skills in future English teachers. Communication is first and foremost a social process in which experience, ways of doing things, skills and abilities, and the results of activities are exchanged. E.I. Passov points out that communication is always a rational and emotional interaction between people, in the process of which commonality of thoughts is revealed and a way of life is shaped. It is the most important condition for the formation of personal consciousness and self-consciousness. The phenomenon of communication cannot be reduced to pragmatics (a number of foreign language teaching programmes are based on this understanding of communication). It is an environment, a way of existence, and a person himself. Communication is an independent activity.

Key words: oral, express, always, result, communication

The goal of communication is always to change attitudes. Communication is the processing of people by people. Let us consider the main characteristics of communication: the goal, the result, the means and units of communication.

Communication has its own subject (what the communication is aimed at). It is obvious that communication is aimed at the relationship of the learners.

Speaking about the purpose and the result, we emphasise once again that communication is not about communicating information, but about changing relationships by communicating information.

The means of communication are perceptive, interactive, informative, etc.

The means of communication are divided into verbal (i.e. the main speech activities we teach in the process of learning the foreign language: speaking, writing, listening and reading) and non-verbal (facial expressions, gestures, intonation, tempo, posture, etc.). There is an opinion that verbal means play a much smaller role in comparison with non-verbal ones.

The units of communication are situations as systems of relationships. Precisely because a situation is a unit of communication, the teaching of the foreign language in the classroom is based on situations, which should have all the basic characteristics of communication, even though they are mostly academic and not real-life.

A brief description of the main speech activities. A distinction is made between spoken and written speech, each of which has two sides - receptive and expressive speech (Figure 1).




Figure 1. The main speech activities

Oral and written language and both function in an inseparable unity, in the process of communication the speaker and the listener often swap places (as well as the reader and the writer). They must therefore be taught in an interconnected and interdependent way. Delays in one type of language activity hinder the development of the other.

There are three aspects of language phenomena: language, speech and speech activity. The main types of speech activity were identified by L.V. Shcherba, who, however, considered speech activity to be one of the aspects of language. He suggested distinguishing between three aspects of language: speech, i.e. the process of speaking and understanding; language, i.e. ordered linguistic experience; language material, i.e. unordered linguistic experience [see: Shcherba, p. 61].

The next interpretation of speech activity is connected with the psychological works of L.S. Vygotsky and A.N. Leontiev. Since the mid-1970s the notion of "communication activity" has been introduced - communicative and speech activity receives a narrower interpretation: i.e. as an activity whose motive is connected with the production of speech itself, therefore we speak today in teaching the foreign language of communication (it acts as an activity), the purpose of which is to change the relationship.

Oral communication consists of speaking and listening, which in methodology is called listening. It is important to understand that listening and hearing are not synonymous. Listening is the acoustic perception of sound, while listening involves hearing, i.e. understanding and interpreting the information perceived.

Listening can act as an independent type of speech activity (e.g. listening to reports, films) or be part of dialogic communication as a receptive component, being one of the sides of speaking.

Listening, unlike speaking, is a receptive speech activity. Its form is internal, unspoken. However, the listener influences the communication: their reactions (laughter, remarks, gestures) have an immediate effect. Listening is therefore a reactive speech activity.

Listening can be direct, contact (dialogic communication) and indirect, distance (radio, TV broadcasts).

Listening is a complex speech activity because the processes of listening in real communication are irreversible and cannot be analysed or recorded. New information replaces old information, what is said disappears irretrievably. Often there is not enough time to think about what is being heard, so understanding is often not achieved and communication is disrupted.

Consider in detail how the listening process works from a psychological and physiological point of view.

Consider the external structure of speaking. It consists of the following parts:

1. Motivational and motivational: creation of the idea of a statement for what (need), why (motive, motivation of the interlocutor) and what to say (goal);

2. analytic-synthetic: at this stage the preparation of the realisation of the idea of a statement takes place. When speaking in a foreign language, learners need to select the words stored in memory (analysis) and incorporate them into a whole speech (synthesis) in order to realize the intention. In order for words to be retained in memory, they need to develop paradigmatic and syntagmatic connections, the more these connections, the higher

The more these connections are made, the «readier» the word is for inclusion in the speech. The paradigmatic connection implies associations when comparing words according to different features (proximity/opposition of meaning). A special role for speaking is played by syntagmatic connections, i.e. combining a word with other words. During analysis there is a selection of ready-to-use foreign language units (e.g. May I come in, I am on duty...). The motor plan works, there is a recollection of verbal means. In synthesis - completion, construction, combination - grammatical structuring of the phrase, which in learning a foreign language is very difficult (for example, the student has in his head the phrase I am a pupil. He needs to be told that we are a pupil. There is a substitution I → we, am → are + a plural transformation of the noun pupils is added. He chooses what is at the ready, i.e. am and pupil - interference is involved);

3. Control-executive - external design of the utterance and control, whose task is to signal possible errors and facilitate their correction. This requires a benchmark which is formed as a result of language practice.

All these parts make up the structure of speaking as a speech activity.

There is a close connection between speaking and other speech activities, especially listening.

Linguistic and psychological studies of speech activity show that oral and written forms of communication, with all their inherent features, are not separate systems, nor are receptive and productive types of communication.

If we turn, for example, to the comparative characteristic of listening and speaking, we should state that they are characterized by a complex thought activity with reliance on internal speech and a predictive mechanism.

The main difference between the two processes is their final links - encoding information for speaking and decoding for listening. The coding process involves mastery of the phonological system of the language. Listening that is not supported by speaking can lead to distortion of auditory representations and impede the formation of acoustic-articulatory skills.

A brief comparative analysis of the two forms of oral communication reveals not only the close interaction of listening and speaking, but also their organic connection to reading and writing.

Writing emerged from spoken language, as a way of capturing the sounds of a language in order to store and retrieve information. Reading is like a transitional form from speaking to writing, combining features of both.

Every speech activity is normally provided by the joint work of several analyzers, but the function of each of them remains strictly differentiated, and the relationship between the analyzers is dynamic, mobile, changing in transition from one form of speech communication to another. For example, the relationship between the auditory and speech-motor analyzers is not absolute, but depends on many factors, primarily the complexity of mental activity, the form of communication (oral or written), the language difficulty of the text, the speech experience of students in their native and foreign languages, etc.

Monologue is the speech of a single person expressing in a more or less extended form their thoughts, intentions, evaluation of events, etc. Dialogue is a form of speech in which there is a direct exchange of

statements between two or more persons. The unit of dialogical speech training is a dialogical unity (DU - a set of two adjacent statements, replicas, related to each other in content and form). The unit for teaching monological speech is a super-phrasal unit (SPU) - a complex syntactic whole, a section of speech in the form of a sequence of two or more sentences united by a common theme into semantic blocks [see: Shchukin, p. 295].

The distinction between dialogic and monological speech (DS and MS) is conditional, since monological speech also involves the presence of a listener and therefore is as if included in dialogic speech, more precisely, in oral speech communication, which is dialogic by nature. Many scholars believe that dialogue is the most natural form of spoken language. Therefore, in most cases, a strategy is adopted when teaching oral language from dialogic to monologic speech.

It is possible to consider dialogue from different points of view and give it linguistic, psychological and extra-linguistic characteristics. Especially important is the linguistic characteristic of dialogic and monological speech. Why do we need this characterisation? The teaching of MS and DS requires different organisation of the material and methods of working with it [see: Rogova, Vereshchagina, p. 135]. However, in teaching practice, as G.V. Rogova points out, there is often a mixture of these forms when organising communication.

REFERENCES:

1. Aitov V.F. Problems of a multi-project approach to the formation of a new linguistic professional staff of students (for example, the languages of faculties gical universities): and the second f. dis. for the competition for the first degree of can. ped. on y to:
2. Alaudinova D.R., "Developing oral skills in future English teaches on a competency-based approach", Xorazm ma'mun akademiyasi, 12.2021, Khiva.
3. Antonova E.S. Methods of teaching the Russian language: communication-specific approach: educational software for universities. Antonova. M.: KnoRus, 2007.464 p.
4. Antonova E.S. That yna te incidentally. Methodical recommendations for working tradition for development of speech and thinking in school in 9th grade / e. Antonova. M.: Verbum-M, 2002.112 p.
5. Bim I. L. Theory and practice of teaching German in secondary school: problems and prospects. M., 1988.
6. Bim I.L. Approach to the problem of exercises from the position of the hierarchy of goals and tasks / I.L. Bim // Foreign language at school. - 1985. - № 5. - C. 30-37.
7. Bim I.L. Theory and practice of teaching German language in school. - M.: Prosveshcheniye, 1998. - C. 102-107.

UO'K 316.6

ABADIY BUYUKLIK TIMSOLI

U.Boboqulova, magistrant, ToshDO'TAU, Toshkent

Annotatsiya. *Ona siymosi dunyodagi barcha xalqlar va millatlar uchun muqaddas va mo'tabardir. Ularni birlashtirib turuvchi musharak fazilatlar bisyor, albatta. Lekin ayni vaqtda har bir xalqqa millatga mansub ona siymosi o'z fe'l-atvori, tabiati, ichki va tashqi dunyosi, hatto qiyofa portreti bilan muayyan darajada o'ziga xoslik kasb etadi. Shu ma'noda o'zbek xalqiga mansub ona siymosini yaratishda ijodkor A.Oripov mahorati badiiy tahlil qilinadi.*

Kalit so'zlar: *A.Oripov, "O'zbek onasi", Ona va Vatan, Ka'ba, Baytul muqaddas, poetik zanjir, lirik xarakter, , badiiy utumlashma, matematik formula*

Аннотация. *Образ матери священен и почитаем для всех народов и наций мира. Есть, конечно, и много общих качеств, которые их объединяют. Но в то же время образ матери каждого народа в известной степени связан с его характером, природой, внутренним и внешним миром и даже с его портретом. В этом смысле художественно анализируется мастерство художника А. Арипова в создании образа матери узбекского народа.*

Ключевые слова: *А. Арипов, «узбекская мать», Мать и Родина, Кааба, Святой Дом, поэтическая цепь, лирический персонаж, художественное обобщение, математическая формула*

Abstract. *The image of the mother is sacred and revered for all peoples and nations of the world. The commonalities that unite them, of course, are many. But at the same time, the image of the mother of each nation belongs to a certain extent with its character, nature, inner and outer world, and even its portrait. In this sense, the mastery of the artist A. Aripov in creating the image of the mother of the Uzbek people is artistically analyzed.*

Keywords: *A. Aripov, "Uzbek mother", Mother and Motherland, Kaaba, Holy House, poetic chain, lyrical character, artistic generalization, mathematical formula*

Jahon adabiyotida ona mavzusida yozilgan durda asarlar nihoyatda ko'p. Onani madh etishda, ulug'lashda, uning beqiyos fazilatlarini oqqa ko'chirishda har bir ijodkor yurak qo'rida yonayotgan, butun vujudini chulg'ab olgan alangali, o'tli, haroratli nafasini o'ziga xos tarzda to'kib soladi. Ular qaysi

yo'nalishda, qaysi uslubda kim tomonidan yozilgan, nasrdami, nazmdami, qanchalik tarqoq -xaotik bo'lmasin, Ona degan buyuk va tabarruk nom ostida mushtaraklik kasb etadi, mo'jizaviy bir ko'rinishni aks ettiradi.

Ona mo'tabar zot bo'lish bilan birga koinotning ilohiy tuyg'ularini o'zida mujassam etgan sir-sinoatlarga boy inson sifatida ijod ahli, ayniqsa, O'zbekiston xalq shoiri A.Oripov she'riyatida o'zgacha bir talqinda namoyon bo'ladi. Shoir "Onajon", "O'zbek onasi", "Onamni eslab", "Ona", "Onamga xat", "Ona degan nom...", "Onam vafotiga" kabi she'rlarida o'zining ifoda ko'lami va poetik talqinning turfa xilligi bilan Ona obrazining cheksiz sifatlarini e'tirof etadi.

*Mushtipar ham o'zing, buyuk ham o'zing,
Kuyinchak ham o'zing, kuyuk ham o'zing,
Olamga tatirlik suyuk ham o'zing,
Payt keldi aytmoqqa, gapning xonasi,
Yey, O'zbek onasi, O'zbek onasi.*

A.Oripov she'rlarida xilma-xil ramzlarni, obrazlarni poetiklashtirish orqali yetuk poetik shaxs-lirik xarakter yaratadi. Xususan, yuqorida keltirilgan "O'zbek onasi" deb nomlangan she'rining birinchi bandida kuchli xitob, yuqori pafos hamda fikr va tuyg'uning o'zaro qorishiligi natijasida tipik xarakter-o'zbek onasi timsolining go'zal namunasi umumlashma tarzda bunyod bo'ladi. Keltirilgan parchada mushtipar-buyuk-kuyinchak-kuyuk-suyuk kabi tushunchalar o'ziga xos poetik zanjir hosil qilib, Ona siyosining betakror badiyatini yuzaga keltirmoqda. So'zlarning o'zaro aloqasi natijasida she'rning ma'no quvvati oshib, jozibadorlik kasb etgan. Mushtipar so'zi birinchi misradagi buyuk so'zi bilan o'zaro qarama –qarshi ma'noga ega bo'lsa, ikkinchi misradagi kuyinchak so'zi bilan esa ma'noviy sinonimlik hosil qilmoqda. Kuyunchak va kuyuk so'zlari esa o'zakdosh so'zlar bo'lib, ayni misradagina ma'noviy butunlikka, uyg'unlikka daxldor.

"Mushtipar" so'zi "O'zbek tilining izohli lug'ati"da "ojiz, ezilgan (ayollarga nisbatan)" ma'nosida qayd etilgan. "Buyuk" so'zi bizningcha izohga muhtoj emas. Uning buyukligi ham shunda bo'lsa kerak. Xo'sh, ijodkor nega mushtipar so'zidan keyin darhol unga ma'nosi butunlay qarama-qarshi bo'lgan so'zni paradoks sifatida qo'lladi? Bu qarama –qarshilik faqat misradagina emas, o'qiguvchilarning ham ruhiyatida kuchli qo'zg'alishni yuzaga keltiradi. Bir vaqtning o'zida ham ruhiy izzat, ham kuchli pafos yuzaga keladiki, go'yo ijodkor olamning falsafiy mohiyatini shu birgina misrada aks ettira olgan. Ikkinchi misradagi "Kuyinchak" va "kuyuk" so'zlari o'zakdosh so'zlar bo'lsa-da, ular anglatadigan tag ma'no bir-biridan yiroq. Lekin ushbu she'riy kontekstidagina ma'noviy sinonimlik hosil qilib kelmoqda. Bu esa so'z san'atkori bo'lgan A.Oripovga xos ayricha uslubdir. Ikkinchi misrani o'qir ekanmiz, ruhiyatimizda tushkunlik kayfiyati, o'tkir dramatism - lirik fojeliq yuzaga keladi: ong-u shuurimizda kuyunchak insonlarning boshqalarning tashvishi ortidan kuyib-pishib yurishi-yu, kuyuk so'zining kuyib-qorayib ketgan- kuyindi holati tasviri paydo bo'ladi. Ijodkorning poetik mahorati shundaki, qisqa soniyalarda kitobxon ruhiyatidagi qoralik kayfiyati Onaga bo'lgan cheksiz muhabbatni yetaklab keladi... She'rning uchinchi misrasini o'qiganimizda esa Ona haqiqatdan olamlarning gultoji, tabiatning buyuk ixtirosi (O'.Hoshimov) ekanligiga iqror bo'lamiz. U biz uchun eng suyukligini qalban his qilamiz.

Ana endi yuqoridagi savolimizga javob topgandek bo'lamiz. Shu mushtipar deya sifatlangan Ona buyuk ishlarga qodir daholarni dunyoga keltiradi, ular uchun kuyib-pishadi, yelib-yuguradi: o'zlarining pardek jism-u joni misoli kuyukka aylanadi. Mana shu hayotiy- falsafiy haqiqat onani shoir nazdida "Olamga tatirlik suyuk"lik maqomiga olib chiqadi. Mushtipar so'zining BUYUK so'ziga proporsional tarzda qo'llanishining ham mohiyati oydinlashadi. Kuyinchak-kuyuk-suyuk ramziylik xarakterini aks ettirib, badiiy umumlashma hosil qiladi, mushtipar obrazini buyuklik darajasiga olib chiquvchi vosita bo'lib xizmat qiladi. Bunday tasvir xuddi matematik formulaga o'xshaydi.

$$\text{mushtipar} + \frac{\text{kuyinchak} + \text{kuyuk}}{\text{suyuk}} = \text{BUYUK} \dots$$

Odatda, lirik nutq boshqa janrlardan hissiy ko'tarinkiligi bilan ajralib turadi hamda unda istiora, majoz va sintaktik figuralarning ko'pligi tabiiy hodisa sanaladi. Ortega-i-Gassetning: "Poeziya majozning oliy matematikasidir. Odamdagi ega bo'lish uchun emas, balki bekilib qo'yish uchun bir narsani boshqasi bilan almashtirishga bo'lgan ehtiyoj chindan ham hayratlanarlidir. Majoz bir narsani boshqasi bilan niqoblagan holda juda chaqqon yashiradi; agar ortida odamga xos reallikdan qochish instinkti turmaganda, majozning hech qanday ma'nosi qolmagan bo'lardi", - degan fikrida lirikaga xos majoziylik zamirida jo'nlikdan qochish, obrazli fikrlashga intilish orqali murakkab va chigal ruhiy holatlarni ifodalash istagi yotishi o'rinli qayd etiladi. Darhaqiqat, lirik asarlarda so'zlar o'z ma'nosidan ko'ra ko'chma ma'noda-ramzlarga o'ragan holda qo'llangandagina poetiklashadi va butun jozibasini namoyon etadi. Shu bois lirik asar muallifining badiiy maqsadi yagona bo'lsa ham, har bir o'quvchi o'z kayfiyati va tafakkuri nuqtai nazaridan uni turlicha his qiladi. Abdulla Oripov poeziyasidagi har bir so'zga shunchalik ko'p ma'no yuklaydiki, u so'zni na

boshqasi bilan almashtirib bo'ladi va na olib qo'yish mumkin. Go'yoki murakkab tenglamadagi "X" vazifasini o'taydi. Aynan mana shu "X" insonni chuqur o'ylashga va mushohada yuritishga undaydi. Lirikaning siriqlik xususiyatidan kelib chiqadigan bo'lsak, so'z tanlash imkoniyati boshqa janrlarga qaraganda kamroq bo'lib, insonning ichki olamiga dahldor hamda anglatadigan ma'nosi bir she'riy kontekstning o'zida "sarxil" bo'lishi lozim.

Shoir A.Oripov Ona siymosini yaratarkan, ana shunday "sarxil" so'zlardan foydalanib mohir quruvchi kabi boqiylikka muhrlangan she'riy binolarni yaratdi.

Vatanni Ona deb bekor aytilmas,
Ona buyurganda yo'ldan qaytilmas,
Sen o'zing Ka'bamsan, Baytul muqaddas,
Payt keldi aytmoqqa, gapning xonasi,
Yey, O'zbek onasi, O'zbek onasi.

Vatanni Onaga nisbat berilishi, Onani Ka'baga, Baytul muqaddasga qiyoslanishi baytdagi o'ziga xos poetik zanjirni yuzaga keltiradi. Bular bir-biri bilan yonma- yon qo'yilgandagina mukammallik kasb etishi, bir-birisiz mujassam bo'la olmasligi A.Oripov ijodida markaziy o'rinda turadi. Ona obrazi esa ko'p jihatdan shoirning mana shu hayotiy va estetik tamoyillari, ideallaridan kelib chiqib shakllandi. Ayniqsa, 1992-yilda qilgan Haj safari shoirning keyingi ijodiy faoliyatida yangicha yondashuvlar, obrazlar silsilasini olib kirdi. Xususan, "Haj daftari" turkumiga kirgan Ona mavzusidagi she'rlarida diniy ruh etakchilik qildi. Ona obrazini "Ka'ba", "Bayt ul-muqaddas", "Obi zam-zam"larga tashbeh qilinishi Haj safarigacha yozilgan ona mavzusidagi she'rlarida uchramaydi. Lekin shuni ham unutmasligimiz kerakki, shoirning "Jannatga yo'l" dramatik dostonidagi ona va yigit obrazi mana shu mavzudagi estetik qarashlarining debochasi bo'lgan bo'lsa ajab emas. Shu bilan birga, shoirni tasavvufiy ilmlarni, xususan, hadislarini chuqur o'rganganligini uning 80- yillarda yozilgan ijod namunalariidan ham anglash qiyin emas. Abdulla Oripovning: "Haj safariga meni Payg'ambarimiz hadislarining o'zi olib borib keldi" [O'zbek tili va adabiyoti, 2008:12],- degan jumalari ham fikrimizni dalillaydi.

Musoviya ibn Hayyida (roziyallohu anhu) aytdilar: «Rasulullohdan: «Ey Rasululloh, men yaxshiligimni kimga qilsam bo'ladi?» deb so'radim. «Onangga», –dedilar. Men shu savolimni uch marotaba qaytarsam ham, Rasululloh: «Onangga»,-deyaverdilar. To'rtinchi marotaba so'raganimda: «Otangga va yaqin bo'lgan qarindoshlaringga»,– dedilar»[Buxoriy, 2004:13] Shoirning Haj safari chog'ida yuqorida keltirilgan hadisi sharif asosida yozilgan quyidagi she'ri onaning naqadar buyukligi hamda uning ilohiylikka daxldor ekanligining iqrordir.

*Kimdir savol berdi: - Aytgil, Muhammad,
Yolg'iz sen Rasulsan butkul olamga.
Kimga ko'p yaxshilik aylay, o'zing ayt,
Ota-onamgami yoxud bolamga?*

*Rasul javob qildi: - Tingla, birodar,
Gapimni bir bora quloqqa ilgil.
Imkon topa olsang dunyoda agar,
O'ng avval onangga yaxshilik qilgil.*

*Bu hikmat sharhini o'yladim uzoq .
Rostdan ona erur qiblai olam.
Garchi barchamiz ham padarmiz, biroq
Onadan tug'ilgan payg'ambarlar ham.*

Yoxud shoirning "Haj daftari" turkumidan o'rin olgan "Ona" nomli she'rini ham yuqoridagi g'oyaviy maqsadning mantiqiy davomi, kulminatsiyasi deyish mumkin.

*Ka'ba qopqasida turgan ey, posbon,
Avval onalarning ochgin yo'llarin.
Onalar poyiga tiz cho'k o'shal on,
Tavof qil, ko'zga surt, o'pgin qo'llarin.*

Musulmon sifatida insonlarga Alloh bergan ilohiy ruh borligini bilamiz. Aynan shu ruhiy komponent biz ko'ra olmaydiganlarimizni ko'rish imkoniyatini berish uchun makon va zamon tashqarisiga chiqib kela oladi. Biz ilohiy mo'jizalarga ishonamiz va bu mo'jizalar har qanday paranormal (lotincha- "tashqarida bo'lgan" degan ma'noni anglatadi. etimologik ma'noda "normal chegaradan tashqarida bo'lgan holat") tarzda bo'lsa ham. Ona vujudida ham ana shunday ilohiy ruh borki, biz ko'ra olmaydiganlarimizni ko'ra oladi, his qila olmaydigan jihatlarimizni his qila oladi va bunda hech qanday makon va zamon ahamiyat

kasb qilmaydi. Shuning uchun ham bizni onani ilohiylikka dahldor deb bilish va ona obraziga esa irfoniy ko'z bilan qarashga undaydi.

Endi yuqorida tahlil qilayotganimiz “O'zbek onasi” she'rida qalamga olingan “Sen o'zing Ka'bamsan, Bayt ul-muqaddas” kabi tashbehlarining mohiyati ancha oydinlashdi. “Vatanni Ona deb bekor aytilmas” deya Vatanni onaga qiyoslanishi zamirida ham ana shu muqaddas makon va e'tiqod kabi tushunchalar mujassamdir.

She'r shoir farzandi ekan uning ham o'z umri bor. Bu holat she'rning kompozitsiyasida ham, mazmunida ham o'z aksini topadi. Boqiy she'rlar uning mazmuniga daxldor bo'lsa, kompozitsiyasida esa uning ichki- siz-u bizning hayotimizga o'xshash gohi taxir, gohi shirin; gohi g'amgin xotiralar, gohi eng baxtli onlar aks etadi. Bu qaysidir ma'noda yuragimiz urishining kardiogrammadagi tasviriga o'xshaydi. Farzand ona yuragining bir parchasidan dunyoga kelgani kabi, balki she'r ham shoir yuragining tub-tubidan, qalb qo'ridan, agar uni o'zga olam deb atash mumkin bo'lsa, aynan o'sha o'zga ilohiy bir olamdan dunyoga kelgan yaratq deb atasak, mubolag'a bo'lmaydi. Ijodkorning “O'zbek onasi” she'rida ham yuqorida tahlil qilganimiz 3-baytdagi yuksak pafos-ko'tarinki ruh keying 3 baytda hazin kayfiyatga aylanadi: onaning boshidan kechirgan achchiq kechmishlari xotirlanadi:

*Boshingdan nimalar o'tmadi axir,
Vatandek taqdiring bo'ldi goh taxir...*

Yoxud:

Gohida balqiding Barchindek bo'lib,

G'o'zadek quriding Tursunoy bo'lib.., kabi misralarda onaning boshidan kechirgan ijtimoiy ahvoli,

og'ir turmushi tasvirlangan bo'lsa,

Faqat bolam deding, yashading, yonding,

Nokasi uchrasa, o'rtanding, tonding.. misralarida esa u buyuk jasorat egasi, millat farzandi deya o'zni unutgan kuyunchak siymo sifatida ko'z odimizda namoyon bo'ladi.

Adabiyot insonni har xil ko'rinishda, turli alfozda tasvirlaydi. Har bir yaratilgan obrazga, manzara yoki holatga muallif munosabati seziladi, bu munosabat ularning muayyan talqini ham. Muallif munosabati lirik qahramon tarzida namoyon bo'ladi. A.Oripov she'rlarida lirik qahramonni ko'p qirrali va shu bilan birga uyg'un obraz sifatida ko'ramiz. Uning lirik qahramoni evolyutsiyasi she'rda o'rtaga qo'yilgan muammolar, ularning mazmunini ochib berish, shoir she'riyatidagi asosiy motivlar va kayfiyatlar orqali yuzaga chiqadi. Shoir yaratgan obrazlarda ham ijodkorlik evolyutsiyasini his qilish mumkin. Bu jihat ,ayniqsa, Ona va Vatan obrazlarining tadrijiy ko'lamida yaqqol seziladi. Xususan, she'rning keying baytida oldingi baytdagi tushkunlik kayfiyati o'rmini yanada ko'tarinkilik, ilohiy bir ishonch egallaydi.

*Kelajak toychog'u toyingizdadur,
Jannat ham, albatta, poyingizdadur,
Vatan-ku Siz turgan joyingizdadur,
Payt keldi, aytmoqqa, gapning xonasi,
Ey, O'zbek onasi, O'zbek onasi.*

Ona butun bir xalq, butun bir millatning o'zisha xosligi, shakllanishi, namoyon bo'lishida alohida o'rin tutuvchi siymodir. U shu qadar ulug' va qudratli zotki, ko'zga ko'rinmas ulkan kuch bilan, mehr-muhabbat bilan faqat farzandlarini, yaqinlarini emas, balki butun boshli insoniyatni bag'riga bosib, dardiga darmon bo'la oladi. Onalarni ilohiylikka mengziganimiz ham shundandir. Zero “Bir umr talpinmish onaga qarab, ne-ne payg'ambarlar, ko'zlarida nam ”. Dilida iymon tuyg'usi mavjud inson borki, Allohning elchisi -payg'ambarlarga ergashadi, ular sari intiladi. Bu ne sinoatki, hatto payg'ambarlar ham onadan tug'ilgan. Ona-muqaddas mavzulardan biri. Shoir A.Oripov ilohiylik nuri yog'ilib turgan Ona obrazini yaratishda falsafiy mushohadalar yuritadi, diniy-adabiy manbalarni chuqur o'rganadi. Mana endi biz tahlil qilayotgan “O'zbek onasi” she'ridan ko'zlangan ijodkorning badiiy maqsadi oydinlashdi. She'rning dastlabki misralaridagi ona shaxsiyatiga berilgan ta'rif-u tavsiflar, istioraviy o'xshatishlar, tashbeh-u maqtovlar lirik asar maqta'siga shoirning ONAga-MILLAT ONASIGA bo'lgan cheksiz ehtiromi va iqrori sifatida ichki ruhoniyy tuyg'ulariga qorishiq tarzda badiiy umumlashmani dunyoga keltiradi.

*Sizga baxshidadir eng shohona bayt,
Aziz yelu yurtga duolaring ayt,
Payt keldi aytmoqqa, gapning xonasi,
Ey, O'zbek onasi, O'zbek onasi.*

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Qo'shjonov Matyoqub, Meli Suvon.Abdulla Oripov. —T.: Ma'naviyat, 2000.
2. Qozoqboy Yo'ldosh, Muhayyo Yo'ldosh. Badiiy tahlil asoslari-T.: 2016.
3. O'zbek tili va adabiyoti. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, 2008.12-son
4. Imom al-Buxoriy.Al-adab al-Mufrad. T.: 2004.13b

ABDULLA SHER IJODIDA TARJIMANING O'RNI
S.Haqqazarova, katta o'qituvchi, Farg'ona Davlat Universiteti, Farg'ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada Abdulla Sher ijodida tarjimachilikning o'rni hamda shoir tomonidan qilingan tarjimalar va ularning shoir ijodiga ta'siri yoritilgan.

Kalit so'zlar: tarjima san'ati, adabiy muhit, davr, poetik mahorat, falsafiy mushohada, asar g'oyasi, o'ziga xoslik, badiiy tarjima

Аннотация. В данной статье рассматривается перевод в творчестве Абдуллы Шера, а также литературоведческое влияние переводов на творчество поэта.

Ключевые слова: искусство перевода, литературная эпоха, поэтическое мастерство, философские наблюдения, поэтический перевод, идея произведения.

Abstract. This article examines the translation in the work of Abdullah Sher, as well as the literary influence of the poet's translations.

Key words: art of translation, literary era, poetic skill, philosophical observations, poetic translation, idea of the work.

Abdulla Sher o'z umrini samarali ijod bilan o'tkazmoqda. U o'zining she'r va dostonlari, dramatik va nasriy asarlari, yuksak badiiy tarjimalari bilan tanilgan ijodkorlardan biridir. Uning asarlari, asosan, zamonaviy ruhda yozilganligi, falsafiy mushohadalarga boyligi bilan ajralib turadi. U asarlarida kishilarning ma'naviy dunyosi, o'y- istaklari, intilishlarini o'ziga xos poetik obrazlar orqali mahorat bilan tasvirlab beradi. Abdulla Sher o'zi yaratgan purma'no asarlar, etika, estetika va falsafiy asarlardan tashqari tarjimachilik bilan ham shug'ullanib, Haynrix Haynening "Ishqiy qo'shiqlar", "Yoshlik iztiroblari", "Mehr-go'zallikdan ustun", "Sonetlar", Bayronning "Don Juan" she'riy romanini ingliz tilidan, A. Pushkin, N. Nekrasov, A. Axmatova asarlarini rus tilidan o'zbekchaga o'girdi. Shoir tarjima jarayonida asarlardagi har bir manzarani, shoirlarini ichki kechinmalarini mohirlik bilan namoyon qilgan. Ayni choqda o'zining ham bir qancha asarlari qozoq, qirg'iz, ozarbayjon, turk, rus, bulg'or, qalmaq, qrim-tatar kabi o'nlab xalqlar tillariga tarjima qilindi. "Asarni tarjima qilayotgan shoir yuqoriga chiqib olishi lozim, - deydi tarjimon. U asarni yozgan adib bilan "ijodiy ring"ga chiqadi, ya'ni kurashadi, men zo'rmanmi yoki asarni yozgan adib zo'rmi" degan qabilda kurash olib boradi. Shoir tarjima jarayonini shunday tasvirlaydiki, asar tarjimoni asar yozuvchisidan ko'ra kuchliroq bo'lishi kerak, yozuvchi bilan tarjimon o'rtasida keskin kurash jarayoni yuz beradi va shundagina tarjima qilingan asar juda maroqli va jonli chiqadi. Zero, shoir o'zi ta'kidlaganidek, "Nasr tarjimasida tarjimon muallifning quli, she'riy tarjimada tarjimon muallifning raqibi" [1] Ushbu aqidaga amal qilgan shoir o'z tarjimalarida, avvalo, o'sha adib yashab o'tgan davrni yaxshilab o'rganadi va unda bo'lgan voqea- hodisalarni o'z ruhiyatiga singdira oldi. Shoir tarjima qilgan asarlariga qayta- qayta murojaat qiladi va har safar asarlarni qayta tarjima qilganda, o'sha asarni yangitdan yana kashf qiladi. Ijodkor tomonidan nemis poeziyasining mashhur vakillaridan biri Haynrix Hayne asarlari yuksak mahorat bilan tarjima qilingan. Umrini nemis xalqining hayotini farovon qilish uchun kurashga tikkan Hayne o'z manfaatidan boshqa narsani o'ylamaydigan amaldorlarga yoqmas edi. Shuning uchun ham u 1830 yilda u Fransiya ketishga majbur bo'ldi. O'sha yilning iyulida sodir bo'lgan inqilobdan keyingi Parijdagi siyosiy va adabiy hayotda faol ishtirok etadi. Hayne she'rlarini Abdulla Sher tarjimasida o'qir ekanmiz, she'rlarni xuddi o'z ona tilimizda o'qigandek bo'lamiz va undagi nozik kechinmalardan ta'sirlanamiz:

Shoshma darg'a, shiddatli darg'a,
 Bandargohga bir qaytay men-
 Xush qol deyin suluv dildorga,
 Ovroppaga vido aytay men.

Haynening ijodiy faoliyati Germaniyada lirik poeziya gullagan davrga to'g'ri keldi. Hayne o'zining jo'shqin lirik she'rlari bilan nemis lirik poeziyasi ravnaqiga katta hissa qo'shdi. Uning poeziyasi nemis romantizimining eng yuqori cho'qqisi bo'ldi.

Jonim! Seni asrasin xudo
 Kun tig'idan, ayozdan doim
 Va shafaqating uchun, iloyim
 G'azabini ko'rmasin ravo.

Ma'shuqaga etisha olmagan oshiqning sevgisi Hayne lirikasida bosh mavzu bo'lib qoldi. Sevgi iztiroblari shoirning she'rlarida kuyib-pishib kuylanadi. Hayne lirikasida sevgi mavzusini qandaydir ilohiy bir hissiyot bilan bog'laydi va Abdulla Sher tomonidan tarjima qilingan she'rlarda ham ana shu ilohiy tuyg'u o'z o'rini yo'qotmagan:

So'z ber, jonim, endi men-o'zga:

Ishongayman birgina so'zga!
Men ko'ksinga bosh qo'yganim vaqt
Ishonaman borligiga baxt;
Ishongayaman sen bilan xurram
Yashashimga u dunyoda ham

Abdulla Sher tomonidan qilingan barcha tarjimalar o'zining badiiy saviyasi va badiiy detallarni o'z o'rnida ishlatilganligi bilan ajralib turadi. Adib tarjimalarida o'sha yurt nafasi, o'sha millatning hissiyotlari ufurib turadi. Shoir o'z uslubi, g'oyaviy-estetik qarashlari bilan o'zining dunyosini yaratadi, bu esa shoir tomonidan qilingan tarjimalarda yaqqol namoyon bo'ladi. Tarjima muvaffaqiyatli chiqishi uchun tarjimon o'sha davr ruhiyatini o'ziga singdira olgan va albatta, asar ijodkorini o'sha davr adabiyotida tutgan o'rniga ham alohida e'tibor qaratdi. Hayne tomonidan yaratilgan asarlar katta zavq va ishtiyoq bilan kutib olingan va uning har bir asarini sevib mutolaa qilganlar. Hayne mo"jizakor qalami tufayli, XIX asr voqeligini, ijtimoiy hayot yangiliklarini o'z mohiyatiga singdirgan ajoyib poetik asarlar yaratdi. Uning gohi nafis va hazin, gohi quvnoq va sokin, gohi jo'shqin va yorqin hislarga to'la she'rlari nemis poeziyasini yangi bosqichga ko'tardi. Abdulla Sher Haynening ana shu inson ko'zi ilg'amas nozik tuyg'ularini ich-ichidan his qila oldi va tarjimalarida shoirning iztiroblariyu, kechinmalarini kitobxonga etkazib berdi:

Ming yillarki, g'ujg'on yulduzlar
Yuksaklarda qotgan cha turar,
Ishq sog'inchi yongan ko'z bilan
Bir-biriga to'ymay termular

“Tarjimon tug'ma iste'dod egasi bo'lishi kerak. U kitobdagi eng muhim va eng yaxshi jihatni ko'rishi va ko'rsata bilish zarur”. [2 .4]

Darhaqiqat, Hayne aytganidek, tarjimon har bir tarjima qilayotgan asari g'oyasini tushuna olishi, unda shoirning asosiy maqsadini, kitobxonga nima demoqchiligini tushuntirib bera olishi zarur. Abdulla Sher Haynening qalb kechinmalari va tuyg'ularini yurakdan his qila oldi, tarjima jarayonida ham asarning asliyatini yo'qotmaslikka intildi. Hayne lirikasida o'z hislarini qalamga ko'chiradi, fikrlarini hayotiy tafsillar bilan asoslashga intiladi, tabiiy lavhalariga hamohang bo'lgan vaziyatlarni ko'z o'ngimizda gavdalandiradi. Tabiatdagi narsa va hodisalarni jonlantirish orqali lirik qahramonning ruhiy holati ifoda etiladi:

Tengi yo'q yoz , jazirama yoz
Yuzginangda lovullar, jonon:
Tengi yo'q qish, qaqshatqich ayoq
Qalbginangda bugun hukmron.
Dunyo ishi, lekin, o'zgarish,
O'zgargaysan sen ham begumon:
Yuzlaringga bir kun tepchib qish,
Yuragingga kirar saraton.

Jahon she'riyatining aksariyat sara asarlari bevosita oniy lirik kechinma og'ushida yaratilgan asarlardir. She'rda tasvirlangan tabiat tasvirining go'zal ifodasi shoirning jo'shqin va samimiy e'tirofi zamiriga singib boradi. Kitobxon shoir shaxsiyatining, fikri va lirik qahramon hissiyotining sirini anglashga intiladi, bu esa she'riyatning ajib sehrli samarasidir. Adib tarjimalarida inson qalbining nozik tuyg'ulari ifodasi sezilib turadi, shu sababli undan bahramand bo'layotgan muxlislar nemis shoiri ijodiyoti bilan o'z qalblari o'rtasida yaqinlik sezadilar.

Seni har tun tushda ko'raman,
Tikilasan menga mehribon,
Quvonch yoshim tirqirab ko'zdan,
Yiqilaman poyingga komron.

Hayne she'riyatida tush detaliga ko'p duch kelamiz. Buning sababi, fikrimizcha tush epizodlari shoir tafakkuriga keng yo'l ochadi. Shu zamin farzandi bo'lgan tarjimon Haynening tush bilan bog'liq lirik tafsilotlarini bizning ruhimizga mos ravishda tarjima qiladi. Haynening lirik qahramoni ko'pincha tushida sevgilisining visoliga erishadi, uyg'oqlikda armon bo'lgan visolga tushida etishadi, nafrat va muhabbatini ham tushida to'kib soladi:

Ko'rdim qirol qizini tushda,
Ko'zlari yosh, rangi qorday oq.
Uni suyub tutdim og'ushda,
Jo'kizorda tun bo'yi titroq.

Hayne o'zini romantizmning oxirgi shoiri va birinchi tanqidchisi deb atagan. Romantik kayfiyat uning asarlarida muhim o'rin egallagan. Uning poeziyasi romantik shirin xayollar va orzularga bo'lgan tanqidiy munosabat va prozaik detal, hamda tafsilotlar bilan to'ldiriladi. [3. 8] Hayne poeziyasi inson yuragiga

huzurbaxsh zavq beradi, bu zavq sururi yashash shavqini oshiradi va qalblarga orom bag'ishlaydi. Hayne she'rlari bundan buyon ham she'riyat shaydolari tillarida yangrayveradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. "Tundaliklar" teleko'rsatuvi shoir va tarjimon Abdulla Sher mushohadalari shoir Zabo Mirzaeva bilan suhbat "Ma'rifat va madaniyat" 13 dekabr, 2021 yil.
2. "Mehr -go'zallikdan ustun". Haynrix Hayne ijodidan caralangan satrlar. Abdulla Sher tarjimasi.
3. "Sevgi iztiroblari" A. Akbarov. Toshkent. "Dono" nashriyoti,
4. "Yoshlik iztiroblari". Abdulla Sher tarjimasi, Toshkent, G'afur G'ulom nashriyoti, 1997 yil

UO'K 81'367.625.5

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA O'TIMLI FE'LLAR TASNIFI MUAMMOSI

M.A. Hamidova, o'qituvchi, Toshkent Davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada muallif ingliz va o'zbek tillarida o'timli va o'timsiz fe'llarning tasnifi muammosini, xususan o'zbek va ingliz tillarida fe'llarning leksik-semantik jihatda o'xshashlik va farqli tomonlarini ilmiy asoslab o'rgangan. Chunki, chog'ishtirma tilshunoslik chet tili o'qitish metodikasining lingvodidaktik asosi hisoblanib, bir-biriga qardosh bo'lmagan tillardagi farq va o'xshashliklarning metodik jihatdan ahamiyatining o'rganilishi xorijiy tilni o'zlashtirayotganlar nutqida ro'y beradigan tillararo interferensiya va fasilitasiyalarni aniqlash, o'rganilayotgan tilning qulay va samarali jihatlarini aniq ko'rsatish imkonini beradi. Shuningdek, turli tillarning o'ziga xos tendensiya va qonuniyatlarini ochib berish, tillararo muqobillarni aniqlash, doimiy aloqada bo'lgan tillarning o'zaro boyishi hamda bir-biriga ta'sirini oydinlashtirish kabi masalalar o'rganilgan.

Kalit so'zlar: fe'l, o'timli fe'l, leksik-semantik xususiyat, tasnif, farq va o'xshashlik

Аннотация. В данной статье автор проанализировал и классифицировал английские и узбекские типы глаголов в соответствии с отношением между грамматикой и лексикой. И она изучила дополнение к переходным и непереходным глаголам, в английском языке были идентифицированы бифункциональные глаголы, грамматически значимая классификация глаголов в соответствии с их лексико-грамматическим значением, образованием, отношением к объекту, обязательной отвагой, требуют ли они предлоги. объект или нет, предел действия во времени, непереходные глаголы, которые могут использоваться в пассивном голосе, и глаголы, которые используются с формальным субъектом, были разработаны.

Также новый подход к глагольным категориям голоса, настроения и аспекта в узбекском языке, такой как точка зрения категории голоса, которая состоит из тройной оппозиции - активной, пассивной и рефлексивной, транспозиции настроения в узбекском языке как в английском и наблюдение категории аспекта было доказано.

Ключевые слова: глагол, переходный глагол, лексико-грамматическое значение, формирование, классификация, сходства и различия.

Abstract. In this given article the author analyzed and classified the English and Uzbek verb types in accordance with the relation between grammar and vocabulary. And she learned addition to the transitive and intransitive verbs, bifunctional verbs have been identified in the English language, the grammatically significant classification of the verbs according to their lexico-grammatical meaning, formation, relation to the object, obligatory valiancy, whether they require prepositional object or not, the limit of the action in the time, the intransitive verbs which can be used in the passive voice and the verbs which are used with a formal subject have been worked out.

Also a new approach to the verb categories of voice, mood and aspect in the Uzbek language, such as a viewpoint of the category of voice which consists of triple opposition – active, passive and reflexive, transposition of mood in the Uzbek language as in English and the observation of the category of aspect have been proved.

Key words: verb, transitional verb, lexico-grammatical meaning, formation, classification, similarities and differences.

Kirish. Jahon tilshunosligida so'nggi yillarda qiyosiy va chog'ishtirma tilshunoslik doirasida ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Zotan, chog'ishtirma tilshunoslik chet tili o'qitish metodikasining lingvodidaktik asosi hisoblanib, bir-biriga qardosh bo'lmagan tillardagi farq va o'xshashliklarning metodik jihatdan ahamiyatining o'rganilishi xorijiy tilni o'zlashtirayotganlar nutqida ro'y beradigan tillararo interferensiya va fasilitasiyalarni aniqlash, o'rganilayotgan tilning qulay va samarali jihatlarini aniq ko'rsatish imkonini beradi. Shu bois, turli tizimli tillarni chog'ishtirish, ularning o'rganilmagan qirralari yuzasidan izlanishlar olib borish zamonaviy tilshunoslikda tobora dolzarblashmoqda. Shuningdek, turli tillarning o'ziga xos tendensiya va qonuniyatlarini ochib berish,

tillararo muqobillarni aniqlash, doimiy aloqada bo'lgan tillarning o'zaro boyishi hamda bir-biriga ta'sirini oydinlashtirish kabi masalalar chog'ishtirma tilshunoslikning nazariy vazifalari sirasiga kiradi.

Asosiy qism. Fe'l so'z turkumi, uning turlari, yasalishi va grammatik kategoriyalari haqidagi muhim ma'lumotlar dastavval A.N.Kononov [1], A.M.Sherbak, A.G'.G'ulomov, A.P.Hojiev kabi taniqli olimlarning [2] ilmiy asoslangan asarlarida o'z ifodasini topgan va o'zbek tilshunosligida fe'l nazariyasi yuzasidan izlanishlarning rivojlanishiga turtki bo'lgan. Shuningdek, fe'llarning ayrim semantik turlari (nutq, holat, yumush, sezish, yo'nalma, ob'ektli va ob'ektsiz harakat fe'llari), valentlik ko'rinishlari hamda ularning semantik xususiyatlari I.K.Qo'chqortoev, R.Rasulov, S.H.Muhamedova, M.K.Abuzalovalarning doktorlik [3] va O'.Sharipova, D.Abdullaeva, Z.U.Siddiqov, T.T.Musaev, G.A.Narimova, V.A.Karimjonova va boshqalarning nomzodlik ishlarida [4] tadqiq etilgan. Ingliz tilshunosligiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, fe'lning ayrim jihatlari va uni tasniflash masalasi M.Aronoff, J.L.Bybee, W.Pagliuca, R.D.Perkins, A.M.Clark, R.A.Close, Sh.Fries, P.Hill, R.Huddleston, J.K.Pullum, O.Jespersen, M.Joos, S.Kemmer, M.Newings, F.R.Palmer, D.Osten, H.A.Pousta, John E.Warriner, M.Swan, K.Walter, M.Haspelmith, Richard Nordquist, Kenneth Beare va boshqalarning [5] ishlarida ko'rib chiqilgan.

So'z turkumlariga ayrim tilshunoslar so'zlarning grammatik tasnifi deb qaraydilar va ularda grammatik kategoriyalarni ko'radilar. Boshqa guruh tilshunoslari esa ularni so'zlarning leksik-grammatik tasnifi deb ataydilar. Bizningcha, ikkinchi fikr haqiqatga yaqin, chunki grammatik ma'no so'z asosidan tashqarida ifodalanadi, so'z negizi esa leksik ma'no anglatadi. Birinchi fikr tarafdorlarining nuqtai nazarlariga munosabat bildirilganda, so'z turkumlariga grammatik kategoriyalar deb qaralsa, ulardagi leksik mavhum ma'no (predmetlik, harakat va boshqa ma'nolar) mavjud emas degan mantiqiy mulohaza vujudga keladi. So'z turkumlarida leksik ma'no mavjud bo'lar ekan, lug'at tarkibidagi so'zlarning barchasi grammatik kategoriyalar hisoblanmaydi.

Leksik va grammatik belgilarning ishtirokiga ko'ra fe'llarning tasnifi, asosan, uch xil bo'ladi: leksik-semantik, leksik-grammatik va grammatik tasniflar. Leksik-semantik tasnif leksikologiyada qo'llaniladi, ularga semantik maydonlar, tushuncha maydonlari, leksik-semantik guruhlar, tematik guruhlar, leksik maydonlar kabilar kiradi. Lug'at tarkibidagi so'zlarni bunday tasnif qilishga bag'ishlangan bir qancha ishlarning [4] mavjudligi bu tasnifga alohida to'xtalishni taqozo etmaydi.

Til birliklarini guruhlashtirishda leksika va grammatikani e'tiborga olgan holda tasnif qilish leksik-grammatik tasnif sanaladi. Tildagi eng katta va keng qamrovli leksik-grammatik tasnif – so'zlarni turkumlarga ajratib tasnif qilish hisoblanadi. So'z turkumlarining leksik jihati ularning negizida ifodalangan mavhum kategorial ma'nolar hisoblanadi (harakat, predmet, belgi va hokazolar). Grammatik jihati ularning morfologik kategoriyalari ifodalagan grammatik ma'nolardir (zamon, modallik, nisbat, shaxs, son va hokazolar). Grammatik tasnifda grammatik belgi muhim asos sanaladi. Bunday tasnifga misol tariqasida fe'llarning standart va nostandart turlarga ajratishni keltirish mumkin.

Fe'l mavzusiga bag'ishlangan qator asar va grammatikaga doir ishlarni (grammatik nazariyalar) tahlil qilish natijasida bir qancha munozarali fikrlar aniqlandi. Xususan, AQSh va ingliz tilshunos olimlari R.Quirk, R.A.Close, J.E.Warriner, R.Nordquist kabilarning ingliz tilida fe'l turlari bo'yicha keltirilgan tasniflarini tahlil qilish natijasida turlar o'rtasidagi son jihatdan mavjud bo'lgan keskin farqni kuzatish mumkin. Shuningdek, rus tilshunoslari [5] ham ingliz hamda o'zbek tillarida mavjud fe'l turlarini atroflicha tahlil qilishga harakat qilganlar, lekin ularni tasnif qilishda grammatika va leksika o'rtasidagi bog'liqlik

e'tiborga olinmagan. Ayniqsa, tilshunos olimlar orasida M.Blox [7] tomonidan ishlab chiqilgan tasnifda fe'l turlari juda ko'p miqdorga ajratilganligini alohida ta'kidlash joiz. Uning tasnifida fe'lning

30 taga yaqin turlari sanab o'tilgan bo'lib, keltirilgan turlarning xilma-xilligi M.Ya.Blox ularni yuqorida sanab o'tilgan belgilarni inobatga olmagan holda tasniflaganidan dalolat beradi

Grammatika bilan leksika o'rtasidagi bog'liqlikni hisobga olgan holda, ingliz va o'zbek tillaridagi fe'l turlarining yangicha ilmiy tasnifi ishlab chiqildi. Shu nuqtai nazardan, tadqiqotda ingliz va o'zbek tillarida quyidagi grammatik jihatdan ahamiyatli bo'lgan fe'l turlari aniqlandi: mustaqil ma'no anglatishi; shakl yasashi; ob'ektga munosabati; valentligi; fe'llarning predlogli to'ldiruvchi olishi; o'timsiz fe'llarning passiv nisbat formasida kela olishi; harakatning vaqtda chegaralanganligiga ko'ra tasniflari hamda formal egani talab qiluvchi va yarim predikativ sintaktik qurilmalar bilan ishlatiladigan fe'llar.

Shunga muvofiq, ingliz va o'zbek tillarida fe'llarning mustaqil ma'no anglatishiga ko'ra mustaqil va nomustaqil fe'l turlari belgilandi.

I. Mustaqil fe'larning leksik ma'nolari to'liq bo'ladi va ular mustaqil ravishda ifodalanadi. Mustaqil ma'noli fe'llar, odatda, gap bo'lagi vazifasida keladi, ular ikkala tildagi lug'atlarda markersiz (ajratib ko'rsatmasdan, belgisiz) beriladi. Mustaqil ma'noli fe'llar ochiq sistemani hosil qiladi va ob'ektiv borliqdagi konkret harakatlar, holatlar, jarayonlarni atab gap nominasiyasining (ifodalangan voqeani) eng kerakli qismini hosil qiladi. Misollar: The order was done before expiry date. – Buyurtma muddatidan oldin bajarildi.

II. Nomustaqil fe'llar mustaqil ma'no anglatmaydi, gap bo'lagi vazifasida kela olmaydi hamda mustaqil fe'llarga xizmat qiladi. Ular turli grammatik ma'no ifodalash uchun qo'llanadi, ko'pincha asosiy fe'lga modal, tus davomiylik, zamon, nisbat, bo'lishli-bo'lishsizlik, taksis va boshqa grammatik ma'nolarni qo'shishga xizmat qiladi. Nomustaqil fe'llarning muhim grammatik ahamiyati ham shunda bo'lib, ularning soni juda ozchilikni tashkil qiladi, shuning uchun fe'llarning ushbu turi yopiq sistema sanaladi.

Nomustaqil fe'larni qiyoslab o'rganish orqali ular har ikkala tilda o'ziga xos tarzda bir-biridan butunlay farq qilishi aniqlandi. Ingliz tilida: bog'lama, yordamchi va modal fe'llar; O'zbek tilida: bog'lama, yordamchi (to'liqsiz) va ko'makchi fe'llar.

1. Bog'lama fe'llar asosan ot (I am a teacher), sifat (She is beautiful), son (It is 9 o'clock), olmosh (It is me) so'z turkumlari va holat ma'nosini ifodalaydigan so'zlar (statives, adlinks) bilan birgalikda ot kesimni hosil qiladi. Bog'lama fe'llarning tahlili natijalariga ko'ra quyidagi turlari belgilandi: sof (to be); maxsus (sezgini ifodalaydigan: look, seem, appear, feel, taste; sezgini ifodalamaydigan: become, get, grow, remain, keep, turn, go, run). Shuningdek, bog'lama fe'llar mustaqil ma'no ham ifodalay oladi, bunday bog'lama fe'llar hozirgi vaqtgacha iste'molda bo'lib, ular mustaqil fe'llardan hosil bo'lgan. Masalan: To be or not to be, that's the question. (Shakespeare) – To be mustaqil fe'l sifatida qo'llanilgan.

2. O'zbek tilida ayrim tilshunoslar tomonidan bu ikki terminni (bog'lama va yordamchi fe'llar) bir atamaga birlashtirib, «to'liqsiz fe'l» deb ham qo'llaydilar. Shunga muvofiq o'zbek tilida to'liqsiz fe'llarni edi, emish, ekan tashkil qiladi. Shuningdek, o'zbek tilida bir nomustaqil fe'l kontekstga qarab bog'lama va yordamchi fe'l bo'lib kelishi mumkinligi ham kuzatildi. Masalan, edi nomustaqil fe'li quyidagi gaplarning birinchisida bog'lama fe'l vazifasida, ikkinchisida yordamchi fe'l vazifasida kelgan [9]: U yosh edi (bog'lama fe'l); 2. U biznikiga kelib turar edi (yordamchi fe'l).

3. Yordamchi fe'llar mustaqil fe'llarga qo'shilib, ularning kategorial formalarini yasaydi. Bunday formalar analitik formalar hisoblanib, ularda bitta mustaqil va birdan to'rttagacha (ingliz tilida) yordamchi fe'llar bo'ladi. Yordamchi fe'llar leksik ma'nosini yo'qotib, grammatik ma'no ifodalaydi va ular asosan fe'lning grammatik formalarini yasash uchun xizmat qiladi. Ingliz tilida ular quyidagilarni tashkil etadi: to do, to have, to be, shall, will, should, would. O'zbek tilshunosligida yordamchi fe'llarni ba'zan to'liqsiz fe'l deb ham ataydilar.

4. Modal fe'llar hozirgi o'zbek adabiy tilida mavjud emas, ingliz tilida esa mavjud. Modal fe'llar shakllari, grammatik belgilari, ma'nolari, ishlatilishi va yana qator xususiyatlari bilan boshqa nomustaqil fe'llardan ajralib turadi. Ular kerak, imkoniyat, ehtimollik, mumkinlik, noreallik, gumon, ishonchsizlik, xohish-istak, ruxsat, taqiq kabi modal ma'nolar, shuningdek emosiya, ajablanish, ikkilanish kabi qator ma'nolarni ifodalash uchun xizmat qiladi. «San va may»dan tashqari hamma modal fe'llar hech qanday grammatik kategoriyalar, ya'ni zamon, mayl, nisbat, tarz, shaxs-son morfologik kategoriyalariga ega emas. Ularning hech biri infinitiv, sifatdosh va gerundiy shakllarida kela olmaydi, bo'lishsiz formasini yasashda yordamchi fe'llar qatnashmaydi, aksincha, not inkor yuklamasi qo'shiladi. Shu boisdan ular defektiv (kamchiligi bor) fe'llar sanaladi. Modal fe'llarning mavjudligi barcha grammatika mutaxassislari tomonidan tan olinadi, ammo ularning soni va ayrim ma'nolari haqida turli fikrlar mavjud. O'.Q.Yusupov modal fe'llar ifodalaydigan ma'nolar murakkab ekanligini hisobga olib, ularni o'zbek tiliga tarjimalari orqali tushuntirishga harakat qilgan va modal fe'llarning o'zbek tilidagi muqobillarini keltirib o'tgan. Tadqiqot ishining ushbu qismida O'.Q.Yusupovning modal fe'llar semantikasi haqidagi fikrlaridan foydalanildi. Modal fe'llarning quyidagi turlari ajratildi: (can (sould) may (might), must, ought to, shall (should), will (would)). Tahlil natijalari o'zbek tilida modal fe'llar mavjud emasligini ko'rsatdi. Ko'p hollarda o'zbek tilida ular o'rniga modal so'zlar (shart, zarur, mumkin, ehtimol, kerak) to'g'ri kelib, xuddi ingliz tilidagi modal fe'llar bajargan vazifada qo'llanilishi kuzatildi.

Ingliz va o'zbek tillaridagi o'timli va o'timsiz fe'llarni chog'ishtirish natijasida umumiy o'xshashlik va farqlar aniqlandi, ya'ni o'zbek tilida fe'llar o'timli va o'timsiz, ingliz tilida esa o'timli, o'timsiz va qorishiq (fe'llarning ushbu turini biz qorishiq 'llar – double function verbs deb nomladik) fe'l turlariga ajratildi. Ingliz tili uchun xos bo'lgan qorishiq fe'llar kontekstga (distribusiyaga) ko'ra o'timli yoki o'timsiz bo'la olishi mumkin. Masalan: to sell fe'li qo'yidagi gaplarning birinchisida o'timli, ikkinchisida o'timsiz tarzda qo'llanilgan: 1. We sell books. (o'timli) – Biz kitob sotamiz; 2. The books sell well. (o'timsiz) – Kitoblar yaxshi sotilyapti. Qorishiq fe'llarning ro'yxati xuddi noto'g'ri fe'llar jadvali kabi grammatikaga oid darslik va qo'llanmalarda berilishi tavsiya etildi.

Fe'llarning valentlikka ko'ra tasnifi tahlili, fe'llarni bir valentli (bir aktantli), ikki valentli (ikki aktantli) va uch valentli (uch aktantli) fe'l turlariga ajratish imkonini berdi. Bunda gapdagi ega va to'ldiruvchilarning mavjud bo'lishi kesimni ifodalab keluvchi fe'lga bog'liq. Fe'l o'zining valentligi (birikishi) bilan ega va to'ldiruvchilarga o'rin beradi.

Tilshunoslikda fe'lning ega va to'ldiruvchilarni talab qilishi uning zaruriy (obligator) valentligi deb ataladi. Mana shu o'rin ochishi, ya'ni zaruriy valentligiga ko'ra fe'llar yuqoridagi turlarga taqsimlandi.

Tildagi valentlik bilan nutqdagi valentlikni farqlash lozim. Tilda fe'l valentligi ega va to'ldiruvchilarga potensial o'rin ochishi bilan birga, bu o'rinlarni o'tning qanday semantik turlari to'ldirishi mumkinligi haqida ham ma'lumot bildiradi. Nutqda esa bu valentlik reallashadi, ya'ni aktantlar konkret so'zlar (otlar) bilan to'ldiriladi, bunda kesim ega vazifasidagi agens bilan shaxs-sonda moslashadi, to'ldiruvchi vazifasida kelgan pasiens va adresatlarni ma'lum kelishikda kelishini yoki ma'lum predloglar bilan ishlatilishini talab qiladi. Demak, tilda fe'l valentligi asosida leksik semantika yotsa, nutqda uning asosida ham leksik semantika, ham grammatik semantika yotadi.

Fe'llarning predlogli to'ldiruvchi olishiga ko'ra turlari, formal egani talab qiluvchi va yarimpredikativ sintaktik qurilmalar bilan ishlatiladigan fe'llarni o'rganish natijasida bu tasniflar faqat ingliz tilida mavjudligi aniqlandi.

Yarimpredikativ sintaktik qurilmalar bilan qo'llaniladigan fe'llarning tahlili ko'rsatishicha, fe'lning ayrim semantik turlari ingliz tilida grammatik jihatdan ahamiyat kasb etishi kuzatildi. Masalan, The Objective – with – the – Infinitive Construction, The Objective Participial Construction, The Subjective Infinitive Construction, The Subjective Participial Construction deb atalmish yarimpredikativ sintaktik qurilmalar ko'rish, sezish, eshitish va aqliy fe'llar bilan qo'llanilishi aniqlandi. To get, to have, to make kabi kauzativ fe'llar ham ma'lum yarimpredikativ sintaktik qurilmalarni talab qilishini ham ta'kidlash joizdir.

O'timsiz fe'llarning passiv nisbat formasida kela olishiga ko'ra turlarini tadqiq qilinishi, bu borada ham farqlar mavjudligini ko'rsatdi. O'zbek tilida o'timsiz fe'llar ingliz tilidagi o'timsiz fe'llardan farqli ravishda passiv nisbatda kela olmaydigan (yiqilmoq) va passiv nisbatda kela oladigan (bormoq-borilmoq) turlarga bo'linadi.

Harakatning vaqtda chegaralanganligiga ko'ra fe'l turlarining tahlili natijasi, bu belgiga ko'ra fe'llar terminativ va noterminativ turlarga bo'linishidan dalolat beradi. Terminativ fe'llar ifodalagan harakat qisqa vaqt ichida tugaydi: to break – sinmoq, to close – yopmoq va hokazo. Noterminativ fe'llar ifodalagan harakat vaqt jihatdan chegaralanmagan bo'ladi: to think – o'ylamoq, to know – bilmoq, to play – o'ynamoq. Shunga muvofiq, har ikkala tilda ushbu fe'llarning qo'llanilishi va yasalişida bir qancha farqlar ko'zga tashlandi. Ingliz tilida fe'lning bu turlari o'zbek tilidagilardan farqli ravishda grammatik jihatdan ahamiyatga ega, chunki noterminativ fe'llarning ayrimlari (to know, to consist, to love, to live) «The Present Continuous Tense»da deyarli qo'llanilmaydi. Lekin bu fe'llarning grammatik ahamiyati alohida tadqiqotni talab qiladi. O'zbek tilida esa ular grammatik jihatdan ahamiyatli hisoblanmaydi, chunki bu tilda ushbu fe'llar grammatikaning ma'lum formalarini talab qilmaydi.

Xulosa. 1. O'zbek tilida fe'llar o'timli va o'timsiz, ingliz tilida esa o'timli, o'timsiz va qorishiq (ikki vazifali) fe'llarga ajratiladi. Qorishiq fe'llar shunday fe'llarki, ular kontekstga (distribusiyaga) bog'liq holda o'timli yoki o'timsiz bo'la olish xususiyatiga ega. Tadqiqotlar natijasida 1600 ga yaqin qorishiq fe'llarni aniqlashga muvofiq bo'lindi. Qorishiq fe'llarning ro'yxati hech bir grammatikaga oid ishlar, darslik va qo'llanmalarda ko'rsatilmagan. Ushbu fe'llarning shakllantirilgan ro'yxatini ingliz tili grammatikasiga doir manbalarga kiritilishi tavsiya etiladi.

2. Ingliz va o'zbek tillarida fe'l o'zining individual ma'nosidan tashqari mavhum kategorial harakat ma'nosiga ega bo'lib, inson ongi bir- biridan semantik jihatdan farqli bo'lgan leksemalarni harakat ifodalovchi so'zlar, ya'ni 'llar deb qabul qiladi.

3. Leksik va grammatik ma'noning ishtirokiga ko'ra fe'llarning tasnifi uch xil bo'ladi: leksik-semantik, leksik-grammatik va grammatik. Leksik-semantik tasnif sinonimik qator, antonomik juftlik, semantik maydon, leksik maydon, tematik guruh, leksik-semantik guruh, tushuncha maydonlari kabi guruhlashtirishlardan iborat bo'lib, asosan leksikologiyada qo'llaniladi. Leksika va grammatikani e'tiborga olgan holda tilning ma'noli birliklarini guruhlashtirish leksik-grammatik tasnif sanaladi. So'z turkumlari tildagi eng katta va keng qamrovli leksik-grammatik tasnif hisoblanadi. Grammatik tasnif asosida faqat grammatik belgi yotadi.

4. Ingliz va o'zbek grammatikasiga oid qator adabiyotlarning chog'ishtirma tahlili natijasida fe'l turlarining tasnifi haqidagi fikr-mulohazalar bir-biridan keskin farq qilishi kuzatildi. Mazkur nazariy qarashlar o'rtasidagi tafovutlarning asosiy sababi quyidagilar bilan izohlanadi: fe'l turlarini tasniflashda leksika va grammatika o'rtasidagi bog'liqlik e'tiborga olinmagan; ilmiy tasnif asosida fe'l turlari belgilanmagan; ingliz va o'zbek tillarida fe'l turlari chog'ishtirma planda o'rganilmagan; o'zbek tiliga doir grammatik manbalarning deyarli barchasi faqat ona tilini o'rganuvchilar uchun mo'ljallangan. Bu jihatlar fe'l turlarining grammatik jihatdan ahamiyatli bo'lgan ilmiy tasnifini ishlab chiqishga asos bo'ldi. Fe'l tasnifiga leksik-grammatik tasnif nuqtai nazaridan yondashish taklif qilindi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Kononov A.N. Grammatika sovremennogo uzbekskogo literaturnogo yazika. – M. – L.: Izd-vo AN SSSR, 1960. – S. 187;
2. Sherbak A.M. Grammatika starouzbekskogo yazika. – M. – L.: Izd-vo AN SSSR, 1962. – S. 151–180; G'ulomov A.G'. Fe'l. – T.: Fan, 1954. – 88 b.; Hojiev A.P. Fe'l. – T.: Fan, 1973. – 192 b.

3. Kuchkartaev I.K. Semantika glagolov rechi v uzbekskom yazike (komponentniy i valentniy analiz). Diss. ... d-ra. filol. nauk. – T.: Fan, 1977. – 168 s.; Rasulov R. Glagoli sostoyaniya v uzbekskom yazike i ix valentnost'. Avtoref. diss. ...d-ra. filol. nauk. – T., 1989. – 34 s.; Muhamedova S.X. O'zbek tilida harakat fe'llarining semantikasi va valentligi. Filol. fan. dok. ...diss. – T., 2007. – 325 b.; Abuzalova M.K. Substansial morfologiya, valentlik va sintaktik qurilma. Filol. fan. dok. diss. avtoref. – Samarqand, 2018. – 32 b.
4. Karaulov Yu.N. Obshaya i russkaya ideografiya. – M., 1976. – 354 s.; Shur O. Teoriya polya v lingvistike. – M., 1974. – 256 s.; Trier J. Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes. Heidelberg, 1931; Ipsen G. Der Alte Orient und die Indogermanen «Festschrift für W. Streitberg». Haidelberg, 1924 va boshqalar.
5. Ganshina M.A., Vasilevskaya N.M. English Grammar.–M.:Foreign Languages Publishing House, 1953.–465 p.; Смирницкий А.И. Морфология английского языка.–М.: Изд. Литературы на иностранных языках.1959.–440 с.

UO'K 81-13

YUSUF SHOMANSUR SHE'RLARINING MAVZU KO'LAMI VA LIRIK QAHRAMON TABIATI

T.A. Jarkinova, magistr, Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada XX asr 60-70-yillar o'zbek adabiyotida o'ziga xos ijodi bilan o'z nomini muhrlagan shoir Yusuf Shomansur she'rlarining mavzu ko'lami, lirik qahramon tabiati tahlil etilgan. Ijodkorning mavzu tanlashdagi mahorati, noyob topilmalar yordamida hayot falsafasini anglashdagi badiiy idroki she'rlari misolida ochib berilgan.

Kalit so'zlar: mavzu, tazod, tashbeh, lirik qahramon, uslub, dunyoqarash, estetik ideal.

Аннотация. В статье анализируется тематика стихотворений поэта Юсуфа Шомансура, сделавшего себе имя в узбекской литературе 60-70-х годов XX века, и характер лирического героя. На примере стихов художественного восприятия раскрывается мастерство художника в выборе темы, в осмыслении философии жизни с помощью уникальных находок.

Ключевые слова: тема, контраст, аллегория, лирический герой, стиль, мировоззрение, эстетический идеал.

Abstract. The article analyzes the scope of the themes of the poems of the poet Yusuf Shomansur, who made his name in the Uzbek literature of the 60s and 70s of the XX century, and the nature of the lyrical hero. The artist's skill in choosing a theme is revealed in the example of the poems of artistic perception in understanding the philosophy of life with the help of unique findings.

Key words: theme, contrast, allegory, lyrical protagonist, style, worldview, aesthetic ideal.

Shoir, yozuvchi Yusuf Shomansur ijodi, uning she'rlari haqida fikr aytilish, ularning qiymatini belgilash murakkab. She'rlaridagi ko'lam, uslubiy rang-baranglik, faylasufona dunyoqarash shoir ijodini taftish qilishga undaydi.

Adabiyot maydonidagi shoir sifatidagi tavalludi ustozlari G'ayratiy shogirdiga oq yo'l tilab, bir necha she'rlarini gazetxonlar hukmiga havola etgan 1957-yil 6-aprel etib belgilansa-da, biroq to'rt-besh yil oldin vaqtli matbuot sahifalarida ko'rini boshlagan edi. Yusuf Shomansur XX asrning 60-yillari boshida adabiyot maydonida iste'dodli yoshlar safida o'z ovozigacha ega ijodkor sifatida tez-tez e'tirof etila boshlandi. 60-70-yillar o'zbek adabiyotida shoir, yozuvchi sifatida o'z o'rniga ega bo'ldi. Uning adabiy merosi boy. "Mehringga to'yamayman", "Oydan kelgan bolalar", "She'r dardida", "Akrom va makaron", "Qalam va umr", "Yuragim", "Tabassum", "Holva", "Qiziq-qiziq", "Dostonlar" kabi bir qator she'r, doston va ertaklardan tashkil topgan kitoblari, "Kulguga ne yetsin", "Qo'sh yurak", "Men o'tqazmagan daraxt", "Qo'zivoy" kabi to'plamlari buni tasdiqlaydi. U nafaqat yetuk shoir edi, romannavis sifatida ham qalam tebratdi. Mehnatkash xalqning fidokorona mehnatini "Qora marvarid" romanida ko'rsatib bera oldi. Dramaturgiya sohasida ham o'zini sinab ko'rdi. Mohir tarjimon sifatida o'z mahoratini ko'rsata oldi. Jahon adabiyotining yetuk vakili Shekspirning 154 ta sonetini mohirlik bilan tarjima qildi.

Shoir she'riy balog'at fasliga o'tar chog'ida bu foni dunyoni tark etdi. Biroq mavzu jihatdan rang-barang, usluban o'ziga xos, milliylik ruhi barq urgan she'riyat yaratdi. Uning she'rlarida ijodkor "men"i yaqqol bo'y ko'rsatadi. Shoir she'rlaridagi lirik qahramon haqiqatni suyadi, unga suyanadi, soxtalikni qoralaydi, do'stlikni qadrlaydi, vatanini, elini jonday ardoqlaydi, hayot falsafasini anglashga intiladi.

"Haqiqiy yozuvchini kimdir kar kelinga o'xshab chap yoki o'ng yelkasidan turtib turishi shart emas, – deb yozadi shoir Rasul Hamzatov. – Unga faqat o'z yuragining og'rig'i, o'z yuragining quvonchi qo'lga qalam tutqazadi" [1].

Yusuf Shomansur she'rlarida qalbni o'rtagan, qiynagan dardning, sevintirgan shodlikning suratini turli qiyofada ko'ramiz. "Men o'tqazmagan daraxtlar" she'rda shoir "dard"ga, dard "shoir"ga do'nadi.

Men o'tqazmaganim

Yashil daraxtlar

Xayol osmonida shovullar hamon

Chinor,
 Arg'uvonlar,
 Yong'oq,
 Teraklar
 Ko'ksimni og'ritar qo'zg'alsa shamol,
 Chunki
 Ko'kragimda ular ildizi.
 Sug'ordim mehrimni suvday eritib,
 Ularga tegmadi quyosh yog'dusi,
 Qonim harorati turdi ilitib.
 She'riyatning go'zal durdonalarini yarata olmaganligining armoni shoirmi o'rtaydi, tinmay azoblaydi.
 "Ko'ksimni og'ritar qo'zg'alsa shamol,
 Chunki
 Ko'kragimda ular ildizi"

misralarida shoir qalbini parmalayotgan dardni ta'sirchan ifodalaydi. Ko'ngil xazinasini bo'lmish asl she'rnlarni yaratishda turmush tashvishlari, hayot murakkabliklari to'siq bo'lganligini e'tirof etadi. Lekin uni "hayotda hech kimga yalinmay, qo'rqmay, bukilmay", haqiqatning ortidan borib, savob ish qilganligi quvontiradi. Lirik qahramon umidsizlikka tushmaydi. Chunki she'rlariga mehrdan ozuqa berib, ularni yuksaltirishga qaror qilgan:

Ko'kragimda qancha daraxt ildizi, -
 Sug'oray mehrimni suvday eritib.

Shoir tabiatan qat'iyatli, haqgo'y, to'g'rilikni xush ko'radi. Uning she'rlarida shu xususiyat mujassam.

Chuchmal gaplarga hech tob-toqatim yo'q,
 Yoqtirmayman soxta mulozamatni.
 Yorib ko'rsatmoq-chun ko'ngilni aniq
 Tig' kabi to'g'ri til lozimmasmi?

Haqiqatni yuzga ochiq aytuvchi, munofiqlikni qoralovchi ijodkor hayot faqat go'zallikdan emas, kurashlardan iboratligini ta'kidlaydi. Mashaqqatlardan toblanib, ruhiy poklanib, o'zligini topgan insongina buyuklikka da'vogar ekanligini ochiq-oshkora aytadi.

Rasul Hamzatov: "Mavzu yozuvchining dunyosi, yozuvchining o'zi", - deb ta'kidlaganda haq edi. Yusuf Shomansur mahorati mavzu tanlashda yaqqol ko'rinadi. Ijodkor mavzu tanlashda estetik idealiga tayanadi.

Fikr va tuyg'ular – qush, mavzu – osmon; fikr va tuyg'ular – bug'u, mavzu – o'rmon; fikr va tuyg'ular – kiyik, mavzu – tog'; fikr va tuyg'ular – yo'l, mavzu – shahar, unda barcha yo'llar tutashadi [2]. Shoirning fikr va tuyg'ulari ham ana shu mavzu – osmonda parvoz qiladi, qalbida mavjlanib turgan hislar qaldirog'i mana shu mavzu atrofida birlashadi. Har bir ijodkor mavzu tanladimi, unga o'zgacha yondashadi. Qalb qo'rini qo'shadi. Jumladan, haqiqat mavzusini olaylik, unga hamma o'z dunyoqarashidan kelib chiqib yondashadi. Insoniyat bu dunyoda haqiqat izlab yashaydi. Qudrati cheksizligini biladi. Shoir Yusuf Shomansur esa haqiqatni yurakdan axtaradi:

Odam yuragida sen yashar joying,
 Senga kerak emas
 Na amal, na taxt.
 Yolg'onchilik kasbin ming bir mashq qilib
 Va'z aytguday bo'lsa biror lo'ttibo'z,
 Kiprigin uchida turasan kulib,
 Yengasan
 Hattoki chiqarmay ovoz.
 Senda buyuk kuch bor,
 Bor buyuk qudrat.
 Qabarib turasan sodda Haqiqat!

Mavzu o'lgan baliqqa o'xshab, suvning yuzida teskari holda qalqib turmaydi. U tirik baliqday suvning tubida, tez oqar joyida, eng tiniq suvda, girdobida. Sen uni joyida ushla, girdobdan, sharshara ostidan ushlab ol. Axir, og'ir mehnat qilib topilgan pul bilan ko'chadan topilgan pul o'rtasida farq bor-ku [3]. Yusuf Shomansur ham original mavzuga murojaat qiladi. Mavzuni shunchaki axtarib topmaydi, noyob topilma bilan uyg'unlashtiradi. Adolat mavzusiga murojaat qilar ekan, hech kim anglamagan hodisani tasvirlab beradi. Adolatni oddiygina "Alfavit"da ko'radi. Insonlarni eng qat'iy qonun alfavit qonunidan o'mak olishga chorlaydi.

Alfavit qonuni eng qat'iy qonun,
 "A" o'rniga "B" ni yozolmaysan hech.
 Almashtirib
 biror harfning o'rnin,
 raqib-paqibingdan
 ololmaysan o'ch.

So'nggi o'rnidagi "H"ning huquqi
 Zarracha kam emas birinchilardan.
 O'rtada yo'q axir –
 Jarlik
 Yo cho'qqi,
 Yozuv uyi tikdir bir xil sinchlardan.

Intilmaydi hech harf mansab,
 Amalga,
 Alfavit qonuni eng qat'iy qonun.
 Biri yetkazaru birin kamolga,
 Pesh qilmaydi
 Biri
 Birining nomin.

Bu - shoirning betakror topilmasi. Bu misralarni o'qir ekanmiz, umr yo'limizga bir razm solib qo'yamiz. O'zimizni tashtish qilishga chog'lanamiz.

Shoir she'ri go'zal tashbehlariga boy. Unda mantiq, mulohaza kuchli. "Me'yor" ni **memor** deb biladi, u shunday memorki, go'zallikning imoratini qurishda yanglishmaydi, olam nafosati u bilan tirik.

Yaproqlarning yashilligida
 Ildizlarning toshni teshgan nigohini ko'rmasam,
 G'unchalarning toza qonday qizilligida
 Yurtimning bo'z tuprog'ini ko'rmasam,-
 She'rim bekor,
 Dostonim bekor
 Ya'ni,
 Hamma yozganim bekor!

Bu misralarda ona yurt tuprog'i aziz, mo'tabarligi ta'sirchan ifodalangan. Qip-qizil g'uncha - jo'shqin hayotning, kelajak avlodning ramzi. G'uncha esa ona zaminning farzandi. Ana shu farzandlar yurtning non-tuzini, mehrini unutsa, o'zligini yo'qotsa, shoir uchun ijod bekor, adabiyot bekor.

Yaproqlar yashilligiga uning ildizi sababchi. Agar ildizni sug'urib tashlasayiz, yam-yashil barg ham yo'q. Kelajakning borligiga sababchi bo'lgan ajdodlarni ardoqlab, xotirlab yurish biz avlodlarning burchimiz. Ularning unutsak, o'zimizni, mohiyatimizni unutgan bo'lamiz. Shoir uchun esa bu narsa fojia. Ijodkor tabiatning kichik jismidan ham falsafa axtaradi. Axir, bejizga aytishmaydi-ku, hayot – muallim, tabiat – biz uchun falsafa deb.

"Kecha va kunduz" she'rida tazod va tashbehni uyg'unlashtirib qo'llaydi.

Dunyo tarozisining
 Bir pallasi – Kun,
 Bir pallasi – Tun.

Kun va tunni dunyo tarozisining ikki pallasiga o'xshatadi, o'z o'rnida, badiiy adabiyotda kun va tun bir-biriga zid tarzda qo'llaniluvchi so'zlar sanaladi. So'ngra kun va tunni dunyoning ikki qo'liga o'xshatadi. Bir qo'li bilan mehnatga undasa, ikkinchi qo'li bilan oromga chorlaydi. Shoirning mahorati shunda ko'rinadiki, hayot qonuniyatini yuksak poetik mahorat bilan tasvirlab beradi.

Shunday aylanadi zamin gardishi.
 Kunduzma-kunduz,
 Kechama-kecha,
 O'tib boraverar dunyo tashvishi
 umrma-umr, avlodma-avlod.

Mana necha asrdirki, maqollar xalqning hayot tarzidan darak berguvchi, to'g'ri yo'lni ko'rsatguvchi xazina bo'lib kelmoqda. Undagi ma'nolar durini terib, anglab, amalda qo'llab kelmoqdamiz. Xalq donishmandligining namunasi sanalmish maqolni "*Mingga kirgan donishmand bir chol*" ga o'xshatadi.

Juda ham go'zal o'xshatish. Bunday o'xshatishlarni falsafiy mushodalar bilan uyg'un tarzda qo'llash shoirning alohida bir qirrasini.

Yusuf Shomansur mulohazakor, teran dunyoqarash egasi. "Hafta" she'rida umr mezonlarini faylasufona tahlil etadi. Shoir yozadi:

Dovullarni pisand qilmasdan hatto,
Sukunatning sovuq qa'riga cho'kmay,
Bir tekis aylanar charxpalak – hafta,
Ariqdan, yo'riqdan, tarixdan chiqmay.
Yakshanbadan toki shanbaga qadar
Chambarchas, o'lchovlik mo'jaz bir gardish.
Girdobidan necha asrlar o'tar,
Inson zoti ko'rgan farog'at, tashvish.

She'rni umumbashariy deb e'tirof etsak, adashmaymiz. Bashariyatning topgan farog'ati, chekkan tashvishi shu hafta kunlari charxpalagidan o'tadi. Hafta kunlari - "yetti bahodir", har narsaga qodir. Shuning uchun shoir ta'kidlaydi:

Dunyoda eng kichik, eng botir qo'shin
Shulardan, ming yilki xato yo'q safda.
Hech narsa dunyoga kelmagay qaytib,
Hech narsa muntazam yashamas takror.
Haftaning kunlari kelar saf tortib,
Hayot manguligin kim etar inkor?

"Haftaning yetti band mangu qo'shig'i" har vaqt kuylanaveradi. Insoniyatning yoshini o'g'irayveradi. Hafta qo'shinini dunyo sarbozi ham yenga olmaydi. Chunki abadiy sabot uni aslo tark etmaydi.

Shoir Rasul Hamzatov "Mening Dog'istonim" asarida mavzuni ibodatga qiyoslaydi va shunday qimmatli fikrlarni aytib o'tadi:

"Sharqliklar aytishadi: ibodatni takrorlagan bilan eskirmaydi, ibodatni takrorlagan sayin imon but bo'ladi. Mavzu haqida bunday fikr aytish mumkin emas. Chunki bitta mavzuni takrorlayversang, u maydalashadi, qadri tushadi" [4]. Shoir Yusuf Shomansur ham bitta mavzuga ko'p bora murojaat qilganini kuzatmaymiz. Mavzu tanlashda alohida iqtidorga egaligini anglaymiz. Shoir ma'lum mavzuni tanlar ekan, hech kim ilg'amagan jihatlarga e'tibor qaratadi. Yuragining ovozigina, nolalariga, amriga quloq tutib mavzu tanlagani uchun ham she'rlari "Ruhi o'lik she'r"ga aylanmagan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hamzatov R. Mening Dog'istonim. Badiia. Toshkent, "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2018.
2. Karimov B. "Ruhiyat alifbosi". – T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018.
3. Yusuf Shomansur. Qo'sh yurak. – T.: G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1981.
4. Yusuf Shomansur. Men o'tkazmagan daraxtlar. – T.: G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1986.

UO'K 808.3

IQBOL MIRZO IDIOSTILIDA "TAKROR" SINTAKTIK FIGURASINING QO'LLANILISHI

B.N. Kimsanboyeva, assistent, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

G.U. Zulaypoyeva, assistent, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada poetik – sintaksisga oid takror poetik figurasi haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: sintaksik stilistika, poetik figura, individual uslub (idiostil), takror, simploka.

Аннотация. В этой статье рассматривается поэтическая фигура повторения, которая является поэтической – синтаксической.

Ключевые слова: синтаксическая стилстика, поэтическая фигура, индивидуальный стиль (идиостиль), повторение, симплокация.

Abstract. this article focuses on the poetic – syntaxis repetition poetic figure.

Keywords: syntactic Stylistics, poetic figure, individual style (idiostil), repetition, simploka.

Poetik nutqda muallifning idiostili, ya'ni uning individual uslubi tilshunoslikda ham, adabiyotshunoslikda ham muhim masala hisoblanadi. Chunki lingvopoetik tadqiqda aynan muallifning o'ziga xosligi bir qancha yangiliklarga sabab bo'ladi.

Takror – ayni so'zning sintaktik birlik sifatida ikki va undan ortiq holda qo'llanishi bo'lib, ijodkorlar o'z asarlarida badiiy nutqning ta'sirchanligini oshirish, qahramonning ruhiy holat kechinmalarini ifodalash uchun foydalanadilar. Takrorning badiiy uslubdagi vazifasi, qo'llanish doirasi jiddiy ravishda kengayib boradi. Chunki badiiy uslubda takrorning vazifasi faqatgina ma'lum narsa-

hodisani yoki holatni ajratib, ta'kidlab ko'rsatish bilangina chegaralanmaydi. Badiiy asarda, barcha uslubiy vositalarda bo'lgani kabi takromning zimmasiga ham til birliklariga emotsional bo'yoq, alohida ohang, joziba berish vazifasi yuklanadi. Agar imkoniyat bo'lsa, shu vazifalarni amalga oshirish bir qatorda muallifning yoki asar qahramonining voqelikka subyektiv munosabatini ham bera olishi kerak. Ko'rinadiki, takromning badiiy uslubdagi vazifasi birmuncha mas'uliyatli. Shuning uchun ham ijod jarayonida ularga murojaat qilish qalamkashdan maxsus tayyorgarlikni talab qiladi va ana shunday ijodiy mehnat mevasi bo'lgan takrorlarga badiiy uslub uchun chinakam stilistik usul sifatida xizmat qiladi.

“Takror badiiy adabiyotda keng tarqalgan, eng qadimiy stilistik vosita turi bo'lib, so'z ustalari undan tasvir etilayotgan obyektga bo'lgan subyektiv munosabatlarini ifodalash, unga baho berish, tinglovchi yoki o'quvchining diqqatini tortish maqsadida foydalanganlar. Takromning funksiyasi muallif nutqini ta'sirchan etish, fikrni konkretlashtirish va, eng muhimi, unga tinglovchi yoki o'quvchini ishontirish kabi xususiyatlarni ifodalashdan iborat”.

“Birgina takromning o'ttizga yaqin, masalan, alliteratsiya, anafora, akromonogramma (epanalipsis, epanafora, anadiplozis), antistrofa, antanaklasa, antonomaziya, antimetabola, metabola, naqorat, monorim, pleonazm, rifma, tavitologiya, sharh, epifora, epistrofa, epanod, epanasgrofa, qurshab olish, qaytalanish, halqa, bog'lam kabi turlarining mavjudligi badiiy uslubda ifoda-tasvir imkoniyatlarining naqadar kengligidan dalolat beradi. Keltirilgan uslubiy figuralarning hammasi ham o'zbek tili badiiy uslubida mahsuldor sanalmaydi. Buning ustiga ularning ko'pchiligi shu paytga qadar faqatgina adabiyotshunosligimizda lafziy san'atlar sifatida o'rganilib kelinayotgan tasviriy vositalarning aynan o'zidir”.

Yuqorida qayd etilgan bu vositalarning ko'pchiligi bugungi adabiy tilimiz uchun xos bo'lmay, eskirib ulgurgan. Ular faqat mumtoz asarlar tiliga xos bo'lib, bugungi o'zbek she'riyatida deyarli qo'llanilmaydi. Quyida ularning bir qadar faol ko'rinishlarini tahlil qilamiz.

Simploka (grekcha- cumploke- yoyish). So'z yoki birikmalarning ma'nosini intonatsion jihatdan ta'kidlash, to'g'rirog'i, ta'kidlash intonatsiyasi orqali so'z ma'nosiga alohida urg'u berish maqsadida qayta va qayta takrorlanishi:

Qoshlaring kamon **deymi**,
Yuragim nishon **deymi**?
Kipriging paykon **deymi**?
Jigar-bag'rim qon **deymi**?
Ko'zlaring cho'lpon **deymi**?
Ko'zlarim giryon **deymi**?
Munis, mehribon **deymi**?
Rostimni yolg'on **deymi**?

(I.Mirzo. “So'roq”)

She'rlardagi misralar oxirida takrorlangan so'zlar badiiylikni kuchaytiruvchi vositaga aylangan holda lirik qahramon ruhiyatini yanada teranroq ochishga yordam beradi.

Qaydan kelayotir uyur-uyur g'am,
Qaydan ko'chayotir palaxsa hasrat?
Qaydan yog'ayotir shirg'oqdek alam,
Qaydan sizayotir laxta-laxta dard?

Ijodkor tomonidan poetik matnga olib kirilgan takrorlar shakl-u shamoyilidan qat'iy nazar, poetik matnlar ohangdorligi, ifodalangan fikrlar ta'sirchanligini oshirishga xizmat qilgan.

Sintaktik takror obyektiv olamda mavjud bo'lgan voqea-hodisalar haqidagi figuralarning tugal va keng ifoda etishi uchun ham uning yordamida tugallanadigan sintaktik konstruksiyalarning biron bir komponentini tushurib qoldirish mumkin bo'lmaydi.

Bir bandiman, senki hursan, **nima qilay**?
Ko'kada bo'lsang, yerda yursam, **nima qilay**?
Shu holimga yaxshi ko'rsam, **nima qilay**?
O'xshashingni topolmasam, **nima qilay**?

(I.Mirzo. “Nima qilay?”)

Sintaktik takromning bu ko'rinishida matn tarkibida so'z birikmasi takrorlanib kelib, nisbiy mustaqil gaplarni uyushtiradi, ularning o'zaro bog'lanishini ta'minlaydi. Natijada, ifodalilik jihatidan kuchli bo'lgan yangi bir matn shakllanadi:

Uch kun davom etar talotum, qutqu,
Uch kun kattalarning tilida duo.
Uch kun el taqvoga burkanar butkul,
Ramazonda shuncha yodlanmas Xudo.

(I.Mirzo “Qo’qon shamoli”)

Istaysizmi-yo’qmi, gardun aylana,
Istaysizmi-yo’qmi, qaytib kelaman.
 Sog’inmagan ko’zingizdan aylanay,
Istaysizmi-yo’qmi, sizni sevaman.

(I.Mirzo. “Istaysizmi-yo’qmi”)

Keltirilgan misollardan ko’rinib turganidek, matn tarkibidagi takrorlanib qo’llangan “uch kun” va “istaysizmi-yo’qmi” birikmalari poetik vosita sifatida qatnashgan, shu bilan birga, nutq ta’sirchanligini, ohangdorligini oshirish uchun xizmat qilgan.

Bir bandiman, senki hursan, **nima qilay?**
 Ko’kda bo’lsang, yerda yursam, **nima qilay?**
 Shu holimga yaxshi ko’rsam, **nima qilay?**
 O’xshashingni topolmasam, **nima qilay?**

(I.Mirzo. “Nima qilay”)

So’roq gaplarning, ayniqsa, ritorik so’roq gaplarning badiiy asarning emotsional-ekspressivligini oshirishdagi roli beqiyosdir. Ritorik so’roqlar lirik qahramonning ichki kechinmalari-shodligi, iztiroblari; biron vaziyatga munosabati-norozilik, afsuslanish, hayratlanish kabilarni ifodalashga yordam bergan. Demak, takrorning boshqa figuralardan farqi, gaplarni bir-biriga uyg’unlashtirish asosida bog’lab, badiiy matn hosil qilishida va fikrni alohida ta’kidlash, tasdiqlash, kengroq va batafsilroq ifolashida deyishimiz mumkin. Gap takrori esa qo’shma gaplar hosil qilishda faol vosita hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. А.Мамажонов.Кўшма гап стилистикаси.Т.,1990.
2. Абдупаттоев М.Т Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси. (монография) Фарғона. “Classik” 2021.
3. Musayev A. O’zbek tili stilistikasi. Ma’uzalar matni.—Jizzax.2014.
4. Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. Ўқув қўлланмаси. – Самарқанд: СамДУ нашриёти. 1994.
5. Иқбол Мирзо. Кўзларингга термулсайдим.1 жилд.-Т., Шарқ.2020
6. Иқбол Мирзо. Кўнглингда нима бор, билмайман. 2 жилд. -Т.,Шарқ. 2020.

UDC 808.3

PRINCIPLES OF KAZUO ISHIGURO'S AESTHETIC WORLDVIEW AND THEIR EVOLUTION

T.P. Khamrakulov, teacher, “Silk Road” International University of Tourism and Cultural Heritage, Samarkand

Annotatsiya. *K. Ishiguro ijodining asosiy kontseptsiyasi dunyoda multikulturalizm masalasini yorqin aks ettiradi. Umuman olganda, uning ijodida uydan qochish, o’z-o’zidan qochish va K. Ishiguro romanlarini hayotning romantik tamoyili bilan bog’lovchi bir qancha asosiy mavzular ifodalangani qiziq. Ilmiy maqolaning maqsadi - Kazuo Ishiguroning estetik va g’oyaviy tamoyillari evolyutsiyasini ko’rib chiqish.*

Kalit so'zlar: *stereotiplar va klishelar, madaniyatdan tashqari qarama-qarshilik, prozaik ohang, o'zgalik tushunchasi, mifologema.*

Аннотация. *Основная концепция творчества К. Исигуро ярко представляет проблему мультикультурализма в мире. Творчество автора представлено несколькими основными темами, которые развиваются и рассматриваются с разных сторон от романа к роману. Это темы бегства из дома, бегства от себя, которые связывают романы К. Исигуро с романтическим принципом жизни. Цель научной статьи – рассмотреть эволюцию эстетических и мировоззренческих принципов Кадзуо Исигуро.*

Ключевые слова: *стереотипы и клише, вне культурное противостояние, прозаический тон, концепция непохожести, мифологема.*

Abstract. *The main concept of K. Ishiguro's creativity vividly presents the issue of multiculturalism in the world. Generally, it is interesting that his work is represented by several main themes, which are escaping from home, escaping from oneself and connect K. Ishiguro's novels with the romantic principle of life. The purpose of the scientific article is to consider the evolution of the aesthetic and ideological principles of Kazuo Ishiguro.*

Key words: *stereotypes and clichés, extra-cultural confrontation, prosaic tone, concept of otherness, mythologeme.*

At the initial stage, Ishiguro clearly follows the poetics of multiculturalism in the subject of novels, continuing and developing it in the novel «The Rest of the Day», where the author studies British culture both close and foreign to him «from the outside». At the same time, he actively uses stereotypes and clichés in his texts, which reflects the author's view of the modern situation in which a person often learns the world through intermediaries. A character can act as a cliché (the butler in «The Rest of the Day»), a description of the place (the «English» look) or even an artistic form (a detective in «When we were orphans»). These «labels» receive an important artistic function, each time their own: they not only facilitate understanding, but can also be a metaphorical description of what is happening («The Artist of the Floating World»), a characteristic of the thoughts and feelings of the character, a form of subtext, or an indication of the close parable generality of the text (in «Inconsolable» and «Don't let me go»). For Ishiguro, there is a conscious philosophical and psychological juxtaposition of «Japan- Britain», which is indicated, for example, by such details as «English house», «English view» in the novel «Where the Hills are in the Haze», the Shanghai-England juxtaposition in «When we were orphans».

Over time, the writer translates this duality into another plane: he replaces it with a more general and extra-cultural confrontation «past-present» («Inconsolable», «Don't let me go»). Ishiguro confronts different cultures, sometimes with irony, sometimes to discover similarities, but more often to deduce a single feeling from the difference between them: loss, longing, abandonment, and loneliness of a person in the world of his memories. In the evolution of the writer's creative attitudes, there is an increasing attraction to abstraction and the «universality» of themes and forms; from the novel «Inconsolable» to «Don't Let Me Go», where Ishiguro addresses both parable conventions and fantastic assumptions. The problem of multiculturalism has actually been overcome as an external circumstance and goes deep. Ishiguro, starting in his work from the socio-cultural variant of multiculturalism, comes to its philosophical premises close to the poetics of postmodernism: collision as an attempt to understand another, interact with another and in the process of such interaction to understand and find oneself. By telling stories about other people, Ishiguro's characters come to understand their place in life.

In general, Kazuo Ishiguro's prose corresponds to the trends that determine the development of modern English literature and the practice of multiculturalism.

Roman K. Ishiguro «When We were orphans», published in 2000, was not widely interpreted by literary critics. British novelist V. Sutcliffe in an article for the Independent magazine draws attention to the common features of the novel «When we were orphans» with other novels of the writer. This is the use of the concept of memory, the division of the novel into parts. In most of the writer's novels, a historical event, for example, the Second World War is the feature that, having overcome, the characters suffer psychological trauma and their system of moral values changes. Sutcliffe traces a parallel between the hero of «the remains of the day» Stevens Banks, the hero of the novel «When we were orphans». Both main characters believe that they are personalities capable of influencing the course of history, but at the end of the novel it turns out that this is not the case. Thus, V. Sutcliffe believes, K. Ishiguro refutes the belief that one person is able to influence the course of history [1].

The writer's latest novel, «Don't Let Me Go», was well received by critics, it was recognized as the best novel of the year by Time magazine. In 2010, a film adaptation of the novel was released. Most researchers of the novel «Don't Let Me Go» prefer descriptive and comparative methods of analysis.

K. MacDonald, a scientist from Great Britain, notes that Roman K. Ishiguro uses an autobiographical method, but at the same time refrains from clear classifications to determine the genre nature of the work. According to K. MacDonald, the use of biography puts the reader in the position of a witness to events that traumatize the psyche of the hero. K. MacDonald conducts comparative studies: compares K. Ishiguro's novel with novels of the science fiction genre – «Frankenstein» by M. Shelley, with the novel «Brave New World» by O. Huxley and with «The Handmaid's Tale» by M. Atwood.

British researcher S. Cooper in the article «Imagining the post-human: recent books by Kazuo Ishiguro and Michel Houellebecq offer guides of sorts to the post-human» compares the novel «Don't let me go» with the novel by French writer Michel Houellebecq «The Possibility of an Island». The common features of the novels are the use of the cloning theme, the first-person narrative, the culmination of the novels, which is the collapse of hopes. However, in other aspects, the novels are different. «Don't Let Me Go» stylistically imitates the prosaic tone in which the horror of the future is manifested, which, according to S. Cooper, is too reduced. «The Possibility of the Island», on the contrary, is imbued with an aversion to the modern world and the philosophy of Schopenhauer. In M. Houellebecq's novel, cloning turns out to be a means to avoid the «suffering of existence», the cause of which M. Houellebecq, following Schopenhauer, sees in desire.

The article by the British researcher E. Summers-Bremner examines the connections between the novel by K. Ishiguro «Don't Let Me Go» and the novel by the British writer J.M. Kutsee «Shame», using

the opposition of the French philosopher J. Lacan between people and animals. Both novels use the image of an animal in order to raise the question of a person's attitude to his mortality as a trait that distinguishes a person from an animal. A common feature of novels, according to the researcher, is that a person, knowing the language and representing a person, can control his instincts. The novel «Shame» focuses on the problem of sex in the sense of a magnet that counteracts both the rudeness of evolutionary biology and the belief that the consequences of apartheid can be overcome. On the other hand, in the novel «Don't Let Me Go» the problem of death arises [2].

The British researcher R. Gokh, in turn, compares K. Ishiguro's novel with A. Gosh's «Calcutta Chromosome». Both novels by the authors turn out to be the only ones written in the genre of science fiction, both authors are British of Asian origin, also forming an interesting pair for the description of technologies for extending human life, in «Don't let me go» this is cloning, in the novel «Calcutta chromosome» – the transfer of human life to other bodies. In addition, both novels belong to postcolonial literature, R. Gokh notes.

British researcher E. Ingersol in the article “Taking off into the realm of metaphor: Kazuo Ishiguro's Never Let Me Go” draws a parallel between the main characters of the novels «When we were orphans» and «Don't Let Me Go». For Banks, his «great thing» turns out to be the event of his childhood, for Katie, such a thing becomes revealing the true nature of Hailsham and the «future» that awaited its graduates. At the same time, in the novel "Don't Let Me Go", as well as in «When we were orphans», the scientist discovers elements of the detective genre. E. Ingersol notes that K. Ishiguro designs a metaphor of a clone created to donate his own body parts in order to allow the reader to explore the concept of otherness, which can serve as a reflection of the reader's deep experience as a «normal» person. So, having considered the works of foreign critics and literary scholars on the study of K. Ishiguro's creativity, it can be concluded that the greatest attention of critics and literary critics is attracted by such novels of the writer as: «Where there are hills in the haze», «Remnants of the Day», «Don't let me go». The intertextual connections of K. Romanov are investigated. A large number of novel researchers prefer them to the comparative method of analysis [2]. Creativity of K. Ishiguro in literary studies has been studied insignificantly. Several articles were written, and a literary dissertation was defended, partly devoted to the work of K. Ishiguro (Sidorova A.G. The British postcolonial novel of the last third of the XX century in the context of the literature of Great Britain, 2005) and linguistic (Medvedkin K.A. pragmatic features of dialogue in an artistic text: based on the material of the novel K. Ishiguro “The Remains of the Day”, 2008).

In the dissertation of Sidorova A.G. novels K. Ishiguro is considered in the context of British postcolonial literature. The dissertation discovers the connection of the writer's creativity with the search for a new model of national identity. K. Ishiguro is presented in the work as an author with a hybrid identity. The dissertation is a comprehensive study that combines elements of historical-theoretical, sociological, cultural-historical, comparative, biographical methods, as well as socio-linguistic analysis. Creativity of K. Ishiguro is considered in the context of English literature of the XIX-XX centuries; belong to the colonial and postcolonial period. These are, first of all, separate aspects of creativity Sh. Bronte, F.E. Steel, A. Hantay, R. Kipling, J. Orwell, E.M. Forster, as well as the novels of P. Scott, J.R. Farrelly. The works of Scottish authors M. Spark, I. Rankin, J. Kelman and A. Gray are analyzed separately.

In the works of K. Ishiguro A number of articles by literary critics are devoted to: Belova E.N. Sidorov A.G., Lobanova I.G.; and researchers: Usenko A.P., Nikolaenko I.V. A different point of view on the writer's work is expressed by the Russian researcher I.G. Lobanov. He conditionally shares the creativity of K. Ishiguro is divided into two stages: early (realistic) and late (deconstructive). The researcher draws attention to the manifestation of the features of modernism in the writer's work. He notes that the novelist's legacy belongs to "moderate postmodernism", which means that the writer does not put his work in opposition to modern culture, which is characteristic of modern British literature as a whole. As noted by the Russian researcher A. Jumailo, modern English literature reveals «fatigue from game concepts». The scientist identifies such modernist categories in the works of K. Ishiguro as: concepts of a holistic character, plot, author-observer, the use of techniques of an explicit narrator, inappropriate direct speech, the method of removing the author from literary reality, fragmentary presentation of events [3].

The mythopoetic level in the works of the writer is shown by the Ukrainian researcher A.P.Usenko. She explores the mythologeme of the house in the writer's novels. The scientist points out the difference in the interpretation of the mythologeme of the house within the framework of the European and Japanese traditions. If in the European tradition the mythologeme of the house is connected with the image of the Mother, in the novels of K. Ishiguro defenders of the house are men. The researcher also notes the sacralization of the house – in the houses of the heroes there is often a locked room that is not intended for everyday use. An example of such a room is the “reception room” of Father Ono, which has the qualities of a sanctuary [4]. A.P.Usenko highlighted such an aspect of the mythologeme of the house as the house-

memory, which is further traced in the following novels of the writer «When we were orphans» and «Don't let me go». In the novel «The Artist of a Shaky World», the houses in which the main character lived are a reflection of his own life path. Also a symptomatic feature is that the house as a «private» space exists only in the memories of the characters. The scientist concludes that the mythologeme of the house expresses not only the material, but also the spiritual constant of life.

The article by I.V.Nikolaenko «Memory and its role in the novels of Kazuo Ishiguro» deserves attention, in which the author examines the features of the functioning of the category of memory of the writer's novel creativity. The scientist notes that the efforts of each narrator are aimed at ensuring that public and collective experience can conquer or distort personal memory. The conflict between collective and personal memory is fundamental in K. Ishiguro's work. In the novels of the writer, the tendency prevails, personal memory is able to help us return to the former (personal?) An experience that public history may ignore or not take into account. I. Nikolaenko comes to the conclusion that the narrators K. Ishiguro are looking for opportunities to be in the past again, but they are also trying to control their memories.

REFERENCES:

1. Ishiguro K. Never Let Me Go. / K. Ishiguro - Vintage, 2006 – - 231 p.
2. Springfield A. Literature, politics and culture in post-war Britain. / A. Singfield - London, Atlantic Highland, New Jersey, 1997. 22 p
3. Belova E.N. The mythological hero and the conditional form in the novel K. Ishiguro "Don't let me go" / E.N. Belova // Literary text: problems of poetics: materials of the second scientific and practical international conference. - Chelyabinsk, 2009. pp. 28-33.
4. Kazuo Ishiguro – [Electronic resource] // Literature of the British Council. URL: [http://literature.bri % tishcouncil.org/kazuo%ishiguro](http://literature.britishcouncil.org/kazuo%ishiguro) [archived into the Website].

UDC 81-13

TYPES OF ERRORS IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING

D. Madjidova, teacher, Karshi State University, Karshi

Annotatsiya. Mazkur maqolada talabalar nutqidagi xatolar va ularning oldini olish mexanizmlari yoritilgan. Ingliz tili darslarida talabalarning og'zaki va yozma ishlaridagi turli xil xatolar tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: tillararo interferensiya, xato, xatolarni tuzatish.

Аннотация. В данной статье освещается проблема ошибок в речи учащихся и механизмы их предотвращения. Анализируются различные виды ошибок в устной и письменной работе учащихся на уроках английского языка.

Ключевые слова: языковое вмешательство, ошибки, исправление ошибки.

Abstract. This article highlights the issue of errors in the speech of students and the mechanisms for their prevention. Various types of errors are analyzed in oral and written work of student's English classes.

Keywords: language interference, error, error correction.

Errors in student oral responses and written work are a negative but integral element of the learning process in any subject. This is especially true of mastering a foreign language; we need to encode this knowledge in another language system. To minimize errors, it is necessary not only to correct them, but also to anticipate and prevent their occurrence in advance. Correcting errors is an important tool for optimizing language education. An error is regarded as an incorrect choice of a unit from a number of single-level units or members of one paradigm for the given operating conditions. Language errors occur for didactic reasons or as a result of linguistic interference. Language interference is “the interaction of language systems, speech mechanisms, the impact of the native language system on the language being studied in the process of mastering it”; “expressed in deviations from the norm and system of the second language under the influence of the native” (Azimov et al., 1999). Errors are divided into two large groups according to the type of interference,

- interlingual, or interlingual, errors - depending on the mutual influence of languages. The reason for their occurrence is interlingual interference.

- intralingual, or intralingual, errors - independent of the mutual influence of languages, arising as a result of intralinguistic interference, that is, mixing the phenomena of the language being studied, their interaction, crowding out each other at all levels. In this case, there is a negative impact of previously acquired knowledge on the assimilation of topics studied later. The main mechanisms for the occurrence of intralinguistic errors are generalization. A generalization is the extension of the rules of a foreign language to units to which these rules do not apply (for example, transferring the rule for the formation of the past tense of a verb with the ending -ed in English. Or forms of exception words according to a regular word-formation model: “mans”, “childs”, “knowledges” (English) instead of “men”, “children”, “knowledge”; in

the speech of foreign students: "chairs" (by analogy with the pair "table" - "tables"), "mother's love" (instead of "mother's", by analogy with "father - father"). In accordance with the levels of the language, the following types of language errors are distinguished:

1) phonetic and spelling errors are the errors in pronunciation and spelling of words, incorrect intonation;

2) lexico-semantic errors are incorrect choice of a word in the appropriate context ("false friends of the translator", the choice of an incorrect lexical synonym, the incorrect meaning of a polysemantic word; incorrect choice of an antonym in opposition; confusion of paronyms in speech; violation of lexical compatibility, etc.): "What's on at the cinema tonight?"

3) grammatical errors are the errors in morphology (in conjugation of a verb, declension of a noun or pronoun, errors in management, in types of tense relations, etc.) or in syntax (errors in coordination and agreement of sentence members; errors in choosing word order; errors in design direct and indirect speech;

4) stylistic errors is an appropriate style of the statement: the presence of a word / expression that is incorrect to apply in this situation (for example, an incorrect choice of a word from a number of stylistic synonyms, in connection with which the style of the statement changes; unjustified use of borrowed words), tautology, confusion vocabulary of different styles, cacophony, incorrect construction of complex structures, etc.

It seems that errors can be prevented and eliminated by improving the language competence of students. However, students often make mistakes not so much due to ignorance of the rules, but due to insufficient knowledge of the types of speech activity, so it is necessary to highlight speech errors in listening, reading, speaking and writing. Errors associated with difficulties in listening to foreign speech may include the following: failure to understand the content and communicative intention of the speaker's speech; inability to highlight the main idea of the statement; inability to guess from the context about the meaning of unfamiliar words; inability to distinguish words that are close in sound. Errors in writing as a form of speech activity can be divided into 3 groups: spelling, punctuation, and speech errors due to the unformed writing skills. Spelling errors include phonetisms, which are the result of writing a word based on its auditory perception, without taking into account the rules of sound-letter correspondences of a given language "pritty" instead of "pretty".

It is possible to prevent the occurrence of errors of this kind by forming the speech competence of students. It is necessary to motivate students to train all types of speech activity during independent extracurricular work by providing a large amount of communicative speech homework, the implementation of which must be checked using communicative types of control. Modern educational technologies (project, group, game, and other technologies, ICT) make it possible to rationally use classroom and extracurricular time and form speech competencies in all types of speech activity.

There are many ways to correct errors. Their choice depends on the nature of the error, the type of work in which it arose, also on the teaching method chosen by the teacher. Arkharova (2014) classified errors into groups:

1. Explicit (direct) correction (explicit correction), when the teacher directly points out the mistake made, explains what it is, and gives the correct answer.

2. Paraphrase in the corrected form - pronunciation / spelling of the student's incorrect statement by the teacher without an error, but without any explanation.

3. Request for clarification (clarification request), when the teacher shows that he did not understand the student's statement.

4. The use of terminology for example, grammatical - tense, article, etc. The teacher names the grammatical category used erroneously, but he himself does not suggest the correct form.

5. Stimulation of verbal and mental activity, prompting for correction and subsequent "extraction" of the correct form (elicitation). For example, the teacher repeats the student's statement up to the point where the mistake was made.

In conclusion, error correction can make a significant contribution to the optimization of language education; develop students' respect for the language, stimulating them to independently identify and correct mistakes, as well as to prevent possible shortcomings.

REFERENCES:

1. Azimov E. G. Dictionary of methodological terms (theory and practice of teaching languages) - St. Petersburg: Zlatoust, 1999.
2. Arkharova M. Correction of errors in the process of teaching a foreign language: theory and practice. 2014.

AMERICAN LITERATURE AND JAMES FENIMORE COOPER

D.N. Murodova, lecturer, Karshi State University, Karshi

Annotatsiya. *Jeyms Fenimor Kuper XIX asrda yashagan yozuvchi edi. Kuperning Amerika adabiyoti yilnomalarida tutgan o'rni sir. O'ttiz yillikning eng yaxshi qismida u juda ko'p sonli romanlar (jami 32) yozish orqali amerikalik o'qish auditoriyasining e'tiborini tortdi. So'nggi ikki asr davomida uning romanlari olimlar va keng jamoatchilik tomonidan keng o'qilgan va ba'zi hollarda, masalan, chegara tezisi, Amerika madaniy kelib chiqishi haqidagi hikoyalarda asosiy rol o'ynagan. Kuper esa Hawthorne, Melville, Whitman va Dickinson kabi mashhur yozuvchilarga biroz yordamchidir.*

Kalit so'zlar: *Jeyms Fenimor Kuper, amerikalik adabiy qahramon, Chingachguk, Charm-paypoq ertaklari, Kashshoflar, Kuper tili*

Аннотация. *Джеймс Фенимор Купер был писателем, жившим в девятнадцатом веке. Место Купера в анналах американской литературы остается загадкой. На протяжении большей части трех десятилетий он привлекал внимание американской читающей аудитории, написав ошеломляющее количество романов (всего 32). За последние два столетия его романы широко читались учеными и широкой публикой, а в некоторых случаях, например, в тезисе о границе, он играл ключевую роль в повествованиях об американском культурном происхождении. Купер, с другой стороны, является чем-то вроде помощника более известных писателей, таких как Хоторн, Мелвилл, Уитмен и Дикинсон.*

Ключевые слова: *Джеймс Фенимор Купер, герой американской литературы, Чингачгук, сказки о кожаных чулках, пионеры, язык Купера.*

Abstract. *James Fenimore Cooper was a writer who lived in the nineteenth century. Cooper's place in the annals of American literature is a mystery. For the better part of three decades, he captured the attention of the American reading audience by writing a staggering number of novels (32 in total). Over the last two centuries, his novels have been widely read by scholars and the general public, and in some cases, such as the frontier thesis, he has played a key role in American cultural origins narratives. Cooper, on the other hand, is a bit of a sidekick to more famous writers like Hawthorne, Melville, Whitman, and Dickinson.*

Key words: *James Fenimore Cooper, American literary hero, Chingachgook, Leather-Stocking Tales, Pioneers, Cooper's language*

James Fenimore Cooper (1789–1851) wrote his first novel in 1820 and his last novel in 1850. He was one of the world's most recognized and widely read writers during the majority of his three-decade career. He was best known in the twentieth century as the author of *The Leather-Stocking Tales*, a series of five novels about Natty Bumppo, a hunter, woodsman, and frontier warrior whose closest buddy is Chingachgook, a dispossessed Delaware tribal chief (E. Larkin, 2009). Natty, also known as Leatherstocking, Hawkeye, Pathfinder, and Deerslayer, is widely regarded as the first quintessentially American literary hero, and the *Tales*, set against historical backdrops ranging from pre-Revolutionary War fighting between England and France to the Lewis and Clark Expedition, have been hailed as a kind of prose epic of early American life by many. Cooper was the first American author to make a living writing fiction, but his work also demonstrates how difficult it is for a postcolonial culture to find its own identity (Franklin, W. (2007). Cooper's third novel, *The Pioneers*, published in 1823, was his first *Leather-Stocking Tale* (E. Larkin, 2009). The story begins on Christmas Eve, the day when Christian history shifts from the old world defined by Adam's fall and Mosaic law to the new world ushered in by the birth of a messiah who opens the door to redemption (Stephen R, 2009). The novel's setting is Templeton, a small town in upstate New York that is modeled on Cooperstown, the settlement founded by the novelist's father in the 1780s and where he spent his boyhood. Natty first appears in the opening chapter of the novel. He is an old man who soon disappears into the woods, while the narrative moves forward into the town where "the pioneers" are busy civilizing the wilderness (Stephen R, 2009). This initial appearance gives little hint of the role he ended up playing in either Cooper's career or American literature: he is an old man who soon disappears into the woods, while the narrative moves forward into the town where "the pioneers" are busy civilizing the wilderness (M. Peprnik, 2016).

Cooper's contribution in American literature

The first successful popular novelist in the United States was James Fenimore Cooper. James Cooper, the son of notable federalist William Cooper, the founder of the Cooperstown colony, was educated at Yale in preparation for a life as a refined federalist gentleman (M. Peprnik, 2016). Cooper swiftly wasted his money following his father's murder in a duel in 1809, and by the age of thirty, he was bankrupt. He decided to pursue literature as a vocation, emulating Sir Walter Scott's popular *Waverley Novels*. Cooper's first

novel, *Precaution* (1820), a home comedy set in England, was a financial failure, but it was clear that he had found his calling (Franklin, W. (2007). Cooper's fame has risen and fallen over the years, but he has never been entirely discarded or completely enshrined in the American literary canon. As a result, Wayne Franklin's new biography of Cooper is remarkable in that it is the first scholarly account of the life of such a pivotal writer (Franklin, W. (2007). We can debate the quality of Cooper's language, the politics of his representations, and the amount of Cooper's influence on American cultural creation, but Cooper is unquestionably an important character in American literature (M. Peprník, 2016). Franklin's comprehensive and exhaustive account of Cooper's life is a welcome addition to scholarly understanding on this premise alone. Franklin chronicles Cooper's life from childhood until his departure for Europe in 1826 in this first chapter of what is expected to be a two-volume endeavor. In Franklin's description of Cooper, the year 1826 is significant because it marks the conclusion of the first phase of Cooper's career as a writer and serves as a significant milestone in Franklin's narrative of American publishing history. Cooper is only allowed to leave for Paris in 1826, according to Franklin, because he has reached a deal with Carey & Lea, "one of the nation's pioneering publishers," that gives him considerable autonomy (xx). Cooper had never used a traditional publisher before that. "He produced his earliest works fully at his own risk, utilizing first one and then a second New York bookshop as his agent," Franklin recounts of Cooper's publishing procedure for his first five novels. Those men were in charge of making all of the practical arrangements with paper suppliers, printers, binders, and wholesale and retail merchants, but they weren't in charge of "editing" the books, reading proofs, or offering Cooper any kind of regular guidance" (xx). Franklin's Cooper biography is, in reality, heavily invested in a story about the author's role in the history of American publishing. Cooper is a literary hero in this history, both for his artistic output and for his contributions to the still-developing publishing landscape in the United States in the 1820s. As a result, most of Franklin's description of Cooper's "early years" is devoted to following Cooper's and his agents' labors in the production of *Precaution*, *The Spy*, *The Pioneers*, *The Pilot*, and *Lionel Lincoln*. *The Last of the Mohicans*, Cooper's first work with Carey and Lea, is an important transitional piece. Franklin's intriguing account of Cooper's efforts to regulate the publishing of these early books will appeal to book historians. Cooper not only copied Walter Scott's books, but also learnt from the way Scott "sought to preserve control over his creative property and thereby milk it for all it was worth," according to Franklin (250). Cooper emerges as a literary impresario as much as a novelist in this scene. His achievements and struggles navigating the publishing process are a prominent feature of the biography, often replacing the traditional literary biography's emphasis on the creative process. Franklin's biography is refreshing in the way it avoids an overemphasis on Cooper's "genius" in favor of a more matter-of-fact engagement with the mechanics of authoring and writing in the 1820s (Stephen R, 2009).

After his second novel, *The Spy*, Cooper established a name, and in his third book, the autobiographical *Pioneers* (1823), Cooper introduced the character of Natty Bumppo, a uniquely American symbol of rugged individualism and the pioneer spirit. "Our first national novel," Emerson termed *Pioneers*. *The Last of the Mohicans* (1826), Cooper's second book featuring Bumppo, swiftly became the most famous work of the day, cementing Cooper's popularity in the United States and Europe (E. Larkin, 2009). *The Last of the Mohicans* is a film set during the French and Indian War that tells the story of the killing of the colonial troops at Fort William Henry and the mythical kidnapping of two pioneer sisters (McWilliams, J, 1993). Cooper had no experience with Native Americans, so he relied on a Moravian missionary's description of two rival tribes: the Delawares and the "Mingos." Despite its errors,

Cooper was a prolific author, having written 32 novels, 12 nonfiction works, a drama, and countless pamphlets and essays (E. Larkin, 2009). His five volumes about Natty Bumppo, ranging in genre from improbable romantic adventure to realistic narration, are his most enduring contributions to American literature. *The Pioneers* (1823), *The Last of the Mohicans* (1826), *The Prairie* (1827), *The Pathfinder* (1840), and *The Deerslayer* (1840) are best read in the sequence they were written: *The Pioneers* (1823), *The Last of the Mohicans* (1826), *The Prairie* (1827), *The Pathfinder* (1840), and *The Deerslayer* (1840). (1841) (McWilliams, J, 1993). Cooper's popularity waned in his later years as he became embroiled in the Jacksonian era's nationalistic and party battles, becoming increasingly combative with critics and the general public.

REFERENCES:

1. Edward Larkin, 2009. James Fenimore Cooper: The Early Years (review) January 2009 *Early American Literature* 44(1) DOI:10.1353/eal.0.0049
2. Franklin, W. (2007). *James Fenimore Cooper: The Early Years*. Yale University Press. USA.
3. McWilliams, J, 1993. *The Last of the Mohicans: Civil Savagery and Savage Civility*. New York: Twayne, 1993. Print.
4. Michal Peprník, 2016. Assimilating American Indians in James Fenimore Cooper's Novels. *Prague Journal of English Studies* · September 2016 DOI: 10.1515/pjes-2016-0006

5. Stephen Railton, 2009. James Fenimore Cooper January 2009 DOI:10.1017/CCO9781139003780.002 In book: The Cambridge Companion to American Novelists (pp.1-10)

UO'K 81-13

AMIR XUDOYBERDI IJODIDA MILLIY QADRIYATLARNING BADIY TALQINI

M.U. Namazova, o'qituvchi, Qarshi Davlat universitetining pedagogika instituti, Qarshi

Annotatsiya. Maqola xalqlarning tarixiy taraqqiyotidagi ma'naviy qadriyatlarini tiklash jarayonlari, o'zbek xalq millatchiligini o'ragnish, unda to'plangan badiiy an'analarni aniqlash bilan bog'liq masalalarga bag'ishlangan. O'zbek adabiy muhiti Sharq madaniyatning badiiy qadriyatlarini aks ettirib, xalqning ham tarixiy, ham badiiy o'ziga xosligini boyitadi. Milliy o'ziga xoslik shaxs va ijodiy shakllanishi va rivojlanishidagi evolyutsion o'zgarishlarga hissa qo'shadigan asosiy omil bo'lgan yozuvchilar ijodini ilmiy tushunishga ehtiyoj bor.

Shu bois, hozirgi paytda milliy o'ziga xoslik badiiy dunyoqarashini shakllantirish va rivojlantirishga xizmat qiladigan yozuvchilarning ijodini ilmiy tushunish muammosi dolzarb bo'lib bormoqda.

Kalit so'zlar: qadriyat, milliy o'ziga xoslik, Sharq sivilizatsiyasi, adabiy muhiti, shukronalik, kamtarlik, ayol qadri, ishq – muhabbat.

Аннотация. В статье рассматривается процесс восстановления духовных ценностей народов в историческом развитии, изучение узбекского национализма, выявление накопленных художественных традиций. Узбекская литературная среда отражает художественные ценности восточной культуры и обогащает историческую и художественную самобытность народа. Существует потребность в научном понимании творчества писателей, которое является ключевым фактором, способствующим эволюционным изменениям в формировании и развитии национальной идентичности и творчества.

Поэтому сегодня все более актуальной становится проблема научного осмысления творчества писателей, служащих формированию и развитию художественного мировоззрения национальной идентичности.

Ключевые слова: ценность, национальная идентичность, восточная цивилизация, литературная среда, благодарность, смирение, женское достоинство, любовь.

Abstract. The article deals with the process of restoring the spiritual values of the peoples in the historical development, the study of Uzbek nationalism, the identification of the accumulated artistic traditions. The Uzbek literary environment reflects the artistic values of Eastern culture and enriches both the historical and artistic identity of the people. There is a need for a scientific understanding of the creativity of writers, which is a key factor contributing to the evolutionary changes in the formation and development of national identity and creativity.

Therefore, the problem of scientific understanding of the works of writers who serve to form and develop the artistic worldview of national identity is becoming more urgent today.

Key words: value, national identity, Eastern civilization, literary environment, gratitude, humility, female dignity, love.

Kirish. «Qadriyat» tushunchasi - juda keng tushuncha bo'lib, uning bir qismi - ma'naviy qadriyatlardir. Milliy-ma'naviy qadriyatlar - «milliylik», «Ma'naviyat» va «qadriyat» tushunchalari kesishgan nuqtada jamlangan ijtimoiy hodisalarni o'z ichiga oladi. «Milliy ma'naviy qadriyatlar» tushunchasiga quyidagicha ta'rif berish mumkin: Muayyan millat vakillari uchun zarur va ahamiyatli, aziz va ardoqli bo'lgan, manfaati va maqsadlariga xizmat qiladigan ma'naviy boyliklar, amallar va tamoyillar, g'oyalar va me'yorlar milliy ma'naviy qadriyatlardir [1].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili

Har bir xalqning e'zozli, qimmatli bo'lgan ma'naviy milliy boyliklari bo'ladi. Bular asrlar davomida turli yo'llar orqali avloddan – avlodga o'tib keladi, hozirgi kunda bunday ma'naviy boyliklar hamon o'zining ahamiyati va qadrini yo'qotmagan, shu xalqning iftixor manbaiga aylangan durdonalar hisoblanadi.

Masalan, qirg'iz xalqi «Manas» dostoni bilan, misrliklar qadimiy piramidalar, fransuzlar Parijdagi Luvr saroyi, o'zbeklar Samarqand Buxoro va Xiva hamda badiiy adabiyot, san'ati bilan faxrlanadilar. Turli yo'llar bilan deganda ham biz aynan shuni nazarda tutdik, ya'ni ba'zida milliy qadriyatlar memorchilik orqali saqlab qolinsa, ba'zida adabiyot orqali avlodlarga yetib keladi.

Tadqiqot metodologiyasi

O'zbek xalqi adabiyotida insoniyatning bebaho intellektual merosi bo'lgan milliy madaniyat qadriyatlari, dunyoqarashining o'ziga xos xususiyatlari, axloqiy estetik tushunchalari, xilma-xil tasvirlari va

falsafiy ta'limotlari abadiylashtirildi. O'zbek xalqining adabiy merosi nafaqat milliy madaniyat qadriyatlarini, balki Sharqning eng qadimgi sivilizatsiyalarining ta'sirini ham o'z ichiga oladi.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, mashhur o'zbek shoirlar she'rlarida Sharq madaniyatining milliy qadriyatlari o'ziga singdirilgan. Ular o'zbek xalqlari she'riyatini faqat o'ziga xos obrazli vositalar bilan boyitib, o'tmishning ajoyib an'alarini avvalo so'nmas badiiy-estetik nutq mahoratining rivojlangan zamonaviy tizimiga aylantirdilar.

Tahlil va natijalar:

Xalqimiz ma'naviyatini oshirgan, milliy qadriyatlarimiz ifodasi topgan asarlarni, badiiy ijod namunalari yaratgan ijodkorlari o'zbek adabiyotida O'rta asrlardan tortib to bugunki kungacha topiladi. XXI asr adabiy muhitida shunday bir shoir borki, u turfa janrda, turfa mavzuda ijod qiladi. Muxlislari, shuning uchun ham, yoshlar va keksalarni tashkil etsa kerak. Bu ijodkor Amir Xudoyberdi. Amir Xudoyberdi ijodi xuddi ko'zgu misoli: kim qaysi yo'sinda qarasa, xuddi shu yo'sinda o'zini ko'radi. Zero, ta'kidlanganidek, Amir Xudoyberdi bugungi zamon shoiri, u bugungi kun bilan hamnafas ijod qiladi, dunyodagi har qanday yangilikka o'zining qalami bilan munosabat bildiradi. Shaffof nigohi, tushunarli va mazmundor she'rlari she'riyat ixlosmandlari ko'nglidan joy olgan" [2].

DEVONALARMIZ

Bir to'shakda, bir ko'rpada yotib yonma- yon,
Uxlayapmiz, axir dema, begonalarmiz.
To'shagimiz zamin bo'lsa, ko'rpamiz osmon,
Yondoshlikni anglolmagan devonalarmiz.
Bir ildizdan ko'karganmiz, muazzam olam
Beshigimiz, dema, siyqa afsonalarmiz.
Momo Havo onamizdir, otamiz – Odam,
Qondoshlikni anglolmagan devonalarmiz.
Bani bashar oshyoni shu mitti sayyora,
Qo'lni qo'lga bersak go'yo marjonlarmiz.
Tinch va totuv yashasak baxt topgaymiz zora,
Jondoshlikni anglolmagan devonalarmiz.
«Xudo bir» deb payg'ambarlar o'tdi, biz hamon
Haq yo'lini topaolmay sarsonalarmiz.
E'tiqodlar ayri-ayri, yagona iymon,
Dindoshlikni anglolmagan devonalarmiz.
Dildoshlikni anglolmagan begonalarmiz...

Amir XUDOYBERDI,
1990 y.

Shaxsga hayot hamda insoniylik tuyg'usi mohiyatini anglatish ezgulik urug'ini ekish bilan bir xildir. Ruhiyatini insoniy fazilatlar bilan yo'g'rilgan shaxs tushunchasi bugungi kunda noaniq bo'lmoqda. Shuning uchun ham adabiyotni hozirgi vazifasi ma'naviy – axloqiy qarashlarini shakllantirish bo'lib qolmoqda. Amir Xudoyberdining "Devonalarmiz" she'ri shu xarakterdagi she'rdir. She'rning har satrida naqshlangan insoniy fazilatlar, qarindoshlik, qondoshlik, iymon, din kabi qadriyatlar sarchashmasi mavjud.

Sharq qadimdan madaniyat beshigi, axloqlar markazi, adolat va haqiqat makoni. Bunga sabab Sharq xalqlari ongida "haqqa intilish" yotadi. "Haq" so'zi ikki ma'noda qo'llaniladi: biri – Alloh, keyingisi – haqiqat. She'r satrlarida haq yo'lini topish, Allohni payg'ambarlarni unutmashlikka da'vat etilgan.

Xudo, sendan roziman, ko'p bor
Sinaganman sinoatingni.
Bildirasan kim yor, kim ag'yor,
Singdirasan irodatingni!
Shukr deymen, nasibam tugal,
Dilga ishqing solib turibman.
Har bir kunim bayramday go'zal,
Axir nafas olib turibman.
Rozidurman gullardan nafis
Ko'ngil ato qilganing uchun!
Botinimga totli-totli his
Shavqini jo qilganing uchun!
O'rin bermam aslo g'uborga,
Pok saqlayman men uni doim,
Oshyon axir sen biru borga,

Ko'nglim sening uying, Xudoyim!

Amir Xudoyberdining yana bir Sharq qadriyatlarini ulug'lagan she'rida shukronalik haqida so'z boradi. Sharq deganda geografik ma'noda emas, balki bu hududda yashaydigan dini, iymoni but musulmonlar nazarda tutiladi. Sharq xalqlari esa doim shunday: doim ezgulikka, shukronalikka intiladi.

Yuz o'girma sevgidan aslo,
Malollardan egilmasin qad.
Dardlaringga bo'lgaydir davo
Asl sevgi, asl muhabbat!

Ayro tushma zinhor yodidan,
Unutmagil bir lahza, bir on.
Gullar baravj sevgi totidan,
Ayol qalbi mangu navqiron!

Zulmat bossa agar botinin
Sevgi oftob misol yoritar.
Qaritsa ham ayol zotini
Muhabbatsiz yillar qaritar!

Ayolni ezozlash, ayolga e'tibor, mehr – muhabbat azal - azaldan milliy qadriyatlarimizdan biri bo'lib qolgani uchun ham Amir Xudoyberdining ushbu she'rini mavzuyimiz doirasida deb tanladik. Ijodkor Amir Xudoyberdi ayolga bo'lgan muhabbatni o'zgacha his qiladi va ifodalaydi: ayol qalbi qarimaydi, uni qaritsa ham e'tiborsizlik, muhabbatsiz kunlari qaritadi. She'r sodda tilda bitilgan, ammo bunda ishq – muhabbat polifonik tushuncha, bunda shoir butun ayollarni, ona, singil, yorni nazarda tutgan.

Amir Xudoyberdi kamtarin, shuning uchun ham uning she'rlari o'ziga xos, o'zgani takrorlamasligi bilan ajralib turadi. U she'rlarida ham samimiyat va hokisorlikni saqlay bila oladigan ijodkorlar toifasiga kiradi.

DEDILAR

Dedilar: "Zo'r shoirsan!"
Dedim: "Cho'lpondan keyin,
Nosir Usmondan keyin,
Ustoz Rauf Parfidan,
Shavkat Rahmondan keyin.
Sherdil Usmon Azim va
Xurshid Davrondan keyin.
Yerday hokisor, ammo
Ko'ngli osmondan keyin.
Mashrabday shahid o'lg'on
Haqqa qurbondan keyin.
Oshiq Yunusday giryon,
Qalbi so'zondan keyin.
Minglab shoir ot sursa,
Sovrin olg'ondan keyin.
Oti oqsab maydonda
Dog'da qolg'ondan keyin.
Yaxshiyam bahor bordir,
Sovuq bo'rondan keyin.
Qahratonning qahrini
Sindirgan ondan keyin
Umid berib dillarga
Gullar ko'rsatar ro'yin.
Dimoqlarga nasimlar
Keltiradi xush bo'yin!
Zo'r shoirman, ne deyin,
Yelkadagi og'ir yuk,
Ezib borar kun sayin.
Johillarga bo'ynimni
Yashayapman egmayin.
Atrofdan beburd, nomard,

Yana qancha betayin.
 Pichoq goho bo'g'izga
 Qadalganda netayin.
 To'lib ketdi dilda dard,
 Qay birini aytayin.
 Adolat niqobida
 Munofiq qilur o'yin,
 Uning uchun ezgu so'z,
 Yurt taqdiri bir tiyin.
 Shundoq manfur zamonda
 To'g'ri so'z aytmoq qiyin.
 Haqgo'yga juda qiyin!
 Qiyin, qiyin, ko'p qiyin,
 Zo'r shoir bo'lmoq qiyin!

Amir XUDOYBERDI,
 06.12.2021.

Kamtar inson doimo har bir ne'matga qanoatli va shukronali bo'ladi. Kamtar insonning har qanday ishida xolislik bor. Kamtar inson qaysi sohada mehnat qilmasin, albatta o'sha joyda hurmat-e'tibor va qadr topadi. U olamga jar solib kekkayishi, o'zini tanitishi shart emas, odamlar uni o'zlari tezda topib olishadi. Chunki kamtarona fazilatli bu inson hamma vaqtda va har joyda kerakli insondir [10]. Xuddi Amir Xudoyberi va uning ijodi kabi. Ijodkor muxlis qidirmaydi, muxlislari she'rlari orqali uni topishadi, zero, haqgo'y, eli uchun kuyib ijod qiladigan shoir u.

BOR

Muhabbat ko'rguzib, topmay sadoqat, bo'zlaganlar bor,
 Sadoqatsiz, vafosiz yor javridan so'zlaganlar bor.

Sadoqat istama, ko'ngil, kuyarsan ishq harosida,
 O'zi yolg'onchi dunyo bu, haqiqat izlaganlar bor.

Kuydirsa mehri oftobi, tanangga xush yoqar, bilki,
 Ayozda o't bo'lur kimdir va yozda muzlaganlar bor.

Saodatga shafe' bo'lmas, sadoqat bo'lmasa Sevgi,
 Saodatsiz, murodsiz Sevgini-da gizlaganlar bor.

Vafosizlik ko'rib oshiq fig'on qilsa, fig'oniga
 Quloq solmas bozinger charx, falakka yuzlaganlar bor.

Oshiqning o'ldirur qalbin vafosiz yor tamannosi,
 Yana necha sitamlarda bag'irni tuzlaganlar bor.

Ey, Amir, ko'rmagaysanmi, mingani bir Cho'bir otdir,
 O'zini alp sanab Barchin visolin ko'zlaganlar bor!

Amir XUDOYBERDI,
 20.07.2021

Badiiy adabiyotda ish – muhabbat vasfiga, sadoqat, xiyonat, ko'ngilga atab shunchalar ko'p she'rlar bitilganki, g'o'yo bu tushunchalar haqida aytilmagan so'z qolmagandek. Ammo bu aldanchi taassurotdir, chunki har bir shaxs, xoh u ijodkor bo'lsin, muhabbatni, sadoqatni o'z qalbi bilan o'zicha talqin etadi. O'zbek lirikasining zamonaviy nurafshon qiyofasini muhabbatnomasiz tasavvur etish murakkabdirdir. Ushbu misralar esa muhabbat poydevori bo'lgan sadoqat haqida yozilgan. Shoir nazmicha, muhabbat, ishq, mehr sadoqatsiz, vafosiz bo'lsa oshiqni o'ldiradi, yakuni saodatli bo'lmaydi.

KECHAGINA...

Kechirimli bo'l, yaxshilikka buyur va johillardan yuz o'gir... (A'rof.199-oyat)

Kechagina gulga ko'mganlar
 Bugun seni tiqar tuproqqa.

Taqdiriga beso'z ko'nganlar
Kuch topolmas qarshi turmoqqa.

Tog'lar hayron, yulduzlar ham lol:
"Nahot Oliy jonzot a'moli
Riyo erur?" Javobsiz savol
Girdobida ayanchli holi.

Nahot shunday: Inson degan zot
Soxtalikka muk tushgan, g'arib?
Tebranadi sassiz koinot,
Chaqnar vulqon yer ko'ksin yorib.

Buqalamun kabi turlanar
Bir lahzada ming bor, vodarig'!
Bir-birini xo'rlar, xo'rlanar,
Qachon bo'lur yuzimiz yorug'!?

Amir XUDOYBERDI,
20.07.2021

Shoirning badiiy fikri o'g'it, pand – nasihatdan yiroq, shunchaki she'rda hayot haqiqati yotadi va bu orqali shoir kishini mushohadaga undaydi. She'rning o'ziga xosligi – unda kayfiyat, kechinma, holat, taassurot jamlanib, fikrni tiniqlashtirganligidir.

Xulosa va takliflar:

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, o'zbek she'riyati ijtimoiy-siyosiy hayot talablari va yangicha estetik qarashlar asosida izchil rivojlanib, mavzular doirasi va badiiy muammolar ko'lamini kengaytirib, shular jumlasidan milliy qadriyatlar, urf - odatlar o'z aksini topmoqda. Tabiiyki, milliy qadriyatlar haqidagi she'rlar milliy tafakkurni shakllantirish, bilim va dunyoqarashini kengaytirish, bolalar va o'smirlarning g'oyaviy-estetik tarbiyasiga katta ta'sir ko'rsatadi va bu borada shoirlarning xizmatlari katta. Ularning ko'rib chiqilayotgan mavzuni badiiy aks ettirishdagi sa'y-harakatlari yosh avlodda o'zlikni anglash, milliy g'urur tuyg'ularini mustahkamlashga ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Shunday ijodkorlar tarkibida Amir Xudoyberdi alohida o'rin egallaydi, bunga sabab esa shoir she'riyatining sodda, tushunarli ekanligi, milliy qadriyatlarimiz, urf – odatlarimiz, hurmat – izzat ifodasining buyukligidadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdurahmon Primqulov. Iztriob inkishofi yoxud shoir Amir Xudoyberdi portretiga chizgilar. Ikkinchi nashr. – T.: "Musiq", 2015.- 75 b
2. Amir Xudoyberdi she'rlarining dunyo tillariga tarjimasi va uning ahamiyatga molik jihatlari. Namazova Manzura Urakovna. So'z san'ati xalqaro jurnali. №4, 2021. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-57>
3. Boboev T. Adabiyotshunoslik asoslari. Toshkent, O'zbekiston, 2001.
4. Hudoyberganov E. Adabiyotshunoslikka kirish, T., 2004.
5. Normatov U., Hamdamov U. Dunyoni yangicha ko'rish ehtiyoji // Jahon adabiyoti, 2002 yil, 12-son.
6. Ochilov E. Siz she'r aytasizmu yo odam qo'rqitasiz? // O'zbekiston adabiyoti va sanati. 2004 yil, 17 sentyabr soni.
7. Qodirov P. Ma'naviyat, modernizm va absurd.// O'zbekiston adabiyoti va sanati, 2004, 26 mart.
8. Qurr'onov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, O'qituvchi, 2006.
9. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. Toshkent, Sharq matbaa kontserni, 2006.
10. <https://naqshband.uz/makolalar/kamtarga-kamol>
11. <https://hozir.org/qadriyatlar-falsafasi.html?page=12>

UO'K 808.5

MUROJAAT SHAKLLARINING GENDER JIHATDAN XOSLANISHI

D.D. Pulatova, o'qituvchi, QarDU Pedagogika instituti, Shahrisabz

Annotatsiya. "Gender" tushunchasi erkak va ayollarning psixologik, ijtimoiy va madaniy o'ziga xos xususiyatlarini nazarda tutadi. O'zbeklar nutqida qo'llaniladigan til vositalari, ya'ni murojaat shakllari boshqa xalqlarnikidan farq qilib, unda o'zbekona madaniyat aks etib turadi. Erkak va ayol faqat biologik jihatdan farqlanmasdan, balki ularning nutqiy faoliyati, xatti-harakati va imo-ishoralarida ham o'xshashlik va tafovutlar ko'p. Erkaklar nutqida ko'proq qo'pol, so'kish, dag'al so'zlar bilan murojaat ifoda etilsa, ayollar nutqida kuchli emotsiyaga berilish, his-tuyg'u va kechinmalar orqali ifodalash, qarg'ish so'zlar qo'llash kabi holatlar ko'p uchraydi.

Kalit so'zlar: gender tilshunoslik, "gender" tushunchasi, til, madaniyat, gender munosabat, ayollar nutqi, erkaklar nutqi, til vositalari, murojaat, murojaat shakllari disferimizlar.

Аннотация. Понятие «гендер» предполагает психологические, социальные и культурные специфические особенности мужчин и женщин. Языковые средства, используемые в речи узбеков, то есть формы обращения, отличаются от форм обращения других народов и отражают узбекскую культуру. Мужчина и женщина не только биологически различимы, но и имеют много сходств и различий в их речевой деятельности, поведении и жестах. В то время как мужская речь чаще выражается грубыми, ругательными, грубыми словами, в женской речи часто встречаются такие ситуации, как подавление сильных эмоций, выражение эмоций и переживаний, использование ругательных слов.

Ключевые слова: гендерная лингвистика, понятие «гендер», язык, культура, гендерные отношения, женская речь, мужская речь, языковые средства, обращение, формы обращения, дисфемизмы.

Abstract. The term "gender" refers to the psychological, social, and cultural characteristics that distinguish men and women. The language used in Uzbek speech, that is, the forms of address, differs from other languages and reflects Uzbek culture. Men and women have many similarities and differences in their speech, behavior, and gestures, in addition to biological differences. Men's speech is more verbally abusive, while women's speech is more emotionally charged, emotionally and emotionally charged, and swearing is more common.

Keywords: gender linguistics, the concept of "gender", language, culture, gender relations, women's speech, men's speech, language tools, appeal, appeal forms dysphemism.

O'zbek tilshunosligida murojaat so'zlariga gapning grammatik jihatdan mustaqil va intonatsion jihatdan ajratilgan tarkibiy qismi sifatida qaraladi. Murojaatni o'rganishga pragmatik yondashish uning ko'p funktsionalligini ochib berishga imkon beradi. Nutq madaniyati, nutq jarayonlarini maxsus lingvistik planda tekshirishni Praga tilshunoslik maktabi vakillari boshlab berishdi [1].

O'zbek tilshunos olimlaridan S.Mo'minov o'z tadqiqotida birinchilardan bo'lib nutq madaniyatiga ijtimoiy-lisoniy aspektida yondashgan [1]. Gender tushunchasi erkak va ayollarning psixologik, ijtimoiy va madaniy o'ziga xos xususiyatlarini nazarda tutadi. Uzoq yillik rivojlanishlar natijasida shuni aytish mumkinki, ushbu ikki qarama-qarshi jins o'ziga xos umumiylik va farqlarga ega. Bugungi kunda ayol va erkakni bir-biridan farqlovchi va umumlashtiruvchi xususiyatlar tizimi shakllandi. Fanda biologik jihatdan erkak va ayolni ajratish uchun "jins" tushunchasi qo'llansa, "gender" tushunchasi erkaklar va ayollar xulq-atvoridagi tafovutni nazarda tutadi deyish mumkin.

Hozirgi vaqtda tilshunoslikda til vositalarini gender jihatdan tahlil qilish, gender tadqiqotlar ancha rivojlanmoqda. Har bir millat o'zining mentalitetidan kelib chiqib muloqot jarayonida til vositalarini turlicha qo'llaydi. O'zbeklar nutqida qo'llaniladigan til vositalari, ya'ni murojaat shakllari boshqa xalqlarnikidan farq qilib, unda o'zbekona madaniyat aks etib turadi. Shu bilan birga, ayollar va erkaklar nutqida ham bu vositalarning qo'llanishida farqlar kuzatiladi. Demak, jamiyat a'zolari bo'lgan erkak va ayol murojaatidagi o'ziga xoslikni o'rganuvchi gender tilshunoslik ijtimoiy lingvistik bilan chambarchas bog'liqlikda turadi. Jinslararo munosabatlarni tadqiq qilish, avvalambor, falsafaning vazifasi hisoblanadi. Lekin bugungi kunda "gender sotsiologiyasi", "gender psixologiyasi", "gender pedagogikasi" kabi ilm-fan sohalarini yuzaga kelmoqda. Shu boisdan ham bugun ilmiy adabiyotlarda, tadqiqotlarda va bahs-munozaralarda "gender" atamasi, u bilan bog'liq "gender munosabatlar", "gender xususiyatlar", "gender tenglik", "gender madaniyat", "gender taraqqiyot", "gender sotsiologiya", "gender psixologiya" kabi iboralar ko'p ishlatilmoqda.

Ma'lumki, sotsiologiya hamda psixologiya fanlarida "gender" tushunchasi "biologik jins" tushunchasidan farqlanuvchi ijtimoiy tushuncha hisoblanadi. Buning asosida jamiyatda erkak va ayollarga xos bo'lgan xususiyatlar negizida shakllangan "ijtimoiy jins" tushunchasi yotadi. Boshqacha aytganda, gender tadqiqotlarda uzoq vaqt davomida odamlar dunyoqarashida shakllangan, jamiyat tomonidan qabul qilingan *erkaklik* va *ayollik* (*maskulinnost* va *feminizm*)ka xos axloq me'yorlari tushuniladi. Ana shunday axloq me'yorlari ichida muloqot xulqi masalasi markaziy masalalardan biri bo'lganligi bois genderologik muammolarni lingvistik aspektida o'rganish zarurati tug'ildi va genderolingvistika ana shu zarurat tufayli alohida bir soha sifatida paydo bo'ldi [2].

Agarda erkaklar va ayollarning tildagi mavjud birlikardan foydalanishiga e'tibor qaratsak, ularning so'z qo'llashda o'ziga xos xususiyatlarini, jumladan, ayollarning nutqiy vaziyatdan kelib chiqib ko'proq hissiyotga berilishini, shuning uchun evfemizmlardan ko'proq, ba'zan esa imkonsiz qolganda vulgarizmlardan foydalanishga majbur bo'lishga moyilligini ko'rishimiz mumkin.

Lisoniy hodisalar mohiyatini yoritishga gender nuqtayi nazardan yondashuv rus tilshunosligida ham kuzatiladi. Rus tilshunosligida Ye.I.Goroshko, O.L.Kamenskaya, A.V.Kirilina, O.V.Ryabovlar, V.V.Potapov, A.Bodrova, Ye.Kartushina, A.Kostikova, Ye.Nazarova, Ye.Badmayeva kabi tadqiqotchilar

tomonidan tilshunoslikda gender xususiyatlarni tadqiq etish borasida amalga oshirilgan ishlarda til va gender munosabati, sotsiopragsmatik xususiyatlari ma'lum darajada tahlilga tortilgan. Bu borada muntazam ravishda xalqaro konferensiyalar ham o'tkazilib kelinayotganligi ham fikrimizni dalillaydi.

Shuni aytish mumkinki, o'zbek tilshunosligida hali gender lingvistika atroflicha o'rganilgani yo'q. Erkak va ayol faqat biologik jihatdan farqlanmasdan, balki ularning nutqiy faoliyati, xatti-harakati va imo-ishoralarida ham o'xshashlik va tafovutlar ko'p. Ayniqsa, ular nutqining asosi bo'lgan murojaatlar o'ziga xosdir. Bu o'zgachalikni aniqlash bizning oldimizdagi maqsadlarimizdan biridir. Erkak va ayollarning lisoniy hamda nolisoniy birliklarni qo'llashlarida bu ikki jins vakillarida sezilarli farqlar kuzatiladi. Ko'pgina lisoniy va nolisoniy birliklar u yoki bu jinsga tegishli ekanligi bilan gender xoslanishga ega. Erkaklar va ayollar nutqining fonetik, leksik-frazeologik, grammatik, stilistik va boshqa turdagi farqlari yaqqol ko'zga tashlanadi.

Ayollar tabiatan nafosat timsoli bo'lganligi bois, suhbat jarayonida ham jozibador va bo'yoqdor leksemalarni, shaxsiy munosabat ifodalovchi so'zlarni, ijobiy bo'yoqdor so'zlarni ko'proq qo'llaydi. Suhbat jarayoni biroz bo'rtirilgan holda olib borilishi mumkin.. Emotsional holatlar: hayratlanish, sevinish, qo'rqish, nafratlanish, xafa bo'lish kabi ruhiy-fiziologik jarayonlarni ularda kuzatishimiz mumkin. Ayollar va erkaklar muloqot madaniyati o'ziga xos xususiyatga ega. Ular nutqining farqli xususiyatlari borasida tilshunoslikda bir qancha ishlar amalga oshirilgan bo'lib, ayrim xalqlarda ayollar nutqi alohida tadqiqot sifatida maydonga kelgan. O'zbek tilshunosligida keyingi yillardagi tadqiqotlarda oz bo'lsa-da, bu haqda yoritib o'tilgan. Jumladan, S.Mo'minov [3], Sh. Iskandarovalarning ilmiy tadqiqotlarida buni ko'rish mumkin[4]. Muloqotning jins jihatidan xoslanishi muhim ahamiyat kasb etib, sotsiolingvistikaning o'rganish muammolaridan biri sanaladi. Murojaat shakllarini jins jihatidan tahlil qilganda, erkak va ayol kishilarning nutqida qo'llaniladigan murojaat shakllari hamda erkak va ayol kishiga nisbatan qo'llaniladigan murojaat shakllari tarzida tahlil qilish lozim.

Tarixiy davrda, tarixiy romanlarda ham erkak va ayollar nutqining o'ziga xos farqli holatlarini ko'rish mumkin. Bu farqli holatlar murojaat shakllarida o'z ifodasini topgan. Murojaat shakllari yana shu jihati bilan xarakterliki, ularda so'zlovchi va tinglovchining jinsi yaqqol namoyon bo'ladi. Buni oddiy muloqot madaniyatimizda ham uchratish mumkin. "Ayollar nutqida "ovsin", "dugonajon", "egachi", shuningdek turmush o'rtoqlariga qarata "dadas" murojaat shakllari mavjud" [4].

Kishilarning o'zaro aloqa munosabatlarida erkaklar va ayollar nutqi ajratilar ekan, bu ham erkak yoki ayolning jamiyatdagi ijtimoiy roliga bog'liq holda yuzaga keladi. Erkaklar nutqida ayollar murojaatida uchramaydigan quyidagicha tafovutlar bor: 1) erkaklar nutqida qo'llanadigan gaplar ayollarnikiga nisbatan qisqaroq bo'ladi; 2) grammatik xatolar ko'p uchraydi; 3) erkaklar nutqida emotsional so'zlar kam qo'llaniladi; 4) erkaklar nutqida undov va so'roq gaplar kam qo'llaniladi.

Ayollar nutqida kuchli ta'sirchanlik, emotsional-baholovchi leksik birliklarning ko'pligi xos bo'lsa, erkaklar nutqi uchun kasbiy atamalarning ko'pligi, ta'sirchan vositalarning juda kamligi, voqea-hodisalarga sovuq munosabatda bo'lish va fikr ifodalashda o'ziga xos dag'allik mavjud bo'ladi. Umuman, ayollarda yomon, erkaklarda esa yaxshi his-tuyg'ularni ochiqdan ochiq ifodalash o'zbek tilida kamdan kam kuzatiladi.

O'zbek tilida ayollar nutqida *-im* egalik qo'shimchasining erkalash ma'nosining ifodalanishida faolligi seziladi. O'zbek tilida o'zlik olmoshining *o'zimning qo'zichog'im, o'zimning toychoq'im, o'zimning asalim* kabi birinchi shaxs birlikdagi ko'rinishi ishtirokidagi erkalash ma'nosini ifodalovchi ayrim leksik birliklar, yuklamalar, his-hayajonni ifoda etuvchi til birliklari, takrorlash, metafora kabi stilistik vositalar asosan ayollar nutqida fikrning ta'sirchanligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etishi seziladi. Shunisi xarakterliki, ijobiy munosabat ifodalashda ayollar nutqi alohida ajralib turadi. Bundan tashqari, ayollar va erkaklar nutqining o'ziga xosligini belgilovchi asosiy omillardan biri ayollarning erkaklarga qaraganda nutqiy vaziyatda ko'proq *xushmuomalalik, odoblilik hamda hurmat ko'rsatishga* harakat qilishlari yaqqol sezilib turadi.

Erkaklar va ayollar nutqida uchraydigan murojaat shakllari semantikasi turfa xil. Ular nutqida qo'llaniluvchi so'zlar ham ijobiy, ham salbiy bo'yoqda bo'lishi mumkin. Erkaklar nutqida ko'proq qo'pol, so'kish, dag'al so'zlar bilan murojaat ifoda etilsa, ayollar nutqida kuchli emotsiyaga berilish, his-tuyg'u va kechinmalar orqali ifodalash, qarg'ish so'zlar qo'llash kabi holatlar ko'p uchraydi.

Ko'rinadiki, fikr ifodalash uslubining o'ziga xosligi, gaplarning grammatik qurilishi, emotsional-ekspressiv, baholovchi birliklarning ishtirok etishiga ko'ra ayollar va erkaklar nutqi keskin farqlanadi. Bu esa erkak yoki ayolning jamiyatda egallab turgan ijtimoiy mavqeyi, turmush tarzi, voqelik faktlariga munosabati, lisoniy zaxirasi kabi omillar bilan bog'liq.

Ma'lumki, murojaat shakllari jins jihatidan ham farqlanadi. Ularni gender xususiyatlariga ko'ra quyidagicha tasniflash mumkin:

- a) Ayollar nutqiga xos murojaat shakllari;

- b) Erkaklar nutqiga xos murojaat shakllari;
 c) Ayollar va erkaklar nutqida birdek qo'llanishda bo'lgan murojaat shakllari.

Ayollar nutqini mulozamat-manzirat tarzidagi murojaat shakllarisiz umuman tasavvur qilish imkonsiz, chunki bunday so'zlar ayollar nutqining shirin, muloyim bo'lishini ta'minlaydi. Ayniqsa o'zbek ayollari bunday so'zlarga kundalik turmushlarida deyarli har kun, har soatda murojaat qilib turadilar. Masalan:

-*Aylanay, Zulayxo, nabiralar qutlug' bo'lsin. O'g'ilmi, qizmi?*

-*Qoqindiq, qizaloq. (so'zlashuvdan)*

-*Xo'sh kelibsiz! Qani olib o'tiring, aylanay! Dasturxonga qarang! Dasturxondan olib o'tiring, o'rgilay!*

Asosan, erkalash-suyish ohangida aytiladigan murojaat shakllari *o'zim aylanib ketay, o'zim o'rgilay, girgittan bo'lay, asal qizim, toychog'im, bo'yaringa qoqindiq bo'lay, bolajonim, kichkintoyim, bo'talog'im, erka qo'zim, erkatoyim, arslonim, pahlavonim* va h.k. murojaat so'zlar faqat ayollar nutqiga xos.

Erkaklar nutqida esa bu holat birmuncha passiv amalga oshadi. Ya'ni erkaklar nutqi ko'p hollarda rasmiy ohangda bo'lib, mulozamat-manzirat shaklidagi murojaat shakllaridan ayollarga nisbatan kamroq foydalanadilar.

-*Bolam, bardammisiz, ishlari yaxshimi?*

-*Rahmat, otaxon! O'zingiz bardam-baquvvatmisiz?*

-*Sizga og'ir kelmasa, bir xizmat topshirmoqchiman, usta!*

Murojaat shakllarini jins jihatdan tahlil qilganda erkak va ayol kishilarning nutqida qo'llaniladigan murojaat shakllari hamda erkak va ayol kishiga nisbatan qo'llaniladigan murojaat shakllari tarzida tahlil qilish lozim bu kabi murojaat shakllari S.Mo'minov [3], Sh.Iskandarovalarning ilmiy tadqiqotlarida atroflicha o'rganilgan [4]. O'zbek tilida bolalar nutqida laqab sifatida qo'llanadigan so'zlar ham mavjudki, ushbu so'zlar "disfemizm" deb yuritiladi. Tashqi belgiga ko'ra o'xshashlik asosida metaforik shaxs deysisini hosil qiluvchi disfemizm maktab yoshidagi bolalar nutqida ko'p uchraydi [5]. Disfemizm kishilarni o'z nomlari bilan atamay, haqoratlash va kamsitish maqsadida tabiatdagi salbiy xarakterda deb bilgan jonivor yoki narsa nomi bilan atashdir. Disfemizmlarga misol qilib *cho'chqa, tulki, ilon, chayon, eshak, mol, ho'kiz* kabi so'zlarni keltirish mumkin. Muloqotda disfemizmlarni qo'llash so'zlovchining tinglovchiga nisbatan masxara, istehzoli, iltifotsiz qarashini bildiradi. Ushbu so'zlar ko'pincha erkaklar va maktab yoshidagi o'g'il bolalar nutqida laqab sifatida qo'llanadi. Uzun bo'lyi bolaga nisbatan *laylak*, sekin yuradigan bolaga nisbatan *toshbaqa* va h. so'zlarni qo'llash hamda ushbu so'zlar bilan chaqirish holatlarini ko'plab kuzatish mumkin: *Hoy, "Laylak", qayerga ketyapsan? (Maktabda bolalar Sarvarni "Laylak" deb chaqirishadi).* (Muxsinov Diyorbek, 14 yosh). Qolaversa, jamiyatda so'zlashuv nutqida katta yoshdagi insonlarning kichik yoshdagi farzandlariga, yosh bolalarga tanbeh berish vaziyatlarida ushbu disfemizmlardan murojaat birligi sifatida qo'llash holatlarini kuzatish mumkin. Bu esa jamiyatda insonlarning nutq madaniyatini oshirish lozimligini taqozo etadi.

Jahon tilshunosligida bo'lgani kabi, o'zbek tili va nutqining gender xususiyatlarini batafsil tadqiq etish, muammoga oid boshqa masalalarning nazariy va amaliy jihatlarini chuqur o'rganish dolzarb vazifalardandir. O'zbek tilshunosligida genderolingvistika yo'nalishida endigina ayrim ishlarga qo'l urilmoqda. "Gender" tushunchasi fanga biologik jinsning, ya'ni ular asosida insonlarni erkak va ayolga ajratuvchi "jins" tushunchasidan ajratish uchun kiritilgan. Ayollar nutqida kuchli ta'sirchanlik, emotsional-baholovchi leksik birliklarning ko'pligi xos bo'lsa, erkaklar nutqi uchun kasbiy atamalarning ko'pligi, ta'sirchan vositalarning juda kamligi, voqea-hodisalarga sovuq munosabatda bo'lish va fikr ifodalashda o'ziga xos dag'allik mavjud bo'ladi. Umuman, ayollarda salbiy, erkaklarda esa ijobiy his-tuyg'ularni ochiqdan ochiq ifodalash o'zbek tilida kamdan kam kuzatiladi.

Muloqot jarayonida erkak va ayol murojaatida ijobiy hamda salbiy bo'yoqdagi munosabatni yaqqol sezish mumkin. Erkaklar nutqida ko'proq qo'pol, so'kish, dag'al so'zlar bilan murojaat ifoda etilsa, ayollar nutqida kuchli emotsiyaga berilish, his-tuyg'u va kechinmalar orqali ifodalash, qarg'ish so'zlar qo'llash kabi holatlar ko'p uchraydi. Erkaklar va ayollar nutqidagi yana bir o'ziga xoslik ularning barqaror birikmalarni qo'llash jarayonida ham yuzaga chiqadi. Iboralarda boshqa ma'nolardan ko'ra jins ma'nosi ustunlik qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mo'minov S. O'zbek muloqot xulqining ijtimoiy-lisoniy xususiyatlari. Filol. fan. dokt. diss. T, 2000. 8-bet.
2. Qurbonova M. Genderolingvistik tadqiq yangi paradigma sifatida // O'TA, 2014/ №2, 43-b.
3. Mo'minov S. O'zbek muloqot xulqining ijtimoiy-lisoniy xususiyati. Filol. fan. dokt. ...dis. avtoref.-T.,2000.-B.33.
4. Sh. Iskandarova. O'zbek nutq odatining muloqot shakllari, fillol. Fan. Nomz..Diss. avtoref. – B 19.
5. Qurbonova M. O'zbek bolalar nutqining pragmatik xususiyatlari. Fil.fan.dok. diss.avtoreferati. Toshkent,2018. B-17.
6. Safarov Sh Pragmalingvistika. Toshkent 2008. B-76
7. Bozorova M.M. O'zbek tilidagi ijobiy istak mazmunini ifadolovchi nutqiy birliklarning lisoniy xususiyatlari. Filol. fan. nomz. diss. Toshkent, 2007 17-b

8. Z. Akbarova Murojaat shaklining tasnif asoslari O`TA, 74-76-b.

9. Формановская Н. И. Обращение с точки зрения коммуникативно – прагматического подхода / Н.И. Формановская // Специализированный вестник КрасГУ.-2000- Вып.11.-с. 83-88.

10. Балакай А. А. Этикетные обращения: функционально-семантические и лексикографические аспекты: автореф. дисс. ... канд. филол. наук / А. А. Балакай. - Новокузнецк, 2005.

UO`K 808.3

INGLIZ TILIDA TA'NA-DASHNOM TUSHUNCHALARNI BILDIRUVCHI LEKSIK BIRLIKLARNING SEMANTIK MAYDONI

I.T. Rustamov, o`qituvchi, Jizzax davlat pedagogika instituti, Jizzax

I.M. Ataboyev, o`qituvchi, Jizzax davlat pedagogika instituti, Jizzax

Annotatsiya. Maqolada hozirgi zamon tilshunosligida semasiologiya va semantik maydon tushunchalari batafsil ko`rib chiqiladi. Tilning ma'no mazmun tomonini, ya'ni semantikasini o`rganish bo`limi semasiologiya deb ataladi. Leksikologiyada tildagi so`zlarning yasalishi, ularning kelib chiqishi va ishlatilishi o`rganilsa, semasiologiyada keng ko`lamda tildagi barcha birliklar ya'ni so`zlar ma'no - mazmun tomonidan tadqiq qilinadi. Semasiologiyaning o`rganish ob'ekti ancha kengroq va u tilning ma'no - mazmun tomonini ancha chuqur va abstrakt tekshirib, uning tushuncha, tafakkur va belgi bilan bog`liq tomonlarini o`rganadi. Tilning lug`at boyligi uning leksik sistemasi deb, so`zning ma'no - mazmun jihati esa tilning semantik strukturasi deb yuritiladi. "Sistema" tushunchasi tildagi birliklarning yig`indisi va ular o`rtasidagi aloqalarni taqozo etsa, "struktura" tushunchasi esa bu bog`lanishlarning qanday tarzda ekanligini, ularning harakterini izohlaydi. So`z ma'no - mazmunini o`rganish bobida semantik maydon tushunchasi asosiy tushunchalardandir. Tilda ideografik lug`at yoki tezaurus lug`at nomi bilan ataluvchi lug`at turi mavjuddir. Ideografik lug`at biror tushuncha doirasidagi so`zlar gruppasini, ya'ni semantik maydonini, so`zlarning bir biridan farqlanish belgilarini va ichki bog`lanish strukturasi izohlab beradi. So`zlar shu asosda bir leksik semantik guruhga jamlanadi. Shu bilan birga semantik maydonni tashkil etuvchi so`zlar o`rtasida differensialliklar ham mavjud. Huddi shu jihatdan ular sinonimik guruhlardan tubdan farq qiladi. Fikrimizning so`ngida shuni ta'kidlamochimizki so`z ma'no - mazmunini, ularning semantik maydonini o`rganishda ideografik lug`atlar muhim va asos manba bo`lib xizmat qiladi.

Kalit so`zlar: Ta'na-dashnom, farishta, shayton, iblis, Rabbiy, Qodir, oliy mavjudot, birinchi sabab, asosiy harakatlantiruvchi, hamma narsaning muallifi, hamma narsaning yaratuvchisi, cheksiz, abadiy, hamma narsaga.

Аннотация. В статье подробно рассматриваются понятия семасиологии и семантических полей в современной лингвистике. Семантическая сторона языка называется отделом изучения, то есть семантика - это семасиология. В лексикологии, легализации, происхождении и использовании слов в языке, в семасиологии в широком масштабе, все единицы языка, то есть слова, изучаются с использованием значения - содержания. Объект изучения семасиологии гораздо шире, она гораздо глубже и абстрактнее исследует смысловую сторону языка, рассматривает его аспекты, связанные с пониманием, созерцанием и характером. Словарное богатство языка рассматривается как лексические системы, семантический аспект слова - это семантическая структура языка. Если понятие "Система" диктует сумму единиц в языке и связей между ними, то понятие "структура" интерпретирует то, как расположены эти связи, их характеры. Значение слова является одним из основных понятий концепции семантического поля в главе "Изучение значения". В языке существует тип словаря с названием идеографического словаря или словаря тезауруса. В идеологическом словаре описывается группа слов, то есть семантическое поле, в рамках понимания признаков различия между словами и структуры внутренней связи. На этом основании слова группируются в одну лексико-семантическую группу. В то же время существуют различия между словами, составляющими семантическое поле. В этом отношении они радикально отличаются от синонимичных групп. В заключение нашего мнения следует отметить, что при изучении значения и значения слов, их семантического поля идеологические словари служат важным и основным источником.

Ключевые слова: Поношение, Ангел, Сатана, Демон, Господь, Всемогущий, Высшее Существо, Первопричина, Творец Всего Суцего, Творец Всего Суцего, Бесконечный, Вечный, Всемогущий.

Abstract. The article discusses in detail the concepts of semasiology and semantic fields in modern linguistics. The semantic side of the language is called the Department of study, that is, semantics is semasiology. In lexicology, the legalization, origin, and use of words in the language, in semasiology on a wide scale, all units in the language, that is, words are studied using meaning - content. The object of the study of semasiology is much broader, it examines the meaning - meaning side of the language much more

deeply and abstractly, examines its aspects related to understanding, contemplation, and character. The dictionary wealth of the language is considered it is lexical systems the semantic aspect of the word is the semantic structure of the language. If the concept of "System "dictates the sum of the units in the language and the connections between them, then the concept of" structure " interprets how these connections are located, their characters. Word meaning is one of the basic concepts of the concept of the semantic field in the chapter of the study of meaning. In the language, there is a type of dictionary with the name of an ideographic dictionary or thesaurus dictionary. In the ideological dictionary, a group of words is described, that is, a semantic field, within the framework of understanding the signs of the difference between words and the structure of the internal link. On this basis, words are grouped into one lexical-semantic group. At the same time, there are differences between words that make up the semantic field. In this respect, they are radically different from the synonymous groups. At the end of our opinion, it should be noted that in the study of the meaning and meaning of words, their semantic field, ideological dictionaries serve as an important and main source.

Key words: *Reproach, Angel, Satan, Demon, The Lord, The Almighty, The Supreme being, The First Cause, The Prime Mover, Author of all things, Creator of all things, The Infinite, The Eternal, The All-powerful.*

Ta'na-dashnom tushunchalarni bildiruvchi soʻzlar ham umumiy, dashnom tushunchasi ostida toʻplanadi. Haqorat tushunchasi juda keng qamrovli tushunchadir. Insoniyat tarixidan bizga ma'lumki har bir davrda, har bir jamiyatda oʻziga xos Ta'na-dashnom soʻzlari mavjud boʻlgan va hozir bu an'anaga sodiq qolinmoqda. Ilmiy ishdagi asosiy maqsadimizga, ya'ni ta'na-dashnom tushunchalarni bildiruvchi soʻzlarga, ularning leksik maydoni masalasira e'tiborimizni qaratsak.

Ta'na-dashnom tushunchalarini bildiruvchi soʻzlar bitta umumiy tushuncha – haqorat va kamsitish tushunchasi asosida jamlanadi.

Ushbu tushunchalarni bildiruvchi soʻzlarning leksik maydoni qoʻyidagi guruhdan iborat:

Oliy mavqega ega boʻlgan mavjudotlar va joy nomlari (Superhuman beings and regions);

Diniy ta'limotlar (Doctrines or Religious knowledge);

Koʻngilda, qalbdagi mavjud boʻladigan diniy tuygʻular (Religious sentiments);

Barcha guruhlardagi tushunchalarni bildiruvchi soʻzlar yigʻilib mukammal bir ta'na-dashnom tushunchasini hosil qiladi. Lekin bu guruhlariga mansub soʻzlar bir-biri bilan bazi xususiyatlari bilan biroz yoki tubdan farq qilishi mumkin. Agar bu soʻzlarni semantik tahlil qiladigan boʻlsak, ularda mavjud boʻlgan umumiylik va farqlarni aniq koʻrishimiz mumkin. Masalan, birinchi guruh Superhuman Beings and Regions guruhidagi Diety, Angel, Demon soʻzlarini oladigan boʻlsak, ulardagi umumiylik ularning "oliy mavjudotligi", "koʻzga koʻrinmasligi, lekin mavjudligi", "jonliligi"dir. Bu uch ma'no ulardagi integral ma'no elementlaridir. Endi soʻzlardagi ma'no farqliligi (differensiallik) ga keladigan boʻlsak, ulardagi mavjud "oliy mavjudotlilik" umumiyligi bir biriga nisbatan daraja jihatdan farqlanadi.

Diety soʻzi ma'no jihatdan "eng oliy, eng yuqori tabaqadagi zot" ekanligini anglatadi. U "yosh" jihatdan ham "eng katta" va "eng yaxshi sifatlariga ega bulgan zot" dir.

Angel, Satan, Demon soʻzlari ma'no jihatdan "eng oliy" emas, balki "oddiy darajadagi mavjudotlar" sirasiga kiradi. Ular Diety soʻziga nisbatan ikkinchi va keyingi oʻrinlarda turadi, lekin insonlardan yuqorida turadi. Xullas, Angel, Satan, Demon soʻzlari Xudo inson orasida turuvchi "oliy mavjudotlar" dir. Ulardagi mavjud ikkinchi farqlilik esa bu oliy mavjudotlarning bajaradigan vazifalarining turiligidir.

Diety soʻziga xos bulgan vazifa xususiyatlari quyidagilar:

"Yaratuvchilik"; "Butun koinotni boshqarish"; "Barcha mavjudotlarni rizqlantiruvchi"; "Hukm etuvchi"; "Mavjudot va mahluqotlarga suvrat va shakl beruvchi"; "Har narsani kuzatib, nazorat ostiga olib turuvchi"; "Tavba qilganlarni kechiruvchi"; "Duolarni qabul etguvchi"; "Paygʻambarlar yuboruvchi, oʻlgandan keyin qayta tiriltiruvchi"; "Hamma ishlarni oʻz zimmasiga, kafolatiga oluvchi"; "Hayotdan oʻlimga, oʻlgandan keyin hayotga qaytaruvchi"; "Yoʻl koʻrsatuvchi" va shu kabilar. Diety soʻziga xos boʻlgan vazifa xususiyatlarining eng asosiylaridandir.[1]

Angel soʻziga xos vazifa xususiyatlari esa "boʻysinish", "Xudoning xizmatida boʻlish", "Xudoning amrlarini paygʻ aybarlarga yetkazish" va xokazolar kiradi. Angel, Satan, Demon soʻzlari oʻrtasida ham farqli ma'no elementlari mavjuddir. Ular ijobiy va salbiy xususiyatga ega ekanliklari va vazifalari bilan farqlanadi. Angel soʻzi ijobiy ma'noga ega boʻlgan soʻz, Satan, Demon soʻzlari esa salbiy ma'noli soʻzdir. Vazifa xususiyati jihatdan esa Angel "ezgulik yoʻlida xizmat qiluvchi", "ezgulikka boshlovchi", "Xudoning amrlarini tula-toʻkis bajaruvchi" sifatida, Satan, Demon esa "yomonlik" "yovuzlik sari yetaklovchi", "Xudoning amriga boʻysinmasdan oʻzi bilganicha yoʻl tutuvchi" kabi ma'no xususiyatlariga egadir. Birinchi guruhga mansub (Superregions) Heaven, Hell soʻzlarini ma'no elementlariga boʻladigan boʻlsak, bu soʻzlar birinchi guruhdagi Superhuman beings bilan bir guruhda jamlanganiga e'tibor qaratishimiz kerak. Bu

soʻzlardagi ma'no umumiyliги "oliylik" ma'no elementi va "mafhumlik", "mavjudlik, lekin sezgi vositalarimizdan maxfiy zot yoki joylar" ma'no elementlaridir. Superhuman beings va Superregions ga mansub soʻzlar orasidagi ma'no farqliligi, Superhuman beings ning "jonlilik", "shaxsra ega boʻlishlik", "tiriklik", "yosh" va boshqa ma'no elementlariga egaligi, Superregions ga mansub soʻzlarning esa "joy nomini bildirishi", "jonsizligi" va xokazolardadir.

Superregions ga oid Heaven, Hell soʻzlari ham ma'no va vazifasiga koʻra turli semalarga boʻlinadi. Heaven soʻzi "ijobiylik", "goʻzallik, chiroylilik", "yaxshi insonlar, solihlar uchun makon" ma'no elementlariga ega. Hell soʻzi esa "salbiylik", "hunuklik", "qoʻrqinchlilik", "azob chekiladigan joy", "yomonlar uchun makon" kabi ma'no elementlariga egadir. Diniy-iloxy tushunchalarni bildiruvchi soʻzlar leksik maydonini tashkil qiluvchi ikkinchi asosiy guruhi Religious knowledge yoki Doctrines guruhiga kiruvchi Islamic-revelation, asosiy (bosh) soʻzlar: Theology, Orthodoxy, Heterodoxy, Judeo-Christian revelation, Pseudo-revelation.

I. Superhuman beings and Regions

Bu guruhga kiruvchi Diety soʻzining bir necha ekvivalentlari mavjud.

Diety soʻzi barcha dinlarda bir xil manoga ega boʻlsa-da u turli dinlarda turli shakl va koʻrinishlarda keladi.

Diety - (Islom dinida)-Al1ap, God, Diety, Divinity, The Omnipotence, The Lord, The Almighty, The Supreme being, The First Cause, The Prime Mover, Author of all things, Creator of all things, The Infinite, The Eternal The All-powerful, The All-wise, The All-mercifull, The All-holy, The Most Gracious, The Most Mercifull, The Most Compassionate, The Court of God, The Unque Creator, The Giver of Security, The Grandeur, The Judge of Judges, The All-knowing, The All-majesty, The All-overwhelming, The Unique Owner, The All-provider, The Sovereign, The All-watcher, The Omniscient, The Omnipresent, The Omnipotent, Heaven(metonimicall) The Preserveri.

Angel - bu soʻz ijobiy ma'nodagi soʻz boʻlib, atalishida koʻprok,

Heaven- jannat soʻzi bilan bogʻlanadi - archangel, guardian angel, heavenly host host of heaven, ministering spirit, patron saint, invisible helper, morning star, Gabriel, Azrail, Israphil, Micael, Seraph, Seraphim, Cherub, Cerubim;

Satan - bu soʻz faqat salbiy ma'noda ishlatilib, atalishida Hell-doʻzah soʻzi bilan bogʻlab ishlatiladi - the devil, Lucifer, Mephistophebs, Ahriman, Belial, Samael, Zamiel, Beelzebub, The Prince of the Devils, the evil one, the evil spirit, the Adversary, the archenemy, the author of evilb, the wicked one, the old Serpent, the Prince of darkness, the foul fiend, the arch fiend, the devil incarnate, the common enemy, the angel of the bottom less pit, demon;

Jupiter - bu soʻz koʻproq qadimgi mif va afsonalarda ma'bud va ma'budalarni ifodalashda qoʻllanilgan - god, goddess, heathen, gous and goddesses , deva, Jupiter, Jova, Aphrodite, Brahma, Devi, Durga, Kali, the Great spirit, Zeus, Apollo, Hades, Juno, Mars, Mercury, Minevra, Odin, Osiers, Proseipine, Saturn, Valhalla, Venus, Vesta, Ariel, Ormuzd, Oberon, Shiva, Krishna, Vishnu...;

Demon - bu soʻz ham Satan soʻziga oʻxshab salbiy ma'noda va yovuz kuchlarga nisbatan ishlatiladi - deamon, demonry, evil genius, fend, daeva, bad spirit, unclean spirit, cacodemon, incubus, Eblis, shaitaa, succubus, Frankenstein's monster, Titan, shedim, Asmodeus, Moloch, Belial, Ahrimjan, fury, harpy, Friar rush , Vampire, loki, gnome, gin, jinn, imp, deev, lamia, bogie, bogeyman, pix, nix, nixie, ghost, specter....

II. Religious Knowledge or Doctrines:

Theology - bu soʻzga umumiy ilohiyot tushunchasini, imon, e'tiqod tushunchalarni ifodalovchi soʻzlar kiradi - theogany, theosophy, divinity, hagiology, hagiography, monotheism, religion, religious persuasion, rbligious sect, religious denomination, belief, faith, theologue, divine...;

Orthodoxy - soʻziga toʻgʻri diniy e'tiqodni ifodalovchi soʻzlar kiradi — strictness, soundness, religious truth, true faith, truth, soundness of doctrine; Mohammedan, Mussulman, Moslem, Shiah, Sunni, Osmanli...;

Heterodoxy - soʻziga notoʻgʻri diniy e'tiqodlar, ta'limotlar, xudosizlik tuygularini bildiruvchi soʻzlar kiradi - error, false doctrine , heresy, schismatism, schismaticism, recusancy, backsliding apostasy, athe.sm, bigotry, fanaticism, iconoclasm, puritanism, idolatyi. dissent, sectarism, secularism, religious sects, materialism, ; High Church, Low Church, Free Church, papism, monkery, Catholicism, Romanism, papery, Scarlet Lady, Church of Rome, Greeck Church, Paganism, ethicism, mythology, polytheism, dualism, Judaism, Brahmanism, Buddhism, Mormonism....;

Impiety - By soʻzlarga xudoga shak keltirish, gunohkor boʻlish, majusiylik qilish kabi tushunchalarni bildiruvchi soʻzlar kiradi- sin, irreverence, profaneness, blasphemy, desecration; hypocrisy, falsehood, cant, bigotry; sinner, scoffer, blasphemmer, sabbath breaker, hypocrite, the pvil, the unjust; idolize, impious, irreligious ...;

Sorcery - bu soʻzlarga sehra ishonish, uni xar narsaga qodir deb ishonish kabi tushunchalarini bildiruvchi soʻzlar kiradi - occult art, occult sciences, magic, the black art, necromancy, theurgy, demonology, demonomy, demonship, diablerie, witch craft, fetishism, ghost dance, hoodoo, obi, voodoo, voodooism, shamanism, vampirism, mysticism, second sight, animal magnetism, odilic force, spiritualism, table turning; practice sorcery, cast a nativity, conjure, exorcise, charm, enchant, cast a spell; magic, mystery...;[3]

Spell - bunga ham afsungarlik, jodugarlikka ishonish, unga sigʻinish tushunchalarini bildiruvchi soʻzlar kiradi- charm, incantation, exorcism, weird, exsufflation, cantrap, runes, open sesame, countercharm, bell book and candle, Mumbo Jumbo, evil eye, fee-faw-fam, talisman, amulet, periapt, telesm, philter, fetich, agnus, madsrone, mascot, Om, Aum...

Tilda tarjima masalasi nozik masala hisoblanadi. Ta'na-dashnom tushunchalari bildiruvchi soʻzlarni tarjima qilish esa juda nozik masalalardan biri sanaladi, chunki kamsitish, haqorat tushunchalarining oʻzi oʻta murakkab va nozik tushunchalardir. Ingliz tilidagi ta'na-dashnom tushunchalarni bildiruvchi soʻzlarni oʻzbek tilidagi muqobillarini berishda bir muncha qiyinchiliklarga duch kelinishi tabiiy holdir, chunki ingliz tilida shunday soʻzlar mavjudki ularning ma'nosini boshqa bir tilda toʻliq berish uchun bir soʻz kamlik qiladi, ya'ni uning muqobili bir soʻz bilan ifodalansa toʻlaqonli ma'no chiqmaydi.

Masalan, ingliz tilidagi Cathedral soʻzi oddiy cherkov degani emas, balki bosh cherkov ma'nosini bildiradi. Ingliz tilida bir soʻz bilan ifodalangan bu soʻz oʻzbek tilida ikki soʻz bilan ifodalanayapti. Agar bu soʻzlarning biri tushirib qoldirilsa ma'no aniqligi yoʻqoladi. Ingliz tilida soʻzlashuvchi davlatlarda asosan, xristianlik diniga e'tiqod qilinganligi sababli, ba'zi bir soʻzlar ingliz tilida shu dinlarga asoslanib bir soʻz bilan ifodalangani, masalan:

Pieta soʻzi, fig'on ma'nosini bildiradi. Bu soʻzni oʻzbek tilida bir soʻz bilan ifodalash imkonsizdir, chunki bu soʻz dastlab Xristian dini asosida ingliz tilida paydo boʻlgan. Pieta soʻzini agar, nola, fiyun soʻzlari bilan oʻzbek tilida beradigan boʻlsak, unda toʻliq ma'no chiqmaydi, chunki bu faqat bibi Maryam nolasiga nisbatan ishlatiladi.

Xristianlikda mavjud boʻlmagan, lekin Islom dinida mavjud boʻlgan soʻzlarni ingliz tilida ifodalash uchun Arab tili, ya'ni Islomga asos solingan davlat tili asos qilib olinadi yoki oʻsha tushunchani ifodalash uchun ingliz tilida birdan ortiq soʻz qoʻllaniladi. Masalan, Islom dinidagi azon soʻzi ingliz tilida adhan yoki bir necha soʻz bilan a call for pray shaklida beriladi. Fikrimizning soʻngida shuni ta'kidlamogʻchimizki soʻz ma'no - mazmunini, ularning semantik maydonini oʻrganishda ideografik lugʻatlar muhim va asos manba boʻlib xizmat qiladi. Ingliz tilida ta'na-dashnom tushunchalarni bildiruvchi soʻzlarni tahlil qilayotganimizda ularning semantik strukturasi avva quyidagi bir-biriga qarama-qarshi boʻlgan elementlarni uchratishimiz mumkin: umumiylik-xususiylik, keng ma'no-tor ma'no, markaziy ma'no-markaziy boʻlmagan ma'no, ijobiy ma'no-salbiy ma'no, bosh ma'no, ikkinchi darajali ma'no va boshqalar.[2]

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Англо-Русский словарь. О.С.Ахмановой - Москва, русский язык, 1986
2. Roget's Thesaurus of English words and phrases, 6th edition. -London, 1982
3. Oxford Word power Dictionary, edited by Sally Wehmeier. -Oxford University Press, 1993
4. <http://www.1september.ru/rus/2004/05/1/htm>
5. www.dialog-21.ru/archive_article.asp?param=6255
6. <http://kogni.narod.ru/concept.htm>
7. <http://www.rusnauka.com/Article/Filology/7-10/59.html>
8. http://gazeta.ksu.ru/f10/publications/2004/rsf_conf_8.php

UO'K 808.3

YANGILIK SARLAVHALARINING MATNI VA YANGILIK SARLAVHALARINING TASNIFI

I.T. Rustamov, o'qituvchi, Jizzax davlat pedagogika instituti, Jizzax
F.R. Turg'unova, o'qituvchi, Jizzax davlat pedagogika instituti, Jizzax

Annotatsiya. Maqola gazeta va jurnalistik nutqda til vositalarini bir butun sifatida tanlash asosiy tamoyili ularning talaffuzining baholanishini tan olinish. Bularning barchasi gazeta varaqasida baholash vositalarining barcha turlarini, ularning tabiati va funktsiyalarini, turli janrlardagi matnlarga kiritishning uslubiy usullarini, ularning shakllanish manbalarini, yangilanish sabablarini va rivojlanishning asosiy tendentsiyalarini o'rganishning dolzarbligini belgilaydi

Kalit soʻzlar: gazeta, yanglik sarlavhasi, jurnalistik nutq, analitik baholash, kontent, metaforik ma'no, predicative-nutq, hikoya sarlavhasi.

Аннотация. Основным принципом выбора языковых средств в целом в статье газетной и публицистической речи является признание оценки их произношения. Все это определяет в газете

актуальность изучения всех видов оценочных инструментов, их природы и функций, методологических приемов включения в тексты разных жанров, источников их формирования, причин обновления и основных тенденций развития.

Ключевые слова: Газета, новостной заголовок, журналистская речь, аналитическая оценка, содержание, метафорическое значение, предикативная речь, заголовок статьи.

Abstract. The main principle of the choice of language tools as a whole in the article newspaper and journalistic speech is to recognize the evaluation of their pronunciation. All this determines in the newspaper the relevance of studying all types of evaluation instruments, their nature, and functions, methodological methods of inclusion in texts of different genres, the sources of their formation, the reasons for renewal, and the main trends in development.

Key words: Newspaper, news headline, journalistic speech, analytical assessment, content, metaphorical meaning, predicative-speech, story headline.

Bibliograf N.A.Ulyanov, yozuvchilar “aniqlik va eng muhimi, ish boshida ularni qo'yish bir necha so'zlarning mazmuni” alohida e'tibor ishonch hosil qilgan, deb y ozgan edi: “sarlavha bilan maqola o'tgan, uning mazmuni haqida hech narsa aytmasdan, maqola aslida manfaatdor bo'lgan ko'plab kitobxonlar bor, lekin ular bir qarashda, maqolaning nomi bilan, ular uchun qiziqarli bo'lgan savolni sharhlaydilar[6].

Shunday qilib, axborot mazmuni muayyan maqolaga o'quvchilarning e'tiborini tortadigan muhim nom parametri ekanligiga qo'shilmalik kerak. Biz matnning nomi – sarlavha – uning mazmuni haqida signal, ishning nomining informatsion funktsiyasi qanday amalga oshirilayotganini kuzatib borish vazifasini o'z oldimizga qo'yamiz.

Tadqiqotchi E.A.Lazarev o'z “Gazeta Sarlavhasi” ishida sarlavhalarining informatsion funktsiyasini batafsil ko'rib chiqdi.[4] Ushbu asarga ko'ra, matnning semantik sxemasining turli elementlari (asosiy g'oya, o'rnatish va rivojlantirish tezislari, vaziyatni analitik baholash, xabarning maqsadi, illyustratsiyalar) sarlavhasida qanday aks ettirilganligini aniqlash kerak.[4] Semantik jihatdan, sarlavha matndan alohida narsa sifatida qaralmaydi. Sarlavha matnni tushunishga tayyorlaydi, boshqa tomondan, sarlavha faqat matnni o'qigach, tushunarli bo'lishi mumkin. Shu asosda gazeta sarlavhalarining tipologiyasi berilgan.

Gazeta yangilik sarlavhasi yuqorida keltirilgan matnning semantik tuzilishining har qanday elementini ifodalashi mumkin. Matnning butun hajmi alohida, kichik qismlarga bo'linadi: qismlarga, boblarga, paragraflarga. Sarlavha ushbu birliklar bilan bog'liq bo'lishi mumkin, o'quvchiga matn qanday ajratilganligini, qancha qismdan iborat bo'lishini va qanday qismlar bo'lishini aytib berishi mumkin. Bunday sarlavhalar kompozitsion vazifani bajaradi. Sarlavhalar matnning qanday buzilganligini yoki aksincha, mavzu bo'yicha bir xil materiallarni birlashtirishi mumkinligini ko'rsatishi mumkin. Agar nashrda matn nomlari ichida o'z bo'lmasa, unda sarlavha matnni taqsimlashni taxmin qiladi, o'quvchi kontentda bir nechta qismlarni mustaqil ravishda tanlaydi. Qizig'i shundaki, gazeta varaqasida bitta murakkab matn yaratilgan sarlavha bo'lishi mumkin.

Birinchi paragrafning chegaralangan ishning dastlabki satrlarini tushunish mumkin bo'lgan matnning boshlanishi nashr tarkibining rasmiy semantik qismidir. O'qishni boshlaganimizda, matnning keyingi qismini tushunamiz, keyin bu prognozni tekshiramiz. O'qish paytida o'quvchi xotirasida sarlavha mavjud bo'lib turadi. Yangilik sarlavhada ishlatiladigan kontent elementining formulasi qaerda joylashganligiga qarab, u ushbu mazmunli qismga bevosita bog'liq bo'ladi. To'g'ridan-to'g'ri his mazmuni matn boshida allaqachon nom oqlanishi taqdirda sodir bo'ladi, mazmuni bilan tasdiqlangan, yanada nashr o'qish kabi tasdiqlangan bo'ladi. Bunday nomdan so'ng, kontent hissi neytral, kutilgan va tabiiydir. Sarlavha ostidagi g'oya matnning boshida takrorlanmasligi kerak, ma'no yarim yoki undan ko'p tarkibni o'qib bo'lgandan keyin aniqlanishi mumkin. Yana bir narsa, agar sarlavha bir yoki boshqa tarzda dastlabki satrlarda ataylab takrorlangan bo'lsa, unda o'quvchi e'tiborini sarlavha ostidagi ma'noga qaratadi, matnning ifodasini oshiradi.

Nashrning mazmuni sarlavhani turli yo'llari bilan qisqartilishi mumkin, hikoyaning boshlanishi odatda o'quvchi uchun kutilmagan bo'ladi, garchi sarlavhada muhokama qilinadigan haqiqat mazmuni mazmunda mavjud bo'lsa-da. Yangilik sarlavha ostidagi so'zning leksik takrorlanishi matnning boshida savol bilan birga bo'lishi mumkin, bu esa o'quvchining diqqatini tortadi va matnga murojaat qilish uchun yana bir rag'bat bo'lib xizmat qiladi.

Ko'pincha, muallifning birinchi ishi, bu yangilik sarlavha bilan bog'liq metatil so'zlarni beradi, nima uchun bu so'z bu holatda mos keladi yoki so'zning o'quvchiga tanish emasligini bildirganda mohiyatini tushuntiradi. Bunday izohlar yordamida ba'zan yangilik sarlavhaning paradoksalligi ta'kidlanadi. Boshida mavjud bo'lgan indeks elementlari yangi o'qilgan yangilik sarlavhaga yuboriladi yoki yangilik sarlavha tomonidan taqdim etilgan vaziyatni ochib beradi.

Yangilik sarlavhadagi “va'da qilingan” kontentning birinchi satriga, chalg'ituvchi elementlardan foydalangan holda yoki ularsiz muvofiqligiga qarab, kutilgan kutish yoki aldangan kontentning ta'siri yaratilishi mumkin.

Matnning oxiri - bu holatning analitik bahosi aniq bo'lgan segment, bu segmentdan keyin nashrning mazmuni keladi. Yangilik sarlavha va kontentning tugashining mazmunli aloqasi sarlavha oxirida (ramka takrorlash) yoki boshida va oxirida (halqa takrorlanishi) takrorlanganda paydo bo'ladi. Bunday ikki tomonlama harakatlar: yangilik sarlavhani birinchi o'qish (bir qiymat bilan, izolyatsiya qilingan holat deb ataladi), matnni o'qish, sarlavhani qayta o'qish (yangi ikki yoki undan ortiq qiymat) sxemasini o'z ichiga oladi. Bu holatda birinchi o'qish his-tuyg'ularga asoslangan, ikkinchisi esa intellektual bosqichga o'tadi.

Gazeta sarlavhasi materialni qabul qilishni osonlashtiradi va til aloqasi sifatida rol o'ynaydi. Integral funktsiyasi, turli xil koheziv turlari-alloqa vositasi, yaxlitlikka erishish imkonini beradi, matnning birlik birlashishi, uni mustaqil deb hisoblash imkonini beradi. Sub-sarlavhalar kompozitsion rol o'ynaydi, o'qishni osonlashtiradi gazeta nashri, matnni qismlarga va bo'limlarga ajratish, biroq ayni paytda ular orasidagi aloqani shakllantirish. O'quvchi diqqatni jalb qilgan materialni eslab qoladi tarkibi va mazmunli kompozitsion-nutq qurilishi. O'quvchining xotirasida kontentni o'rnatishda sarlavhaning asosiy funktsiyasi nominativ hisoblanadi. Ammo tadqiqotchilar ularni ko'proq ta'kidlashadi. Biroq, ko'plab ishlarda tilshunoslar funktsiyalarni vositalar bilan aralashtiradilar ularning ifodalari yoki bir nechta turli funktsiyalarga birlashtirilgan.

Tilshunoslar birinchi marta postsovet davrida turli-tumanlikka duch kelishdi sarlavhalar bu haqda norozilik bildirishdi. M.Shostak o'zining "sarlavha yozish" maqolasida shunday deydi: “bugungi kunda sarlavhalar odatda rus matbuoti uchun noan'anaviy modellarga asoslangan. Uzoq vaqt davomida sarlavhalar qisqartirilgan asosiy printsiplar qarama-qarshi tomoniga o'zgargan. Vaqt “mualliflik erkinligi” ga keldi – sarlavhalar, raqamlar, qisqartmalar, ismlar, so'zlashuv so'zlari”.

Bu ularning tasniflashga urinishlariga olib kelgan sarlavhalarning xilma-xilligi. Uning tasnifini tadqiqotchi M.Shostak taklif qiladi.[6.1-5,9-14] U informatsionlikni (kontent va uslubni) asos qilib olishni taklif qiladi, shuning uchun quyidagi sarlavha turlarini ta'kidlaydi:

1. Hikoya sarlavhasi. Yangiliklar uchun tez-tez ishlatiladi. Hikoya sarlavhasini taqdim etish usuli mohiyatning xotirjamligi bilan ajralib turadi. Tez-tez sarlavhani e'lon qilish o'quvchini kengaytirilgan yangiliklarga olib keladigan, vaziyatni tushuntiruvchi va "vizual rasmlar"ga olib keladigan lidga o'xshaydi.

2. Sarlavha-bayonot. Bu vaziyatning aniq "nomi" yoki odamlar xususiyatlari hisobotlar va portret intervyular uchun ishlatiladi.

3. Sarlavha-xulosa. Shaxssiz va tez-tez foydalanish vaziyatni xarakterli deb hisoblaydigan noaniq-shaxsiy shakllar, deyarli tabiiy.

4. Sarlavha-paradoks. U intrigani, hissiyotini o'z ichiga oladi.

5. Sarlavhasida o'z nomlari foydalanish, zikr tadbir ishtirokchilari. Bu sarlavha manzilini beradi va matnning qiziqishni kuchaytiradi.

6. Sarlavha - taklif. Manba bilan to'g'ridan-to'g'ri iqtibos. Ishonchlilik, ishonchlilik hissi paydo bo'ladi.

7. Sarlavha-murojaat. Ko'pincha bunday nom chaqiruv kabi ko'rinadi.

Bundan tashqari, M. Shostak sarlavhalar va tinish belgilarini ta'kidlaydi

ularning hissiy jihatdan muhim elementi:

1. Undov g'azab, jahl, quvonch xiyonat.

2. Savol o'quvchini tushunishga undaydigan sababning rolini o'ynaydi. Ba'zan u ritorik bo'lishi mumkin.

3. Ellipsis ... bu shaklda tez-tez taklif etiladi

vaziyatni chuqur anglash, o'z nuqtasini shakllantirish qobiliyati ko'rish.

4. Qo'sh tirmoq belgilari, kerak bo'lganda ajratish funktsiyasini bajaradi

5. Ikki nuqta sarlavhani juda baquvvat, ta'sirchan qiladi.

Yangilik sarlavhasi ishning tuzilishining har qanday elementini - asosiy fikr, tezislari o'rnatish, vaziyatni analitik baholash, xabarning maqsadi, illyustratsiyalarni ifodalashi mumkin. Nashr nomining informatsion funktsiyasi matnning nomi, uning mazmuni qanday amalga oshirilganligi haqida ma'lumot beradi.

Kontentning muvofiqligi, matn bilan aloqalarga qarab, yangilik sarlavhalarning ko'plab tasnifi mavjud. Shunday qilib, A. P. Bessonov “Gazeta sarlavhasi” kitobida, birinchi navbatda, sarlavha materialning mazmuniga javob berishi va matnning asosiy g'oyasi uchun juda qisqa va aniq ifodalanishi kerakligini ko'rsatadi[1.]. Sarlavha uchun umumiy talab bu aniqlikdir. Bunga erishish uchun materialning mohiyatini tashkil etuvchi matndan ma'lumotlarni olish kerak. Yangilik sarlavha o'ziga xosligi darajasiga qarab, noaniq bo'lishi mumkin. A.P.Bessonovning fikriga ko'ra sarlavha qanchalik kam bo'lsa, o'quvchining

materialga qiziqishi kamayadi. Mavzu sarlavhasining nomuvofiqligi L.M.Maidanova tomonidan ko'rsatiladi.[5.]

Yangilik sarlavhalari nutq mavzusiga ishora qiladi: qahramon, voqea, hodisa va kamdan-kam hollarda asosiy fikrni ifodalaydi, ba'zan esa asosiy fikr sarlavha va subtitr o'rtasida bo'linadi. Shu asosda bir tomonlama va murakkab sarlavhalar ajratilishi mumkin.

Bir tomonlama sarlavhalar matnning semantik tuzilishining bir elementi bilan bog'liq. Bunga quyidagilar kiradi: 1. Mavzu sarlavhalari (sarlavha nashr mavzusi haqida o'quvchiga aytadi). Matn mavzusi uning asosiy fikrining bir qismidir va bu matn tashkil etuvchi tezislar tizimi tomonidan aniqlangan tezis. Asosiy mavzu matn mazmuniga qaratilgan. 2. Sarlavha nutq mavzusini aks ettirishi mumkin, masalan, nashrda aytilgan muayyan faktlar. Materialni o'qish jarayonida sarlavha ostidagi ma'lumotlar aniq ko'rsatilgan bo'ladi. Qabul qilish jarayoni esa oddiy-sarlavhadan matnga.

Sarlavha ko'pincha nashrning qahramoni deb ataladi, shuning uchun nashr mavzusi sarlavhada to'liq aks ettirilgan. Masalan, agar nashr, inson kasbini chaqirsa, o'quvchi qahramonning professional fazilatlarini haqida gapirishi mumkin, ammo matn shaxsiy ma'lumotni o'z ichiga oladi, bu holda sarlavha baholanadigan kontsentatsiyalarni oladi. Agar sarlavha to'g'ri nomlansa, materialni o'qigach, sarlavhaga bir qarashda (o'qishdan keyin ma'lum bir tasvirni ko'rishingiz mumkin) ko'proq ma'lumotga ega bo'ladi. Asosiy fikr to'g'ridan-to'g'ri ifodalanadi, axborot osongina qabul qilinadi. O'quvchini qiziqtirishi uchun idrokning murakkabligi voqea haqidagi asosiy tafsilotni o'z ichiga olgan sarlavha yordamida amalga oshiriladi va matnga o'tishga majbur qiladi.

Yangilik sarlavhalari tasvirlangan voqea bilan bog'liq bo'lgan taklif yoki taniqli ifoda bo'lishi mumkin. Mavzuning ifodasi, asosiy fikr ko'pincha sarlavha o'rtasida taqsimlanadi.

Juda ko'p sonli sarlavhalar matndagi analitik baholashni amalga oshiradi. Bunday sarlavhalar mafkuraviy ma'noga ega bo'lish uchun tayyorlanadi, nashr darhol ma'lum bir tarzda tushuniladi. Sarlavha asosida - kontent samaradorligi, gazetaning ishonchliligi ortadi. Mafkuraviy ma'nosini uzatish tavsiflovchi, majoziy ma'noda uzatilishi mumkin, bu holda sarlavha, uning mazmuni bilan aloqasi faqat nashrni to'liq o'qib chiqqandan so'ng, retrospektiv tarzda amalga oshiriladi. Matn ba'zi signallarni o'z ichiga olishi mumkin (sarlavhada ishlatiladigan so'zlarning sinonimlari, semantik muvofiqlashtirish).

Yangilik sarlavha matn (kontent) ning ikkinchi darajali elementlarini – tezislarga illyustratsiyalarni, xabarning maqsadiga umumiy fonni amalga oshirishi mumkin. Bunday sarlavhalar ifodalidir, chunki ular asosiy bo'lmagan, boshsiz bo'lgan nomga joylashtirilgan. Sarlavhada ifodalangan narsalarning ikkilamchi ko'rinishi uni yanada mazmunli qiladi va e'tiborni tortadi.

Misol uchun, bu masala bo'yicha biron bir odamning so'zlari illyustratsiya roliga jalb qilinishi mumkin. Umumiy fon - bu hodisani o'quvchiga yaqinlashtiradigan aniq tafsilotlarni tanlash, matnni qayta tiklash. Sarlavhadagi baholash matnning muayyan idrokiga mos keladi.

Murakkab sarlavhalar. Matn strukturasi bir nechta elementlari bilan bir vaqtning o'zida bog'langan, murakkab ma'lumotlarni uzatadi. Ularning axborot mazmuni darajasi yuqori, chunki bunday sarlavhalar kontent bilan aloqasi yanada xilma-xildir, bu esa matnning ifodalanganligini oshirishga olib keladi. Ushbu sarlavha bir vaqtning o'zida mavzuni, vaziyatni analitik baholashni, har qanday tezisni, illyustratsiyani amalga oshiradi. Eng oddiy misol-ittifoq tomonidan bog'langan ikki qismdan iborat sarlavha. Masalan kompozit inversiya bu holatda juda qiziqarli usuldir: sarlavhaning birinchi qismi oxirida turgan element bilan, ikkinchi qismi esa matnning boshlanishi bilan bog'liq. Sarlavha va matn nisbati "aksincha". So'zning noaniqligidan foydalanish ham murakkab bir nom yaratadi matnning ikkita semantik elementlari bilan bog'liq bo'ladi: o'qishdan oldin - birinchi ma'no, o'qishdan keyin-ikkinchi, metaforik ma'no, kontent g'oyasi bilan bog'liq bo'ladi.

Aks holda, sarlavha matn elementlarining to'liqligi asosida tasniflanishi mumkin. Ushbu sarlavhaga qarab, to'liq ma'lumot beruvchi va to'liq bo'lmagan axborot nuqta bo'lishi mumkin. To'liq ma'lumot olish uchun barcha matnning mavzusini, uning asosiy g'oyasini yoki asosiy fikrni rivojlantiradigan har qanday tezisni aks ettiradigan sarlavhalar mavjud. Ushbu tasnifda I. P. Dobraev nominativ va predikativ sarlavhalarni ta'kidlaydi.[2] Nominativlar butun nashrning mavzusini oddiygina chaqirishadi, ular geografik ob'ektlar, jonli mavjudotlar, o'simliklar va boshqalar nomlari sifatida xizmat qiluvchi o'z nomlariga o'xshash belgi vazifasini bajaradilar.

Umuman olganda, ushbu sarlavha guruhi gazeta raqamining header tizimining neytral qismidir, biroq boshqa tomondan, boshqalar bunday sarlavhalar fonida yanada yorqinroq ko'rinadi. To'liq bo'lmagan axborot, nuqta sarlavhalari. Bunday sarlavhalar faqat taxminan matnning mazmuniga ishora qiladi, ma'lum bir semantik kontekstni tiklaydigan belgi beradi. Nuqta sarlavhalar informatsionligi quyida keltirilgan, ammo ular o'quvchilarning e'tiborini jalb qilish uchun ko'proq imkoniyatlar beradi.

Ba'zan to'liq bo'lmagan axborot sarlavhalari murakkab xarakterga ega bo'lishi mumkin, ulardan foydalanish o'qishdan aniq bo'ladi. Signallarning ishlatilishi mantiqsiz iborani beradi, bu esa yana bir bor

sarlavhaga ko'proq ta'sir ko'rsatadi. Shunday qilib, axborot mazmuni yangilik sarlavhalarning tasniflanishi va yangilik sarlavha tarkibiy qismlari bilan nisbati ko'rsatilgan mezonga aylanadi.

Albatta, yangilik sarlavhasi o'ziga xos xususiyatlarga ega. U gazeta sahifasida yashaydi, shuning uchun gazetaning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiradi. Qisqa shaklda yozilgan yangilik sarlavhalari ko'plab sodir bo'lgan voqealarning mohiyatini aks ettirishadi. Yangilik sarlavhalar uchun asosiy, chuqur va bebaho manba hayotning o'zidir.

Buning uchun yangilik sarlavhasi barcha ma'lum leksik va sintaktik ifoda vositalarini ishlatishi mumkin. So'zlarning ko'chma ma'nosi, so'z birikmalari, sinonimlar va antonimlar asosida yaratilgan ifodali nomlar paydo bo'lishi mumkin. Yangilik sarlavhalarda maqolalar, so'zlar, iboralar, mashhur qo'shiqlarning nomlari, kinofilmlar, pyesalar, ushbu asarlardan olingan takliflar, so'zlashuv elementlari, fonetik va morfologik ifoda vositalari ishlatilishi mumkin.

Gazeta yangilik sarlavhasi yuqorida keltirilgan matnning semantik tuzilishining har qanday elementini ifodalashi mumkin. Matnning butun hajmi alohida, kichik qismlarga bo'linadi: qismlar, boblar, paragraflar. Sarlavha ushbu birliklar bilan bog'liq bo'lishi mumkin, o'quvchiga matn qanday ajratilganligini, qancha qismdan iborat bo'lishini va qanday qismlar bo'lishini aytib berishi mumkin. Bunday sarlavhalar kompozitsion vazifani bajaradi.

Yangilik sarlavhasi ishning tuzilishining har qanday elementini - asosiy fikr, tezislari o'rnatish, vaziyatni analitik baholash, xabarining maqsadi, illyustratsiyalarni ifodalashi mumkin. Nashr nomining informatsion funktsiyasi matnning nomi, uning mazmuni qanday amalga oshirilganligi haqida ma'lumot beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

1. A.P.Bessonov "Gazeta sarlavhasi"
2. Л.И. Добраев Логико-психологический анализ текста. Текст /Л.И.Добраев, - Саратов, 1969.
3. I.N.Ulyanov Cheboksary, Moscowkiy ave., 15
4. Лазарева, Э.А. Заголовочный комплекс текста – средство организации и оптимизации восприятия [Электронный ресурс] / Э.А. Лазарева // Известия Уральского государственного университета. – 2006. – № 5.
5. Л.М.Майданова, Мельник Г. С. Основы творческой деятельности журналиста. учебное пособие/ Г. С. Мельник, А. Н. Тепляшина, - СПб.:
6. Шостак М. А. Сочиняем заголовки / М. А. Шостак // Журналист. -1998. - № 3. - с. 1- 5, с. 9-14

UO'K 808.3

SAID AHMADNING "QOPLON" VA ROALD DAHL NING "BEWARE OF THE DOG" HIKOYALARIDA IT ZOOSEMASI BERILISHI

U.S. Toirova, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotasiya. Ushbu maqolada ingliz va o'zbek yozuvchilari qalamiga mansub bo'lgan hikoyalarda it zoosemasining berilish usullari tahlil ostiga olinadi.

Kalit so'zlar: it zoosemasi, hikoya, nasr, satira, allegoriya, surat va siyrat.

Аннотация. В данной статье анализируются пути передачи зоосемы собак в рассказах английских и узбекских писателей.

Ключевые слова: зоосема, рассказы, проза, сатира, аллегория, внешность, внутренность

Abstract. This article analyzes the usage of dog zoosemy in the stories of English and Uzbek writers.

Key words: zoosemy, story, prose, satire, allegory, internal and external side of people.

Said Ahmad – nasrnafis va dramaturg, o'zbek adabiyotida kichik nasr – hikoya ustasi sifatida tanilgan. Uning ko'plab yuqori badiiy mahorat ila yozilgan novella va hajviy hikoyalari milliy adabiyotimiz rivojiga salmoqli hissa qo'shdi. Said Ahmad hikoyalari fikrning aniqligi, sujetning qiziqarliligi, uslubning ravonligi, tilning pishiq va obrazlilik bilan o'quvchilarga g'oyat manzur bo'lgan. Buni adibning mustaqillik davridagi ijodi ham to'liq tasdiqlaydi. Said Ahmad birgina 1999-yilda 15 tacha hikoya va ocherk yaratgan. Bular haqida fikr yuritib adibning o'zi: «Mening o'ylashimcha va ko'plab gazetonlar fikricha, ushbu hikoyalar so'nggi yillarda yaratilgan eng yaxshi hikoyalar turkumi bo'ldi», - deb yozgan edi. [1] Bu hikoyalarda sobiq Ittifoq davrida bo'lib o'tgan fojiali voqealarning yorqin manzaralari g'oyat ta'sirli va aniq qilib ko'rsatib berilgan.

"Qoplon" hikoyasi ham ayni o'sha davr voqea-hodisalarni o'z ichiga oladigan hikoyalardan biridir. Aynan insonning haqiqiy xislatlarini satirik yo'l orqali tasvirlash albatta ijodkorning iste'dodiga bo'g'liq jarayondir. Endi esa yozuvchining itni tasvirlash parchasiga o'z e'tiborimizni qaratamiz.

Ertasiga Tillayev ishdan qaytib yuvinayotganida Qurbonboy kattakon it yetaklab keldi. U itni ayvonning ustuniga boylab, iljaydi:— Oti Qoplon, Tillayev aka. Odamning yaxshisini darrov taniydi. Sizga

tez o'rganib ketadi. Ertaga yaxshilab uycha yasab berib ketaman. U qo'lini yuvib kelib, yarim soatcha itning ta'rifini qilib o'tirdi.

— *It hamma gapni tushunadi, faqat jonivorning tili yo'q.* [2]

Itning ismi Qoplun bo'lib, u odamlarni qanday ekanligini yaxshi biladigan itlar sirasiga kiruvchi jonivordir. Uning ko'p narsalarga fahmi yetgani va ko'p narsalarni his qila olgani uchun, aynan bu itni tili yo'q deya e'tirof etadi. Itning ziyorligi, uning gaplarni tezda ilg'ab tushunib anglashi haqidagi xislatlari bayon ham e'tibordan qolmagan. Itning hamma narsaga aqli yetishi, uni idrok etishi bovar qilmas jarayondir. Lekin adib itning aynan shu xususiyat bilan hikoyani boshlashni o'z oldiga maqsad qildi.

— *Ayb o'zimda, yoshligimdan shunaqaman, o'zimga qaramayman, oshna-og'aynilarning ishi bitsin, deyman. Ha, odam bolasidan shu qolar ekan. Bo'lmasa, promkombinatda ham, raypoda ham oshnam bor, yuztagina shifer so'rasam, yo'q dermidi. So'ramayman. Aslo so'ramayman.*

— *Nechta shifer yetmayapti?* — dedi Tillayev beparvo.

— *Yo'q, xo'jayin, so'ramang, skladga yuz ellikta shifer yozib bersangiz ham olmayman. Siz bilan shu maqsadda oshna bo'lmaganman. Bunaqa gapni aytsangiz, uyingizga ikkinchi qadam bosmay ketaman.* [3]

Qurbonboy o'zini o'ta kamtar qilib ko'rsatar ekan, ich-ichidan o'zi xohlagan narsalarga ega bo'lishni juda xohlardi. O'zining manfaati yo'lida barcha ishlarni qilib, o'z maqsadiga erishmay qo'ymaydiganlar toifasidandir. Biroq uning asl maqsadi pul va boylik bo'lib, laganbardorlik, ikkiyuzlamachilik, xushomadgo'ylik o'zini doimo mehribon ochiqko'ngil qilib ko'rsatishda ustasi farang edi. Kimdan foyda bo'lsa o'shaning uyining ostonasidan qadami arimas, ayniqsa biror bir lavozim egasi bo'lsa albatta o'z ishini biirib oladigan insondir.

Oradan anchagina vaqt o'tdi. Tillayev hassaga tayanib ko'cha aylangani chiqdi. Bir mahal qarasa ko'chaning narigi betida Qurbonboy Qoplunni yetaklab yuribdi. Chaqirsa it qaradi-yu, Qurbonboy qaramadi. O'sha kuni yangi direktor o'g'lining tug'ilgan kuniga o'tirish qilib berayotgan ekan. Tillayevga mashina yuboribdi. Er-xotin borishdi. Darvozadan kirishlari bilan yo'lakda yotgan Qoplun ularni ko'rib, dumini likillatib erkalandi.

— *Bizning it qalay?* — dedi yangi direktor.

— *Bu itni taniyman,* — dedi Tillayev va narirokda yangi direktorning charm to'nini tuflab artayotgan Qurbonboyga bir qarab, uyga kirib ketdi. [4]

Yuqorida keltirilgan parchada esa yozuvchi Qurbonboyning haqiqiy basharasini satirik yo'l bilan tasvirlab, uning surbetligini andisha-mulohazaga bormay ish tutishi, odamlarga amal kursisiga qarab munosabat ko'rsatishi kabi yaramas illatlarni ham aytib o'tadi. Hikoyadagi Qurbonboy obrazi misolida yozuvchi o'zini hali tanimagan rahbarlar piniiga kirishning nozik yo'llarini topib olgan, hech bir istiholasiz laganbardorligini oshkora ko'rsatib yurishdan orlanmaydigan, vaqti kelganda shartta yangi boshliqqa xizmat qilib ketaveradigan oriyatsiz, ablah bir shaxs qiyofasini ko'rsatib beradi. Hamda hikoyadi sarlavhani esa bekorga Qoplun deya nomlamagani ham e'tibordan holi emas. Bunday yaramas va andishasiz insonlar mansabli shaxslarni Qoplun misoli qopadigan ya'ni to amali ketgunga qadar boshliqlarni xushomadgo'ylik-u laganbardorlik yo'li bilan shaxsiy manfaati yo'lida, barcha maqsadlariga erishadilar. Bu yerda yozuvchi it obrazi insondan ko'ra yuksak darajada ekanligini ya'ni it o'z egasini ko'rganda uni taniganini, biroq Qurbonboy esa eski boshliqni ko'rganda o'zini xuddiki tanimaydigandek tutishini izohlaydi. Yangi boshliq bizning it qanday deb savol berganda Tillayev bu itni taniymay deya Qurbonboyni nazarda tutgan bo'ladi.

Roald Dahl Angliyaning romannavis, shoir yozuvchisi hamda urush davrida jangchi va uchuvchi bo'lib tanilgan. Uning "Beware the dog" ikoyasi teran ma'noga ega bo'lganligi bilan farq qiladi. Unda yozuvchi urush davrida ro'y bergan voqealarni batafsil bayon etadi.

Just then the door opened and a nurse came in.

"Hello," she said. "So you've waked up at last."

"Where am I?"

"You're a lucky fellow. You landed in a wood near the beach. You're in Brighton. They brought you in two days ago, and now you're all fixed up. You look fine."

"I've lost a leg," he said. [5]

Bu parchada Piter Uilmson ismli RAF uchuvchisi baxtsiz hodisa tufayli samolyotda halokatga uchrab, bir oyog'idan ayriladi. Piter Uilyamson Germaniya nazoratidagi Vichi Fransiya ustidan missiyani uchib o'tayotganda jiddiy jarohat oldi. Ko'zini ochganida esa o'zini shifoxonada deb faraz qiladi. Hamshira kirganida esa u "men qayerdaman?" deb so'raydi. Hamshira uning omadli yigit ekanligini aytib, ayni daqiqada uning Angliyada ekanligiga ishontiradi. Chunki u ingliz uchuvchisi edi.

"Well, well," he said. "So you've decided to wake up at last. How are you feeling?"

"I feel all right."

The doctor took his wrist to feel his pulse.

"By the way," he said, "some of the lads from your squadron were ringing up and asking about you. They wanted to come along and see you, but I said that they'd better wait a day or two. Told them you were all right, and that they could come and see you a little later on. Just lie quiet and take it easy for a bit. Got something to read?" He glanced at the table with the roses. "No. Well, nurse will look after you. [6]

Представление словаря как упорядоченного множества семантических классов выявляет системность лексики. По мнению некоторых исследователей, семантика конкретных существительных – мало подходящий объект для применения формальных методов, и что исследование конкретной лексики формальными методами может привести к трагическим результатам. Справедливо возражение Д.Н.Шмелева, который пишет: «Само понятие «конкретная лексика» не кажется вполне определенным, а тем более однородным. Несомненно, что среди массы слов, обозначающих физические предметы, могут быть обнаружены самые разнообразные лексические группы, по-разному организованные и различно соотношенные друг с другом. Было бы странно считать, что значения соответствующих слов не являются «значениями» в лингвистическом смысле слова только на основании того, что те или иные методы исследования неприменимы для их анализа»[2, с. 32]. На наш взгляд, конкретные существительные со значением организма человека являются удобным материалом для применения трансформационного и компонентного анализа.

Трансформационные признаки содержат следующие элементы, которые интерпретируются нами как семантические множители:

1) значение действий;

2) значения актантов – субъект, первый, второй и третий объекты. Первый из названных значений представляет класс семантических множителей.

Выделенные в результате анализа актантов значения составляют инвентарь субстантивных семантических множителей организма человека (семантических множителей со значением предмета). Применение метода трансформационного и компонентного анализа к исследованию семантики конкретных существительных со значением организма человека позволяет получить фрагмент идеографического словаря, представляющий их семантику в виде однозначно определенных семантических классов, взаимосвязанных и разделенных пучками семантических множителей.

Для анализа нами используются синтаксические комплексы и семантические представления, являющиеся дифференторами значений слов, и сочетаемостные ограничения на их употребление. Рассматриваются: а) семантические представления толкований трансформационных признаков, задающих семантические классы актантных структур; б) семантические представления, являющиеся непосредственно составляющими дефиниций толковых словарей. Соответственно сочетаемостные ограничения на семантические представления относятся к двум степеням иерархии: а) актантным структурам трансформационных признаков; исследуемые слова входят в предикативные фразы, относящиеся к трансформационным признакам: актанты этих предикативных фраз образуют семантические классы, обозначаемые синтаксическими комплексами трансформационных признаков[1];

б) дефинициями толковых словарей, прежде всего академических, с относящимися к ним примерами.

Выявленные таким образом семантические представления являют семантические множители двух степеней иерархии. На высшей степени анализа классов значений находятся семантические представления из толкований трансформационных признаков: эти семантические представления являются дифференторами семантических классов со значением конкретных предметов, выступающих в качестве постоянных, в иерархии семантических дериватов; семантические представления из толкований 17-и томного и 4-х томного академических словарей являются дифференторами переменных в иерархии дериватов, которые позволяют раскрыть импликацию вторичных значений. Детерминация (импликация) обнаруживается между первичными значениями «частей тела» и их вторичными значениями. Так как вторичные значения обозначают вхождение исследуемого слова в новое семантическое поле, анализ семантических дериватов раскрывает семантическую структуру, возглавляемую полем «названия частей тела».

Сопоставление актантов позволяет представить семантические множители со значением предмета в отвлечении от избыточных признаков с учетом лишь тех элементов семантики, которые являются дифференциальными.

Для описания семантики существительных необходимо ввести некоторые дополнения к описанию трансформационных признаков Ю.Д.Апресяна, которые мы сделаем на примере дистрибутивных признаков наименований частей тела человека.

Значение частей тела человека определяется классом фраз, имеющих ядерную конструкцию:
 $C^1_{од и} + \Gamma + C^2_{в}$

В описании приняты следующие обозначения (индексы) :

C - существительное;

Г - глагол;

и, р, д, в, т, п после C - названия падежей;

на, из, в, и т.п. перед C - названия предлогов,

перед Г - префиксов;

1,2,3,4—индексы позиций (место существительных).

Ядерной конструкцией в этой формуле является $C^1_{и} + \Gamma + C^2_{в}$, в которую вводятся дополнительные признаки для существительного в именительном падеже - одушевленность и лицо. Такое расщепление необходимо, так как описывается семантика существительного, а не глагола.

Значение одушевленности расщепляет трансформационные признаки и входящие в них предикативные фразы на два класса. В результате возникает ситуация, когда трансформационный признак со значением воздействия на неодушевленный объект, как правило, имеет значение воздействия также и на одушевленный объект, но не наоборот. Чтобы избежать многозначности в определении семантики трансформационного признака, нужно расщепить значение актантов по признаку одушевленности. Грамматическое значение одушевленности и номинативное значение лица необходимы для различия субъекта.

Расщепление дистрибутивного признака, несущественное для значения глагола, оказывается существенным для семантики существительного. Выявлению значения существительного способствует и такая субституция префикса глагола, которая обычно не учитывается при описании семантики глагола. Таким образом, любые различия семантического множителя со значением действия (глагола) могут оказаться существенными для семантики существительного.

Порядок описания существительного таков:

1) указывается обобщенный трансформационный признак предикативной фразы, в которую входит исследуемое существительное, и значение трансформационного признака;

2) приводится запись трансформационного признака в индексах;

3) указываются семантические множители со значением предмета (субстантивные семантические множители);

4) определяется совместимость дистрибутивных признаков, выявленных в первой операции, со схемой $C^1_{од и} + \Gamma + C^2_{в}$, чем достигается установление принадлежности признака к ядерной конструкции и вхождение признака в парадигму;

5) уточняются префиксальные значения глаголов, необходимые для характеристики значения существительного, определяется парадигма дистрибутивных признаков (1, с.196-204);

6) указываются атрибутивные семантические множители существительного;

7) указываются семантические множители со значением действия, совместимые с атрибутивными множителями.

В значении семантических множителей глаголов, входящих в семантику названий частей тела человека, выделяются следующие обобщенные трансформационные признаки (ср.1, с.154-159):

1. Делать движение частью тела: Отец хмурит брови—Брови хмурятся у отца.

2. Физически воздействовать на органическую часть объекта: Мать гладит ребенка по голове — Мать гладит голову ребенка.

3. Покрывать поверхность или заполнять объем материалом: Девушка подкрасила губы помадой — Девушка наложила помаду на губы. Перечень обобщенных трансформационных признаков можно увеличить.

Указав относящийся к данному классу значений трансформационный признак, мы приводим определение значения этого признака.

Трансформационный признак имеет две синтаксические конструкции - правый и левый трансформы, значения которых эквивалентны или синонимичны (в последнем случае один из трансформов имеет маркированное значение). Иначе говоря, имеются несимметричные трансформы, для которых небезразлично правое или левое место.

В синтаксической конструкции трансформы первое место $C^1_{од}$ и принимает субъект, производящий действие, далее указывается глагол Γ . Второе место принимает прямой объект $C^2_{в}$; его трансформ, переходя в факультативную форму, сохраняет номер места, ср. $C^2_{в}$ (ребенка) — $C^2_{д}$ (ребенку). Третье место принимает второй объект, уточняющий значение первого объекта, ср. по $C^3_{д}$ (по голове) — $C^3_{в}$ (голову). Приведенные примеры взяты из трансформационного признака:

Мать гладит ребенка по голове — Мать гладит голову ребенка. Класс фраз, представленных данным примером, записывается так:

$$C^1_{од} + \Gamma + C^2_{в} + по C^3_{д} — C^1_{од} + \Gamma + C^3_{в} + C^2_{д}$$

Значение рассматриваемого признака-«физически воздействовать на часть поверхности объекта» (как правило, многократно) (1, с.131). Из трансформационного признака выделяются семантические множители со значением предмета: а) целое (тело) $C^2_{в}$ (ребенка) — $C^2_{д}$ (ребенку); б) часть (тело) по $C^3_{д}$ (по голове) — $C^3_{в}$ (голову).

Двучленность обозначения «целое» (тело), «часть» (тело) нуждается в пояснении.

Семантические множители «часть» и «целое» содержат дополнительные определения, указывающие их отношение к предмету, например, «часть» (поверхность) — «целое» (поверхность), «часть» (ориентир) — «целое» (ориентир) и т.п. Отношение между «частью» и «целым» - обладание. «Целое» обладает «частью». При этом «часть» может быть отдельным предметом или веществом. Семантический множитель «часть» (поверхность) обозначает предмет или вещество, которое удаляется или наносится на поверхность, а обладатель поверхности определяется как целое, ср. накрасить губы (целое) помадой (часть).

Исследование семантики вторичных значений, возникающих на базе названий организма человека, опирается на выделенные семантические множители конкретных существительных, обозначающих части тела человека.

Таким образом, компонентный и трансформационный анализ семантики конкретных существительных, обозначающих организм человека и его части и их вторичных значений подтверждает эффективность применения точных методов исследования не только к глаголам, но и к конкретным именам, свидетельствует об универсальности методов поэлементного и трансформационного анализа семантики.

Выделение элементарных дифференторов семантем из синтаксических комплексов трансформационных признаков, определяющих семантические классы глаголов, дает необходимую информацию о дифференторах семантем конкретных существительных, что позволяет классифицировать семантические единицы конкретных существительных и их вторичных существительных.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Апресян Ю.Д. Экспериментальное исследование семантики русского глагола. М.: Изд-во Наука, 1967.
2. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики: на материале русского языка. М.: Изд-во Наука, 1973.

УЎК 82

“ОРЗИГУЛ” ДОСТОНИНИНГ ХОЛМИРЗА ЖЎРАЕВДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН ВАРИАНТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

М.Ю. Жўраева, PhD, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада сўз “Орзигул” достонининг Холмирза Жўраевдан ёзиб олинган варианты ҳақида боради. “Орзигул” достонида тақдир тақозоси билан ўзга оилада камолга етган бир соҳибжамол қизнинг бошидан кечирган қизиқарли саргузаштлари чинакам халқона оҳангларда тасвирланган. Шунинг учун ҳам бу достонни бахшиларимиз алоҳида бир жўшиқинлик билан

куйлаганлари, ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан эътиборан эса “Орзигул” достонининг муайян парчалари ёки гарчи қартирилган ҳолда бўлса-да, наирлари эзгуликка йўғрилган мусаффо қалб соҳибларининг сеvimли китобларидан бирига айланганлиги хусусида сўз юритилган.

Калим сўзлар: достон, “Орзигул” достони, Холмирза Жўраев, достон вариантлари, бахши репертуари.

Аннотация. В данной статье речь идет о варианте эпоса «Арзигуль», написанном Холмирзой Джўраевым. В эпосе «Арзигуль» в истинно народных напевах описаны интересные приключения красивой девушки, выросшей волею судеб в другой семье. Вот почему говорят, что наши поэты с особым воодушевлением воспевали этот эпос, а с 1940-х годов отдельные части эпоса «Арзигуль» или, хотя и в старости, стали одной из любимых книг тех, кто имеет чистое сердце.

Ключевые слова: эпос, эпос «Орзигуль», Холмирза Джўраев, варианты эпоса, репертуар бахши.

Abstract. In this article we are talking about the version of the epic "Arzigul", written by Kholmira Juraev. In the epic "Arzigul" in truly folk tunes, interesting adventures of a beautiful girl who grew up by the will of fate in another family are described. That is why they say that our poets sang this epic with special enthusiasm, and since the 1940s, individual parts of the Arzigul epic or, although in old age, have become one of the favorite books of those who have a pure heart.

Key words: epic, epic "Orzigul", Kholmira Juraev, variants of the epic, bakhshi's repertoire.

Халқнинг бебаҳо ижодини ўзида сақлаб, халқ оғзаки ижод намуналарини авлоддан-авлодга етказиш йўлида бахшиларнинг хизматлари катта. Уларнинг бетакрор ижодий иқтидори туфайли “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” сингари юзлаб бебаҳо бадиият мўъжизалар янада сайқал топиб, халқ қалбининг кўзгусига айланган. Халқ достонлари аждоқларимизнинг маънавий қарашлари, ўзига хос турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти, мардлик, ватанпарварлик, қахрамонлик, эрк ва садоқат билан боғлиқ эзгу ғоялар билан юзага келган. Ана шундай сифатларни ўзида акс эттирган “Орзигул” достони ҳам юксак маънавий-ахлоқий ғояларни мужассамлаштирган ажойиб эпик асарлардан бири ҳисобланади.

Олижаноб инсоний фазилатлар, покиза муҳаббат ва севгига содиқлик, оиланинг мўътабарлиги ва меҳр-оқибатнинг улкан яратувчилик қудратига эғалиги тараннум этилган “Орзигул” достонида тақдир тақозоси билан ўзга оилада камолга етган бир соҳибжамол қизнинг бошидан кечирган қизиқарли саргузаштлари чинакам халқона оҳангларда тасвирланган. Шунинг учун ҳам бу достонни бахшиларимиз алоҳида бир жўшқинлик билан куйлаганлар, ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан эътиборан эса “Орзигул” достонининг муайян парчалари ёки гарчи қартирилган ҳолда бўлса-да, нашрлари эзгуликка йўғрилган мусаффо қалб соҳибларининг сеvimли китобларидан бирига айланган.

Маълумки, “Орзигул” достони бир неча марта нашр этилганига қарамай, фольклоршуносликда бу ўзига хос эпик асар ҳозирга қадар фундаментал тадқиқ этилмаган. Фольклоршунос олим М.Афзалов “Орзигул” достонининг 1961 йилда чоп этирилган нашрига ёзган сўзбошисида Ислон шоир Назар ўғли репертуарининг ўзига хос хусусиятлари ва унда “Орзигул” достонининг тутган ўрни хусусида илк илмий мулоҳазаларни баён қилган [1]. В.М.Жирмунский ва Х.Зарифовларнинг эътироф этишларича, “Орзигул” достони Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Ислон шоир репертуарида мавжудлиги қайд қилинган бўлиб, ушбу сюжет Ўрта Осиё халқлари орасида “халқ китоби”, яъни “Маликаи Дилором” қиссаси сифатида ҳам кенг оммалашган. Уларнинг фикрича, мазкур эпик сюжетнинг тарихий илдизлари қадимги даврлардаги никоҳ ва оилавий маросимларга бориб тақалади[2].

Дарҳақиқат, фольклордаги кўплаб эпик мотивларнинг генетик илдизлари аждоқларимиз ўтмишида бўлиб ўтган реал тарихий воқеа-ҳодисалар, урф-одат ва анъаналар билан бевосита боғлиқ бўлиб, халқ оғзаки бадиий ижодида ана шундай реал ҳаётининг асосга эга бўлган воқеликнинг поэтик тафаккур мезонлари асосида қайта бадиий-эстетик мушоҳада этилган талқинларигина сақланиб қолади. Достон сюжетининг тарихий илдизлари ва анъанавий мотивлар талқинининг ўзига хос эпик табиати таҳлилига бағишланган ягона илмий мақола фольклоршунос олим Б.Саримсоқов қаламига мансуб бўлиб, унда халқ эпоси сюжетининг ташкил топиши билан боғлиқ муҳим қонуниятлардан бири – бадиий шартлиликнинг юзага чиқиши “Орзигул” достони мисолида тадқиқ этилган [3].

Фольклоршуносликка оид тадқиқотлардан маълум бўлишича, “Орзигул” достони ўзбек бахшилари орасида анча кенг тарқалган бўлиб, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида унинг асосий беш варианты [4] сақланади. Асосий дейилишининг сабаби, турли номлар билан ўз севгисига содиқ, жасур, оқила, покиза қалб соҳибаси бўлган

қизларнинг бахту иқболга эришиш йўлидаги қизиқарли саргузаштлари тасвирланган учта дoston, яъни Умир шоир Сафаровдан ёзиб олинган “Мойгулистон”[5], Раҳматулла Юсуф ўғли айтиб берган “Қора кокил”[6] ҳамда Зоҳир шоир Кўчқор ўғли репертуарида қайд этилган “Тилла қиз”[7] dostonлари ҳам мазмунан, ғоявий-бадий хусусиятлари, сюжет таркибидаги анъанавий мотивлар таркиби ва образлар силсиласининг талқинига кўра “Орзигул” типидagi dostonларга яқин туради.

Биз ушбу тадқиқотда “Орзигул” dostonининг Холмирза Жўраевдан ёзиб олинган, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида инв.№1657/46-1 [8] билан рақамга олинган варианты ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз. Шу билан бир қаторда ушбу dostonнинг энг мукамал классик варианты деб эътироф этиб келинаётган Ислom Назар ўғлининг “Орзигул” dostonидаги баъзи ўринлар билан қиёслаб ўтилди. Dostonнинг Холмирза Жўраев варианты Икромжон Хусанов томонидан 1965 йилда Фарғона вилоятининг Ленинград туманидаги Ботирхўжа қишлоғида истиқомат қилувчи 62 яшар Холмирза Жўраевдан ёзиб олинган. Мазкур вариант 96 varaқли умумий дафтарга крилл алифбосида ёзилган бўлиб, ҳажми 58 саҳифани ташкил этади. Асар матнининг охиридаги:

*Яхшилар етсин муродга,
Ёмонлар қолсин уятга,
Минг лаънат Қорахоншоҳга, –*

мисраларини ҳисобга олмаганда бу намунада шеърини қисм йўқ бўлиб, у тўлиғича насрий баён шаклидадир.

“Орзигул” dostonининг бу варианты мазмунан Ислom шоир Назар ўғли ижро этган намунага жуда ўхшашдир. Бу вариантда Қорахоншоҳнинг юрти Хосхона деб эмас, балки Сумбул мамлақати, хотинининг исми эса Мехригул дейилади. Ислom шоир вариантдан фарқли равишда бу намунада бефарзандлик мотиви анча ёрқин тасвирланган: Қорахоншоҳнинг қирқ хотини бўлишига қарамай фарзанди бўлмайди. Кунлардан бир куни Мехригул деган хотини ҳомиладор бўлиб қолади ва Қорахоншоҳ овга чиқиб кетиш олдида агар қиз туғилса дорга осажагини айтади. Ислom шоир вариантыда Орзигул дунёга келганида Эрназар боғбоннинг ўғли уч кунлик бўлган бўлса, Х.Жўраев вариантыда болаларнинг ҳар иккаласи бир кунда туғилишади. Бу вариантда Орзигулнинг бир чол (Ислom шоир вариантыда Қинғир чол) билан учрашуви ҳамда ундan йўл сўраши мотиви мавжуд бўлгани ҳолда Қушқанот кўрғонининг аждаҳо томонидан қўриқланиши ва эпик қаҳрамоннинг бу рамзий тўсиқдан ўтиб, тилсимланган кўрғонга кириши лавҳаси йўқ. Орзигул чол кўрсатган ўнг томондаги йўлдан юриб Қушқанотга етиб келганида бу кўрғоннинг дарвозаси кулфланганлигини, калити эса ёнида осиб қўйилганлигини кўради. Қаҳрамон калитни олиб дарвозани очиб киради.

Бинобарин, бу вариантда Қушқанот боғи ва у ердаги тилсимли қаср ҳам ўзига хос тарзда тасвирланган. Dostonнинг Ислom шоир Назар ўғли вариантыда бу кўрғон «уч юз олтмиш йилдан бери одамсиз қолган» жой сифатида талқин қилинган бўлиб, Орзигул Қушқанот кўрғонининг боғи Ирамдан келтирилганлиги, асли Гулрухсор паридан қолганлиги, уч олтмиш йилдан буён одамсизлигини шу боғда яшовчи булбулигўё қушдан билиб олади. Dostonнинг Х.Жўраев талқинидаги вариантыда эса Қушқанот кимсасиз жой эмас: Орзигул боғнинг ичкарасига кирганида бир неча қизлар сайру томоша қилиб юрганлигини кўради.

Бу вариантнинг ўзига хос мотивларидан яна бири ёри Сувонхон яраланганидан кейин Орзигул душман билан жанг қилиш учун отланаётган пайтда Хизр пайдо бўлиб, душман аскарлари қазиган чоҳлар борлигидан огоҳлантиришидир. Бу мотив dostonнинг бошқа вариантлари, жумладан, Ислom шоир Назар ўғлидан ёзиб олинган намунасида мавжуд эмас. Ислom шоир Назар ўғли вариантыда душман лашкарлари уч жойда лаҳм қазиб, пистирмага аскарларни жойлаштириб қўйганини тоғда қўй боқиб юрган Доно чўпон кўриб қолади ва бундан Сувонни огоҳ қилмоқчи бўлади. Сувон жанггоҳга қараб юриш қилганида йўли ўша пистирмалар устидан чиқиб қолади ва оти бу хавфни сезиб, қир сари чоғиб кетади. Сувон от бошини қайтараман деб қамчи солаётганида Доно чўпон етиб келиб бор гапни айтиб беради.

Dostonнинг Х.Жўраев вариантыда Сувонхон ярадор бўлганидан кейин Орзигулнинг ўзи душманга қарши жангга киради. Ниҳоят учинчи куни Қорахоншоҳ кўп чоҳлар қазиб, оғзини ёптириб билинмайдиган қилиб қўяди. Бу чоҳлардан беҳабар Орзигул жангга шайланиб от қўймоқчи бўлиб турганида унинг олдида Хизр чиқиб қолади ва: “Тўхта, болам! Бу бу йўлдан юрмагин, мана бу ўнг томондан лашкарга от қўй!” – деб маслаҳат беради.

Мифологик ҳомий вазифасида келган Хизрнинг эпик қаҳрамонни хавфдан огоҳлантириши ва унга тўғри маслаҳат бериши мотиви бошқа вариантларда мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу мотив халқимизнинг “ўнг-чап” тушунчалари билан боғлиқ қарашларини ҳам ўзида ифода этган бўлиб, душман қазиган чоҳларнинг чап тарафда бўлиши бу томоннинг ёвузлик билан алоқадорлигини англатса, ўнг томондаги йўлдан юриш кераклиги яхшилик белгиси сифатида тушунилади.

Бинобарин, Кушқанотни излаб келаётган Орзигулнинг олдидан чиқиб қолган чол ҳам ўнг томондаги йўлдан юриш лозимлигини айтади ва қаҳрамон у кўрсатган йўл билан юриб, манзилига етиб боради. Бунда ҳам ўнг томондаги йўл омад, бахт, иқбол белгиси сифатида талқин қилинади.

Достоннинг Х.Жўраев ижросида ёзиб олинган варианты эпик тугалланманинг ўзига хослиги билан ҳам Ислоом шоир Назар ўғли вариантдан фарқланади. Ислоом шоир вариантыда Қорахоншоҳ жазосини олгач, Орзигул билан Сувоннинг ўғли Дилмурод Хосхона юртига келади ва Эрназар боғбон, Тўтигул момо, Барногул момолар билан кўришади. Х.Жўраев вариантыда эса Сумбул мамлакатига Сувонхоннинг ўзи Орзигул билан биргаликда сафар қилади. Сувонхон бу мамлакатни Эрназар боғбонга топшириб, ўзининг ўғли Сапобекни подшо қилиб қўйгач, Орзигул билан иккалови Оқтошга қайтиб келадилар.

“Орзигул” достонининг ушбу варианты сюжети ўзига хос мотивлар таркибига эгаллиги билан ажралиб туради. Бу асардаги анъанавий мотивлар халқимиз эпик тафаккурининг кўп асрлик тарихий тараққиётини ўзида акс эттириши билан характерлидир.

Маълумки, ўзбек халқ бахшилари репертуаридаги “Орзигул”, “Дилором” достонлари, шунингдек, “Маликаи Дилором” киссаси Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқлари фольклорида кенг тарқалган “сайёр сюжет”лар, хусусан, дунё халқлари эртақчилик анъаналарида мавжуд бўлган АА706 – “Қўлсиз қиз”, “АА706 С – “Бардошли Елена” ҳамда АА 883 – “Тухматга учраган қиз” типдаги эпик сюжетлар асосида яратилган. Бу тип сюжетларнинг ўзига хос контаминацияси ўз кизига уйланмоқчи бўлган ота билан унинг ҳалол-покиза кизи ўртасидаги конфликт асосига қурилган янги эпик сюжетни юзага келтирган. Ана шу сюжет халқимиз орасида “Орзигул” достони ҳамда “Маликаи Дилором” номи билан машҳур бўлган қисса ва эртақларнинг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, узоқ йиллар давомида донишманд аждодларимиз томонидан яратилган “Орзигул” каби нодир маънавий ёдгорлик бўлмиш достонлар олижаноб ғояларни бетақрор шаклда кишилар қалбига жо этишда бебаҳо манба сифатида хизмат қилиб келмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Афзалов М. Ислоом шоир ва унинг “Орзигул” достони ҳақида // Орзигул. Достон. Нашрга тайёрловчи: М.Афзалов. – Тошкент, 1961. – Б.3-10.
2. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947. – С.147.
3. Саримсоқов Б. “Орзигул” достони юзасидан бир неча қайдлар // Ислоом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.27-36.
4. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№121., Инв.№28., Инв.№1453., Инв.№1657/46-1., Папка: 327. Инв.№11933.
5. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1687/1
6. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№ 993
7. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№ 1891
8. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1657/46

УЎК 808.3

ОБРАЗ ВА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

М.Исломова, ўқитувчи, Фаргона Давлат Университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада инсониятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий тараққиёт босқичларида образли тафаккур жараёни Қарга тимсолида таҳлилга тортилган.

Калим сўзлар: Инсоният тарихи, ижтимоий-сиёсий босқичлар, образли тафаккур, қарга образи, миф, диний-фалсафий қарашлар, ижтимоий-сиёсий жараён, бадий талқин.

Аннотация. В статье анализируется процесс образного мышления в образе Ворона на этапах общественно-политического и нравственно-философского развития человечества.

Ключевые слова: история человечества, общественно-политические этапы, образное мышление, образ ворона, миф, религиозно-философские воззрения, общественно-политический процесс, художественная интерпретация.

Abstract. The article analyzes the process of figurative thinking in the image of the Crow at the stages of socio-political, moral and philosophical development of mankind.

Keywords: Human history, socio-political stages, figurative thinking, crow image, myth, religious-philosophical views, socio-political process, artistic interpretation.

Ҳар бир адабий жанрнинг пайдо бўлиши манбаларини текширганда тарихни инсониятнинг тараққиёт жараёни деб билиш, ҳар бир адабий жанр тараққиётини шу адабиётни яратувчиси бўлган халқнинг бадий-эстетик эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида қараш лозим. Шунга кўра

ибтидоий тафаккур меваси бўлмиш бирор адабий жанрнинг пайдо бўлишини, уни юзага келтирган дастлабки манбаларини изласак, бу бизни жуда қадимий даврларга етаклайди. Чунки маиший психологик шароитларнинг ўхшашлиги турли халқларда бир хил сюжет ва мотивларни юзага келтиради. [2. 48] Гап шундаки, қадимги аجدодларимиз ҳали ёзув маданияти пайдо бўлмасдан анча илгари хилма-хил жанрларда оғзаки равишда ижод этганлар, янги-янги сўз шакллари яратганлар.

Инсониятнинг қадимги тафаккур ва тасавури мевалари бўлмиш мифологик сюжетлар, диний-фалсафий характердаги асарлар, уларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар моҳият мазмунини, нозик қирраларни англаш салоҳияти, руҳий яқинлик ва услубий ўхшашликларни ҳис қилишимиз учун ҳам аجدодлар яшаган замон ва макон ҳақида, ижтимоий ҳаёт тўғрисида муайян тушунчага эга бўлишимиз зарур. Миф ва асотирлар, ривоят ва ҳикоятлар, масал ва маталларнинг яратилиш тарихи, жанр хусусиятлари, образли ифода усуллари синчиклаб тадқиқ қилиш ана шу тушунчалар шаклланишига яқиндан ёрдам беради. Турли хил ҳайвон ва жониворлар ҳақида Ғарб мамлакатларида бир талай афсоналар мавжуд. Мисол учун қарға ҳақидаги афсоналар минг-минглаб йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Қадимги халқ эртақларида қарғалар уй томи ёки деворлари устида юриши шу хонадонда рўй берадиган ўлим белгисини билдирган. Уйнинг тепасидан учиб ўтиши эса, ўша уйнинг эгаси вафот этишидан далолат берган. Шундай афсоналардан бирида айтилишича, Лондон минорасида сақланаётган қарғалар учиб кетса, қирол ёки маликанинг ҳукмронлиги жуда яқин келажакда тугайди. Бугунги кунга қадар Лондон минорасида қарғаларнинг учиб кетмаслиги учун қанотларини қирқиш одати сақланиб қолган. [4. 66] Шунингдек, бошқа жониворлар, паррандалар ҳақидаги ирим-сиримли қарашлар, ибтидоий тушунчаларнинг излари ҳанузгача сақланиб келаётир.

Қарға образи мусулмон шарқида ҳам кенг ўрин тутади. Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари бўлмиш Қобил ва Ҳобил ўртасида биродаркушлик содир бўлганида жасадни дафн этишни Қарға қиёфасидаги фаришта кўрсатиб беради. Диний манбаларда келтирилишича, Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдирган. Бунга сабаб Ҳобилнинг қилган қурбонлиги қабул қилиниб, Қобилнинг қурбонлиги қабиб қилинмагани эди. Шунда Аллоҳ таоло Қобилга ўз укасини қандай дафн қилишни ўргатиш учун Қарғани юборади. [5. 29] Хўш, нима учун Аллоҳ таоло бу юмушга бошқа бирор қушни эмас, айнан Қарғани танлади? Аллоҳ таолонинг инсон жасадини дафн этишни ўргатиши учун қарғани юбориши бежизга эмас албатта. Қуръондаги ушбу мўъжизани замонавий илм-фан яқинда исбот қилди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Қарға қушлар орасидаги энг зийрак ва шу билан бирга энг маккор қуш экан. Бунга сабаб қарғанинг мияси бошқа қушлар миясига нисбатан каттароқ ҳажмга эга эканлигидир. Соҳа мутахассисларининг айтишича, бошқа қушлардан фарқли ўлароқ, қарғалар жамоасида ўзига хос суд, муҳокама жараёни бор экан. Бу муҳокамада оила ва жамоа низомига бўйсунмаган “ахлоқсиз” қарға суд қилинади. Қизиғи шундаки бу суд Аллоҳнинг марҳамати билан адолат асосида олиб борилади. Қарғалар жамоасида ҳар бир жиноят учун муайян жазо белгиланган. Масалан, бирор полапон оғзидаги лўқмасини тортиб олган қарғага суд томонидан то ўша қарға учолмайдиган бўлиб қолгунича патларини юлиш жазоси тайинланади. Жабрланган томон жиноятчи қарғанинг патларини шу қадар юлиб ташлашадикки, натижада жиноятчининг ўзи ҳам ҳалиги полапон қаби учолмайдиган, заиф бўлиб қолади. Бошқа қарғалар инини зўрлик билан эгаллаб олган, ёки уни бузган қарғага жабрланган қарға учун янги ин қуриб бериш вазифаси юклатилади. Бошқа қарғанинг урғочисига тажовуз қилган, “тегажўғлик” қилган қарға ўлимга маҳкум этилади. Урғочи қарғанинг қариндошлари жиноятчи қарғани тумшуклари билан то ўлгунича чўкишади. Кузатишларга қараганда, қарғалар муҳокамаси, одатда, бирор экинзор далада ёки кенгроқ майдонда олиб борилади. Аввалига ҳайъат аъзолари белгиланган жойга келишади ва шундан кейин айбланувчи қарға кўриқчилар ҳамроҳлигида ва қаттиқ назорат остида майдонга олиб келинади. Суд бошланганида айбдор қарға бошини қуйи солиб, қанотларини тушириб, айбини тан олганлиги учун қағилламай жим туради. Агар қарғага ўлим жазоси тайинланса, ҳамма қарғалар уни ўткир тумшуклари билан чўкиб ўлдиришади. Ўлганидан кейин қарғалардан бири уни кўмиш учун жасади бемалол сиғадиган қилиб чуқур қазийди. Кейин ҳаммалари бирлашиб жасадни эҳтиёткорлик билан қабрга тортишади, сўнг унинг устига тупроқ тортиб қўйишади. Бундан ташқари олимларнинг маълумотларига кўра, бошқа қушлар орасида фақат қарғалар қабр қавлаб, ўлганларни кўмишар экан. Мана нима учун Аллоҳ таоло инсонга дафн қилишни ўргатиш учун қарғани юборган! Ёки Нуҳ алайҳиссалом қиссасида айтилишича, тўфондан сўнг қуруқлик излаб топиш топширилган Қарға буюрилган вазифани адо этиш ўрнига ўлаксалар билан озикланиб юраверади. Натижада пайғамбарнинг дуойи бадига дучор бўлади.

Аллегорик, рамзий образларга асосланган адабий жанрлар Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам кенг тарқалган. Хусусан, масаллар тарихи қадимги дунё билан боғлиқ бўлиб, унинг илдизлари инсоният тарихининг ибтидосига бориб туташади. Чунки қадимги инсонлар реал ҳаётни, оламни, атрофни

киёслар орқали англаганлар. Дунёни англашнинг илк босқичи эса мифологик дунёқараш билан боғлиқ. Чунончи “Қарға юриш қиламан деб, чумчүкнинг чатаноғи йиртилибди” дейилади маталлардан бирида. Албатта, бу матал бирор таълимий-тарбиявий ҳикоятнинг хулосаси бўлган. Демак, дастлаб қушларнинг қадам ташлашига қараб, уларнинг характер ва яралиш хусусиятларини тасаввур қилган аجدодларимиз бора-бора унинг ибратли хулосасинигина сақлаб қолганлар.

Масал ва мифларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги айни ҳақиқат. Мифлар бадиий асар эмас, балки қадимги аждодларнинг илк, ибтидоий шаклдаги тафаккур кўринишидир. Қадимги инсонлар ҳаёт воқелиги ва табиат ҳодисаларини ўзлари тушунганлари бўйича изоҳлаганлар ва тасвирлаганлар.

Е.М.Мелетинский адабиётнинг фольклор орқали мифологияга бориб тақалишини ёзган эди. [1. 277] Дарҳақиқат, дастлабки ижод намуналарининг яратилишида, юқорида таъкидланганидек, мифлар муҳим роль ўйнаган. Мифлар заминиде ҳам борлиқ ҳодисаларини, воқеа, нарса ва тушунчаларни образлар орқали тасвирлаш туради. Образли фикрлар эса бадиий асарни пайдо қилади. Мифлар эртақлар ва халқ қаҳрамонлик эпослари сюжетининг яратилишида асос бўлган.

Агар мифларда қадимги аждодларнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари, эътиқоди, тафаккури намоён бўлса, масалларда ҳам табиат ва инсон муносабати кўринади. Бироқ масалнинг туб моҳиятига эътибор қилинса, унда кўтарилган масала анчагина ижтимоий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради/ Масалан, “Минг қарғага бир кесак” мақолини олиб қарайлик. Бу ўринда журъатсиз, кўрқоқ кимсалардан иборат оломон керакли пайтда наф келтирмаслигини аччиқ киноя билан таъкидланган.

Шунингдек, “Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди” мазмунидаги ҳикматли ибора ҳам тез-тез қулоғимизга чалиниб туради. Қизик, ҳар қандай ўлаканинг тепасида ҳозир бўлиб, унинг кўзини чўқишга тайёр турган бу қуш нима учун бир-бирининг кўзини чўқимайди? Гап шундаки, одамлар бу мақолни бирор манфаат юзасидан бирлашган, ёки умумий фойда кўриш иштиёқида тил бириктирган кимсаларга нисбатан қўллайдилар. Ўз-ўзидан аёнки, эл манфаатини ўйламайдиган худбин кимсалар ўзига ўхшаганларни фош қилмасликка ҳаракат қиладилар.

Одамзот тафаккур тараққий этгани сари атроф-оламни қайтадан англаб, воқеа-ҳодисаларни кузатиб хулоса қила бошланган. Меҳнат фаолияти натижасида табиат ва оламни секин-аста ўзгартира олган инсоннинг бадиий тафаккури ҳам тараққий этган. Табиатни бир қадар ўзига бўйсундира олган инсон яратилажак асар марказига ўзини қўя бошлаган. “Бир қарға билан қиш келмас”, дея хулоса чиқарган аждодларимиз авлодларга ҳовлиқма бўлмасликни, шошиб хулоса чиқармасликни тавсия этиб кетганлар.

“Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига” деб бошланувчи кўшиқни кўпчилик яхши билади. Машҳур “Ялла” ансамбли ижросидан сўнг ушбу тарона янада оммалашиб кетди. Бу кўшиқнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида кўпчилик хабардор эмас. Россия императорининг кўшини 1875-йилнинг 29 август куни Қўқонни қўлга олгач, Фон Кауфман бошчилигидаги рус аскарлари 8 сентябр куни жуда катта қийинчилик билан Марғилонни босиб олишади. Марғилонликларнинг қутилмаган қақшаткич зарбасига учраган император кўшини катта талафот кўради. Бундан дарғазаб бўлган Фон Кауфмен шаҳарга кираётиб қирғин сола бошлайди. Қаршилиқ кўрсатган, она ватанини ҳимоя қилган аҳоли вакиллари аёвсиз дорга осилади. Қатл ишлари руслар Марғилонга кириб келган йўл бўйлаб амалга оширилади. Қатл амалга оширилгач, дорга осилганларнинг жасадини олиб кетиш ёки дафн қилишга босқинчилар томонидан йўл қўйилмайди. Кунлар ўта бошлагач, қарғалар мурдалар билан озикланиш учун Марғилонга ёпирилиб кела бошлайди. Марҳумларнинг яқинлари эса улар яна таҳқир этилмаслиги учун қушлардан ҳимоя қилишга киришишади. Қарғалар кўриниши билан Марғилонликлар уларни ҳайдаш учун йўлларга югуриб чиқишади, бу ҳол кўшиқнинг биринчи байтида ўз ифодасини топган:

Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига...

Бу ўринда Қарға халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган қирғин ва ҳалокатли кунлардан дарак берувчи тимсолдир. Юқорида айтганимиздек, агиографик асарларда Нуҳ тўфони билан боғлиқ ҳикоятлар таркибида келган Қарғанинг ўлаксахўрлиги ижтимоий-сиёсий тарихимиздаги қонли саҳифаларни ёдга солувчи образга айланган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир миллатнинг образли тасаввури узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Унинг шаклланиши ўзига хос табиий ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечади. Буни биз биргина қарға образи мисолида кўриб ўтдик.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – Москва: Наука, 1976.
2. Афанди латифалари. Тўпловчилар: Б.Саримсоқов ва б. –Т., 1990.
3. Бахтин М.Романда замон ва хронотоп шакллари. Т. “Академнашр” 2015
4. Madayev O., Sobitova T. Xalq og'zaki ijodi.Sharq nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompanyasi. Toshkent. 2010

5. Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Тошкент 1990.

УЎК 82.091(035.3)

ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ БАДИИЙ АСАРЛАРДА АКС ЭТИРИЛИШИ

Ҳ.А. Исмоилова, ўқитувчи, Фарғона Давлат Университети, Фарғона

Аннотация. Ушбу мақола бугунги кунда исломий қадриятларимизни ўрни қанчалик даражада ҳамда миллий урф-одатларимиздан тўғри хулоса қила олишликни ифодалаган.

Калим сўзлар: бадий ва исломий манбалар, адабиётшунослик, қадрият, тарихий манбалар, кўрсатма, тавсиялар, воқеа, ҳодиса, жамият.

Аннотация. В этой статье выражается степень актуальности наших исламских ценностей сегодня и наша способность делать правильные выводы из наших национальных традиций.

Ключевые слова: художественные и исламские источники, литература, ценность, исторические источники, руководство, рекомендации, событие, случай, общество.

Abstract. This article expresses the extent to which our Islamic values are relevant today and our ability to draw the right conclusions from our national traditions.

Keywords: artistic and Islamic sources, literature, value, historical sources, guidance, recommendations, event, incident, society.

Бизга маълумки, қадим -қадимдан ўтмиш қадриятлари озми кўпми бизгача етиб келган. Улар хақида кўплаб бадий ва исломий манбаларда ёрқин ифодаланган. Уларнинг асарларда аниқ ва раво акс этирилиши адабиётшунос ва исломшуносларнинг талқини ҳамда маҳоратига боғлиқдир.

Ислом ва бадий донишмандликда аёллар ва миллий қадриятларимизни тасвирлаб бериш ижодкорларни ўзига жалб қилмасдан қолмайди. Исломий ва бадий адабиётларда аёлларнинг ҳаёт йўли ҳамда жамиятда тутган ўрнилари тўғрисида ҳам тарихда маълумотлар кўплиги бизнинг умумий бойлигимиздир. Айниқса, қадрият масалаларида аёлларнинг фаоллиги мутаффакирларнинг ижод намуналарида яққол кўзга кўринган. Аёллар исломий қадриятларда улуғланганлиги бугунгача етиб келишида уларнинг ҳиссалари тақсинга лойиқдир. Чунки улар ислом даври бошланишидаёқ урф-одатлар, миллий қадриятларни сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан курашганлар. Ривоятларда кўрсатилишича, ислом олами юксак пок қадриятларга бойлиги баён қилинган. Масалан, инсониятнинг яралиши ва никоҳланиши, ўзларидан зурриётлар қолдириши ҳамда қиёматгача бу оламни обод қилиб, пок яшашлари идрок қилинган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Бахтиёр оила” номли китобида шундай келтирганлар: “Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди”. (Фотир сураси 11-оят) Умуминсоний қадриятлардан бири бу никоҳдир. “Никоҳ сўзи луғатда “қўшилиш”, “жамланиш”, “яқинлашиш” маъноларини англатади”. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 20-бет) Шу аснода яна бир ҳадисни Қуръони каримда мисол қилиб келтириш жоиздир. “Ораларингиздаги никоҳсизларни ва кулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ қамрови кенг, билгучи Зотдир” (Нур сураси, 32-оят). Тарихий манбаларга асосланган кўплаб адабиётларда Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эрлари урушда ҳалок бўлган бева аёлларни ўз никоҳига олганини, бу орқали уларни ўз ҳимоясига олганликлари етим болаларнинг бошини силаши исломий қадриятларнинг яна бир намунаси.

Бугунги кунда исломий қадриятларни нотўғри талқин қилиб, уни суистемол қилишиб, қадриятга зид ишларни қилишмоқда. Заруратсиз кўп хотинли бўлиб, аёллар бева ва болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлиб, гуноҳга ботишмоқда. Бу эса исломий қадриятларга зиддир. Никоҳ ва ҳаё инсоннинг бошқа жонзотлардан ажралиб туриши омиллардан биридир. Аёл ва эркакнинг никоҳланишида совчилик муҳим восита ҳисобланади. Ҳусусан, совчилик –бу ўтмишдан бизга етиб келган удумлардан биридир. “Бизнинг шароитимизда, одатда совчилик йигитнинг ота-онаси ёки улар тайинланган кишилар томонидан келинликка номзоднинг ота-онасига ёки оила аъзоларига қилинади. Айтайлик, шу иш содир бўлди. Эркак томонидан аёл-қиз томонга совчилик қилинади. Энди аёл-қиз тараф муносиб куёв танлаш мажбуриятида қолади. Албатта, улар ҳам бу танлашда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатма ва тавсияларига амал қилсалар, жуда яхши бўлади ва бундай ўта нозик, умр савдоси бўлган ишда энг тўғри йўл тутган бўладилар”. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 73-бет). Шу аснода агар аёл биринчи турмуш ўртоғидан ажраган бўлса, унда у аёлга иккинчи маротоба турмуш ўртоғини танлаш ҳуқуқи ўзига, яъни бева аёлга берилади. Бундан кўринадики, аёл эркинлиги урф-одатларида яққол кўзга кўринади. Бу эса

кадриялардан бири ҳисобланади. Бироқ ҳаё пардаси ҳам муҳим ўрин тутди. У бадий асарларда турлича тасвирланган. Масалан, “Авлодлар довони” асарида куйидаги парчада ёрқин ёритилган. “Бироқ ифбат пардаси ичида юрган муслима қиз билан номахрам эркекнинг меъёрдан ортқ гаплашиши урф-у одатга хилоф эканини дили сезиб туради”. (Пиримкул Қодиров” Авлодлар довони “122-бет). Буюк мутаффақирларнинг асарларида бундай тасвирларни кўп учратиш мумкин.

Бадий асарларда ҳам кадриятларни ёрқин ифодаланганлигини кўришишимиз мумкин. Масалан, Пиримкул Қодировнинг тарихий романларидан бирида “Авлодлар довони” шундай тасвирланган. Ушбу романда Ҳумоюн ва Ҳамидани никоҳигача бўлиб ўтган тафсилотлари ёрқин ифодаланган. Гангадаги кўргилик сабаб, Ҳиндол мирзонинг қароргоҳига келиб қолган Ҳумоюн шу ерда яна бир бор Ҳамидабонуни кўриб қолади ва Наврўз куни Жамнада кема сайрида Ҳонзода бегим таништирган қизлигини таниб узоқ ўтмишини эсга олади. Шунда Ҳумоюн дили ёришиб, Ҳамидабонуни яна кўриш иштиёқи туғилади. Бу борада Ҳумоюннинг нияти жиддий эди. У Ҳамидабону билан учрашиш, қизнинг кўнглини билиш мақсадида Ҳиндол мирзонинг қароргоҳига бориб, Дилдор бегимни воситачи сифатида тайинлади. Лекин Ҳамидабону келмайди.

“-Нечун? деб сўради Ҳумоюн

-Очиқ айтмайди. Аллақачон бўйи етган. У тенгилар эр қилиб, болалик ҳам бўлди.” сен ҳам кимгадир маҳрам бўлишинг керак-ку”, десам...” , Мен илкимни чўзсам, бўйнига етадиган одамга маҳрам бўлиш орзусидамен”, дейди. Сиз унинг учун жуда баландда эмишсиз,илкини чўзса, этагингизга ҳам етмас эмиш.” (Пиримкул Қодиров ”Авлодлар довони” 142-бет)

Бир қанча воқеалардан сўнг улар исломий кадриятларга риоя қилган ҳолда учрайди. Ҳумоюн ундан нечун рад жавобини берганлигини сўрайди. Ҳамидабону Низом ҳақидаги воқеликни айтиб беради. Ҳумоюн ҳам у билан боғлиқ Карамнасадаги ҳалокатли воқеаларни ёд олади. Аграда бир кечада Низомнинг домдараксиз йўқолиб, уни суриштириб ҳеч нарса тополмагани хотирасига тушади. Улар Низомни тирик ёки вафот этганини билиш мақсадида хат ёзишади ва жавобини бир ой кутишлари керак эди. Бир ойдан сўнг Низомдан жавоб хати келади ва унинг тириклиги аниқ бўлади. Кейин қиз ва унинг ота-онаси Ҳумоюнга розилик беради. Уларнинг никоҳи Саодат уйи деган чодирда ўқилади.

Бунга ўхшаш асарларнинг кўпчилигини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай асарлардаги ёрқин ифодаланган кадриятлар бугунги кунда андоза, яъни намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Умуминсоний кадриятлар бизга тарихдаги воқеа ва ҳодисаларни тўлиқ англашимизга хизмат қилади. Шу аснода айтиш жоизки “Қадрият тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидан биридир. Айрим тадқиқотчилар уни даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни тарихий хусусият касб этади деб ҳисоблашса, бошқа бир тадқиқотчи Рикерт, аксинча, кадрият доимий, универсал хусусиятга эга деб ҳисоблайди. Т. Парсонснинг фикрича, кадр меъёрий андозадир. Мазкур турли хил, ҳатто, қарама-қарши фикрлардан кадриятнинг маъноси кўп қиррали эканлиги билинади”. Қадриятни тўғри англашиш инсониятни етуклик ва мазмунли яшаш тарзига йўл кўрсатади. Жамиятнинг тўғри йўлдан бориши эса келажакнинг маданият ва марифат пойдеворини мустаҳкамлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пиримкул Қодиров Авлодлар довони
2. Қизил китобга тушмас туйғулар. Тошкент-2019
4. Аннемарие Шиммел “Жонон менинг жонимда” Тошкент 1999
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Бахтиёр оила” Тошкент 2018

УЎК. 8/80

ФРАНЦУЗ АНТРОПОНИМИЯСИ РЕФЕРЕНТЛАРИНИНГ ИККИЛАМЧИ НОМЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

С.Ж. Камолова, PhD, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада фронтсуз антропономияси референтларининг иккиламчи номланиш имкониятлари ҳақида муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: тилишунослик денотат сўз туркумлари лексема гендер таркибий

Аннотация. В статье обсуждается возможность вторичной номенклатуры французских референтов антропономии.

Ключевые слова: лингвистические денотативные категории слов, лексема, гендерная структура.

Abstract. This article discusses the possibility of secondary nomenclature of French anthroponomy referents.

Keywords: linguistic denotative word categories lexeme gender structure

Кириш. Бугунги кунда француз антропонимларининг дискурсив-прагматик функциясини ўрганиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бундай ёндашув, табиий равишда, ўзига хос фаразани назарда тутати: француз антропонимини ўз таркибига киритадиган муайян дискурслар, хусусан, ижтимоий дискурс мулоқот интенциясига мос равишда антропонимнинг таркибий қисмларини –денотат, референт, сигнификатни [Maingueneau 1991: 6-54] сезиларли даражада ўзгартиришга кодир. Ушбу фаразнинг ҳаётийлигини исботлаш учун биз француз тилшуноси Г. Гийом томонидан ишлаб чиқилган [Guillaume 1969] ва рус тилшуноси Л.М.Скрелина томонидан ривожлантирилган тил систематикаси ва нуткий фаолият назарияси [Скрелина 2009] ҳамда Р.Г.Пиотровский томонидан ривожлантирилган семиозислар назариясига [Пиотровский 1999] мурожат қиламиз. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотлар, асосан, сўз туркумлари доирасида амалга оширилган бўлиб, ҳар бир сўз туркумига хос тизимли белгиларнинг лисоний шахс онггида шаклланиш ва нутқида воқеланиш қонуниятларини тизимлаштирган. Боз устига, лисоний бирликларнинг тил тизимидаги ўрни ва нутқда қўлланиш чегараларини фарқлаш масаласи, тил тилшунослиги ва нутқ тилшунослиги кўринишида машҳур Швейцариялик тилшунос Ф.дў Соссюрнинг асарларида ҳам ўз аксини топган [Соссюр 2019].

Сиёсий дискурда антропоним референти воқеланишининг иккинчи ҳолати ҳам тез-тез учраб туради, Бунда журналист антропоним референтини аниқ кўрсатиш ўрнига, унинг қандайдир аҳамиятли хусусиятини ёки бошқа шахсга нисбатан муносабатини кўрсатиш орқали исм референтини яширин тарзда воқелантиради. Бундай стилистик усул тилшуносликда антономасия ёки антономазия (қайтадан ном бериш) номини олган.

Адабиётлар тахлили ва методологияси. Таниқли француз тилшуноси Жорж Мунен антономасияни фигура сифатида кенг таърифлайди. Бу фигура воситасида, биринчидан, турдош от атоқли от билан алмаштирилади, масалан: hypocrite (иккиюзламачи) ўрнида таниқли адабий персонажнинг артикл билан қўлланган оти - un Tartuff (Тартюф) ишлатилади, ёки, иккинчидан, атоқли от шахс тавсифининг умумқабул қилинган номи билан алмаштирилади, масалан: le Secrétaire florentin (Флорентийлик котиб) сўз бирикмаси Machiavel (Макиавелли) атоқли оти ўрида ишлатилади [Mounin: 31]. Ҳақиқатда, Макиавелли вафотидан сўнг Рим церкови унинг ишларини нашр қилишни тақиқлаб қўяди. Бироқ шунга қарамай унинг айрим асарлари у Флоренциянинг Иккинчи канцеляриясида узок вақт эгаллаб турган вазифасининг номи –“Флорентийлик котиб” тахаллуси билан нашр қилинади.

Замонавий француз пресса тилида бу усул ўзгача тарқалган. Масалан, Франсуа Фийон, Франция президенти лавозимига даъвогарлардан бири, Сарт департаментидаги Ле-Ман шаҳрида туғулгани, у ерда доимий равишда ўз оиласи билан ўрта асрлардан қолган қасрда яшаши туфайли француз прессаси саҳифаларида уни «Сартнинг номи улугъ яшовчиси» тарзида ҳам, «Сартдаги қаср хўжайини» (варианти: «Сарт сеньори») тарзида ҳам аташади. Мисоллар:

«...le notable de la Sarthe donnait des gages de radicalité, de véracité et de crédibilité» [Alduy: 167]. Таржимаси: «... Сартнинг номи улугъ яшовчиси ўзининг қатъиятлиги, ростгўйлиги ва унга ишониш мумкинлигига ишонтирди»;

«La famille - premier cercle de nos solidarités », se plaint à répéter comme un axiome le châtelain de la Sarthe, lui-même père d'une famille nombreuse» [Alduy: 184]. Таржимаси : «Оила – бу ҳамфикрлигимизнинг биринчи доирасидир», - аксиомадай такрорлашни ёқтирарди, ўзи кўп сонли оиланинг отаси, Сартдаги қасрнинг хўжайини».

Мухокама ва натижа Француз исмлари ва фамилиялари ёки исм-фамилияларининг фақат иккиламчи номланиши оқибатида пайдо бўлган норасмий номларининг қўлланиш ва референтларининг воқеланиш миқдорига кўра, ижтимоий чекланган дискурда қўлланган антропонимларнинг тўртта тури куйидаги жадвалда келтирилган.

Иккиламчи рефе-рентлар миқдори	Исм ёки исм-фамилия
Референтсиз	Gisèle, Laurent, Patrice, Florence, Sébastien, Yves, Nathalie
Бир референтли	André, Catherinette, Jean, Gérard, Hélène, Marie, marguerite*, Marie Salope, mère Moreau, Saint-Luc, Sainte-Brigitte, Monsieur Dubois, Madame Jules, Jean Rosset, Jean-Jean, Jacques Bonhomme, Jacques Déloge, Charles, Charles, Marie-Jeanne, Hélène, Margoton, michelin, Michel, Margot, Louissette, Bobby, roi David
Икки референтли	Gérard, Saint-Jean, mère Thomas, Margotin
Уч референтли	Julie, Jules, Charlot, marguerite, michel, louise, martin, Bob

*Иккиламчи номлаш функциясига эга бўлган антропонимлар француз ижтимоий дискурс контекстларида ҳам бош ҳарфлар, ҳам кичик ҳарфлар билан берилиши кузатилади.

Француз антропонимлари орасида Jacques, Jean, Charles, Michel, Jules, Marie, Anne, Marguerite ва Josephine исмлари омонимларнинг энг кўп миқдорини қайд қилган [Bob; Tout l'argot].

“Тўлиқ исм” атамаси деганда, исмнинг тўлиқ, қисқартирилмаган шакли назарда тутилади [Подольская: 107]. Куйидаги объектлар тўлиқ исмларнинг референтларидир: brigitte – аёл; marguerite – 1) кулранг соч, 2) водка, 3) гильотина; michel – 1) бой одам, 2) аҳмоқ, калта фаҳм; martin – 1) режа, 2) сейфни очиш учун перфоратор, 3) мўйнали пальто; Бироқ айрим антропонимлар, ижтимоий дискурсада муайян коннотатив манони олган бўлса-да, ўзининг график кўринишини ўзгартирмасдан, бош ҳарф билан ёзилади. Масалан, Marie-Jeanne – марихуана; Héléne – героин; Isabelle – найза, килич; Charles – фирибгар, ўғри.

Антропонимнинг ҳар бир референти алоҳида лексема сифатида мавжуд бўлиб, идиоматик иборалар ва фразеологизмларнинг таркибий қисмини ташкил қилади: faire le Jacques – аҳмоқли (майнабозчилик) қилмоқ; être gros jean comme devant – омадсиз бўлмоқ; Marie couche-toi là! – суюқоёқ аёл; faire sa Josephine – қийшангламоқ, ўзини нозикойим қилиб кўрсатмоқ; tu parles, Charles! – бўлмаса-чи, албатта, бу аниқ; faire le coup du père François – зимдан зарба бермоқ ва шу кабилар.

Бундан ташқари, француз ижтимоий дискурсида хорижий антропонимик бирикларнинг борлиги ҳам кузатилади, масалан: Bobby – инглиз миршаби; Bob – 1) ўйин соққаси, 2) катта соат, 3) шиллинг; roi David – очқич (кулфни очадиган мослама); Marie-Jane – марихуана; Popoff, Ivans – руслар.

Маълумки, антропонимлар маъносининг коннотатив мазмуни ва структураси, турдош отларникига қараганда, анча кенг ва бой.

Антропонимлар ёки антропоним референтларининг гендер таркибий қисмига эътибор қаратадиган бўлсак, ижтимоий-антропонимлар универсал, бўлиши мумкин, яъни эркакларни ҳам, аёлларни ҳам тавсишlashда ишлатилиши мумкин. Масалан, таянч таркибий қисми аёл исми билан берилган «faire sa Sophie» фразеологик арготизми барча маънолари билан иккала жинсга нисбатан ҳам қўлланилади: 1) нозланмоқ, қийшангламов, 2) нозикойимлик қилмоқ, 3) овқатда нозиктабиатлилик қилмоқ. Шу тур бўйича, референт эркак исми билан ифодаланган бўлса-да, «avoir les jambes Louis XV» ибораси ҳам қўлланади – «оёқлари қийшиқ бўлмоқ» ишлатилади. Гендер белгиси бўйича танланадиган референтлар ажралиб туради: фақат аёлларни тавсифлаш учун фойдаланадиган феминин бирликлар, масалан, Catherinette – турмушга чикмаган қиз, Margot – енгилтак аёл, ва фақат эркакларни тавсифлайдиган маскулин бирликлар, масалан, Jean – гўсхўр эр (хотини хиёнат қилган эр), Charles le chauve – эр киши, эркак жинси, Gérard – ота ўғил).

Антропонимик номлашда коннотатив шаклларнинг кўплиги сўлашув нутқи учун эмоционал-экспрессив оттенкаларни ифодалашнинг ранг-баранг воситаларини яратади. Шахс исмларида бундай воситалар жуда кўп. Француз ижтимоий дискурсида аёл ва аёлнинг хулқ-атворини кўрсатувчи лексемалар эркакларга қараганда, кўпроқ салбий коннотация баҳоларини олади. Биз тадқиқ қилаётган материалда аёл жинсига тегишли имларнинг кўпчилиги аёлларни енгил табиатли аёл сифатида тавсифлайди, масалан: Jeannoton, Marie salope, Marie, couche-toi là!, Margoton, Margot, Julie. Фақат аёл жинсидаги антропонимлар ижтимоий дискурсада наркотик моддаларнинг номларини олган: жумладан, наркотик моддаларнинг: Héléne – героин, Julie – кокаин, Marie – марихуана, Marie-Jeanne – марихуана, наша ва ҳ.з., спиртли ичимликларнинг: Marie Salope («Қонли Мэри», арақ ва томат соки), mère Moreau (Моро уйи виноси, сўзма-сўз «Моро она»), marguerite (аракнинг номи) ва гильотинанинг (бош оладиган жоди)

Хулоса. Шундай қилиб, француз ижтимоий дискурсининг тили француз тили асосий субстратларидан бири бўлиб, унинг соҳиблари лисоний онгнинг миллий ўзига ҳослигини акс эттиради ва тақдим этади. Бу ўзига ҳослик ўз маданиятининг этноманзарасини лексемалар призмаси орқали қайта англаб ҳис этишда мустаҳкамланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пиотровский Р.Г. Лингвистический автомат (в исследовании и непрерывном обучении) [Текст] / Р.Г. Пиотровский. - СПб.: Изд-во РГПУ, 1999.
2. Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. М.: Наука, 1988. - 192 с.
3. Скрелина Л. М. Школа Гийома : психосистематика [Текст]: учеб. пособие/Л. М. Скрелина. - М.: Высш. шк., 2009. - С. 15.
4. Фердинант дў Соссюр. Умумий тилшунослик курси. Ибодлла Мирзаев (таржимаси). Т.: “Навоий университети” нашриёт-матбаа уйи, 2019. - 307 бет.
5. Bob, l'autre trésor de la langue [Электронный ресурс] // Dictionnaire d'argot, de français familier et de français populaire. URL: <http://www.languefrancaise.net/Bob> (дата обращения: 04.10.2015).
6. Guillaume G. Langage et science du langage. Paris-Québec, (1964) 1969.
5. Maingueneau D. L'analyse du discours. Introduction aux lectures de l'archive. - P.: Hachette, 1991. - P. 6-54.
6. Tout l'argot des banlieues. Dictionnaire de la Zone. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.dictionnairedelazone.fr> (дата обращения: 10.09.2015).

КОНВЕРСИЯ УСУЛИ БИЛАН ОТЛАРДАН АНТРОПОНИМЛАР ЯСАЛИШИ ВА УЛАРНИНГ МОТИВАЦИОН-НОМИНАЦИОН АСОСЛАРИ

Ш. Каримов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мақолада конверсия усули билан отлардан антропонимлар ясалиши ва уларнинг мотивацион-номинацион асослари фаол усули хусусида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Номлаш (номинация), деривация, трансформация, транспозиция, конверсия, апеллятив лексика, мотив, трансмонизация, лексик-семантик усул.

Аннотация. В статье рассматривается создание антропонимов от имен существительных методом конверсии и деятельностью методом их мотивационно-номинативной основы.

Ключевые слова: (номинация), деривация, трансформация, транспозиция, конверсия, апелляционная лексика, мотив, трансмонизация, лексико-семантический прием.

Abstract. The article discusses the creation of anthroponyms from nouns by the method of conversion and the active method of their motivational-nominative basis.

Keywords: Naming (nomination), derivation, transformation, transposition, conversion, appellation lexicon, motive, transmonization, lexical-semantic method.

Предметлик маъносини билдирувчи сўзлар туркуми ва шу туркумга мансуб сўзлар от деб юритилади. Предметлик грамматикада кенг тушунча бўлиб, киши (одам, инсон), нарса-буюм (пахта, сув), ҳодиса (тўполон, қураш) ва шу қабиларни ўз ичига олади. Отлар маъно жиҳатдан ҳамда ифодалайдиган тушунчанинг хусусиятига кўра атоқли от ва турдош отларга бўлинади [1, 77-бет]. От ва феъл ўртасидаги мана шу тарихий-генеологик алоқа уларнинг тараққиёти тарихи давомида ҳамиша ҳамиша намоён бўлиб келди. Феълнинг конверсия йўли билан отлашуви ҳамда антропонимлар тизимида ўтиши ана шу тарихий-генеологик алоқа билан боғлиқлиги ҳам маълум.

Атоқли ва турдош отлар, яъни апеллятивлар бир туркумга мансуб бўлгани боис уларда конверсия, яъни предметлик тушунчасини билдирувчи отларнинг атоқли отга, хусусан, антропонимларга ўтиши жуда фаол.

Антропонимлашган от апеллятивларни луғавий-маъновий жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Шахс тушунчасини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви: *Башир* (киши, одам, инсон; одамзод, инсоният), *Йигит* (ўсмир, навқирон; соғ улғайиб катта йигит бўлсин), *Инсон* (одам, киши; одамшаванда бола), *Киши* (эркак, саховатли одам), *Ўғил* (шу қиздан кейингиси ўғил бўлсин маъносида) каби.

Ислом динига эътиқод қилувчи шахс тушунчасини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви. Бундай исмлар диний мотивли исмлар сирасига мансуб бўлиб, Аллоҳга кучли ишонч билан боғланган, унинг ягоналигига, малоиклари, китоблари, пайғамбарлари, тақдир, қиёмат куни ва қайта тирилишга ишонган – иймон келтирган киши тушунчасини ифодалайди [2, 155-бет]. Масалан, *Зоҳид* (диндор, художой, тақводор; тарки дунё қилган), *Муслим* (ислом динига бўйсинган, мусулмон; художўй), *Муслима* (мусулмон, художўй аёл), *Муслмон* (ислом динига эътиқод қилувчи; ислом динига бўйсунувчи; художўй), *Мухлис* (самимий, оққўнгил, содиқ ёки сифинувчи, сажда қилувчи), *Мухлиса* (оққўнгил қиз; художўй қиз), *Мўмина* (шариатга эътиқодли, мусулмон қиз; тақводор аёл) каби.

Қариндош-уруғ ва яқинликни ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви: *Ача* (ачаси (онаси ёки бувиси)нинг номи билан аталган қиз), *Аяжон* (онаси ёки бувисининг исми берилган қадрли, азиз қиз), *Бобо* (марҳум буваси, бобосининг исми берилган бола. Баъзи манбаларда *Бобо* – ота, диний раҳнамо, улуғ шайх. *Бобожон* – бобоси (буваси) исми билан номланган бола. Боланинг ҳақиқий исмини айтишмасдан “Бобожон” деб чақиритилган ва бу ном боланинг исмига айланиб кетган), *Дада* (марҳум дадаси (отаси) ёки бобосининг исми билан аталган), *Волида* (она, фарзандларига бой аёл бўлсин ёки марҳум онасининг исмини олган қиз), *Жиян* (тоғасига жиян бўлиб юрсин ёки тоғасининг уйида туғилган бола), *Эна*, *Энаш* (она ёки бувисининг исмини олган жондек азиз қиз), *Момо* (бувисининг исми қўйилган қиз), *Отажон* (отасининг исми берилган қадрли, бола ёки отасига ўхшаган йигит бўлсин), *Чеча* (шевага хос сўз; ака, тоға каби ўзидан яқин қариндошларнинг хотини, янга исми билан аталган қиз) каби.

Дўстлик, биродарлик тушунчаларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви. *Анис* (яқин дўст, улфат, ҳамдам, ҳамсухбат), *Ахий* (дўст, биродар; юксак; меҳр, саховат, мурувват эгаси), *Ёрон* (дўст, ҳамроҳ, йўлдош), *Дўст*, *Жўра* (отаси ёки ўзидан олдинги

болаларга ўртоқ, ҳамдам, ҳамроҳ, дўст бўлиб ўссин), *Рафиқ* (дўст, ҳамдам, сахий ёки қимматли, хотамтой, очикқўл), *Рафиқа* (дўст, ҳамдам, эш, йўлдош), каби. Э.Бегматовнинг фикрича, бундай исмлар фарзандларни инсонсевар бўлишини исташи маҳсулидир [3, 94-бет]

Инсоннинг тана аъзолари ва уларнинг қисмларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви. *Бағир* (юралка, қалбага яқин, азиз ёки билимдон, донишманд бола), *Тавон* (кучли, бакуват, чидамли, бардам, соғлом бола), *Тирсак* (ота-онасига таянч, суянчик, яъни тирсак бўлсин), *Мижжса* (киприкдек, кўз қорасидек азиз, кадрли; кўзимизнинг оқу қораси), *Мужгон* (киприк), *Дил* (қалб, юрак, тириклик, яъни виждонли, саховатли қалб эгаси ёки мард, жасур), *Жамол* (чиройли, нафосатли, хушрўй бола), *Рухсор* (айн.: ёноқ, юз, чехра; зебо, соҳибжамол, гозал чехрали киз), *Чехра* (юз, жамол, кўрк) каби.

Осмон жисмларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви: *Ахтар* (юлдуз, ситора; яъни бахтли, саодатли), *Юлдуз* (толеи юлдуздек юксак ва порлоқ бўлсин), *Гунаш* (умри гунаш (кунаш), яъни куёшдек порлоқ бўлсин; куёш фарзанди), *Хуриш* (куёш (офтоб); ғоят гўзал ёхуд жозибали, икболи баланд бола), *Шамси* (куёш, ёруғ, тавшан, нурли), *Кунаш* (куёш, кун (қ.Офтоб, Шамсия), *Моҳ* (ой, ойдек сулув киз), *Моҳи* (ойдек, оймонанд, гўзаллик, нафосатга мансуб), *Моҳлар* (ойлар, яъни гўзалларнинг сардори), *Маҳтоб* // *Моҳтоб* (ой нури, ойдин, тўлин ой, нурли, нур сочувчи ой ойдинда туғилган киз), *Офтоб* (куёш, нурли; чақнаган, нурафшон), *Куёш* (толеи куёшдек порлоқ бўлсин; куёш фарзанди ёки гўзал фарзанди ёки гўзал, зебо), *Ҳилол* (янги ой, бир-икки кунлик ой чиққан кечада туғилган киз) каби.

Касб-ҳунар номларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви. Э.Бегматов ўзбек тилидаги антропонимларнинг луғавий асослари таҳлилида касб-ҳунар номлари асосида шаклланган киши исмларини алоҳида гуруҳ сифатида қайд этади [4]. Ўзбек тили антропонимиясида тарихий ва замонавий касб-ҳунар номларини ифодаловчи ўз ва ўзлашма қатламга мансуб от апеллятивларни конверсия усулида антропонимларга ўтиши кузатилади:

Адиб [а.] – ёзувчи; устоз, мураббий, тарбиячи.

Адиба [а.] – ёзувчи киз; назокатли, тарбияли киз.

Воиз [а.] – ваъз айтувчи, ваъзгўй, диний тариқат тарғиботчиси, нотик.

Котиб [а.] – ўқимишли, саводхон.

Муаллим [а.] – ўргатувчи, ўқитувчи, устоз.

Мусаввира [а.] – рассом, сураткаш киз.

Мухбира [а.] – матбуотчи (журналист) киз.

Нотик [а.] – гапга чечан, сўз устаси; фасоҳат соҳиби.

Олма [а.] – билимдон, донишманд киз.

Сарроф [а.] – айн.: пул алмаштирувчи, пулларни майдаловчи: қиммат тангалар, тошларни аниқлаб, фарқлаб берувчи; заршунос.

Сайёд [а.] – овчи.

Сайёда [а.] – овчи киз.

Амал, мансаб номларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви. Боланинг улғайиб юксак мансаб ва мартаба эгаси бўлишини исташ ҳамда ота-боболарининг амал, мансаб ва унвонини ифода этиш мотивацияси асосида шундай тушунчани ифодаловчи апеллятивлар конверсия усулида исмга ўтади. Масалан, *Амир* (ҳоким, ҳукмрон, йўлбошчи ёки Амр – ҳаёт, тириклик), *Амира* (ҳукмрон, йўлбошчи, фармонбардор аёл), *Арбоб* (жаноб, эга, соҳиб ёки мартабаси, мансаби улғу киши бўлсин), *Валий* (азиз, муқаддас авлиё ёки каромат, башорат қилувчи), *Вазир* (ёрдамчи, кўмакчи, олий мансабдор ёки соғ улғайиб вазирларнинг обрў мартабасига эга бўлсин) каби.

Ижтимоий-сиёсий табақаланишни ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви: *Сайид* (айн.: хўжа, эга; бошлиқ, раҳбар. Бу сўз Муҳаммад (с.а.в.) авлодларининг фахрий унвони; аслзода; зодагон), *Хўжа* (хўжайин, соҳиб, жаноб; муаллим, устоз) каби.

Ўсимлик, дарахт номларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви:

Мевали дарахт номларини ифодаловчи апеллятивларнинг антропонимлашуви: *Беҳи* (беҳи – соғлиқ, саломатлик, яхшилик ёки мақбул, ёқимтой киз), *Бодом* (бодом гуллаганда туғилган бола ёки бодом каби мустаҳкам, маҳкам), *Узум* (узум пишганда туғилган киз ёки ширин тилли, ёқимтой киз), *Хурмо* (хурмодек ширин ва яшнаган киз бўлсин. Хурмо хосиятли дарахт ҳисобланади), *Мева* (самара, хосият, мевадек сероб бўлсин), *Гилос* (ширин, ёқимтой, дилкаш ёки гилос пишганда туғилган киз), *Анжир* (анжир пишганда туғилган киз ёки ширин, суякли киз), *Анор* (баданида қизил хол, тамға билан туғилган), *Олча* // *Олича* (олча гуллаганда ёки пишганда туғилган киз), *Олма* (олма гуллаганда ёки пишганда туғилган киз ёки “олмагин”, яъни ўлмасин, яшасин

маъносида), *Долчин* (долчиндек ёкимли, қадрли бола) каби;

Гул номларини ифодаловчи апелляцияларнинг антропонимлашуви: *Чечак* (гул, майса; гўзал, зебо, соҳибжамол), *Арғувон* (бахорда очиладиган қизил гулли дарахт арғувондек гўзал, зебо қиз), *Лола* (лоладек яшнаган, гўзал қиз ёки лолалар очилган пайтда туғилган қиз), *Савсан* (савсан (лилия) гулидек зебо қиз), *Самбит* (самбитгул ёки самбит толдек зебо, хушбичим, зебо қиз), *Сафсаргул* (сафсаргулдек зебо қиз; оқ юзли дилбар), *Раъно* (қизил гулдек гўзал, чиройли, латофатли), *Фунча* (оғизлари фунчадек чиройли қиз; зебо, соҳибжамол қиз), *Бинафша* (бинафша гулидек кўркем, нафис қиз), *Нилуфар* (нилуфар (савсан) ўсимлигидек чиройли, зебо қиз), *Жамбил // Жанбула* (жамбил (хушхид ўсимлик)дек ёкимтой суюкли қиз) каби.

Таҳлиллардан кўринадики, ўзбек тилида от апелляциялардан конверсия усулида антропонимлар ясалиши фаол. Бу, албатта, атоқли отлар, жумладан, исмлар ҳам от туркумига кириши билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилида от, сифат апелляциялардан истак ва тасвирий мотивли антропонимлар ясалиши тарихан ва ҳозир ҳам фаол. Ўзбек халқининг исм бериш, кўйиш билан боғлиқ миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари мотивацияси асосида янги туғилган болага самовий жисмлар, ҳайвон, парранда, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул номлари исм қилиб берилган. Натижада шундай тушунчаларни ифодаловчи апелляциялар конверсия усулида антропонимлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. 77-б.
2. Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Маърифий-ирфоний истилоғлар изоҳли луғати. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б. 155.
3. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. 94-б
4. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013.
5. Бегматов Э. Исмларнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
6. Элгзаров Ж.Д. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. –Тошкент: Миллий энциклопедия, 2006.
7. Нуриддинова Р.С. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Т., 2005.
8. Кенжаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи: Филол. фан. бўйича фалсафа док. дис. – Қарши, 2019.

УДК 81-23

ОСОБАЯ РОЛЬ РУССКОГО ЯЗЫКА В СИСТЕМЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ

Ф.Б. Киличева, к.п.н., доц., Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада рус тилининг жаҳон тиллар тизимида тутган ўрни ҳамда жаҳондаги нуфузи ёритиб берилган.

Калим сўзлар: сўз, рус тили, дунё тиллари, халқаро мулоқот, маданият.

Аннотация. В данной статье подчеркивается роль русского языка в системе мировых языков, а также его глобальный престиж.

Ключевые слова: слово, русский язык, языки мира, Международное общение, культура.

Abstract. This article highlights the role of the Russian language in the world languages system as well as its global prestige.

Keywords: word, Russian, world languages, international communication, culture.

Общество, которое является важнейшим инструментом людей, не может жить без использования языка. Нет никакой человеческой деятельности не используют ее как выражение собственных мыслей, чувств и силы воли. Со временем люди заинтересовались его постоянным спутником, языком, и создали о нем науку. Эта наука теперь называется лингвистикой или лингвистической наукой. Для тех, чья профессия связана с преподаванием или исследованиями, эта наука также очень важна для тех, кто хочет использовать ее в качестве профессионального инструмента (учителя, адвокаты, преподаватели, журналисты, писатели и т.д.).

“Русский язык - это язык мира”, - говорит известный лингвист Вячеслав Белоусов. В третьем тысячелетии он не теряет своего культурного или исторического значения. Он сохранит свои позиции не только в странах СНГ, но и во всем мире. Функции русского языка как языков мира Прежде всего, русский язык (наряду с английским, китайским, французским, испанским и арабским языками) является официальным языком многих международных организаций - ООН, ЮНЕСКО и

других. Это означает, что официальные документы, специальные журналы этих организаций публикуются на русском языке, создаются их веб-сайты и ведется работа.

Русский язык является одним из языков, на котором говорит почти треть международных неправительственных организаций, включая Всемирную федерацию профсоюзов и Международный комитет европейской безопасности. Он также используется в качестве делового языка на крупных международных конференциях и саммитах для облегчения общения между представителями разных стран.

Во-вторых, русский язык - это язык одного из крупнейших международных образовательных центров.

В-третьих, русский язык открывает возможность приобщения не только к богатствам российской науки и культуры, но и других стран, выступает посредником между разными народами, в частности в евразийском регионе. Наконец, большая часть научной и художественной литературы, издаваемой в мире, переведена на русский язык.

В-четвертых, Россия играет важную роль на международном рынке образования. Русский язык дает возможность получить высокие профессиональные знания на уровне мировых стандартов.

С пятой, желание познакомиться с культурой, в частности с литературой, которая стоит за ней, имеющей общечеловеческое значение, по-прежнему является важной причиной интереса к изучению русского языка. Общение между ЮНЕСКО и различными культурами Совета Европы рассматривает это как актуальную задачу нашего времени, поскольку такие беседы подразумевают взаимопонимание ценностей и традиций других народов, обмен опытом, накопленным веками, обмен мнениями по актуальным вопросам прошлого, настоящего и будущего народов, живущих в мире. Из Золота определенную группу студентов привлекают их трудности с русским языком. По мнению американских студентов, русский язык выбирают те, кто любит преодолевать препятствия.

Русский язык - это язык богатейшей художественной литературы, значение которой в мире огромно. Как и в последнее десятилетие, интерес к русскому языку в странах за пределами СНГ несколько снизился. Но сегодня все больше и больше людей снова обращаются к нему. С одной стороны, они интересуются русской культурой, а с другой, это чисто прагматический интерес, поскольку русский язык дает им возможность сотрудничать с российскими бизнесменами и устанавливать долгосрочные деловые отношения. Прежде всего, речь идет о сотрудничестве в рамках СНГ.

Причина заключалась в том, что русский язык был языком международного общения во времена Союза, и по сей день он остается таковым. Русский язык продолжает интересовать современный мир. По сообщениям российских СМИ, число граждан США, Франции, Испании, Швеции, Финляндии, Австрии и Кореи, которые недавно начали изучать русский язык и литературу, увеличилось в несколько раз.

Русский язык является не только официальным языком Российской Федерации. Это один из языков мира, то есть это язык, который служит средством международного общения между народами разных стран. В пределах двух с половиной тысяч языков, известных в мире, всемирный языковой клуб, называемый самой развитой группой языков в мире, обеспечивает международное общение. Продвижение как мирового языка определяется общечеловеческой важностью культуры, созданной на этом языке. Статус языка как мирового юридически обеспечивается признанием его официальным или рабочим языком международных организаций или конференций (ООН, ЮНЕСКО и т.д.). Например, русский язык признан одним из шести официальных языков ООН, наряду с английским, арабским, испанским, китайским и французским; на котором написаны наиболее важные международные договоры и соглашения. Русский язык изучается в большинстве стран мира.

Учителей русского языка объединяет Международная ассоциация учителей русского языка и литературы (МАПРЯЛ). Сейчас русский язык по-прежнему находится на четвертом месте в мире по количеству людей, которые на нем говорят. В верхней части списка находятся английский (около 500 миллионов человек знают английский как первый или второй язык, и более 1 миллиарда человек знают английский как иностранный язык) и китайский (на котором почти 1350 миллионов человек говорят на нем как на родном языке). На третьем месте находится испанский язык (на этом языке говорят около 360 миллионов человек, включая тех, на ком говорят около 335 миллионов носителей языка).

Интенсивное техническое перевооружение повседневной жизни граждан можно охарактеризовать как техническую революцию, и связано это в первую очередь с широким использованием современной бытовой и офисной техники, преимущественно в быту иностранного

производства. Компьютеры, видеокамеры, телевизоры нового поколения, факсы, копировальные устройства, бытовая техника, иностранные машины - все это привело к появлению многих новых терминов и слов в русском языке. В то же время во многих инструкциях по автомобилям, ввезенным из-за рубежа, документах по управлению автомобилями рекомендуется изучать иностранный язык, в основном английский.

Основные функции языка указывают на то, что язык - это не синусоидальное явление, а социальное. Все люди, независимо от их происхождения и социальных или профессиональных групп, должны общаться, думать и выражать свое мнение. Таким образом, огромная роль русского языка в современном мире определяется его культурной ценностью, мощностью и величием.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. Наука и общество, 1(65), 33-37.
2. Дилшатович, Б. Б. (2020). Общественно-политическая лексика. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 1044-1050.
3. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЕУ, 2005.

УДК 81.373.21

ДЕРИВАЦИОННЫЕ ЯВЛЕНИЯ В ТОПОНИМИИ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Н.Б.Курбонов, Ферганский филиал ТУИТ, Фергана
Н.Дж.Таишланова, Ферганский филиал ТУИТ, Фергана

Аннотация. Ушбу мақолада биз ўзбек ва инглиз тилларида топонимлар ва апеллативларнинг деривацияси тадқиқ этилган. Мақолада ўзбек тилидаги қўшимчаларнинг апеллативларга қўшилиб топонимларга айланиши инглиз тилидаги апеллативларнинг қўшимчалар ёрдамида топонимларга айланиши билан қиёсланган ҳолда икки тилдаги деривация жараёни ўрганилган.

Калим сўзлар: Топоним, топонимика, деривация, фактор, қўшимча, апеллатив, сўз ясалиши (словообразование), лексик бирлик, турдош отлар (нарицательные), номинация.

Аннотация. В этой статье рассмотрена деривация топонимов и апеллативов на узбекском и английском языках. В статье деривация изучено на двух языках, так как даётся сравнение присоединения окончаний в апеллативы, которые преобразовываются в топонимы на узбекском и английском языках.

Ключевые слова. Топоним, топонимика, деривация, фактор, қўшимча, апеллатив, словообразование, лексическая единица, нарицательные, номинация.

Abstract. In this article, we have researched the derivation of toponyms and appellatives in the Uzbek and English languages. The article discusses the process of bilingual derivation in comparison with the transformation of Uzbek appellatives with suffixes into toponyms by adding appellations to toponyms comparing the transformation of appellatives into toponyms with the use of suffixes in English.

Key words: Toponym, toponymy, derivation, factor, қўшимча, appellative, word formation, lexical unit, common nouns, nomination.

Деривация топонимов в узбекском и английском языках очень активна как и в других языках. Деривационный процесс в этих двух языках можно встретить часто. Это, конечно, связано с образом жизни этих народов, экономическим развитием в регионе, где они проживают, ростом производства и видов услуг, взаимосвязями национальностей и различными социально-экономическими, образовательными и культурными факторами, изза чего топонимы и апеллативы натолкнутся на деривацию. С целью изучения деривации в английской и узбекской топонимике, в статье мы рассмотрим топонимическую деривацию, переход апеллативов в топонимическую деривацию и апеллативную деривацию.

Деривация это образование новых слов при помощи словообразовательных средств, и в соответствии со словообразовательными моделями данного языка[1]. Деривация, словообразование, словопроизводство – процесс образования нового слова, при котором за отправную точку принимается корень, основа или существующее слово. О. С. Ахманова под деривацией понимает аффиксальное словообразование. Смысловый компонент «образование» («создание») является ключевым в семантическом пространстве термина деривация[2]. В топонимике деривация в основном проявляется в двух формах, т.е. в языке апеллатив переходит в топоним и переход топонимов в нарицательные. Здесь мы можем сказать, что деривация апеллативов в топонимы считается процессом топонимизации, напротив переход топонимов в

апшелятивны считается детопонимизацией.

Топонимическая деривация. Основное назначение имен нарицательных — называть неопределённые объекты, соотнося их с известным классом вещей и понятий. Основное назначение имен собственных — называть определённые объекты внутри известных классов вещей уже связан с понятием. Вот это-то момент и позволяет прибегать к так называемому вторичному использованию известных слов для новых номинаций, которые могут не иметь видимых связей с первоначальным и основным использованием лексических единиц[3]. В этом Суперанская показав, что в новой номинации могут использоваться такие нарицательные существительные как «орёл, муха» и приводит примеры: пароход «Орел», кошка Муха. Мы можем видеть те же номинации в названиях местности Республики Узбекистан: **Манак** (на таджикском: подборонок, Андижанская область Хаджиабодский район), **Чиганок** (Наманганская область Папский район), **Чўнтак** (карман, Андижанская область Асакинский район), **Тегирмон** (мельница, Наманганская область Учкурганский район), **Капа** (шалаш, Андижанская область Жалакудукский район), **Лангар** (якорь, Ферганская область Куштепинский район), **Минор** (минарет, Ферганская область Риштанский район). В мотивации таких названиях топообъектов, внешнее или внутреннее качество объекта играет главную роль. Руг считает метонимической номинацией для такого названия. Учитывая специфику номинируемого объекта, образного номинативного материала в данных группах быть не может. Хотя среди прозвищ встречаются номинации типа Глиняный Лоб, Железный Нос, Кирпичный Нос, Борода, но, судья по мотивировочным контекстам, все они относятся к метонимическим номинациям, т. е. реальным предметным сопоставлениям. Элементы образного отождествления есть, на взгляд, в названиях Ковалок (“здоровый бугатый такой”) и Кость (“худой, маленький”), но и здесь явственно ощущим факт метонимического переноса[4].

Переход апеллятивов в топонимы. Географические объекты могут выделяться на основе их собственных физических свойств и на основе их значимости для человека, а топонимы могут отражать любые свойства объекта (не обязательно физические характеристики) и результат деятельности человека (от непосредственной распашки целины до посвящения памяти какого-либо лица или события)[5]. На узбекском языке названия мест формируется на основе профессиональной деятельности населения, проживающего там и названия выращенной продукции. В таких топонимах топооснова всегда является названием продукции. Трудовая деятельность образуется с помощью топоформантов **-чи, -чилик, -соз**. Это словообразование происходит методом аффиксации, а позже производное слово образовалось как название местности. Деривационный способ номинации предполагает использование аффиксов для производства обозначений уже существующих и вновь появляющихся реалий. Деривационный способ опирается на все имеющиеся в данном конкретном языке способы и механизмы деривации, используя весь арсенал морфемных единиц. Не вызывает сомнения, что аффиксы создают не только структурно новое слово, но и вносят в семантику номинатива дополнительный смысл, значение[6]. Это словообразование происходит методом аффиксации, а позже производное слово образовалось как название местности. Например: **Пиёзчилик, Тақачилик** (Ферганская область Ташлакский район), **Милтиқсоз** (г. Маргилан)¹.

Т. Эназаров указывает на топонимизацию слов, образованных методом аффиксации: В этом слове, которое было основой к топониму уже создавалось методом аффиксации на поверхности апеллятивной лексики. Однако преобразование слова в топоним связано с методом топонимической деривацией. Например: **Эгарчи** (Самаркандская область Иштиханский район), **Қирғили** (Ферганская область, район), **Балиқчи** (Андижанская область, район). Слово, перед тем как перешло на поверхность ономастической лексики относилось к словам преобразованные на апеллятивной лексики. Они в результате ономастической конверсии перешли на поверхность топонимической лексики и используются при названии местности, пример *эгар+чи*, если *слово > эгарчи* (седельник) образовалось в апеллятивной лексики, то *эгарчи > Эгарчи* – является примером образованное в топонимической лексике. Занятие населения, которыми они занимались, по типу занятие седельного мастера является основой названия этой местности. Топоформант **-чи** делает этноним присоединяя к топооснове[7].

На английском языке также есть топонимы суффиксального образования. Беленькая приводит в пример топонимов США. Метод суффиксального образования ойконимов используется в Америке, главным образом, в ранний период, то есть в годы непосредственных контактов с

1. **Пиёзчилик** – промысло занимающееся выращиванием лука, **Тақачилик** – занятие кузнеца, **Кигизчилик** – занятие по войлоку, **Милтиқсоз** – специалист по изготовлению ружья.

Англией, в северных районах страны. Однако в западе, где преобладают характерные американские способы топонимобразования, этот метод применяется крайне редко. Из всего многообразия английских топонимических суффиксов в США получили употребление лишь немногие (-ton, -ham, -ley и некоторые другие). Чаще всего используется суффикс -ton, что объясняется очевидной семантической связанностью со словом town. Он присоединяется к существительным нарицательным (Riverton), именам собственным (Williamston), прилагательным (Loyalton), причастиям (Bloomington). В ряде случаев современная форма -ton возникает в процессе эволюции топонима из первоначального town: Millertown (XVIII в.) > Millerton; Milltown (XVIII в.) > Millton.

В топонимии США, для которой характерна большая свобода топонимических моделей, используются также суффиксы, принадлежащие словообразовательной системе имен нарицательных. Так наблюдается образование названий при помощи суффикса **-a (-ia)**. Возможно, что появление этого способа отчасти обусловлено тем обстоятельством, что в США имеется большой слой заимствованных топонимов с этим окончанием (Macedonia), и новые названия образуются, по аналогии. Не могло не сказаться и влияние близких по звучанию испанских названий. Ойконимы этого типа при различных основах: существительных нарицательных (Petrolia < petrol), личных имен (Monrovia < Monro), географических названий (Erina < Erin), прилагательных (Centralia < central). Показательно, что образование наименований при помощи этой несвойственной топонимии суффиксации сопровождается возникновением определенных коннотаций, экспрессивно-эмоциональных оттенков. (Ср. Venturia < venture - смелое предприятие, Fredonia < freedom - свобода). Отсутствие стилистической нейтральности ощущается также в топонимах типа Boomer, образованных при помощи присоединения суффикса **-er** к основе глагола (в данном случае глагола to boom - производить сенсацию)[8].

В процессе перехода аппелятивов в топонимы относящийся к какой-то части речи слово сплывает к топонимический слой и начинает функционировать как топоним.

К этому можно привести пример село **Болалик** (Ферганская область Кувинский район), слова **болалик, қайрағоч**, которые в процессе топонимизации появились как название места. Слово **болалик** как часть речи является прилагательным, а в качестве названия места был использован в начале слова **болалик қайрағоч**. Это относится к переходу от аппелятивов в топонимы, т. е. **болалик қайрағоч** → **Болалик қайрағоч**.

Затем слово **қайрағоч** (сущ. *карагач*), вышло из речи, а слово **болалик** (прил. *с ребёнком*) вышло на первый план, которое являлся самым популярным словом среди населения, т. е. **болалик қайрағоч** → **Болалик қайрағоч** → **Болалик**. Потому что образ ребёнка всегда был в центре внимания жителей села.

Хотинкуми (Фер. обл. Ташлакский р.) – это происходит от сочетаний двух слов: **хотин** и **қум**. Название махалли **Хотинкуми** (Ферганская область Ташлакский район) происходит от двух существительных, т. е. слов **хотин** и **қум**.

В речах название места **хотин** и **қум** связана с женщиной и песком, поэтому оно поднялось на топонимическую поверхность и в итоге сочетания двух в случае топонимизации стало названием места, т. е. **хотин қуми** → **хотинкуми** → **Хотинкуми**.

Помимо общеизвестных географических слов, обозначающих более или менее распространенные черты рельефа, особенности ландшафта, есть слова с ограниченной известностью, а также слова, меняющие свое содержание в зависимости от природных условий территории[5]. Название городка **Куйганёр** (Андижанская область Андижанский район) происходит от части речи причастия и существительного, т. е. в узбекском языке слово **қуйган** (*сгорелый*) и **йор**, слово йор в итоге взаимное обменивание звуков **ж** и **й**, **а** и **о**, слово **жар** (овраг) перешло в форме **йор**. В зависимости от красного цвета объекта, было названо и топонимизировано: **қуйган йор** → **қуйганйор** → **қуйганёр** → **Куйганёр**.

Аппелятивная деривация. Топонимы как основы для производных слов занимают неодинаковое место в разных языковых системах, поскольку отдельные отношения в одних языках могут быть выражены с помощью словообразования, в других аналитически. Но определенные отношения имени к действительности, требующие тех или иных языковых форм или конструкций, принадлежат к одной из межъязыковых универсалий [9]. При деривации топонимов мы можем наблюдать две разные положения. В первом положении топоним теряет своё топонимическое свойство, и топоним переходит в нарицательных или в другие объекты, это и называется детопонимизацией топонимов. Во втором положении топоним теряет своё онимическое свойство, это и называется деонимической деривацией.

Заключение. В результате деривации переход топонимов в аппелятивы и переход аппелятивов в топонимы в узбекском языке не исследованы сравнительно с другими языками. В

ходе исследования мы рассматриваем сравнительное исследование топонимов на узбекском и на английском языках, видим что в процессе перехода аппелятивов в топонимы или топонимы в аппелятивы существует общие универсалии. В топонимии деривация бывает двух типов, и в процессе деривации постоянно появляются новые слова.

Формирование топонимов по методу аффиксации отмечают в своих исследованиях Т. Эназаров и В. Беленькая. В узбекском языке есть ряд топоформантов, таких как **-чи, -чилик, -соз, -обод**, создают топонимы по методу аффиксации, а в процессе исследования выяснилось, что на английском языке есть топонимы созданные методом аффиксации прибавления окончания **-field, -ford, -land, -ton, -ham, -ley**. На обеих языках формирование топонимов в деривации являются мотивирующей ролью в названии образа жизни, профессии, производимого продукта, внутренних и внешних качества объекта или личности связанные с историей той местности.

В результате экономических и политических процессов появились новые слова и в узбекском языке. Например, по мере того, как отношения Узбекистана с Таджикистаном расширились, начали появляться товары широкого потребления. На устном языке продукты, произведенные в Таджикистане, уже называются «тожик» или «Тожикистон». В номинации предмета или объекта их внутренние и внешние особенности, случай в истории объекта, личности, который связан с этим случаем, или даже регион становятся мотивирующими.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Словарь иностранных слов. 16-е издание. Москва. Русский язык. 1988 г. стр. 159.
2. А. Н. Беляев. Формирование и развитие топонимической системы немецкого языка. Дис. Уфа-2016. стр. 254, 255.
3. А. В. Суперанская, В. Э. Сальтмане, Н. В. Подолская, А. Х. Султанов. Теория и методика ономастических исследований. Издание второе. Москва. Издательство-2007 г. 37 стр.
4. М. Э. Руг. Образная ономастика в русском языке: ономастиологический аспект. Докторская диссертация. Екатеринбург-1994 г. стр. 122.
5. А. В. Суперанская. Что такое топонимика? Москва. "Наука". 1985 г. стр. 82, 97.
6. Е. А. Косых. Русская ономастиология. Алтайский государственный университет, 2016. стр. 49.
7. Т. Ж. Эназаров. Узбекистон топонимлари: лугавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Дис. Тошкент-2005. стр. 133.
8. В. Д. Беленькая. Очерки англоязычной топонимики. Москва. Высшая школа. 1977 г. стр. 125 стр.
9. А. В. Суперанская. Структура имени собственного: Фонология и морфология. – М.: Наука, 1969. стр. 207.

УЎК 808.3

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФУРҚАТ АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚИ Д.Х. Қўлдашева, таянч докторант, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Ушбу мақолада етук маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши, хусусан, фурқатишуносликнинг мустақиллик йилларидаги янги босқичи, Фурқат адабий мероси тадқиқида эришилган ютуқлар, шоир ижодининг лингвопоэтикаси бўйича бугунги тилишунослик олдидан турган вазифалар ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: Фурқат адабий мероси, фурқатишунослик, миллий уйғониши даври адабиёти, бадиий матн лексикаси, матний тадқиқи, мумтоз бадиият.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы изучения жизни и творчества зрелого просветленного поэта Фурката, в частности, новый этап фуркатоведения в годы независимости, достижения в изучении литературного наследия Фурката, задачи, стоящие перед языкознанием сегодня.

Ключевые слова: фуркатовское литературное наследие, фуркатоведение, литература периода национального возрождения, лексика художественных текстов, текстоведение, классическое искусство.

Abstract. This article discusses the study of the life and work of the mature enlightened poet Furkat, in particular, the new stage of Furkat studies in the years of independence, the achievements in the study of Furkat's literary heritage, the challenges facing linguistics today.

Keywords: Furkat literary heritage, Furqat studies, literature of the national revival period, literary text lexicon, text research, classical art.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 28 сентябрдаги фарғоналик сайловчилар билан учрашувда Фарғона водийсидан етишиб чиққан жадид боболаримиз, хусусан, Зокиржон Фурқатнинг эл-юртимиз маърифати, равнақи йўлидаги хизматларини ёдга олиб, “Фурқат 50 йиллик қисқа умри давомида моҳир публицист, тадқиқотчи, жаҳонгашта олим сифатида ноёб истеъдодини намоён этган. Унинг бундан кейинги фожиали ҳаёти, мусофирликда қолиб, Ватани

соғиниб яшагани ҳам сизларга яхши маълум. Фуркат – Фарғона жадидларининг маънавий отаси бўлган”, - дея алоҳида таъкидлаб ўтади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мулоҳазалари биз –ёш тадқиқотчиларни буюк маърифатпарвар адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишга янада руҳлантирди.

Айтиш керакки, истиқлолгача бўлган даврда Фуркат ҳаёти ва ижодини илмий ўрганиш, оммалаштириш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилган. Лекин шўро давридаги тадқиқотларнинг аксариятида коммунистик мафкура талаблари асосидаги ёндашув яққол сезилади. Мустақиллик туфайли фуркатшунослик ҳам миллий адабиётшунослигимизнинг таркибий қисми сифатида мафкуравий тазйиқлар таъсиридан қутулгани шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда янги-янги муваффақиятларнинг қўлга киритилишига замин бўлди.

Мустақиллик даври фуркатшунослигида ҳаққоний ёритилган мавзулардан бири Фуркатнинг Русия истибдодига муносабати масаласи [1] эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки айнан ушбу йўналишдаги тадқиқотлар маърифатпарвар шоирнинг мустамлака сиёсатига муросасиз муносабатда бўлганлиги, мазкур сиёсатнинг халқимиз тақдиридаги аянчли оқибатларини ўз ижоди орқали жиддий фош этганлигини кўрсатиб берди.

Маълумки, мустабид тузум талаблари асосида Фуркат шеърларининг нашр этилишида талай тўсиқлар юзага келиб, шоир шеърлари ўринсиз қискартиришларга учради. Истиқлол шарофати билан шоир асарларини аслича, тўла эълон қилиш, унинг маълум бўлмай келган кўплаб асарлари, уларнинг дастхат нусхалари аниқланиб, миллий адабиётшунослигимизнинг манбашунослик йўналишида илмий изланишларга кенг йўл очилди. Бунинг дастлабки самараларидан бири сифатида Ш.Юсуповнинг «Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фуркат» номли услубий қўлланмаси нашр этилди, Н.Жабборовнинг «Фуркат асарларининг қўлёзма манбалари»[2] мавзудаги номзодлик диссертацияси ёзилди. Адабиётшунос олим А.Ҳожиаҳмедов “Мумтоз бадиият малоҳати” китобида Фуркатнинг ғоявий-бадиий баркамол асарларидан намуналар келтириб, шоирнинг сўз ва бадиий санъатларни қўллаш маҳоратини талқин қилади. Шунингдек, адабиётшунос ва адиб Ш.Ризаев ҳам ўзининг «Жадид драмаси»¹[3] асарида Фуркатни биринчи ўзбек театр танқидчиси санъатшунос сифатидаги қирраларини кўрсатиб беради.

Фуркатнинг публицистик мақолалари, унинг журналистик салоҳиятини бугунги руҳ ва “янгича тафаккур билан қайта баҳоланмоғи” [4]айниқса, Фуркат шеърятининг лингвистик нуқтаи назардан алоҳида тадқиқотлар олиб бориш филолог олимлар олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, Фуркатнинг адабиётшунослик, тарих, табобат, астрономия, элшунослик каби илмлар билан жиддий шуғуллангани фанга маълум. Унинг илмий фаолиятининг тўлақонли тадқиқи масаласи ҳам мукамал эмас, деб баҳоланади. Шундай бўлса-да, шоир меросининг барча давр учун бирдай аҳамиятли ва қимматли эканлиги кўплаб тадқиқот ва изланишлар хулосасида ўз ифодасини топган.

Фуркат меросининг ўрганилиши борасидаги энг муҳим манбалар қаторидан, асосан, шоирнинг юбилей саналари муносабати билан нашр этилган илмий мақолалар тўпламлари, қолаверса, мумтоз адабиётимизнинг фидойи олимлари томонидан нашр этилган китоблар муҳим ўрин эгаллайди. Азиз Қаюмов масъул муҳаррирлигида 1990 йилда чоп этилган “Фуркат ижодиёти” китоби шулар жумласидандир.

“Фуркат ижодиёти”нинг сўзбошисида Фуркатнинг “бой адабий мероси ҳамон тўлалигича топилган ва илмий истефодага киритилган эмас. Унинг ўзи тартиб берган девон, тарихий ва саёҳатнома асарлари, таржималари топилган эмас. Шунинг учун бу борада қилинадиган ишлар кўп” эканлиги таъкидланади. Мазкур китобдан ўрин олган мақолаларда Фуркат ҳаёти ва ижодига оид кўплаб аниқликлар киритилгани, шоирнинг янги шеърлари илк маротаба истефодага олиб кирилгани эътиборга моликдир. Хусусан, ушбу китобдан А. Қаюмовнинг “Фуркат шеърятдаги ижтимоий лавҳалардан” ва “Баъзи аниқликлар”, Холид Расулнинг “Фуркат асарларининг йиғма-илмий танқидий матни ҳақида”, Ш. Юсуповнинг “Фуркат ижодининг баъзи қирралари”, Д. Расуловнинг “Зокиржон Фуркат фонди”, А. Ҳожиаҳмедовнинг “Фуркат шеърятда қофия”, А. Мадаминовнинг “Фуркатнинг янги топилган шеърлари”, М. Мамажоновнинг “Фуркат “Муҳаббатнома”си” каби 20 тадан ортиқ илмий мақолалар ўрин олган. Чунончи, А. Қаюмов Фуркатнинг “Айрилиб қолдим”, “Адашганман” ва “Кокулин” радибли ғазалларининг 1959 йили Тошкентда нашр этилган 2 томлик “Танланган асарлари”дан келтирилган намунаси асосида матний тадқиқ қилади, бу борадаги баъзи аниқликларни қайд этади.

Англашиладики, Фуркат адабий меросининг ўрганилиши, асосан, адабиётшунослик, матншунослик нуқтаи назардан кенг қўламли бўлиб, шоир ижодининг лингвистик хусусиятлари борасидаги ўрганишлар жуда кам. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Фуркат шеърятти лексикаси, хусусан, унинг лирик асарлари лингвопоэтикасига доир йирик тадқиқотлар олиб бориш бугунги тилшунослик олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қосимов Б., Жабборов Н. Фуркат (1859-1909). ziyouz.uz
2. Жабборов Н. Фуркат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол.ф.н-ди... дисс., –Тошкент, 1994.
3. Фуркат ижодиёти. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.3.
4. А. Абдурашидов. Буюк бешлик сабоқлари. –Тошкент, 1995.
5. Фуркат ижодиёти. –Тошкент: Фан, 1990.
6. Фуркат таваллудининг 150 йиллигига бағишланган илмий-услубий мақолалар тўплами. –Тошкент: Фан, 2009.
7. Қосимов Б., Жабборов Н. Фуркат (1859-1909). ziyouz.uz

УЎК 808.3

ДОСТОНЛАР МАТНИДАГИ СТИЛИСТИК ФОРМУЛАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ*Ш.Маҳмадиев, ф.ф.н., Самарқанд Давлат Университети, Самарқанд*

Аннотация. Мақолада дostonлар матнига хос стилистик формулаларнинг шаклланишидаги экстралингвистик баён қилинган.

Калим сўзлар: клише, формула, стилистик формула, клише назарияси, барқарорлик, турғунлик.

Аннотация. В статье дается экстралингвистическое описание формирования стилистических формул, характерных для текста былин.

Ключевые слова: клише, формула, стилистическая формула, теория клише, устойчивость.

Abstract. The article provides an extralinguistic description of the formation of stylistic formulas specific to the text of epics.

Key words: cliché, formula, stylistic formula, cliché theory, stability.

Стилистик формулаларнинг лингвистик хусусиятларини таҳлил этиш жараёнида уларнинг юзага келишидаги экстралингвистик омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу омиллар шу даражада муҳимки, уларсиз **стилистик формула** (бундан кейин – СФ)ларнинг клишелар тизимидаги ўрнини ҳам, поэтик восита сифатидаги хизматларини ҳам баҳолаб бўлмайди. Зеро, СФлар клишелар, хусусан, фольклор клишелари тизимида қаралар экан, улар олдида қўйиладиган асосий талабларга жавоб бериши лозим. Шу маънода турғунлик ва барқарорлик масалаларига тўхталиш керак бўлади.

Барқарорликни бу ўринда икки йўналишда англаш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, СФларнинг эпик матнлар учун одатий, доимий характер касб этганлигини, ушбу матнларнинг ажралмас, таркибий қисмига айланганлигини *барқарорлик* тушунчаси доирасида англаш. Аъъанавийлик ва мунтазамлик тушунчалари бу ҳолатда «барқарорлик»жа синоним вазифасини ўтайди. Иккинчидан, яхлит олиб қаралган микроматн сифатидаги турғунлиги ва барқарорлигини тушуниш. Демак, иккинчи йўналиш фақат СФлар доирасидаги барқарорлик муаммосига эътиборни қаратишни тақозо қилади.

Шу ўринда Г.Л.Пермяковнинг клишелашган матнлар, уларнинг шаклланиши, турғунлашиши ва пировардида турли микро- ва макроматнлардан ўрин олиши ҳақидаги қарашлари илмий ва ҳаётий асосларга эга эканлигини таъкидлаш жоиз [4, 11].

СФларнинг бир қисми тўлиқ турғунлашган ва биз ўрганган дostonлар матнларида ҳеч бир ўзгаришсиз қўлланган. Тўлиқ турғунлашмаган клишелашган гаплар маълум ўзгаришларга мойил бўлади. Бундай тартибда клишелашган гапларда эгадан бошқа деярли барча бўлақлар ўзгаришга учраши мумкин. Бу ўзгаришлар асосан феълда содир бўлади ва уларга боғлиқ тарзда иккинчи даражали бўлақларда юз беради. Бу эса дostonлар поэтикасига хос бўлган қонуниятлар билан боғлиқ. А.И.Зайцевнинг «Дostonларни ижро этиш жараёнидаги импровизация муҳим ўрин эгаллайди. Ана шу вазифани яхши уддалаш учун у баёнга қўмаклашадиган СФларнинг бутун бир тўпламини ёдида сақлайди ва уларни ўрни билан ишлатади», деган фикрини эслаш ўринлидир [3]. СФлар турғун бирикмалар сифатида эътироф этилар экан, нега шу барқарорлик доимо сақланиб қолинмайди, деган савол туғилади. Саволнинг жавобини «Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди» асаридан топамиз: «... халқ куйчиси (дostonчи, эртақчи, қўшиқчи, латифағўй, аскиячи ва бошқалар), - дейилади китобда, - коллектив томонидан яратилган асарларни механик тарз-да бошидан охиригача сўзма-сўз айтмайди, балки унга ижодий муносабатда бўлиб, ўзидан нимадир қўшади, бойитиб боради» [2, 11].

Ҳарқалай, СФлар таркибидаги структурал ўзгаришлар дostonлар поэтикаси қонуниятларига мувофиқ равишда юз бериб, уларга нисбатан қўлланиладиган «барқарорлик» атамасининг нисбий эканлигини кўрсатади. Бу ўзгаришлар гарчи «барқарорлик» тушунчасига, гапнинг грамматик

шаклига жиддий таъсир кўрсатмаса ҳам, турли хил семантик-стилистик оттенкаларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Яна бир масала – *клише*, *этик клише* ва СФ тушунчаларининг камрови масаласи. СФлар гарчи дostonлар тилидаги клишелар қаторида қаралса-да, фольклоршуносликдаги халқаро ва эпик клишелардан ҳам мазмун, ҳам тузилиши жиҳатдан фарқ қилади. СФлар импровизатор ва дoston ўртасида кўприк, рухий боғловчилик вазифасини ҳам ўтайди. Дostonни куйловчи СФларни келтириш билан қандайдир янги воқеани, хабарни баён этишга бир лаҳза бўлса-да, руҳан тайёргарлик кўриб улгуради. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, СФлар муаллиф учун ниманидир айтишга рухий тайёргарлик воситаси саналар экан, у воқеа-ҳодисанинг баён усулига мазмунан ва шаклан мос келадиган СФларни қисқа муддат ичида излайди, топади ва қўллайди, деган фикр мантиққа тўғри келади. Устоз бахшиларнинг шогирд тайёрлашда бу каби ҳолатларга жиддий эътибор берганлигининг сабаблари ҳам ана шунда. Келтирилган далиллар масаланинг бир жиҳати бўлса, иккинчиси унинг лингвопоэтик томонидир. «*От чопса...*» СФни олиб кўрайлик: *От чопса гумбуллар тоғнинг дараси, Ботирни ингратар найза яраси...* [А-121].

СФлар таркибидаги *дара*, *найза*, *от чопмоқ*, *гумбулмоқ*, *инграмоқ*, *яраланмоқ* каби сўзлар жанг майдонини, унинг иштирокчиларини эслатади. Йигитларга хос бўлган ботирлик, мардлик ва жанговарлик каби ҳолатлар оний тезликда бўлса-да, кўз олдимиздан ўтади. Масалага мана шу нуқтаи назардан қаралганда, матнлараро боғланишни пайқаш қийин эмас. Иккинчи парчадаги боғланиш бундан ҳам кучлироқ. Чунки Қоражон ҳам тўксон алпнинг бири. У ҳам ўзини бошқалардан кам кўрмайди. Мисрадаги *ҳалм* юкламаси шу даражада жойида ишлатилганки, у ботирларга хос бўлган мардлик ва жасоратнинг ёнига орият тушунчасини ҳам олиб келиб кўшади. Шу билан бирга, бу боғланишлар ҳамма вақт ҳам изчил амалга ошавермаслигидан кўз юма олмаймиз. Зеро, *От чопса гумбуллар тоғнинг дараси*, *Ҳали кўринмайди кўлнинг қораси*, *Ғариб бўлган Алпомишининг боласи* парчасидаги СФ билан умумий матн ўртасидаги боғланиш сезилмайди. Аммо унинг келтирилиши импровизация жараёни, шу билан бирга, поэтик талаб билан - *қора* сўзига *дара* сўзининг қофиядошлиги билан изоҳланади.

Г.Л.Пермяковнинг кўрсатишича, клишелар занжирининг охириги учидан бир неча гаплар тизимидан иборат бўлган тил бирликлари туради. Уларга «олдиндан тайёрланган ҳолда қўлланиладиган турли хилдаги латифалар, анекдотлар, масаллар, топишмоқлар, эртақлар ва бошқа матнлар» киритилиб, мақол, матал ва фразеологизмлардан фарқлаш мақсадида «фразадан юқори бирликлар» деб берилган [4,51]. Унинг ФЮБлар ҳақидаги фикри бизни бироз иккилантиради. Чунки ҳеч бир тилда бир хил мазмун ва бир шаклдаги латифа ёки топишмоқни, масал ёки эртақни амалда учратиш қийин. Аммо муаллифнинг бу тил бирликларини клише сифатида олиб қараганида бошқа халқлар фольклорида худди шундай мазмун ва шаклдаги фольклор жанрлари асарлари билан қиёслаб ўрганилишини инobatга олсак, фикрнинг маъносини англасак бўлади. Масалан, «Алпомиш» дostonининг бошланишидаги барқарорлашган жумлаларни ФЮБлар сифатида қараш мумкин [А-14].

Шу ўринда СФларнинг фақат эпик жанрлар, хусусан, дostonлар матнига хос бўлган бирлик сифатида майдонга келишининг сабаби нима, деган саволга ҳам жавоб топиш лозим бўлади. Маълумки, эпик асар сюжетга эга ва уларнинг воқеликни камраб олиш даражаси ҳам турлича. СФлар ҳам дастлаб ана шу изланиш жараёнида таъсирчанликни таъминловчи қўшимча восита сифатида юзага келган. Бир пайтлар улуг рус танқидчиси В.Г.Белинский куйидагиларни ёзган эди: «...фольклорда «машҳур номлар йўқ, чунки унинг муаллифи ҳаммаша халқдир» [2, 8].

Ушбу фикрларнинг тўғри эканлигини инкор этмаган ҳолда дoston айтиш билан махсус шуғулланган ва шуғулланиб келадиган ижодкорларнинг номларини биламиз. Биз гапни халқ оғзаки ижоди намуналарининг муаллифи халқ эканлиги ва шунинг учун ҳам улар халқ оғзаки поэтик ижоди асарлари деб аталишидан бошлаган эдик. Аммо фикр якунида яна шу нарса маълум бўлиб қолаётгани, муаллифи халқ деган турли жанрларга хос асарлар орасида дostonларга бўлган муносабатни бироз бошқачароқ қилишга тўғри келмоқда. Яъни бу ерда умуман эртақ ёки умуман латифа жанри тили ва услуби хусусида гапириш мумкин бўлгани ҳолда уларнинг алоҳида олинган ҳар бирининг услуби ҳақида гапириш ниҳоятда қийин. Гарчи дoston вариантлари сюжетига муштараклик мавжуд бўлса-да, ижрочилар шахси билан боғлиқ ҳолда улар тил материални танлаш ва услуб жиҳатдан ўзаро фарқ қилади. Т.Мирзаев ҳам, гарчи умумфилологик планда ва «Алпомиш» мисолида бўлса-да, дostonлар «версия ва вариантларининг қиёсий таҳлили ва умумсюжет доирасида ҳар бир версия ва вариантнинг ўрни ҳамда аҳамиятини аниқлаш» масаласини ўртага қўйган эди [6].

Шу маънода мазкур иш учун материал вазифасини ўтаган дostonларнинг тил хусусиятлари ҳақида гап борар экан, бу матнларда унинг яратилиш тарихи билан боғлиқ бўлган она тилимизнинг

бир неча юз йиллик тараққиёти ўз ифодасини топган, деган даъво ни қилиб бўлмайди. Фақатгина уларда ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан, дostonлар поэтикасига хос айрим хусусиятларнинг узок йиллар давомида сақланиб келинаётганлиги, уларнинг ижодкор поэтик маҳоратининг берилишида айрим лингвистик, айниқса, анъанавий лингвистик воситаларнинг ўрни қандай бўлганлиги борасида муайян фикрлар баён этилади. Дoston баёнининг умумий фонида СФларни асосий тасвирий восита деб даъво қилиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Шу билан бирга, уларнинг келтирилиши ҳар қандай тасвирнинг жонли, ишонarli, оғзаки ижод услубига хос тарзда берилишида, миллий ва маҳаллий колоритнинг ифода этилишида, маълум маънода дostonчи фикрлари оқимининг бошқарилиб борилишида кучли ва таъсирли усул эканлигидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Дostonлар матнини уларсиз тасаввур қилиш юксак бадиият намуналарини гўзалликдан, жозибадан, дoston қаҳрамонларига хос бўлган шиддат ва жасоратдан маҳрум қилиш билан баробардир. Юқоридаги назарий фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Гарчи тилдаги барча турғун, барқарор сўз ва бирикмаларга нисбатан ишлатиладиган *клише* атамаси аввалдан мавжуд бўлса ҳам, унинг матнларда қўлланиш қонуниятларини ўрганиб, филология илмига *клише назарияси* (клише умумий назарияси) тушунчасини олиб келган олим Г.Л.Пермяковдир.

2. Г.Л.Пермяковнинг ушбу назариясига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, СФлар ҳам клишелар тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Шу билан бирга уларнинг бошқа турларидан кескин фарқ ҳам қилади ва бу фарқлар унинг мазмуни ва шаклида яққол намоён бўлади. Дастлабки фарқ СФнинг фақат эпик асарлар матнига дахлдор эканлигида намоён бўлади. Унинг халқ оғзаки ижодидаги бошқа жанрлар, масалан, кўшиқларда учраши эса жанрлараро таъсир ва халқ оғзаки ижодидаги анъанавийлик самараси, бу воситаларнинг оғзаки бадиий нутқда оммалашиб кетганлигида деб баҳоланиши керак.

3. СФларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган лингвистик ва экс-тралингвистик омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг дoston поэтикасидан мустаҳкам ўрин олиши учун муҳим омиллардан ҳисобланади. Бинобарин, уларни ўзаро алоқадорликда ўрганиш СФларнинг эпик асарларда тутган мавқеини, бадиий ўлчовларига мувофиқлик даражасини белгилашга, матнда вужудга келтирган турлича маъно нозикликларини аниқлашга имкон беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonи. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Т.: Шарқ, 1998. – 400 б.
2. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 304 б.
3. Зайцев А.И. Древнегреческий героический эпос и "Илиада" Гомера / Гомер. Илиада. – Л., 1990. – С. 395-416
4. Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки (Заметки об общей теории клише). – М.: Наука, 1970. – 240 с.
5. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – 614 с.
6. Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – № 6. – Б. 34-37.

УЎК: 811.512.133'373.2:254.2-24(043.3)

ОГАҲИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ МАВЗУИЙ-СЕМАНТИК ГУРУҲЛАРИ

Р. Махмудов, катта илмий ходими, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Огаҳий тарихий асарларидаги ўзлашмаларнинг мавзу гуруҳлари аниқланган, уларга оид мисоллар тўпланган.

Калит сўзлар: ўзлашма, мавзу гуруҳлари, тарихий асар, лексик қатлам, тарихий лексика.

Аннотация. В данной статье выявлены тематические группы заимствований в исторических произведениях Агахи, собраны примеры тематических групп.

Ключевые слова: заимствования, тематические группы, историческое произведение, лексический слой, историческая лексика.

Abstract. In this article, thematic groups of borrowings in Agahi's historical works are identified, examples of thematic groups are collected.

Key words: borrowings, thematic groups, historical work, lexical layer, historical vocabulary.

Огаҳий тарихий асарлари лексикаси мавзуий-семантик гуруҳларининг хусусиятлари ф.ф.д. А.Ўразбоев томонидан тадқиқ қилинган бўлса-да [2], лекин муаррих тарихий асарларидаги ўзлашмаларнинг мавзуий кўлами ҳали тадқиқ қилинганча йўқ. Шу сабабдан ушбу кичик тадқиқотимиз ҳам илмий янгиликларга бой бўлиши шубҳасиз.

Огаҳий тарихий асарларидаги ўзлашмаларни мавзуй-семантик жиҳатдан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. Аллоҳ Таолонинг сифатларини англатувчи ўзлашмалар: *қодир*–Қодиреким, қудрати комиласи била...[ФИ, 4], *молик* – Молику-л-мулкеким, мулки безаволи инқилоби замондин нуксонпазир эрмас [РД, 247^а] каби;

II. Муаккил фаришта номларини англатувчи ўзлашмалар: *Жаброил, Азроил* – Ва дерларким, **Жаброил** ва **Азроил** алахумоассалом ул ҳазратдин охир ҳаётида савол қилдиларким... [ФИ, 55] каби;

III. Антропонимларга оид ўзлашмалар: *Абдурахмон* – Марвдин **Абдурахмон** халифанинг ўғли Раҳмонберди маҳзум... [ЖВС, 80], *Юсуф* – мулозимларидин садоқаттаъвом **Юсуф** маҳрамни қўшуб... [ЗТ, 428^б] каби;

IV. Топонимларга оид ўзлашмалар: *Макка* – хаж нияти била **Макка**и шариф сори озим бўлди [РД, 351^б], *Миср* – Жавҳари жонимни гар ийсор қилсам тонг эмас, Ким, азизи **Миср** кулбам ичра меҳмондур манга [ФИ, 198], *Хирот, Техрон* – **Хирот** устидин фирор ихтиёр қилиб, **Техрон** дорулмулкига борди [РД, 351^б] каби;

V. Ибодат билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар: *сажда* – Тангри таъоло ҳукми била анга **сажда** қилдилар [ФИ, 45], *рукуъ, хушӯ, хузуъ* – Подшоҳимки, Тенгри тоатида, Чун **сужуду рукуъ** фош этти. Махв этиб ўзни инкисор ичра, Юз **хузуъу хушӯ** фош этти [РД, 255^б] каби;

VI. Ислом арконларини ифодаловчи ўзлашмалар: *имон* – ушбу аҳд биносин онт ва **иймон** била маҳкам ва муаккад қилдилар... [ШИ, 197^б], *закот* – **закот** фарзининг қарзин адо қилмай...[РД, 263^б], *намоз* – Ва ҳамул кун **намози** шом чоғидаким... [ЗТ, 394^а] каби;

VII. Фитонимларга оид ўзлашмалар: *сунбул, гул* – на аҳду паймонлари гулида истехком рангу бўйи маълум ва на онту иймонлари **сунбулида** эхтимом обу ранги мафҳум [ШИ, 71^а], *сарв* – Шараф бўстонида **сарви** баланд, Хидеви жаҳонга ахи аржуманд [ФИ, 115], *райҳон, настарин* – **Райҳону настарини** юз ва хатти мушксо [ФИ, 192] каби;

VIII. Қимматбаҳо тош ва маъданларни англатувчи ўзлашмалар: *дурри ғалтон* – Адаб буржининг моҳи тобони ул, Карам дуржининг **дурри ғалтони** ул [ФИ, 525], *жавоҳир* – пок таъби баҳридин латиф маъоний **жавоҳири**...[ШИ, 9^а], *тилло* – Беш қалъа раоёсиға қирқ минг **тилло** солиғ солди [ФИ, 143] каби;

IX. Вақт тушунчасини англатувчи ўзлашмалар: *авқот, вақт, ҳангом, замон* ва бошқалар. Айни дамда вақт тушунчасини англатувчи сўзларнинг ўзини ҳам бир неча ички гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) **вақт тушунчасини умумлаштириб ифодаловчи ўзлашмалар:** *вақт* – Ва вақти муктазосиға қараб, салтанат амри хатириға ризо берди [ШИ, 12^б], *авон* – Ва ҳазрати соҳибқирони жаҳонситон ул **авонда** ташқари қалъада...[ГД, 12^а] каби;

2) **аср тушунчаси билан боғлиқ ўзлашмалар:** *қарн* – Ва жаҳон аҳли неча **қарн**лар хушлари кулоқларин атроф ва жавонибға тутуб [ШИ, 209^а], *аср* – ул иморат биносиға фузалойи даҳр ва булағойи **аср** кўп таърихлар иншо қилибдурлар [РД, 326^а] ва бошқалар;

3) **йил тушунчасини ифодаловчи ўзлашмалар:** *сана* – Муҳаммад Баҳодирхон наввара марқадахунинг муборак замонида йилон йили санаи хижрия минг икки юз олтмиш бирда... [ШИ, 6^а];

4) **фаслларни ифодаловчи ўзлашмалар:** *баҳор* – нузули шарофатшумули **баҳоридин** сероб ва саршорлиғлар еткурди [ЗТ, 393^б], *зимистон* – Борғани маншайи **зимистондек**, Қайтурда ёздин нишон келди [ФИ, 620];

5) **ойларнинг номи ва ойнинг турли қисми [боши, охири каби]ни ифодаловчи ўзлашмалар:** *муҳаррам* – Ҳамул кечақим, панжшанба ақшоми ва **муҳаррам ул-ҳиром** ойининг ғурраи ғарроси эрди [ЖВС, 60], *рабиъ ул-аввал* – Дарё каноридин кўч-бакўч ҳаракат кўргузуб, **рабиъ ул-аввал** ойининг ўн учланжи куни [РД, 326^а], *рабиъ ус-соний* ёки *рабиъ ул-охир* – Таидоти илоҳий ва тавфизоти номуғаноҳий била сана минг икки юз йигирма учда **рабиъ ул-охир** ойининг ўн бирланжисида [ФИ, 420], *ражаб* – Тенгри тақдири била **ражаб** ойининг ғуррасида шаҳодат даражасиға фоиз бўлди [ГД, 249^б], *ғурра* – *ойнинг боши* – ҳамул кун Наврўзи феруз ва сичкон йилининг **ғуррайи** ғарроси [РД, 298^б];

6) **хафта кунларини англатувчи ўзлашмалар:** *душанба* – **душанба** куни анжум лашқарининг заррин кулоҳ подшоҳи Хут манзилгоҳидин... [ШИ, 22^а], *чаҳоршанба* – жумод ус-соний ойининг еттиси ва **чаҳоршанба** куни эрди [ГД, 26^а], *жумъа* – **Жумъа** куни ҳамул мавзеъдин кўчуб, орада бир кўнуб, шанба куни Қаротўпа тўшида Сир дарёсининг канориға етиб...[ЖВС, 62] ва бошқалар;

7) куннинг турли қисмларини ифодаловчи ўзлашмалар: *аср* – Ва *аср* чоғида шукуху шавкат била боргоҳи олампахоҳақим... [ФИ, 399], *лайл* (*нисфу-л-лайл*), *чошт* – *нисфу-л-лайл*дин сўнг шабгир этиб, жумъа куни *чошт* вақти Сулаймон янглиғ Тахт отлиғ мавзеъни макон қилди [ЗТ, 395^б], *рўз*, *шаб* – Ҳолима ҳар дам назар айлар эди шафқат била, Давлатидин *рўзи шаб* машғул эдим ишрат била [ГД, 278^б].

Х. Космонимларга оид ўзлашмалар: *меҳр*, *моҳ* – боргоҳи гардуништибоҳ қуббасин *меҳру моҳ* зурвасидин ўткардилар [ЖВС, 121], *хуришд* – *хуршиди* анвар бир шамсаи аднодур айвони хикматида [ЗТ, 387^а], *шамс* – Чун шиа мухолафати азҳари мина-ш-*шамс* жилвагар бўлди [РД, 325^а], *ҳилол* – аркони давлат била *ҳилол* мисол заврақларга миниб сув сатҳида сафина бодпосин суриб... [ЖВС, 51] каби;

ХІ. Ўлимдан кейинги ҳаёт билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар: *жаннат* – товусдинким, хозини *жаннат* эрди [ФИ, 47], *дўзах* – сув мамарридин *дўзах* укубатгоҳиға равон бўлуб... [ШИ, 79^а], *сирот* – шайтанат била Муҳаммад Ризо бекни *сироти* мустақимдин озғуруб...[ФИ, 335], *уқбо* – *уқбо* иқболу саодатининг мужибидур [РД, 281^а] каби;

ХІІ. Дунё тушунчаси билан боғлиқ ўзлашмалар: *дахр* – Булбули бечораман, гулзордин айрилмишам, *Дахр* аро, алқисса, йўку бордин айрилмишам [ГД, 278^а], *дунё* – ул амр ижроси *дунё* амволи баракати [РД, 281^а], *олам* – *олам* ва одам умуридин сарриштаи ихтиёрин топшурди [ШИ, 2^а] каби;

ХІІІ. Ўрин-жойни англатувчи ўзлашма отлар: *шаҳар* – Ва юз шаҳар бино эттиким... [ФИ, 45] *қаср* – Ноймон мавзеъидағи боғи мусаффо ва *қасри* дилкушосиға...[ЖВС, 41], *бино*, *истеҳком* – мусолаҳа *бинос*иға аҳди мушайяд ва паймони муаккад била эҳтимом ва *истеҳком* бериб эрди [ЗТ, 428^б] каби;

ХІV. Мансаб ва унвонни англатувчи ўзлашмалар: *шоҳ*, *вазир*, *амир*, *марзбон*, *кадхудо* каби. Ушбу гуруҳ ўзлашмаларни айни дамда қуйидаги мазмуний турларга ажратиш мумкин:

1) **Ҳукмдор тушунчасини ифодаловчи ўзлашмалар:** *императўр* – Ва Ўрус подшоҳининг отиғақим, насоро луғатида “*императўр*” дерлар [ГД, 110^а], *қайсар*, *фағфур* – Муқобил бўлса **Қайсар** бирла **Фағфур**, Қочар андин бўлуб мағлубу макхур [ФИ, 503], *фармондеҳ* – Илоҳо, то жаҳону анда то аҳли жаҳон ўлғай, Жаҳон **фармондеҳи** шаҳзодаи олиймакон ўлғай [ЗТ, 395^а] ва бошқалар;

2) **ҳукмдор вориси мазмунини ифодаловчи ўзлашмалар:** *валиаҳд* – *валиаҳди* муқаррам, мазҳари хулқи карим...[ГД, 246^б] *шаҳзода* – беклардин *шаҳзода* Саййидахмад тўра ва Раҳимбердибек [ЖВС, 57] каби;

3) **мамлакат бошқарувида муҳим ўрин тутувчи бошқа мансаб ва унвонларни англатувчи ўзлашмалар:** *меҳтар* – Муҳаммад Юсуф **меҳтар** гуруҳи анбуҳ била бориб [ФИ, 399], *вазири аъзам* – жумъа куни *вазири аъзам*, дастури муқаррам Ҳасан Мурод қушбегиқим [ШИ, 32^а], *Амирул умаро* – Ҳамул кун **амирулумаро** ва қудвату-л-қубаро Муҳаммад Ризо қўшбегини бош қилиб...[РД, 277^б] кабилар.

4) **ҳарбий мансаб ва унвонни англатувчи ўзлашмалар:** *губернот* – Товуқ йили Ўрус тўраларидин Давлат Гирей ва Андрей **губернот** ўтгуз минг ўрус била Шайх Жалил тоғиқим [ФИ, 127], *сипаҳбуд* – *саркарда* – Барча *сипаҳбуд*ни қадам то бафарқ, Меҳри киби олтун аро қилди ғарқ [ГД, 87^б], *маллоҳ* – *кема капитани*, *бошқарувчиси* – давлат *маллоҳининг* имдоди била дабур хайли муруридек дарёйи Жайхундин убуқ қилиб...[РД, 284^б] каби;

5) **диний мансаб ва унвонларни англатувчи ўзлашмалар:** *муфти(й)*, *охунд* – уламоий изомдин мақбули халойиқ Абдураззоқ *охунд муфтиқим*...[ЖВС, 135], *шайх ул-ислом* – Ва умароий изомдин Фозилхўжа шайх ул-исломниқим...[ГД, 158^а] кабилар.

ХV. Қасбу қор ва уларга оид тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар. Ушбу гуруҳга мансуб ўзлашмаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) **бинокорликка оид ўзлашмалар:** *атаба* (*остона*) – Ул оломон атабаи олий мулозаматиға етишгондан бурунғи кунқим...[ЖВС, 25], *хишт* (*ғишт*) – тўққуз арабий от, тўққуз олтун **хишт**, тўққуз қумуш **хишт** ва Қучанд вилояти эрди [ФИ, 96], *девор* – ҳавлининг кунчиқар жонибида ва боғнинг ичида ва ҳавлининг *девориға*...[ШИ, 209^а], *иморат*, *бино* – анинг **иморати биноларин** харобу вайрон қилиб...[РД, 262^а] каби;

2) **кавушдўзликка оид ўзлашмалар:** *наъл* – Чиқиб ҳар ён мароқиб *наъл*дин барқ [ЗТ, 403^а], *наъл*айн – соҳибқирон яқронининг *наъл*айнини ўпуб...[ФИ, 436] ва бошқалар;

3) **сувчиликка оид ўзлашмалар:** *мешк* (*мешиқ*, *машиқ*) – теваларга булутқирдор мешкларни тўлтуруб...[РД, 322^б], *митҳара* (*таҳорат суви учун чарм идиши*) – қоҳиранинг мешиқ ва митҳаралариға сув олдуруб [ЗТ, 424^б] кабилар;

4) **кемачиликка оид ўзлашмалар:** *кишти* (*кема*) – Нухнинг пурфутух **киштисидек** мақоми амн...[РД, 291^б], *маллоҳ* (*кемачи*) – хикоят дарёсининг **маллоҳи**...[ФИ, 507], *сафина* (*кема*) – бу ҳалокат баҳри ғарқобларининг аҳволи сафинасига маллоҳлик кўргузуб...[РД, 310^а], *заврақ* – Авазний маҳрам бир барқсуръат заврақга миниб, сув юзидин ели чобукидек елиб...[ГД, 203^а], *лангар* – учанларни дарёнинг ғарбий қироғига еткуруб, лангар ташлаб турдилар...[ГД, 199^а] кабилар; Огаҳий тарихий асарларда *кишти*, *сафина*, *заврақ* каби ўзлашмалар қаторида синоним тарзида туркий **учан** сўзини ҳам қўллаганлигига алоҳида эътибор қаратиш жоиз: *кўп киши кўп молу матоъ била учанларга миниб Мухит баҳридин юруб*...[РД, 354^а].

5) **темирчиликка оид ўзлашмалар:** *оҳан* – Гар ул сарбаср муздин **оҳан** кийиб...[ФИ, 528], *микроз* – ҳийла **микрози** била риштайи ҳаётлари мунқатеъ бўлуб...[РД, 349^б], *пўлод* – Бу **пўлоддин** лек жавшан кийиб...[ФИ, 548] кабилар;

6) **овчиликка оид ўзлашмалар:** *шикор* – тааллуф юзидин **шикор** таърифиға...[ШИ, 56^б], *сайд* – Ҳар неким, **сайд** ўлса борин олиб...[ГД, 10^а], *сайёд* – Огаҳий кўнгли чу бўлди лутфи сайёдиға сайд...[ШИ, 11^а], *дом* – Жаҳон аҳлини сайди доми айла [ЗТ, 393^б] кабилар;

7) **созандаликка оид ўзлашмалар:** *хунёгар* (*созанда*) – Боғи жаннат мисоли базминг аро, Зухрадур бир камина **хунёгар** [ЗТ, 405^а], *даф*, *чанг*, *танбур*, *ғижжак* – **дафу чанг** ва **танбуру ғижжак** ва ғайрихумни мамнуъ қилиб...[ФИ, 465] кабилар;

8) **ўйинчиликка оид ўзлашмалар:** *чавгон* – От аёки бошни ҳар сори суруб, Гўю **чавгон** ўюнин гўё куруб [ЖВС, 32], *шайдар*, *нарди*, *бозий* (*ўйинчи*) – Лек **шайдарга нарди** умри тушуб, Чарх нарродидин еди **бозий** [ФИ, 136] кабилар.

Касбу қор ва уларга оид тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмаларнинг маъновий гуруҳларини янада кенгайтириш мумкин. Аммо ишнинг ҳажми нуқтаи назаридан Огаҳий тарихий асарларида номи тилга барча касбу қор ва уларга оид тушунчаларни бу ўринда келтириш имкони йўқлиги сабаб юқоридаги мавзуйи гуруҳларни келтириш билан чекланамиз.

XVI. Ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар. Уларни ҳам ўз навбатида бир неча гуруҳларга ажратиш таҳлил қилишимиз мумкин:

1) **ҳарбий мансабларни ифодаловчи ўзлашмалар:** *саркарда* – ўрус вилоятидин бир **саркарда** кўб лашқар била келиб [ШИ, 17^б], *сарбоз* – буржу боруларга **сарбоз** ва кодирандоз ўқчилар...[РД, 282^б], *миршаб* – Умро деган ва Юсуф **миршаб** деган икки кишисин қўшуб, Хоразм савбиға ирсол қилди [ФИ, 375] кабилар;

2) **ҳарбий қисм ва амалиёт номларига оид ўзлашмалар:** *сипоҳ* – балки иёдом ва истисол еткурмакда **сипоҳи** нусратпаноҳ силкига итгисол топғайлар [ГД, 48^б], *лашқар* – ўрус **лашқарининг** устига бориб муҳораба қилиб ҳазимат топдилар [ШИ, 18^а], *навкар* – ғайрихумни ўзлариға мутааллик **навкарлари** била...[ЗТ, 392^б] кабилар;

3) **қурол-яроғ, аслаҳа номларига оид ўзлашмалар:** *жавшан*, *чорқаб* – Биров **жавшаниға** намойиш бериб, Биров **чорқаб**ға кушойиш бериб [ЖВС, 28], *сипар*, *дубулға* – Ёрилиб тиг ила бошу жигарлар, Ботиб қонға **дубулғову сипарлар** [ФИ, 685] кабилар.

XVII. Дипломатик муносабатларга оид ўзлашмалар: *сифорат* – кўнротдин Бухороға **сифорат** расми била бориб...[ФИ, 508], *тахниятнома* – жулуси давлат маънуси учун хилъатнамо **тахниятномалар** [ЖВС, 22], *аройизнома* – муътамад кишилари била боргоҳи олампахоға борҳо **аройизнома** йиборур эрди...[РД, 270^а] кабилар.

XVIII. Илмий-маърифий тушунчаларга мансуб ўзлашмалар: *наът* – *адабиётга оид ўзлашма* – **Наът**. Ва мутақосир дуруд ва дуо ул саййиду-л-мурсалинғаким...[ШИ, 2^б], *бурж* – *астрономияга оид ўзлашма* – Ўтуб **буржи** анинг авжи самодин...[РД, 274^а], шунингдек, шеърий парчалар жанрини ифодалаш учун *рубойи*, *қитъа*, *маснавий* каби адабий тушунчаларга мансуб ўзлашмалар ҳам ушбу гуруҳга оиддир.

XIX. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар. Ушбу гуруҳга мансуб ўзлашмаларни мазмуний жиҳатдан бир неча турларга ажратиш мумкин:

1) **маънавий-ахлоқий тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар:** *хулқ* – каримлар **хулқидек** васеъ...[ФИ, 476], *одил* – **Одилеким**, адолатидин эрур...[ЗТ, 405^а], *доно* – Шаҳаншоҳи **доно** Раҳимкул қани...[ГД, 282^а], *сахий*, *вали*, *мувахҳид* – Ва Ануш **мувахҳид** ва **вали** эрди. Ва **одил** ва **сахий** эрди [ФИ, 44] кабилар;

2) **мифологик тасаввурларга оид тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар:** *фаришта* – **Фаришта** эрса ҳам бешак лаъини жовидон бўлди [ФИ, 42], *дев* – Борининг келиб **девдек** пайкари...[РД, 312^а], *пари*, *пари пайкар* – гулшаниға оройиш ва сарвқоматлиғ **пари** пайкарлар ишқи...[ШИ, 9^а] кабилар;

3) **ўлимдан кейинги ҳаёт билан боғлиқ тасаввурларга оид тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар:** *жаннат* – назоҳатда **жаннат** гулшаниға таъназан эрди [ЖВС, 36], *кавсар*, *салсабил*

– **Кавсар** ва **Салсабил** анҳориға шўришафкан қилди [ГД, 160^б], *сирот* – халойикни **сироти** мустақимга далолат қилиб...[ШИ, 2^б] кабилар;

4) **хис-туйғу билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар:** *ишқ* – Роғиби **ишқи** жумла шоҳу гадо [ЗТ, 404^б], *муҳаббат* – Қилич иноқким, дунё **муҳаббатидин** кўнгул совутиб...[ФИ, 651], *дўст, душман* – бу ҳол тамошосидин **дўстлар** таҳсин алоласин ва **душманлар** офарин ғавғосин афлок авжидин ошурдилар [РД, 283^а], *бахт, иқбол* – **иқболу бахт** ҳилояти билан Тахт Кудуқи хавлисига ворид бўлиб...[ЖВС, 44] кабилар.

XX. Майший лексикага оид ўзлашмалар. Ушбу гуруҳ ўзлашмаларни ҳам бир неча ички турларга ажратиш мумкин:

1) **кийим-кечакка мансуб ўзлашмалар:** *бахла* – *чарм қўлқоп* – Кийиб сиймин кўлига **бахлаи** зар [ЗТ, 393^б], *хилоъи, камар* – Ва инояти подшоҳонадин **хилоъи** тиллодўз ва **камари** дилафрўз бахшиши била сарафроз бўлуб...[ЖВС, 137], *кисват* – ишрат шоҳидининг суврати усрат **кисватида** пинҳон бўлди [РД, 248^б] кабилар;

2) **озиқ-овқат ва таом тушунчасини ифодаловчи ўзлашмалар:** *шўрбо* – Кўрдиким, **шўрбо** пиширур...[ФИ, 186], *маъкулот* – *таомлар, маширубот* - *ичимликлар, аклу (таом) ишурб (ичимлик)* – Ва бу янглиғ гуногун **маъкулот** ва ранго-ранг **машируботнинг аклу шурбидин** жамеъи халойик ўзларининг майлу иштаҳосига лойиқ ком олиб...[ГД, 75^б] кабилар;

3) **идиш тушунчаси билан боғлиқ ўзлашмалар:** *паймона* – ваҳдат майҳонасининг сархуши, ҳақиқат **паймонасининг** майкаши [ФИ, 411], *қадах* – Ки ичгай киши лаҳза-лаҳза **қадах**...[РД, 268^а], *жом* – Олиб илкинга лаългун **жом**, Лабриз қилиб шароби гулфом [ШИ, 4^б], *сархум, хум* – улуғликда фалак **хуми** аларга **сархум** бўла олмас эрди [ФИ, 411] кабилар.

3) **майший манзилларга оид ўзлашмалар:** *бозор* – Ясалиб кўйу кўча ҳар сори, Курулуб дағи ўрда **бозори** [РД, 270^б], *хонақоҳ* – Зиёрат лавозими адосидин сўнг ҳамул **хонақоҳи** жаннатиштибоҳда...[ШИ, 135^а], *хобгоҳ* – аларни дағи ажал **хобгоҳи**га йибордилар...[ФИ, 731] кабилар.

4) **ошхона анжомларини англатувчи ўзлашмалар:** *парвизан (элак)* – булут **парвизани** кофурбезлик оғоз қилди [ФИ, 612], *дег (қозон)* – Бу хаёли хомни **деги** димоғларида пишуруб...[РД, 348^б], *коса* – Етушганда оғзи янги ошға, Ушалди тегиб **косаси** тошға [ШИ, 217^б] кабилар.

XXI. Инсонга хос сифатларни англатувчи ўзлашмалар: *мўъмин* **Мўъмин**га мўъминедин агар этса ёрлиғ, Мумкинки, дўзах ўти анга қилғай асар [ФИ, 48], *мусофир, етим* – **мусофир** ва **етим**ларга назр тариқаси била...[ГД, 243^а], *қори* – таквопаноҳ **қориларга** тиловат қилдуруб...[ЖВС, 147], *мискин, бенаво* – Шод андин ўлуб ҳазину ғамгин, Тўйсун бари **бенавоу мискин** [РД, 333^а] кабилар.

XXII. Ижтимоий-сиёсий лексикага мансуб ўзлашмалар. Ушбу гуруҳ ўзлашмаларни бир неча турларга ажратишимиз мумкин:

1) **маъмурий-худудий бўлиниш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ўзлашмалар:** *аёлат* – Анинг ўрнига Бобоҳон шоҳ **аёлат** тахтида мутамаккин бўлди [РД, 319^б], *вилоят* – атроф ва жавонибдағи **вилоятларга** сотар эрди [ЗТ, 398^а], *мавзеъ* – Шимомкент отлиғ **мавзеъ** жонибиға сайдандозлиғ расми била озим бўлди [ГД, 243^а], *ноҳия(т)* – Ғур ва Ғаржистон **ноҳияти**га юрди [ФИ, 62] кабилар;

2) **ижтимоий табақаларни ифодаловчи ижтимоий-сиёсий ўзлашмалар:** *банда* – Эмди бу **бандаи** каминалар ва бу жонсипори дериналарнинг иттифоқ ва илтимослари будурким...[ЗТ, 427^а], *фуқаро, раоё* – салтанатин **фуқаро** ва **раоё** беҳбуди учун маслаҳат билдилар...[ШИ, 12^а], *амалдор* – барча уламову куззот ва умарову ҳукмком ва ўтгуз икки **амалдорнинг** орасида дедиким...[ГД, 153^а] кабилар;

3) **иқтисодий жараён билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ўзлашмалар:** *хирож (деҳқончилик маҳсулотидан солиқ)* – бир жаҳон **хирожига** арзир эрди...[ШИ, 54^а], *жузья (гайридин солиғи), бож* (*барча маҳсулотдан солиқ*) – Марвдин Астрободғача тоғ этагидағи қулло ва билод аҳли **жузья** ва **хирож** берур эрди [ФИ, 123], *ушр (деҳқончилик маҳсулотидан натура шаклидаги солиқ)* [2], *закот (молнинг қирқдан бири)* – ажзу инкисорлиғлар била **ушру закотларин** бермакчи бўлуб...[РД, 280^б] кабилар;

4) **сиёсий жараён билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ўзлашмалар:** *байъат (ваъдалашши)* – Ани хон кўтариб анга **байъат** қилдилар [ГД, 166^а], *боғий (итоатсиз мусулмон)* – Ва **боғийлардин** Яхшимурод бек бошлиғ беш-олти киши қатлға етиб...[ФИ, 396], *жулус (тахтга ўтириши)* – ҳазрат зиллуллоҳий **жулусининг** муборакбодлиғи учун бир киши ҳамроҳ қилиб йиборди [ЗТ, 405^б] кабилар.

XXIII. Гидронимларга оид ўзлашмалар: *Мужовир кўли* – сипоҳи нусратиштимол била **Мужовир кўли** отлиғ ерга ворид бўлуб [ЗТ, 400^а] *дарё* – **дарёи** маввожға ҳар жонибдин сел майл

кўргузгандек...[РД, 258^б], *рудхона* – Кўҳна Урганч қалъасининг қибласидин ўтган Кўҳнадарё *рудхона*сиғақим, Шорқировикға мавсумдур...[ГД, 120^а], *бахр* – Фазлу камол *бахри*да дурри ятим эрур [ШИ, 8^б], *лужжа*, *соҳил* – Ўзи дағи бу макрумат юмни била ул *лужжа*и мамотдин *соҳили* нажотға чиқти [ФИ, 176] кабилар.

XXIV. Зоонимларга оид ўзлашмалар: *бижн* – **Бижн** йилининг вақоёёқим...[ГД, 218^а], *уштур* – неча қатор *уштури* борбардорға бор қилиб...[РД, 263^а], *гизол* – бир паритимсол **ғизолни** кўб алоло ва тамошо била сайд қилдиким...[ШИ, 54^а], *тимсоҳ* – фазлу дониш тенгизининг **тимсоҳи**, ақлу биниш сафинасининг маллоҳи...[ФИ, 627] кабилар.

XXV. Савдо-молия тизими билан боғлиқ ўзлашмалар: *савдо*, *савдогар* – туркмания жамоасининг **савдогари** *савдо*дин суд ва байбу шародин беҳбуд истаб...[РД, 311^б], *тожир* – Ғанилик кишварида қилди **тожир**...[ФИ, 418], *тужжор* – савдодин суд қилғон **тужжор** янглиғ...[ЗТ, 423^а], *тижорат* – **тижорат** расми била келиб юрмиш эрди [ШИ, 189^а], *карвон* – Бухороға бориб кела турғон **карвони** қасдиға Рафатак йули жонибиға озим бўлуб...[ЖВС, 78] кабилар.

XXVI. Диний-фикҳий тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмалар: *фақиҳ* – Бири қози калони поксияр, Хожа Содиқ **фақиҳи** донишвар [РД, 289^а], *мазҳаб* – Ҳоло мунда келган ҳоқимларнинг кишиси оздур ва ҳам дин *мазҳаб*ин зоҳир қилмайдулар [ШИ, 93], *муфтий*, *фатво* – Хожа эшон **муфтийи** диндор, Бири **фатво** улумиға тазйин [РД, 289^а] кабилар.

XXVII. Ойконимларга оид ўзлашмалар: *Абу Қабис тоғи* (айрим ривоятларга кўра Нух (а.с.) дафн этилган тоғ) – Нух алайҳиссаломнинг тўфонда аларнинг муборак жасадларин кемада асраб, тўфондин сўнгра **Абу Қабис тоғи**да... дафн қилди [ФИ, 41], *Нартав тоғи* (*Тус яқинидаги тоғ*) – ҳамул тоғ Тус қалъасининг шимолия жонибида воқеъдур ва **Нартав тоғи**ға машҳурдур [РД, 259^б], *Қуба тоғи* (*Қизилжар*) – **Қуба тоғининг** жанубий тарафида ўзларининг ватан тутуб ўлтурғон ерида...[ЖВС, 130], *Албурз кўҳи* – Эрондаги Элбурс тоғи – Шукуҳидин синук гардун шукуҳи, Саботидин сабук **Албурз кўҳи** [ФИ, 22], *кўҳи Чугро* – **Кўҳи Чугро**да воқеъдур, ҳоло ул тоғни **Шайх Жалил тоғи** дерлар [ФИ, 512] бу каби ўзлашма тоғ номлари Огаҳий тарихий асарларида кенг қўлланган.

XXVIII. Инсон тана аъзоларини англаувчи ўзлашмалар: *жисм* – ўлук **жисми**ға руҳи равон ва жонсиз баданиға тозадин жон бағишланди [ГД, 123^а], *жусса* – Ва лекин **жусса**да гардуни воло [ЗТ, 406^б], *ангушт* – аёлат нигинин анинг **ангушти** ихтиёриға солиб...[РД, 278^а], *устихон* – Ким ёнди улус танида жони, Ҳам куйди ўтундек **устихони** [РД, 322^а] кабилар.

Огаҳий тарихий асарларидаги ўзлашмаларнинг юқорида келтирилган мавзуй-семантик гуруҳларини албатта янада мукаммаллаштириш, тўлдириш мумкин. Кейинги тадқиқотларда бу ишни амалга ошириш ниятимиз бор.

Хулоса қилиб айтганда, Огаҳий тарихий асарларидаги ўзлашмалар мавзу жиҳатидан хилма-хил. Тадқиқотимиз давомида илк бор Огаҳий тарихий асарларидаги ўзлашмаларни мавзуй-семантик гуруҳларга ажратдик. Уларни таҳлил ва тадқиқ қилиш эски ўзбек тилидаги ўзлашмалар кўлами ва семантик гуруҳларини аниқлаш имконини беради. Қуйида ана шу мавзуй-семантик гуруҳларнинг айримларига бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Muhammad Riza mirab Agahi. Zubdat al-tavarikh. International institute for Central Asian Studies, Al-Beruni Center for Oriental Manuscripts Tashkent State Institute of Oriental studies. Edited in the original Central Asian Türkī with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. International Institute for Central Asian Studies (ICAS) by the UNESCO Silk Road Programme. – Tashkent – Samarkand, 2016. – Б. 63.

2. Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. V жилд. Жомеъу-л-воқеоти султоний. Нашрга тайёрловчи И.Исмоилов. – Тошкент. Шарқ. 2019. – Б. 20.

3. Ўразбоев А. Огаҳий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. док. [DSc] дис. – Тошкент, 2018. –Б. 18-91.

4. Қисқартмалар ва уларнинг манбалари: Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. T.J.Brill. – Leiden–New York–Kobenhavn–Köln, 1988. (Мақолада ФИ қисқартмаси билан берилди); رياض الدولة ўЗР ФА Шарқшунослик институти. رياض الدولة 5364 / II. 246a-364a варақлар (РД қисқартмаси билан берилди); نبذة التواريخ ўЗР ФА Шарқшунослик институти. 821 / III. 386a-435a варақлар (ЗТ қисқартмаси билан берилди); گلشن دولت ўЗР ФА Шарқшунослик институти, №7572 (ГД қисқартмаси билан берилди); شاهد الاقبال Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзманинг фотонусхаси / ўЗР ФА Шарқшунослик институти 70/1, 70/2 (ШИ қисқартмаси билан берилди).

ОККАЗИОНАЛ ГИПОНИМЛАРНИНГ ПРАГМА-СЕМАНТИК КОНВЕРСИВЛАРИ

Н.К. Сабирова, ф.ф.н., доц., докторант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақола окказионал гипонимларнинг прагма-семантик конверсивларининг таҳлилига бағишланган. Прагма-семантик конверсивларнинг қўлланилиши муаллифга реалликни акс эттиришининг субъектив усулини тақдим қилиш имконини беради. Окказионал ибораларнинг янги ва ноодатий шакли диққатни жалб қилиш, баҳолаш, фикр ва ҳиссиётларни аниқ ифодалаш ва матннинг ифодалилигини мустаҳкамлаш имконини беради.

Калит сўзлар: семантик маъно, прагматика, контекст, тил бирлиги, нутқ фаолияти, окказионализм.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу прагма-семантических конверсивов окказиональных гипонимов. Применение прагма-семантических конверсивов позволяет автору представить подметод отражения реальности. Новая и необычная форма окказиональных выражений позволяет привлечь внимание, оценить, четко выразить мысли и чувства и усилить выразительность текста.

Ключевые слова: семантическое значение, прагматика, контекст, языковая единица, речевая деятельность, окказионализм.

Abstract. This article is devoted to the analysis of the pragma-semantic converses of occasional hyponyms. The use of pragma-semantic converses allows the author to present a method for reflecting reality. A new and unusual form of occasional expressions allows to attract attention, evaluate, clearly express thoughts and feelings and enhance the expressiveness of the text.

Key words: semantic meaning, pragmatics, context, linguistic unit, speech activity, occasionalism.

Нутқ мазмунининг прагматик ва семантик таркибий қисмларга бўлиниши шартли бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги фикр ва қарашлар лингвистик назарияларда ўзгариб туради. Тилшунос олимлар Ж. Моешлер ва А. Ребулнинг фикрича, “Одатда семантика тил тизими билан боғлиқ бўлса, прагматика тилнинг қўлланилиши ва мулоқот жараёнига алоқадордир” [1]. Тилшунослар Ф. Немо ва П. Кадитотнинг таъкидлашича, “Сўз маъносининг семантик компоненти тил – бу борлиқ белгиси ифодаси каби денотация билан боғлиқ бўлса, унинг прагматик қисми тил белгиси-бу мулоқот қилувчиларнинг муносабатига алоқадор соҳадир” [2]. Инглиз тилшунос олим Ж. Лич семантика ва прагматика соҳасини куйидагича фарқлайди, “Семантика ва прагматика тил белгисининг маъносига боғлиқ, аммо уларнинг орасидаги фарқ “англатмоқ” феълининг турли тушунчалари нуқтаи назаридан талқин қилинади” [3]. Яъни, семантика соҳасида контекстдаги сўзларнинг маънолари ўрганилса, прагматика бўлимида сўз маъносининг контекстга боғлиқ бўлган жиҳатлари тасвирланади.

Илгари тилга социал контекстдан ажратилган автоном объект сифатида қараш анъанага айланганди. Имманент назариялар янги антропоцентрик парадигмага йўл очиб, унда тил маълум бир вазиятда муайян мақсадлар учун субъектнинг нутқий фаолияти жараёни ва натижаси сифатида ўрганилади. Тил тизимининг турли мулоқот вазиятларида тил белгиларининг қўлланилиш жараёнлари билан боғлиқлигини ўрганиш семантик ва прагматик маъно корреляцияси ва ушбу категорияларнинг муносабатлари ҳақидаги назарий тўқнашувларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Умуман олганда, ушбу муаммонинг учта ёндашуви мавжуд.

1. Скептик ёндашув.
2. Дифференциал ёндашув.
3. Интеграл ёндашув.

Скептик ёндашувда иккита вариант мавжуд бўлиб, унда прагматиканинг контекстуал ва субъектив маънога эгаллигига кўра, уни лингвистик тадқиқотлардан чиқарилиши кераклиги билдирилади. Рус тилшунос олими Г. В. Колшанскийнинг таърифига кўра, “Прагматика мулоқот иштирокчиларининг социал ва психологик хусусиятларига боғлиқ бир қатор экстралингвистик омилларда ўрганилади” [4]. Бошқа томондан контекстуал, яъни, прагматик ва ноконтекстуал ёки семантик компонентлар орасидаги фарқлар аҳамиятли эмас деб ҳисобланади. Рус тилшуноси М. В. Никитинга кўра, “Прагматика ва семантика орасида аниқ фарқлар мавжуд эмас” [5]. Яъни, семантик жиҳатдан муайян масалалар ўзлаштириб, прагматиканинг семантизацияланиши ва аксинча семантиканинг прагматизациялангани кузатилади.

Дифференциал ёндашувда турли тил бирликларида маъно семантик ва прагматик жиҳатдан аниқ ажратилиб, у ёки бу компонентнинг устунлигини аниқлашга асосланади. Тилшунос олимлар А. Вежбицка [6] ва Б. Плотниковнинг [7] таъкидлашича, лексиконда семантик маъно етакчи рол

ўйнайди. Маънонинг прагматик жиҳатига қўшимча компонент сифатида қаралади. Хусусан, тилшунос олим М. В. Арнольднинг фикрича, *“Прагматик хусусият коннотация ёрдамида аниқланиши мумкин”* [8].

Прагматик маълумотлар сўзнинг лексик маъноси билан чамбарчас боғлиқ. Рус тилшунослари Ю. Д. Апресян ва Е. В. Падучеванинг фикрича, *“Кўп ҳолларда прагматикани семантикадан ажратилиши қийин кечади”* [9]. Хусусан, тилшунос олим Ю. Д. Апресян [10] баъзи сўзларнинг семантикаси, прагматик жиҳатдан зоҳиран ниқобланганидек, прагматика ҳам семантикага бирлашади ва лексикографик семантика сифатида пайдо бўлиши ҳақидаги фикрни билдирган. Кўп ҳолларда прагматика семантикадан фарқли ўлароқ, доим сўзнинг маъносида мавжуд бўлмайди. Тилшунос Е. Падучеванинг фикрича, *“Прагматиканинг маълумот маъносини аниқлашдаги аҳамиятига қарамасдан, семантиканинг луғавий маънода устунлиги кузатилади”* [11]. Шунингдек, тилшунос Г. Кустова нутқ мазмунининг прагматик компоненти, унинг семантик бойитилиши ва семантик деривациянинг муҳим манбаи деган фикрни илгари сурган [12].

Юқоридаги ёндашувга тўлиқ қўшилмаймиз, фикримизча, контекстан қатъий назар, нафақат долзарб мазмунни, балки луғавий маънони ҳам аниқлаш мумкин эмас. Хусусан, полисемия, омонимия ва синонимиядаги лексик бирликларнинг қўлланилишида махсус шартлар, яъни виртуал контекстга боғлиқ. Акс ҳолда, муайян вазиятдаги контекстга мос келувчи сўз бирлигини танлаш зарур бўлмайди. Рус тилшунос олими Ф. Кифер семантика ва прагматиканинг бир-бирини тўлдиришини куйидагича таърифлайди, *“Кўп ҳолларда семантик тавсиф прагматикага боғлиқ, бироқ нутқнинг прагматик таҳлили семантик тавсифга асосланади. Прагматика ва семантика бир-биридан алоҳида компонент сифатида мавжуд бўлмайди”* [13].

Дифференциал ёндашувнинг бошқа тарафдорлари прагматиканинг етакчи ўринни эгаллаши ва семантиканинг прагматикага нисбатан субординация ҳолатидалигини билдиришган. Тилшунос олим И. П. Сусовнинг таъкидлашича, *“Семантика соф шаклда мавжуд эмас, семантика прагматикага асосланган бўлиши зарур, тил бирлигининг барча жиҳатлари контекстдаги вазиятга алоқадордир”* [14]. Инглиз тилшунос олими К. Черрининг фикрича, *“Прагматика ўрганиши даражаси инклюзив, умумий бўлиб, муайян коммуникатив ҳодисани бошқасидан ажратиб турадиган шахсий, психологик омиллар, амалий натижа ва белгидан фойдаланувчиларнинг аҳамиятини ўз ичига олади”* [15].

Рус тилшуноси Ф. Растъенинг таклифига кўра, *“Интеграл ёндашувда семантика ва прагматика орасидаги фарқни бартараф қилиши учун, дифференциал моделга асосланган ягона семантика яратилиши зарур”* [16]. Француз олимлари А. Сулиоли ва О. Дюкротнинг фикрига кўра, *“Семантика ва прагматиканинг лингвистик табиатини ёки ушбу компонентлар ролининг аҳамиятини инкор қилиши қийиндир”* [17]. Фикримизча, семантика ва прагматика орасидаги фарқ тил тизими ва ушбу тизимнинг қўлланилишидаги шартли фарқдир. Шунингдек, муайян элементнинг ўз муҳитидан ташқарида бажарадиган функцияларини тил тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Прагматика ва семантика сўз маъносини ўрганиб, семантик маънонинг виртуал ҳолатини қайта тиклайди ва ушбу ҳолатни прагматика тизим координатларидан четга чиқмасдан амалга оширади. Семантик маъно тил белгисининг ички мансублиги бўлса, прагматик маъно унинг муайян контекстда қўлланилишидир. В.Г.Гак, Н.Н.Болдырев, О.Дюкрот, К.Кербрат-Ореккиони, Ж.Мешлер [18] каби олимларнинг фикрига қўшилаемиз, чунки семантика ва прагматика ўзаро боғлиқ бўлиб, маънонинг семантик компоненти прагматик жиҳатдан тўлдирилиши зарур. Тилшунослар Ж. Анссомбре ва О. Дюкротга кўра, *“Ўзаро боғланган семантик ва прагматик маъно тил тизимида интеграцияланади”* [19]. Шунингдек, тил бирликларининг мазмуни фақат семантика ва прагматикага асосланган ҳолда тасвирланиши мумкин эмас.

Прагматика ва семантиканинг ўзаро таъсири натижасида янги тил бирликлари пайдо бўлади ва уларнинг окказионал маъно касб этиши кузатилади. Ушбу ҳолатда тил тизимида қайд этилган семантик маъно ситуатив, яъни контекстуал маънога эга бўлиши мумкин. Мулоқот жараёнида семантик маъно кучсизланиб, трансформацияга учраши ва контекстуал маънонинг етакчи ўринга чиқишини кўриш мумкин. Рус тилшунослари А. Алферов, А. Бондаренко ва Е. Кустованинг таъкидлашича, *“Ушбу жараёнда прагматиканинг қўлланилиши орқали семантиканинг махсус ёки интуитив алмашинуви натижасида контекстуал аҳамиятга эга бўлган тил бирликлари, яъни прагма-семантик конверсивлар пайдо бўлади”* [20]. Ушбу туркумдаги лексик бирликларнинг табиати шундаки, улар асосан прагматик маънога эга ва семантик жиҳатдан контекстга боғлиқдир.

Семантика ва прагматиканинг тескари мутаносиб корреляцияси айниқса прагма-семантик конверсивлар деб аталадиган лексик бирликларда яққол намоён бўлади. Тилшунос А. Алферовнинг фикрича, *“Прагма-семантик конверсивларга субстанциал қитталар, окказионализмлар,*

лексикалаштирилган дискурсив шакллар, қўйтирноқ белгиси каби пунктуацион-график ва паралингвистик ифода воситалари киради” [21].

Ушбу лексик функционал категорияда окказионализмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, тилдан фойдаланиш доим ҳам мавжуд меъёр доирасида бўлмайди. Нутқ фаолиятининг ҳам ўзига хос хусусияти мавжуд. Рус тилшуноси Е. С. Кубрянованинг фикрича, “Реал нутқ фаолияти узлуксиздир. Унинг бир қутбида стереотип, клишланган ва автоматик тарзда ижро этиладиган нутқ бўлса, бошқа қутбида новаторлик, ижодкорлик, белгиланган чегарадан ташқарига чиқиши ва неологизмларни яратishi бўлади” [22].

Прагма-семантик конверсивларнинг шаклланиши тилнинг креатив функциясига боғлиқ ва у индивидуал ижодкорлик натижасидир. Тилшунос Э. Бенвенистнинг фикрича, “Язык устроен таким образом, что позволяет каждому говорящему, когда он обозначает себя как говорящий, как бы присваивать себе язык целиком” [23]. Прагма-семантик конверсивларнинг қўлланилиши муаллифга реалликни акс эттиришнинг субъектив усулини тақдим қилиш имконини беради. Нутқ ўйинлари эстетик завқ бериб, муаллифнинг руҳий эмоционал эҳтиёжини қондиради. Бундан ташқари окказионал ибораларнинг янги ва ноодатий шакли диққатни жалб қилиш, баҳолаш, фикр ва ҳиссиётларни аниқ ифодалаш ва матннинг ифодалилигини мустаҳкамлаш имконини беради.

Прагма-семантик конверсивлар лексик-семантик конверсивлардан фарқли ўлароқ маргинал хусусиятга эга. Прагма-семантик конверсивларнинг семантикаси ноаниқ бўлганлиги туфайли улар прагматик талқинни талаб қилади. Контекст прагма-семантик конверсивларда муҳим рол ўйнайди. Муайян ноаниқ тил белгиси маъносининг талқини фақат контекст орқали ифодаланади. Рус тилшуноси Г. В. Колшанскаяга кўра, “Контекст выступает не как спорадическое и факультативное явление в коммуникации, а как глобальный феномен, пронизывающий все единицы и уровни языка. Коммуникация не может существовать вне контекста, а, следовательно, ни одно явление языка не может рассматриваться вне этих условий” [24]. Пресуппозиция ҳам прагма-семантик конверсивлар талқинига ёрдам берувчи муҳим омилдир. Шунингдек, муаллифнинг номинацияси тилда олдиндан белгиланган имкониятларга асосланади. Тилшунос Й. Коржинекнинг фикрича, “Индивид не может создать в языковом плане ничего действительно совершенно нового, потому что индивидуальное многообразие конкретных речевых актов с точки зрения звучания, морфологии и синтаксиса основывается на тех возможностях и предпосылках, которые заранее предопределены языком” [25]. Ушбу ҳолат мулоқотга киришувчининг окказионализмларни тўғри талқин қилишига имкон беради. Шунингдек нутқда окказионал гимонимияни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *Калта бўйли-пакана-лилипут.*

Около ста тысяч липипутов с той же целью покинули свои дома [26].

Худди шу мақсадда юз минг Лилипуд ўз уйини тарк этди.

Кўпинча окказионализмларга “тил-нутқ” антиномиясининг намоён бўлиш шаклларида бири сифатида қаралади. Аслида, норматив ва окказионал номинацияларнинг ўзаро муносабати мураккабдир. Нутқ тил билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли, дастлаб нутқда пайдо бўлган ҳодиса, кейинчалик тил тизимининг бир қисмига айланиши мумкин. Прагма-семантик ва лексик-семантик конверсивларда нутқнинг тилга кўчишини кўриш мумкин. Ўз навбатида тилдаги доимий ўзаро таъсир жараёнларида нутқ ва тил белгиларининг прагма-семантик конверсивлари конверсив майдон сифатида намоён бўлади. Юқоридаги фикрлардан кўринадик, тил бирлигидаги прагматика ва семантиканинг ўзаро муносабати тизимли хусусиятга эга. Прагма-семантик конверсивлар нутқда қўлланилганида мустаҳкамланиб, кейинчалик тил нормаларига киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Moeschler J., Reboul A. Dictionnaire encyclopédique de pragmatique. Paris, 1994. p.25-26.
2. Nemo F., Cadiot P. Le problème insoluble? // Revue de Sémantique et Pragmatique. 1997. No. 1. P. 15-22.
3. Leech G. Principles of Pragmatics. London – N. Y.: Longman Linguistic Library, 1983. 250 p.
4. Колшанский Г. В. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке. М.: Наука, 1975. 142 с.
5. Никитин М. В. Курс лингвистической семантики. СПб., 1996. 716-717с.
6. Вежбицка А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. М., 1986. Вып. 17. Теория речевых актов. С. 251-275.
7. Плотников Б. А. Соотношение коммуникативного и прагматического аспектов языковых единиц // Коммуникативные единицы языка: тезисы докл. Всесоюзной научн. конф. М., 1984. С. 95-96.
8. Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. М.: Высшая школа, 1986. 295 с.
9. Апресян Ю. Д. Прагматическая информация для толкового словаря // Апресян Ю. Д. Избранные труды: в 2-х т. М.: Школа «Языки русской культуры», 1995. Т. II. Интегральное описание языка и системная лексикография. 2. Падучева Е. В. Семантические исследования. Семантика времени и вида в русском языке. Семантика нарратива. М.: Языки славянской культуры, 2010. 480 с.
10. Апресян Ю. Д. Прагматическая информация для толкового словаря // Апресян Ю. Д. Избранные труды: в 2-х т. М.: Школа «Языки русской культуры», 1995. Т. II. Интегральное описание языка и системная лексикография. 142-145 с.

11. Падучева Е. В. Семантические исследования. Семантика времени и вида в русском языке. Семантика нарратива. М.: Языки славянской культуры, 2010. 480 с.
12. Кустова Г. И. Типы производных значений и механизмы языкового расширения. М.: Языки славянской культуры, 2004. 472 с.
13. Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. С. 333-349.
14. Сузов И. П. Семантика и прагматика предложения. Калинин, 1980. 52 с.
15. Cherry C. On Human Communication. Cambridge: The M.I.T. Press, 1966.
16. Растье Ф. Интерпретирующая семантика. Нижний Новгород: ДЕКОМ, 2001. 367 с.
17. Culioli A. Notes du séminaire du D.E.A. Paris: Université Paris VII; D.R.L., 1985. 111 p. 2. Ducrot O. Dire et ne pas dire. Paris, 1972. 283 p.
18. Гак В. Г. Языковые преобразования. М.: Школа «Языки русской культуры», 1998. 768 с. 2. Болдырев Н. Н. Функционально-семиологический принцип исследования языковых единиц // Язык и культура: Факты и ценности: К 70-летию Юрия Сергеевича Степанова. М.: Языки славянской культуры, 2001. С. 383-393. Ducrot O. La valeur argumentative de la phrase interrogative // Logique. Argumentation. Conversation (Actes du Colloque de Pragmatique). Fribourg: Peter Lang., 1981. P. 79-110. 4. Kerbrat-Oreochioni C. L'enonciation. De la subjectivité dans le langage. Paris: Armand Colin/VUEF, 2002. 267 p. 5. Moeschler J., Reboul A. Dictionnaire encyclopédique de pragmatique. Paris, 1994. 975 p.
19. Anscombe J.-Cl., Ducrot O. L'argumentation dans la langue. Liege – Bruxelles: P. Margada, 1988. 184 p.
20. Алферов А. В., Бондаренко А. И. Субъективность номинации и прагма-семантическая конверсия в политическом дискурсе (на материале французского языка) // Вестник ПГЛУ. 2014. № 4. С. 144-147. Алферов А. В., Кустова Е. Ю. Прагма-семантическая конверсия как фактор динамики языковой системы (на материале русских и французских интеръективных форм) // Вестник ПГЛУ. 2014. № 1. С. 59-62
21. Алферов А. В., Бондаренко А. И. Субъективность номинации и прагма-семантическая конверсия в политическом дискурсе (на материале французского языка) // Вестник ПГЛУ. 2014. № 4. С. 144-147.
22. Кубрякова Е. С. Номинативный аспект речевой деятельности. М.: Наука, 1986. С. 112.
23. Бенвенист Э. Общая лингвистика. М.: Прогресс, 1974. С. 296.
24. Колшанский Г. В. Контекстная семантика. М.: Наука, 1980. С. 134.
25. Коржинек Й. К вопросу о языке и речи // Пражский лингвистический кружок (под ред. А. Кондрашов): сборник статей. М.: Прогресс, 1967. С. 321.
26. Ж, Свифт, Путешествия Гулливера. 1727.

УЎК 81'373.44

«БОБУРНОМА» ТАРЖИМАЛАРИДА АРХАИЗМЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ**К. Садиков, докторант, НамМТИ, Наманган**

Аннотация. Дунё адабий жараёнида «Бобурнома» матни қўлёзма нусхалари ва таржима масалаларини ўрганиши шарқишунос ва таржимашуносларда катта қизиқиши уйғотмоқда. «Бобурнома» дунёнинг 16 дан ортиқ тилларига таржима қилиниши ҳам бунинг яққол далилидир. «Бобурнома» таржималарининг лингвокультурологик жиҳатларини ёритиб бериши ҳамда ўлчов бирликларининг инглиз тилига адекват таржима қилиши муаммолари таржимашуносликдаги долзарб масалалардан биридир.

Калим сўзлар: классик шакл, туркий тил, Архаизмлар, таржима, Таржимашунослик, қиёсий тадқиқ, Замонавий ёзувчилар, истеъмолдан чиққан сўзлар, урф-одат, мумтоз адабиёт, прагматик

Аннотация. Изучение рукописей и переводов текста «Бобурнома» в мировом литературном процессе представляет большой интерес для востоковедов и переводчиков. Тот факт, что «Бобурнома» переведена более чем на 16 языков мира, наглядное тому подтверждение. Проблема выделения лингвокультурологических аспектов перевода «Бобурномы» и адекватного перевода единиц измерения на английский язык является одной из самых актуальных проблем перевод логики.

Ключевые слова: классическая форма, турецкий язык, архаизмы, перевод, переводческое дело, сравнительное исследование, современные писатели, потребительские слова, традиция, классическая литература, прагматика.

Abstract. The study of manuscripts and translations of the text "Boburnoma" in the world literary process is of great interest to orientalists and translators. The fact that "Boburnoma" has been translated into more than 16 languages of the world is a clear proof of this. The problem of highlighting the linguocultural aspects of the translation of "Boburnoma" and the adequate translation of units of measurement into English is one of the most pressing issues in translation studies.

Keywords: classical form, Turkish language, Archaisms, translation, Translation studies, comparative research, Modern writers, consumer words, tradition, classical literature, pragmatic

Бобур туркий тилнинг энг қадимги намуналаридан бошлаб, классик шакллариғача мукамал билган ва ўз асарида уларнинг энг сара намуналарини мувофиқ ҳолда қўллаган буюк сўз санъаткори эди. Айни пайтда унинг араб ва форс тилларининг нозик қатламларига қадар эгаллагани, шеърляти, илмий-тарихий ижоди, айниқса «Бобурнома»дек улкан асарнинг майдонга келишини таъмин этди.

Бу борада, албатта, «Бобурнома» тилининг асоси бўлган қадимги туркий тилнинг аҳамияти чексиздир. Архаизмлар ва уларнинг таржималари тадқиқи Э.Қиличев, Н.Урманова, Исақова Ш ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Таржимашуносликда ҳозирча олимларимиз томонидан архаизмларнинг француз тилида акс этиши ва таржималарда ифодаланиши юзасидан фикрлар билдирилган.

«Бобурнома» матнидаги архаизмларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи ҳалигача тўлиқ ўрганилган эмас. Шунинг учун архаизмларни тасвирий воситалардан бири сифатида ўргандик. Архаизмларнинг инглиз тилига таржималарида қандай акс эттирилганини Лейден-Эрскин, А.Бевериж ва В.Текстон таржималари асосида қиёсий тадқиқ этдик. С.Влахов ва С.Флоринларнинг фикрича, китобхон куйидаги ҳолатларда архаик сўз ва ибораларга дуч келади: 1. Ўтмиш адиблари асарлари таржимасида. 2. Замоनावий ёзувчилар ўтмишга мурожаат этиб ёзган асарлари таржимасида. «Бобурнома» тарихий асар сифатида биринчи турга мансуб. Бунда архаик сўзларни жуда кўп учратишимиз мумкин. Унда ўз даврининг ҳарбий стратегия, бир қатор фанларнинг илмий ютуқлари, тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонлар, жойларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти ва санъати, айрим сўзларнинг этимологияси ифодаланган. «Бобурнома» матнида архаик сўзлар айнан муаллиф томонидан архаик сўз сифатида ишлатилмаган. Аммо қадимги туркий қатламга оид Бобур замонида истеъмолдан чиққан сўзлар ҳам муаллиф билим доирасининг кўламига кўра «Бобурнома»дан ўрин олган. Бобур даврида замонавийликни акс эттирган сўзлардан бир қисми бизнинг замонамизга келиб архаик сўзга айланган. Воқеалар тасвирида архаик сўзлар мавжуд бўлса, аслият тилида сўзлашувчи китобхон учун тушунарли бўлмайди. Улар мумтоз адабиёт манбалари луғати орқали бу архаик сўзнинг маъносини билишлари мумкин. Умуман, архаик сўзлар асл матннинг прагматик хусусиятларини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ғ.Раҳимов фикрига кўра: «Аслиятнинг прагматик хусусиятларини қайта яратишда таржимоннинг уларни замонавийлаштиришга уриниши ҳам аслият матннинг ўзгариб кетишига олиб келади. Бунда аслиятда тасвирланган воқеа-ҳодисалар рўй берган вақт ва жой билан таржимадаги воқеа-ҳодисаларнинг замони ва макони бир-биридан бутунлай фарқ қилиб қолади». Архаик сўзларни таржималарда акс этишида, сўзларнинг маъно ва мазмунини сақлаш муҳим. «Бобурнома»даги: «*Бу муддатда Бойсунқур мирзо Туркистонга Шайбонийхонга, мутавотир кишилар йибориб, Шайбонийхонни кўмак тилабдур. Қишлоқ уйлари тайёр бўлуб қўргонга кирдук. Шайбонийхон Туркистондин илғаб ўшул саҳари бизнинг юртумиз устига келиб турди. Бизнинг черикимиз яқин эмас эди. Қишлоқ маслаҳатиға баъзи Работи Хожсага, баъзи Кобудга, баъзи Шерозга бориб эдилар*» (Бобурнома 2002; 58). Тагига чизиб ажратилган сўзларнинг барчаси Бобур даври тили нуқтаи назаридан архаизм эмас. Аммо бугунги кунга келиб ёзилиш шакли, лексик вазифаси ва маъносига кўра архаизмга айланган.

Матнда келган «мутавотир кишилар» сўзи бугун «*кетма-кет кишилар*» маъносида тушунилади. Бу архаик сўз Лейден-Эрскин, А.Бевериж ва В.Текстон таржималарида шундай акс эттирилади: Лейден-Эрскин таржимасида: «*repeated messengers*» (*қайта-қайта хабар берувчилар*), А.Бевериж таржимасида: «*again and again*» (*яна ва яна*), В.Текстон эса, «*a stream of people*» (*одамлар тўдаси*) тарзида таржимада келтиради. Таржимонлар бу архаик сўзни ҳар учала таржимон ўз услубига хос тарзда ўгирган. Уларни бири-бири билан қиёсласак, ҳар бир таржимада архаик сўзлар турли шаклда берилгани кузатилади. Прагматик хусусиятлари жиҳатидан ҳар бири фақат бир маънони англатишга хизмат қилади. Аммо булар, таржима матнида муайян семантик вазифани бажарса ҳам, айнан аслиятдаги маънони бермайди. Лейден-Эрскин таржимасини бошқа таржималарга нисбатан аслиятга прагматик мувофиқроқ дейиш мумкин. Баъзи ўринларда таржимонлар архаик сўзларни матн мазмунига тўла мувофиқлаштириш учун изоҳлардан фойдаланишган.

«Кўмак тилабдур» архаик сўзи таржима матнларида куйидагича ифодаланган, Лейден-Эрскин таржимасида: «*inviting him to come to his assistance*» (*унинг ёрдамга келишини таклиф қилиши*) деб берилади, А.Бевериж таржимасида: «*to ask help*» (*ёрдам сўраши*) тарзида келтирилса, В.Текстон таржимасида эса: «*to request assistance*» (*ёрдам сўраб илтимос қилиши*) шаклида келтирилади.

Матндаги архаик сўз англатган маъносига нисбатан таржимада ўз аксини топганми ёки маъно жиҳатидан ўзгариш мавжудми, бу фикрга аниқлик киритиш мақсадида қиёсий таҳлилга ўрин берамиз. Маълум бўлишича, ҳар иккала таржимага нисбатан А.Бевериж таржимаси аслиятга мос тарзда прагматик мувофиқлик билан ўгирилган. Архаик сўзнинг таржимаси семантик жиҳатдан аслият матнига мувофиқ келган. Зотан, «Архаизм – бу тилдаги шундай бир фактқи, алоҳида олиб қаралса, гапирувчи субъектга тушунарли бўлмайди, контекст ичидагина маъно касб этади: ана шу

контекстдагина маънога эга бўлади, унинг алоҳида унсурларини таҳлил қилганда бирон бир фикр аниқлашмайди».

«Кўрғон» сўзини оладиган бўлсак, Лейден-Эрскин таржимасида: «fort», А.Беверижда эса: «Khawaja Dildar», В.Текстонда: «fortress» шаклида келтиради. Агар Лейден-Эрскин ва В.Текстон «кўрғон» сўзининг айнан таржимасини келтирган бўлса, А.Бевериж кўрғоннинг номини транслитерация усулида келтириш билан кифояланган.

«Туркистондин илғаб ўшул саҳари» («Туркистондан жадаллаб ўша тонг») жумласини Лейден-Эрскин таржимасида: «next morning...hastened» (*кейинги тонг тезлаб*), А.Бевериж таржимасида: «On the morning...ridden light» (*тонгда ёруғнинг тез тушиши*), В.Текстон эса: «hastened... Wednesday morning» (*Чоршанба куни эрталаб...тезлаб*) деб таржима қилади. Демак, таржимонлар архаизм таржимасини турлича талқин этган. Лейден-Эрскин ва В.Текстон таржималарида прагматик мувофиқлик билан ўтирилган бўлса, А.Бевериж таржимасида «On the morning... having ridden light from Turkistan» (*эрталабда ёруғнинг тез тушиши*) бироз ғализ, прагматик номувофиқликда таржима этилган.

«Бобурнома» матнидаги воқеа тафсилотида, бир нечта архаик сўзларни учратамиз. Қуйида архаик сўзларни алоҳида ажратиб, уларнинг ҳозир мавжуд муқобил вариантларни қавс ичида кўрсатиб ўтамиз: «Бовужуд (*шунга қарамай*) ҳозир черик (*лашкар*) кишиси била ясаб чиқилди (*аслаҳаланиб чиқилди*). Шайбонийхон туруш бермай (*чидаш бермай*), Самарқанд сари ўзини тортти (*чекинди*), Самарқанд навоҳисига борди (*атрофига борди*). Чун Бойсунқур мирзонинг муддаосидек бўлмади, яхши ихтилот қилмади (*муомалада бўлмади*)» (Бобурнома 2002; 58). Бобур Шайбонийхон билан жангга кириш вақтида юз берган воқеани тасвирлар экан, унинг лашкари аслаҳаланиб чиқиши-ю, Шайбонийхоннинг Самарқанд сари чекинишини тасвир этади. Муаллиф бу воқеаларни аниқ ва ихчам тасвирлайди. Бу ҳаракатлар Бойсунқур мирзо истаганидек амалга ошмаганини таъкидлайди. Бобур қайси манзарани ёки воқеани баён этмасин, фақат ростини баён қилади.

Ушбу архаизмлар Лейден-Эрскин таржимасида: Бовужуд (*шунга қарамай*) - however (*бирок, шунга қарамай*), черик (*лашкар*)- forces (*куч, қўшин*), ясаб чиқилди (*аслаҳаланиб чиқилди*)-marched out (*аслаҳаланиб чиқилди*), туруш бермай (*чидаш бермай*)-did not venture to maintain (*чидаш бермай*), тортти (*чекинди*)-drew off towards (*чекинди*), навоҳисига борди (*атрофига борди*)-halted in its environs (*унинг атрофига (тўхтади) борди*), ихтилот қилмади (*муомалада бўлмади*)-disappointed on finding (*муомалада бўлмади*) каби сўз ва сўз бирикмалар орқали қайта тикланган.

Аслиятда келтирилган: «Самарқанд сари ўзини тортти» жумласидаги «тортти» сўзи, таржимада «drew off» деб берилади. «Тортти» сўзи аслиятда, «Самарқанд томон чекинди» маъносида ишлатилган бўлса, таржимада прагматик мувофиқликда ўз аксини топган. Матнда «forces» черик (*лашкар*) деб берилган, айнан таржимада шундай ифодаланмаса-да, мазмунан шу сўзнинг маъносини аниқлатади. Бу архаизм таржимада сўзма-сўз услубидан фойдаланиб ўтирилган. Манба ва таржима матн ўртасидаги семантик бир хиллик маъно муқобилларининг турли даражаларига асосланади. Баъзи сўзлар таржима тилида айнан ўтирилган бўлмаса-да, уларнинг муқобил варианты келтирилади.

Хулоса. Ҳар иккала таржимада архаик сўзлар турли даража ва савияда ўз ифодасини топган. Аммо, В.Текстон таржимасида архаик сўзлар аниқ акс этганлиги ва прагматик хусусиятлари ўзгармаганлиги билан ажралиб туради. Чунки у гапларни содда гап тарзида ўгириб, ўқувчи қабул қилишини енгиллаштирган. Муаллифнинг қиёслаш, асарни бадий талқин этишдаги ифода услубини сақлаб қолингани ва архаик сўзларнинг таржималарида прагматик мувофиқлик билан амалга оширилганини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017.- 485 б.
2. Болтабоев Х. Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Адолат, 2004. – 138 б.
3. Butayev Sh. English-Uzbek Uzbek-English dictionary. – Тошкент: O'qituvchi, 2013. – 880 б.
4. Bar Hillel Y. Pragmatics of Natural Languages. – Dordrech; Boston; Reidel. 1971. – 231 p.
5. Благова Г.Ф. «Бабурнома» тили, прагматика тили, стил. – М.: 1994, 404 с.
6. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное.–Москва: Валент. 2006.–343 с.
7. Вюртле Ф. Андижон шахзодаси. Немис тилидан Я.Эгамова таржимаси.–Тошкент:Ўқитувчи,2011. 220 б.
8. Güttlinger Fritz. Zielsprache: Theorie und Technik des Übersetzens. – Zürich: Manesse Verlag,1963. 245 p.
9. Гегель Г. Феноменология духа. Философия истории. – М.: Эксмо, 2000. –880 с.
10. Годен Р. Гулбадан:Захриддин Мухаммад Бобурнинг қизи малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар / Инглизчадан Х.Сўфиева таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2007.- 175 б.
11. Дониёров Р. Бадий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1962. – №5. – Б.73.

12. Eiji Mano. The characteristic description of historical people in Baburname. Бобур абадияти. Халқаро анжуман материаллари. Андижон, 2017. 288 б.
 13. Ёқубов Ҳ, Бобир. – Тошкент, 1941. 320 б.
 14. Жамолов С., Отажонов Н. Заҳрирдин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш ўқув қўлланмаси. –Тошкент, 1990. –229 б.
 15. Lederer M. Implicite et explicite in Selescovitch and Lederer: Interpreter pour traduire.–Paris: Didier Erudition.–480 p.

УЎҚ 81-13

У.ҲАМДАМНИНГ “ЁЛҒИЗЛИК” АСАРИДА ЁЛҒИЗ ИНСОН РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

Б. Саидова, докторант, ТошДўТАУ, Тошкент

Аннотация. Ёлғизлик инсоннинг ўзи билан юзма-юз қолишига, ўз “мен”ига, ўтган умрини тафтиши қилишига имкон берувчи ҳолат. Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” асарини ўқиши орқали муаллифнинг ана шундай тизгинсиз туйғулари билан рўбаро келиши, ички нидосини тинглаши мумкин. Шунингдек, қаҳрамонда юз бераётган психологик ҳолат, ички монолог орқали жамиятнинг маълум бир қиёфаси ҳам кўз олдимизга келади. Бу асар муаллифнинг ўзига ҳам аён-ноаён ёлғизлик изтиробларининг акс-садосидир. Ушбу мақола юқорида тилга олганларимизнинг имкон қадар таҳлилига бағишланади.

Калит сўзлар: рух, ёлғизлик, ижод, инсон, тасаввуф, “Мен”, бегона.

Аннотация. *Одиночество – это состояние, позволяющее человеку столкнуться с самим собой, рассмотреть свое «я», свою прошлую жизнь. Читая «Одиночество» Улугбека Хамдама, можно встретить автора с такими неудержимыми чувствами, услышать его внутренний крик. Также на ум приходит психологическое состояние главного героя, некий образ общества через внутренний монолог. Это произведение — отголосок боли одиночества, очевидной для самого автора. Данная статья посвящена возможному анализу вышеизложенного.*

Ключевые слова: дух, одиночество, творчество, человек, мистика, «я», чужой.

Abstract. *Loneliness is a state that allows a person to face himself, to examine his “I”, his past life. By reading U.Hamadam’s “Loneliness”, it is possible to meet the author with such uncontrollable feelings, to listen to his inner cry. Also, the psychological state of the protagonist, a certain image of society through an internal monologue, comes to mind. This work is an echo of the pain of loneliness that is obvious to the author himself. This article is devoted to a possible analysis of the above.*

Keywords: spirit, loneliness, creation, man, mysticism, “I”, stranger.

Инсон яратиклар ичида буюк мўъжиза, олий махлуқот, бетакрор мавжудот. Навоий бобомиз айтганларидай, барча нарсаларнинг яратилишидан мақсад ҳам инсон. Аллоҳ бандасига ўзи учун мавҳум сирли бўлган нарсаларнинг калитини топиш учун унга ақл, онг, тафаккур ато этди. Фақатгина илми ғайб, яъни руҳлар илмигина абадул абад одамзодга ечилмас жумбоқ бўлиб қолажаги маълум қилинди.

“Рух алоҳидадир ва ҳар нарсага қарамай, бари бир хурлик истайди, мустақил яшашга интилади. Рух озодликка интилар экан, инсон ўзининг энг яқинлари билан ҳам “сан-манга” боришга, хатто юзкўрмас бўлиб ажралиб кетишгача мажбур қолиши ҳеч гапмас! Рух дахлсиз бир оламдагина эркин нафас ола билади. Бу оламга кишининг фарзанди ҳам, ота-онаси ҳам, ёри ҳам... кирмаслиги зарур. Акс ҳолда ҳаммасидан воз кечмақдан-да тонмайди руҳ!” [6].

Инсон танҳо қолгандагина ана шу мавҳумотнинг тубига етолмай қийналади, азоб чекади. Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”и хоҳ “Янгича ёзиш йўлидаги тажриба” [2], хоҳ “Ҳикоя ёки қисса ёзишнинг маълум ва машҳур анъаналарини қурбон қилиб юборган” [8], хоҳ “қундалик, иқрорнома, эссе каби уч жанр унсурлари ажиб тарзда уйғунлашиб кетган” [5] каби эътирофларга сазовор бўлишидан қатъий назар, мен бу асарни ўша сирли илмни англашга уриниш, интилиш деб атаган бўлардим. Зеро адабиётнинг ҳам ўз олдида қўйган азалий мақсадидир бу. Ижод эса ана шу мавҳумот маҳсули. Психолог олим Фрейд: “Ижод ўта сирли ҳодиса. Ҳозирча психология фани бу сирли ҳодиса ҳақида тайинли фикр айта олгани йўқ” деган гапи билан фикримизни асослайди. У.Ҳамдам инсон ёлғизлигига алоҳида урғу берадиган тасаввуф таълимотини ҳам, адабиётшунос олим Б.Карим таъкидлаганидай “Ғарб адабиётини ҳам, Шарқ фалсафасини ҳам” билиши “Ёлғизлик” қиссасида акс этган.

Қисса уч қисмдан: хонага кириб дафтарнинг очилиши, мутолаа жараёни ҳамда дафтарнинг ёпилишидан иборат. Муаллиф билан бирга асардаги дафтарни ўқир экансиз, кўз олдингизда деразалари ланг очик, шамол пардалари билан тиллашаётган нимқоронғу хона бурчагида бошини ҳам қилган кўйи мук тушган бир киши манзараси гавдаланади. У гўё унсиз ёш тўқаяптию сиз унинг ёлғизликдан чекаётган изтиробларини ўқиб йиғи сасини эшитгандек бўласиз. Бу йиғида итоат ҳам,

исён ҳам, мамнунлик ҳам, ғашлик ҳам, муҳаббат ҳам, нафрат ҳам, телбалик ҳам, донолик ҳам мавжуд. Адабиётшунос Қ. Йўлдошев бежизга асар моҳияти ҳақида: "...айнан тартибсизлик, бўлганда ҳам, воқеликдаги эмас, инсон ҳаёлотигади, кечинмаларидаги тартибсизликнинг ўзи тасвирга олинган" демаган. Сюжет чизиқларининг мавжуд эмаслиги асар моҳиятини қаҳрамоннинг тизгинсиз хотиралари, исмсиз изтироблари вужудга келтирган онг оқими орқали англашга ундайди. Қаҳрамон ўтмишидаги айрим лавҳалар бугуни билан қоришган ҳолда айни дамдаги ёлғизликни ҳис этди, ҳис эттиради. Ботиний таҳлил жараёнида муаллиф ўзининг ёлғиз қаҳрамони, яъни ўзи кечириётган қалб тубидаги кечинмаларни бутун нозикликлари билан ҳис этади. У.Ҳамдам шунчаки ёлғизлик туйғусини эмас, балки ичкаридаги ёлғиз "Мен"нинг руҳий таҳлилини баён этади. Асар қаҳрамони "Мен мен эмас, балки кўнглим мендир" дейди. Аммо фароғатининг қарс этиб синишига сабаб ичидаги биргина Мен эмас, балки яна бир Меннинг мавжудлигидир. Шу боис у гоҳ талвасага тушаётган туйғуларидан, Яратганга қилаётган исёнидан парча-парча бўлаётгандай, гоҳ ҳовуридан тушиб босиқлик билан юритаётган мулоҳазалари орқали яна бугунлик касб этаётгандай туюлади: "Қаттиқ изтиробга тушаман, парчаланаман, емириламман. Борлигим жанг майдонига айланиб, унда икки парчам – икки Мен – Ички Мен билан Ташқи Мен аёвсиз равишда бир-бирига қилич солади. Ким жароҳатланса-да, оқибатда азобини мен чекамман, ким ғолиб келса-да, мағлуб мендирман! "Ягона йўлимиз бор – келишув!", дейман, ниҳоят дод солиб...". Руҳиятидаги бу олишув қийноғидан Яратганга ҳар замонда мурожаат этиб туради: "Қачонгача бандалик либосида юраман!? Қийналдим-ку! Қачонгача Сени, Сенга қайтишни, Сенга сингишни ва ниҳоят "СЕН!" бўлишни кутиб яшайман? Зерикдим-ку! Ахир малол келаяпти-ку менга бундай шакл, бундай мазмун! Эй, Худо!" Демак, қаҳрамон Мансур Халложни-да танийди, унинг ҳам Халлож каби "Ана-л-Ҳақ" дея ҳайқиргиси келади, аммо бу нидонинг отилиб чиқишига оёғини ердан узмаётган турмуш ташвишлари тўсқинлик қилади. Бу эса унга янада чексиз азоб бахш этади. Шу ўринда Румийнинг гапи ёдимга келади "Ҳатто, У Аллоҳдир!" дейиш-да иккиликдир. Чунки "Мен" бўлмагунча "У" ҳам бўлмайди" [1]. Асар эса "У"га айланолмай тўлғанаётган "Мен"ларнинг диалогларидан иборатдек гўё. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Қаҳрамоннинг бу даражада ёлғизликка юзланиб ички куюнишига, ўртаётган ниҳоясиз туйғуларнинг саволлар билан савалашига сабаб нима эканлиги эътиборимизни тортади. Ундаги яққаланиш эҳтиёжи шаҳарлашиш ва индустриалашган жамиятнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаёт ва муносабатларнинг мураккаблашуви, муаммо ва манфаатлар қарама-қаршилиги натижасида мажбурий пайдо бўлганми ёки ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий, бюрократик муҳитсиз унинг ўзида, онгида мавжудми? Унинг сеvimли ёри, фарзандлари, ота-онаси бор, ака-укалари ўзига тинч, "одамлар ҳавас қиладиган иш"га, "яшаса бўладиган бошпана"га эга. Аммо инсоннинг раҳми келади даражада руҳан ёлғиз. Шундай экан, унинг бундай танҳолигига иккинчи сабабни рўқач қилишимиз мумкин. Зеро қаҳрамоннинг ўз тили билан айтганда: "Анчадан бери кўнглим узлат излайди. Бироқ мақсад одамлардан қочиш, зоҳидлик эмас асло! Балким идишни бўшатиш – изҳори дил!"

Унинг ўзида бу азалий "қарахтлик даври" йиллар давомида аста-аста йиғилиб портлаш ҳолига келишига сабаб бўлган юқорида айтганимиз сабабни келтириб чиқарган сабабларга ички монологдан фойдаланган ҳолда бирма-бир тўхталайлик. Улар фалсафий, диний, ҳаётий мушоҳадаларга йўғрилгандир:

У мавжуд ҳаётнинг одатий, ёзилмаган қонун қоидаларига бўйсуниб яшашдан, турмуш ташвишларига ўралашиб юришдан чарчайди: "Мен турмушнинг арзимас юмушлари орасида қолиб хор бўлдим, мен улардан тўйдим. Мен бандалик ботқоғидан чиқиб кетолмаётган ўзимдан зерикдим. Мен тинимсиз равишда мажбуриятларни, заруратларни бажаришдан сиқилдим. Ниҳоят, менга чумоли каби битта-иккита издан юра-юра ўлиб кетиш алам қилади... Ахир, бу ташвишлардан баландроғи борми ўзи?"

Ҳаёт сахнасида гоҳ турмуш ўртоқ, гоҳ ота, гоҳ фарзанд, гоҳ дўст ролларини ўйнаш унга алам қилади, ўзининг асл қиёфасини тополмай азобланади: "Мен гўё сахна асарини мириқиб томоша қиладиган томошабинман. Қизиғи шундаки, актёр ҳам ўзимман. Шу билан бирга томошабин бўлиб актёр – А.ни кузатаман, актёр бўлиб эса томошабин А. нигоҳини шундоқ борлигимда ҳис қиламан. Мен сенга ачинганим каби ўзимга ҳам хўрлигим келади, эй Дўст! Қани энди кўлимдан келса-ю сени озод этганимдек ўзимни-да бу шармандалиқдан халос қилсам! Ахир, мен ўзимни ўзим, яъни ўзлимимни қанчалар соғинганимни билсанг эди".

Кўп манбаларда алқанадиган олий мавжудот – Инсон бўла туриб, тана аъзоларининг эҳтиёжини қондириш учунгина яшаётганидан ўкинади: "Сираси, шунча қудратли бўла туриб вужуд деб аталмиш кичик бир мамлакат фармонларига бўйсуниб яшаш...менга алам қилади".

Ён-атрофига назар ташлар экан, ўзидан бошқа яна юзлаб, минглаб, миллионлаб, миллиардлаб одамлар ҳаёт кечириётганини англайди ва ўзи ҳам улар орасида, улар каби, улардан биригина бўлиб яшаётганидан изтиробга тушади: “Шунда кўпчиликнинг бири эканлигимни англадим. Ва чидаб бўлмас шиддат билан ўзимдан нафратландим. Бироз аввал ойнада акс этиб турган аксимга боқиб, уни ўлгудек қийнаб ишлатгим келгани бежиз эмаслигини англадим”.

Одамийликни қурбон қилиш эвазига олимлик даражасига, юқори мавқега эга бўлган инсонлардан жирканади. Бундайлар тоифаси тобора кўпайиб бораётганидан ҳайратга тушади: “Бугун ёзувчиларнинг бадбашараларидан кўнглим айниб, уйга қочдим. Талабалик пайтимда илмини қилмай, бири-бирининг орқасини чуқулаган, мансаб, манфаат таллашиб умри ўтаётган айрим олимларнинг сассиқ давралари нафасимни қайтарганди. Муҳими – олимлик эмас, одамлик экани тўғрисидаги узун ўйларга гирифтор қилганди. Ушбу шарафга эришган зотларни бахтли кунларим қадар оз учратганим мени ҳайратлантирганди...”

Ижод аҳли учун қаламини синдиришга қодир бўлган куч – фақирлик. Чунки у атрофингизда парвонадек айланаётган илҳомни ҳайдаб, юрагингизда кўним топган ҳаловатни ўғирлаб ўрнига тирикчилик талвасасини ташлаб кетиши мумкин. Бу ҳақда Б. Карим шундай дейди: “Кўнглимга мос муҳитнинг, ижод учун қулай шароитнинг йўқлиги қаҳрамонни кўп қийнайди. У фақирликка, қўлиқалликка лаънатлар ёғдиради”. Мана унинг бу борадаги мулоҳазалари: “Фақирлик – давоси қийин дард. У бағрингда ухлаб ётган имконларингни тунда билдирмай бўғизлаб кетган жаллод! Фақирлик – жон таслим қилаётган ўғлингга сен сотиб олиб беролмаган дори!.. Камбағаллик санъаткор учун ҳам ўта хавфли. Чунки у – Таъма деб аталувчи фарзанд туғиб беришга қодир махлуқ”.

Китобхон баъзан қаҳрамоннинг барча изтиробларини оловлаётган, уни узлатга юз буришга мажбур қилган нарса юрагининг қатида яширинган улкан соғинч туйғуси деб ҳам ўйлайди. Аммо бу соғинч Аллоҳ висолига қаратилганми, ёки ўзга бир ёрга нисбатанми, ёки ўзи каби ёлғиз, унга ҳамдари бўладиган инсонгами? Китобхон олдида соғинилган шахс ёки нарса ёки ҳолат тугунлигича қолади: “Ичимда, ташқарида, ҳамма-ҳамма ерда янграётган кўшиқ қатида бир оҳанг такрор. Уни ёзувга кўчираман – СОҒИНЧ!”

“Ўз ботинида мўъжизани кутиб яшаётган ишонч”га ишонмай қолиш ҳам уни одамлар орасидан яққаланишига олиб келган бўлса ажабмас. Ишончнинг йўқолиши инсонни ўзгаларни тушунмай қолишига сабаб бўлади. Бу эса сизга ёлғизликнинг эшиклари очилди дегани. Қаҳрамоннинг ўзи ҳам бу туйғуни туйган инсон мисол мулоҳаза юритади: “...киши ўз ботинида мўъжизани кутиб яшаётган ишончга шубҳалана бошлаганда изтироб туғилади. Атрофида юрган энг яқин, энг меҳрибон одамлар ҳам аслида шайтоннинг элчилари бўлиб кўринади. Одамзоднинг бунга ишонгиси келмайди, бироқ аксинча эканлигига исбот тополмай қийналади. Яъни улар ва ўзи орасида ўғри мушукдек оралаб ўтгучи БЕГОНАЛИКни илғаб тўлғонади, ёлғизликдан ўзини кўярга жой тополмай аланглайди”.

Қаҳрамон тилидан баён этилган яна бир сабаб тасаввуф таълимотидаги “вахдат ул-вужуд”, яъни Аллоҳ билан бир бутунликка интилиш, эришиш ҳолатини эсга солади: “Ҳозирда мен етиб келган ёхуд менга етиб келган қайғу ўшамикан – одамзод чекига тушган мусибатнинг дуди – Оллоҳнинг ҳажри?..”

У ўзидаги иккита Мендан ташқари юрагидаги муҳаббат билан боғлиқ яна бир иккилик қаърига тушиб кетган. Ана шу тубсизликдан чора излаш илинжида ўзи билан ўзи танҳо қолишни мақбул кўргандек туюлади бизга: “Мен сенсиз ҳам, сен билан ҳам яшай олмайман!..” Бу Бобур ё Кафканинггина эмас, менинг ҳам юрак ҳайқиригимдир! Ахир, менинг бутун ҳаётим аросатда! Гўё мангу иккиликнинг ўртасидаман: қайси томонга юришимни, қай биридан воз кечишимни билмайман. Қисматимнинг ўзи пешонамга ўша азобли жумлани ўйиб битган бўлса ва олаётган ҳар бир нафасимда уни жаранглаган овоз билан такрору такрор ўқиб турса, мен шўрлик нима қилай? Ахир, чиндан-да мен сенсиз ҳам, сен билан ҳам яшай олмасам, ўзимни қаерга кўяй шу қон бўлган юрак қадар қоғоздан бошқа!..” Қаҳрамоннинг бу кечинмаси Румийнинг айтган инсондаги уч ҳолнинг учинчисини ёдга солади: “На Оллоҳ хизматини қилаётганини ва на қилмаётганини тасдиқлайди... Унинг учун Оллоҳ на ҳозирдир ва на ғойиб, балки буларнинг ҳар иккаласи ҳам Яратгандир” [1].

“Кўнглимга мос муҳитнинг, ижод учун қулай шароитнинг йўқлиги қаҳрамонни кўп қийнайди” [2] дейди Б. Карим. Ҳаёт ташвишлари солган кишанни парчалаб, парвоз этолмаётганидан ўксинади. Улар орасида йўқолиб кетаётганидан, йўқотишаётганидан фарёд чекади: “Қани менинг менлигим, орзуларим, нафрат ва муҳаббатим! Ахир, буларнинг бари араллашиб-сийқаллашиб адо бўлаёзди-ку!.. Нега ҳайқирмайман, кишанларни шалдиратмайман, дунёларни уйғотмайман?!..”

Инсон дунёнинг бебақо, ёлғончи эканлигини, унда содир бўлаётган қувончлиқ қайғули воқеалар одамзодни овутиш учун овунчоқ эканлигини англагандагина, чуқур ҳис қилгандагина борлиқдан ўзини четга олади. Қаҳрамон йигит ҳам ана шу ҳақиқатга рўбарў келган. У бир парча ер, озгина пул, арзимаган матоҳ ёки мансаб йўлида қирпичоқ бўлаётган одамзоддан нафратланади: “Мен жудаям эрта алданмай куйдим ва бу менинг ютуғим эканига баъзан иштибоҳ туғилади кўнгилда. Энди менга алданиш – бахтли бўлиш ширин бир ҳаёлдек туюлади... Худди шу лаҳзаларда бир сирнинг тагига етгандек бўламан: ҳозиргача “Хулласи, нечун одамзод бебақо дунёнинг ўткинчи ҳавасларидан ўзи кўра-била туриб ҳам осонликча воз кечолмайди?..” деган саволга маънили, тагли-тугли жавоб тополмагандим. Ниҳоят, менинг айни дамдаги ҳолим ўша жавобдир!”

Энди реал воқеликка мурожаат қиладиган бўлсак, айрим ўринларда қаҳрамоннинг ишсизлигидан қийналаётганига гувоҳ бўламиз. Инсон ўзи ва яқинлари учун қўлидан ҳеч бир иш келмаслигини ҳис қилиб яшашдек оғриқли азоб бўлмаса керак: “Яна уйқусизлик балоси, яна изтироб, яна... Ахийри кўзғалиб ўтирдим. Фикримни жамлаб ўзимни ўзим тафтиш қилмакка тутиндим: “Нега ўзингни ўзинг қийнайсан?.. Ишинг юришмаётган бўлса, сабр қил. Қолаверса, иши юришмаётган бир сенми? Ёки бу ҳаёт-мамот масаласими? Ахир, икир-чикирларга эътибор берадиган даражада майдалашмаслик зарур. Инсон булардан баландда турмоғи шарт. Сен ҳам шундай қил!”... Афсуски, бўлмайди. Мен жон-жон деб уйқуга элгувчи барча яхши маслаҳатларга рози бўлардим. Лекин бундан наф чикмаса, менинг розилигимнинг қандай қиймати бор?”

Амалга ошишига, оширишига ишониб келган орзулари йиллар ўтган сайин тобора ундан узоклашиб кетади. Бу эса уни ўртайди, умри олдидаги ҳисобида ожизлигидан куюнади: “Яхшилаб ўтмишингни хотирла! Ахир, қанчадан-қанча орзуларинг бор эди... Бироқ бугун уларнинг қай бирига эришдинг? Ўнтасидан биттаси амалга ошдими ёки мингтадан биттаси? Айт!.. Индамайсан... Чунки ҳисобинг жуда ночор.”

Юқорида қаҳрамонни ёлғизлик сари етаклаган ҳаётий ва фалсафий омилларни ҳаминқадар кўриб чиқдик. Шунингдек, муаллиф асарда дарахт, шамол, ой, қуёш, қуш каби рамзий образлардан ҳам фойдаланадики, улар ёлғизлик эмоциясини янада кучайтиришга хизмат қиладди, шу билан бирга “Қиссада лирик чекиниш тарзида келадиган бу манзара умумий пафосдаги изтироблар бўронини сокинлаштиргандек бўлади” [2]. Қаҳрамоннинг ижодкор эканлиги ҳам муаллифнинг руҳий дунёсини янада теранроқ кашф этишимизга сабаб бўлади.

Кўплаб адабиётшунослар ва М. Кўчқорова таъкидлаганидек, реал нуқтаи назардан қараганимизда асарда “муайян бир сюжет чизиқлари ҳам, муайян одамлар тақдири, биз севиб ўқийдиган “диалог”лар ҳам йўқ” [5] дек туюлади, аммо туб моҳиятини олиб қарайдиган бўлсак, “Ёлғизлик”да изтироблар туғилишию ўлиши билан боғлиқ сюжет чизиқлари ҳам, одамлар каби яшаётган туйғулар тақдири ҳам, қалб тубида ўзаро қурашаётган “мингта жангчи”нинг, “Мен”ларнинг диалоглари ҳам мавжуд. Бир қатор адабиётшунослар, муаллифнинг ўзи ҳам “Ёлғизлик”ни модернистик руҳ, яъни “онг ости оқими”да ёзилганини эътироф этишади. Менинг назаримда эса, бу муаллифнинг қалб ости оқимидан отилиб чиққан асар. Сабаби асар ҳар бир жумла муаллифга айланган қаҳрамонни қарийб ўттиз йил давомида қийноққа солиб келадиган ингроқлар бўлиб янграйди.

Бир қарашда асар қаҳрамони китобхонда ақлли аҳмоқдек таассурот қолдиради. Чунки унинг руҳиятида туйғулар конфликтини шиддатли тус олган. У ўз ёғида қоврилаётган икки “Мен”дан иборат. Ундаги “биринчи “Мен” ўт бўлса, иккинчи “Мен” сув эди”. Мисол тариқасида айрим туйғулар гирдобидида қолганда Тангрига бўлган муҳаббатини бутун вужуди билан зухур этса (яъни “Дунёни забт этиб, Оллоҳнинг пойига келтириб ташлашдек мақсадимдан умид узолмайман”), яна бир ўринда даҳрий каби фикр юритади: “Менсиз жамики диний китобларинг – эртақ, Худо ҳақида айтганларинг – сафсата! Баридан мурод – мен! Сен эса мен қолиб – инсон қолиб, кимга ғамхўрлик қиляпсан? Инсонсиз Таврот нимаю Қуръон нима? Улар менинг қалбимга юқибгина қадриятга айланиши мумкин, холос...”

Асар қаҳрамони ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон умрининг сўнгига қадар ёлғиз, унинг бахти бир зумгина бўлса-да ёлғизлигини унутишда, деб билади. У ана шу бахтга мушарраф бўла олмаётганидан қийналади. “Ҳайҳот! Неча йиллардан бери ҳамроҳим – ёлғизлик ниҳоят жон-жонимга игна бўлиб санчилди. Мен ҳеч қачон бунчалар эзилмагандим, кўзларим тўрт бўлиб, кимнингдир эшикни парчалаб кириб келишига бунчалар илҳақ яшамагандим. Танҳолик юки мўри малахдай бостирмаганди, мен эса онасини йўқотиб қўйиб, атрофга бесаранжом аланглаб, ўзини гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга урганча маъраётган кўзичоқдек афтода бўлмагандим. Ҳеч қайси дард кўнглимга бунчалар оғир ботмаганди, бутун дунёмни ғорат этмаганди... Мен ичимдаги меъёрнинг бузилиб бораётганини аниқ ҳис қилиб турдим. Агар шу топда эшикни бузиб, мени “ўмаргани” безорилар тўдаси кириб келганда, “меҳмонларнинг” қадамларига ҳасанот айтардим. Худойимга шукроналар

келтириб, ёлғизлик балосидан халос этганлари учун истаган ашёларини қўшқўллаб топширардим... Лекин “тиқ” этган товуш эшитилмайди”. Қаҳрамоннинг моддий турмуши хақида маълумотга эга бўлган китобхон танҳоликнинг аламли қийноқларига унинг номуносиблигидан хайратга тушади. Чунки “бу одам ёлғиз” деб таъриф берилажак инсонлардан бутунлай фарқ қилади. У бахтни ташкил этувчи деярли барча унсурларга эга: оиласи бор, соғлом, иқтидорига яраша иш ўрнига эга, ақли теран. Қаҳрамон бизни ўйлантирган муаммонинг ечимини англатади: “Лекин биргалик туйғуси қалбимнинг ич-ичида жарангламайди. У ерда мен ёлғизман, бир ўзимман. Тушуняпсанми?! Назаримда бу нафақат менинг дардим, балки бутун одамзодникидир, унга хосдир! Инсон дунёга ёлғиз келади, инсон дунёдан ёлғиз кетади. У ўз қисмати қаршисида ҳамisha ёлғиздир...”. Бу инсоният руҳиятига берилган мукамал таърифдир. “Ёлғизлик” қаҳрамони жаҳон сатҳида ўзи каби ҳаммаслақларига ҳам эга. Булар Камюнинг Мерсози, Достоевскийнинг Раскольникови, Кафканинг Йозефи.

У.Ҳамдамнинг ушбу қиссасини яна бир ном билан – “Емирилиш” деб атасак ҳам бўлади. Асардаги яхлит бир жараён ёлғиз инсоннинг “Мен”лари томонидан емирилиб боришига қурилган. Бу емирилиш эса ичимиз тубидаги ўзликни кутқариш сари етаклайди. Ҳа, бутун бошли асарда қаҳрамон қалб сандиғида қатланиб ташланган туйғуларининг тит-питини чиқариб ўзлигини кидиради. “Ёлғизлик” қиссаси туйғулар кульминациясига асосланади. Унда кечинмалар тугунига, шу тугунлар қатига яширинган ечимга, турли томондан бостириб келаётган ҳисларнинг ўзаро конфликтга дуч келасиз. У. Ҳамдамнинг бу асари Б. Карим таъбири билан айтганда, “кишини ўйлашга, баҳс-мунозарага, завқ-шавққа, тасдиқ ва инкорларга чорлайдиган фикр майдонидир” [2].

Шу билан бирга, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси инсон юрагининг туб-тубида бир-бири билан қурашаётган туйғуларни, уларнинг исёнини англашимизга ёрдам беради, ичимиздаги ичкаридагиларни танитади. Қаҳрамон таъбири билан айтганда эса, “Ёзганларим Руҳ қичқирғидан кўчирилган нусхалардир”. Бу Руҳ қичқирғи – сабаби муаллифнинг ўзига ҳам аён-ноаён ёлғизлик изтиробларининг акс-садосидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жалолiddин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т., “Ёзувчи” нашриёти. 1997.
2. Каримов. Б. Улуғбекнинг дил изҳори. ziyouz.com
3. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986
4. Қ. Йўлдошев. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
5. Қўчқорова М. Замонавий прозада руҳият талқини. www. ziyouz.com
6. Ҳамдам. У. Ёлғизлик. www. ziyouz.com
7. www. arxiv.uz
8. Р.Раҳмат. “Бир ёруғлик излайман ҳамон...”.

УЎК 808.3

ПАРЕМА ВА ПАРЕМИОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ

Х.М. Сотвалдиева, катта ўқитувчи, Фаргона Давлат Университети, Фаргона

Аннотация. Ушбу мақолада парема ва паремиология атамаларининг этимологияси ва маъноси хақида гапирилган. Маълум бир тилда мавжуд бўлган матал, мақол ва афоризм каби хикматли иборалар парема туркуמידир. Паремаларнинг келиб чиқиши, тарихий ривожланиши ва хоссаларини ўрганувчи паремиология фразеология билан чамбарчас боғлиқ. Паремиология тилда мавжуд бўлган барча ибораларни ўрганади. Шу нуқтаи назардан улар бир бирларини истисно қиладилар.

Калит сўзлар: парема, паремиология, мақол, хикматли сўзлар, оғзаки, фразеология, афоризм, аналогия, антитеза, анафора, аллитерация, киноя.

Аннотация. В этой статье обсуждается происхождения и значения терминов: парема и паремиология. Выражения мудрости, такие как пословицы, притчи, аоризмы, которые существуют в определенных язык, являются серией парем. Паремология, изучающая происхождения, историческое развитие и свойства паремы, тесно связана с фразеологией. Паремалогия изучает все различные выражения, существующие в языке. В этом отношении они исключают друг друга.

Ключевые слова: парема, паремиология, пословица, поучительные слова, устный, фразеология, афоризм, аналогия, антитеза, анафора, аллитерация, аллегория.

Abstract. This article discusses the etymology and the meaning of the term parema and paremiology. Wisdom expressions such as proverbs, parables, aphorisms, which exist in a certain language, are a series of paremas. Paremiology, which studies the origin, historical development, and property of paremas, is

closely related to phraseology. Paremalogy studies all the different expressions that exist in a language. In this respect they are mutually exclusive.

Key words: *parema, paremiology, proverb, sayings, oral, phraseology, aphorism, analogy, antithesis, anaphorah, alliteration, allegory, аллегория.*

Паремиалогия юнонча сўздан олинган бўлиб, "паромия" хикматли сўз, зарбулмасал, логия каби маъноларини англатади. Паремиалогия икки хил маънода қўлланилади:

1. Маълум бир тилдаги авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби хикматли ибораларни, паремаларни ўрганадиган фан.

2. Муайян тилда мавжуд бўлган мақол, матал, афоризм каби хикматли иборалар - паремалар тизими.

Паремалар авлоддан авлодга фақат оғзаки холдагина ўтиб келганлиги, халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлганлиги учун адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади, чунки улар кўпинча шеърий шаклга ўхшайди ва уларда ўхшатиқ, антитеза, анафора, аллитерация, киноя, пичинг каби бир ўнча тасвирий воситалар қўлланади. Шу билан бирга паремалар сўзлардан тузилиб маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлганлиги учун тилшуносликнинг ҳам ўрганиш объектидир. Паремиалогия ана шу икки жиҳатни ўзида бирлаштиради. Паремаларнинг келиб чиқиши, тарихан ривожланиши ва маъно хусусиятини ўрганувчи паремалогия фразеология билан чамбарчас боғлиқ. Паремиалогия тилда мавжуд турли хил барча ибораларни ўрганади. Шу жиҳатдан улар ўзаро фарқланади.

Ўрганиш объектининг бирлиги яъни неча сўздан ташкил топган турғун барварор бирикмаларни текшириш паремалогия билан фразеологиянинг умумий томони ҳисобланади. Паремалар авлоддан авлодга фақат оғзаки холдагина ўтиб келганлиги, халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлганлиги учун адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади, чунки уларнинг аксарияти кўпинча шеърий шаклга ўхшайди ва уларда ўхшатиқ, антитеза, анафора, аллитерация, киноя, пичинг каби бир қанча тасвирий воситалар қўлланади. шу билан бирга паремалар сўзлардан тузилиб, маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлгани учун тилшуносликнинг ҳам ўрганиш объектидир. Олимларнинг аниқлашича, ҳар бир киши тилимиздаги 800 га яқин мақол, матал ёки афоризм ҳақида тушунчага эга. Лекин тилнинг паремиологик бойлиги бир неча ўн минглаб паремаларни ўз ичига олади. Кейинги йилларда жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигида ҳамда лингводидактикасида паремиологик луғат, паремиологик ўқув-луғатлари тузишга катта эътибор берилмоқда. Паремия барқарорлик ҳодисаси бўлиб, бир бутун мазмунни, семантик бутунликни англатади. Аввало, парема ва паремиологиянинг тарихига назар ташласак, О.В. Лисина бераётган маълумотга кўра, паремиология XII асрда юзага келган ва ўрганила бошлаган. Грекча *paroimya* - «хикматли сўз, зарбулмасал» маъносини англатиб, ўша пайтларда черковларда бўлиб ўтадиган байрамларда ўз маъносига кўра ишлатилган. Парема айтувчилар алоҳида ҳурматга сазовор шахслар эди, улар махсус таклиф билан бой хонадонларга ва черковларга бориб, байрамларда хикматли сўзлар айтганлар. Шунинг учун ҳам халқ паремиялари йиғилган китоб «паремейник» деб аталган. Паремейниклардан уйда фойдаланилмаган. В.И. Даль паремияни «ўқимишлилар сўзи» деб атайди ва парема ўқиладиган кечада ўқимишли, зиёлилар иштирок этишини келтириб ўтади. Паремалар кўпроқ панд-насихат руҳида ёзилган. Қадимда черковларда ишлатилувчи парема сўзи 1970 йилдан бошлаб тилшуносликка «паремиология» термини сифатида кириб келди. Г.Л.Пермякова парема ва паремиологияни Шарқ халқларининг хикматли сўзи деб атайди ва фольклоризм билан бирга вужудга келганини, бу термин дидактика билан бир маъно касб этишини айтади.

Паремиология коинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, руҳий ҳолати, этник ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмунли мантикий умумлашмада пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби хикматли сўзларни - паремаларни ўрганади.

Тил кишилар ўртасидаги алоқанинг энг муҳим воситаси, фикрни бошқаларга етказувчи куролдир. Тил миллий маданиятнинг ойнаси, уни сақловчи хазина ҳамдир. Ҳар бир халқ яшаётган жойининг табиати, у халқнинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадий адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан авлодга етказиб бериш тилнинг миллий маданий семантикаси. Миллий-маданий семантика тилнинг ҳамма қатламларида: лексикасида ҳам, грамматикасида ҳам, ҳатто фонетикасида ҳам мавжуд. Аммо миллий-маданий семантика тилнинг ҳаракатдаги бирликларида жуда ҳам аниқ намоён бўлади. Бундай тил бирликлари - сўзлар,

фраземалар ва паремалар. Ҳар бир тил ўзининг сўзларига, фразеологиясига, ҳамда паремиологиясига эга. Халқ-тарих ва маданиятни, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи буюк куч. Ҳар бир халқ асрлар давомида катта ҳаётӣ тажриба тўплайди. Шу тажрибани воситалар билан келажак авлодга мерос қилиб қолдиради. Паремиялар, яъни мақоллар, маталлар афоризмлар ана шундай бебаҳо меросимиз ҳисобланади.

Мақоллар - бу халқнинг донолигини, миллатнинг руҳини, унинг маданиятини кўрсатадиган халқ оғзаки ижодининг гавхаридир. Мақолларни, умуман, халқ ижодиётини ўрганиш, тадқиқ қилиш бугунги кунда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу "гавхар" нафақат тилшунослар, балки бошқа турли соҳа вакиллари ҳам қизиқтириб қўйган десак хато қилмаймиз: этнографлар, маданиятшунослар, фольклористлар, адабиётшунослар, психологлар, файласуфлар ва бошқалар. Юқорида номлари келтирилган соҳалар, албатта, мақолларнинг турли жабҳаларини тадқиқ қиладилар.

Табиийки шундай савол туғилади: барча тилларда ҳам мақоллар паремалар сифатида бир хил хусусиятларга эгами ёки турли тилларда, умуман, мақоллар фарқ қилувчи жиҳатларга эгами? Биз шу саволларга жавоб бериш мақсадида мақолларнинг бошқа паремиологик бирликлардан ажралиб турувчи хоссаларини кўриб чиқамиз. Мақол деганда биз ҳаётӣ тажриба асосида халқ томонидан яратилган, панд-насихат, тарбиявий мазмунга эга бўлган тугал маъноли иборани тушунамиз. Мақоллар бошқа паремалар, яъни матал, масал, афоризмлар билан бир қаторда турса ҳам, улардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Булар халқчиллик, келиб чиқишининг қадимийлиги, мажозийлиги кўчма маъноли эканлигидир.

Аввал айтганимиздек, мақолларда халқимизнинг асрлар давомида тажрибада синалган донолиги намоён бўлади. Мақоллар- бу халқ тажрибаси, унинг нафаси, йиғиси, шодлиги ва севинчи, кайғуси ва овунчидир. Мақоллар халқнинг асрлар мобайнида тўплаган ҳаётӣ тажрибасини турли воситалар ёрдамида келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Улар замонлар оша халқ донишмандлигининг муҳим манбаи сифатида, оғиздан оғизга ўтиб, сайқалланиб келган. Айнан, халқчиллик мақолнинг ички структураси, яъни маъносининг йўқ бўлиб кетиши мумкин эмаслигини исботлайди. Ана шу жиҳатдан мақоллар афоризмлардан ажралиб туради. Афоризмлар юнонча "aphorismos" - ҳикматли сўз деган маънони англатади. Афоризмлар мақоллар сингари бирор нарса ҳақида баҳс юритмайди, балки инсон онгига таъсир этади. Улар мақоллардан аниқ муаллиф томонидан яратилганлиги билан ажралиб туради.

Мақоллар минг йилликлар, юз йилликлардан бери яшаб келмоқда. Инсоният пайдо бўлибдики, у олам, жамият, сиёсат, табиат, иқтисодиёт ва тиббиёт ҳақида фикр юритади. Ана шу ўй хаёллар ва фикрлар қисқа ва лўнда жумлалар -мақоллар келиб чиқиши учун замин яратди. Мақоллар келиб чиқишидан қатъий назар ҳеч қачон эскирмайди.

Мақоллардан келиб чиқаётган маъно ҳар доим ҳам уни ташкил этаётган сўзларнинг маъносидан келиб чиқмаслиги мумкин, балки унинг образлилиги билан боғлиқдир. Масалан: "Асли қора оқармас, оқарсада бўзармас", яъни "қанча ҳаракат қилинмасин ёмон яхшига айланиб қолмайди". Буни биз инглиз ва рус тилларида кузатадиган бўлсак, "Не в свои сани не садись" яъни, "Қўлингдан келмайдиган ишга киришма"; "Every dog has its day"-"Хали бизга ҳам омад кулиб боқади". Уларнинг ҳикматли сўзлардан фарқли жиҳати ҳам мақол маъносининг икки жиҳатга эга эканлигидир. Ҳикматли сўзлар фақат ўз маъносида келса мақоллар ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, паремия фразеологик қатламнинг энг бой ва жуда экспрессив намунаси ҳисобланади. Чунки паремиялар фақатгина мақол ёки ибора ҳисобланиб қолмасдан, улар ўзида кўчма маъно билан биргаликда халқ, миллат маданиятини акс эттиради. Демак, паремиялар нафақат тил маҳсули, балки халқ ва бутун бир миллатнинг маданий бойлигининг тилдаги гўзал аксидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пермяков Г.Л. Основы структурной паремиологии. Москва. Наука 1988.
2. Абилядинова Ж.Б. Пословицы и поговорки как объект изучения в лингвистике // Вестник КазНУ. Серия филологическая.- 2007.- № 7.
3. Ақл-ақлдан қувват олади (Ҳикматли сўзлар, афоризмлар ва мақоллар). Тўпловчи ва тузувчи: М. Фозилов. –Т.: Ўзбекистон, 1967.
4. Алишер Навоий ҳикматларидан. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
5. Английские и русские пословицы и поговорки, М.И. Дубровин. М.Просвещение, 1999
6. Англо-русский фразеологический словарь//Кунин А. В.. – М.: Русский язык, 1984.
7. Жаркова, Т. И. Отражение национального характера в пословицах и поговорках / Жаркова, Т. И., Синицких, О. В. Иностр. яз. в шк.-2008.- N 1.
8. Жемчужины мысли народной. Афоризмы, изречения, пословицы. Сост. А. Халмухаммедов. – Т.: Изд-во: Ёш гвардия, 1972.

9. Зуннунов Ш. Дурдоналар хазинаси. – Т.: Шарк, 1999.

10. Черкасский М.А. Паремнологический сборник. Пословица. Загадка: (Структура, смысл, текст). М., 1978.

УЎК 81-13

ФАРМАЦЕВТИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФАРМАЦЕВТИК ТЕРМИНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Д.К. Худойкулова, ўқитувчи, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада фармацевтика олий таълим муассасаларида талабаларига лотин тили ва соҳа терминологиясини ўқитишнинг назарий асослари ўрганилган.

Калим сўзлар: фармацевтика, фундаментал, лингвомаданий, лотин тили, унификация

Аннотация. В статье исследуются теоретические основы обучения латинскому языку и отраслевой терминологии студентов фармацевтических вузов.

Ключевые слова: фармацевтический, фундаментальный, лингвокультурологический, латынь, унификация.

Abstract. The article devoted to the theoretical foundations of teaching Latin and pharmaceutical terminology to students of pharmaceutical institutions.

Keywords: pharmaceutical, fundamental, linguocultural, Latin, unification

Юртимизда фармацевтика соҳаси шу билан бирга маҳаллий доривор ўсимликларга бўлган талаб кундан кунга ошиб бориши соҳа терминларини ҳам такомиллашиб боришига олиб келмоқда.

Фармацевтик матн таржимаси ёки тиббий таржима деганда бир тилдан бошқа бир тилга инсон саломатлиги билан боғлиқ тиббий нашр ва мутахассисликка оид матн таржимаси тушунилади. Ушбу мутухусисликка оид таржима ўзининг аниқлиги ҳамда умумий тиббий терминларнинг тўғри қўллаш олишни талаб этади.

Масалан: фармакология, фармакогнозия, физиология, дори турлари технологияси, тиббий диагностик текширув натижалари ёки лаборатория текширув натижалари, беморга ёки шифокорга маълум дориларни қўллаш бўйича йўриқномалар.

Инглиз тилида 95% термин классик тил асосида яратилган бўлиб, тиббий терминлар ва уларнинг ўрганиш юзасидан мамлакатимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Замонавий тиббий - фармацевтик терминология вужудга келиши ҳамда фармацевтика соҳаси лексикасининг турли даражадаги лингвистик муаммоларини ўрганиш узок тарихга бориб тақалади. Ўзбек тилидаги айрим фармацевтик терминларининг тарихий келиб чиқишида шарқ табибларининг бир неча авлоди учун юнон олими ва ҳарбий табиби Педаний Диоскориднинг (I аср) “Дори воситалар ҳақида” номли китобининг арабча таржимаси энг эътиборли манба бўлган. Шу боис, Materia Medica ҳақидаги асарларнинг аксарияти мазкур Диоскорид китобига ўхшаш шаклда ёзилган.

Тарққий этиб келаётган даврда ҳам лотин тили муҳим лингвомаданий ҳодиса бўлиб келмоқда. Лотин тилига “ўлик тил” сифатида муносабат билдириб келинишига қарамасдан, ҳозирда кўпгина маҳсус соҳа ва билимлар тармоғига фаол таъсир кўрсатади. А.В. Подосинова фикрича “Зеро лотин тили “ўлик” саналса ҳам унинг “ўлими” мафтункор эди, у минг йиллар олдин ўлган бўлса ҳам кўпгина европа тилларининг (итальян, испан, француз, португал, румин ва бошқалар) онаси саналади, юзлаб тилларга сўз ва терминлар тухфа этган ва рус тили ҳам бундан мустасно эмас”. Умуман олганда ҳозирда лотин тили ва грек тили биология, ботаника, тиббиётнинг анатомия, клиника ҳамда фармация соҳалари ҳисобланган фармакология, фармакогнозия каби мутахассислик фанларда кенг қўлланиб келинади. Турли мамлакатлар тиббий таълимини мувофиқлаштириш (унификация) учун ҳам хизмат қилади. Н.И. Пирогов, И.П. Павлов каби олимлар ўз илмий изланишларини лотин тилида ёзиб қолдирганлар. Қадимда тиббиёт соҳасининг салмоқли асарлари лотин тилида битилган. Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларининг фундаментал фани бўлиб, дори воситалари ва препаратларининг номлари, доривор ўсимликлар номлари, терминологик бирликлар ва фармацевтик номенклатура ҳамда рецептлар хорижий мутахассисларга тушунарли бўлиши учун лотин тилида расмийлаштирилади.

Илмий терминология лотин тили негизда ҳосил бўлган боис, халқаро характерга эга ҳисобланади яъни бутун дунё илм аҳлига етарли даражада тан олинади ва тушунилади. Тез - тез такрорланадиган бўлақлар ва лексик бирликлар асосан ижтимоий- сиёсий йўналишдан иборат бўлган лексик қатлам турли контекстларда учраши барчага тушунарли бўлиши керак, масалан: *иприц, доза, экстракт, настойка, ассистент, студент, форум, стипендия, лаборант, доза ва*

бошқалар. Куйида фармацевтика соҳа терминларини ва номенклатурасини диахрон аспектда кенгрок ўрганиш талаб этилади. Асосий термин ҳисобланган “фармация” ва “фармацевтика” қадимга грек тилидан кириб келган «*pharmakon*», “*dori*”, «*dori- дармон*» кириб келган. Бундан ташқари *pharmakia* (грек. - «**лекарство**») ва *pharmaceutike* (грек. – «доривор») «беморларни даволаш учун дори тайёрлаш ва қўллаш» маъносига қўлланилади <http://mfvt.ru/farmaceutika-eto-farmaciya/>. Неча асрлардики лотин ва грек - лотин тили тиббиётда кенг қўлланилиб келинмоқда: уларни дори воситаларини тайёрлаш учун белгиланган хом ашё номларида, тайёр дори воситаларининг паспорт хужжатида, қўллаш йўриқномаларида ва рецептларда учратишимиз мумкин. Сир эмаски фармация ва фармацевтика ўзининг юқори даражада илмий хусусияти билан ажралиб туради. Ушбу соҳа кимё, физика, ботаника, биология, математика ва бошқа шу каби аниқ фанларга асосланди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги № 415-І- сонли “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 март № 213 – сонли “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорига соҳа терминлари расмий тасдиқланган. Масалан, *dori moddasi* (ингл. *drug, medicinal agent, medicament, medication, medicine, pharmaceutical, remedy, medicinal substance*) тирик организмдан асосан қондан, қон плазмасидан, инсон ёки хайвон тўқима ва аъзосидан, шунингдек ўсимлик ва минераллардан синтез усулида ёки биологик технологияни қўллаган ҳолда олинади. Фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар. *Дори воситалари* (ингл. *medical product, medicinal preparation, medicine, drug, pharmaceutical composition, medicinal substance*) - келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) *фармакопея мақоласи* (ингл. *pharmacopoeial item, certified pharmacopoeial description*) – дори воситаси учун фармакопея қўмитаси томонидан тасдиқланган норматив-техник хужжат.

Замонавий фармацевтик терминология таркибига турли тиллардаги дори воситаларинг номи, дори препаратлари, уларининг шакллари шунингдек рецепт ва қўллаш учун йўриқномалар, кенг қўлланиладиган лексик бирликлар (фёъллар, отлар, аниқловчи, равиш ва предлоглар) кириди.

Фармация ва фармацевтика ривожланишининг дастлабки босқичларида ушбу соҳасининг баъзи асосий тушунчалари пайдо бўлди ва улар лотин тили лексик бирликлари деб юритилди. Келиб чиқиши лотин тилидан олинган кўпгина доривор ўсимлик хомашёлари кейинчалик инглиз тилидаги таржимаси билан қўлланилиб келмоқда.

Бошқа тиллардан терминларни ўзлаштириш замонавий инглиз тили каби фармацевтика терминологиясига ҳам хос хусусият саналади.

Фармацевтика соҳаси терминларини таҳлил қилишда турли мамлакатлар ва умуман дунё фармация соҳаси қонуниятлари ва муоммолари, тор доирада фармацевтик технология, фармакогнозия, фармацевтик кимё, фармацевтик бошқарув ва фармацевтика иқтисодиёти каби фармацевтика саноатининг ривожланиш тарихи ўрганилди. Фармация тарихини ўрганиш аниқ соҳа сифатида ривожланиш босқичларини яъни терминологик бирликларни манбаини ўрганишни талаб этади. Л.А. Гравченко, Л.Н. Геллер жаҳон тарихида қабул қилинган беш давр (ибтидоий жамоа, қадимги дунё, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр) бўлиб ўрганишни таклиф қилган. Ибтидоий жамоа даврида тиббиёт илмий ва халқ тиббиётига ажралди. Халқ табобати тиббиётни ривожланиш босқичини ўз ичига олаган. Минг йиллар давомида исботланган даволаш усуллари (диний эътиқодга асосланган жарроҳлик шакллари) авлодларга етказилиб келинаётган самарали даволаш усуллариандир. Илмий тиббиёт ҳам халқ табобати асосида вужудга келган бўлиб, ҳозирги замонавий тиббиёт амалиётида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Жаҳон фармация тарихида араб доришунослиги ўз мавқеига эга саналади. Араб доришунослигида буюк мутафаккир, файласуф, тиббиёт ва фалаккиёт илмининг билимдони ва тилшунос олим Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал- Хасан ибн Али ибн Сино (Авиценна) билан боғлиқ. Улуғ мутафаккир томонидан беш жилддан иборат бўлган “Тиб қонунлари” асари ёзилган бўлиб, у доришунослик масалалари, оддийдан мураккабгача бўлган 785 доривор воситаларнинг таснифи келтирилган. Асарнинг биринчи жилдида тиббиёт илми – ўткир ва сурункали касалликларнинг таърифи, уларни даволаш ва жарроҳлик, иккинчи жилдида – Доришунослик яъни

табий гиёҳлардан фойдаланиб дори воситалрин тайёрлаш ва уларни қўллаш, учинчи ва тўртинчи жилдида инсон танасидаги касалликларни даволаш юзасидан тавсиялар ва бешичи жилдида Ибн Синонинг шахсий изланишлари, мураккаб таркибли дори воситаларига таъриф ва Европа ва Осиёдаги қадимиги табибларнинг кўлёма манбаларидан фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Боғдодда 754 йилда доришунослик бўйича таълим бериш мақсадида Академия ва биринчи дорихонага асос солинган (европада биринчи дорихона VIII – X асрларда пайдо бўлган). Тарихдан араблар кучли таъсир этувчи моддаларни қўллашдан кўра доривор гиёҳлар билан даволашни тавсия этганлар. Араблар томонидан фармация соҳасига алкаголь (alcohol – spirit – спирт), шарбат (syurp – sirup – сироп) каби янги бирликлар киритилди. Айнан шу даврда доришунослар томонидан биринчи фармакопея яратилди. Араб фармакопеяси кўп тилларга таржима қилинган. Шу даврда қўлланилган 2600 яқин доривор моддалардан 1400 яқини ўсимлик хом ашёсидан олинган.

Ҳозирда ривожланиб бораётган фармация соҳаси илмий – техник, соғлиқни сақлаш амалиёти, ишлаб чиқариш саноати билан ҳамкорликда ривожлана бошлади. Яратилган дори воситалари ва препаратларнинг клиник синовлари, илмий ва лойиҳа тадқиқотлари ўтказилмоқда, бу эса ўз ўрнида соҳа терминологиясини ортиб боришига имкон беради ва фармацевтика ривожига хисса қўшади. Соҳа ва унга оид терминларни тадқиқ этиш орқали (инглиз, лотин тили ва бошқа тиллардан (хусусан араб тили) ўзлашган терминларни) уни ривожланишини ёрита оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хакимова В.М. Роль латинского языка в медицине и в современном мире// Медицинский вестник Башкортостана.–2011.–Т.6, № 3. 139–141 б.
2. Гравченко Л.А., Геллер Л. Н.История фармации: учебно -методическое пособие. – Иркутск, ИГМУ, 2014. – 111 с.
3. D.K. Khudoyqulova., O.S.Akhmedov “Diachronic study of pharmaceutical terms” Journal of Critical reviews. Volume 7, Issue 2, may. 2020. P 117-119
4. D.K. Khudoyqulova, O.S.Akhmedov “Functional and semantic aspects of pharmaceutical terms” EPRA International Journal of research and Development Volume 5, Issue 2, February 2020. P 139-141
5. Абдуллаева Р.М. The form of integration of language discipline in medical education //Ўқув-услубий анжуман «Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда ўқув марказлари ва кафедралараро ўқув-илмий лабораторияларнинг ўрни» – Тошкент, 2013 – Б.71-72.

УДК:811.111.26

ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ ПРОИЗВОДНЫХ СЛОВ С СОПУТСТВУЮЩЕЙ СЕМОЙ "КОЛИЧЕСТВО"

О.В. Шевцова, к.ф.н., доцент, УзГУМЯ, Ташкент

Annotatsiya. Maqolada “miqdor” semasi bilan hosila so‘zlarning ishlashi ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: muallif texnikasi, aktualizator, “miqdor” semasining aktuallashuvi, qo‘shma ma‘no, kuchayish darajasi, qo‘shimcha so‘z yasalishi, umumiy nom, kichraytiruvchi tip, funksional mahsuldorlik.

Аннотация. В статье рассматривается функционирование производных слов с сопутствующей семой "количество".

Ключевые слова: авторский приём, актуализатор, актуализация семы "количество", сопутствующее значение, степень усилительности, супплетивное словообразование, узувальное имя, уменьшительный тип, функциональная продуктивность, экспрессивно окрашенные.

Abstract. The article examines the functioning of derivative words with the accompanying seme "quantity".

Keywords: author's technique, actualizer, actualization of the seme "quantity", concomitant meaning, degree of amplification, supplementary word formation, common name, diminutive type, functional productivity, expressively colored.

Особое место среди производных с сопутствующим значением "количество" занимают производные слова (ПС) со значением незрелости, объединяемые в отдельную словообразовательную категорию, включая ряд суффиксальных и два суффиксально-префиксальных типа.

При употреблении ПС со значением незрелости по "прямому назначению" для обозначения незрелого существа часто наблюдается взаимодействие данной СК с СК субъективной оценки, причём это взаимодействие может быть как внутрисловным, так и междусловным, одноденотатным и разнотенотатным, например:

Вот-вот цыплятки должны вылупиться (РР);

Породистый, шельма ... Котёночка у вас от него нельзя достать? (А.П.Чехов);

Этот солдатик не захотел Мите подарить волчонка (А.П.Чехов);

А налево этак у хлева жёлтенький телёнок стоит и хвостиком мух пугает (М.Зощенко).

Репрезентация производных с суффиксами незрелости в качестве словообразовательной категории позволяет рассматривать их как своеобразные супплетивные производные лексемы жеребёнок, кутёнок, поросёнок, телёнок, цыплёнок, щенок [о супплетивном словообразовании см. Апресян 1972, 29-36].

Окказиональное образование в тексте параллельных с данными лексемами однокоренных производных обычно имеет целью употребление этих производных для отрицательной характеристики лица, например:

Ты куда шапку девал, свинёнок? (А.П.Чехов);

Что же ты делаешь, псёнок? (РР);

Постоянно дерутся как собачата (РР).

Такие образования лишены экспрессии ласки, характерной для именованного ребёнка через зоонимы (котёнок, цыплёнок, верблюжонок, медвежонок и т.д.).

На наш взгляд, взаимодействие СК незрелости и субъективной оценки проявляется через уменьшительные типа мужичонок (мужичонка), старушонка, собачонка, лошадёнка, бородёнка, душонка, деньжонки (деньжата), в которых омонимия или внешнее сходство суффиксов подкрепляется коннотациями подлинной или мнимой незначительности, неполноценности. Это подтверждается формой множественного числа деньжата (наряду с деньжонки), характерной для ПС со значением незрелости, а также некоторых фитонимов (маслята, опята).

Наряду со стилистически нейтральным обозначением человеческого детёныша – ребёнок – используются и экспрессивно окрашенные производные, например: В соседней комнате плачет детёныш приехавшего погостить родственника (А.П.Чехов);

Вскоре княжна Тараканова родила в каземате орловского выроodka. А сама она вскоре умерла ... и ребятёнок тоже, кажется, умер (М.Зощенко).

На периферии данной СК, очевидно, можно рассматривать такие производные как малютка, малявка.

Производные зоонимы могут использоваться для характеристики (как правило, отрицательной) и взрослых лиц, например:

На неё глядят как на диву, от него же сторонятся, как от пигмея, покрытого лягушечью слизью; а между тем эта европейская дива связана с этим лягушонком завиднейшей, благороднейшей связью (А.П.Чехов).

Такое употребление может быть объяснено, в частности, устойчивым мужским родом для обозначения детёныша и отсутствием в данном случае специального имени для лица мужского пола.

Широко распространено использование образований со значением незрелости от имён мифических существ (бесёнок, дьяволёнок, чертёнок) в переносном значении применительно к лицу, независимо от пола (иногда и от возраста), например: Она настоящий бесёнок (РР).

Продуктивность СК "незрелость" ограничена экстралингвистически: число наименований лиц и животных, от которых могут быть образованы ПС со значением незрелости, пополняется незначительно.

Однако функциональная продуктивность данной СК подтверждается именами собственными, и образованиями от имён собственных, и использованием данных производных в переносном значении, например:

Мельник Болтунёнок соскочил вниз, осмотрел и ощупал шестерни (С.Т.Аксаков);

Это было главным для него, а потом уже Гегель и "гегелята" (как он говорил), гегелизм, ценный им, но имеющий в его глазах всё-таки косвенное отношение к "русскому началу" (М.Лобанов);

Из сухопутных крыс они превращаются в морских волков и волчат (ТВ).

Личные существительные, семантическая структура которых включает сопутствующую или потенциальную сему "количество", в тексте часто употребляются со словами-актуализаторами этой семы, например:

Большой руки подлец! Сейчас же донесёт, ежели что ... (А.П.Чехов);

А для своих-то современников он был большой подлец (М.Зощенко);

Вот это какой был коварный подлец! Впрочем, мамаша его была не менее подловата (М.Зощенко);

По словам Сергея Тимофеевича, оба они с Михаилом Николаевичем были "большие и горячие" крикуны, и говорили, кричали в пору первого знакомства ... больше всего в театре (М.Лобанов);

Такой паршивец, что слов нет! (РР).

Употребление же лексем, "ослабляющих" сему усилительности, можно считать намеренным авторским приёмом, например:

Она была интересная и даже отчасти красавица (М.Зощенко).

Сам факт образования и использования узуального имени лица иногда служит подчёркиванию количественной семы. На наш взгляд, именно так противопоставлено ПС курец узуальному курильщик в следующем микротексте: Мужик ввалился ... насквозь прокуренный; Коляня, и сам курец с детства, увидел впервые в жизни лысину, отливающую табачной желтизной: там проступил никотин (В.Маканин).

Разумеется, это не исключает актуализации семы "количество" в лексеме курильщик (заядлый курильщик, опасный курильщик и т.д.).

Абстрактные существительные с сопутствующей или потенциальной количественной семой также иногда употребляются с различными актуализаторами данной семы в пределах микротекста, например:

Стыд – категория духовная ... Встаёт вопрос: а при Брежнев, выходит, не было стыдно?... Это же вообще был позор, не просто стыд, а стыдоба! (периодика).

В приведённом примере количественно-усилительная специфика семантики ПС стыдоба подчёркивается и сопоставлением с производящим стыд, и употреблением синонима позор, и сочетанием частицы просто с отрицанием не.

Такую же градуальную оппозицию составляют пары жара – жарынь, тепло – теплынь, скука – скукота, смех – смехота, срам – срамота.

Отадъективные абстрактные имена существительные типа ехидца, хитреца, хитринка, чудинка и под., употребляемые обычно в разговорной речи и в художественной литературе, могут служить базой для производных следующей степени усилительности, например: Артамонова увидела, что он простой мужик с хохлацкой хитроваткой в глубине глаз (В.Токарева).

На наш взгляд, сам факт образования окказионального хитроватка наряду с узуальными хитреца, хитринка объясняется необходимостью более тонкой градации количества признака в имени существительном.

Таким образом, выстраивается градуальная оппозиция, подобная оппозиции в СК "субъективная оценка".

Наряду с внутренним, морфемным контекстом взаимодействия СК, исключительно важен внешний контекст, позволяющий взаимодействовать лексическим, словообразовательным, морфологическим и синтаксическим средствам выражения количества.

Аффиксальное оформление, формальное "подтверждение" лексико-грамматических разрядов способствует большей системности организации не только морфологии, но и лексики.

Таким образом, ПС с сопутствующим значением "количество" распадаются на два подтипа: СК незрелости со стандартным соотношением семантики производящих и производных по отношению к количественной семе и все остальные ПС, для которых сема "количество" является необязательной и часто бывает не компонентом значения словообразовательного типа, а "наследством" семантики производящих.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Апресян Ю.Д. Супплетивное словообразование в русском языке // Актуальные проблемы русского словообразования: Материалы республиканской научной конференции (12-15 сентября 1972 г.). – Самарканд, 1972. – С. 29-36.
2. Виноградова В.Н. Стилистика русского языка: Жанрово-коммуникативный аспект стилистики текста. – М.: Наука, 1987. – 228 с.
3. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – М., 1985. – 228 с. Гухман М.М. Понятийные категории, языковые универсалии и типология // ВЯ. – 1985. – № 3. – С. 3-13.
4. Дегтярёв В. И. Категория числа в славянских языках. – Р., 1982.
5. Ефимов В.И. Определение качества и количества как системы дефиниций. – Ростов-на-Дону: Изд-во Рост. ун-та, 1973. – 96 с.
6. Земская Е.А. Русская разговорная речь: лингвистический анализ и проблемы обучения. – 2-е изд., перераб. и доп. – М., 1987. – 238 с.

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ

Ш.М. Юсуфжонов, ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек ва немис халқи фразеологизмлари, лингвист олимларнинг фикрлари ўқиб ўрганилиб маълум даражада таҳлил қилинган, ҳамда қиёслаб ўрганилган. Нутқ жараёнида қўлланиладиган тилни бойишига ёрдам берадиган иборалар ўзбек тилига таржима қилиниб изоҳлари келтирилган.

Калит сўзлар: Немис тили, фразеологизм, лексик, семантик, грамматик, тадқиқот.

Аннотация. В данной статье фразеология узбекского и немецкого народов, взгляды лингвистов были изучены и в той или иной степени проанализированы, а также сопоставлены. Фразы, используемые для обогащения языка, используемого в речевом процессе, были переведены на узбекский язык и прокомментированы.

Ключевые слова: немецкий язык, фразеология, лексика, семантика, грамматика, исследование.

Abstract. In this article, the phraseology of the Uzbek and German peoples, the views of linguists have been studied and, to one degree or another, analyzed and compared. The phrases used to enrich the language used in the speech process were translated into Uzbek and commented on.

Keywords: German, phraseology, vocabulary, semantics, grammar, research.

Тил – ҳар бир халқнинг энг муҳим миллий маънавий бойлигидир. Ҳозирги глобаллашув даврида бирор бир давлатни ижтимоий, маданий, сиёсий ва адабий алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу алоқаларнинг амалий жиҳатдан ривож топиб, такомиллашувида таржима асосий рол ўйнайди. Таржимачилик узоқ тарихга эга бўлсак ҳам, у фан сифатида 70-80 йилларда шакллана бошланди. Тилшуносликда таржима амалиёти, назарияси, унинг маданиятлар тарихидаги роли, бадиий моҳияти каби масалаларини тадқиқ қилиш анча жонланиб кетди. Таниқли таржимашунос Ғ.Т. Саломов бадиий таржимани “Дўстлик кўприги”га қиёс қилганда нақадар ҳақ эканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Зеро, бадиий таржима ”дўстлик кўприги”ни боғловчи асосий риштадир. Таржима - бу муракаб жараён ҳисобланиб унда лексик-грамматик маънони бир тилдан иккинчи тилга берилиши ва маъно кампонентларнинг тўла сақлаб қолиш асосий масаласидандир. Таржимадаги лексик-грамматик ва референсиал маъно кўпчилиги олимлар томонидан денотатив маъно шаклида берилган бўлиб, Лексик-грамматик маънони асосини предметлилик маъносини ифодалайди.

Ҳозир миллий маданиятларини ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирини бойитиб, тўлдириб ривожланаётган қардош халқларнинг ҳамдўстлик алоқалари чуқур ижтимоий заруратга айланган барча миллий маданиятларнинг энг яхши анъаналарини умумлаштириб, уйғунлаштириб тараққий топаётган ҳозирги пайтда бу масалани янги давр шароитида тадқиқ қилиш актуал тус олди. Маълумки, олимларимизнинг тадқиқотларидан кўриниб турибдики, мақоллар, маталлар ва фразеологик иборалар бадиий асарларда миллий колоритни ифодаловчи энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Таржимада мақол, матал ва фразеологик иборалар хусусида талайгина тадқиқотлар мавжуд. Фразеология ҳар бир тилнинг муҳим қатлами ҳисобланиб, унинг ўзига хос хусиятларини яққол кўзга ташланишида муҳим роль ўйнайди. Фразеологиянинг тилда қанчалик кўп бўлиши тил имкониятларининг шунчалик кенглигини кўрсатади. Фразеологиялар (мақол, матал ва идиомалар) халқнинг ўмиши, тарихи, анъаналарн, урф - одати ва маданиятини ўзида яққол акс эттиради. Шу билан бирга, фразеологизмларда халқнинг ёрқин миллий хусиятлари мужассам бўлади, улар чуқур ва бой маънога эга бўлиши билан бир қаторда, нутққа алоҳида кўрк ва таъсирчанлик бағишлайди. Фразеологик луғатлар ҳам лексик луғатларнинг бир қисми бўлганлиги сабабли улар билан ишлаш таржимонга таржимада катта кўмак беради. Фразеологизмларнинг ўзига хослиги шундаки, унинг ёрдамида нутқнинг таъсирчанлигини ошириш мумкин. Фразеологизмларнинг шаклланишида унинг кампонетлари муҳим ҳисобланади.

Фразеологизмларни маъносидан ташқари турли хил тиллардаги ибораларни тузилиши, улардаги лексемаларни қўлланилиши ва уларнинг лингвомаданий функцияларини таққослаш орқали ҳам ушбу тиллардаги ўзига хосликни аниқлаш мумкин бўлади. Немис ва ўзбек тиллари мутлақо бошқа тил оилаларига мансублигига қарамай ҳар иккала тилларда турғун бирикмаларни учратиш мумкин. Уларни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилганда эса ибораларни нафақат мазмуни, балки синтактик тузилиши ҳам сақланиб қолади.. Бу албатта ўзга халқларнинг тилларини таржима қилишда бир-бирига мос бўлган кўплаб мақол, матал ва идиоматик иборалар борлигини

кўрсатиб ўтади. Масалан ўзбек тилидаги “ Балиқ бошидан сасийди” мақолига “ немис тилидаги “ Der Fisch fängt am Kopfe an zu stinken “. Ёки бўлмаса ўзбек тилидаги “Нимани эксанг, шуни ўрасан” мақолига немис тилидаги “ *Wie die Saat, so die Ernte*“ мақоли тўғри келади. Фразеологик бирликларни таржима тилида қайта яратиш жуда мураккаб бўлиб, таржима қилинаётган мақол, матал ёхуд идиомалар аслият тили билан узвий боғлиқлиги ва шу тилнинг вакили- миллат тарихи, турмуш тарзи, урф-одати, маданияти, ўзига хос миллий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Ушбу ҳолатда эса таржимонни ўз ишига катта масъулият билан ёндашишига ҳар бир тадқиқ устида бош қотиришига тўғри келади. Бунинг учун албатта таржима қилинаётган тилни мукамал билишлик тақозо этади. Фразеология мураккаб ва кўп аспекти бўлгани учун кейинги йилларда у хилма-хил методлар, усуллар ёрдамида ўрганилмоқда. Бу метод ва усуллар бир-бирини тўлдирди ва фразеологизмларнинг хилма-хил томонларини, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини, валентлик (бирикувчанлик) имкониятларини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Немис сўзлашув тили луғат таркибининг бойиб бориши ҳозирги даврда кўпроқ тилнинг ўз ички имкониятлари асосида содир бўлмоқда. Янги лексик бирликлар пайдо бўлишининг энг маҳсулдор усули сўз ясалиши бўлиб, унинг таркибида асосий ўринни кўшма сўз ясалиши эгаллайди. Тилда олдиндан мавжуд сўзлар маъносининг ўзгариши натижасида кўчма маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиши сўзлашув лексикасини бойитишнинг маҳсулдор усуллари билан бири бўлиб, бунда метафорик ва метонимик кўчим, маъно кенгайтиши ва торайиши натижасида янги кўчма маънолар ҳосил бўлади. Экспрессив маънога эгаллиги, ифодавийлиги сабабли янги фразеологизмлар тил тизимида доимий равишда пайдо бўлади. Ушбу услуб нафақат лексик бирликларни таржима қилишда, балки фразеологик бирликлар таржимасида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, немис тилидаги *Es regnet wie aus Eimern* фраземасини худди шундай ҳолатни ифодаловчи ўзбек тилидаги *Ёмғир челақтаб ёғаяпти* ибораси билан ҳеч қандай қийинчиликсиз алмаштириш мумкин. Баъзи ҳолларда ибора эмоционал-экспрессив маънога эга бўлиб, тилдан ташқари бўлган маълум кўринишлар, ҳолатларни ифодалаш мумкин. Ушбу ҳодиса ўрганилган ҳолда таржима қилинаётган тилдаги мавжуд ибора орқали ўтирилиши мумкин. Масалан, бир ишни бажараётганда кўпчиликнинг аралашуви яхши натижага олиб келмаслигини немис тилида *Viele Köche verderben den Brei* (сўзма-сўз: *ошпаз кўп бўлса, бўтқа бузилади*) десалар, ўзбек тилида бу иборанинг маъноси *кўйчивон кўп бўлса кўй харом ўлади* ибораси орқали очиб берилиши мумкин.

Тилшунослик фанида “ ҳикматли сўзлар” номи билан таниш бўлган авлоддан авлодга ўтиб келаётган яратилишига кўра ўз тарихига эга бўлган турғун сўз бирикмалари таржимаси ўзига хос мураккабликлар билан ҳам ажралиб туради. Бир томондан, улар фраземалр каби турғун шакл ва турғун кўчма маънога эга бўлган ҳолда, иккинчи томондан, фақат ўзига хос маъноларни ифодалайди. Ушбу фраземалардаги маъно баъзан уни биринчи марта ифода этган шахс номи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан дастлаб қўлланган бадий асар билан ассоциацияланади. Шу нуктаи назардан, бундай бирликларни таржима қилишда асосан уларни сўзма сўз таржима қилган ҳолда, уларнинг маъноларини эркин сўз бирикмалари ёрдамида изоҳлаш талаб этилади.

Масалан, Т.

- *Ich weiß, daß ich nichts weiß* – мен ҳеч нарса билмаслигимни биламан — деб, Сукрот томонидан билдирилган ушбу эътироф барча тилларга сўзма сўз таржима қилинган. Юлий Цезарнинг “*veni, vili, vici*” - деган фразаси

- “*Ich kam, ich sah, ich siegte*“ – мен келдим, кўрдим ва енгдим”, деб таржима қилинган. Инжилдан олинган *Auge um Auge, Zahn um Zahn* ибораси – кўзга кўз, тишга тиш, яъни жонга жон, қонга қон маъносида ўтирилиши мумкин.

Лессингнинг “Эмилия Галотти” асаридан олинган *weniger wäre mehr* -ибораси ортиқча уринишга ҳожат йўқ тарзида ўтирилиши лозим. Г.Гейненинг Erinnerung – эсдаликлар рисоласидан олинган *Warum in die Ferne schweifen* - (*Sieh, das Gute liegt so nah*)-яъни узоққа бориб нима қиласан,қара, гўзаллик ёнингдаку! ибораси -> ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу, деб ўтирилса максалдга мувофиқ бўлади. Ёки в Гётенинг “Фауст”идан - *es irrt der Mensch; solange er strebt* - ҳаракат қилган хато ҳам қилади. Яна шу асардан - *das also war des Pudels kern!* – мана масаланинг моҳияти қаерда экан!

Қисқача хулоса тарзида таъкидлан лозимки, немис ва ўзбек тилларидаги мақол, матал, ҳикматли сўзлар ўзига хос миллий-маданий, лисоний хусусиятларга эга бўлишлари билан бир қаторда улар ўз мазмун - моҳиятларига кўра бир қатор умумийликка ҳам эга. Айнан ушбу умумий хусусиятлар луғат тузишдаги таржима жараёнида яққол кўзга ташланади. Биринчи томондан фарқли ҳолатлардан кўра, умумийлик устунроқ эканилиги намоён бўлди.

Ўзбек фразеологиясида фразеологизмларни структурал-семантик жиҳатдан тасниф қилиш, уларнинг функционал ва услубий хусусиятларини ўрганиш, ибораларнинг шаклланиш жараёнини

тадқиқ этиш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Фразеография тарихининг қисқача обзори шундан далолат берадики, тилларнинг фразеологик бойлигини йиғиш ва системалаштириш, уларни луғатларга киритиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилган, бой тажриба тўпланган. Шу билан бирга фразеограф олимлар олдида бу соҳада ҳал этилиши зарур бўлган қатор долзарб муаммолар ҳам мавжуд. Тилимизнинг умумий кўп жилдлик изоҳли фразеологик луғатини яратиш устида олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, тарихий, этимологик фразеологик луғатлар, фразеологик синонимлар, фразеологик антонимлар луғатларини тузишга киришиш лозим ва бу йўлда олимларимиз тилимиз фразеографияси ривожига самарали таъсир кўрсатиб, янги-янгидан фразеологик луғатларнинг яратилиши учун замин ҳозирламоқдалар. Келгусида бу луғатлар янада такомиллаштирилади, кенгайтирилади, янги иборалар изоҳи билан тўлдирилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гачиладзе Г.Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи М.: “Советский писатель”, 1980
2. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. Тошкент: “Фан”, 1977.
3. Левий И. Искусство перевода. М.: “Прогресс”1974
4. Nemischa – o'zbekcha maqol va matallar.- Toshkent: Mumtoz so'z, 2013.
5. Пушкин А.С. Полное собрание сочинений. В 10 томах. Т. 7. М., 1964.
6. Россельс Вл. Сколько весит слова. - М.: “Советский писатель”, - 1984. .
7. Nazarov P. Nemischa – o'zbekcha maqol va matallar.- Samarqand. – 2001.
- 8.Thihingen 1999. Handbuch Translation. Thübingen, Staffenbe
9. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка.- М.: 1986 г.
10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологизмларининг изоли луғати Тошкент, 1982 йил
11. Маматов А.Э. Ўзбек фразеологияси (Ўқув қўлланма).Тошкент, 2019 йил

УЎК 811.161.1'27

ИМПЕРАТИВЛИК ИФОДАСИДА ХИТОБАТ ИМКОНИАТЛАРИ

К. Юсупова, мустақил изланувчи, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада реклама матнларида ҳам, кўпинча, худди тилнинг умумий қонуниятларида акс этганидек, риторик сўроқ гаплар баъзан соф сўроқ гап шакли билан, кўпинча эса махсус лексик-морфологик ва фонетик воситалар орқали ҳосил қилиниши мисоллар ёрдамида ўз исботини топган.

Калит сўзлар: риторик сўроқ гап, соф сўроқ гап, буйруқ гап, қиёсий-типологик таҳлил.

Аннотация. В данной статье говорится, что и в рекламных текстах риторико-вопросительные предложения образуются в виде чисто вопросительных предложений, часто специальными лексико-морфологическими и фонетическими средствами, что отражается в общих закономерностях языка. риторико- вопросительное предложение, чисто вопросительное предложение, повелительное предложение, сравнительно-типологический анализ

Ключевые слова: риторико- вопросительное предложение, чисто вопросительное предложение, повелительное предложение, сравнительно-типологический анализ

Abstract. In this article, it has been proved by examples that rhetorical interrogative sentences in the advertising texts, are sometimes formed in the form of general interrogative sentences, and often by special lexical-morphological and phonetic means as reflected in the general laws of language.

Key words: rhetorical interrogative sentence, general interrogative sentence, imperative sentence, comparative-typological analysis.

Буйруқ мазмунини ифодаловчи сўроқ гаплар сўроқ-буйруқ гап ҳисобланади. Сўроқ-буйруқ гаплар шакл томонидан сўроқ воситаларнинг иштирок этишига кўра сўроқ гап ҳисобланса ҳам, лекин у мазмунан буйруқни ифодалайди. Шунинг учун ҳам буйруқ гаплар билан мазмуний парадигматик муносабатга киришади. Буйруқ гапларда ҳам шакл ва мазмун ўртасида икки хил зиддият мавжуд бўлади: 1) ифода мақсадига кўра зиддият (сўроқ шакли орқали буйруқ мазмунининг ифодаланиши), 2) тасдиқ-инкор белгисига (сўроқ гапнинг бўлишсиз шакли орқали ахборот ифодалаш ёки бўлишли шакли орқали ахборот ифодалаш). Императивликни сўроқ гап шакли орқали берилиши услубий қимматга эга бўлади. Сўроқ гап шакли орқали ифодаланган буйруқ мазмуни буйруқ гап шакли орқали ифодаланган буйруқ мазмунига нисбатан майнрок бўлади.[3, 30]

Тилнинг умумий қонуниятларига кўра реклама матнларида ҳам кўпинча риторик сўроқ гаплар баъзан соф сўроқ гап шакли билан, кўпинча эса махсус лексик-морфологик ва фонетик воситалар орқали ҳосил қилинади. *Наҳот(ки)* юкламаси орқали ҳосил қилинган риторик сўроқ гаплар таажжуб маъноси билан боғлиқ бўлиб, баъзан жавоб талаб қилади, баъзан эса йўқ. Жавоб

талаб қилмаганда хитоб, жавоб талаб қилганда, сўроқ оҳанги устун бўлади: *Наҳотки, сиз Tide кир ювиши кукунининг бундай хусусиятларидан беҳабар бўлсангиз?!*

Риторик сўроқ гапларнинг реклама матнларида ҳам уюшиб келиши мумкинлиги кузатилади. Бундай чоғда воқелик инкор этилади ва маъно кучайтирилади. Айрим ҳолларда сўроқ-инкор махсус воситалар орқали яна инкор этилиши мумкин. Гапнинг коммуникатив турлари тизимида сўроқ гаплар алоҳида ўрин тутиши табиийдир. Одатда сўроқ гаплар дейилганда сўзловчига номаълум бўлган воқелик ҳақидаги сўровни ифодалаб, махсус сўзлар воситасида ёки алоҳида оҳанг билан талаффуз этилиб, охирида сўров белгиси қўйиладиган гапни тушунамиз. Улар диалог шаклидаги нутқ намунасида кўпроқ кузатилади. Қайд этилганлар сўроқ гапларнинг дастлабки умумий белгилари бўлса, ҳар тил хусусиятига кўра унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам кўзга ташланади. Реклама тилида риторик сўроқ гаплардан фойдаланишда таржима жараёнида ҳар бир тилнинг ўзига синтактик хосликлари, жумладан, риторик сўроқ гаплар борасидаги хусусиятларини эътиборга олиш жуда муҳим. Ана шундагина ўзбек оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган рекламалардаги айрим ноқулайликлар юзага келмайди.

Албатта, инглиз ва ўзбек тилларида риторик сўроқ гапларнинг структурал-семантик хусусиятлари [5] масаласи бир қадар ўрганилган. Инглиз тилидаги риторик сўроқ гаплар хусусиятлари ёритилган кўп сонли илмий адабиётлар мавжуд [1].

Умумий жиҳати ҳар иккала тилда сўроқ гаплар унда ифодаланаётган сўровнинг мазмунига кўра уч турга бўлинади: а)соф сўроқ гаплар: *Ким чақираяпти? Who is calling?* б)сўроқ-буйруқ гаплар: *Тезроқ юра оласизми? Can you walk quickly?* в) риторик сўроқ гаплар: *If your friend jumped off the bridge would you do it too? Agar шеригингиз ўзини кўприкдан ташласа, сиз ҳам ташлайсизми?*

Табиийки, сўроқ гаплар тизимида риторик сўроқ гаплар грамматик жиҳатдан ҳам, мантик нуқтаи назаридан ҳам, услубий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Риторик сўроқ гапларда, одатда, сўроқ ичида унинг жавоби ҳам англашилиб туради ва ҳиссий нутқда услубий восита сифатида қўлланилади. Услубий восита сифатида қўлланилганда риторик сўроқ гаплар сўроқ шаклида бўлсада, ҳеч қандай жавоб талаб қилмайди, балки сўроқ гап ёрдамида ифодаланган ахборотни таъкидлашга, уни тингловчи томонидан тасдиқланишига эришиш учун қўлланилади. Шу боисдан ҳам айрим ҳолларда риторик сўроқ гаплар охирида сўроқ белгиси қўйилмайди. Риторик сўроқ гаплар тўғридан-тўғри жавоб талаб қилмасда-да, кўп ҳолларда суҳбатдош билан мулоқотни бошлаш воситаси ёхуд суҳбатдошнинг эътиборини бирон масалага қаратиш воситаси сифатида ҳам қўлланилади. Кўпинча риторик сўроқ гаплар ёрдамида жавоб берилиши қийин бўлган даъват ёхуд чақириқ акс эттирилади. Шу боис ҳам риторик сўроқ гап инкор маъносидаги тасдиқ сифатида юзага чиқади. Масалан: *What have the Romans ever done for us? (Monty Python)* сўроқ гапи “*Римликлар биз учун нима қилиб қўйинти?*”, яъни инглизча “*The Romans have never done anything for us*” (*Римликлар биз учун ҳеч нарса қилмаганлар!*) маъносини ифодалаш учун қўлланилган. Шунга ўхшаш тарзда У. Шекспирнинг “Юлий Цезар” асарида Марк Антоний ҳам:

– *Here was a Caesar! When comes such another?—Бу ерда Юлий Цезар бўлган! Яна бунақаси қачон келади?*, деб хитоб қилади ва бу билан Юлий Цезарда бошқаларда камдан-кам учрайдиган ноёб қобилият бўлганига ва бундай қобилиятли инсон яқин орада туғилмаслигига ишора қилади.

Тилшуносларнинг риторик сўроқ гаплар оғзаки ва ёзма нутқнинг турли жанрларида, айниқса, назмий асарларда воқеа-ҳодиса ёхуд ахборот таъсирчанлигини орттиришда услубий восита сифатида қўлланилади, деган мулоҳазалари айни реклама тилига ҳам хосдир. Реклама матнларида ҳам эслатиб ўтилган саволга нисбатан метафора сифатида кўп учрайди. Шунинг учун риторик сўроқ гапларнинг бу тури кўпинча “риторик дарак гап” деб ҳам юритилади ва саволнинг жавоби яна бир бошқа юмористик характердаги савол ёрдамида аниқланади. Масалан,

- *Is the sky blue?*
- *Is the sun hot?*
- *Is the Pope Catholic?*

Баъзи риторик сўроқ гаплар инглиз тилида идиоматик характердаги бирикмаларга айланиб улгурган. Масалан:

- *What's the matter with you?*
- *Сизга нима бўлди? Тупна-тузук эдингизку?*
- *Don't you know any better?*
- *Тузукроқ жавобингиз йўқми?*
- *Have you no shame?*
- *Уялмайсизми?*
- *Are you crazy?*
- *Жиннимисиз?*

- *How should I know?*

- *Мен қаёқдан билай?*

Ҳозирги инглиз тилида литота, антитеза, полисиндетон, асиндетон, клаймакс каби қатор услубий фигуралар (воситалар) борки, улар кўп ҳолларда риторик сўроқ гап ҳосил қилишда фаол иштирок этадилар. Улардан кўп учрайдиган воситалардан бири литота саналади. Инглиз тилидаги гапларда инкор маъноси фақат бир восита (гапбўлаги) орқали ифодаланади. Литота деб аталмиш услубий фигура эса гапдаги информацияни кўшалоқ инкор воситалари орқали ифодалаш билан риторик савол ҳосил қилади. Масалан: *Not bad.*" - *"Good. Ёмон эмас– Яхши. It is no ordinary city. – It is a very impressive city. Кўримсиз оддий шаҳарлардан эмас – Анча диққатга сазовор шаҳар.*

That sword was not useless to the warrior now. - The warrior has a use for the sword now – Бу қилич жангчи учун кераксиз эмас. Жангчи учун керакли анжом.

Реклама тили риторик сўроқ гаплар борасида ўзига хос жиҳатларини намоён қилмоқда. Гап шундаки, айрим рекламаларда риторик сўроқ гапларга жавоб бериш билан томошабин зехнига таъсир мақсади кўзланган. Масалан, *дам олиш кунингизни машина бозорида ўтказмоқчимисиз?– Йўйўқ!*

М.Юнусованинг инглиз ва ўзбек тилларида сўроқ гапларнинг мутаносиблиги масаласида қарашларининг айрим жиҳатлари реклама тилига ҳам алоқадорлик касб этади [4, 33-36]

Ҳақиқатан, тиллараро мутаносиблик масаласини ёритиш учун типологик тадқиқотлар асосида олинган маълумотларга таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Типологик тадқиқотлар синтаксисда асосан, қиёслаш, таққослаш характерига эга. XX асрнинг охириги чорагидаги назарий тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар тизимини қиёсий ва типологик тадқиқ қилишдаги муаммоларига бўлган қизиқишидадир. Бунда қариндош ва қариндош бўлмаган тилларнинг қиёсий таҳлили методи борасидаги вазифалар ёки тилнинг турли соҳалари типологияси нуқтаи назаридан таҳлили туради.

Охириги пайтларда тилларни қиёслаб ўрганишда лингвистик типологиянинг қиёсий услуб билан яқинлашуви кузатилмоқда. Бунда тилга қиёсий типологик жиҳатдан ёндошиш мақсад қилиб қўйилган, яъни амалий мақсадлардаги мавжуд ўхшашлик ва фарқларнинг таҳлили типология доирасида ўтказилади. Қиёсий-типологик тадқиқотлар ўз табиатида кўра, соф қиёсий ва ҳақиқий типологик тадқиқотлар орасидаги кўприк бўлиб хизмат қилади, демак, умумий ва алоҳида хусусиятларга эга. Чунки қиёсий-типологик анализ ҳақиқий типологик тадқиқотлардан кўпроқ амалий йўналиши билан фарқланади. Тил фактларига қиёсий типологик ёндошув натижасида юзага келган материаллар қиёсланаётган тилда бошқа тилни қўллаш таъсирида юзага келган маълум тилдаги шакллари таъсирининг юзага келиши–интерференциядан устун келишига йўл очиб беради. Шу билан бирга қиёсий-типологик тадқиқот натижаларидан таржима назарияси учун лингвистик база яратишда фойдаланиш мумкин, чунки улар таржиманинг қонуниятлари учун лингвистик асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилида реклама матнлари таржимаси асосида пайдо бўлган *жуда оқ* ифодасининг пайдо бўлишини изоҳлаш таржима назарияси билимдонларини ҳам бир қадар қийнаб қўяди.

Қиёсий типологик тадқиқотлар учун тилларнинг генетик қариндошлиги аҳамиятга эга эмас. Тил материалининг қиёсий-типологик таҳлилида қиёслаш учун асос қилиб ҳар қандай факт ёки тил фактларининг барчаси олинади. Натижада дунё тилларининг, уларнинг қариндошлигидан қатъий назар ялпи, (универсал, яъни барча тилларга хос), умумий ва яқка тартибдаги юзага чиқиши тилшуносларнинг асосий эътиборлари қаратилган назарий тилшуносликнинг ҳозирги кунда ривожланишида икки ёки ундан ортиқ тил материални ўрганишда қиёсий-типологик ёндашувни фойдалироқ усул деб ҳисобласа бўлади. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларидаги риторик сўроқ гаплар ўртасидаги мутаносиблиги масаласига келсак, биринчи навбатда риторик сўроқ гапларнинг синтактик таркибини диққат марказида тутмоқ лозим бўлади. Сўроқ гаплар соф сўроқ семасини ифодалаганда унинг шакли ва мазмуни ўртасида мутаносиблик бўлади. Бошқа ҳолатларда номутаносиблик кузатилади. Шунга асосан сўроқ гаплар шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабатга шакл ва мазмун мутаносиб бўлган сўроқ гаплар ҳамда шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гапларга ажратилади.

Шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гапларнинг таркибида сўроқ воситалари иштирок этиб, фақат шакл томонидангина сўроқ гап саналади. Лекин сўзловчининг нияти ўзига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида сўраш эмас, балки ўзига маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот бериш бўлади.

Инглиз ва ўзбек тиллари бу борада бир-бирига яқин туради. Масалан, маълум воқеани амалга оширишга даъват этиш мазмуни ифодаланган *Won't you come in? – Кирмайсизми?* гапларини

қиёслайлик. Ҳар иккада тилда ҳам шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гапларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) сўроқ-дарак гаплар; 2) сўроқ-буйруқ гаплар.

Тилнинг морфологик имкониятлари унинг ифода қуввати асоси, дейиш мумкин. Масалан, қадимги инглиз тили морфологик шаклларга бойлиги, демак, морфологик маъноларни ифодалаш имконияти кенглиги билан ажралиб турса, ўрта асрлар тили бошқа тиллар таъсирида қўшимчалар ихчамлашган давр сифатида характерланади. Ҳозирги инглиз тили эса —қўшимчалар йўқолган давр сифатида шаклланган. Демак, инглиз тилида флектив воситалар (қўшимчалар) анча қисқариши сабабли бу тилда аналитик шакллар анча ривожланган. Аналитик тилларда эса, маълумки, сўз тартиби қатъий орага кириб қолган. Турли грамматик маъноларни ифодалайдиган флектив элементлар (қўшимчалар) англатган маъноларни аналитик шакллар, қолаверса сўз тартиби ҳам англатаверади. Масалан, ингиз тилида кесими ўтимли феъллар албатта, ўзидан кейин феъл маъносини тўлдириб келадиган элемент – тўлдирувчини талаб қилади. Масалан: *I saw him*. Натижада гап S + V + O қолипига киради. Кесими ўтимсиз феъл билан ифодаланган гаплар эса тўлдирувчи талаб қилмаслиги боис S + O қолипини олади. Ўзбек тилида эса морфологик воситалар яхши ривожлангани учун бу тилда кесим ўзиёқ шахс категориясини бемалол англата олади. Масалан: *кўрдим, кўрдинг, кўрди...* кўринадик, феъл таркибига қўшилган қўшимчалар эга маъносини бемалол ифодалаб бераёпти. Шу боис ҳам улар гап таркибидан жой олмаган. Демак, гаплар эгасиз, бир составли, яъни фақат кесимдан иборат гап сифатида қўлланилаяпти. Инглиз тилида эса таркибидан феъл қўлланилган гаплар бир составли бўлиши мумкин эмас. Чунки феълга мансуб флектив элементлар ҳаракат бажарувчиси ёки мавжуд ҳолатни бошдан кечирувчи эгани кўрсатиб бера олмайди. Масалан, *I saw your eyes and fell ill. What am I to do now?*

Риторик сўроқ гаплар реклама учун ниҳоятда зарур, унинг таркибий қисмларидан саналган экспрессивлик ифодалашда имкониятлари каттадир. А.Абдуллаевнинг ёзишича, “Экспрессивлик ифодалашда синтаксиснинг имкониятлари шунинг учун ҳам кенг ва бойки, унинг объекти гаплардир”. [2, 6] Сабаби гап нутқнинг асосий бирлиги сифатида тафаккур ва алоқа учун хизмат қилади. Риторик сўроқ гапларда бундай гапнинг кесими тасдиқ шаклда келади: *Халқ озмунча қора кунларни бошдан кечирдим!* (Ч.Айтматов).

Риторик сўроқ гапларда гапнинг инкор шакли орқали кучли тасдиқ маъноси, аксинча тасдиқ шакллари орқали кучли инкор маънолари ифодаланади. Бундай гапларда сўзловчининг ёки ўзга шахснинг руҳий ҳолати ўта таъсирчанлик билан тасвир этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Burton O., Brigham Young University. "Rhetorical Questions". Specialized language definitions. Retrieved on 2007-10-19.; Brian's, Washington State University. "Common Errors in English". Grammatical Errors in the English Language. Retrieved on 2007-10-19.; Kruez, Aaron Ashley, and Kathryn Bartlett, University of Memphis. "Twisting Arms: Figurative Language Effects in Persuasive Discourse". Psychology research paper. Retrieved on 2007-10-19.; Truss, Lynne. *Eats, Shoots & Leaves*, 2003.p. 142. ISBN 1-592-40087-6
2. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. –Тошкент: Фан, 1987. –Б. 6.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б. 30.
4. Юнусова М.Р. Инглиз ва ўзбек тилларида сўроқ гапларнинг мутаносиблиги // 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»га бағишланган «Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. 3-бўлим. –Нукус, 2019. –Б. 33 –36.
5. www.znanio.ru

LEARNERS' PSYCHOLOGY AS ONE OF THE MAIN ISSUES INFLUENCING LANGUAGE LEARNING PROCESS

G.G. Abdullayeva, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada til o'rganish jarayonida ikkinchi til o'rganuvchilarning psixologiyasi va affektiv sohasining ahamiyati muhokama qilinadi. Insonlarning his-tuyg'ulari va munosabati, ishonishlari va qadrlashlarini tushunish ikkinchi tilni o'zlashtirish nazariyasining o'ta muhim jihati. Endi biz inson xulq-atvoridagi shaxsiyat omillari va ularning ikkinchi tilni o'zlashtirish bilan qanday bog'liqligini nazariy jihatdan ko'rib chiqamiz.

Kalit so'zlar: Ikkinchi tilni o'zlashtirish, affektiv soha, kognitiv, motivatsiya, xulq-atvor, taksonomiya.

Аннотация. В этой статье обсуждается важность психологии и аффективной области изучающих второй язык в процессе изучения языка. Понимание того, как люди чувствуют, реагируют, верят и ценят, является чрезвычайно важным аспектом теории овладения вторым языком. Теперь мы переходим к теоретическому рассмотрению личностных факторов в человеческом поведении и их отношения к овладению вторым языком.

Ключевые слова: овладение вторым языком, аффективная область, когнитивный, мотивация, поведение, таксономия.

Abstract. This article discusses the importance of psychology and affective domain of second language learners in the language learning process. Understanding how human beings feel and respond and believe and value is an exceedingly important aspect of a theory of second language acquisition. We turn now to a theoretical consideration of personality factors in human behaviour and how they relate to second language acquisition.

Key words: Second language acquisition, affective domain, cognitive, motivation, behaviour, taxonomy.

Second language acquisition (SLA) is such a cycle that is described by learning a language notwithstanding one's first language. Speculations of second-language obtaining are different speculations and theories in the field of second-language procurement concerning how individuals gain proficiency with a subsequent language. Research in second-language securing is firmly identified with a few disciplines including etymology, sociolinguistics, brain science, and instruction, and therefore most speculations of second-language obtaining can be recognized as having establishes in one of them.

Every one of these speculations can be considered as revealing insight into one piece of the language learning process; be that as it may, nobody general hypothesis of second-language securing has yet been broadly acknowledged by scientists. It is consistently dependent upon variety since certain individuals gain proficiency with another dialect more rapidly and effectively than others. Unmistakably, some language students are fruitful by their extraordinary aspiration, difficult work and diligence.

Inward factors are those that the singular language student carries with the person in question to the specific learning circumstance. These variables are the age of the student, character, inspiration, experience and local language. Outside factors are those that portray the specific language learning circumstance. These elements include educational program, admittance to local speakers, guidance and others. To begin with educational plan, for ESL understudies specifically it is vital that the entirety of their instructive experience is proper for their requirements.

Furthermore, the instructor's guidance assumes a critical part in compelling learning. Unmistakably, some language instructors are superior to others at giving fitting and compelling learning encounters for the understudies in their study halls. These understudies will gain quicker headway. Inspiration, the extraneous sort, is likewise compelling. Understudies who are given proceeding, suitable support by their educators and guardians will, by and large, learn better compared to the individuals who aren't. For instance, understudies from families that place little significance on language learning are probably going to advance less rapidly. Admittance to local speakers is in like manner vital. The chance to connect with local speakers both inside and outside of the homeroom is a huge benefit. Obviously, second-language students who have no broad admittance to local speakers are probably going to gain more slow headway, especially in the oral parts of language securing.

The investigation of the impacts of instructing on second language procurement tries to completely measure the adequacy of two spaces of human cerebrum. The intellectual space of language learning contains human learning processes overall and intellectual varieties in learning—styles and systems are

likewise assessed. If we somehow managed to define hypotheses of second language procurement or instructing approaches that depended distinctly on intellectual contemplations, we would exclude the most major side of human conduct. Ernest Hilgard, notable for his investigation of human learning and cognizance, when noticed that "absolutely intellectual speculations of learning will be dismissed except if a job is relegated to affectivity" [3; 142]. There is no question by any stretch of the imagination about the significance of inspecting character factors in building a hypothesis of second language obtaining.

The emotional space is hard to depict logically. Countless factors are inferred in considering the enthusiastic side of human conduct in the subsequent language learning process. One issue in taking a stab at full of feeling clarifications of language achievement is introduced by the assignment of partitioning and ordering the elements of the emotional area. The expression "influence" has to do with parts of our enthusiastic life. In the current setting, influence will be thought about comprehensively as parts of feeling, feeling, temperament or demeanor which condition conduct. Earthy colored expresses that full of feeling space is the enthusiastic side of human conduct, and it could be compared to the intellectual side [3; 142]. Alternately, Arnold asserts it ought to be noticed that the full of feeling side of learning isn't contrary to the intellectual side. When both are utilized together, the learning system can be developed on a firmer establishment. Neither the intellectual nor the emotional triumphs ultimately the final word, and, without a doubt neither can be isolated from the other [1; 11]. The improvement of emotional states or sentiments includes an assortment of character factors, sentiments both with regards to ourselves and about others with whom we come into contact.

Benjamin Blossom and his partners gave a valuable broadened meaning of the full of feeling area that is still generally utilized today.

1. At the first and crucial level, the advancement of affectivity starts with getting. People should know about the climate encompassing them and be aware of circumstances, peculiarities, individuals, objects; get—to endure an upgrade, not keep away from it—and give a boost their controlled or chose consideration.

2. Then, people should go past getting to reacting, submitting themselves in at minimum some little measure to a peculiarity or an individual. Such reacting in one aspect might be in passive consent, however in another, higher, aspect the individual will react willfully without strain, and afterward to get fulfilment from that reaction.

3. The third degree of affectivity includes esteeming: putting worth on a thing, conduct, or an individual. Esteeming assumes the attributes of convictions or mentalities as qualities are disguised. People don't just acknowledge a worth to the reason behind being willing to be related to it, however invest in the worth to seek after it, search it out, and need it, at long last, to the mark of conviction.

4. The fourth level of the full of feeling space is the association of qualities into an arrangement of convictions, deciding interrelationships among them, and building up an order of qualities inside the framework.

5. At last, people become portrayed by and comprehend themselves as far as their worth framework. People act reliably as per the qualities they have disguised and incorporate convictions, thoughts, and mentalities into an all-out way of thinking or world view. It is at this level that critical thinking, for instance, is drawn nearer based on an aggregate, self-steady framework [5; 43].

In the event that we are endeavouring to apply the continuum of Blossom to our instructing, then, at that point, we are empowering understudies to not simply get data at the lower part of the full of feeling chain of command. We would like them to react to what they realize, to esteem it, to put together it and perhaps to portray themselves as science understudies, science majors or researchers.

Hypotheses regarding how various variables could prompt achievement in the subsequent language learning process have been a centre piece of studies into second language securing for quite a long time for the explanation that the instructor ought to be worried about the student's character, for example how they handle the sentiments that are evoked during the learning system, what sort of inspiration the student brings to the learning task, just as close to home estimations, convictions and perspectives identified with realizing; regardless of whether they like to work alone or in gatherings, and the sort of relationship the student likes to have with the instructor and different students. It ought to be referenced that there is a recognizable change in research center from conduct questions, to the intellectual domain, and, all the more as of late, to the enthusiastic area.

As an outcome of the acknowledgment of the job of effect in language learning, a wide clarification of effect is significant for no less than two reasons. To begin with, regard for full of feeling viewpoints can prompt more successful language learning. When managing the full of feeling side of language students, consideration should be given both to how we can conquer issues made by bad feelings and how we can make and utilize more good, facilitative feelings. Within the sight of excessively regrettable feelings, for example, tension, dread, stress, the most inventive methods and the most appealing materials might be

Annotatsiya. *Ushbu maqolada ESP darslarida ishonchli materiallar ko'rib chiqilgan. Ishonchli materiallar ESP tinglovchilari uchun juda muhim, chunki ular o'quvchilarning ehtiyojlari bilan bog'liq vazifalar uchun aniq kontekstni ta'minlaydi.*

Kalit so'zlar: *ishonchli materiallar, ESP o'quv mashg'ulotlari, aloqa, kompetensiya, motivatsiya.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются аутентичные материалы на уроках ESP. Аутентичные материалы особенно важны для слушателей ESP, так как они обеспечивают реалистичный контекст для задач, которые связаны с потребностями учащихся.*

Ключевые слова: *аутентичные материалы, учебные классы ESP, общение, компетентность, мотивация.*

Abstract. *This article discusses authentic materials in ESP lessons. Authentic materials are especially important for ESP students, as they provide a realistic context for tasks that are related to the needs of students.*

Keywords: *authentic materials, ESP training classes, communication, competence, motivation.*

The modern concept of teaching a foreign language is based on the comprehensive teaching of language and culture, the dialogue of native and foreign cultures. The purpose of such education is language training through culture, culture through language. Participation in the learning process of cultural materials that introduce students to the history, traditions and culture of the country of the language being studied is becoming increasingly important.

Materials on English for Special Purposes (ESP) should meet with students, with needs intact and with a rapid updating of the world, students should realize that there is such a real world. Authentic materials fill the gap between formal education and the real world. Students should get acquainted with authentic materials that are related to the real world in order to be able to practice a language that uses authentic, especially for students of higher educational institutions.

Nowadays authentic materials need to be constantly updated. Many researchers claim that the use of authentic materials motivates students because they are more interesting than artificial materials. Therefore, we are exploring the use of authentic materials about student motivation in ESP Classroom. Daily activities in the classroom revealed the problems that students face in such areas as effective reading, understanding the general meaning of the text, not just words, or understanding the language of native speakers, communication in a foreign language.

Currently, it seems extremely important that students get acquainted with authentic learning situations related to the real world in which they can practice the language using authentic materials. Starting with the assumption that authentic materials and media can help students develop and improve communication between the language class and the outside world.

We conducted a study to assess the impact that the use of authentic materials in ESP lessons has on the development of students' communicative competencies.

Higher education has a clear goal - to make its graduates become professional and skillful. They are required to use English for any communication purposes. With this in mind, of course, the teaching and learning process should be able to make it easier for students to discover the real world as much as possible. The materials that teachers give should represent the language they will be speaking in the real world. Authentic material means getting to know a real language and using it in your own community. Many researchers believe that using authentic materials will improve students' motivation. Because by having authentic material in the classroom, they will understand the concept in a real situation.

Authentic materials will bring students closer to the target language culture and make learning a pleasant and motivating process. Authentic material as a source of acquisition that knows no boundaries: instruction booklets, magazines, manuals, advertisements, Internet links, letterheads, demonstrations, videos, statistics, job offers, etc.

Authentic materials and media can help students develop and improve between the language class and the outside world. Using authentic material will be useful for students. Genuine offers of materials students are given the opportunity to work with a small print volume, which at the same time contains complete, meaningful messages. Authentic material can give the meaning of achievement when the teacher can adapt and assimilate the materials, depends on the condition and circumstances. Then it will support the creative potential of the teacher. Create an atmosphere in the classroom. The development of materials for ESP students has other problems than the general one. Preparing authentic materials for classroom use can be a very difficult, painstaking task. It is important to keep in mind a clear goal, as well as an individual approach that allows you to adapt the most authentic materials, locally significant.

Therefore, as a language teacher, especially teaching in technical universities, it is important for him to create an environment that can provide students with the opportunity to show these qualities. To create such an environment, a teacher can provide an exciting environment in which students can explore their hobbies and interests and stimulate motivation for any goals that students may set.

Authentic materials motivate students, because they have the opportunity to enjoy learning both the language and the culture in which this language is spoken, putting into practice what they have learned to use in the real world. Bringing authentic materials to the classroom can be motivating as they add an element of real-life learning experiences to students. The study of the use of authentic materials about the motivation of students in technical universities, according to the results of observation, students liked the training. This is evident by their interest and their immersion in autonomous learning. Using authentic materials can improve students' motivation for ESP class. It is an important fact that self-motivation can lead to successful language acquisition. It is also believed that the authentic materials used in the study turned out to be pleasant, motivating, and improving and helping students to understand the use of language in the real world situation. Working with authentic texts also helps students develop reading and speaking skills. It is important for the student to understand the text he/she is reading and communicate it to others. When working with authentic texts, students' reading and speaking skills are constantly improving.

Authentic material, on the other hand, gives students a taste of real language and gives them reliable linguistic data necessary for the development of their communication skills. If students are given only scripted material, they will learn an enriched version of the language, and it will be difficult for them to come to terms with authentic discourse when they are faced with learning and using business English. Advantages of using authentic materials:

1. Authentic materials bring students into direct contact with the level of reality of business English.
2. Authentic materials taken from periodicals are always relevant and constantly updated.
3. Authentic materials provide us with a source of up-to-date materials that may be directly relevant to the needs of business English learners.

In conclusion, authentic materials are important tools for use in ESP classes. because, as we have clearly shown, they motivate and immerse students in specific areas of the language being studied, in which practice is necessary, necessary. As we have tried to demonstrate, authentic materials can be obtained from many different sources, but there is a growing tendency to take them from the Internet as needed, constantly update their materials and adapt them to the changing needs of students. Finally, it is important to note that although ESP learners often have radically different levels and standards of language proficiency, the higher their language level, the more benefit they will receive from the learning process.

REFERENCES:

1. Numonjonov S. D. Innovative methods of professional training //ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81). – 2020. – С. 747-750.
2. Бенавент, Г. Т., Пенамария, С. С. (2011). Использование аутентичных материалов в ESP Classroom. Encuentro. Vol 20. 91-93
3. Sharipova Feruza Negmatulloevna. The basic features of teaching a foreign language. Journal Impact Factor 2020 for Journal NX. India. 2020.

UO'K 81-13

CHET TILLARNI O'QITISHDA SAMARALI INNOVATSION USULLARDAN FOYDALANISH

N.A. Jamilova, o'qituvchi, Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi
T.B. Murodova, o'qituvchi, Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi

Annotatsiya. *Mazkur maqolada chet tillarini (nemis tili) o'qitishda qo'llanilayotgan innovatsion pedagogik usullar va texnologiyalar mazmuni haqida mulohazalar bayon etilgan.*

Kalit so'zlar: *innovatsiya, metod, sifat, pedagog, nemis tili.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается содержание инновационных педагогических методов и технологий, используемых в обучении иностранным языкам (немецкому языку).*

Ключевые слова: *инновация, метод, качество, педагог, немецкий язык.*

Abstract. *This article discusses the content of innovative pedagogical methods and technologies used in the teaching of foreign languages (German language).*

Keywords: *innovation, method, quality, pedagogue, English.*

Innovatsion faoliyat – yangi mahsulot yaratishga yo'naltirilgan ilmiy, texnologik, tashkiliy, moliyaviy, tijorat tadbirlari majmuasidan iborat bo'lib, ulardan maqsad yig'ilgan bilim, malaka, ko'nikma, texnologiya va ishlab chiqarish asboblari mana shu yangi mahsulotni keng miqyosda ishlab chiqarilishiga ishlatish va ta'minlashdir. Binobarin, ta'limdagi innovatsion faoliyat – yangi kadrlarni yetishtirishga yo'naltirilgan ilmiy, texnologik, tashkiliy, moliyaviy, tijorat tadbirlari yig'indisi bo'lib, ulardan maqsad mana shu yig'ilgan bilim, malaka, ko'nikma, texnologiya va ishlab chiqarish jarayonini yangi kadrlarni keng miqyosda mamlakat iqtisodiyoti uchun yetishtirib berishga yo'naltirish va ta'minlashdir [3].

Demak, pedagogik innovatsiya yangi mahsulot, ya'ni kadr, mutaxassis yetishtirishga yo'naltirilgan har qanday pedagogik yangilik bo'lib, undan maqsad jarayon yuqori samaradorligini ta'minlashdir. Agar o'qituvchining kundalik pedagogik faoliyatini oladigan bo'lsak, innovatsiya pedagogning o'z faoliyatiga joriy etayotgan hamda ta'lim samaradorligini oshirish va ta'minlashga yo'naltirilgan har qanday yangilikka teng keladi. Aslida, har qanday innovatsiya jamiyat taraqqiyotini ta'minlovchi omil bo'lib xizmat qiladi. Shunga ko'ra, pedagogik innovatsiya bir tomondan ta'lim berishdagi an'anaviylikni undagi yangi qarash hamda g'oyalar bilan boshlab beruvchi asos hisoblanadi. Ta'limda innovatsiya an'anaviylikdan kuch oladi, ammo yangicha usullar bilan ta'lim jarayoni mazmunini va mohiyatini o'zgartiradi. Binobarin, innovatsiya ta'lim sifatini tubdan qayta quradi va ta'minlaydi.

Pedagogik texnologiyaning ishlab chiqilishida uning har bir o'qituvchi tomonidan o'z amaliy ish faoliyatida qo'llay olishiga alohida e'tibor qaratiladi. O'qituvchi ishlangan pedagogik texnologiyani o'z pedagogik faoliyati va konkret dars jarayonida qo'llar ekan, bir tomondan pedagogik texnologiyani qayta-

qayta tadbiiq etilishini ta'minlash, ikkinchi tomondan pedagogik maqsadga yetish uchun shart-sharoitlarni ta'minlash, ayniqsa har bir o'quvchi tomonidan standart asosidagi belgilangan ta'lim hajmini egallanishini ta'minlash bo'ladi.

Pedagogik texnologiya ta'lim jarayoni sifati va darajalarini diagnostika qilish, uning kriteriyalarini belgilab, muntazam o'rganib borish, pedagogik faoliyat ko'rsatkichlari va uning o'zgarish jarayonlarini kuzatish imkoniyatini yaratib beradi [1]. Ko'ptomonlama metodlar majmui chet tillarini o'rganishga nisbatan o'tgan asrning 20-yillaridan beri qo'llaniladi. Uning negizida "Klivilend rejasi" asos bo'lib xizmat qiladi. Uning bosh tamoyillari quyidagilardan iboratdir: Chet tillari oddiy mexanik yodlash orqali o'zlashtirilmaydi. Chunki chet tilini bilish aslida har bir individning shaxsiy-intellektual xususiyatlari bilan uzviy va chambarchas bog'langan holda kechadi. Shu bois, oddiy so'zlar qaytarilishi va ularni yodlash majburiyatidan xoli bo'lgan til muhitini shakllantirish taqozo etiladi.

Til bu – milliy-etnik madaniyatning bir bo'laki, uning takribiy qismi sifatida baholanuvchi qadriyat sanaladi. Shu bois, tilni o'rganish jarayoni aslida boshqa milliy-etnik madaniyatni o'rganish, uni anglash va qabul qilish sanaladi. Shuning uchun chet tilini asl milliy madaniy tushunchalar asosida shakllantirish darkor. Har bir dars chet tilini o'rganish jarayonida faqat bir fokus, ya'ni markaz asosida qurilishi darkor. O'quvchi diqqatini har bir darsda mazkur bir markaz negiziga qurilgan material asosida o'rganishi lozim [2]. Chet tillarini o'qitish jarayonida axborot-kommunikatsiyasi imkoniyatlaridan to'la foydalanish jarayoni boshlanganiga ancha bo'ldi. Axborot-kommunikatsiyasi imkoniyatlari juda keng rivojlanib borayotgan bo'lib, ularning o'quv jarayoniga kirib kelishi juda faol va tezkorlik kasb etmoqda. Ularning ichida quyidagilarni sanab o'tish mumkin:

1. Nemis tilini o'qitishda multimediyadan unumli foydalanish;
2. Nemis tilini o'qitishda interaktiv doska imkoniyatlarini ishga tushirish;
3. Nemis tilini o'rgatishda elektron resurslarni ishga tushirish va ulardan unumli foydalanish.

Bugungi zamon talablariga javob beradigan raqobatbardosh, kompetentli pedagog, o'z mutaxassisligini mukammal bilishi, yangiliklar kirita olishi, o'z ustida tinmay ishlashi, shu bilan birga axborot kommunikatsion texnologiyalaridan keng foydalana olishi, xorijiy tillarni bilishi va ularni dars jarayoniga muntazam qo'llay olishi maqsadga muvofiqdir.

Bugun til bozorida asosiy taklif iste'molchining talabiga qarab shakllantirilmoqda. Lingvistik va xorij tillarini o'qitish metodikasi bo'yicha yetuk mutaxassis S.G.Ter-Minasovning fikricha [3], Bugungi kunda tilni o'qitish funktsionallashib, integratsiya jarayonlarining kuchayishi natijasida xorij tillari, xususan, nemis tilini o'rganish yanada dolzarblashdi. Ammo zamonaviy til o'rganuvchilarni tilning tarixi yoki uning nazariyasi qiziqitirmaydi. Nemis tili ular uchun hayotiy ehtiyojlarini qondirish uchun zarur bo'lib qoldi.

Hozirda nemis tilini o'rganayotgan talabalarga bir necha metodlar taklif etilmoqda. Ulardan biri – fundamental metoddir. U kamida 2-3 yillik o'qishni, grammatikani chuqur o'rganishni taqozo etadi. Ushbu metod, asosan, professional tarjimonlarni tayyorlashda qo'l kelib, o'qish yakunida talabalar dunyoga «Muttersprachler», ya'ni til egasining (tashuvchisining) ko'zi bilan qarashga erishadilar. Uning asosida til real va to'liq muloqot vositasi sifatida o'rganiladi. Hozirda fundamental metod o'z maqsadini o'zgartirmagan, ammo boshqa ko'plab metodlar aynan fundamental metod bilan raqobat maydoniga chiqishgan. Ana shulardan biri – lingvosotsiomadaniy metoddir. Mazkur metod tilni ijtimoiy va madaniy muhitda o'rganishni taqozo etadi. Uning tarafdorlari talabalar «o'lik» leksik-grammatik shakllarni o'rganishni o'z oldilariga maqsad qilib qo'yilishini qoralaydilar. Ularning fikricha, «shaxs – madaniyat mahsulidir». Demak, til ham. Aksariyat holatlarda tilni ijtimoiy hayot bilan muvofiq o'rganmaslik ko'pgina xatolarni keltirib chiqaradi. Masalan, nemis tilini o'rganuvchi talaba bir qarashda o'xshash bo'lgan *fruchtbar* (nemischa "unumdor", "mevali") va *furchtbar* ("dahshatli", "dahshatli"), *Bedienung* ("xizmat") va *Bedingung* ("holat") so'zlarini e'tiborsiz o'qishidan, gaplarni tushinishda qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Shuningdek tilni yaxshi bilmaganlar uchun, ko'p talabalar ingliz tilining grammatikasidek nimis tilidagi otlarda ko'plik yasash uchun "s" qo'shimchasidan foydalanishadi: "*Häuser*" o'rniga "*Hausen*", "*Studenten*" o'rniga "*Students*" buning natijasida grammatik xatoliklar yuzaga keladi.

Tilshunoslarning fikricha, bunday xatoliklarning 52% ona tilidagi iboralarni nemis tiliga to'g'ridan-to'g'ri ko'chirish bo'lsa, 44%til o'rganuvchi salohiyatining yetarli emasligi bilan belgilanadi. Tilni o'rganish jarayonida eng muhimi – uzatilayotgan axborot mazmunining qay darajada to'g'ri ekanligidir. Lingvosotsiomadaniy metod ikki turdagi muloqotni qamrab oladi. Bu til va madaniyatlararo muloqotdir. Oliy o'quv yurti talabasi nafaqat nemis tilida o'qish, yozish va tarjima qilishda yuqori bosqichlarni egallashi, balki nemis tilini o'zga xalq madaniyati rakursida ko'ra olishni ham o'rganishi lozim. Nemis tili o'qituvchisi til o'rgatish jarayonida aynan shu jihatlarga e'tiborni kuchaytirishi kerak. Yangi tilni o'qitish usullaridan yana biri kommunikativ metod bo'lib, bugungi kunda u Yevropada samarali qo'llanilmoqda. O'z nomi bilan ushbu metod o'zaro muloqotga asoslangan bo'lib, unda har qanday til o'rganish treninglari asosini tashkil

etuvchi matnni o'qish, yozish, so'zlashuv va dialoglarni anglash muhim hisoblanadi. Albatta, ushbu metodda o'qituvchilar so'nggi ikki usulga (so'zlashuv va dialoglarni anglash)ga e'tiborni ko'proq qaratadilar va bunday darslarda siz murakkab so'z qurilmalari va jiddiy leksikaga duch kelmaydiz. Mazkur metodning kamchiligi – biror-bir sohada so'z boyligiga ega bo'lgan talaba shu mazmundagi matnning mazmuniga oson tushunadi, ammo soha mutaxassisi bilan jiddiy muloqotga kirishga qiynaladi. Ushbu metodning maqsadi – birinchi navbatda, muloqot oldidagi qo'rquvni yengishdir.

Demak, tilni chuqur o'rganish, oson muloqotga kirishish uchun yuqorida sanab o'tilgan uchta metodni samarali qo'llagan holda nemis tilini o'qitish lozim. Fikrimizcha, avval talabani nemis tilida so'zlashga o'rgatib, ikkinchi bosqichda shu tilda o'ylashga o'rgatish lozim. Bu ancha qiyin, ammo amalga oshirish mumkin bo'lgan jarayon. Buning uchun nemis tili o'qituvchisi dars berish usulini standart yondashuvdan tashqari turli xil o'yinlar, o'rtoqlari bilan muloqot, xatolarni topish bo'yicha mashqlar, matnlarning qiyosiy tahlili kabilari bilan boyitishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Dubrovskaya, E. V. 2021. Metodika prepodavaniya inostrannykh yazykov. Minsk: BGU. (In Russ.).
2. Kondrasheva N. V. <https://cyberleninka.ru/article/n/prognozirovanie-i-ispravlenie-studencheskih-oshibok-pri-obuchenii-inostrannym-yazykam>
3. Perspectives on Second Language Acquisition. London: Longman Group Limited. Pp. 19-27.

UO'K 378.147

CHET TILLARINI MASOFAVIY O'QITISHNING O'ZIGA XOS TOMONLARI VA AFZALLIKLAR

Z.Sh. Jo'rayeva, o'qituvchi, Qo'qon davlat pedagogika instituti, Qo'qon
Sh.M. Nishonova, o'qituvchi, Qo'qon davlat pedagogika instituti, Qo'qon
D.A. Qodirova, o'qituvchi, Qo'qon davlat pedagogika instituti, Qo'qon

Annotatsiya. Ushbu maqolada masofaviy o'qitish tizimida o'quv jarayonini tashkil etishda pedagogik yondoshuvlarning ustuvorlik prinsipi ko'rsatilgan va masofaviy ta'limda an'anaviy ta'limdagi kabi ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda pedagogik yondoshuv ustuvorligi ta'kidlangan. Hamda maqolada chet tillarini masofaviy o'qitishning bir necha afzalliklari sanab o'tilgan.

Kalit so'zlar: masofaviy, texnologiya, kommunikatsiya, kompyuter, internet.

Аннотация. В данной статье демонстрируется принцип приоритетности педагогических подходов в организации образовательного процесса в системе дистанционного обучения и подчеркивается приоритетность педагогического подхода в организации образовательного процесса при дистанционном обучении как в традиционном обучении. В статье также перечислены некоторые преимущества дистанционного обучения иностранным языкам.

Ключевые слова: удаленный, технология, связь, компьютер, Интернет.

Abstract. This article demonstrates the principle of priority of pedagogical approaches in the organization of the educational process in the distance learning system and emphasizes the priority of the pedagogical approach in the organization of the educational process in distance learning as in traditional education. The article also lists some advantages of distance learning in foreign languages.

Key words: remote, distance, technology, communication, computer, internet.

«...Har qaysi insonda muayyan darajada intellektual salohiyat mavjud. Agar shu ichki quvvatning to'liq yuzaga chiqishi uchun zarur bo'lgan barcha shart – sharoitlar yaratilsa, tafakkur har xil qotib qolgan eski tushuncha va aqidalardan xalos bo'ladi va har qaysi inson Alloh taolo ato etgan noyob qobiliyat va iste'dodini avvalo o'zi uchun, oilasi, millati va xalqining, davlatining faravonligi, baxt - saodati, manfaati uchun to'liq baxshida etsa, bunday jamiyat shu qadar to'liq taraqqiyotga erishadiki, uning sur'at va samarasini hatto tasavvur qilish ham oson emas»

Islom Karimov

Mustaqillikka erishganimizdan keyin mamlakatimizda ta'lim sohasiga juda katta e'tibor berildi, xususan chet tillarini o'rgatishga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonunini hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirish doirasida chet tillarni o'qitishning kompleks tizimi, ya'ni uyg'un kamol topgan, o'qimishli, zamonaviy fikrlovchi yosh avlodni shakllantirishga, respublikaning jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuviga yo'naltirilgan tizim yaratildi.

Hozirda dunyo shunchalik tez rivojlanmoqdaki, bugungi yangilik ertaga eskirib qolyapti. Shuning uchun, ma'lumotlarni o'z vaqtida olish maqsadida, odamzot informatsion texnologiyalarni yaratdi. Kompyuter — bu oddiy va qulay tarzda ma'lumotlarga yetishish vositasidir. Ma'lumotlar bilan ishlayotgan

shaxs, ma'lumotlarning qayerda joylashishidan qat'iy nazar, xoh u shaharda, xoh jahonning boshqa nuqtasi bo'lsin, uni olish imkoniyatiga ega bo'lishi kerak.[2] Hozirda shu va shunga o'xshash boshqa muammolar kompyuterlar yordamida bartaraf qilinmoqda. Kompyuterlar inson hayotining barcha jabhalariga jadallik bilan kirib boryapti va jahonda ularning soni va qo'llanilish doirasi kengaygandan kengaymoqda. Bu esa kompyuterlarning kundan-kunga yanada rivojlanishini ta'minlayapti.

Bularning hammasi ta'lim tizimiga ham o'z ta'sirini ko'rsatadi. Hozirda puxta bilimga ega bo'lish uchun informatsion texnologiyalarni ham o'zgartirish zaruriyati tug'ilmoqda, chunki ta'lim tizimi har doim zamon talablariga mos kelishi kerak. Hozirgi zamon talabi esa yangi o'quv muhiti, ya'ni yangi informatsion texnologiyalar yordamida ixtiyoriy joyda turib bilim olish, ixtiyoriy o'quv yurtlari bilan aloqa qilish va jahonning ixtiyoriy nuqtasidagi ma'lumotlarni olishdir. Bunda bizga internet tizimi yordam berishi mumkin.[3] Mamlakatimiz ta'lim tizimida sezilarli o'zgarishlar ro'y berayotganligi kun sayin yaqqol ko'rinib bormoqda. Turli ta'lim shakllari qatori ayniqsa, masofadan o'qitish keng qo'llanilayotganligi ham quvonchli hol. Ushbu uslubning ko'plab afzallik tomonlari borligi ko'pchilikka ayon. Barcha oliy o'quv yurtlarida masofadan o'qitish texnika va texnologiyasini amalga oshirish borasida qator ishlar olib borilmoqda. Axborot texnologiyalarini rivojlanishi masofadan o'qitishni tashkil etishda yangicha yondashuvni taqozo etadi. Masofadan o'qitishni tashkil etishni hozirgi zamon modellarining asosida kommunikatsiya va tarmoq texnologiyalari yotadi. Ushbu texnologiyalar axborotdan foydalanuvchilarga keng qamrovli yo'l ochib berish bilan birga ularni muhofaza etish muammosini keltirib chiqaradi.


Shu o'rinda masofaviy ta'lim nima? Uning afzalliklari nimalardan iborat? degan savol tug'ilishi tabiiy. Masofaviy ta'lim — bu istalgan joydan turib, qaysi vaqt bo'lishidan qat'iy nazar, shaxsiy re'ja asosida o'qish hamda bilim olish jarayonidir. Masofaviy ta'limning asosiy maqsadi - tinglovchilarning qayerda yashashidan qat'iy nazar, jahondagi ixtiyoriy ta'lim muassasasida o'qish imkoniyatini yaratish, ta'lim muassasalaridagi professor – o'qituvchilarning salohiyatlaridan foydalangan holda, ta'lim sifatini oshirish, o'quvchilarning uzluksiz ta'lim olishlarini ta'minlash va ta'limning turli shakllarini bir – biriga yaqinlashtirishdan iborat. Hammamizga ma'lumki hozirgi kunda butun dunyoda masofaviy ta'lim bo'yicha tahsil olayotgan talabalar soni ko'payib bormoqda. Masofaviy ta'lim va sirtqi ta'lim bir-biriga o'xshash.[4]

Hozirgi kunda masofadan o'qitish dunyoning ko'pgina rivojlangan mamlakatlarida keng tarqalgan va qulay ta'lim shakli sifatida rivojlanmoqda. Masalan, Finlandiya-ning Oulu universitetida, Buyuk Britaniyaning London Metropolitan universitetida, Gollandiyaning Fontis universitetida, Janubiy Koreya respublikasida masofaviy o'qitish texnologiyasi keng yo'lga qo'yilgan bo'lib, unda talabalar va boshqa soha mutaxassislarining malakasini oshirish sohasida samarali qo'llanilib kelinmoqda. O'z-o'zidan ma'lumki, dunyoga yuz tutayotgan O'zbekiston uchun ham bu ta'lim turi uzoq kelajak emas. Shuning uchun ham O'zbekiston o'quv yurtlarida ham ba'zi bir islohotlarni amalga oshirish davr talabi.

Masofadan o'qitish yangi pedagogik texnologiyalarning bir turi bo'lib, u ko'pgina afzalliklarga ega. Jumladan, ishlab chiqarishdan ajralmagan holda ta'lim olish, olinayotgan bilimlarning tezkorligi, talabaning bilim olish jarayonida erkinligi, ta'limning iqtisodiy samaradorligi, o'quv jarayonida audio-video, animatsiya, grafiklar asosida ta'lim berish natijasida o'zlashtirishning yuqori bo'lishi, bilimlar xolisona baholanishi, nazariyani amaliyot bilan taqqoslash imkoniyati, dunyoning yetuk professor-o'qituvchilari ma'ruzalaridan foydalanish kabilardan iborat.

Hozirgi vaqtda respublikamizda yosh avlodni tarbiyalash, o'qitish, bilim berish, zamonaviy axborot texnologiyalarga yaqindan yondashish hamda yangi texnika va texnologiyalar bilan ishlashni o'rgatish maqsadida juda ko'p ijobiy ishlar amalga oshirilib bormoqda.[5] Ularning asosiysi, masofadan o'qitish texnika va texnologiyasidir. Shu nuqtai nazardan yosh avlodni masofadan o'qitish tizimiga tayyorlash bosqichlarini quyidagi ko'rinishda amalga oshirish mumkin:

Masofaviy ta'lim ma'lumot olishning shunday shaklidirki unda kunduzgi va sirtqi ta'lim bilan bir qatorda ma'lumot jarayonida ta'limning kompyuter va telekommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan afzal an'anaviy va innovatsion metod, vosita va shakllaridan keng foydalaniladi.



Masofaviy o'qitishda o'qituvchi talabaga o'quv materialini "Internet" tizimi orqali yuboriladi. Ushbu kurs bo'yicha ta'lim olishni istagan o'quvchilar web saytga murojaat qilib, nazariy bilimlarni oladilar, amaliy topshiriqlarni bajaradilar va o'qituvchiga javobni elektron pochta (e-mail) orqali jo'natadilar. O'qituvchi o'quvchi tomonidan bajarilgan topshiriqni tekshirib, javobini yana elektron pochta orqali o'quvchiga yuboradi. Zarur bo'lsa kerakli ko'rsatmalar beradi. O'quv jarayonida o'quvchi darslikdagi, elektron kutubxona va elektron darsliklardan, videokonferensiyalardan foydalanadi. Masofadan o'qitish bu

mustaqil o'qishdir. Mustaqil o'qish davrida o'quvchida mustaqil fikrlash, o'z-o'zini nazorat qilish va boshqarish qobiliyatlari rivojlanadi. Masofadan o'qitishda o'quvchi berilgan dasturni qanchalik tez o'zlashtirsa, shunchalik tez o'qishini tugatadi va o'qitishni tugatganligi to'g'risida sertifikat oldi.

Masofaviy ta'lim bu o'qitishning insonparvar shakli bo'lib, an'anaviy, yangi pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanishga asoslanadi. Bunda texnik vositalar o'quv materialini mustaqil o'zlashtirish, o'qituvchi va o'quvchi orasidagi muloqot uchun xizmat qiladi. Shunga ko'ra masofaviy o'qitish kommunikatsiya va axborotni qayta ishlashning yangi texnik vositalari va sirtqi ta'limning asosiy usullariga tayanishi kerak. Bu o'z navbatida masofaviy ta'lim tizimini tashkil etish to'g'risida gapirishga imkoniyat beradi. Masofaviy ta'lim tizimi apparatli, dasturli va uslubiy vositalarning murakkab kompleksi bo'lib, o'z ichiga server va ishchi stansiyalar, shaxsiy kompyuterlar, kommunikatsiya vositalari, umum tizimli va tarmoqli dasturlar ta'minotiga, lokal va markazlashgan bilim va axborot banklarini boshqaruv tizimlari, o'rgatuvchi dasturlari va shu dasturlarni yaratish uchun instrumental vositalariga ega bo'lgan audio va video texnikalarni oladi.[6]

O'zbekiston sharoitida masofadan o'qitishni tashkil qilish katta samara beradi. Hozirgi davrda ta'limning bu turidan keng miqiyosda foydalanish lozim. Mazkur ta'lim turni joriy qilish bilan bog'liq ayrim muammolarning kelib chiqishi tabiiy. Lekin ularni imkoniyat darajasida hal qilishga erishish mumkin. Masalan, dastlabki paytda televideniya dan foydalanish katta samara berishi mumkin. Hozirgi kunda televideniya orqali ayrim fanlar bo'yicha o'quv mashg'ulotlari tashkil qilinib kelinyapti.

O'zbekiston sharoitida masofadan o'qitishni tashkil qilish katta samara beradi. Hozirgi davrda ta'limning bu turidan keng miqiyosda foydalanish lozim. Mazkur ta'lim turni joriy qilish bilan bog'liq ayrim muammolarning kelib chiqishi tabiiy. Lekin ularni imkoniyat darajasida hal qilishga erishish mumkin. Masalan, dastlabki paytda televideniya dan foydalanish katta samara berishi mumkin. Hozirgi kunda televideniya orqali ayrim fanlar bo'yicha o'quv mashg'ulotlari tashkil qilinib kelinyapti. Lekin ko'rsatuvlarning samaradorligi hali yetarli darajada emas. Birinchidan, bu ko'rsatuvlar asosan kunduzi namoyish etiladi. Ikkinchidan, uning metodikasini yanada takomillashtirish kerak.

Masofaviy o'qitish an'anaviy o'qitish shakllaridan quyidagi xarakterli xususiyatlar bilan ajralib turadi.

Moslanuvchanligi	Xohlagan vaqtda, xohlagan joyda va sur'atda shug'ullanish imkoniyati. Fanni egallashga ajratilgan vaqtning chegaralanmaganligi.
Modulliligi	Mustaqil fanlar kurslaridan- modullardan individual yoki guruh ehtiyojlariga javob beradigan o'quv rejalarini shakllantirish.
Parallellik	Kasbiy faoliyati yoki boshqa o'quv yurtlaridagi o'qishi bilan parallel holda ta'lim olish.
Oamrab olish	Bir vaqtning o'zida o'quv axborotlarining bir qancha manbalariga (elektron kutubxonalar, axborot bazalari, bilimlar bazalari va h.k.), o'quvchilarning ko'pchiligi murojaat qilishi. Aloqa to'rlari orqali bir-birlari va o'qituvchilar bilan muloqotda bo'lishi.
Iqtisodiyiligi	O'quv xonalari, texnika vositalaridan samarali foydalanish, o'quv axborotlari mujassamlashgan va unifikatsiyalashgan holda taqdim qilish va unga multi erishish o'quv jarayonlarini tashkil etish harajatlarini kamaytirish.
Texnologiyaliligi	Ta'lim jarayonida axborot va telekommunikatsiya te erishgan yangi yutuqlaridan foydalanish insonni jahon axborotlar olamiga kirib berishini ta'minlaydi.
Ijtimoiy tenglik	O'quvchining qayerda yashashidan, sog'lig'ining holati, va moddiy ta'minlanganligidan qat'i nazar, ta'lim olish imkoniyatidagi tenglik. O'qituvchining yangi o'rni. Masofaviy ta'lim o'qituvchining o'rnini kengaytiradi va yangilaydi, bilim olish jarayonini muvofiqlashtiradi, o'qitiladigan kurslarni doimo takomillashtiradi, ijodiy faolligi va mutaxassisligi bo'yicha yangiliklar va innovatsiyalarga bo'lgan talabi mos ravishda ortib boradi [7].

Masofaviy o'qitish tizimi an'anaviy ta'lim tizimiga zid xususiyatga ega bo'lmazligi kerak. Masofaviy o'qitishda ham an'anaviy ta'lim tizimidagi ta'lim mazmuni saqlanadi. Lekin uning farqi ta'lim oluvchilar uchun qulaylikning yaratilishida.[8]

Ta'lim berish va boshqarish uslubiyotiga asoslangan holda, o'qituvchi auditoriyada o'qitish shartlaridan holi bo'lishi kerakdir. Masofaviy uslub asosida o'qitishning o'quv qoidalaridan kelib chiqsak, o'quvchilar Internet orqali jahon bo'yicha sayohat qilishlari mumkin.[9]

Xulosa o'rnida aytganda, masofaviy o'qitish uslubi asosida tinglovchilarni o'qitish hozirgi kunning eng rivojlanib borayotgan yo'nalishlaridan bo'lib, o'qituvchi bilan tinglovchilar ma'lum bir masofada joylashgan holda ta'lim berish tizimidir.

Masofadan o'qitishning yana bir afzalliklari shundaki, unda o'quvchi o'ziga qulay vaqtda va xattoki ishdan ajralmagan holda o'qishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Karimov I.A. O'zbekiston XXI- asrga intilmoqda. - T.: O'zbekiston. 2000. B-11.
2. Abduqodirov A.Pardayev A. Masofali o'qitish nazariyasi va amaliyoti. – T.: Fan. 2009. B. 5-6.
3. Karimov I.A. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1998. B. 4-19.
4. Abduqodirov A.A. Ta'lim tizimida masofali o'qitish texnologiyasi. - Jamiyatning hozirgi zamon taraqqiyotida telekommunikatsiyalar va axborot texnologiyalarining roli va ahamiyati. Xalqaro ilmiy konferensiyasi materiallari – T.: 2005.B-3.
5. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1998. B. 31-61.
6. Abduqodirov A.A. Ta'lim tizimida masofali o'qitish texnologiyasi. - Jamiyatning hozirgi zamon taraqqiyotida telekommunikatsiyalar va axborot texnologiyalarining roli va ahamiyati. Xalqaro ilmiy konferensiyasi materiallari – T.: 2005.B-3.
7. Abduqodirov A.A. Axborot texnologiyalari va masofadan o'qitish. – T.: Iste'dod. 2006. B-16
8. Aripov M. Tillayev A. Masofaviy ta'lim. // Fizika. Matematika va informatika. 2002. 2-son. B-12-18.
9. Ro'zimurodov O.N. Haydarov T. Masofadan o'qitish texnologiyalari va tamoyillari. – T.: Istiqol. 2006. B-74.

UO'K 371.123.37

MAKTAB O'QITUVCHILARIDA KASBIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH G.T. Jumaeva, o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz

Annotatsiya. Maqolada boshlang'ich sinf o'qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish va kasbiy rivojlantirishning ilmiy-pedagogik muammo sifatidagi ahamiyati tadqiq qilingan. Unda xorijiy va mahalliy tadqiqotchilarning fikrlari umumlashtirilgan. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy rivojlantirish tamoyillari, nazariy va pedagogik jihatlari ilmiy asoslangan.

Kalit so'zlar: kasbiy rivojlanish, o'zini o'zi rivojlantirish, uzluksiz malaka oshirish, kasbiy ehtiyoj, "hayot davomida o'qish" tamoyili.

Аннотация. В статье рассматривается важность совершенствования методической подготовки и повышения квалификации учителей начальных классов как научно-педагогическая проблема. Обобщены взгляды зарубежных и отечественных исследователей по теме. Научно обоснованы принципы, теоретические и педагогические аспекты повышения квалификации учителей начальных классов.

Ключевые слова: профессиональное развитие, саморазвитие, непрерывное обучение, профессиональная потребность, принцип «непрерывное обучение».

Abstract. In the article is discussed the importance of perfection the methodological training and professional development of primary school teachers as a scientific and pedagogical problem. It summarizes the views of international and domestic researchers. The principles, theoretical and pedagogical aspects of professional development of primary school teachers are scientifically based.

Key words: professional development, self-development, continuous training, professional need, the principle of "lifelong learning"

Respublikamiz mustaqil davlat sifatida demokratik jamiyat qurish, dunyodagi eng rivojlangan mamlakatlar qatoridan o'rin olishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan ekan, bu xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimi oldiga ham muayyan vazifalar qo'yadi. Mazkur vazifalar umumiy o'rta ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan o'qituvchilarning kasbiy-metodik tayyorgarligini rivojlantirish bilan belgilanadi. O'qituvchilarning kasbiy-metodik tayyorgarligi ularning kasbiy faoliyatga doir bilimlar, ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil qilish, o'z-o'zini rivojlantirish kabi asosiy kasbiy faoliyat sohaslarida aks etadi. Bu esa o'z navbatida, o'qituvchining o'z fanini o'qitishga doir bilimlarni mukammal bilishi va harakatga keltirishi, ta'lim jarayonini loyihalash, tashkil qilish va baholash uchun zarur bo'lgan tayanch kompetensiyalarni egallashi, shuningdek, o'qitish va tarbiyalash jarayonini ta'lim sohasidagi innovatsion ilmiy yutuqlar, zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida intensiv tashkil etish, uzluksiz va tizimli o'z-o'zini rivojlantirishni talab etadi.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrdagi "O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6108-son Farmoni va mazkur Farmon ijrosini ta'minlash maqsadida 2020 yil 6 noyabrda qabul qilingan "Ta'lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4884-son qarorda mamlakatimiz ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini takomillashtirish, jamiyatimizda o'qituvchi va pedagog xodimlar, ilmiy va ijodkor ziyolilarga bo'lgan hurmate'tiborni yanada oshirish, o'qituvchilarning kasbiy mahoratini rivojlantirish, tizimda xususiy sektor ishtirokini kengaytirish maqsadida O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini yanada rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari belgilab berildi. Bilimga asoslangan iqtisodiyot ta'lim va kasbiy tayyorgarlikning yangi modellarini talab qiladi. Bunda davriy malaka oshirishdan farqli ravishda ijtimoiy va iqtisodiy muvofiqlik imkoniyatiga ega bo'lgan «hayot davomida o'qish» tamoyili asosida uzluksiz malaka oshirish tizimini takomillashtirib borish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining malakasini oshirish tizimida metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirishning ko'p jihatdan nazariy yoritilishiga qaramay, jamiyat, fan va ta'limning yangi yo'nalishlari o'qituvchini innovatsion metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirish zaruriyatini kuchaytiradi. Shundan kelib chiqib, boshlang'ich sinf o'qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirish muammosini ilmiy jihatdan tahlil qilish natijasida quyidagi qarama-qarshiliklar mavjudligi aniqlandi:

- zamonaviy ta'limni innovatsion jarayonlarga yo'naltirish va boshlang'ich sinf o'qituvchilarining innovatsion o'quv jarayonini amalga oshirishga doir nazariy va uslubiy tayyorgarligi o'rtasida;
- boshlang'ich sinf o'qituvchisini uzluksiz kasbiy rivojlantirish zarurati va mavjud holatda bu jarayonga ilmiy-metodik yondashuvlar yetarli darajada rivojlanmaganligi o'rtasida;
- o'qitishning an'anaviy bilimga asoslangan yondashuvi va boshlang'ich sinf o'qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirishda kompetentlikka asoslangan, faol va shaxsga yo'naltirilgan yondashuvlarni talab qiladigan ta'limdagi zamonaviy innovatsion tendensiyalar o'rtasida;
- o'qituvchilarning innovatsion metodik tayyorgarligi sifatini oshirish zaruriyati va boshlang'ich sinf o'qituvchilarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish uchun rivojlantiruvchi texnologiyalar va mexanizmni resursli qo'llab-quvvatlashning yetishmasligi o'rtasida. Yuqorida qayd etilgan obyektiv va subyektiv ziddiyatlar pedagogik hodisaning mohiyatini – boshlang'ich sinf o'qituvchilarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish uchun pedagogik shartsharoitlarni aniqlashdan iborat bo'lgan tadqiqot muammosini faollashtiradi. Mavzuga doir ilmiy adabiyotlar va mavjud holat tahlilidan ko'rinadiki, quyidagilar o'qituvchining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, o'zini o'zi tahlil qilish va baholash, o'zini o'zi rivojlantirish, uzluksiz malaka oshirish zaruratini keltirib chiqaradi:
 - ta'lim sohasida xalqaro tajribalar va qiyosiy tahlil natijalari;
 - zamonaviy texnologiyalarning takomillashuvi;
 - jamiyat ehtiyoji hamda ta'limga bo'lgan talabning o'sishi;
 - jamiyat ehtiyoji va talablari asosida o'qituvchi rolining o'zgarishi;
 - DTS va o'quv dasturlarining optimallashtirilishi. Ilmiy muammoning qo'yilishi. Jamiyatdagi globallashtirishning keskin o'sib borishi, jahon miqyosida ta'lim tizimidagi islohotlar mazkur jarayonning faol ishtirokchisi va amaliyotga tatbiq etuvchi bo'lgan o'qituvchilarning metodik tayyorgarligini takomillashtirish, kasbiy rivojlantirishni talab etadi. Buning uchun esa, dunyo ilm-fanida o'qituvchi kompetensiyasini shakllantirish, o'qituvchilarning metodik tayyorgarligini takomillashtirish orqali ularni kasbiy rivojlantirish bo'yicha pedagog va uslubchi olimlar tomonidan olg'a surilgan ilmiy-nazariy qarashlarni o'rganish lozim. Xorijiy davlatlarda o'qituvchilarning pedagogik faoliyatini takomillashtirishning ilmiy masalalari Marta Ruiz-Corbella, Cropley A., Benjamin Crowell, John Dirk Walecka, D.Schaeffer tomonidan tadqiq qilingan. MDH mamlakatlarida o'qituvchilarining metodik tayyorgarligini rivojlantirishga bag'ishlangan ilmiy izlanishlar G.V.Abramyan, K.Angelovski, R.S.Arefyev, O.R.Badaguyeva, V.V.Davidov, M.V.Seliverstova, V.D.Shadrikovlar tomonidan olib borilgan. Tadqiqot doirasida yurtimiz olimlari tomonidan o'qituvchilarning kasbiy ko'nikmalari va metodik tayyorgarligini rivojlantirish bo'yicha olib borilgan bir qancha ilmiy tadqiqot ishlarini ham tahlil qildik. Tadqiqot muammosiga oid olib borilgan tahlillar shuni ko'rsatadiki, o'qituvchilarni kasbiymetodik tayyorgarligini takomillashtirish, kasbiy rivojlantirish masalalari bo'yicha yurtimiz pedagog olimlaridan Z.Artikbayeva malaka oshirish jarayonida maktab matematika o'qituvchilari kasbiy ko'nikmalarini takomillashtirishning pedagogik asoslari, rivojlantiruvchi ta'lim vositasida matematika o'qituvchisining metodik tayyorgarligini takomillashtirish yo'llari, N.A.Muslimov bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini kasbiy shakllantirish masalalari, G.E.Karlibayeva bo'lajak fizika o'qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, I.Y.Raxmonov geometriyani o'qitish jarayonida talabalarning metodik tayyorgarligini

rivojlantirish texnologiyasi, M.I.Toshpo'latova 17 bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, T.T.Shaymardonov 18 pedagog kadrlar malakasini oshirish va kasbiy faoliyati monitoringini tashkil etish mazmuni, ko'rsatkichlari, infratuzilmasi, dasturiy va metodik ta'minoti, axborot resurslarini shakllantirish tizimi, D.O.Ximmataliyev 19 pedagogik va texnik bilimlar integratsiyasi asosida kasbiy faoliyatga tayyorgarlikni diagnostika qilish yuzasidan ilmiy tadqiqot ishlari olib borganlar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Арефьев Р.С. Формирование готовности к самопроектированию коммуникативной компетентности у студентов педагогического вуза: Дисс... канд. пед. наук. - С.: 2004. - 190 с.
2. Абрамян Г.В. Теоретические основы профессионального становления педагога в информационной среде: автореф. дисс. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2001. - 39 с.
3. Ангеловски К. Учителя и инновации. Книга для учителя. –М.: Просвещение, 1991, -С.159.
4. Арефьев Р.С. Формирование готовности к самопроектированию коммуникативной компетентности у студентов педагогического вуза: дисс... канд. пед. наук. – С.: 2004. - 190 с.
5. Бадагуева О.Р. Формирование готовности будущего учителя к инновационной деятельности в условиях педагогического колледжа: автореф. ... дисс. пед. наук. – Улан-Удэ, 2006. -24 с.
6. Artiqboyeva Z.A. Malaka oshirish tizimida maktab matematika o'qituvchilarining kasbiy-metodik ko'nikmalarini takomillashtirish: ped.f.n. ... diss. – T.: 2004. - 163 b.
7. Benjamin Crowell. Newtonian Physics// Light and Matter / Fullerton, California-2012. Benjamin Crowell Revolution in Physics The Modern Light and Matter Fullerton, California-2012

UO'K 37.02

BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA TAYYORLASHDA KITOB BILAN ISHLASH MALAKASINI RIVOJLANTIRISH USULLARI

N.I. Ismailova, o'qituvchi, Namangan davlat universiteti, Namangan
M. Sobiraliyeva, talaba, Namangan davlat universiteti, Namangan

Annotatsiya. Maqolada O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2020 yil 14 dekabr, 781-sonli Qarori 2020 - 2025 yillarga mo'ljallangan kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash milliy dasturining mazmuni, bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda kitob bilan ishlashning ahamiyati, texnologiyalari, pedagog va ota-onalarning bola bilan kitobga qiziqishlarini ichki motivatsiyani ishga solish mexanizmlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: Milliy dastur, kitob, kitobxonlik, faol kitobxon, bolalar kutubxonasi, kitob o'qishga qiziqtirish, ichki va tashqi motivatsiya.

Аннотация. В статье раскрыто содержание Национальной программы развития и поддержки культуры чтения на 2020-2025 годы, важность работы с книгой при подготовке детей к школе, технологии, педагог. И механизмы активизации внутренней мотивации интереса родителей к книге с ребенком.

Ключевые слова: Национальная программа, книга, чтение, активный читатель, детская библиотека, интерес к чтению, внутренняя и внешняя мотивация

Abstract. The article reveals the content of the National Program for the Development and Support of the Culture of Reading for 2020-2025, the importance of working with a book in preparing children for school, technology, teacher. And the mechanisms for activating the internal motivation of parents' interest in a book with a child.

Keywords; National program, book, reading, active reader, children's library, interest in reading, internal and external motivation

O'zbekiston «Milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari» tamoyili asosida taraqqiyotning yangi bosqichiga qadam qo'ydi. Yangi davr shiddati jamiyat hayotida ezgu qadriyat va an'analarni qaror toptirishga, xususan, xalqimiz, ayniqsa, yosh avlodning ma'naviy-intellektual salohiyati, ongu tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirishda, ona Vatani va xalqiga muhabbat va sadoqat tuyg'usi bilan yashaydigan barkamol shaxsni tarbiyalashda kitobxonlik madaniyatini oshirish alohida ahamiyat kasb etmoqda.

2020 - 2025 yillarga mo'ljallangan kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash milliy dasturi 2020 yil 14- dekabrda qabul qilingan bo'lib, dasturda kitobxonlik sohasidagi milliy va ilg'or xorijiy tajriba tahlili asosida O'zbekistonda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish va qo'llab-quvvatlashni yangi bosqichga olib chiqish, kitob mahsulotini yaratish, chop etish, yetkazib berish, kitobxonlikni ommalashtirish, ilmiy-metodik ta'minlash, kadrlar tayyorlash, kitobxonlik infratuzilmasini boshqarish bilan bog'liq masalalar qamrab olingan. Har bir bolaning rivojlanishida kitobxonlikning o'rnini katta. Kitob bilan ishlash bolaning rivojlanishiga juda katta ta'sir qiladi: uning aql-idroki, ijodiy va mantiqiy fikrlashi, hissiy va ijtimoiy rivojlanishi, psixologik va psixofiziologik rivojlanishini ta'minlaydi. Maktab yoshidagi bolaning nutqini rivojlantiradi, sodir bo'layotgan barcha narsalarga to'g'ri axloqiy va estetik munosabatni

shakllantirishga yordam beradi. Kitoblar bilan ishlash jarayoni bolani hayotning turli xil ko'rinishlari, mehnat faoliyati, tabiati, rivojlanayotgan ijtimoiy tajribasi bilan tanishtiradi. Esingizda bo'lsin, kitob o'qish orqali bola har tomonlama rivojlangan shaxsga aylanadi. Shu sababli bolalarga kitobga muhabbatni go'daklikdan singdirish kerak.

Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda kitob bola rivojlanishining kaliti xisoblanadi. Kitob bolaning dunyoqarashini shakllantiradi va unga bilim beradi. Bu davr bolaga eng qimmatli fazilatlarni singdirish uchun o'tkazib yubormaslik kerak bo'lgan vaqt, chunki aynan shu paytda bolaning ichki dunyosi shakllanadi. Va bu yerda kitob yaxshi yordamchi vazifasini bajaradi, bu bolaning dunyoqarashi, uning axloqi, qadriyatlar va umumiy madaniyat darajasini shakllantirishga yordam beradi.

O'qishni tinglash yoki mustaqil ravishda o'qish paytida bola:

- dunyoning o'tmishi, hozirgi va hatto mumkin bo'lgan kelajagi bilan tanishadi;
- hamma narsani o'ylash, tahlil qilish, ijodiy bo'lishni o'rganadi;
- nutqni rivojlantiradi, uni to'g'ri, chiroyli, boy, aniq, obrazli, hammaga tushunarli qilishga intiladi;
- ma'naviy fazilatlarni shakllantiradi: rahm-shafqat, hamdardlik, boshqalarning muvaffaqiyati uchun quvonch, mehribonlik, jasorat, san'at bilan tanishadi, go'zallikni his qilishni va tushunishni o'rganadi;
- hayotga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantiradi;
- tabiatni to'g'ri idrok etishni, barcha tirik mavjudotlarga tejamkor munosabatni rivojlantiradi;
- boshqalarning mehnatini qadrlashni va mehnatsevar bo'lishni o'rganadi.

Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda "Ilm yo'li" variativ dasturidan foydalanib savodga o'rgatilmogda. Kitob bilan ishlash, kitob o'qishga qiziqirishda ota-onalar, tarbiyachilar turli usullardan foydalanadilar. Ular orasida mukofotlar bilan rag'batlantirish ko'p qo'llaniladi. Psixologlar nima uchun mukofotlar bilan rag'batlantirish ish bermaydi, uning o'rniga qanday yo'l tutish kerakligini quyidagicha tavsiya qiladilar. Psixolog Al'fi Kon "Mukofot bilan jazolash" kitobida nafaqat ota-onalarni, balki o'qituvchilarni ham turli imtiyozlarni qo'llashdan ogohlantiradi. Ba'zi ota-onalar farzandi yaxshi o'qishi uchun hayvonot bog'iga olib borishni va'da qilishadi, boshqalari qimmatbaho sovg'alar xarid qilishadi va hatto pul ham berishadi. Muammo shundaki, bu usul ish bermaydi: bola tashqi motivatsiyaga bog'lanib qoladi, boz ustiga, va'da qilingan narsaga erisha olmagan uchun yaqinlaridan xafa ham bo'ladi.[2]

Imtiyozlar ichki motivatsiyani yo'qqa chiqaradi. Psixologlar Kerol Eymys va Kerol Duek ota-onalar hamda o'qituvchilar qandaydir imtiyozga urg'u berishganda bolalarning qiziqishi darhol so'nishini aniqlashdi. O'qishga motivatsiyani qaytarish — uzoq jarayon va buning muvaffaqiyati asosan ota-onaga bog'liq. Kattalar eng avvalo uch narsa haqida bosh qotirishlari kerak: mazmun, hamkorlik va tanlov erkinligi.

1. Mazmun. Bola talabimizni bajarmaganida biz uning xatti-harakatlariga ta'sir ko'rsatish usullarini qidiramiz. Yaxshisi, talabingiz qanchalik to'g'ri ekani haqida o'ylab ko'ring. Farzandingiz she'r yodlashni xoxlamasa, buning hech qanday qo'rqinchli joyi yo'q. Bolalar "shovqin qilmaslik" borasidagi talabimizni "quloqsiz" ekanliklari uchun emas, o'z yoshlarining psixologik xususiyatlari sababli rad etishadi.

Oʻzbek tili oʻqitish metodikasi taʼlimning turli bosqichlarida tilning nazariy va amaliy tomonlarini oʻrganishning oʻziga xos xususiyatlarini tadqiq etishi bilan muhim ahamiyat kasb etadi.

Oʻzbek tili oʻqitishga tegishli grammatik atamalar tizimining allaqachon shakllanganligi va ularning taʼlim amaliyotida faol isteʼmolda ekanligini taʼkidlash joiz. Shunga qaramay, bu sohada hali anchagina notugʻalliklar, har xilliklar, hatto ichki ziddiyatlar mavjudligini eʼtirof etishga toʻgʻri keladi.

Oʻzbek tilida kommunikativ faoliyatni oʻrgatish jarayoni markazlashtirilganlik haqidagi matn yoki tilni matn asosida oʻrganish printsipi asosida tashkil etilgan. Oʻzbek tilini oʻqitishda ushbu tamoyilning nazariy rivojlanishi izchil nutq tushunchasi nafaqat nutq faolligini, balki muloqot harakati, maʼlum bir nutq ishi, matnni ham oʻz ichiga oladi.

Matnlardan foydalanish oʻqituvchi tizimli ish olib borishini bildiradi va bu talabalarga oʻzbek tilining boyligi va goʻzalligini ochib berish, shuningdek, tilning naqshlarini koʻrish imkonini beradigan til materialidir, buning natijasida talabalarda imlo hushyorligi, tinish belgilarini anglash koʻnikmalari va fikrlashni shakllantiradi.

Universitetda oʻzbek tilini oʻqitishning ayrim jihatlariga toʻxtalib oʻtamiz. Men ish tajribamdan kelib chiqib, shu munosabat bilan oʻz fikrlarimni oʻrtoqlashaman.

Til toʻsigʻi. Rus guruhida rus tili ustunlik qiladi. Oʻzbek tilini biladigan talabalar dars jarayonida ham va sinfdan tashqari mashgʻulotlarda ham muloqotda boʻladilar. Koʻpchilik talabalar oʻz fikrini malakali bayon eta olmaydi, oʻzbek

tilida muloqotda soʻzlarning ekvivalentini topa olmaydi, mos ravishda ona tilidan soʻz kiritadi, avtomatik ravishda rus tilida javob berishni afzal koʻradi;

- baʼzi soʻzlarning lugʻaviy maʼnolarini bilmaslik, hatto kontekstdan ham talabalar soʻzning maʼnosini aniqlay olmaydi;

- dars jarayonida baʼzi talabalar nutqida xato qilishdan qoʻrqib sukut saqlaydilar. Bunday talabalar maʼlum vaqtgacha oʻqituvchining vaqtinchalik va lingvistik yordamga muhtoj.

Rus guruhlarida talabalar uchun jiddiy qiyinchiliklar oʻzbek soʻzlarida urgʻuning toʻgʻri qoʻyilishi bilan ifodalanadi. Rus tilidagi stress turli xil va harakatchan. Bu shuni anglatadiki, ruscha soʻzlarda urgʻu har qanday boʻgʻinda boʻlishi mumkin. Ona va rus tillarida urgʻu ostidagi boʻgʻinlarning talaffuzini taqqoslash usuli urgʻu meʼyorlarining buzilishi sabablarini aniqlashga yordam beradi, stress normalarini oʻrgatishning uslubiy usullarini belgilaydi. Talabalar koʻpincha nutq qonunlari asosida tovushlarni emas, balki yozma nutqda ularni ifodalovchi harflarni tahlil qiladilar.

Otlarni jonli va jonsiz bilan farqlashda qiyinchilik mavjud. Otlarga savol berishda talabalar avtomatik ravishda **nima?** degan savolni berishadi.

Yozuvda **u -o** harflarini almashtirish mavjud. Baʼzan imlo xatolari eng elementar xususiyatga ega va hatto tez-tez ishlatiladigan soʻzlarda ham ruxsat etiladi.

Talabalarining harakat feʼllarini tushunishlarida qiyinchiliklar yuzaga keladi. Natijada ona va rus tilidagi nutqdagi malakalar oʻrtasida chalkashlik yuzaga keladi. Eng oddiy predloglardan notoʻgʻri foydalanish mavjud boʻlib, talabalar tomonidan qoldirilgan yoki almashtirilgan. Old gaplarning maʼnosi ergash gaplar, hol shakli orqali yetkaziladi.

Talabalarining ona tiliga aralashuvi natijasida yuzaga kelgan xatolarga yoʻl qoʻyiladi. Instrumental va original holatlarda umumiy narsa yoʻq. Keyslarni muvaffaqiyatli oʻrganish uchun rus va oʻzbek tillaridagi holatlarning oʻxshash va farqli tomonlarini hisobga olish kerak. Bu darslarni toʻgʻri qurish va rus guruhlarining oʻziga xos xatolarining oldini olishning ajralmas uslubiy shartidir.

Imloni oʻzlashtirishdagi asosiy qiyinchiliklar harflar va tovushlar, baʼzi grammatik shakllar oʻrtasidagi nomuvofiqlikdir.

Rus tilida oʻzbek tilida mavjud boʻlmagan grammatik kategoriyalar mavjud: jins, feʼlning turlari, yuklamalar, old qoʻshimchalar.

Sintaksisni oʻrganishda shuni hisobga olish kerakki, oʻzbek tilida bosh gap deyarli hamma vaqt gap oxirida boʻladi, olmoshga oid lirik asarlardagina gap boshida boʻlishi mumkin.

Qiyinchilik gapning predikativ qismini topishdadir, baʼzan oʻquvchilar mavzu oʻrniga qoʻshimchani taʼkidlaydilar.

Takliflarning ajratilgan aʼzolari bilan takliflarni oʻrganish. Boʻlishli va ergash gaplar oʻrtasida aniq chegara boʻlmagan holatlar mavjud.

Yana bir muammo - insho yozish. Insho yozishdagi qiyinchiliklar soʻz va matn bilan analitik ishlash koʻnikmalarining kam rivojlanganligi, matnni tahlil qilishda yetarlicha amaliyotning yoʻqligi bilan bogʻliq.

Insholar nafaqat maktabdagi adabiy ta'lim, balki uning o'quvchilar qalbiga ta'sir etish samaradorligi haqida ham fikr yuritish uchun jiddiy manbadir. Ijodiy ish turlari xilma-xildir. Ularning tanlovi universitet talablari, dastur ko'rsatmalari va hayot talablari bilan belgilanadi. Kommunikativ maqsadga muvofiqlik printsipli haqida unutmashimiz kerak: nima deyish, qanday gapirish va qayerda gapirish. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, har qanday nutq vaziyatida quyidagi shartlarni hisobga oling: nutq kimga qaratilgan, u qanday muhitda amalga oshiriladi va mavzu.

O'zbek tilini o'qitish amaliyotida tinglash mashqlari alohida ahamiyatga ega.

Siz uy vazifasini shakllantirish usullariga e'tibor berishingiz kerak. Darsni sinfdan tashqari ishlar bilan bog'lashning bu juda muhim shakli darsning oxirgi daqiqalarigacha qoldirilmasligi kerak. Uy vazifasini yozishda talabalar bu darsda o'tkazilgan materialni mustahkamlashning zaruriy davomi ekanligiga ishonch hosil qilishlari kerak, ularsiz keyingisini muvaffaqiyatli idrok etish mumkin emas. Bunday munosabat talabalarni uy vazifasini jiddiy qabul qilishga majbur qiladi, ayniqsa, agar ular uni shakllantirishda ishtirok etgan bo'lsa.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ziyodova T.U. "Ona tilidan rangli proyeksiyon slaydlar komplekti" 1-2-qismlar. - Samarqand, 2002.
2. Ziyodova T.U. "O'qituvchi kitobi". Ona tili o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. - T.: 2002.
3. Ziyodova T. O'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish. - T.: "O'qituvchi", 2000.
4. Mahmudov N., Nurmonov A., Ahmedov A., Solixojayeva. "O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi". - T.: "Fan", 1992.
5. Mahmudov N., To'xlijev B. "O'zbek tilini o'rganamiz" rasmiy lug'at "O'zbek tilining imlo lug'ati". - T.: "O'qituvchi", 1995. 179
6. Shamsiyeva M. O'rta maktablarda uyushiq bo'lakli gaplarni o'rgatish. Qo'llanma. - T.: 1991.
7. Shamsiyeva M. So'z turkumlarini sintaksis asosida o'rganish. Ilmiy metodik to'plam. - T.: 1993.
8. Shamsiyeva M. Ajratilgan II darajali bo'lakli gaplarni o'rgatish. Ilmiy metodik to'plam. - T.: 1993.
9. Rahmatullaev Sh. "O'zbek tilining yangi alifbosi va imlosi" -T.: "Universitet", 1999. "O'zbekiston Respublikasining Davlat tili haqidagi qonuniga sharhlar". - T.: "O'zbekiston", 1999.

UO'K 372.882

ADABIYOT DARSLARIDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING O'QUVCHILAR MALAKA VA KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNINI VA AHAMIYATI Q.N. Nazarov, o'qituvchi, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktab o'quvchilarning adabiyot darsliklarida berilgan hikoyalarni o'qib tushunish jarayonida zarur ko'nikmalarni shakllantirishi yoritilgan. Shuningdek, hikoyalarni tahlil qilish uchun topshiriqlarni ishlab chiqish bo'yicha tavsiyalar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: o'qib tushunish, idrok qilish, so'z boyligi, lingvistik kompetensiya, kommunikativ vazifa, estetik vazifa, nostandart topshiriqlar, didaktik ashyolar, ravonlik, dekodlash, badiiy matn, nobadiiy matn

Аннотация. В данной статье освещаются вопросы формирования необходимых знаний и навыков в процессе понимания прочитанных рассказов, данных учебниках по литературе. Также приводятся рекомендации по разработке заданий для анализа рассказов.

Ключевые слова: понимание прочитанного, декодирование, словарный запас, лингвистическая компетенция, коммуникативная задача, эстетическая задача, нестандартные задания, выразительность, беглость, дидактические материалы, художественный текст, нехудожественный текст.

Abstract. This article describes how school students develop the skills they need to read and understand stories in literature textbooks. Recommendations for developing assignments are also provided in the story analysis process.

Keywords: reading comprehension, comprehension, vocabulary, linguistic competence, communicative task, aesthetic task, non-standard tasks, didactic materials, fluency, decoding, literary text, non-fiction text

O'quvchilarning o'qib tushunish savodxonligini oshirish va o'qilgan har qanday matnni tez va oson tahlil qilish, xulosa chiqarish va uni amaliyotda qo'llash zamonaviy ta'limning asosiy talablaridan biri hisoblanadi. Ushbu talabni bajarish har bir o'quvchidan yetarli darajadagi lingvistik kompetensiyalarni o'zida shakllantirishni taqozo etadi. Matn deganda biz, albatta, faqat o'qish orqali tushuniladigan birlikni emas, balki eshitib ham tushunish mumkin bo'lgan birliklarni his qilishimiz lozim. Shu o'rinda, o'zbek tilidagi matnlarni har qanday holatda to'liq tushunish va anglab yeta olish uchun biz o'quvchi va o'qituvchilar qanday vazifalarni bajarishimiz kerak, degan savol yuzaga chiqadi.

Birinchiidan, matn tuzuvchi – matnni qabul qiluvchi (retsipiyent) tushunchalarini to'liq anglab olishimiz lozim. Matn tushunchasiga yuqorida ta'rifni keltirdik. Matn tuzuvchi uni qabul qiluvchi shaxsga

to'g'ri, ravon, aniq yetkazib beruvchi shaxsdir. Retsipiyent esa matnni qabul qiluvchi va uni idrok qila oluvchi shaxsdir. Ushbu uchlik asosida insonlar orasida muloqot jarayoni shakllanadi.

Ikkinchidan, matn tuzish yoki uni to'g'ri qabul qilish uchun bizda yetarli lingvistik ko'nikma bo'lishi lozim. Ya'ni tilimizdagi barcha so'zlar, iboralar va birikmalarning ma'nosini bilish va adabiy til normalariga rioya qilish lozim.

Uchinchidan, keltirilayotgan matn mavzusi doirasida yetarli bilimga ega bo'lish zarur.

Matn tasnifiga to'xtaladigan bo'lsak, tilshunos olim M. Yo'ldoshev quyidagi fikrlarni aytib o'tadi. Matn maqsad-mohiyatida tilning ikki muhim vazifasidan qaysi birining - kommunikativ vazifaningmi yoki estetik vazifaningmi - yetakchilik qilishiga asoslangan holda matnlarning ikki oppozitiv tiplarini farqlash zarur, ya'ni badiiy matn va nobadiiy matn [1,15]. Bugungi kunda adabiyot darsliklarida berilgan hikoyalarni o'qish va uning tarbiyaviy, g'oyaviy ahamiyatini tushunib yetish ham bevosita o'quvchining yuqoridagi lingvistik ko'nikmalari va shu bilan birga tilning estetik vazifasini chuqur anglash lozimligini talab etadi. Bizga ma'lumki, tilning estetik vazifasi ekspressivlik, badiiylik, poetiklik kabi tushunchalarni ham o'z ichiga oladi. Tilning estetik imkoniyatlaridan foydalana olish ko'nikmasini shakllantirishda badiiy matnlarni o'qish muhim ahamiyatga ega. Demak, adabiyot darsliklarida turli yozuvchilar ijodidan hikoyalar keltirilgan va ularni o'qib kerakli xulosa chiqara olish uchun nostandart topshiriqlar ishlab chiqish asarning mazmunini tushunish samaradorligini oshiradi. Nostandart mashq va topshiriq juda keng tushuncha. U ushbu turdagi vazifalarni an'anaviy (standart) vazifalardan ajratib olishga imkon beradigan bir qator xususiyatlarni o'z ichiga oladi. Nostandart mashq va topshiriqlarning asosiy farqlash xususiyati ularning psixologiyada samarali deb ataydigan faoliyat bilan bog'liqligi:

- o'quvchilar mashq va topshiriqlarni bajarish yo'llari va variantlarini mustaqil ravishda izlashi (taklif qilingan variantlardan birini tanlash yoki o'z variantini topish va yechimni asoslash);

- noodatiy bajarish sharoitlari;

- olingan bilimlarni notanish sharoitlarda faol ravishda qo'llash;

- amaliy nostandart mashq va topshiriqlar bilan ishlash kabilar.

Nostandart mashq va topshiriqlar muammoli vaziyatlar (qiyin vaziyatlarda olingan bilimlardan foydalanib ushbu vaziyatdan chiqish yo'lini topishi kerak), rol o'ynash va ishbilarmonlik o'yinlari, tanlovlar va musobaqalar shaklida taqdim etilishi mumkin. Nostandart topshiriqlar darsni jonlantirishga yordam beradi.

Nostandart mashq va topshiriqlarga qo'yiladigan talablar:

– bolalar tomonidan o'rganilgan tayyor qoidalarga ega bo'lmaslik kerak;

– tarkib jihatidan qiziqarli bo'lishi kerak;

– nostandart topshiriqlarni hal qilish uchun o'quvchilarlar dasturda o'zlari tomonidan yetarli darajada bilimga ega bo'lishlari kerak;

– o'quvchilar ikkala miya yarimsharlarini teng ishlatishga undovchi bo'lishi kerak [2, 30].

Nostandart mashq va topshiriqlarni hal qilish o'quvchilar faoliyatini faollashtiradi. O'quvchilarlar taqqoslashni, tasniflashni, umumlashtirishni, tahlil qilishni o'rganadilar va bu bilimlarni yanada mustahkam va ongli ravishda o'zlashtirishga yordam beradi. Nostandart topshiriqlarni ishlab chiqish hozirgi kunda PISA va PIRLS kabi xalqaro baholash tizimida o'quvchilarning yuqori natija ko'rsatishi uchun ham tayyorgarlik bosqichi bo'lib xizmat qiladi. Ushbu baholash tizimining asosiy maqsadi o'quvchilarning turli sohada olgan bilimlarini o'z hayoti davomida qay darajada samarali qo'llay olishini tekshirishdir. Har bir o'qilgan asardan hayotiy xulosa chiqarish, uni tahlil qila olish o'quvchining fikrlash darajasini ham o'stiradi. Nostandart topshiriqlar ham yuqoridagi ko'nikmalarni shakllantirishga qaratilishimaqsadga muvofiq.

Topshiriqlarning g'ayrioddiyliklari ularni amalga oshirish boshlanishida maktab o'quvchilarida kutilmagan hodisalar, ish jarayonida quvonch, natijalarini ko'rib zavqlanishni keltirib chiqaradi, nafaqat o'rganilayotgan masalalarga, balki dars jarayonlariga ham qiziqish uyg'otadi. Adabiyotshunos olimlarimiz darslikdagi materiallarning o'zlashtirilishini ta'minlovchi matndan tashqari materiallardan biri asar mazmun-mohiyati yuzasidan tuzilgan savol va topshiriqlar ekanligini ta'kidlashadi. Professor A.Zunnunov darsliklardan o'rin olgan bu didaktik ashyolarni uch guruhga bo'ladi:

- bilimlari mustahkamlash vazifasini bajaruvchi;

- mantiqiy fikrlash usullarini egallashga imkoniyat beruvchi;

- o'zlashtirilgan bilimlarni amalda qo'llash imkonini beruvchi [3, 13].

Bu jarayonda har bir sinf adabiyot darsligida keltirilgan hikoyalar mazmunidan, o'quvchilarning yoshidan kelib chiqqan holda topshiriqlarni shakllantirish lozim. Topshiriqlar nafaqat badiiy tafakkurni, balki o'quvchining lingvistik ko'nikmalarini rivojlantirishga ham xizmat qiladi.

Demak, o'quvchida o'qib tushunish uchun shakllanishi kerak bo'lgan asosiy ko'nikmalar hisoblanadi:

-Ravonlik

- So'z boyligi
- Eslab qolish
- Xulosa [4, 2]

Ravonlik. hikoyani o'qish jarayonida ravonlikni ta'minlash uchun uning bir nechta xususiyatlarini bilib olishimiz lozim. Avvalo, ravonlik matni uzviyligini ta'minlagan holda aniq o'qish qobiliyatingizga qaratilgan bo'lishi lozim. Shuningdek matni o'qish jarayonida so'zlarning ma'nolarini to'liq va tez idrok qilishi (dekodlash) ravonlikni ta'minlaydi.

So'z boyligi. Har bir o'quvchi o'qilayotgan matni yetarli darajada tahlil qilishi uchun matn tarkibidagi so'zlarning ma'nosini to'liq idrok qilishi muhim. Badiiy matni o'qib tushunish va tahlil qilish jarayonida so'zlarning kontekst bilan bog'liq ma'nolarini bilish, iboralar, tasviriy ifodalar, badiiy tasvir vositalarini to'g'ri tahlil qila olish ham til sohibidan yuqori darajadagi so'z boyligini talab etadi.

Eslab qolish. Ma'lum bir hikoyani o'qib tushunish undagi ma'lumotlarni eslab qolish bilan bog'liq. Har bir o'quvchi hikoya matnini qanchalik diqqat-e'tibor bilan o'qisa, shunchalik ko'p ma'lumotlarni xotirada saqlab qoladi. Qahramonlar hayoti, ularning qilgan ishlari, voqealar rivoji haqidagi axborotlarni eslab qolish badiiy asar haqida xulosa chiqarishga katta yordam beradi.

Xulosa chiqarish. Hikoyani o'qib tushunish jarayonida xulosa chiqarish ko'nikmasi ham muhim element hisoblanadi. O'quvchi badiiy asar matnini idrok qilish va undan xulosa chiqarishda ma'lumotlarni o'z g'oyalari, fikrlari bilan bog'laydi. Har bir mutolaa qilingan badiiy asardan tegishli xulosa chiqarish o'qib tushunish jarayonidagi eng muhim ko'nikma hisoblanadi.

O'qituvchining har qanday savoli o'quvchilardan keng miqyosda javob talab qiladigan, ularning aqliy faolligini oshirishga, mulohaza yuritishga, taqqoslashga yo'naltiradigan tarzda tuzilishi adabiy ta'lim maqsadiga muvofiqdir [5, 256]. Demak, darsliklarda berilgan hikoyalarni o'qib tushunish jarayonida yuqridagi ko'nikmalar, ya'ni so'z boyligi, ravonlik, eslab qolish, xulosa chiqarish kabilarni o'quvchilar o'zida shakllantirishi muhim. Buning uchun hikoyani o'qigandan so'ng uni to'liq idrok etishga yordam beruvchi nostandart topshiriqlar to'plamini shakllantirish maqsadga muvofiq. Hikoya mazmunini idrok qilish va undan to'g'ri xulosa chiqarish uchun undagi har bir so'z, qahramon holati, makon va zamon munosabati o'quvchi uchun tushunarli bo'lishi lozim. Yuqoridagi ko'nikmalarni hisobga olgan holda namuna sifatida Oybekning "Fanorchi ota" hikoyasini o'qib tushunish bo'yicha bir necha topshiriqlar ishlab chiqildi. Topshiriqlar shakli quyidagicha:

1-topshiriq. Quyidagi fikrlarni to'g'ri bo'lsa T(to'g'ri) belgisi bilan, noto'g'ri bo'lsa N(noto'g'ri) belgisi bilan belgilang!

T/r		T/N
1.	Fanorchi otaning bolalar tomonidan sindirilgan fanorning oyna ko'zlarini indamasdan almashtirib ketishi bolalarga yoqmas edi.	T
2.	Fanorchi ota doim fanorni yoqish uchun narvon bilan kelar edi.	
3.	Fanor qurilgan vaqtda mahalla ahli uning qurilganligidan xursand bo'lmadi.	
4.	Mahalla bolalari avvaliga fanorga do'ppi otib merganliklarini sinashdi	

Yuqoridagi topshiriq o'quvchilarning hikoya ichidagi ma'lumotlarni aniq eslab qolish ko'nikmasini rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, bunda o'quvchi fikrlarning to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini xotirasini ishga solgan holda aniqlashadi.

2-topshiriq. Hikoyaning mazmunidan kelib chiqqan holda quyidagi fikrlarni davom ettiring!

1. Mahalla bolalari va yangi o'rnatilgan fonar o'rtasida dushmanlik paydo bo'ldi va bolalar
2. Fanorchi ota har kuni fanorni bolalar sindirishiga qaramasdan yoqib ketar edi, chunki
3. Fanorchi otaning bolalarga aytgan nasihatidan so'ng fanorga hech kim teginmadi, chunki

Ushbu topshiriqni bajarish jarayonida o'quvchi ma'lumotlarni eslab qolish bilan birga yuqoridagi fikrlarni davom ettirish bilan o'z nutqiy kompetensiyalarini rivojlantirishi mumkin. Ya'ni bu topshiriq o'quvchining og'zaki nutqini rivojlantirishga qaratilgan.

3-topshiriq. Hikoyadan quyida berilgan ta'riflarga mos so'zni toping va jadvaldagi bo'sh joyni to'ldiring.

1	O'taketgan yovuz, berahm, vahshiy	
2	Kun botib, qorong'ilik tusha boshlagan payt, qosh qoraya boshlagan vaqt.	
3	Quyosh botgandan bir-ikki soat keyingi vaqt; taxminan kech soat yettidan o'ngacha davom etuvchi vaqt.	
4	Ikki voni uzun yog'och voki metall va unga ko'ndalangiga mahkamlangan yog'och yoki metall pog'onalardan iborat, yuqoriga chiqish va tushish uchun ishlatiladigan asbob;	

3-topshiriq o'quvchining so'z boyligini rivojlantirishga va so'zlarning ma'no ma'no qirralarini bilishiga qaratilgan hisoblanadi. Shuningdek hikoya matnini tushunishda bunday topshiriqlarning bajarilishi mutolaa qiluvchidan so'zlarning izohiga e'tiborli bo'lishini talab etadi. Bu esa, o'z navbatida, o'quvchining so'z boyligini oshirishga va ravonlik ko'nikmasini rivojlantirishga yordam beradi.

4-topshiriq. Quyidagi matn qismlarini tartib bilan joylashtirib chiqing

A) Bir kun, namozshom vaqti, ko'chada bolalar ko'p edi. Ichimizda eng ko'p qo'rqmaydigan, eng battol Qosim cho'loq: «Bolalar!» — dedi. Changga botgan yuzlarimiz yangi bir narsa kutib, uning ko'zlariga tikildik.

B) U ketdi, darrov biz yangi «ko'z»ini o'yib olardik. Shunday bo'lsa-da, Fanorchi ota «lom» deb og'iz ochmasdi. Uning bu qiligi bizga sira yoqmas, tutib olish uchun poylasa, hatto biron tamizni tutib ura ekan, der edik. Ammo shu tilaklardan bittasi ham yuzaga chiqmasdi

C) To'planishib, avvalo bir-birimizning do'ppimizni otishar, fanorga do'ppi kiygizgan o'rtoq merganligi ila kerilar edi. Keyincha bu ham bizni zeriktira boshladi. Chunki piston qadalgan yoki har turli ipaklar bilan bezalgan do'ppini kiyib olib, fanor chirovli bir tus olar, bizni xafa qilgandek bo'lar edi.

D) Shuning uchun qo'limizga tosh, kesak olib, fanorga hujum qilishni o'rgandik. Bunda u juda kuchsiz edi: kichkina bir kesak yoki tosh parchasi bechora fanorning oyna ko'zlarini o'pirib tushirardi. Keyin-keyin Fanorchi ota haftada uch-to'rt marta unga «yangi ko'zoynak» taqib ketishga majbur bo'lardi [6, 111].

Yuqoridagi 4-topshiriq orqali hikoya matnidan kesib olingan parchalarni o'quvchilar hikoyaga qaramasdan turib bajarishlari lozim. Bunda o'qilgan axborotlar ketma-ketligi qay darajada ekanligi ma'lum bo'ladi. Bu topshiriq o'quvchidan mutolaa jarayonida yanada sezgirroq bo'lishni talab etadi.

5-topshiriq. Hikoya mazmunidan kelib chiqqan holda Fanorchi ota, Qosim, Ahmad kabi qahramonlarga ta'rif bering va 50 ta so'zdan iborat insho yozing!

Ushbu topshiriqda o'quvchi yuqoridagi topshiriqlarni bajarishdan olgan ko'nikmalari va o'zining shaxsiy fikrlarini umimlashtirgan holda har bir qahramon xarakteriga ta'rif yozadi hamda umumiy xulosa sifatida insho shakllantiradi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, adabiyot darsliklarida berilgan hikoyalarning mazmuni va o'quvchilarning yosh jihatini hisobga olgan holda noan'anaviy topshiriqlarni ishlab chiqish hikoya matnini o'qib tushunish va idrok qilish samaradorligini oshiradi. Bu jarayonda o'quvchining savodxonligi, mantnning qiyinlik darajasi, berilayotgan topshiriqlar hajmiga e'tibor berish lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. M.Yo'ldoshev, Z.Isaqov, Sh.Haydarov. Badiiy matnning lisoniy tahlili.–Toshkent, 2010. 15-bet.
2. O.Abdunazarov. Ona tili ta'limida nostandart topshiriqlardan foydalanish metodikasi (8-sinf ona tili darslari misolida). Mag.diss. -2021. 30-bet.
3. Zunnunov A. O'zbek tili va adabiyoti darsliklari mezoni. –Toshkent: O'zPFITI 1994, 13-bet.
4. www.indeed.com. How to improve reading skills?
5. Q.Husanboyeva, R. Niyozmetova. Adabiyot o'qitish metodikasi. –Toshkent: 2018, 256-b.
6. Ahmedov S, Qosimov B, Qo'chqorov B, Rizayev Sh. Adabiyot umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. –T.: 2020. Sharq 111-bet.

UDC 37.02

ADVANTAGES OF USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE STUDY OF FOREIGN LANGUAGES

N.T.Rahmanova, teacher, Tashkent State Economic University, Tashkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada chet tilini o'rganishda innovatsion texnologiyalarning roli, samaradorligi, dars jarayonidagi ahamiyati hamda afzalliklari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: interaktiv metod, innovatsiya, o'qitish vositalari, ta'lim sifati, multimedia, ta'lim samaradorligi.

Аннотация. В данной статье освещена роль, эффективность, значение и преимущества инновационных технологий в изучении иностранного языка.

Ключевые слова: интерактивный метод, инновация, средства обучения, качество образования, мультимедиа, эффективность обучения.

Abstract. This article highlights the role, effectiveness, importance and advantages of innovative technologies in learning a foreign language.

Keywords: interactive method, innovation, teaching tools, quality of Education, multimedia, educational efficiency.

In today's fast-evolving era, science and technology are also growing rapidly. Progress in each area is taking a step forward. In particular, great changes and significant achievements are being made in science. The delivery of each science to students using new innovative pedagogical Technologies is one of the main requirements of today's education. The lesson is the main organizational form of this education. In the course of the lesson can be divided into groups and individually. It has definitely the role of innovative technology in both cases. A new stage and a new period began in the teaching of foreign languages in our country. In

the process of teaching foreign language lessons, the use of advanced pedagogical technologies, interactive, innovative methods, communicative and informational means is required. New methods and requirements have been developed in accordance with the recommendations of the all-European views on the teaching of a foreign language in the Republic, evaluation of the knowledge and skills of Foreign Language teachers (CEFR). According to him, textbooks were created for students of secondary schools and academic lyceums.

In accordance with these requirements, the study rooms were equipped with stands and new information and communication techniques. According to experts, information and communication technologies teach students to concentrate attention, think independently, further development of creativity activities, receive information, process it, summarize it, draw conclusions. The more perfect electronic textbooks are in the process of education, the more it serves the worldview of the younger generation, the more potential development. So today it is worthwhile to study the secrets of electronic multimedia theoretically and apply them in practice sufficiently. The demand for foreign language learning is also increasing day by day. The most important issue is the introduction of modern communication technologies into the educational process, the purposeful and correct, productive use of them, through which the student will gain interest in a foreign language, increase the effectiveness of teaching. Through this, the opportunity to use innovative technologies of Education arises, and the demand increases. Well the question arises about innovative technologies and how to pass a lesson from it.

Innovative technology means a new approach to the forms, methods and methods of Education. Innovative technologies are the pedagogical process, as well as the introduction of innovations and changes in the activities of teachers and students, and in its implementation are mainly used interactively (interactively) techniques. With the use of innovative technologies, the lesson becomes easier for the student to remain in the memory of the lesson, and the main thing is to achieve the unity of the teacher and the reader, to interest the students in science, to change the attitude to education and to learn the effective use of Information Technologies. At present, a student who wants to acquire a foreign language specialty receives the following knowledge, skills and qualifications on the language is studying.

- I. Types of speech activity(4 main)
- II. Language material(lexicon,phonetics, phonetics)
- III. Linguistic knowledge(lexicology, phonetics, phonetics)
- The IV. Foreign language teaching methodology.(pedagogical)

And the issue that lies ahead of us now is to answer the question of how to use innovative technologies in foreign languages and what efficiency will be achieved.

In order to develop English language science, English language science has been passed in our country since the 1st grade. The process of the lesson for the reader will be interesting and understandable if a lesson is passed in the case of using a computer material in the form of a game for the 1st classes. A person achieves spiritual perfection, as a rule, by hearing,seeing, and remaining, by reading. In teaching foreign languages, too, it will be necessary to improve the skills of 4 stages listening, speaking, reading, writing. And the role of innovative technologies in improving this skill is incomparable.

LISTENING - how to use innovative technologies in developing this skill? Understanding by listening to activity of 3 immortals,the general sense of hearing perceives the meaning in speech by distinguishing the sound side of words and understanding the essence. There is a lot to say when choosing or creating audio texts for listening.And for this, innovative technologies are of great importance.The main sources of information retrieval through auditory perception and analyzer are from auditory technical weapons to tape recorders and recorders, radio, Film and television broadcasts.

SPEAKING - we also use modern technologies in speaking(by talk, speaking, English speaking practice,talk now), which means that you can improve your speaking skills not only by learning the language in your country but also by talking to people whose national language is English or other foreign language. Through these networks, it is possible to improve not only the speaking skill, but also the writing skills through the chat service.In the course of the lesson, it is possible to improve the skills of speaking through the game from the technologies. For example, the computer has given numbers from 1 to 30, and under the numbers are hidden topic topic known, which is called topic.Someone will talk their thoughts on the subject by choosing the desired number out of a student.The age and level of knowledge of the students must be taken into account while choosing the subject.

READING - with the use of modern technologies,we can improve our reading skills by viewing videos,movies, multifilms and other shows, that is, using auxiliary texts that are displayed under the videos . In some of our students, the visual (learning by sight)ability will be enhanced and they will learn by seeing and reading.

WRITING - the role of social networks in particular in the skill is incomparable. For example, we talk through our friends when learning a foreign language through telegram or electronic mail. We send letters, suggestions and references via Email. This contributes to an increase in writing skills. Writing exercises and books that come through the Internet are also for us.

The role of innovative technologies in language development is great. It is useful not only for studying in schools, lyceums, universities in our country, but also for studying in foreign educational institutions. Even online without going abroad can be read remotely through modern technology. As the education system sets itself the task of educating a free-thinking, competent, mature person, in the future we can add our own hissamizni with the help of which we will develop more perfect ways for future teachers to effectively use innovative technologies.

In conclusion, in the century when the current 21st century technologies developed, convenient, easy and modern teaching methods were developed and established in language learning and teaching from the age of 7 to 70 years, and even more research was carried out. At a time when the need to learn a foreign language was high, the efficient use of modern information technology, innovative educational technology in the educational process led to this process being effective. The effectiveness of innovative educational technologies in their proper and efficient use in the educational process

REFERENCES:

1. Farhodjonova N. F., Abdurahimov V. A. Modern technologies of students training in higher education //Наука и техника. Мировые исследования. – 2020. – С. 5-7.
2. Jalilov J. Methods of teaching foreign language, -Tashkent, 2012.
3. Djumaqulov A. The difference modular teaching technology and traditional teaching, 2020.

UO'K 355.233.231.1

O'SMIRLARDA VATANPARVARLIK QADRIYATLARINI SHAKLLANISHNI TARBIYAVIY AXAMIYATI

*F.G'. Rasulova, PhD, Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti, Andijon
Sh.N. Soliyev, assistent, Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti, Andijon*

Аннотация. Мақоллада о'смirlar da ijtimoiy faolligi vatanparvarlik qadriyatlarini shakllanishida ulardagi ijobiy va salbiy xissiyot xolatlarining ijtimoiy psixologik xususiyatlarini ko'rsatilgan.

Калит сўзлар: Vatanparvarlik, qadriyat, xissiyot, ma'naviyat, globallashuv, o'smirlik davri.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы социально психологического влияния положительных и отрицательных чувств в процессе патриотического воспитания подростков.

Ключевые слова: Патриотизм, духовность, глобализация, подростковый возраст, ценностные ориентации, чувства.

Abstract. The article describes the socio-psychological characteristics of positive and negative emotional states in the formation of patriotic values of social activity of adolescents.

Keywords: Patriotism, values, emotions, spirituality, globalization, youth.

O'zbekiston yoshlar mamlakati hisoblanadi. Mamlakatimiz aholisining 60 foizidan ortig'ini yoshlar tashkil etadi. Shuning uchun O'zbekiston o'z mustaqilligini qo'lga kiritishi bilan yoshlar siyosatiga alohida ahamiyat bera boshladi.

Vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantiruvchi, vatan tuyg'usi to'g'risidagi fikrlar jahon sivilizatsiyasiga ulkan xissa qo'shgan yurtdosh mutafakkirlarimiz al-Xorazmiy, al-Farg'oniy, Abu Nasr Forobiy, Abu Mansur s-Samarqandiy, Ibn Sino asarlarida ham o'z ifodasini topgan.

Jamiyatimizda ro'y berayotgan globallashuv jarayonlari, bir tomondan, o'smir-yoshlarida zaruriy bilim, dunyoqarashi ko'nikmalarini shakllanishida ko'proq ma'lumot olishiga xizmat qilayotgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, ularning bir qismida milliy qadriyatlar, milliy ma'naviyatning nisbatan kamroq o'zlashtirilishiga, Ommaviy madaniyat niqobi ostida miliy xususiyatlarmizga zid bo'lgan munosabatlarning shakllanishiga sabab bo'lmoqda. Bu jarayonda, ayniqsa, televidenie, internet, kompyuter o'yinlari, kinoseriialarning ta'siri kuchli bo'lmoqda.[1.2.5.9]

Bu borada milliy merosiga asoslanish, undan yoshlar ma'naviyati shakllantirishda ulardagi yosh va individual xususiyatlarga xos tarzda foydalanish vazifalari ta'lim-tarbiya tizimlariga kiritilishi zarur. [5.12]

Albatta ota-ona, oila-a'zolari, qarindoshlar, o'qituvchilar shaxsi tarbiyaviy ta'siri o'smir yoshlarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllanishida alohida o'rin tutishi, ijobiy psixologik ta'sir ko'rsatishi orqali uning samarali ijtimoiylashuvini ta'minlaydi. Bu ijtimoiy omillarning o'smirlarning shaxs sifatida shakllanishiga ulkan ta'siri alohida e'tibor talab qiladi.

O'smir ruhiyatida sodir bo'layotgan o'zgarishlarning eng muhimi, ularda asoslangan shaxsiy fikrlarning paydo bo'lishi, tanqidiy tafakkurning rivojlanishidir. O'smir ko'pincha o'zining xulq-atvori bilan

bolalar dunyosidan ajralishga, katta kishilarga o'xshashga, kimlardandir ibrat olishga, atrofdagi kishilar o'zi bilan kattalardek muomala qilishlarini xohlab, shunga erishishga harakat qila boshlaydi. Agar o'smirning bu xohish, istaklari inobatga olinmasdan, u bilan bolalarcha muomalada bo'linsa, uning jahli chiqadi, o'jarlik va hatto qo'pollik, qo'rslik qila boshlaydi. Ota-onalar o'smir farzandlarida sodir bo'layotgan bunday ruhiy o'zgarishlarni har doim ham o'z vaqtida sezmaydilar. O'smirlar esa o'zlariga nisbatan qilinayotgan muomalaning ohangiga, xarakteriga nisbatan juda sezgir bo'ladilar.[7.9.12.]

O'smirlik yoshi - bu ularning xatti-harakatlarida doimo suyanadigan dunyoqarashning, ahloqiy ishonch printsipi hamda ideallarining shakllanishi, mulohaza yuritish va ijtimoiy hodisalarni baholash tizimining tarkib topish davridir.

O'smirlik davrida sodir etilgan xatti-harakatdan qoniqish yoki qoniqmaslik xulq-atvor shakllanish sharti, barqarorlik uning tavsiflaridan biri hisoblanadi. I.S.Kon ko'rsatganidek, "Jamiyat oldidagi burch tuyg'usi yaqin kishilarga nisbatan alohida majburiyatlarni yo'qqa chiqarmaydi, umumlashtirilgan boshqa (qoidalarga) yo'naltirilganlik boshqalarning aniq bir fikriga quloq solishni istisno etmaydi.[8]

Bu borada o'smirlarda atrofida ro'y berayotgan ijtimoiy voqeelikka nisbatan qiziqishlarning ortishi, shu bilan birgalikda ularni aniq mantiqiy xulosa chiqarish va qarorlar qabul qilishda xali xayotiy tajribaning yetishmasligini e'tibordan chetda qoldirish mumkin emas.

Psixolog A.Maslouning ta'riflashicha, o'smirning o'ziga xos qarashlari, fikrlari tanish-bilishlar, tengdoshlar, ommaviy axborot vositalari ta'siri ostida yuzaga keladi. U o'smirda dunyoqarashning paydo bo'lishi, munosabatlar, intilishlar, did va qadriyatlar shakllanishi bolalikdagiga nisbatan boshqacharoq tarzda kechishini ta'kidlagan.[8,9]

O'smirlardagi ijobiy xissey xolatlar vatanparvarlik tarbiyasi jarayonida ularda ijtimoiy faollikni keltirib chiqaruvchi omil sanaladi. O'smirdagi ijobiy hissiyotlar, odatda, undagi intilishlarni tug'diradi yoki mavjud intilishlarni kuchaytiradi, kelajakdagi istiqbolli maqsadlarni belgilashga undaydi. O'smir dunyoni avvalgidan ham go'zal his etsa, uning yosh qalbida vatanparvarlik tuyg'usi yanada kuchli uyg'onadi. Kelajakka bo'lgan ishonch, orzu-umidlar kengayadi.

Bu borada salbiy xisslarning o'smirlarda negativ kechinmalar paydo bo'lishiga sabab bo'luvchi omil ekanligini ta'kidlagan xolda, ulardagi faollashtiruvchi kuch sifatidagi o'rmini xam e'tibordan qochirmaslik zarur. Ya'ni ayrim salbiy hissiyotlar vaqtida o'smir harakatlarini kelib chiqishida alohida ahamiyat kasb etadi. Masalan, g'azab, nafrat hislari vaqtida bizning harakatlarimiz shu emotsional kechinmalarga sabab bo'lgan narsa tomonga yo'naladi. Buning sababi shuki, bizda shu narsani yo'q qilish yoki uning harakatini bostirish harakati tug'iladi. Mustaqil vatanimizning dushmanlari, terorizmga, diniy aqidaparastlikka, vahobizmga nisbatan o'smirdagi g'azab va nafrat xisseyotlari asosida vatanni asrash, uni muqaddas sanalishi, vatan tinchligi va ravnaqini ximoya qilish tuyg'ulari shakllanadi.[4.5]

O'smirning ma'naviy yetukligi undagi vatanparvarlik, insonparvarlik va mehr-muruvvat xisslarini shakllanishi zamirida paydo bo'luvchi, shakllanuvchi va shaxs ma'naviyatini belgilovchi qadriyatlar bilan belgilanadi.

O'smirlar vatanparvarlik xisleri ulardagi ichki motivatsion omil sifatida shakllanishi, ulkan ijtimoiy tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.

O'smirlik davrida dunyoni avvalgidan ham go'zal his etsa, uning yosh qalbida vatanparvarlik tuyg'usi yanada kuchli uyg'onadi. Kelajakka bo'lgan ishonch, istiqbolli rejalar tuzishga undaydi.

Shu bilan bir qatorda o'smir xayotida uchrab turadigan turli tabiatdagi muammolarni, nizolarni xal etishni o'rganishi lozim. Ularda "Nega bunday? "Nima uchun shunday bo'lishi kerak?", "Muammoni to'g'ri xal etish uchun qaysi yo'lni tanlash kerak?" kabi muammoli savollar ko'plab paydo bo'lsin. Bu kabi savollar yechimi topishda o'smir uchun emotsional yaqin bo'lgan insonlar ota-ona, o'qituvchi, tengdoshlari fikrini ham uning uchun ahamiyatlilik darajasi yuqoriligini ta'kidlab o'tish zarur. O'smirda boshqalar baxtsizligiga qayg'urish, achinish, ularga yordam berishga astoydil intilish, hayajonlanish holatlari yuzaga kelishi asosida, unda dunyoni yanada aniqroq idrok qilish ehtiyoji paydo bo'ladi.

O'smir yoshlarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantirish, ularda xissey motivatsion munosabatlarini tarkib toptirishda quyidagi vazifalarni amalga oshirish zarur:

- o'quvchilarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantirishni ijtimoiy hayot sharoitlari bilan bog'lab olib borish;

- O'smirlar faolligini ijtimoiy yo'naltirish, ijtimoiy faolligini oshirishga qaratilgan amaliy faoliyatni tashkil etish;

- ijtimoiy onglik ijtimoiy hayot vaziyatlaridan to'g'ri yo'l topib chiqa olish, mustaqil fikrlash, mantiqiy xulosalar chiqarish ko'nikmalarini shakllantirish;

- Ommaviy axborot vositalari orqali berilayotgan ma'lumotlarni idrok etishda axborot iste'moli madaniyatini shakllantirish.

Shuni ta'kidlash mumkinki, jahon hamjamiyatida ijtimoiy siyosiy vaziyatlarning keskinlashayotgan bir sharoitida o'quvchi yoshlarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantirish muhim ahamiyatga ega ekanligi ta'kidlanmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Inomova M. Oilada bolalarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlaridan foydalanish. Toshkent, 1995.
2. Ibrohimov A. va boshqalar. Vatan tuyg'usi. Toshkent, 1996.
3. Musurmonova O. Oila ma'naviyati – milliy g'urur. Toshkent, 1999.
4. Mustaqqillik: Izohli ilmiy-ommabop lug'at. Toshkent, 1998.
5. Nishonova S. va Alimova G. Bolalar psixologiyasi va uni o'qitish metodikasi. T – 2009 y.
6. Nishonova Z.T. Psixologiya tarixi T-2002 y.
7. Otavaliyeva O'. Bolalar psixologiyasi (1.2 qism). Samarqand, 2003.
7. Petrovskiy A.V. Umumiy psixologiya. Toshkent, 1986.
8. Pedagogika. Munavvarov A.Q. tahr. Toshkent, 1996.
9. Karimova V. Psixologiya (o'quv qo'llanma). Toshkent, 2002.

UDC 378(082)

TEACHING AND ASSESSING SPEECH ACTS IN THE ESL CLASSROOM

E.T. Sadikov, instructor, Bukhara State University, Bukhara

Annotatsiya. *Mazkur ishning asosiy maqsadi pragmatik nutq aktlarining dars davomida o'qitilishiga qaratilgan bo'lib, ushbu jarayonda qo'llash mumkin bo'lgan pragmatik topshiriqlar haqida so'z boradi, jumladan, nutq aktlarining shikoyat, iltifot, inkor, taklif va murojaat turlariga oid mashg'ulotlarning umumiy tavsifi, maqsadlari hamda ijobiy va salbiy jihatlari yuzasidan qator tahlillar keltiriladi.*

Kalit so'zlar: *pragmatika, nutq aktlari, iltifot va inkorni ifodalovchi nutq aktlari*

Аннотация. *Этот документ призван продемонстрировать некоторые конкретные действия, которые можно использовать при обучении речевым актам жалоб, комплиментов, отказов, приглашений и просьб. Сначала он предоставляет общую справочную информацию о мероприятиях, во-вторых, в нем четко изложены цели каждой задачи и, наконец, обсуждаются преимущества и недостатки этих задач.*

Ключевые слова: *прагматика, речевые акты, комплименты, отказы.*

Abstract. *This paper aims to demonstrate some specific articles that can be used while teaching the speech acts of complaints, compliments, refusals, invitations and requests. Initially, it provides some general background information about the activities, secondly it outlines clear objectives of each tasks and finally discusses the advantages and disadvantages of these tasks.*

Keywords: *pragmatics, speech acts, compliments, refusals.*

Introduction. Assessing pragmatics has not been considered to be a right option in the last few decades. But recent research has denominated that it is essential to assess pragmatics in the classroom. Cohen (2004) reveals some reasons of this aspect. Initially, teachers will be able to understand whether their students are capable of learning the pragmatics which is accompanied by the instruction or not, thus, it presents a great opportunity for educators. Secondly, teachers will be able to examine their students' performance on diverse types of speech acts. Finally, teachers will be able to evaluate the learners' abilities and behavior in various sociocultural situations.

In his article Ishinara (2009) decodes assessing pragmatics as classroom based assessment and teacher based assessment. The author also depicts three types of pragmatic ability assessment (linguistic, cultural, analytic aspects). The following activities are going to be assessed according to these three aspects.

General description of the activities. These activities are designed for B1 level learners. It mainly focuses on two types of speech acts, such as, apology and complaint. In addition, it covers some other fragments of pragmatics and presents specific elements of diverse speech acts.

Situation 1

Mother: Where have you been son? (1) It is too late.

Son: Excuse me, mom. I was in the library with my friends. I think you know that tomorrow I am going to take the final exam.

Mother: I know, but was it possible to work in the library in such a late hour? (2)

Son: Again you don't believe me. You may ask John, he was also there.

Mother: Unfortunately, nearly 30 minutes ago John came and asked where you had been. It is quite strange.

Son: Oh, really, erm... Sorry, but (3)

Mother: Honesty is the best policy, son.

Son: I am really sorry mom (4). I was with Mary and we were preparing together for our exams.

Mother: You had to tell the truth from the beginning.

Son: Please excuse me for being dishonest (5). Will you?

Mother: You have to pass your exams with flying colors! (6)

Son: Thank you (7), I will do my best (8). You are the best mom in the world! (9)

Remarks

1– form of requesting

2 – form of surprise

3 – form of gratitude

4 – form of apology

5 – form of hesitation/doubt

6 – form of accepting the apology (explicit form)

7 -- form of gratitude

8 – form of promising

9 – form of complimenting

Description of the assessment. The following type of assessment can be used as formative assessment. According to Brookhart (2010) points out that formative assessment is both fruitful both for teachers and learners. Even learners can be involved in the process of peer evaluation and this can make ease the responsibility of teachers. The rubric and rationale are classified according to four grades and measured in four clear aspects of evaluating pragmatics (restructured from Ishinara, Chapter 15) in the classroom. The teacher can use it on a daily basis and note the marks in the check list form.

Rubric and rationale for Activity 1

Evaluation statistics

5 – Effective 4—somewhat effective 3 – Less effective 2—Ineffective

1. Strategies of Speech Acts 5 4 3 2

2. Vocabulary/specific phrases 5 4 3 2

3. Level of register (formality, informality) 5 4 3 2

4. Pragmatic tone 5 4 3 2

Justification of assessment. This type of assessment is preferable for both evaluating and diagnosing. Teacher can analyze their learners' abilities, intelligence and competence with this scoring instrument. Learners can compete with one another and follow this instrument as a good range of scaling. Teachers may understand whether they achieved their objectives or not.

Summary. This type of assessment: rubrics and rationale provides a great opportunity for teachers and learners. Learners can work in groups and pairs; even they can be attracted individually. Instructors measure learners' capabilities, such as, their use of speech acts, interactions, grammar knowledge and frequency of utilizing pragmatic patterns.

Situation 2

Mary: Good evening sir (1), I wish you would stop (2) playing this awful trumpet.

New neighbor: Good evening (3), mam, I wish I could, but (4) tomorrow I will have an exam at National Philharmonic.

Mary: But it is too late to do this! Adequate people should know how to reside in a flat (5)!

New neighbor: I thought people might be polite to each other (6).

Mary: What? Do you consider me as impolite? (7) What nonsense are you saying? (8)

New neighbor: Sorry, mam, (9) I have to keep my nervous unbitten as I am going to pass an exam tomorrow.

Mary: If you do not stop playing your musical instrument immediately (10), you will have an exam at the police office!

Remarks

